ЖОН РИД

ДУНЁНИ ТИТРАТГАН ЎН КУН



ЖОН РИД

ЖОН РИД

ДУНЁНИ ТИТРАТГАН ЎН КУН

БИБЛИОТЕКА
Хорезм.Гос.Пед.
014558

В. И. ЛЕНИН
ВА
Н. К. КРУПСКАЯ
МУҚАДДИМАСИ

КИТОБНИНГ АМЕРИКАЧА НАШРИГА МУҚАДДИМА

Жон Риднинг «Дунёни титратган ўн кун» китобини буюк мароқ ва зўр диққат билан ўқиб, бу асарни бутун мамлакатларнинг ишчиларига чин қалбимдан тавсия этаман. Пролетар революцияси ва пролетариат диктатураси нима эканлигини англамоқ учун аҳамияти буюк бўлган ҳодисаларни ҳаққоний ва фавқулодда жонли бир суратда тасвир этган бу китобнинг барча тилларга таржима қилиниб, миллионлаб нусхада тарқалишини кўрмоқни орзу қилар эдим. Бу масалалар ҳозир кенг доирада муҳокама қилинаётган бўлса-да, бу идеяларни қабул қилмоқ ёхуд рад этмоқдан аввал қабул қилинадиган қарорларнинг бутун маъно ва аҳамиятини англамоқ лозимдир. Жон Риднинг китоби, шубҳасиз, бутун дунё ишчилар ҳаракатининг асосий проблемаси бўлган бу масалани ойдинлаштириб бера олади.

Н. Ленин.

1920 йил

РУСЧА НАШРИГА СЎЗ БОШИ

Жон Рид ўзининг ажойиб китобига «Дунёни титратган ўн кун» деб ном қўйди. Китобда Октябрь революциясининг дастлабки кунлари фавқулодда ёрқин ва кучли тасвирланган. Бу фактларнинг шунчаки оддий саноғидан, ҳужжатлар тўпламидан иборат эмас, бу — бир қатор жонли ва шунчаки типик манзараларки, революцияда иштирок қилган ҳар бир кишининг, шубҳасиз, хотирида шунга ўхшаш ҳодисалар жонланади. Турмушдан олинган бу манзаралар ҳаммаси оммани нг кайфиятини жуда яхши тасвирлаб беради,— буюк революциянинг ҳар бир ҳодисаси унинг заминида янада равшанроқ бўлиб кўринади.

Халқнинг тилини, турмушини... билмайдиган америкалик бир ажнабийнинг бу китобни қандай ёзганлиги биринчи қарашда қизиқ туюлиши мумкин. Унинг ҳар бир қадамда ғалати хатоларга йўл қўйиши, кўпгина муҳим воқеаларни назардан қочириши турган гап эди.

Ажнабийлар Совет Россияси ҳақида бошқачароқ ёзадилар. Улар юз бераётган ҳодисаларни ё бутунлай тушунмайдилар, ёки ҳар вақт типик бўлмаган айрим фактларни олиб, шуларни умумлаштирадилар.

Дарҳақиқат, революцияни ўз кўзи билан кўрган кишилар бармоқ билан санарлидир.

Жон Рид лоқайд мушоҳадачи эмас эди. У ҳодисаларнинг мафҳумини, улуғ курашнинг маъносини тушунган оташин революционер, коммунист эди. Ҳодисаларни тушуниш унга шундай ўткир бир назар бахш этдики, бусиз бундай китобни ёзмоқ имкондан ҳориж эди.

Руслар ҳам Октябрь революцияси ҳақида ўзгачароқ ёзадилар: улар бу революцияга ё баҳо берадилар, ёхуд ўзлари иштирок этган эпизодларни тасвирлайдилар. Жон Риднинг китоби ҳақиқий оммавий халқ революциясининг умумий манзарасини беради. Шу сабабдан ҳам бу китоб ёшлар учун, Октябрь революцияси бир тарих бўлиб қоладиган келажак авлод учун янада катта аҳамиятга эга бўлади. Жон Риднинг китоби ўзига хос бир эпосдир.

Жон Рид ўзини бутунлай рус революциясига бағишлаган киши эди. Совет Россияси унинг учун қадрдон ва яқин бўлиб қолганди. У тиф билан оғриб, шу ерда вафот этган ва Қизил майдон девори ёнига дафн этилган. Революция қурбонларининг дафн маросимини Жон Риддек тасвир этган ҳар бир кимса шу шарафга ноилдир.

Н. Крупская.

ЖОН РИД

ДУНЁНИ ТИТРАТГАН ЎН КУН

СЎЗ БОШИ

Бу китоб — тарихнинг энг кескин бир даврини, яъни мен кўрган даврни акс эттиради. Бу китоб, большевиклар ишчи ва солдатларга бош бўлиб, Россияда давлат ҳокимиятини қўлга олиб, Совётларга топширган Ноябрь* революцияси кунларининг муфассал ҳисобинигина бериш каби вазифани ўз зиммасига олади, холос.

Китобнинг кўп қисми, шубҳасиз, қўзғолоннинг маркази ва қалби бўлган «Қизил Петроград»га бағишланган. Бироқ Петроградда турли вақтда ва турли жиддият билан бўлиб ўтган барча ҳодисаларнинг Россиянинг ҳар бир ерида худди шундай такрорланганини китобхон билиб қўймоғи лозим.

Мен ёзаётган китоблардан биринчиси бўлган бу китобда ўзим кўрган ва бошимдан кечирган ҳодисалар, ёхуд ишончли манбаларда тасдиқланган маълумотлар билангина чекланаман. Китобнинг бош қисмидаги икки боби умумий вазиятни ва Ноябрь революциясининг сабабларини қисқача баён қилиб беради. Бу бобларни ўқиш осон эмаслигини билиб турибман, лекин улар бошқа бобларни англамоқ учун жуда муҳимдир.

Китобхонда кўпгина саволлар туғилиши турган гап. Большевизм нима? Большевиклар томонидан қандай сиёсий тузум барпо этилди? Агар большевиклар Ноябрь революциясига қадар Таъсис мажлиси учун курашган бўлсалар, кейинчалик нима учун уни қурол кучи билан тарқатиб юбордилар? Большевизм буржуазия учун очиқдан-очиқ хавф туғдирганга қадар буржуазия Таъсис мажлисига қарши курашган бўлса, кейинчалик нима учун бу мажлиснинг чақирилишига ўзи шу қадар тарафдор бўлиб қолди?

---

* Жон Рид китобида барча маълумотлар янги йил ҳисоби билан берилган. Бу нашрда эса қавс ичида эски йил ҳисоби ҳам берилади.— *Ред.*

Китоб бундай ва шунга ўхшаш бошқа кўпгина саволларга жавоб беришга ожиздир. Революциянинг боришини, Германия билан яраш битими тузилгунга қадар, мен «Корниловдан Брест-Литвага қадар»* номли китобимда баён этаман. Мен унда революцион ташкилотларнинг пайдо бўлиши ва фаолияти характерини, халқ кайфиятининг ривожланиши ва ўзгариб туришини, Таъсис мажлисининг тарқатиб юборилиш сабабларини, Совет давлати тузилишини, Брест музокараларининг бориши ва натижаларини баён этаман.

Большевикларнинг омма орасида ўсиб бораётган шуҳратини қайд этиш билан бирга, шу нарсани тушуниш керакки, Россияда иқтисодий ҳаёт ва рус армиясининг бузғунликка юз тутиши 1917 йилнинг 7 ноябрида (25 октябрда) эмас, балки 1915 йилда бошланган жараённинг муқаррар мантиқий оқибати равишда ундан бир неча ой илгари рўй берган эди. Подшо хонадонини ўз қўлида сақлаб турган сотқин реакционерлар Германия билан бир томонлама сулҳ тузишни тайёрлаш мақсадида Россияни тор-мор келтириш учун онгли равишда иш олиб бордилар. 1915 йил ёзида фожиали чекинишга олиб келган фронтда қурол-яроқларнинг етишмаслик сабаби, армияда ва катта шаҳарларда озиқ-овқат танқислиги, 1916 йилда саноат ва транспортдаги вайронгарчиликлар — буларнинг ҳаммаси саботажчилик кампаниясининг бир қисми эканини биз энди яхши биламиз. Бунга кескин пайтда Март** революцияси хотима берди.

Дунёда энг мазлум бўлган бир юз олтмиш миллион халққа кутилмаган бир пайтда озодлик берган улуғ революция вақтида муқаррар рўй берадиган парокандаликларга қарамасдан, ўрнатилган янги тартибнинг дастлабки бир неча ойлари давомида мамлакатнинг ички аҳволи ҳам, унинг армиясининг жанговарлик қобилияти ҳам шубҳасиз яхшиланди.

Лекин «ширин дамлар» кўпга чўзилмади. Мулкдорлар синфи ҳокимиятни подшо қўлидан ўзларига тортиб олиб берадиган атиги сиёсий революциянигина истар эдилар. Улар Россияда Франция ва Қўшма Штатлардаги сингари конституцияли республика, ёки Англиядаги сингари конституцияли монархия барпо этиш истагида эдилар. Халқ оммаси эса ҳақиқий ишчи-деҳқон демократияси бўлишини хоҳлардилар.

Уильям Инглиш Уоллинг*** 1905 йил революцияси очеркидан иборат бўлган ўзининг «Благовест России» (Russia's

---

* «Kornilov to Brest-Litovsk» — *Жон Рид.*

Бу китоб босилиб чиққани йўқ. Жон Рид уни ёзиб тамомлай олмади.—*Ред.*

** Февраль (эски йил ҳисоби билан).

*** *Уильям Инглиш Уоллинг* (1877—1936), америкалик экономист ва социолог, ишчилар ҳаракати ва социализм ҳақида ёзилган бир қанча китобларнинг автори. Ж. Рид бу ерда парча келтирган Уоллингнинг «Благовест России» асари 1918 йилда АҚШда босилиб чиққан. — *Ред.*

Message,) деган китобида, пировардида ҳамжиҳат бўлиб, большевиклар тарафини олиб курашган икки рус ишчисининг аҳволини жуда ажойиб тасвирлаб беради:

«Улар (ишчилар) ҳукумат бошқа социал синфлар қўлига ўтиб, гарчи у жуда эркин ҳукумат бўлса-да, ўзларининг аввалгидек оч қолишлари турган гап эканлигини кўрдилар....

Рус ишчиси — революционердир, аммо у зўровон, догматик, ақл-фаросатдан маҳрум эмас. У баррикадаларда жанг қилишга тайёр, аммо у бундай жангларни бутун дунё ишчилари орасида биринчи бўлиб ўз тажрибасида синаб кўрган ва ўрганган. У ўзини эзиб келган капиталистик синфга қарши умрининг охиригача курашмоққа тайёрдир. Лекин у бошқа синфларнинг мавжудлигини ҳам унутмайди. У яқинлашиб келаётган қаттиқ ихтилофларда улар ё у томонга, ё бу томонга ўтишларини талаб қилади, холос.

Улар (ишчилар) бизнинг (америкача) сиёсий муассасаларимиз уларнинг ўзлариникидан афзаллигига иқрор бўлсаларда, аммо улар бир истибдодни иккинчиси билан (яъни капиталистлар синфи билан) ҳеч бир алмаштириш иштиёқида эмаслар.

Россия ишчилари Гольдфильдс ва Криппл-Крик ишчиларининг шубҳали имтиёзларини қўлга киритиш учунгина Москва, Рига ва Одессада юзлаб отилган ва қатл этилган, ҳар бир рус тюрьмасига минглаб қамалган, чўллар ва шимолий қутб томонларга сургун қилинган эмаслар...».

Шу сабабдан ҳам Россияда ташқи урушлар қизиган даврда сиёсий революция ўсиб, социал революцияга айланди, бу революция большевизм тантанасида ўзининг камолот чўққисига эришди.

Американинг Совет ҳукуматига душман Россия ахбороти бюросининг директори А. Ж. Сак «Россияда демократиянинг туғилиши» деган китобида қуйидагиларни ёзади:

«Большевиклар Николай Ленинни премьер қилиб ва Лев Троцкийни ташқи ишлар министри қилиб, ўз кабинетларини туздилар. Уларнинг ҳокимият тепасига муқаррар равишда келиши Март революциясидан бевосита кейиноқ дарҳол аён бўлиб қолди. Большевикларнинг революциядан кейинги тарихи — уларнинг тўхтовсиз ўсиш тарихидир».

Ажнабийлар ва хусусан америкаликлар рус ишчиларининг «иодоплигини» кўп тилга оладилар. Тўғри, рус ишчиларида гарбдаги халқларнинг сиёсий тажрибалари етишмайди, аммо улар ўзларининг кўнгилли ташкилотларида ажойиб мактабни ўтганлар. 1917 йилда рус матлубот жамияти (кооперативлари) нинг ўн икки миллиондан ошиқ аъзоси бор эди, Советлар эса рус меҳнаткашлар оммасидаги доҳиёна ташкилотчиликнинг ажойиб мевасидир. Бунинг устига социалистик назарияни ва уни амалда татбиқ этишни бунчалик яхши ўрганган халқ бутун дунёда топилмаса керак.

Уильям Инглиш Уоллинг бу одамларни мана шундай таърифлайди:

«Кўпчилик рус ишчилари ўқиш-ёзишни биладилар. Мамлакат кўп йиллардан бери шундай нотинч аҳволдаки, улар ўз ораларидан етишиб чиққан билимдон кишиларнинггина эмас, балки Россиянинг сиёсий ва социал уйғониши йўлида ўз идеялари билан рус ишчиларига мурожаат қилган жамиятнинг зиёлилар табақасидан иборат кўпгина революцион шахсларнинг раҳбарликларидан ҳам фойдалана олдилар...».

Кўпгина авторлар ўзларининг совет тузумига душманликларини шу билан билдирадиларки, рус революциясининг сўнгги босқичи жамиятдаги «муҳтарам зотлар»нинг большевикларнинг қаҳр-ғазабига қарши курашидан иборат эмиш. Аммо ҳақиқатда эса, ҳоким синфлар халқ революцион ташкилотларининг қудрати ўсиб бораётганини кўриб, уларни тормор келтиришга ва революцияни тўхтатиб қолишга қарор қилдилар. Шу мақсадга эришиш йўлида буржуазия пировардида энг кескин чоралар кўришгача борди. Керенский министрлигини ва Советларни тўзитиб юбормоқ учун транспорт ишдан чиқарилди ва ички тартибсизликлар авж олдирилди. Фабрика-завод комитетларини йўқотмоқ учун корхоналарни ёпиб қўйдилар, ёқилғи ва хом ашёни яширдилар. Фронтда армия комитетларини тарқатиб юбормоқ учун ўлим жазосини тикладилар ва фронтдаги мағлубиятларга йўл очиб бердилар.

Булар ҳаммаси большевикларнинг қизғин иш олиб бориши учун зўр бир озуқ бўлди. Большевиклар синфий курашни даъват қилиш ва Советларнинг устунлигини эълон қилиш билан жавоб бердилар.

Бир-бирига қарши бу икки оқим ўртасида уларни бутунлай ёки қисман қўллаб-қувватловчи группировкалар, жумладан «муътадил» социалистлар деб аталган меньшевиклар, социал-революционерлар ва яна бир неча майда партиялар бор эди. Бу группировкаларга ҳам мулкдор синфлар ҳужум қилдилар, бироқ уларнинг бу қаршиликлари ўзларининг назариялари туфайли барбод бўлди.

Умуман олганда, меньшевиклар ва социал-революционерлар, Россия социал революция учун ҳали иқтисодий жиҳатдан пишиб етилмаган, фақат *сиёсий* революциягина қилиш мумкин, деб ўйлар эдилар. Уларнинг фикрича, рус оммаси ҳокимиятни қўлга олиш учун ҳали етарли даражада тайёргарлиги йўқ эмиш; бу хилдаги ҳар қандай уринишлар муқаррар равишда реакцияга олиб келар эмиш, шу реакция ёрдами билан бирор беор сиёсатдон эски тартибларни тиклаши мумкин бўлар эмиш. Шу жиҳатдан ҳам «муътадил» социалистлар ҳокимиятни қўлга олишга мажбур бўлганларида, бу ҳокимиятдан фойдаланишга қўрққан эдилар.

Улар Россия Ғарбий Европа босиб ўтган сиёсий ва иқтисодий тараққиёт босқичини ўтиши лозим, ана шундан кейингина бошқа мамлакатлар билан бирликда тўла ривожланган социализмга эришиш мумкин, деб ўйлардилар. Шу сабабдан, табиийдирки, улар мулкдор синфлар билан бирликда, ғарб демократиясига баъзи бир тузатишлар киргизиб бўлса-да, Россия аввало парламентли давлат бўлиши лозим деб топар эдилар. Бунинг оқибати шу бўлдики, улар мулкдорлар синфини ҳукуматда қатнаштириш тарафдори бўлдилар.

Уларнинг қўллаб-қувватлашлари учун бир қадамгина қолган эди. «Муътадил» социалистлар буржуазияга муҳтож эди, аммо буржуазия «муътадил» социалистларга муҳтож эмас эди. Шунга кўра социалист-министрлар ўз программаларининг ҳар бир пунктида оз-оздан чекинишга мажбур бўлдилар. Мулкдорлар синфи намояндалари эса, борган сари қаттиқроқ ҳужумга ўтдилар.

Большевиклар пировардида ҳамма қуруқ муросасозларнинг кулини кўкка совурганларидан кейин, меньшевик ва эсерлар буржуазия томонида туриб курашга иштирок қилдилар... Ҳозирги вақтда дунёдаги ҳар бир мамлакатда айни ҳодисани кўриш мумкин.

Большевиклар, менинг назаримда, емирувчи куч эмас, балки ижодий программага ва бу программани амалга ошириш учун етарли ҳокимиятга эга бўлган Россиядаги ягона партиядир. Агар большевиклар ўша пайтда ҳокимиятни қўлда ушлаб қололмасалар, менингча, ҳеч шубҳа йўққи, декабрь ойидаёқ Германия император қўшинлари Петроград ва Москвага кирган ва Россия яна бирор подшо асоратига тушган бўлар эди...

Совет ҳокимияти бир йил яшаганидан кейин ҳам, большевикларнинг қўзғолонини «авантюра» деб аташ мода бўлиб қолди. Ҳа, бу бир авантюра эди ва, шу билан бирга, ҳайратланурли бир авантюра эди. Инсоният бундай қадамга ҳеч қачон журъат этолмаган. Бу — меҳнаткашлар оммаси бошчилигида тарихда янги саҳифа очган ҳамда меҳнаткашларнинг энг зарурий ва буюк орзуларини қондириш эди. Катта помешчикларнинг мулкларини деҳқонларга бўлиб бериш учун аппарат тайёр ҳолда турар эди. Ишлаб чиқариш устидан ишчи контроллиги ўрнатиш учун фабрика-завод комитетлари ва касаба союзлари тузилган эди. Ҳар бир қишлоқда, ҳар бир шаҳарда, ҳар бир уезд ва губернияда маҳаллий бошқариш ишларини ўз зиммасига олишга тайёр турган ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари мавжуд эди.

Большевизм ҳақида баъзилар ҳар хил фикрда бўлсалар ҳам, шубҳа йўққи, рус революцияси инсоният тарихида улуғ бир ҳодисадир, большевикларнинг олий мартабага эришиши эса жаҳоншумул аҳамиятга эга. Тарихчилар Париж Коммунаси ҳақида майда-чуйда тафсилотларни қидирганлари синга-

ри 1917 йил ноябрида Петроградда юз берган ҳодисаларни, бу вақтда халқнинг аҳвол руҳияси қандай бўлганини, унинг йўлбошчилари қандай бўлганини, нималар гапирганини ва нималар қилганини билмоқчи бўладилар. Китобни ёзганимда мен худди шу тўғрида ўйлаган эдим.

Бу курашда мен бетараф қолмадим, аммо бу улуғ кунларнинг тарихини баён қилганимда, мен ҳодисаларни бор ҳақиқатни кўрсатишга қизиққан беғараз тарихчининг кўзи билан қарашга уриндим.

Ж. Р.

Нью-Йорк,
1919 йил, 1 январь.

КИРИШ СЎЗ ВА ИЗОҲОТЛАР*

Оддий китобхон Россиядаги бир талай ташкилотларни — сиёсий группалар, комитетлар ва Марказий Комитетлар, дума ва союзларни тушунолмай боши жуда қотиши мумкин. Шу сабабдан мен бу ерда қисқача таърифлар ва изоҳотлар бераман.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Петроградда Таъсис мажлисига сайловларда ўн тўққизта, баъзи бир чекка шаҳарларда эса қирқтача номзодлар рўйхати бўлган; бироқ қуйида сиёсий партияларнинг мақсадлари ва составлари тўғрисида бериладиган қисқача обзорда, шу китобда тилга олинадиган группа ва фракцияларгина кўрсатилади. Бу ерда фақат уларнинг программаларидаги энг муҳим жойларигина кўрсатилган ва бу группаларни ташкил этган ижтимоий табақаларга умумий характеристикагина берилган.

1. Ҳар хил тусдаги *монархистлар, октябристлар* ва ҳоказолар. Бир вақтлар кучли фракция бўлган бу партиялар энди очиқ иш кўрмас эдилар; улар ё яширин ишлашга ўтганлар, ёки уларнинг аъзолари кадетлар партиясига кирганлар, чунки кадетлар уларнинг сиёсий платформаларини секин-аста қабул қилганлар. Бу группаларнинг вакилларидан китобда Родзянко, Шульгин тилга олинади.

---

* Жон Рид томонидан ёзилган «Кириш сўз ва изоҳотлар»да бир қадар ноаниқликлар бўлса-да, аммо ўзи диққатга сазовордир. Бу кириш сўз ва изоҳотлар авторнинг Октябрь олдидаги даврда Россияда юз берган сиёсий муносабатларни яхшилаб ўрганганини кўрсатади, энг муҳими эса, авторнинг сиёсий хайрихоҳ ва хайрихоҳ эмаслиги тўғрисида, ўзаро кураш олиб борган партиялар ва группировкаларга берган баҳоси тўғрисида ҳукм чиқариш учун имкон беради. Русча нашрида «Кириш сўз ва изоҳотлар» биринчи марта нашр қилинмоқда.— *Ред.*

1 КИТОБХОНА

2. *Қадетлар.* «Конституцион демократлар» партиясининг бош ҳарфлари олиниб, кадет деб аталган. Кадетлар партиясининг (революциядан кейинги) расмий номи —«Халқ озодлиги партияси»дир. Чоризм даврида, мулкдорлар синфи вакиллари — либераллардан ташкил топган кадетлар партияси *сиёсий* реформалар партияларининг энг йириги эди. Умуман олганда, Америкадаги тараққийпарвар партияга ўхшарди. 1917 йил Март революциясидан кейин кадетлар биринчи Муваққат ҳукуматни туздилар. Апрель ойида кадетлар ҳукумати ағдариб ташланди, чунки бу партия иттифоқчи давлатларнинг империалистик мақсадларини, шу жумладан, чор ҳукуматининг империалистик мақсадларини очиқдан-очиқ ҳимоя қилиб чиқди. Революция тобора социал революция тусига аниқ кира борган сари кадетлар консерватив тус ола бошладилар. Бу китобда уларнинг намояндаларидан Милюков, Винавер ва Шацкий тилга олинади.

2-а. *«Жамоат арбоблари группаси».* Корнилов контрреволюцияси билан алоқада бўлганликлари орқасида кадетлар ўз эътиборларини йўқотганларидан кейин, Москвада «Жамоат арбоблари группаси» тузилди. Бу группанинг вакиллари кейинчалик Керенский тузган ҳукуматда министрлик лавозимларини эгалладилар. Гарчи, Родзянко ва Шульгин сингари кишилар бу группанинг маънавий йўлбошчилари бўлса-да, у ўзини партиясиз деб эълон қилди. Бу группага энг уччига чиққан «ҳозирги замон» банкирлари, коммерсантлари ва саноат корхоналари эгалари кирган эди. Булар етарли даражада ақлли кишилар бўлиб, Советларга қарши уларнинг ўз қуроллари—иқтисодий ташкилотлари билан курашиш кераклигини тушунардилар. Бу группанинг типик вакиллари Лианозов, Коновалов эди.

3. *Халқ социалистлари ёки трудовиклари.* Бу партиянинг аъзолари кам эди. Улар эҳтиёткор зиёлилардан, кооператив жамиятлари раҳбарларидан ва консерватив кайфиятдаги деҳқонлардан иборат эди. Трудовиклар ўзларини социалистлар деб атасалар ҳам, амалда майда буржуазиянинг — чиновниклар, дўкондорлар ва шу сингариларнинг манфаатларини ҳимоя қилганлар. Улар IV Давлат думаси «меҳнат группаси»да кўпчиликни ташкил қилган деҳқонлар вакилларининг, шу группанинг келишувчилик сиёсати ворисларининг тўғридан-тўғри давомчисидир. 1917 йил март революциясида Керенский Давлат думасида трудовикларнинг бошлиғи эди. Халқ социалистлари — миллатчилик партиясидир. Китобда уларнинг вакиллари — Пешехонов, Чайковский.

4. *Россия социал-демократик ишчилар партияси.* Дастлаб марксист-социалистлар эдилар. 1903 йилдаги съездда тактика масалалардаги ихтилофлари натижасида, бу партия икки фракцияга — кўпчилик ва озчиликка ажралди. «Большевиклар» ва «меньшевиклар» деган ном ана шундан келиб чиққан.

Икки қанот икки алоҳида-алоҳида партияга айланди. Бу партияларнинг ҳар бири ўзини Россия социал-демократик ишчилар партияси деб атаб, ўзининг марксизм тарафдори эканини билдирди. 1905 йил революциясидан кейин большевиклар ҳақиқатда озчилик бўлиб қолдилар ва 1917 йил сентябрида яна кўпчиликни ташкил қилдилар.

а. *Меньшевиклар.* Бу партияга турли тусдаги социалистлар кирган, улар жамият социализмга табиий эволюция йўли билан ўтиши, ишчилар синфи эса аввал сиёсий ҳокимиятда иштирок этиш имкониятига эга бўлиши лозим, дер эдилар. Бу ҳам миллатчилик партияси эди. Бу зиёли социалистлар партияси эди, бутун маориф ишлари мулкдорлар синфи қўлида бўлганидан зиёлилар, табиийдирки, унинг фикр юритиш йўсинларига эргашар ва шу синфлар томонига ўтган эдилар. Бу китобда уларнинг Дан, Либер, Церетели сингари бошлиқлари тилга олинади.

b. *Интернационалист-меньшевиклар.* Меньшевикларнинг радикал қаноти бўлган интернационалистлар мулкдорлар синфи билан ҳар қандай иттифоқ тузишга қарши эдилар; шу билан бир вақтда улар консерватор меньшевиклар билан алоқа узишни истамас ва большевиклар ҳимоя қилиб келаётган ишчилар синфи диктатурасига қарши эдилар. Троцкий анчагача бу группанинг аъзоси бўлиб турди. Унинг бошлиқлари орасида Мартов, Мартинов бор эди.

с. *Большевиклар.* Улар меньшевиклар ва барча мамлакатларда «кўпчилик социалистлар» деб аталувчилар орасида ҳукмрон бўлган «муътадил» ёки «парламентар» социализм анъаналари билан бутунлай алоқа узганликларини таъкидламоқ учун ҳозир ўзларини *Коммунистик партия* деб атайдилар. Большевиклар саноатни, ерларни, табиий бойликларни ва молия муассасаларини зўрлик йўли билан умумлаштириб, социализм қуришни тезлаштирмоқ учун дарҳол пролетар қўзғолони қилиш ва давлат ҳокимиятини қўлга олиш тарафдори бўлиб чиқдилар. Бу партия, асосан, саноат ишчиларининг, шунингдек кўпчилик камбағал деҳқонларнинг орзуларини ифодалайди. «Большевик» сўзини «максималист» деб таржима қилиб бўлмайди. Максималистлар эса алоҳида группадир (5 параграфига қаралсин).

d. *Бирлашган социал-демократлар — интернационалистлар,* ёки «Новая жизнь» группаси ва катта эътиборга эга «Новая жизнь» газетаси номи билан юритилади. Унинг раҳбари Максим Горькийнинг шахсий мухлисларини ҳисобламаганда, бу ишчилар орасида тарафдорлари жуда оз бўлган зиёлилардан иборат кичкина группа эди. Бу — интернационалист-меньшевикларники сингари программага эга бўлган зиёлилар группасидир. Фарқи фақат шундаки «Новая жизнь» группаси ўзини ҳар иккала асосий фракциянинг ҳеч бири билан боғланишни истамас эди. Группа аъзолари большевикларнинг

тактикаларига қўшилмасалар ҳам, лекин Совет органларида қолдилар. Группанинг бу китобда тилга олинадиган бошқа намояндалари Авилов, Крамаровдир.

е. *«Единство»*. Кичкина ва доим озайиб борган бу группа 80-йиллардаги рус социал-демократик ҳаракатининг қалдирғочларидан ва унинг энг йирик назариётчиларидан бири бўлган Плехановнинг шахсий мухлисларидангина иборат эди. Бу вақтда анчагина кексайиб қолган Плеханов ўтакетган социал-патриот, ҳатто меньшевиклар учун ҳам жуда консерватив эди. Большевистик ўзгаришдан кейин «Единство» группаси тугади.

5. *Социалист-революционерлар партияси.* Уларни қисқача «эсер» деб атайдилар. Бошда у деҳқонларнинг революцион партияси, террористларнинг «жанговар ташкилотлари» партияси эди. Март революциясидан кейин бу партияга илгари ҳеч қачон социалист бўлмаган кўплаб кишилар кирди. Бу вақтда эсерлар фақат ерга бўлган хусусий мулкчиликни бекор қилиш тарафдори эдилар, аммо ер эгалари маълум даражада компенсация олишлари шарт эди. Деҳқонлар орасида революцион кайфиятнинг ўса бориши эсерларни ер эгаларига «компенсация тўлаш ҳақида»ги моддадан воз кечишга мажбур қилди. Кейинчалик 1917 йил кузида ёш ва ғайратли зиёлилар асосий партиядан ажралиб чиқдилар ва янги партияни — сўл социалист-революционерлар партиясини туздилар. Радикал группалар кейинчалик доим «ўнг социалист-революционерлар» деб атаб келган эсерлар меньшевикларнинг сиёсий мавқеига ўтиб, улар билан бирликда иш кўрдилар. Пировардида улар бой деҳқонлар, зиёлилар ва узоқ қишлоқ районларидаги сиёсий жиҳатдан қолоқ табақаларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчилар бўлиб қолдилар. Бироқ улар орасида меньшевиклар орасидагига қараганда сиёсий ва иқтисодий масалаларда турли фикрда бўлган группировкалар кўпроқ эди. Китобда уларнинг бошлиқларидан Авксентьев, Гоц, Керенский, Черков, «бабушка» Брешковская тилга олинади.

а. *Сўл социалист-революционерлар.* Гарчи улар назарияда большевикларнинг ишчилар синфи диктатураси программасига қўшилсаларда, бошда улар большевикларнинг кескин тактикаларига истар-истамас эргашдилар. Шунга қарамай, сўл социалист-революционерлар Совет ҳукуматида қолдилар, министрлик лавозимларини, хусусан ер ишлари министрлиги лавозимини ишғол қилдилар. Улар ҳукуматдан бир неча марта чиқиб кетган бўлсалар-да, лекин доим яна қайтиб кирганлар. Деҳқонлар тўп-тўп бўлиб (ўнг) эсерлар сафидан чиқиб, сўл социалист-революционерлар партиясига қўшилавердилар. Сўл социалист-революционерлар партияси Совет ҳокимиятини ёқловчи катта деҳқонлар партиясига айланди. Бу партия катта мулкларни мусодара қилиб, деҳқонларга текинга бериш

тарафдори бўлиб чиқди. Унинг раҳбарлари орасида Спиридонова, Карелин, Камков, Калагаев бор.

b. *Максималистлар.* 1905 йил революцияси вақтида социалист-революционерлар партиясидан ажралиб чиқди. Деҳқонлар ҳаракати зўрайган ўша вақтда улар социалистик максимум программани дарҳол амалга оширишни талаб қилган эдилар. Ҳозир максималистлар деҳқон анархистларининг кичик группасидир.

ПАРЛАМЕНТ ИШ УСУЛИ

Россияда йиғилиш ва съездлар бизникига қараганда тезроқ европача тартибда ташкил этилади. Уларнинг одатда дастлабки ишлари раис, секретарь ва президиум сайлашдан иборат.

Президиум раҳбарлик комитети бўлиб, группалар ва сиёсий фракцияларнинг вакилларидан ташкил топган, бу вакиллар йиғилишида ўз аъзоларининг сонига қараб, мутаносиб равишда сайланади. Президиум кун тартибини белгилайди, раис президиум аъзоларига навбати билан мажлисни олиб боришни топшириши мумкин.

Дастлаб ҳар бир масала юзасидан умумий доклад қилинади, сўнгра музокаралар бошланади, музокаралардан кейин турли фракциялар ўз резолюцияларини тақдим этадилар, ҳар бир резолюция алоҳида-алоҳида овозга қўйилади. Мажлиснинг кун тартиби дастлабки ярим соат ичидаёқ бузилиши мумкин. Бундай ҳоллар бўлиб туради. Масаланинг «фавқулодда муҳимлиги»ни, омма уни доим назар-эътиборда тутишини баҳона қилиб мажлисда қатнашувчи ҳар бир кимса ўрнидан туриб, хоҳлаган тема устида оғзига келганини айтиши мумкин. Мажлисда омма ҳукмронлик қилади, мажлис раисининг бирдан-бир амалий вазифаси қўнғироқ орқали тартиб сақлаш ва нотиқларга сўз беришдан иборат. Мажлиснинг умуман барча ҳақиқий ишлари турли группа ва сиёсий фракцияларнинг ёпиқ мажлисларида бажарилади. Бу группа ва фракциялар мажлисларда умуман якдиллик билан овоз берадилар ва унинг раҳбарлари ҳисобланадилар. Натижада шундай ҳоллар рўй берадики, ҳар бир янги ва муҳим масала кўтарилганда ёки овозга қўйилганда турли группа ва сиёсий фракцияларнинг ёпиқ мажлис қилиб, кенгашиб олишларига имкон бериш учун танаффус эълон қилинади.

Халойиқ жим туролмайди: нотиқнинг сўзини маъқуллайди ёки сўзини бўлиб, танқид қилади, президиумнинг планини ўзича ўзгартириб юборади. Товушлар орасида одатда: «Сўраймиз!», «Тўғри!», «Рост!», «Бас қил!», «Йўқолсин!», «Шармандалик!», «Жим бўлинглар!» деган сўзлар эшитилади.

1. *Совет.* Бу сўз рус тилида қадимдан бор бўлиб, инглизча «councie» сўзига тўғри келади. Чунончи, подшо замонида Давлат кенгаши бўлар эди. Бироқ революция давридан бошлаб «Совет» сўзи меҳнаткашлар, ишлаб чиқариш коллективларининг аъзолари томонидан сайланадиган маълум шаклдаги вакиллик — ишчилар, солдатлар ёки деҳқонлар депутатлари Советига нисбат бериб айтиладиган бўлди. Шу сабабдан мен «Совет» сўзини ана шу органларга нисбатангина ишлатаман. Ҳар бир шаҳарда ва қишлоқда сайланадиган маҳаллий Советлардан ташқари, катта шаҳарларда район Советлари ҳам сайланади,— область ёки губерния Советлари ҳам бўлади — марказда эса Бутун Россия Советларининг ижроия комитети бўлади, уни қисқача МИК дейилади (қуйида Марказий Комитетлар сўзига қаралсин). Деярли ҳамма жойда ишчи депутатлари Советлари ва солдат депутатлари Советлари Март революциясидан бир оз вақт ўтгандан кейин гезда бирлашиб кетдилар. Аммо ишчи ва солдат секциялари ўз манфаатларига даҳлдор бўлган махсус масалаларни муҳокама қилмоқ учун алоҳида-алоҳида йиғилиб иш кўрар эдилар. Деҳқон депутатлари Советлари бошқа советларга большевиклар давлат ўзгариши ясаганларидан кейингина қўшилдилар. Деҳқон Советлари ҳам ишчи ва солдат Советлари сингари тузилган эди, Марказда эса деҳқон Советларининг Бутун Россия Ижроия Комитети бор эди.

2. *Касаба союзлари.* Россияда гарчи ишчи союзлари аксари ҳолда ишлаб чиқариш принциплари асосида тузилсалар-да, шунга қарамай, уларни касаба союзлари деб юритар эдилар. Большевистик революция вақтига келиб, бу союзларнинг уч-тўрт миллионча аъзоси бор эди. Бу союзлар ҳам бутун Россия ташкилотига — ўзига хос рус меҳнат Федерациясига бирлашган бўлиб, бу союзларнинг пойтахтда Марказий Ижроия Комитети бор эди.

3. *Фабрика-завод комитетлари.* Бу комитетлар стихияли равишда пайдо бўлган ташкилотлардир. Уларни, революция натижасида бошқариш ишларида тартибсизлик юз берганидан фойдаланиб, ишлаб чиқариш устидан контроль ўрнатишни амалга ошириш мақсадида корхона ишчилари ташкил қилган эдилар. Бу комитетлар корхоналарни революцион йўл билан қўлга олиб, уларни бошқардилар. Фабрика-завод комитетларининг ҳам Петроградда Марказий комитети бўлган Бутун Россия ташкилоти бор эди. Бу ташкилот касаба союзлари билан ҳамкорлик қиларди.

4. *Думалар.* «Дума» сўзи тахминан «маслаҳат органи» маъносини англатади. Революциядан кейин демократлашган шаклда олти ойгина давом этган эски Давлат думаси 1917 йил сентябрида ўз ажали билан ўлди. Китобда тилга олинадиган

шаҳар думаси муниципиал кенгашни ёки аксари шаҳар бошқармаси деб аталадиган маҳкамани қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган эди. Шаҳар думаси тўппа-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан сайланарди. Бу думанинг большевистик революция вақтида оммани ўз томонига жалб этолмаслигининг ягона сабаби шу бўлдики, жамиятнинг синфларга бўлинишига асосланган ташкилотларнинг таъсири кучайиши натижасида ҳар қандай қуруқ сиёсий вакилликларнинг нуфузи умуман тушиб кетган эди.

5. *Земство.* Бу сўзни тахминан «қишлоқ Советлари» деб таржима қилиш мумкин. Чоризм вақтида земство маъмурий ҳуқуқи унчалик катта бўлмаган ярим сиёсий, ярим жамоат ташкилот эди. Улар, асосан, помешчиклар синфидан чиққан либерал кайфиятдаги зиёлилар томонидан тузилар ва бошқариларди. Земствонинг иш фаолиятидаги энг муҳим томони халқ маорифи ҳамда деҳқонларга ижтимоий хизмат кўрсатишдан иборат эди. Уруш вақтида земство бора-бора рус армиясини озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш вазифасини ўз зиммасига олган эди. Земстволар чет эллардан мол сотиб олар ва, Ёшларнинг христиан бирлашмаси Америка қўшини ичида оқартув ишлари олиб борганига ўхшаш, солдатлар орасида оқартув ишларини олиб борарди. Март революциясидан кейин қишлоқ районларида маҳаллий ҳокимият органларига айлантириш мақсадида земстволар демократлаштирилган эди, аммо улар шаҳар думаларига ўхшаб, Советлар билан рақобат қилишга қодир эмасдилар.

6. *Кооперативлар.* Булар ишчи, деҳқонларнинг матлубот кооператив жамиятлари бўлиб, революцияга қадар бутун Россияда бир миллионча аъзоси бор эди. Либераллар ва «муътадил» социалистлар томонидан барпо этилган кооперативчилик ҳаракати революцион социалистик группалар томонидан қўллаб-қувватланмади, чунки бу йўл ишлаб чиқариш воситалари ва тақсимотнинг ишчилар қўлига батамом ўтишини кўзда тутмас эди. Март революциясидан сўнг кооперативлар тезда кенгая бошлади; уларда халқ социалистлари, меньшевиклар ва социалист-революционерлар кўпчиликни ташкил этардилар, большевистик революцияга қадар ана шу кооперативлар консерватив бир куч сифатида иш кўриб келдилар. Эски савдо-сотиқ ва транспорт системаси издан чиққанда, Россияни ана шу кооперативларгина боқдилар.

7. *Армия комитетлари.* Армия комитетлари фронтда эски офицерларнинг реакцион таъсирларига қарши курашмоқ учун солдатлар томонидан тузилган эди. Ҳар бир рота, полк бригада, дивизия ва корпуснинг ўз комитетлари бор эди, уларнинг тепасида эса (фалон) армиянинг сайлаб қўйилган комитети турарди. Петроградда Марказий армия комитети Бош штаб билан иш кўрарди. Революция натижасида армия бошқармаларининг издан чиқиши армия комитетларининг

устига интендантлик ишларининг кўп қисмини, баъзи ҳолларда эса қўшинга қўмондонлик қилиш вазифасини ҳам юклаб қўйди.

8. *Флот комитетлари.* Ҳарбий флотдаги ташкилотга ўхшайди.

МАРКАЗИЙ КОМИТЕТЛАР

1917 йил баҳори ва ёзида Петроградда турли-туман ташкилотларнинг Бутун Россия съездлари ўтказилди. Ишчи, солдат ва деҳқонлар депутатлари Советларининг съезди, касаба союзлари съезди, фабрика-завод комитетлари съезди, армия ва флот комитетлари съезди (бу алоҳида қўшин ва флот турлари вакиллари съездидан ташқари), кооперативлар съезди, миллатлар съезди ва ҳоказолар бўлиб ўтди. Бу съездларнинг ҳар қайсиси марказда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз Марказий Комитетини ёки Марказий Ижроия Комитетини сайлади. Муваққат ҳукумат заифлаша борган сари бу Марказий Комитетлар бутун маъмурий ҳокимиятни ўз қўлларига олишга мажбур бўлдилар.

Бу китобда тилга олинган энг муҳим Марказий Комитетлар қуйидагилардир:

Союзлар иттифоқи. 1905 йил революцияси вақтида профессор Милюков ва бошқа либераллар мутахассислар — врачлар, юристлар ва ҳоказоларнинг союзларини туздилар. Улар ягона Марказий Ташкилот — Союзлар иттифоқига бирлашган эдилар. 1905 йил Союзлар иттифоқи революцион демократлар билан иш кўрди; аммо 1917 йили Союзлар иттифоқи большевистик қўзғолонга қарши чиқиб, давлат хизматчиларини бирлаштирди. Улар забастовка эълон қилдилар ва Совет ҳокимиятининг буйруқларига саботажчилик кўрсатдилар.

МИК. Ишчи ва солдат депутатлари Советларининг Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети. Қисқартилиб МИК деб юритилади.

ЦЕНТРОФЛОТ. Марказий флот комитети.

ВИКЖЕЛ. Темир йўлчиларнинг Бутун Россия Ижроия комитети. Бу ҳам юқоридаги сўзларнинг бош ҳарфидан тузилган.

БОШҚА ТАШКИЛОТЛАР

Қизил Гвардия. Россия фабрика-заводларидаги қуролланган ишчилар. Қизил Гвардия биринчи марта 1905 йил революцияси вақтида тузилган эди. 1917 йил март кунларида шаҳарда тартиб ўрнатиш учун куч керак бўлиб қолганда яна қайта бошдан тикланди. Бу вақтда қизил гвардиячилар қуролланган бўлиб, Муваққат ҳукуматнинг уларни қуролсиз-

лантириш йўлидаги бутун уринишлари чиппакка чиқди. Революция жараёнидаги ҳар қандай кризис вақтида ҳарбий таълим олмаган ва уюшмаган, лекин революцион ғайрат билан тўлиб-тошган Қизил Гвардиячи отрядлар кўчаларда пайдо бўлиб қолардилар.

Оқ гвардия. Большевиклар хусусий мулкчиликни бекор қилишидан қўрқиб, уни ҳимоя қилиш учун революциянинг сўнгги босқичларида тузилган кўнгилли буржуа қўшинидир. Оқ гвардиячилар отрядларида студентлар жуда кўп эди.

Такалар. Ўрта Осиёдаги мусулмон қабилаларнинг вакилларидан тузилган, генерал Корниловга садоқатли бўлган бир нав «Ёввойи дивизия». Такалар уруш ҳаракатларида кўркўрона итоаткорликлари, ваҳшиёна золимликлари билан ажралиб турардилар.

«Ажал батальонлари» ёки «зарбачи батальонлар». Хотинқизлардан тузилган «ажал батальони» маълум эди, аммо эркаклардан тузилган «ажал батальонлари» ҳам кўп бўлган. Бу батальонларни 1917 йил ёзида Керенский тузган эди, улар армияда интизомни мустаҳкамлаш ва жанговарлик руҳини кўтаришга ўз «қаҳрамонона» ишлари билан ёрдамлашишлари керак эди. «Ажал батальонлари» асосан миллатчилик кайфиятидаги йигитлардан, кўпроқ бадавлат хонадонлардан чиққан йигитлардан иборат эди.

Офицерлар союзи. Таъсири кучайиб бораётган армия комитетларига қарши курашмоқ учун реакцион кайфиятдаги офицерлар ўртасида тузилган ташкилот.

Георгий кавалерлари. Ҳарбий ҳаракатларда иш кўрсатганлар Георгий крести билан мукофотланардилар. Крест олганлар ўз-ўзидан «георгий кавалери» бўлиб қоларди. Георгий кавалерлари ташкилотида милитаризм тарафдорларининг таъсири кучли эди.

Деҳқонлар союзи. Деҳқонлар союзи 1905 йили деҳқонларнинг революцион ташкилоти эди. Аммо бу союз 1917 йили бой деҳқонларнинг сиёсий манфаатларини ифодаловчи бўлиб қолди, деҳқон депутатлари Советларининг ўсиб бораётган таъсирига ва революцион мақсадларига қарши кураш олиб борди.

ХРОНОЛОГИЯ ВА АЙРИМ СЎЗЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

Бу китобда мен ҳамма жойда эски рус календари ўрнига ўзимизнинг календарни ишлатдим, чунки эски рус календари ўн уч кун орқада эди.

Русча сўз ва номларни ёзишда мен ҳеч қандай илмий бир қоидага асосланмадим, балки инглизча сўзлайдиган китобхонга бу сўзларнинг талаффузи энг содда ва аниқ тушунча берадиган қилиб ёзиш йўлини тутдим.

Менинг ёзма хотираларим бу китоб учун асосий материал хизматини ўтади. Аммо бундан ташқари ўзим танлаган юзларча рус газеталаридан ҳам фойдаландим. Мен баён этган воқеалар шу газеталарда ҳар куни ёритилиб турган. Петроградда инглиз тилида чиқадиган «Russian Daily News» («Кундалик Россия янгиликлари») газета подшивкасидан ва иккита французча «Journal de Russie» («Рус газетаси») ва «Entente» («Иттифоқ») газетасидан фойдаландим. Бу газеталардан ташқари «Bulletin de la Presse» («Матбуот бюллетени») янада қийматлироқ материал берди. Бу бюллетень Петроградда Француз информацион бюроси томонидан ҳар куни чиқарилиб турарди. Унда энг муҳим ҳодисалар, нутқлар ва рус матбуотида ёритилган барча хабар ва изоҳотлар тўғрисидаги ахборот босилиб турарди. Менинг қўлимда шу газетанинг 1917 йил баҳоридан 1918 йил январь охиригача бўлган тўла подшивкаси бор десам бўлади.

Булардан ташқари, мен 1917 йил сентябрь ойи ўрталаридан бошлаб 1918 йил январь ойининг охиригача Петроград кўчаларига ёпиштирилган деярли барча хитобномаларни, декретларни ва эълонларни, шунингдек ҳукуматнинг нашр этган барча расмий декрет ва буйруқларини, ҳукумат томонидан босиб чиқарилган махфий расмий шартномалар ҳамда ташқи ишлар министрлиги большевиклар қўлига ўтгандан кейин топилган бошқа ҳужжатларни ҳам тўплаган эдим.





В. И. ЛЕНИН, 1917 *йил*

I БОБ

УМУМИЙ ВАЗИЯТ

1917 йил сентябрь охирларида Петроградда менинг олдимга бир ажнабий киши, ўша вақтда Россияда бўлган социология профессори кириб келди. У савдо-саноат доираларда ва зиёлилар орасида революция инқирозга юз тутди, деган гапни эшитибди. Профессор бу ҳақда бир мақола ҳам ёзибди, фабрикалар жойлашган шаҳар ва қишлоқларга саёҳат қилиб, бу ерларда революциянинг авж олаётганини ўз кўзи билан кўриб, ҳайратда қолибди. Ишчилар ва деҳқонларнинг оғзидан: «ер — деҳқонларга, заводлар — ишчиларга» деган гапни кўп эшитибди. Агар профессор фронтда бўлганда эди, у бу ерда бутун армиянинг сулҳ ҳақида гапирганини эшитган бўлур эди.

Гарчи ҳеч қандай асос бўлмаса-да, профессор ташвишланиб қолди, ваҳоланки унинг икки мушоҳадаси ҳам тамомила тўғри эди. Мулкдорлар синфи тобора консерватив лашмоқда, халқ оммаси эса радикаллашмоқда эди. Савдо-саноат доиралари ва Россия зиёлилари революция ҳаддан ташқари кучайди ва жуда чўзилиб кетди; энди тартиб ўрнатиш пайти келди, деган фикрда эдилар. Керенскийнинг Муваққат ҳукуматини қўллаб-қувватлаган асосий «муътадил»— социалистик группалар, яъни мудофаачи* меньшевиклар ва социалист-революционерлар ҳам шу кайфиятда эдилар.

27/14/ октябрда «муътадил» социалистларнинг расмий органи** қуйидагиларни ёзган эди:

«...Революция икки даврдан: эски ҳаёт тузумини емириш ва янги ҳаёт тузумини барпо қилишдан иборат. Биринчи давр жуда узоққа чўзилиб кетди. Энди иккинчи даврга ўтиш ва уни мумкин қадар тезроқ амалга ошириш лозим, чунки улуғ

* Китоб текстидаги рақамлар китобхонни Жон Риднинг иловасига ҳавола қилади. Китобнинг ҳар қайси бобидаги илова учун автор томонидан мустақил тартиб рақами берилган. — *Ред.*

** Жон Рид бу ерда ўша вақтда меньшевиклар ва эсерлар қўлидаги «МИКнинг ахбороти»ни назарда тутади.— *Ред.*

революционерлардан бири: «Дўстлар, революцияни тезроқ тамомлаш учун ошиқайлик, чунки революцияни чўзиб юборган киши унинг меваларидан бебаҳра қолади...»,— деган эди».

Аммо ишчилар, солдатлар ва деҳқонлар оммаси революциянинг биринчи даври ҳали тамомланмаганига қатъий ишонган эдилар. Фронтда армия комитетлари солдатларга нисбатан одамларча муомалада бўлишга ўрганолмаган офицерлар билан доим тўқнашиб турардилар: фронт орқасида эса деҳқонлар сайлаб қўйган ер ишлари комитетлари ҳукуматининг ер ҳақидаги қарорларини амалга оширмоқчи бўлганларида қамоққа олинардилар; фабрикаларда ишчилар[2] қора рўйхатларга ва локаутларга қарши кураш олиб борган эдилар. Бундан ташқари, қайтиб келаётган сиёсий эмигрантларни «номатлуб» гражданлар деб мамлакатга киритмас эдилар; ҳатто шундай ҳодисалар ҳам бўлганки, чет эллардан ўз қишлоқларига қайтиб келган кишиларни 1905 йилдаги революцион фаолиятлари учун ҳибсга олиб, тюрьмага қамар эдилар.

Халқнинг норозилиги тобора кучайиши ва ҳар хил тусга киришига қарамай «муътадил» социалистлар: «Декабрда чақириладиган «Таъсис мажлисини кутинг»,— деб жавоб берардилар. Лекин халқ оммаси бу жавобдан қаноатланмас эди. Таъсис мажлиси, албатта, яхши гап. Лекин кутилган маълум мақсад бор эди. Ана шу мақсад йўлида Русь революцияси бўлди, революция қурбонлари Марс майдонидаги ўртоқлар мозорига дафн этилди. Сулҳ, деҳқонларга ер, ишлаб чиқариш устидан ишчилар контроли ўрнатиш масаласи, Таъсис мажлиси чақириладими, йўқми ундан қатъи назар албатта амалга оширилиши лозим эди. Таъсис мажлисининг чақирилиши борган сари кечиктириларди, эҳтимол, халқ тиниб-тинчиб, ўз талабларини юмшатганига қадар яна бир неча марта кечиктирилар! Ҳар ҳолда, революция саккиз ойдан бери давом этиб келаётган бўлса-да, лекин натижаси кўринмасди...

Бу орада солдатлар сулҳ масаласини ўзларича, дизертирлик қилиш йўли билан ҳал қилишга киришдилар, деҳқонлар помешчикларнинг қўраларига ўт қўйиб, йирик мулкларни тортиб ола бошладилар, ишчилар итоатсизлик қилиб, ишларини ташлаб кетардилар... Корхона эгалари, помешчиклар ва офицерлар, табиий, демократик асосда халқ оммасига ён беришга йўл қўймаслик учун бор кучларини сарфлар эдилар.

Муваққат ҳукуматнинг сиёсати кичик реформалар ўтказиш билан қаттиқ репрессия чоралари уюштириш орасида чайқалиб турарди. Социалистик меҳнат министрининг фармонида* ишчи комитетлари йиғилишларни фақат ишдан кейингина ўтказиши ёзилган эди. Фронтда оппозициядаги сиёсий

---

* Скобелевнинг 1917 йил 28 августда чиқарган «чекловчи» дастурламалларидан бири.— *Ред.*

партияларнинг «агитаторлари» қамоққа олинар, радикал газеталар ёпдириб қўйилар, революцияни ташвиқ қилганлар ўлим жазосига ҳукм қилинарди. Қизил Гвардияни қуролсизлантиришга ҳам уриниб кўрдилар. Тартиб ўрнатиш учун ўнгга ўлкаларга казаклар юборилди.

Мулкдорлар синфи билан ҳамкорлик қилишни лозим деб топган «муътадил» социалистлар ва уларнинг йўлбошчилари — министрлар бу тадбирларни қўллаб-қувватлар эдилар. Халқ оммаси улардан юзини ўгириб, сулҳ учун, деҳқонларга ер бериш учун, ишлаб чиқариш устидан ишчилар контроллиги ўрнатиш, ишчилар ҳукумати барпо қилиш учун қаттиқ кураш олиб борган большевиклар томонига ўта бошладилар. 1917 йил сентябрида кризис авж олди. Керенский ва «муътадил» социалистлар, аҳолининг кўпчилигининг раъйига қарши, коалицион ҳукумат туздилар, бунга мулкдорлар синфи вакиллари ҳам кирган эди.

Бунинг натижасида меньшевиклар ва социалист-революционерлар халқнинг ишончидан бутунлай маҳрум бўлдилар.

Халқ оммасининг «муътадил» социалистларга бўлган муносабати октябрь ўрталари (сентябрь охири) да «Рабочий путь» газетасида босилган «Социалист министрлар»[3] деган мақолада кескин ифодаланган.

«Уларнинг қилмишларини бир кўздан кечирайлик:

Церетели — ишчиларни қуролсизлантирди, генерал Половцев билан бирликда революцион солдатларни «тинчитди», солдатлар учун ўлим жазоси жорий қилишни маъқуллади.

Скобелев — ўз фаолиятини капиталистлардан фойдани бутунлай тортиб олишга ваъда беришдан бошлаб оқибат-натижада ишчиларнинг фабрика-завод комитетларини тор-мор қилиш билан тугатди.

Авксентьев — Ер комитетининг аъзолари бўлган, юзлаб деҳқонларни қаматтирди, ўнлаб ишчи ва солдат газеталарини ёптирди.

Чернов — Финляндия сеймини тарқатиб юбориш тўғрисидаги подшо манифестига қўл қўйди.

Савинков — генерал Корнилов билан очиқдан-очиқ иттифоқ тузди ва Савинковнинг ихтиёридан ташқари бўлган шароит натижасида бу ватан «халоскори»га Петроградни таслим қилмади.

Зарудний — Алексинский ва Керенский билан бирликда минглаб революцион ишчилар, матрослар ва солдатларни тюрьмаларга қаматди, большевикларга қарши туҳматдан иборат «иш» ўйлаб чиқаришга ёрдам берди. Бу «иш» ҳам Бейлис иши сингари рус судига доғ тушуради.

Никитин — Темир йўл ишчиларига қарши курашда оддий жандарм ролини ўйнади.

Керенский — унинг ҳақида оғиз очмаганимиз маъқул. Унинг тарихи жуда узун...».

Болтиқ флотининг Гелсингфорсдаги съезди қабул қилган резолюция қуйидаги сўзлар билан бошланади:

«...Номигагина социалист бўлган сиёсий авантюрист Керенский ўзининг беномус сиёсий найранглари билан буржуазия манфаати учун улуғ революцияни, шунингдек бутун революцион халқни шарманда қилган ва ҳалок этган шахс бўлгани учун уни дарҳол Муваққат ҳукумат сафидан чиқариб ташлашни ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советининг Бутун Россия комитетидан ва Марказий флот комитетидан талаб қилинсин...»

Бунга большевикларнинг ўсиб бораётган обрўйи бевосита сабаб бўлган эди...

1917 йил март ойида Таврический саройини қоплаган ишчи ва солдатлар тўлқини иккиланиб қолган Давлат думасини Россияда олий ҳокимиятни қўлга олишга мажбур этганидан кейин, худди шу халқ оммаси — ишчилар, солдатлар ва деҳқонлар революция жараёнини йўлга солиб турдилар. Улар Милюков министрлигини ағдариб ташладилар; уларнинг Советлари ҳеч қандай «аннексиясиз ва контрибуциясиз сулҳ шартларини, халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқлари»ни бутун дунёга эълон қилди; июль ойида уларнинг ўзи, ҳали уюшмаган пролетар оммаси стихияли равишда, Россия устидан ҳукмронлик Советлар қўлига ўтишини талаб қилиб, яна Таврический саройига бостириб кирдилар.

Бу ҳаракат тепасида ўша вақтда ҳали кичик бир сиёсий группани* ташкил қилган большевиклар турардилар. Июль қўзғолонининг фожиали равишда муваффақиятсизликка учраши натижасида жамоатчилик фикри уларга қарши қаратилди ва улар орқасидан эргашган оломон эса ўз йўлбошчиларидан ажралиб, Петроградниng Сент-Антуани** бўлган Виборг томонига чекинди. Шундан кейин большевикларни ваҳшиёна суратда қувғин қила бошладилар. Улардан юзлаб киши, жумладан Троцкий***, Коллантай хоним ва Каменев


---

* Бу ерда «группа» сўзини ишлатган Ж. Рид. 1917 йил мартдаги буржуа-демократик революциясидан бевосита кейин эндигина подпольедан чиққан большевикларнинг сони ҳали оз эди, демоқчи бўлади.— *Ред.*

** «*Сент-Антуан поместьеси*»— Париж шаҳрининг ташқарисидаги бир қишлоқ бўлиб, унинг меҳнаткаш аҳолиси Францияда XVIII аср охиридаги ва XIX асрдаги революцион қўзғолонлар вақтида ўзларининг юксак жанговарлик хислатлари билан ажралиб турар эди. Ж. Рид Петроградниng машҳур ишчи райони — Виборг томонини шу қишлоқ билан таққослайди.—*Ред.*

*** *Троцкий Л. Д.* (Бронштейн) 1903 йилдан бери меньшевик, рус социал-демократик ҳаракатда центризм («троцкизм») оқимига бош бўлиб келган, ўзи яширин ликвидатор бўлиб, 1912 йили большевизмга қарши ликвидаторларнинг «август блоки»ни ташкил қилди. Империалистик уруш йилларида «на ғалаба, ва на мағлубият» деган шиорни ташвиқ қилиб, ҳақиқатда «ватанни ҳимоя этиш» шовинистик позицияда турган. Социализмнинг бир мамлакатда ғалаба қозониши мумкинлиги тўғрисидаги ленинча назарияга қарши кураш олиб борган. Троцкий 1917 йил ёзида большевик-





Фабрика-завод комитетларининг Петроград конференцияси
(1917 йил, 30 май — 3 июнь)

(1 боб, 40-бет)





Гренадерлар казармасида солдатлар митинги.
Болтиқ флоти матроси нутқ сўзламоқда. 1917 йил, октябрь.

(II боб, 47-бет)

қамоққа олинди. Ленин билан Зиновьев* қамалмаслик учун яширинишга мажбур бўлдилар; большевик газеталари таъқиб қилинди ва ёпиб қўйилди. Иғвогар ва реакционерлар большевиклар немисларнинг агенти, деб жар солдилар. Дунёда бунга ишонувчи одамлр ҳам топилди.

Бироқ Муваққат ҳукумат тақилган айб асосли эканини тасдиқлаш учун важ тополмади; гўё герман фитнаси борлигини исботловчи ҳужжатлар қалбаки чиқди**. Шундай қилиб, большевиклар бирин-кетин, судсиз, тюрьмалардан сохта кафиллик билан ёки умуман кафилсиз озод этилдилар, энг охирида атиги олти кишигина қамоқда қолди. Состави узлуксиз ўзгариб турган Муваққат ҳукуматнинг бўш ва беқарорлиги ҳаммага жуда аён бўлиб қолди. Большевиклар халқ оммаси учун беҳад қадрли бўлган «Бутун ҳокимият Советларга!» деган шиорни яна майдонга отдилар. Улар бунда, ўзларининг тор партиявий манфаатлари нуқтаи назарларидан қараб иш қилмадилар, наинки ўша вақт Советларда кўпчиликни большевикларнинг ашаддий душмани бўлган «муътадил» социалистлар ташкил этарди.

лар партиясига кирди. Қуролли қўзғолонга принципиал равишда эътироз билдирмаса-да, бироқ Советлар съездини кутиб туришни таклиф этди. Қўзғолонни мағлубиятга учратишни кўзда тутган бу таклифга Ленин қатъий равишда қарши чиқди. Брест сулҳ музокаралари вақтида Троцкий «на сулҳ ва на урушъ» деган ҳоинона шиорни қувватлаб чиқди. 1920 йилдан бошлаб, у партиянинг СССРда социализм қуришдаги ленинча сиёсатига қарши қаттиқ фракциячилик кураши олиб борди. 1926 йилда ВКП(б) ва Коминтерн раҳбарларига қарши «оппозицион блокка» (Зиновьев, Каменев, Троцкий) бошчилик қилди. Партияга қарши контрреволюцион ҳатти-ҳаракати учун 1927 йили партиядан ўчирилди. 1929 йили чет элларга бадарға қилинди, у ерда ҳам Совет Иттифоқига ва Коммунистик партияга қарши курашини давом эттирди.— *Ред.*

* *Зиновьев Г. Е.* (Радомисльский) большевизмдан бир неча марта чекинди ва оқибат-натижада марксизм-ленинизм билан алоқасини узди. Столипин реакцияси даврида меньшевик-ликвидаторларга ва отзовистларга нисбатан муросачилик қилди. 1917 йил октябрда меньшевиклар газетаси «Новая жизнь»да Марказий Комитетнинг қўзғолон тўғрисидаги қарорига қарши чиқиб, Каменев билан бирликда хиёнат қилди, шу равишча қўзғолон планини душманларга билдириб қўйди. В. И. Ленин большевиклар партиясининг аъзоларига деган хатида (Асарлар, XXVI том, 185-бет) Зиновьев билан Каменевнинг бу ҳатти-ҳаракатини, штрикбрехерчилик деб қоралаб, уларни партиядан чиқаришни талаб қилди. Октябрь революцияси ғалабасидан кейин Зиновьев меньшевиклар, эсерлар ва «халқ социалистлари» вакилларидан иборат коалицион ҳукумат тузиш тарафдори бўлиб чиқди. Мамлакатимизда социализм қуриш мумкинлигини инкор этиб, 1925 йили Троцкий блокига қўшилган «янги оппозиция» деб аталувчи группага бошчилик қилди. Партияга қарши фракциячилик ишини давом эттиравергани учун 1927 йили партия сафидан чиқарилди. Партияга яна кириб олиб, партияга ва Советларга қарши ишини давом этдирди ва яна партиядан чиқарилди.—*Ред.*

** Шармандаси чиққан «Сиссон ҳужжатлари»нинг бир қисми — *Ж. Рид.*

Сиссон — Америка реакцион журналисти бўлиб, большевик раҳбарларни таҳқирлаш мақсадида АҚШда сохта ва уйдирма тўплам чиқарган.— *Ред.*

Большевиклар ишчи, солдат ва деҳқонлар оммасининг оддий, ҳали бир шаклга кирмаган орзуларини назарда тутиб, ўзларининг яқин орада қиладиган ишларининг программасини шу асосга қурганликлари ҳам янада таъсирлироқ бўлган эди. Мудофаачи меньшевиклар ва социалист-революционерлар буржуазия билан битим тузиш билан банд бўлган бир маҳалда, большевиклар оммани дарҳол ўз томонларига оғдириб олган эдилар. Июлда большевикларга нисбатан қувғин қилиш ва нафратланиш кучайди; сентябрь ойига келиб эса, пойтахт ишчилари, Болтиқ флоти денгизчилари ва солдатлар бутунлай большевиклар томонига ўтиб кетдилар. Сентябрь ойида* катта шаҳарларда[4] ўтказилган муниципиал сайловлар яққол намуна бўлди: июнда 70% ни ташкил этган меньшевик ва социалист-революционерлар энди сайланганлар орасида атиги 18% ни ташкил этди.

Ўша вақтда ажнабий кузатувчини тушунтириб бериш қийин бўлган бир факт шошириб қўйиши мумкин эди. Советларнинг Марказий ижроия комитети, армия ва флотларнинг** Марказий Комитетлари, баъзи бир касаба союзлари, хусусан почта-телеграф ходимлари союзининг ва темир йўлчилар союзларининг марказий комитетлари большевикларга қаттиқ душманлик кўзи билан қарардилар. Бу Марказий Комитетларнинг ҳаммаси ёз ўрталарида, ҳатто бундан илгари меньшевик ва эсерларнинг тарафдорлари жуда кўп бўлган вақтда сайланган эди. Энди бўлса улар ҳар қандай сайловларни бор кучлари билан орқага сурар ва бузар эдилар. Чунончи, ишчи ва солдат депутатлари Советларининг уставига биноан Бутун Россия съезди сентябрь ойида чақирилиши лозим эди, аммо Марказий Ижроия комитети Таъсис мажлисининг очилишига икки ойгина қолганини баҳона қилиб, съездни чақиришни истамади. Марказий Ижроия Комитетининг фикрича, бу вақтга келиб Советлар умуман ўз ваколатларини тамом қилган бўлишлари лозим. Шу орада бутун мамлакатда большевиклар маҳаллий Советларни, касаба союзлари бўлимларини бирин-кетин ўзларига оғдириб олдилар, солдат ва матрослар орасида ўз таъсирларини кучайтирдилар. Деҳқон Советлари эса ҳамон консерватив бўлиб қолавердилар, чунки қолоқ қишлоқда сиёсий онг жуда секинлик билан ўсади, социалист-революционерлар партияси эса бутун бир авлод давомида деҳқонлар орасида агитация юргизиб келган эди... Аммо деҳқонлар орасида ҳам революцион ядро вужудга кела бошлади. Социалист-революционерларнинг сўл қаноти ажралиб чиқиб янги сиёсий группировка — сўл эсерлар партиясини ташкил қилган октябрь ойида бу нарса аниқ маълум бўлиб қолди.

---

* Эски ҳисоб билан августда, Петроградда сайловлар 20 августда бўлган.— *Ред.*

** «Кириш сўз ва изоҳотларга» қаралсин.—*Ж. Рид.*

Уша вақтларда ҳамма жойда реакцион кучлар[5] анчагина жонланиб қолган эди. Чунончи, Петроградцаги Троцкий театрида «Подшонинг жинояти» деган комедия қўйилганида, уни бир тўда монархистлар тўхтатиб қўйди ва «императорни ҳақорат қилганлари учун» актёрлардан ўч олмоқчи бўлиб қўрқитди. Маълум газеталар «Рус Наполеони»ни қумсаб оҳ чекади. Буржуа зиёлилари ишчи депутатлари Советини, «кучук депутатлари совети» деб аташга одатландилар.

15 октябрда мен йирик рус капиталисти, «рус Рокфеллери» Степан Георгиевич Лианозов билан суҳбатлашиб қолдим. Бу одам сиёсий маслак жиҳатидан кадет эди.

«Революция бир иллат,— деди у.— Врачлар касал болани даволаб тузатиш учун аралашганларидек, бизнинг ишимизга ҳам ахир бир кун ажнабий давлатлар аралашиши турган гап. Бу, албатта, бир қадар ножўя иш бўлур эди, аммо барча миллатлар ўз мамлакатлари учун большевизмнинг ҳамда «пролетар диктатураси» ва «жаҳон социалистик революцияси»ни каби юқумли идеяларнинг на қадар хавфли эканини тушуниб олмоқлари лозим... Балки бундай аралашувнинг ҳожати ҳам бўлмас. Транспорт ишдан чиқди, фабрикалар ёпилиб қолмоқда, немислар эса ҳужум қилмоқда. Балки очлик ва мағлубият рус халқининг эси-ҳушини ўрнига келтириб қўяр...»

Жаноб Лианозов камол ишонч билан ўз фикрини талқин қиларди: нима бўлса бўлсинки, савдогарлар ва саноат корхоналари эгалари фабрика-завод комитетлари бўлишига йўл қўйолмайди ёки ишчиларнинг қандай бўлмасин ишлаб чиқаришни бошқаришга қатнашишига чидаб туролмайди.

«Большевиклар хусусига келсак, икки усулдан бирини қўллаб, уларнинг ишини бир ёқлик қилишга тўғри келади: ҳукумат шаҳарни аскар билан ўраб олишга буюриб, Петроградни эвакуация қилиши, шунда округ ҳарбий қўмондонлиги ҳеч бир расмий қонун-қоидасиз бу жанобларнинг адабини бериб қўйиши мумкин... *ёки, агар, Таъсис мажлисида, чунончи бирор хаёлий фикр юз бергудек бўлса, уни қурол кучи билан тарқатиб юбориш мумкин...*».

Россиянинг қаҳратон қиши бошланди. Савдо-саноат доираларида қулоғимга шундай гаплар чалинди: «Қиш ҳамиша Россиянинг энг яхши дўсти бўлган; шу қиш эҳтимол энди бизларни революциядан халос этар». Фронтда совуққа қотган шўрлик армия бутунлай руҳий тушкунликка берилиб, очликдан қириларди. Темир йўллар тўхтаб қолган, озиқ-овқат тобора камайиб бормоқда, фабрикалар ёпилмоқда эди. Умидсизликка тушган омма буржуазия халқнинг ҳаётига қасд қилмоқда, фронтларда мағлубиятга сабаб бўлмоқда, деб шовқин-сурон кўтарди. Генерал Корнилов халойиқ олдига чиқиб: «Мамлакатни ўз бурчини англашга мажбур этмоқ учун Ригани

қурбон этсак бўлмасмикан?»* деб ошкора гапирганидан кейинроқ Рига бевосита таслим қилинган эди.

Синфий курашнинг бу қадар кескинлашувини америкаликлар тасаввур қила олмайдилар. Аммо Шимолий фронтда солдат комитетлари билан ҳамкорлик қилишдан кўра урушда мағлуб бўлишни очиқдан-очиқ афзал кўрган офицерларни шахсан учратганман. Кадетлар партиясининг Петроград бўлими секретари менга иқтисодий бузғунчилик революциянинг обрўсини туширмоқ учун ўтказиладиган кампаниянинг бир қисмидир, деган эди. Иттифоқнинг бир дипломати (унинг номини тилга олмасликка мен сўз берганман) буни ўзи тўплаган маълумотлар асосида тасдиқлади. Эгалари ёндирган ёки сувга ботирган Харьков яқинидаги баъзи бир кўмир конларини инженерлар ишни ташлаб, машиналарни бузиб кетган Москва тўқимачилик фабрикаларини, локомотивни бузмоқчи бўлиб турган темир йўл хизматчилари ишчилар томонидан қўлга туширилганини мен яхши биламан.

Мулкдорлар синфларининг кўпчилик қисми революциядан ҳатто Муваққат ҳукуматдан кўра немисларни афзал кўрар ва бу хусусда очиқдан-очиқ гапиришдан тоймас эдилар. Мен яшаган рус оиласида дастурхон тепасида «қонунчилик ва тартиб...» келтирадиган немисларнинг тез орада етиб келиши тўғрисида доим гап-сўз бўларди. Бир куни мен кечқурунги вақтимни бир москвалик савдогарнинг уйида ўтказдим; чой вақтида дастурхон теварагида ўтирган ўн бир кишидан сизлар кимни афзал кўрасизлар — «Вильгельмними ёки большевикларни?»—деб сўрадик. Улардан ўн киши Вильгельмга тарафдор эканини айтди, фақат бир киши қарши чиқди.

Спекулянтлар умумий вайронгарчиликдан фойдаланиб, жуда катта бойлик орттирдилар ва бу бойликларни чексиз кайф-сафолар учун ёки мансабдор шахсларга пора бермоқ учун сарфладилар. Улар озиқ-овқат ва ёқилғини яширдилар, ёки яширинча Швейцарияга ўтказиб юбордилар. Чунончи революциянинг дастлабки тўрт ойи ичида Петроград шаҳар омборларидаги озиқ-овқат запаслари очиқдан-очиқ талон-торож қилинди, натижада икки йиллик ғалла запаси шу даражада камайиб кетдики, шаҳар халқини боқиш учун бир ойга ҳам етмас эди... Муваққат ҳукуматнинг сўнгги озиқ-овқат министрлиги расмий ахборотига кўра, Владивостокдан кофенинг қадоғи улгуржи баҳо билан икки сўмдан сотиб олинган бўлса, Петроградда истеъмолчиларга ўн уч сўмдан сотилган. Катта шаҳарларнинг ҳамма магазинларида неча тонналаб озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийимбошлар бўлса-да, уларни сотиб олишга бойларнингина қурби етар эди.

---

* *John Reed,* «Kornilov to Brest-Litovsk» «Корниловдан Брест-литовскгача». Boni and Liveright, N. Y. 1919— *Ж. Рид.* (15 бетдаги редакция изоҳотига қаралсин).

Мен марказдан узоқроқ шаҳарлардан биридаги бир савдогар оилани биламан. Руслар таъбирича, бу оила чайқовчилиғучи спекулянтлардан иборат. Бу савдогарнинг уччала ўғли ҳам пора бериб, ҳарбий хизматдан қутулиб қолган эди. Уларнинг бири озиқ-овқат маҳсулотлари билан спекуляция қиларди, иккинчиси Лена конларидан ўғирланган олтинларни Финляндиядаги махфий савдогарларга пулларди. Учинчиси эса, бир шоколад фабрикасининг кўпгина акцияларини сотиб олиб, шоколадни маҳаллий кооперативларга сотар, бунинг эвазига кооперативлар уни барча керакли моллар билан таъминлаб турарди. Шундай қилиб, кўпчилик халқ ўзининг нон карточкасига бир кунда чорак қадоқ қора нон олиб турган маҳалда, унинг уйида оқ нон, қанд, чой, конфет, печенье ва ёғ сероб бўлар эди... Шунга қарамай, солдатлар фронтларда совуқ, очлик ва мадорсизликдан урушга ярамай қолган вақтларида, бу оила аъзолари норози бўлиб: «Қўрқоқлар!» деб жар солдилар ва «рус номига иснод келтирдилар» деб дод-фарёд кўтарардилар. Яширилган кўпгина озиқ-овқат запасларини ахир топиб олиб, мусодара қилган большевикларни эса «талончилар» деб атадилар. Шундай туҳмат гаплар ниқоби остида Николай II ағдарилгандан кейин ҳам ҳеч бир ўзгармаган эски тартибнинг қора кучлари махфий равишда жуда қизғин иш олиб борардилар. Манфур охранка агентлари ҳамон подшо тарафида ва унга қарши, Керенский тарафида ва унга қарши ишлар, хуллас, пул тўлаган ҳар кимсага хизмат қилаверарди... Реакцияни бирор шаклда тикламоқ учун қора зулмат ичида турли-туман ширин ташкилотлар, чунончи, қора гуруҳлар иш кўрардилар.

Ана шу умумий сотқинлик ва қабиҳлик ярим ҳақиқат муҳити ичида большевикларнинг тобора мустаҳкамланаётган: «Бутун ҳокимият Советларга! Бутун ҳокимият миллионлаб ишчи, солдат ва деҳқонларнинг ҳақиқий вакилларига. Нон, ер! Битсин маънисиз уруш, битсин махфий дипломатия! Битсин спекуляция, хоинлик! Революция ва, шу билан бирга, бутун дунёдаги халқларнинг умумий иши хавф остида!» деган нидоси кундан-кунга жаранглаб эшитила бошлади.

Пролетариат билан буржуазия, Советлар билан ҳукумат ўртасида март ойининг дастлабки кунларида бошланган кураш ўзининг энг юксак нуқтасига бориб етди. Ўрта асрдан бир ҳамла билан XX асрга сакраб ўтган Россия ҳаёт-мамот курашида ҳайрат ичида қолган дунёга икки революцияни — сиёсий ва социал революцияни кўрсатди.

Очлик ва умидсизликлар зўрайган бир неча ойлардан кейин рус революцияси ўзининг ҳаётга нақадар қобилиятли эканини кўрсатди! Буржуазия ўз Россиясини яхши таниб олмоғи керак эди. Энди революцион «иллат»нинг авж олиши учун Россияда бир неча кунгина қолган эди...

Орқага назар ташланса, Ноябрь қўзғолонигача бўлган Россия бошқа аср мамлакати, ҳаддан ташқари деярли

консерватив бир мамлакат эди. Янгиликка, ҳаётнинг тез суръатлар билан ривожланишига тез кўникишга тўғри келди. Россиядаги сиёсий муносабатлар сўлга қараб бирданига ва бутунлай шундай бурилиш ясадики, кадетларни «Халқ душманлари» тарзида қонундан ташқари деб эълон қилинди. Керенский «Контрреволюционер» бўлиб қолди, «муътадил» социалистик йўлбошчилар — Церетели, Дан, Либер, Гоц, Авксентьев ўз тарафдорлари учун ҳаддан ташқари реакцион бўлиб чиқдилар, ҳатто Виктор Чернов ва Максим Горький каби кишилар ҳам ўнг қанотга ўтиб қолдилар.

1917 йил декабрь ойи ўрталарида эсер йўлбошчиларининг бир группаси инглиз элчиси жаноб Жарж Бьюкенен ҳузурига ўзларича бордилар. Шу билан бирга, ундан ўзларининг келганликларини ҳеч кимга билдирмасликни илтимос қилдилар, чунки улар «ўта кетган ўнглар» ҳисобланардилар.

«Буни қаранг-а,— деди жаноб Жорж.— Менинг ҳукуматим бундан бир йил муқаддам уччига чиққан хавфли сўл бўлгани учун Милюковни қабул қилмаслик тўғрисида менга йўл-йўриқ берган эди!..»

Сентябрь, октябрь ойлари Россия учун, айниқса Петроград учун энг ёмон ойлар ҳисобланади. Хира булутли осмондан бутун кун давомида тинмай ёмғир ёғиб туради. Ҳамма ёқ тирғанчиқ, оғир этикларга қуюқ лой пилч-пилч ёпишади, шаҳар маъмурияти бутунлай вайрон этилганлиги туфайли бу манзара янада хунукроқ тус олган. Фин қўлтиғи томонидан қаттиқ нам шамол эсади, кўчаларни эса рутубатли туман босган. Кечалари қисман тежалганидан, қисман цеппелиндан қўрқилганидан аҳён-аҳёндаги кўча фонусларигина милтиллаб турарди; хусусий уйларга кечқурунларигина, соат 6 дан 12 гача электр берилади. Шамнинг донаси эса 40 цент* турар, керосин эса ҳеч топилмас эди. Кундузи соат 3 дан эрталаб соат 10 гача қоронғи, ўғирлик ва талончилик авж олган, уйлар олдида эркаклар ўқланган милтиқлар билан қуролланиб, кечаси навбати билан пойлоқчилик қилардилар. Муваққат ҳукумат вақтида аҳвол ана шундай эди.

Ҳафта сайин озиқ-овқат паёги камайиб бормоқда эди, нон паёги 1,5 қадоқдан 1 қадоққа, сўнгра $^3/_4$ қадоққа, $^1/_2$ қадоққа ва $^1/_4$ қадоққа тушиб қолди. Ниҳоят, бир ҳафта бутунлай нон берилмай қўйди. Ҳар ойга 2 қадоқдан қанд берилиши лозим эди, аммо бу 2 қадоқни ҳам олиш амри маҳол бўлиб, унга камдан-кам одамларгина етишарди. Бир плитка шоколад ёки бир қадоқ ширасиз обаки 7 сўмдан 10 сўмгача турар, яъни бир доллар эди. Петроградаги болаларнинг ярми сут кўрмас эди; кўпгина мусофирхона ва хусусий уйлар ойлаб сут кўрмасди. Гарчи мевалар ғарқ пишган мавсум бўлса-да, кў-

---

* Цент — ўша вақтдаги баҳо билан 3—5 тийинга баробар эди.— *Ред.*

чаларда олма ва нокларнинг донаси қарийб бир сўмдан сотиларди...

Сут, нон, қанд ва тамаки олиш учун шариллаб қуйиб турган ёмғир остида бир соатлаб навбат кутиб туриш керак бўларди. Кечаси алла маҳалгача чўзилган митингдан уйга қайтаётиб, мен магазин эшиклари олдида, ҳали тонг ёришмасданоқ, асосан аёлларнинг турна қатор тизилишиб турганларини кўрардим; уларнинг кўплари қўлларида эмизикли болаларни кўтариб турарди... Карлейль ўзининг «Француз революцияси» номли китобида французлар ўзларининг турна қатор бўлиб очередда туриш қобилиятлари билан бутун дунёдаги бошқа халқлардан фарқ қиладилар, деб ёзган эди. Россия бу қобилиятни «марҳаматли» Николай подшолиги даврида, 1915 йилдан бошлабоқ эгаллай бошлади. Ўшандан бери, яъни 1917 йил ёзига келиб оддий бир тусга киргунча, очередлар вақт-вақти билан пайдо бўлиб турди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, қаҳратон Россия қишида Петроградниng қорли совуқ кўчаларида юпун кийинган бу кишиларнинг кун бўйи қаққайиб туришлари на қадар оғир эди! Мен нон очередларидаги гап-сўзларга қулоқ солардим. Ажойиб очиқ кўнгилли руслар орасидан вақт-вақти билан аччиқ норозилик сўзлари эшитилиб қоларди.

Театрлар, ҳар куни деярли, ҳатто якшанба кунлари ҳам ишлаб турарди. Маринский театрида Карсавинанинг қатнашуви билан янги балет қўйилмоқда, Россиянинг балетга ишқивоз кишилари уни томоша қилиш учун келган эдилар. Шаляпин қўшиқ айтмоқда. Александринский театрида Мейерхольд постановкасида Алексей Толстойнинг «Иван Грозний ўлими» драмаси янгидан қўйилмоқда эди. Шу спектаклда императорлик пажский корпусининг парад формасидаги арзандаси қаттиқ эсимда қолган. У антракт вақтларида семурғ тамғаси олиниб ташланган, бўш ётган император ложасига юз ўгириб, қотиб турарди. «Кривое зеркало» театри Шницилеровскийнинг ажойиб «Хоровод»ини саҳнага қўйган эди.

Эрмитаж ва бошқа суратлар галереяси Москвага кўчириб келинган эди; шунга қарамай, Петроградда ҳафтада бадиий расмлар виставкаси очилиб турарди. Зиёлилар оиласидан чиққан хотин-қизлар санъат, адабиёт ва оммабоп фалсафа лекцияларига мунтазам қатнашарди. Теософларнинг мавсуми жуда қизиган эди. Тарихда биринчи марта Россияга киришга ижозат берилган «нажот армияси» бутун деворларга евангелистлар йиғилишлари бўлиши тўғрисида эълонлар ёпиштириб ташлаган эди. Шу билан бирга рус аудиториясини ҳайратга солган ва унга бир эрмак бўлган эди.

Одатдагидек шундай ҳолларда шаҳарнинг кундалик икир-чикир ҳаёти, мумкин қадар революцияга парво қилмасликка тиришиб, ўз мароми билан ўтмоқда эди. Шоирлар шеър ёзсалар-да, аммо улар революцияни тилга олмас эдилар.

Реалист рассомлар қадимий рус ҳаёти мавзуида ва шунга ўхшаш нарсалар тўғрисида сурат чизсалар-да, аммо революция мавзуида ҳеч нарса қилмас эдилар. Чекка вилоятлардан ойимчалар Петроградга француз тилини ва ашула айтишни ўрганиш учун келардилар. Мусофирхоналарнинг коридор ва вестибюлларида ёш, келишган, қувноқ офицерлар у ёқдан бу ёққа юриб, зар уқалик лола ранг телпакларини ва гулдор кавказча қиличларини кўз-кўз қилардилар. Туш пайтларида иккинчи даражали амалдорлар оиласидан бўлган хонимлар бир-бирларининкига бир стакан чой ичиб келиш учун борар ва муфталарининг ичида заргарлар ясаган кичкинагина кумуш ёки олтин қанддон ва булкачаларини олиб борарди. Шунда улар бир-бирлари билан дардлашиб, кошки эди подшо қайтиб келса, ёинки немислар келса, ё бўлмаса бирор воқеа рўй бериб, хизматчи сақлаш каби мушкул бир масалани ҳал этиб берса, нақадар яхши бўлар эди, деб орзу қилардилар... Дўстларимдан бирининг қизи бир куни туш маҳалида уйга фиғони чиқиб кириб келди: трамвайда ишлайдиган кондуктор хотин уни «ўртоқ» депти.

Уларнинг атрофларида, янги олам яратиш дардида улуғ Россия тўлғоқ ичида ётарди. Илгарилари ҳайвон тариқасида муомала қилинган ва жуда оз ҳақ бараварига ишлаб келган хизматчи аёллар ўз қадр-қийматларини тушуниб қолдилар. Бир жуфт оёқ кийими юз сўмдан ошиқ турарди. Мояналари ўрта ҳисобда ўттиз беш сўмдан ошмаган хизматчилар очередларда туриб оёқ кийимларини йиртишдан бош тортардилар. Бундан ташқари, янги Россияда ҳар бир одам (эркакми, аёлми — барибир) ўз ҳуқуқига эга эди; янги ва ажойиб нарсалардан хабар берувчи ишчи газеталари чиқа бошлади; Советлар, касаба союзлари пайдо бўлди. Ҳатто извошчиларнинг ҳам ўз касаба союзлари ва Петроград Советида ўз вакиллари бор эди. Лакейлар ва официантлар ҳам уюшиб, чой чақа олишдан воз кечдилар. Ҳамма ресторанларнинг деворларига: «Бу ерда чой чақа олинмайди» деган плакатлар осилган эди. Ёки «Киши ўзига нон пули топмоқ учун ресторанда хизмат қилар экан, бу нарса унга чой пули бериб таҳқирлаш мумкин, деган нарсани билдирмайди» деган шиорлар осилган эди.

Фронтларда солдатлар офицерларга қарши кураш олиб борар ва ўз комитетларида ўз-ўзини бошқариш ишларини ўрганардилар. Фабрикаларда бу мисли кўрилмаган рус ташкилотлари фабрика-завод комитетлари* эски тартибга қарши курашда тажриба ва куч орттирдилар ҳамда ўзларининг тарихий вазифаларини тушуниб олдилар. Бутун Россия ўқишга

---

* «Кириш сўз ва изоҳотларга» қаралсин — *Ж. Рид.*

Фабрика-завод комитетларининг 30 май (12 июнь)—3 (16) июнда Петроградда бўлиб ўтган конференциясида кўпчилик (делегатларнинг $^3/_4$ қисми) большевиклар тарафига ўтди.— *Ред.*

ўрганарди ва чиндан ҳам сиёсат, иқтисодий, тарихий китобларни ўқирди, чунки одамларда билимга иштиёқ зўр эди... Ҳар бир шаҳарда, аксари уруш бўлаётган шаҳарларда ҳар бир сиёсий партия ўз газетасини чиқарар, баъзан эса бир неча газета чиқарарди. Минглаб ташкилотлар юз минглаб сиёсий китобчалар нашр этиб, окопларга, қишлоқларга, заводларга ва шаҳар кўчаларига тарқатарди. Кўп замонлардан бери йўл берилмай келган маорифга чанқоқлик революция билан бирликда стихияли равишда юзага отилиб чиқди. Революциянинг дастлабки олти ойи ичида Смольний институтининг бир ўзидан бутун мамлакатнинг узоқ жойларигача юк машиналарида, поездларда неча тонналаб китоблар жўнатилди. Россия босма нашрларни қумга сингган сувдек ҳазм қилиб юборарди. Бу китоблар қуруқ чўпчак, сохталаштирилган тарих, диний сафсаталар, одамни йўлдан оздирадиган арзон баҳо макулатура эмас, балки ижтимоий-иқтисодий назария ва фалсафага доир китоблардан, Толстой, Гоголь ва Горькийнинг асарларидан иборат эди...

Энди сўз масаласига келайлик... Россияни жонли сўзлар тошқини шундай босдики, Корлейль ёзган «француз нутқи тўфони» унинг олдида ип эшолмай қолди. Театрларда, циркларда, мактабларда, клубларда, Советларнинг залларида, касаба союзлари биноларида, казармаларда лекциялар, мунозаралар, нутқлар авж олди... Фронт окопларида, қишлоқ майсазорларида, фабрика ҳовлиларида митинглар кучайди... Социал-демократлар, эсерлар, анархистлар ва шу кабилар нима тўғрисида ва қанчалик кўп гапирмасинлар, бу сўзларни тинглаш учун Путилов заводи қалин деворлари орасидан тўлқиндек отилиб чиққан қирқ минг ишчи ажойиб бир манзара касб этади. Петроградаги ва Россиядаги бошқа шаҳарларнинг ҳар бир чорраҳаси ойлаб ҳалойиқ учун нутқ сўзланадиган минбарга айланган эди. Поездларда ҳам, трамвайларда ҳам — ҳар ерда ўз-ўзидан тортишувлар ва митинглар бошланиб кетарди...

Бутун Россия конференциялари ва съездлари Советлар, кооперативлар, земстволар*, миллатлар, руҳонийлар, деҳқонлар, сиёсий партиялар съездлари: Демократик кенгаш, Москва Давлат кенгаши, Россия республика Совети... икки қитъадаги одамларни тўпларди. Петроградда доим уч-тўрт съезд бирданига мажлис қурарди. Нотиқларнинг вақтларини чегаралаш учун уринишлари барча митингларда чиппакка чиқарди ва ҳар ким ўзининг бутун ҳис-туйғу, фикрларини баён этиш учун тўла имкониятга эга эди...

Бизлар фронтга, Рига шаҳрининг нар ёғида турган XII армияга келдик, бу ерда яланг оёқ ва ҳолдан тойган кишилар очлик ва касалликдан ифлос окопларда жон берардилар.

---

* «Кириш сўз ва изоҳотларга» қаралсин.— *Ж. Рид.*

Бизларни кўриш билан улар пешвоз чиқдилар. Уларнинг ранг-рўйлари заъфарон, жулдур-жулдур кийимлари орасидан мўматалоқ баданлари кўриниб турарди. Улар дабдурустдан оқ: *«Ўқиш учун* бирор нарса келтирдингларми?»— деб сўраб қолдилар.

Александрский театри қаршисидаги Буюк Екатерина ҳайкали қўлида қизил байроқча дикқайиб турган, гарчи ҳамма жамоат бинолари устида, баъзилари айниб кетган бўлса-да, қизил байроқлар ҳилпираган, императорлик тамғалари, лавҳалари ҳамма жойда олиб ташланган ёки усти беркитиб қўйилган бўлса-да, юз берган ўзгаришларнинг ташқи ва кўзга чалинадиган аломатлари кўпгина эди; гарчи кўчаларни қутурган миршаблар ўрнига мулойим ва қуролсиз граждан милицияси қўриқлаб турса-да, шунга қарамай, ўтмишнинг жуда кўпгина ажойиб қолдиқлари ҳамон сақланиб келмоқда эди.

Чунончи, Буюк Петрнинг темир қўллари билан бутун Россиянинг бўйнига солинган «мансаб даражалари» ўз кучида қолиб келмоқда эди. Мактаб ўқувчиларидан бошлаб деярли ҳамма тугмаларига ва боғичларига император семурғ тамғаси солинган илгари кийиб юрган формаларини ҳали устларидан ташлаганларича йўқ эди. Кечқурун соат бешларга яқин кўчалар форма кийиб, қўлларида портфель кўтарган катта ёшдаги одамларга тўлар эди. Улар казармасимон баҳайбат министрликлар ва бошқа ҳукумат муассасаларидан ишдан қайтар эканлар, эҳтимол, юқори даражали мансабдорлардан қанчаси ўлди-ю, бизлар коллежский асессор ёки яширин маслаҳатчи мансабига ўтирар эканмиз, келажакда истеъфога чиқиб, мўмай нафақа, балки бўйинга тақиладиган Анна ордени олар эканмиз, деган хаёлда уйларига қайтардилар...

Сенатор Соколов тўғрисида қизиқ бир воқеа рўй берди, у революциянинг энг қизғин пайтида бир куни сенат мажлисига штат кийимида кириб келди. Уни мажлисга қатнаштирмадилар, чунки унинг устида подшо хизматкори либоси йўқ эди!

Бутун бир миллат исён ва ғалаёнга келган шундай бир шароитда рус халқи оммаси қўзғолонининг манзараси намоён бўлди...

II БОБ

БУРОННИНГ БОШЛАНИШИ

Генерал Корнилов ўзини Россиянинг ҳарбий ҳукмдори деб эълон қилмоқ учун сентябрда* Петроградга қараб йўл олди. Унинг орқасига революцияни жон-жаҳди билан бўғмоқчи бўлган буржуазиянинг зерҳли қўли яширинганлиги бирдан маълум бўлиб қолди. Корнилов фитнасига баъзи бир социалист-министрлар ҳам аралашган эди, ҳатто Керенскийнинг ўзи ҳам шубҳа остида эди[1]. Савинков ўз партияси бўлган социалист-революционерлар партияси Марказий Комитетига изоҳ беришдан бош тортди ва партиядан чиқарилди. Солдат комитетлари Корниловни қамоққа олдилар. Кўп генераллар бўшатилиб, истеъфога чиқдилар, баъзи бир министрлар мансабларидан маҳрум бўлдилар ва шундай қилиб, кабинет йиқилди.

Керенский буржуа-кадетлар партияси намояндалари иштирокида янги ҳукумат тузишга уриниб кўрди. Керенскийнинг ўзи аъзо бўлган социалист-революционерлар партияси кадетларни ҳукумат составидан чиқариш тўғрисида буйруқ берди. Керенский бунга қулоқ солмади, башарти социалистлар ўз фикрларидан қайтмас эканлар истеъфога чиқишга мажбурман, деб дўқ қилди. Аммо халқнинг кайфияти шу қадар кескин ва муайян эдики, Керенский бу вақтда халқ билан курашишга ботинолмас эди. Ҳукуматнинг состави тўғрисидаги масала батамом ҳал бўлгунга қадар Керенский бошчилигида беш министрдан** иборат муваққат директория тузилиб, ҳокимиятни ўз қўлига олди.

Корнилов фитнаси ўзларини қаттиқ ҳимоя қилиш ниятида бўлган барча социалистик группаларни —«муътадил» ва революцион группаларни бирлаштирган эди. Эндиликда Корниловлар бўлмаслиги керак. Революцияни ҳимоя қилувчи

---

* Августда (эски йил ҳисоби билан).— *Ред.*

** Муваққат директорияга Керенский, Никитин, Терешченко, Верховский ва Вердеревский кирган эди.— *Ред.*

элементлар олдида жавобгар бўлган янги ҳукумат тузиш лозим эди. Шунинг учун Марказий Ижроия Комитети барча демократик ташкилотларга, сентябрда Петроградда очиладиган Демократик кенгашга ўз вакилларини юборишларини таклиф этди.

Марказий Ижроия Комитетда бирдан уч оқим пайдо бўлди. Большевиклар дарҳол Советларнинг Бутун Россия съездини чақиришни ва бутун ҳокимиятни унга топширишни талаб қилдилар. Чернов раҳбарлигидаги центрист-эсерлар, Камков ва Спиридонова бошчилигидаги сўл эсерлар билан бирликда, Мартов бошлиқ интернационалист-меньшевиклар ва Богданов ҳамда Скобелев бошчилигидаги центрист-меньшевиклар* бир турдаги социалистик ҳукумат тузишни талаб қилдилар. Церетели, Дан ва Либер бошчилигидаги ўнг меньшевиклар, шунингдек Авксентьев ва Гоц раҳбарлигидаги ўнг эсерлар янги ҳукуматда мулкдорлар синфининг вакиллари ҳам қатнашсин, деб қаттиқ талаб қилдилар.

Шундан кейин большевиклар Петроград Советида, сўнгра эса Москва, Киев, Одесса ва бошқа шаҳарларнинг Советларида ҳам кўпчиликни ташкил этдилар.

Марказий Ижроия Комитетида ҳукмрон бўлган меньшевик ва эсерлар ташвишга тушиб, Ленин оқибат-натижада бизлар учун Корниловдан ҳам қўрқинчлироқ, деган фикрга келдилар. Улар кооперативларга ва бошқа консерватив ташкилотларга кўпроқ ўрин бериб, Демократик кенгашдаги[2] вакиллик тартибини ўзгартириб юбордилар. Бироқ состави махсус танлаб олинган кишилардан иборат бўлган бу кенгаш ҳам бошда *кадетларсиз коалицион ҳукумат* тузиш тарафдори бўлиб чиқди. Фақат Керенскийнинг истеъфога чиқиш тўғрисидаги очиқдан-очиқ дўқи, «муътадил» социалистларнинг «республика хавф остида» деб дод-фарёд кўтариши Кенгашни арзимаган кўпчилик овоз билан буржуазия ила иттифоқ тузиш принципини қабул қилишга ҳамда Россия Республикасининг Муваққат Совети номи остида ҳеч қандай қонун чиқара олмайдиган маслаҳат парламенти органи тузишга розилик беришга мажбур этди. Янги министрликда мулкдорлар синфининг вакиллари амалда ҳамма ишни бошқарар, Россия Республика Советида эса улар ғайри мутаносиб равишда кўпчилик ўринни олган эдилар. Марказий Ижроия Комитети амалда Советлардаги халқ оммасининг вакили эмас эди ва сентябрда бўладиган иккинчи Бутун Россия съездини чақиришдан ҳеч бир қонуний асоссиз бош тортган эди.

Марказий Ижроия Комитетнинг съезд чақириш ёки унинг чақирилишига йўл қўйиш каби ҳеч бир нияти йўқ эди. Унинг расмий органи бўлган «Известия», Советлар ўз вазифасини тамомлади[3] деса бўлади ва эҳтимол тез орада тар-

* «Кириш сўз ва изоҳотлар»га қаралсин.— *Ж. Рид.*

қатиб юборилар, деб ёза бошлади... Айни замонда янги ҳукумат ҳам, «масъулиятни сезмайдиган ташкилотларни», яъни Советларни тугатиш бизнинг программамизга киради, деб гапира бошлади.

Бунга жавобан большевиклар Советларни 2 ноябрда (20 октябрда) Петроградда чақиришга ва Россияда ҳокимиятни ўз қўлларига олишга даъват этдилар. Шу билан бир вақтда большевиклар Россия Республикаси Советидан чиқиб кетдилар ва «халққа хиёнат қилган ҳукуматда»[4] қатнашишни истамаймиз, деб билдирдилар.

Бироқ большевикларнинг чиқиб кетиши манфур Республика Советини тинчита олмади. Ҳокимият тепасига чиқиб олган мулкдорлар синфи шармандалик йўлига кириб олди. Кадетлар, ҳукумат Россияни республика деб эълон қилиш учун қонуний ҳуқуққа эга эмас, дедилар. Улар солдат ва матрос комитетларини тарқатиб юбориш мақсадида армияда ва флотда кескин чоралар кўришни таклиф этдилар ва Советларга ҳужум бошладилар. Республика Советининг тескари қанотида эса, интернационалист меньшевиклар ва сўл эсерлар дарҳол сулҳ тузишни, ерларни деҳқонларга бўлиб беришни, ишлаб чиқариш устидан ишчи контроллиги жорий қилишни — ҳақиқатда большевистик программани ёқлаб чиқдилар.

Мен Мартовнинг кадетларга қарши сўзлаган нутқини эшитдим. Мартов минбарда рамақижондек (ҳақиқатда ўзи шундай эди) мункайиб туриб, бармоғи билан ўнгларни кўрсатиб, товушини аранг чиқариб, хириллаб деган эди:

«Сизлар бизларни мағлубиятчилар деб атайсизлар. Бироқ ҳақиқий мағлубиятчилар сулҳ тузиш учун қулай пайтни пойлаб турадиган, сулҳ тузиш масаласини рус армиясидан ҳеч асар қолмагунча, Россиянинг ўзи эса империалистик группалар ўртасида савдо-сотиқ буюмига айланмагунча кечиктириб чўзиб келадиган кишиларнинг ўзгинасидир... Сизлар рус халқига буржуа манфаатлари талаб қиладиган сиёсатни зўрлаб тиқиштирмоқчи бўласиз. Сулҳ масаласи дарҳол ҳал қилиниши лозим... Ўшанда сизлар Германия агентлари деб атаган кишиларингизнинг, бутун дунёда демократик омманинг онгини уйғотишда хизмат қилган циммервальдчиларнинг* меҳнати зое кетмаганини кўрасиз...»

Омманинг ўсиб бораётган тазйиқини сўл томондан ҳис қилаётган меньшевик ва эсерлар шу группалар ўртасида тараддудланиб қолдилар. Республика Совети ичида чуқур илдиз отган душманлик уни икки муросасиз группага бўлган эди.

Париж умум иттифоқчилар конференцияси ажнабий сиёсатнинг энг ўткир масалаларини кўндаланг қилиб қўйгани

---

* Европа социализми революцион-интернационалистлар қанотининг аъзолари. 1915 йил Циммервальдда (Швейцарияда) бўлган халқаро конференциядан бери улар шу ном билан аталиб келадилар.— *Ж. Рид.*

ҳақидаги кўпдан бери кутилган хабар эшитилган маҳалида аҳвол ана шундай эди...

Назарий жиҳатдан олганда, барча рус социалистик партиялари демократик асосда тезроқ сулҳ тузиш тарафида эдилар. Петроград Совети 1917 йил май (апрель) даёқ русларнинг машҳур сулҳ шартларини эълон қилган эди. Бу Советга ўша вақтда меньшевик ва эсерлар раҳбарлик қиларди. Эълон қилинган шартларда урушнинг мақсадларини муҳокама қилмоқ учун иттифоқчилар конференция чақиришлари керак, деган талаб бор эди. Конференцияни августга чақириш ваъда қилинган эди, кейин сентябрга, сўнгра октябрга қолдирилди, ундан кейин эса 10 ноябрь (21 октябрь)га чақириладиган бўлди*.

Муваққат ҳукумат бу конференцияга ўзининг икки вакилини — ўта кетган реакцион кайфиятдаги генерал Алексеев билан ташқи ишлар министри Перешченкони юбормоқчи эди. Советлар ўз томонларидан вакил қилиб Скобелевни сайладилар ва унга қўлланма[5] тариқасида хизмат қилиши лозим бўлган манифестни, машҳур *наказни* туздилар. Муваққат ҳукумат на Скобелевни, ва на унинг наказини танимади. Иттифоқчиларнинг дипломатлари ҳам норозилик билдирдилар. Иш шу билан тугадики, Бонар лоу** Британия умумий палатасида саволларга жавоб бераториб, совуққина қилиб: «Менга маълум бўлишича, Париж конференцияси урушнинг мақсадларини эмас, балки уруш олиб бориш усулларини муҳокама қилади...»,— деди.

Рус консерватив матбуоти бундан жуда мамнун эди, большевиклар эса: «Муросасозлик тактикаси меньшевик ва эсерларни мана қандай йўлга бошлади»,— деб гапирардилар.

Минг мильга*** чўзилган бутун фронт бўйлаб кўп миллионли рус армияси денгиздек қайнаб, пойтахтга юзлаб янгидан-янги вакиллар юборадилар, улар: «Сулҳ! Сулҳ!»,—дер эдилар.

Мен дарёнинг нари ёғидаги Модерн циркида бўлган катта халқ митингларидан бирида бўлдим. Бундай митинглар ҳар кун кечқурун бутун шаҳарда бўлиб турарди, бунга тўпланадиган халқ тобора кўпайиб бормоқда. Ингичка симга осиб қўйилган бешта лампочка милтиллаб ёниб турган, шарти кетиб парти қолган хира амфитеатрнинг шипигача одам: солдатлар, матрослар, ишчилар, хотин-халажлар лиқ тўла эди, ҳаммалари бутун ҳаётлари гўё шунга боғлиқдек, диққат билан

---

* Муваққат ҳукумат ағдарилганлиги сабабли конференция чақирилмай қолди.— *Ред.*

** *Эндрю Бонар Лоу* (1858—1923)— инглиз давлат арбоби, консерваторларнинг бошлиғи, 1917 йили Ллойд Жоржнинг коалицион ҳукуматида канцлер хазиначиси (молия министри) ва умумий палата лидери эди.—*Ред.*

*** *Миль*— 1,6 километрга баробар — *Ред.*

нотиқларга қулоқ солардилар. 548-дивизиядан келган қандайдир бир солдат гапирарди.

«Ўртоқлар!— деб қичқирди у. Унинг қотма юзларидан ва ғалабнок ҳаракатларидан ҳақиқий бир мусибат борлиги сезилиб турарди.— Тепамизда турган одамлар, бизларни доим янгидан-янги қурбонлар беришга даъват қиладилар-у, ҳеч нарсага муҳтожлиги бўлмаганларга сира тегмайдилар.

Биз Германия билан урушмоқдамиз. Герман генералларини ўз штабимизда ишлашга таклиф қила оламизми? Гарчи биз капиталистлар билан ҳам жанг қилиб турган бўлсак-да, шунга қарамай, уларни ўз ҳукуматимизга чорлаяпмиз...

Солдат дейди: «Нима учун жанг қилаётганлигимни менга айтиб беринглар! Константинополь учунми ёки озод Россия учунми? Демократия учунми ёки капиталистик босқинчилик учунми? Агар менга, сен революцияни ҳимоя қилиш учун курашяпсан, деб исботлаб берсалар, у вақтда мен бориб жанг қиламан, мени отиб ташлаш таҳдиди билан ҳайдаб олиб боришнинг ҳожати қолмайди.

Ер деҳқонларга, заводлар ишчиларга, ҳокимият эса Советларга қарашли бўлгандагина нима учун жанг қилаётганимизни биламиз ва ўшандагина биз жанг қиламиз!»

Казармаларда, заводларда, кўчаларнинг муйилишларида — ҳамма жойда дарҳол сулҳ тузишни талаб қилган беҳисоб солдатлар тинмай нутқ сўзлар, ва:

«Агар ҳукумат сулҳ тузмоқ учун жиддий тадбирлар кўрмаса, армия окопларни ташлаб, уй-уйларига тарқалиб кетади» дер эдилар.

VIII армиянинг вакили шундай деган эди:

«Биз заифлашиб қолдик, ҳар бир ротада атиги бир неча кишигина қолдик. Агар бизга озиқ-овқат, этик ва қўшимча аскар юбормасалар, тез орада фронтда фақат бўм-бўш окопларнинг ўзигина қолиши турган гап. Сулҳ ёки таъминот... Ҳукумат ё урушни тўхтатсин, ёки армияни озиқ-овқат билан ва керакли нарсалар билан таъминласин...»

46-Сибирь артиллерия бригадаси номидан сўзга чиққан вакил шундай деган эди:

«Офицерлар бизнинг комитетларимиз билан ишлашни истамайдилар, улар бизни душманга сотмоқда, агитаторларимизни отиб ташламоқдалар, контрреволюцион ҳукумат эса уларни қўллаб-қувватламоқда. Революция бизга сулҳ келтиради, деб ўйлаган эдик. Ҳукумат бундай нарсалар тўғрисида оғиз очишга йўл бермайди, ўзи эса яшаш учун етарли озиқ-овқат, жанг қилиш учун етарли миқдорда ўқ-дори етказиб бермаяпти».

Европадан эса Россия ҳисобига сулҳ тузиш тўғрисида мишмишлар келиб турарди[6]...

Франциядаги рус қўшинларининг аҳволи тўғрисидаги хабарлар орқасида норозилик янада кучайган эди. Биринчи

бригада, ўртоқлари Россияда қилганлари сингари, ўз офицерлари ўрнига солдат комитетларини қўймоқчи бўлдилар ва ватанга қайтишларини талаб қилиб, Салоникага боришдан бош тортдилар.

Шунда биринчи бригадани қуршаб олиб оч қолдирдилар, ниҳоят, тўпга тутдилар. Шундай қилиб, кўплар ўлиб кетди[7]...

26 (13) октябрда мен Маринский саройининг оқ-қизғиш мармар залига кириб бордим, унда республика Совети мажлиси борарди. Мен Терешченконинг сўзини эшитмоқчи эдим. У ҳукуматнинг ташқи сиёсат тўғрисидаги декларациясини эълон қилиши лозим эди. Уруш орқасида ҳолдан тойган ва сулҳга чанқаган мамлакат бу декларацияни кўпдан бери орзиқиб кутмоқда эди.

Башанг кийинган, соқол-мўйлови қирилган, ёноқлари туртиб чиққан новча йигит ўзи томонидан яхшилаб тузилган ва ҳеч нарсага мажбур қилмайдиган нутқини паст овоз билан ўқиб бермоқда эди[8]. Чакки эмас... Шонли иттифоқчилар билан баҳамжиҳат бўлиб, герман милитаризмини тор-мор келтириш тўғрисидаги, «Россиянинг давлат манфаатлари» тўғрисидаги, Скобелев накази туғдирган «қийинчиликлар» тўғрисидаги ўша умумий гаплар... Терешченко ўз нутқининг мағзини ташкил этган қуйидаги сўзлар билан гапини тамомлади:

«Россия — улуғ давлат. Нима ҳодиса бўлса ҳам Россия улуғ давлатлигича қолади. Биз ҳаммамиз уни ҳимоя қилишимиз, ўзимизнинг буюк ғоялар ҳомиси ва улуғ мамлакат фарзанди эканлигимизни кўрсатишимиз лозим».

Бу нутқ ҳеч кимни қаноатлантирмади. Реакционерлар «қатъий» империалистик сиёсат олиб боришни талаб қилдилар, демократик партиялар эса, ҳукумат сулҳ тузишга эришади, деган мазмунда ваъда олмоқчи бўлдилар.

Петроград большевиклар Советининг органи бўлган «Рабочий и Солдат» газетасининг бош мақоласини келтираман: «*Ҳукуматнинг окопларга жавоби*». Ташқи ишлар министри жаноб Терешченко парламент олдида чиқиб уруш ва сулҳ тўғрисида катта нутқ сўзлади. Министрларимиздан энг кам сухани армия ва халққа нималар деди?

Биринчидан, биз ўз иттифоқчиларимиз билан мустаҳкам алоқадамиз (халқ билан эмас, балки уларнинг ҳукуматлари билан). Иккинчидан, қишки урушни олиб боришнинг мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисида демократия муҳокама юритиб ўтирмасин, бу масалани иттифоқчи ҳукуматлар ҳал қилсинлар.


Учинчидан, 18 июндаги ҳужум шарофатли ва саодатбахш иш эди (бу ҳужумнинг оқибатлари тўғрисида Терешченко оғиз очмади).

Тўртинчидан, иттифоқчи ҳукуматлар, бизнинг ташвишимизни қилмаяптилар, деган гаплар тўё нотўғри эмиш. «Бизда



В. И. Ленининг сўнгги вақтларда грим билан яшириниб юрган вақти. Ишчи К. П. Иванов гувоҳномасига ёпиштирилган расм. Ленин 1917 йил июль воқеасидан кейин ана шу ном билан юрди.

(1 боб 32-бет)



Қуролли қўзғолон тўғрисида В. И. Ленин томонидан ёзилган резолюция.
Бу резолюция партия Марказий Комитетининг 1917 йил, 10 (23) октябрдаги мажлисида қабул қилинган

Кўлёзманинг 1-бети

(II боб, 60-бет)

иттифоқчиларимизнинг муайян баёнотлари бор»... Баёнотлари? Амалий ишлари-чи? Инглиз флотининг ҳатти-ҳаракати чи?[9] Инглиз королининг сургун қилинган контрреволюционер Гурко билан қилган музокаралар-чи? Бу тўғриларда министр чурқ этмади.

Бешинчидан, Скобелевнинг накази ёмон, иттифоқчилар ва рус дипломатлари бу наказдан норозилар, «иттифоқчилар конференциясида эса биз бир ёқадан бош чиқариб гапиришимиз лозим».

Бўлган гап шуми? Ҳа, шу. Нажот йўли қаерда? Иттифоқчиларга ва Терешченкога ишонишда. Сулҳ қачон тузилади? Иттифоқчилар рухсат берганидан кейин.

Муваққат ҳукуматнинг сулҳ тўғрисидаги масалада окопларга берган жавоби шундай бўлган эди».

Шу вақтда Россия сиёсий ҳаётининг ичкарисида ёвуз куч-казакларнинг шарпаси кўрина бошлади. Горькийнинг «Новая Жизнь» газетаси газетхонлар диққатини уларнинг ишларига жалб этди:

...«Февраль кунлари вақтида казаклар халққа қараб ўқ отганлари *йўқ*, Корнилов фитнаси вақтида улар бу хоинга қўшилганлари *йўқ*...

Кейинги вақтларда уларнинг роли бир қадар ўзгарди: улар пассив лоялликдан актив сиёсий ҳужумга ўта бошладилар...»

Дон казак қўшинларининг атамани Каледин, Корнилов фитнасида қатнашгани учун, Муваққат ҳукумат ишдан бўшатиб, истеъфога чиқарди. Каледин ўз вазифасидан кетишга қаттиқ қаршилик кўрсатди ва учта зўр казак армиясининг ихотасида Новочеркасскда жойлашиб олиб, фитна уюштирди ва ҳужум қилиш билан қўрқитди. Унинг кучи шундай кўп эдики, ҳукумат унинг итоатсизлигига лоқайд қарашга мажбур бўлди. Бундан ташқари, ҳукумат казак қўшинлари иттифоқи Советини расман танишга ва Советларда янги тузилган казак секциясини ғайри қонуний деб эълон қилишга мажбур бўлди.

Октябрь ойи бошида Керенский ҳузурига казак делегатлари келиб, беҳаёлик билан, Калединга ҳужум қилишларни бас қилишни талаб этди ва ҳукумат бошлиғи Советларга кенг йўл бериб қўйди, деб таъна қилди. Керенский Калединни тинч қўйишга рози бўлди. Маълум бўлишича, бунда яна: «Совет раҳбарлари мени золим ва мустабид деб ҳисоблайдилар... Вақтли ҳукумат эса Советларга таяниш бир ёқда турсин, уларнинг умуман мавжуд эканликларига жуда ачинади» деган.

Айни замонда иккинчи казак делегацияси инглиз элчихонасига келиб, у билан қилган суҳбати вақтида ўзини «озод казак халқи»нинг намоядаси деб дангал айтган.

Донда ўзига хос бир казак республикаси вужудга келгандек эди.

Кубань ўзини мустақил казак давлати деб эълон қилди. Ростов-Донда ва Екатеринославда қуролли казаклар Советларни тарқатиб юбордилар, Харьковда эса кон ишчилари касаба союзи биносини вайрон қилдилар. Казаклар ҳаракати ҳамма ерда ўзини социализмга қарши милитаристик бир ҳаракат эканини кўрсатиб қўйди. Бу ҳаракатнинг йўлбошчилари Каледин, Корнилов ва генераллардан Дутов, Караулов ва Бардижи сингари дворян ва катта ер эгалари бўлган кишилар эди, бу ҳаракатни москвалик катта савдогарлар ва банкирлар қўллаб-қувватладилар.

Эски Россия тезда нурай бошлади. Украина, Финляндия, Польша ва Белоруссияда очиқдан-очиқ миллатчилик ҳаракатлари тобора авж олди. Мулкдорлар синфи раҳбарлигидаги маҳаллий ҳокимият органлари автономия олишга талпинар ва Петроградцан келган фармонларга бўйсунмас эдилар. Гельсингфорсда Финляндия сейми Муваққат ҳукуматдан маблағ олишдан воз кечди, Финляндияни автономия деб эълон қилиб, рус қўшинларини бу ердан олиб чиқиб кетишни талаб қилди. Киевдаги буржуа радаси Украина чегарасини шу даражада кенгайтирдики, у жанубий Россиянинг Уралгача бўлган энг бой деҳқончилик областларини ўз ичига олди ва миллий армия тузишга киришди. Рада бошлиғи Винниченко Германия билан сепарат сулҳ тузиш тўғрисида гаплашди, Муваққат ҳукумат эса чурқ этолмади. Сибирь ва Кавказ ўзлари учун алоҳида Таъсис мажлислари бўлишини талаб қилдилар. Бу областларнинг ҳаммасида маҳаллий ҳокимият билан ишчи ва солдат депутатлари ўртасида кескин кураш бошланган эди.

Кундан-кунга тартибсизлик авж ола бошлади. Юзлаб-минглаб солдатлар фронтдан қочиб мамлакатни тартибсиз, зўр тўлқиндек босиб кетган эди. Ер берилишини кутаберіб ҳориган, ҳукуматнинг жазо чораларидан ғазабга келган Тамбов ва Тверь губернияларидаги деҳқонлар помешчикларнинг қўраларини ёндириб, уларнинг ўзларини ўлдира бошладилар. Катта иш ташлашлар ва локаутлар Москвани, Одессани ва Донец кўмир ҳавзасини ларзага келтирди. Транспорт ишдан чиққан, армия оч қолган, катта шаҳарларнинг марказлари ғалласиз қолган эди.

Демократик ва реакцион партиялар ўртасидаги курашда аросатда қолган ҳукумат ҳеч бир иш кўра олмас эди. Ҳукумат, ҳар қалай, бирор чора кўришга мажбур бўлган тақдирда ҳам, унинг иши, шубҳасиз мулкдорлар синфининг манфаатларигагина қаратилган бўлар эди. Қишлоқларда тартиб ўрнатиш, иш ташлашларни бостириш учун казаклар юборилиларди. Ҳукумат идоралари Тошкентда Советларни тарқатиб юбордилар. Мамлакатнинг издан чиққан экономикасини тиклаш учун Петроградда тузилган Иқтисодий кенгаш боши берк кўчага кириб қолди: бу кенгаш меҳнат билан капитал

ўртасидаги муросасиз зиддиятларни ҳал қилолмади ва ниҳоят бат-натижада уни Керенский тарқатиб юборди. Кадетлар ҳимоясидаги эски тузум офицер ва генераллари армия ва флотда интизомни тикламоқ учун қаттиқ чоралар кўришни талаб қилдилар. Денгиз ишлари министри муҳтарам адмирал Вердеревский ва ҳарбий министр генерал Верховский командирлар состави билан солдатлар ва матрослар комитетларининг ҳамкорлигига асосланган янги, ихтиёрий ва демократик интизомгина армия ва флотни сақлаб қолиши мумкин, деб беҳуда чирандилар. Ҳеч ким уларнинг гапига қулоқ солмади.

Реакционерлар халқни жўрттага ғазаблантирмоқчи бўлдилар. Корнилов устидан бўладиган суд куни ҳам яқинлашиб қолган эди. Буржуазия матбуоти Корниловни «буюк рус ватанпарвари» деб мақтаб, уни борган сари очиқдан-очиқ ҳимоя қила бошлади. Бурцевнинг «Общее Дело» деган газетаси Корнилов, Каледин ва Керенский диктатурасини ўрнатишни талаб қила бошлади.

Кунлардан бир кун мен Бурцев билан Россия Республика Советининг матбуот ложасида гаплашиб қолдим. У юзларини ажин босган, шишаси қалин кўзойнак таққан, кўзлари узоқни кўрмайдиган, сочлари пахмоқ, соқолига оқ оралаган, чувакина, букчайган бир одам эди.

«Гапим ҳамма вақт эсингизда бўлсин, йигитча! Россияга продаси кучли бир шахс керак. Революция ҳақида ўйлашни ва немисларга қарши уюшишни бир чеккага йиғиштириб қўйиш пайти келди. Корниловни тор-мор келтиришга аҳмоқлар, тентаклар йўл қўйдилар; аҳмоқлар орқасида эса герман агентлари туради. Корнилов ғалаба қозониши керак эди...»

«Новая Русь», «Живое Слово» ва Пуришкевичнинг «Народный трибун» яхши ниқобланмаган анархизмнинг энг ўнг томон органлари бўлиб, улар революцион демократияни тормор келтиришга очиқдан-очиқ даъват қилардилар.

23 (10) октябрда Рига қўлтиғида Герман эскадраси билан денгиз жанги бўлди. Ҳукумат, Петроград хавф остида деган баҳона билан пойтахтни кўчириш планини туза бошлади. Аввал мудофаа учун хизмат қилаётган катта заводлар кўчирилиб, бутун Россияга жойлаштирилиши, сўнгра ҳукуматнинг ўзи Москвага кўчиши лозим эди. Большевиклар революцияни заифлаштириш мақсадида ҳукумат қизил пойтахтни ташлаб кетаётганини дарҳол маълум қилдилар. Ригани немисларга сотдилар, энди эса Петроградга хиёнат қилмоқчилар!

Буржуа матбуоти шод-ҳуррам эди. «Москвада ҳукумат,— деб ёзган эди кадетлар газетаси «Речь»,— тинч шароитда, анархистлар томонидан тўсқинлик кўрмасдан ишлаши мумкин». Кадетлар партияси ўнг қанотининг лидери Родзянко «Утро России» газетасида Петроград немислар томонидан олинса, буюк бир бахт бўлур эди, чунки бу советларни тор-мор

«келтириши ва Россияни революцион Болтиқ флотидан халос қилиши мумкин деб айтган эди:

«Петроград хавф остида...— деб ёзди у.— Ўйлайманки, Петроград нима бўлса бўлаверсин! Питерда марказий муассасалар (яъни Советлар ва ҳоказолар) емирилади деб ташвишланадилар. Бунга мен эътироз билдираман, бу муассасаларнинг ҳаммаси емирилса, мен жуда хурсанд бўлардим, чунки улар Россияга ёмонликдан бўлак ҳеч нарса келтирганлари йўқ...

Петроград олиниши билан Болтиқ флоти ҳам йўқ қилиб ташланади... Аммо бунга ачинмаса ҳам бўлади: уруш кемаларининг кўпи бутунлай бузуқчилик йўлига кириб кетган».

Халқ норозилиги шу қадар зўр эдики, пойтахтни кўчириш планини кечиктиришга тўғри келди.

Шу орада Россияга шиддатли қора булутлар сингари Советлар съезди таҳдид солмоқда эди. Унинг чақирилишига фақат ҳукуматгина эмас, балки барча «муътадил» социалистлар ҳам қаршилик қилмоқда эдилар. Армия ва флот марказий комитетлари, баъзи бир касаба союзларнинг марказий комитетлари, деҳқон депутатлари Советлари ва хусусан МИК бутун кучи билан съезд чақирилишига қаршилик кўрсатдилар. Петроград Совети томонидан чиқарилган, аммо кейинчалик МИК қўлига ўтиб қолган «Известия» ва «Голос Солдата» газеталари съездга тиш-тирноқлари билан қарши чиқдилар. Эсерлар матбуотининг оғир артиллерияси бўлган «Дело Народа» ва «Воля Народа» газеталари уларни қўллаб-қувватлади.

Бутун мамлакатга маҳаллий Советлар ва армия комитетларидан съездларга сайловларни бекор қилиш ёки кечиктиришни талаб қилиб, делегатлар ва бутун телеграф симлари орқали йўл-йўриқлар юборилди.

Съездга қарши баландпарвоз гаплар билан ёзилган резолюциялар, Таъсис мажлиси очилиши олдидан демократия съезд очилишига йўл қўймайди деган баёнотлар ва съездга қарши фронт вакилларидан, земский союздан, деҳқонлар союзидан, казак қўшинлари союзидан, офицерлар союзидан, георигевский кавалерлари союзидан, «ажал батальон»*ларидан норозилик билан тўлган резолюциялар келиб турарди... Россия Республика Совети ҳам съезд чақирилишини маъқул кўрмаганини бир оғиздан изҳор қилди. Март резолюцияси натижасида Россияда вужудга келган бутун бир аппарат Советлар съездининг чақирилишига йўл қўймаслик учун жонжаҳди билан ҳаракат қилди.

Иккинчи томонда эса пролетариатнинг ишчилар, оддий солдатлар ва камбағал деҳқонларнинг ҳали пишиб етилмаган истаклари турарди. Кўпгина маҳаллий Советлар боль-

---

* «Кириш сўз ва изоҳотлар»га қаралсин.—*Ж. Рид.*

шевиклашган эдилар; бундан ташқари, саноат пролетариати ташкилотлари, фабрика-завод комитетлари ва қўзғолонга тайёр турган армия, флот революцион ташкилотлари бор эди. Ўз вакилларини тўғри сайлашга имкон тополмаган халқ кўп жойларда ўз-ўзидан митинглар қилиб, Петроградга делегатлар сайлар эди. Бошқа жойларда эса халқ ўз йўлида тўғоноқ бўлиб турган эски комитетларни суриб ташлаб, ўрнига янгиларини сайлардилар. Ер остида ётган исён олови, шу ойлар мобайнида жим ётган революция лавасининг устида секин-аста қотиб қолган қобиқни ёриб чиқабошлади. Бутун Россия Советлар съезди омманинг стихияли ҳаракати натижасидагина чақирилиши мумкин эди.

Большевик нотиқлар кун сайин казарма ва фабрикаларни айланиб, «гражданлар уруши ҳукумати»га қарши қаттиқ ҳужум қилдилар. Бир куни, якшанба куни биз тумтайган фабрикалар ва баҳайбат черковлар ёнидаги лой денгизларидан судралиб ўтган, ичи одамга лиқ тўла бир паровозчада Шлессельбург проспекти яқинидаги Обухов ҳарбий заводига жўнаб кетдик, бу завод давлатга қарашли эди.

Ҳали қурилиб битмаган, биргина ғишт деворлардан иборат завод корпуси ичида митинг бошланди. Қизил алвон билан ўралган минбар атрофига ўн минг чоғлиқ ҳалойиқ тўпланган эди. Ҳамма қора кийимда эди. Одамлар саржин ва териб қўйилган ғиштлар устига, юқорида қорайиб кўринган тўсинлар устига ғуж бўлиб чиқиб олган эдилар. Бу аудитория нотиқларнинг сўзига зўр диққат билан қулоқ солар ва актив қатнашарди. Баъзи-баъзида зилдек қора булутлар орасини офтоб ёриб ўтиб, ойнасиз дераза ларга ва бизларга юз ўгирган оддий одамлар денгизига қизғиш нурини сочар эди.

Қотмадан келган, студентнамо, рассомникидек сезгир юзли Луначарский Советлар нима учун ҳокимиятни қўлга олиши кераклигини тушунтириб берди. Фақат Советларгина мамлакатни онгли равишда харобага айлантираётган, армияга бузғунлик солаётган, янги Корнилов учун замин ҳозирлаётган душманлардан революцияни ҳимоя қила олади.

Руминия фронтидан келган бир солдат чиқиб сўзлади. Унинг чеҳраси фожиали ва оташин, ўзи эса чуваккина одам эди. «Ўртоқлар,— деб қичқирди у.— Бизлар фронтда оч қолишимиз ва совуқдан тўнгмоқдамиз, бекордан-бекорга ўлиб кетмоқдамиз. Америкалик ўртоқлар биз — руслар ўз революциямиз учун бир томчи қонимиз қолгунча курашажагимизни америкага айтсин. Бутун дунё халқлари бизга ёрдамга қўзғолмагунча бор кучимиз билан маҳкам турамиз! Америкалик ишчиларга айтинг: улар социалистик революция учун қўзғолиб, кураш олиб борсинлар!»

Сўнгра салмоқлаб, аямасдан гапирадиган нозикkина Петровский ўрнидан турди.

«Гап-сўзни бас қилайлик энди, амалий ишга ўтиш пайти келди! Иқтисодий аҳвол жуда ёмон, лекин биз унга чидашимиз керак. Бизни оч қолдириб, совуққа қотириб қўлга олмоқчи, орамизга фитна солмоқчи бўладилар. Душманлар билиб қўйсинларки, улар ҳаддиларидан ошмоқдалар, башарти улар бизнинг пролетар ташкилотларимизга даҳл қилишга журъат этсалар, биз уларни ер юзидан ахлатдек супуриб ташлаймиз!»

Большевик матбуоти мисли кўрилмаган тезлик билан ўсди. «Рабочий Путь» ва «Солдат» сингари партия газеталаридан ташқари деҳқонлар учун тиражи ярим миллиондан иборат бўлган кундалик янги «Деревенская Беднота» газетаси чиқа бошлади. 30 (17) октябрдан бошлаб эса «Рабочий и Солдат» газетаси чиқа бошлади. Унинг бош мақоласида большевиклар нуқтаи назари хулоса қилиб, шундай дейилган эди:

«...Тўртинчи қишки кампания армия, мамлакат учун ҳалокатли бўлган бўлур эди. Шу билан бир вақтда революцион Петроградни таслим қилиш хавфи пайдо бўлиб қолди. Контрреволюционерлар халқ бошига офат келтирмоқдалар. Умиди пучга чиққан деҳқонлар очиқдан-очиқ қўзғолон қилиш йўлига ўтдилар. Помешчик ва амалдорлар жазо отрядлари ёрдамида деҳқонларни тор-мор келтиряптилар. Фабрика ва заводлар ёпилиб қолмоқда. Ишчиларни оч қолдириб, итоат қилдирмоқчилар. Буржуазия ва унинг генераллари армияда кўркўрона интизом ўрнатиш учун қаттиқ чоралар кўришни талаб қиладилар. Корниловчилар ғафлатда эмас. Бутун буржуазия томонидан қўллаб-қувватланган корниловчилар Таъсис мажлисини барбод қилиш учун очиқдан-очиқ тайёргарлик кўрмоқдалар.

Керенский ҳукумати...— ишчиларга, солдатларга ва деҳқонларга қарши. Бу ҳукумат мамлакатни ҳалок этмоқда.

Бизнинг газетамиз даҳшатли кунларда чиқа бошлади. «Рабочий и Солдат» газетаси Петроград пролетариати ва Петроград гарнизонининг овозидир. «Рабочий и Солдат» газетаси қишлоқ камбағалларининг манфаатларини қаттиқ ҳимоя қилади.

Халқни ҳалокатдан қутқариб қолиш лозим. Революция ниҳоясига етказилиши зарур. Ҳокимиятни буржуазиянинг жинояткор қўлидан тортиб олиб, уюшган ишчи, солдатлар ва революцион деҳқонлар қўлига топшириш лозим...

Бизнинг газетамизнинг программаси — Петроград ишчи ва солдат депутатлари Советининг программасидир.

Марказда ҳам, жойларда ҳам бутун ҳокимият — Советларга!

Барча фронтларда дарҳол яраш бошлансин! Халқлар ўртасида чинакам демократик сулҳ ўрнатилсин!

Помешчикларнинг ерларини деҳқонларга текинга олиб берилсин!

Ишлаб чиқариш устидан ишчи контроллиги ўрнатилсин! Таъсис мажлиси виждонан чақирилсин!...»

Бутун дунё герман агенти деб атаган большевиклар органи бўлган ўша газетадан яна бир парча келтириш жоиздир.

«Миллион-миллион кишиларнинг қонини сўрган Герман кайзери ўз қўшинини Петроградга сурмоқчи бўлади. Кайзерга қарши немис ишчи, солдат, матрос ва деҳқонларни ёрдамга чақирамиз. Улар сулҳга биздан ҳам чанқоқдир... «Битсин лаънати уруш!» Ким шундай таклиф қилади?

Революцион ҳокимият керак, армияга, флотга, пролетариатга ва деҳқонларга суянувчи ҳақиқий революцион ҳукумат керак...

Ана шундай ҳукуматгина иттифоқчи ва душман дипломатларга мурожаат қилмай, тўғридан-тўғри немис қўшинларига мурожаат қила олади. Шундай ҳукуматгина немис окопларини немис тилида ёзилган миллионлаб хитобномалар билан тўлдириб юбориши мумкин. Бизнинг учувчиларимиз бу хитобномаларни немис ерларида тарқатган бўлур эдилар...»

Республика Советида эса икки томон ўртасидаги ихтилоф кундан-кунга чуқурлашиб борди.

«Мулкдорлар синфи,— деб хитоб қилди сўл эсер Карелин,— Россияни иттифоқчиларнинг уруш аравасига парчинлаб қўйиш учун давлат революцион аппаратидан фойдаланмоқчи бўладилар! Революцион партиялар бундай сиёсатга мутлақо қаршидирлар...»

«Халқ социалистларининг намояндаси қариб, мункиллаб қолган Николай Чайковский ерларни деҳқонларга бўлашиб беришга қарши чиқиб, кадетлар томонига ўтиб кетди;

«Армияда дарҳол қаттиқ интизом жорий қилиш зарур... Урушнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ, мен уруш вақтида ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар билан шуғулланиш жиноятдир, деб такрор-такрор айтиб келдим. Бу ислоҳотларга гарчи мен душман бўлмасам-да (чунки ўзим социалистман), шу жиноятни қилмоқдамиз»...

Сўл томондан: «Биз сизга ишонмаймиз!» деган ҳайқириқлар эшитилади, ўнг томондан гумбурлаган қарсаклар чалинди...

Кадетлар номидан гапирган Аджемов, армиянинг нима учун жанг қилаётганини унга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, чунки рус территориясини душмандан тозалаш яқин орадаги вазифа эканини ҳар бир солдат англамоғи лозим, деди.

Миллий бирлик тўғрисида Керенскийнинг ўзи икки марта қизғин нутқ сўзлади, бир нутқининг охирида ҳатто йиғлаб ҳам юборди. Мажлис аҳли унинг нутқини тумтайган ҳолда эшитди ва кўпинча қочириқ гаплар билан бўлиб турди.

МИКнинг ва Петроград Советининг штаб-квартираси билан Смольний институти кенг Нева дарёси бўйида шаҳарнинг энг чеккасида жойлашган эди. Мен у ерга депсалган, лой кўчалардан қуртдек судралиб, ғичирлаб кетаётган, ичи одамга лиқ тўла трамвайга тушиб бордим. Трамвайнинг охирги остановкасида Смольний монастрининг тўқ зарҳал билан безалган ажойиб кўкиш гумбази қад кўтариб турарди. Унинг ёнида эса узунлиги икки юз ярд, баландлиги уч қават, пештоқига императорнинг тошдан ўйиб қилинган герби солинган Смольний институтининг казарма тахлит катта фасади кўриниб турарди. Император герби гўё бутун юз бераётган воқеалар устидан заҳарханда қилаётгандек эди...

Эски тузум вақтида бу жой рус оқсуякларининг қизлари учун машҳур монастир — институт эди. Унга подшо хотини васийлик қиларди. Революция уни тортиб олиб, ишчи ва солдат ташкилотларига топширди. Бу институтда юздан зиёдроқ оппоқ, катта ва бўм-бўш хоналар бор эди. Эшикларидаги омон қолган сирланган тахтачаларга: «Классная дама», «IV класс», «Учительская» деб ёзиб қўйилган эди. Бироқ бу тахтачаларда янги ҳаёт нишоналари кўринарди, унда: «Петроград Советининг Ижроия комитети», ёки «МИК» ёки «Чет ишлар бюроси», «Социалист солдатлар союзи», «Бутун Россия касаба союзлари Марказий Совети», «Фабрика-завод комитетлари», «Марказий армия комитети», деб дағал бўёқ билан ёзилган ёзувлар бор эди... Шунингдек, бу жойда сиёсий партияларнинг марказий комитетлари жойлашган бўлиб, уларнинг фракцион кенгашлари учун хоналар ҳам бор эди.

Электр лампочкалари нури билан онда-сонда ёритилиб турган гумбазнамо узун коридорларда беҳисоб солдат ва ишчилар уймалашиб у ёқ-бу ёққа юрарди. Уларнинг кўпчилиги букчайиб боғланган газеталар, хитобномалар, турли босма пропаганда материалларини орқалаб таширди. Тахта поллар оғир этиклар зарби остида муттасил гумбирлаб турарди... Ҳамма ёққа «Ўртоқлар, ўз соғлиғингиз учун тозаликка риоя қилингиз!» деган плакатлар осиб қўйилган. Зинапояларнинг даҳлизи ва муйилишларида сотиш учун мўлжалланган турли сиёсий партияларнинг босма адабиётлари уйиб қўйилган узун столлар турарди.

Пастки қаватдаги кенг ва пастак уйда аввалгича ошхона жойлашган эди. Мен икки сўмга овқат талони сотиб олиб, узун стол ёнига бораётган минглаб кишилар қаторида навбатда турдим. Узун стол орқасида эса йигирма чоғлиқ эркак ва аёллар одамларга катта қозонлардан карам шўрва қуйиб, ичига бир бурда гўшт ташлар, бир тарелка тўла бўтқа, бир бурда қора нон берар эдилар. Беш тийинга бир тунука кружкада чой олиб ичиш мумкин эди. Сават ичида ёғлиқ ёғоч қошиқлар ётарди. Стол ёнига қўйилган узун скамейкаларда очиққан пролетарлар зич бўлиб ўтиришарди. Улар товушла-

рини барала қўйиб, уйни бошларига кўтариб, ҳазил-мутойибалар қилишиб, овқатни зўр иштаҳа билан тушуришгани кўпуришган эди.

Юқори қаватда яна бир ошхона бўлиб, унда фақат МИҚ аъзоларигина овқатланишарди. Лекин бу жойга истаган кишилар кираверарди. Бу ерда қалин қилиб мой суртилган нон олиш, истаганча чой ичиш мумкин эди.

Иккинчи қаватнинг кун юриш томонида умумий мажлислар қиладиган катта зал бор эди. Институт борлик даврида бу ерда зиёфатлар ўтказишарди. Бу баланд оппоқ зал юзлаб электр лампалари ўрнатилган, оппоқ қандиллар билан ёритилган бўлиб, икки қатор катта устунлар билан бўлинган эди. Залнинг тўрида саҳна бўлиб, унинг икки томонида баланд сертармоқли қандиллар осиғлиқ. Супанинг орқасида ичидан императорнинг сурати олиб ташланган бўш зарҳал рамка бор. Тантанали кунларда шу супада маликалар атрофига ярқираган ажойиб мундир кийган офицерлар ва серҳашам ридо кийган руҳонийлар тўпланишарди.

Залнинг рўпарасидаги хонада Советлар съездининг мандат комиссияси жойлашган эди. Мен шу хона ичида туриб, келган делегатларни,— пахмоқ соқолли солдатларни, қора кўйлак кийган ишчиларни, сersоқол деҳқонларни томоша қилдим. Комиссияда ишлаётган ва Плехановнинг «Бирлик»* группаси аъзоси бўлган бир қиз заҳарханда билан кулиб қўйди. «Булар биринчи съездга келган одамларга сира ўхшамайди,— деди ўша қиз.— Нақадар қўпол ва қолоқ халқ. Нодон одамлар...» Бу сўзларда ҳақиқат зарраси бор эди. Революция Россияни таг-томиридан қалқитди. Бутун воқеа аён бўлиб қолди. Эски МИҚ томонидан тайинланган мандат комиссияси булар ғайри қонуний сайланганлар деган баҳона билан делегатларни бир-кетин рад этаверди. Аммо большевистик Марказий Комитетнинг вакили Карахан масхара қилиб кулиб қўя қолди. «Ҳечқиси йўқ,— дерди у,— съезд очилганидан кейин ҳаммангиз ўз ўрнингизни эгаллайсиз...»

«Рабочий и Солдат» шундай деб ёзган эди:

«Ташкилот Бюросининг айрим аъзолари съездни бузиш мақсадида съезд чақирилмайди, яхшиси делегатлар Петроградда жўнаб кетаверсинлар, деган овоза тарқатиш учун уринаётганликларига Бутун Россиянинг янги съезди делегатларининг диққатини жалб этамиз... Бундай ёлғон гапларга эътибор бермангиз... Улуғ айём яқинлашмоқда...»

2 ноябрь (20 октябрь)да съезд қарорини қонуний деб тониш учун лозим бўлган кўпчилик ҳали келиб етмаслиги мутлақо равшан эди. Шу сабабдан съезднинг очилиши 7 ноябрь (25 октябрь)гача кечиктирилган эди, аммо бутун мамлакат ҳаракатга келган эди, меньшевик ва эсерлар ўзларининг

* «Кириш сўзи ва изоҳатлар»га қаралсин.— *Ж. Рид.*

мағлубиятга учраганликларини кўриб, тактикаларини кескин равишда ўзгартирдилар. Улар ўзларининг чекка вилоятлардаги ташкилотларига, съездга «муътадил» социалистлардан мумкин қадар кўпроқ вакиллар юборинг, деган мазмунда ошиғич телеграммалар юбордилар. Шу билан бир вақтда деҳқон Советларининг ижроия комитети ишчилар ва солдатлар томонидан кўриладиган ҳар қандай тадбирларни чиппакка чиқармоқ учун 13 декабрь (30 ноябрь) да деҳқонлар съездини чақириш тўғрисида ошиғич мурожаатнома чиқарди.

Большевиклар нима қилмоқчи эдилар? Шаҳарда, солдатлар ва ишчилар қуролли қўзғолонга тайёрланмоқдалар, деган миш-миш гаплар тарқалди. Буржуа ва реакцион матбуот қўзғолон бўлишини олдиндан пайқаб, ҳукуматдан Петроград Советини қамашни ёки жилла бўлмаса, съезднинг очилишига йўл қўймасликни талаб қилди. «Новая Русь» сингари варақалар очиқдан-очиқ ҳамма большевикларни қириб ташлашга чақирди.

Горькийнинг «Новая Жизнь» газетаси большевикларнинг, реакционерлар революцияни бўғмоқчилар ва башарти зарурият туғилса, уларга қарши қуролли қаршилик кўрсатиш керак, деган фикрларига батамом қўшилди. Аммо бу газета бутун революцион демократик партиялар ягона фронт тузишлари лозим, дер эди:

«...Демократия ҳозирча ўзининг асосий кучларини жипслаштирмагани ва унинг таъсирига қаршилик кўрсатиш ҳали етарли даражада кучли бўлгани учун ҳужумга ўтиш унинг ўзи учун фойдасиздир. Аммо унга душман кучлари ҳужум қилар экан, революцион демократия ҳокимиятни ўз қўлига олмоқ учун дарҳол кураш бошлаб юбормоғи лозим. Шундагина бу кураш халқнинг кенг табақалари томонидан қўллаб-қувватланади».

Горький реакцион газеталар ҳам, ҳукумат газеталари ҳам большевикларни ҳужумга ўтишга гиж-гижламоқда деб айтган эди. Бироқ қўзғолон янги Корниловга фақат йўл очиб беради, холос. Горький большевиклардан миш-миш гапларни рад этишни талаб қилди. Потресов меньшевикларнинг «День» деган газетасида шов-шувга сабаб бўлган бир мақола босиб чиқаради, бунда харита ҳам берилган эди. Бу харита гўё большевикларнинг яширин операция планини фош қилармиш. Петроград бутун деворлари «муътадил» ва консерватив партияларнинг марказий комитетлари ва МИК томонидан чиқарилган ҳар хил эълонлар, варақалар ва шиорлар билан тўлган эди. Бу эълон, варақа ва шиорлар ишчилар ва солдатларни агитаторларнинг гапларига қулоқ солмасликка даъват қилувчи ва ҳар қандай намойишларни қораловчи ва ундан эҳтиёт бўлишга чақирувчи эди. Масалан, биз социалист-революционерлар партияси ҳарбий секциясининг хитобномасини келтирайлик:

«...Қўзғолонга тайёргарлик тўғрисида шаҳарда яна миш-миш гаплар тарқалмоқда. Бу миш-миш гапларнинг манбаи қаерда экан? Қўзғолон тўғрисида гапирувчи агитаторлар ким ва қайси ташкилот томонидан ваколат олган экан? МИКда ўзларига берилган саволларга большевиклар салбий жавоб бердилар.

Аммо бу миш-миш гаплар катта хавф туғдирарди. Айрим шошқалоқ кишилар кўпчилик ишчилар, деҳқонлар ва солдатлар оммаси кайфиятини ҳисобга олмай, бир қисм ишчи ва солдатларни қўзғолонга даъват қилиб, кўчага чиқишга чақириши осон гап.

Революцион Россия ўз бошидан оғир кунларни кечираётган бир пайтда бу қўзғолон дабдурустдан гражданлар урушини бошлаб юбориши ва пролетариат, меҳнаткаш деҳқонлар ва армия ташкилотлари қийинчиликлар билан вужудга келтирган нарсаларининг ҳаммасини емириши мумкин. Улар (контрреволюционерлар — *Ред*) контрреволюцион қирғинлар бошлаб юбориш ва қонли ички урушлар орқали Таъсис мажлисига сайловларни бузиш учун бундай қўзғолонлардан дарҳол фойдаланадилар. Европа контрреволюционери Вильгельм II, пайтдан фойдаланиб, янги зарбалар беришга тайёрланиши мумкин.

Қўзғолонга йўл қўймангиз! Ҳамма ўз ўрнида турсин!..»

28 (15) октябрда Смольнийнинг коридорларидан бирида мен Каменев билан суҳбатлашиб қолдим. У сарғиш, чўққи соқол, ўрта бўйли, имо-ишора билан гапирадиган бир кимса эди. У съездга кўплаб делегатлар келишига ишонмас эди. «Агар съезд бўлар экан,— деган эди у,— ундай ҳолда халқнинг асосий кайфиятини акс эттирган бўлади. Агар большевиклар, мен ўйлагандек, кўпчиликни ташкил қилсалар, у вақтда биз Муваққат ҳукуматдан истеъфо беришини ва бутун ҳокимиятни Советларга топширишини талаб қиламиз...»

Рангпар, касалманд, кўзойнак таққан новча йигит Володарский ундан ҳам аниқроқ қилиб гапирди: «Либерданлар ва бошқа муросасозлар съездга қарши саботаж қилмоқдалар. Башарти улар съезд чақирилмай қолишига муваффақ бўлсалар, биз бундай нарсалар олдида тўхталиб қолмайдиган старли даражада реал сиёсатчилармиз-ку!..»

Менинг хотира дафтаримда 29 (16) октябрда газета хабарларидан олинган қуйидаги кўчирмалар бор:

«Могилёв. (Олий бош қўмондон ставкаси.) Бу ерга ишончли гвардиячи полклар, «ёввойи дивизия», казак қисмлари ва «ажал батальонлари» тўпланмоқда».

Ҳукумат Павловск, Царское Село ва Петергоф мактабларининг юнкерларига Петроградга ҳужум қилиш учун тайёр туришга буйруқ берди. Ораниенбаум юнкерлари шаҳарга тўпланмоқдалар.

Қишки саройда Петроград зерҳли дивизион қисми жойлашган.

Сестрорецкдаги ҳукумат яроқ-аслаҳа заводи, Троцкий қўл қўйган буйруққа биноан, Петроград ишчи делегатларига бир неча минг милтиқ берди.

Нижне литейний район шаҳар милицияси митингида бутун ҳокимиятни Советларга топширишини талаб қилган резолюция қабул этилди...»

Буларнинг ҳаммаси ўша жонсарак кунлардаги тартибсиз ҳодисаларнинг бир намунасигинадир. Ҳамма нимадир бўлишини биларди, аммо нима рўй беришини ҳеч ким билмасди.

30 (17) октябрь кечаси Петроград Советининг Смольнийдаги мажлисида Троцкий буржуа газеталарининг, Совет гўё қуролли қўзғолонга ҳозирланмоқда, деган даъвосини Советлар съездини таҳқирлайдиган ва уни чақиришга тўсқинлик қиладиган контрреволюцион бир уриниш, деб қоралади. «Петроград Совети,— деди у,— ҳеч қандай қўзғолон белгиламаган. Башарти қўзғолон кўтариш зарур бўлиб қолса, бизлар қараб турмаймиз. Бизларни бутун Петроград гарнизони қўллаб-қувватлайди... Улар (ҳукумат) контрреволюцияга ҳозирлик кўрмоқдалар, бунга қарши биз кескин ва аёвсиз қўзғолон билан жавоб беришимиз лозим....»

Петроград Совети, дарҳақиқат, ҳеч қандай намойиш белгиламаган эди, аммо большевистик партиянинг Марказий Комитетида қўзғолон масаласи аллақачон муҳокама қилинган эди. Комитет 23 (10) октябрда тун бўйи мажлис қилиб чиқди. Бу мажлисда партиянинг донишмандлари, ҳамма йўлбошчилари, шунингдек Петроград ишчилари ва гарнизони делегатлари ҳам бор эди. Зиёлилардан фақат Ленин билан Троцкий қўзғолон тарафдори эдилар. Қўзғолонга ҳатто ҳарбийлар ҳам қарши эди. Овозга қўйилиб, қўзғолон кўтариш рад этилди!

Шунда оддий бир ишчи ўрнидан турди. Ғазабланганидан унинг юзи тиртишиб кетган эди. «Мен Петроград пролетариати номидан гапираман,— деди у қатъий қилиб.— Биз қўзғолон тарафдоримиз. Билганларингни қилинглар, аммо сизларга айтиб қўяйки, башарти Советларнинг тарқатилишига йўл қўйсангизлар, у вақтда *сизлар билан бундан кейин йўлимиз ажралиб кетади!*» Бир неча солдат унинг фикрига қўшилди. Шундан сўнг масала яна овозга қўйилди, қўзғолон қилинадиган бўлинди...*

---

* 1917 йил Октябрида большевиклар партияси Марказий Комитетининг тарихий мажлисларида қуролли қўзғолон масаласининг муҳокамаси нотўғри баён қилинган. Қуролли қўзғолон қилиш тўғрисидаги масала ҳақида партия Марказий Комитетининг 1917 йил 23 (10) октябрдаги ёпиқ мажлисида қарор қабул қилинган эди. Бу мажлисда Ленин, Бубнов, Дзержинский, Зиновьев, Каменев, Коллонтай, Ломов, Свердлов, Сокольников, Сталин, Троцкий, Урицкий қатнашган. Ленин томонидан тақдим

Бунинг устига большевикларнинг Рязанов, Каменев ва Зиновьев раҳбарлигидаги ўнг қаноти қуролли қўзғолонга қарши кампанияни давом эттираверди. 31 (18) октябрь* эрталаб «Рабочий путь» газетасида Ленининг «Ўртоқларга мактуб»[11] деган мақоласининг биринчи қисми босилиб чиқди. Бу дунёда ҳеч қачон кўрилмаган энг ўткир ва жасур сиёсий чиқишлардан бири эди. Ленин бу мақоласида Каменев билан Рязановнинг бутун эътирозларини мукаммал тахлил қилиб, қўзғолоннинг зарурлигини асосли равишда исботлаб беради:

«...Ё либерданлар томонига ўтиб, «Бутун ҳокимият Советларга» деган шиордан *очиқдан-очиқ* воз кечиш керак, ёки қўзғолон қилиш керак. Ўрта бир йўл йўқ...».

Ўша куниёқ кадетларнинг йўлбошчиси Павел Милюков республика Советида[12] дабдабали бир нутқ сўзлаб, Скобелев наказини Германияга тарафдорлик деб қоралади, «Революцион демократия» Россияни ҳалок этади деди, Терешченкодан заҳарханда қилиб, у немис дипломатиясини рус дипломатиясидан афзал кўради, деб дангал айтди... Сўл томондаги скамейкаларда ўтирганлар қаттиқ норозилик билдирдилар...

Ҳукумат большевистик пропаганда ютуқларининг аҳамиятини назарда тутмай қололмасди. 29 (16) октябрда ҳукумат билан республика Советининг бирлашган комиссияси ошиғич равишда икки қонун лойиҳасини амалга оширди. Бу қонун лойиҳасидан бирида ерлар вақтинча деҳқонларга бўлиб берилиши, иккинчисида эса сулҳ тузиш учун жиддий тинч ташқи сиёсатни амалга ошириш талаб қилинарди. Эртаси куни Керенский фронтдаги ўлим жазосини бекор қилди. Ўша куни кечқуруноқ янги, «Республика тузумини мустаҳкамлаш ва анархияга ҳамда контрреволюцияга қарши кураш комиссияси»нинг зўр дабдаба билан биринчи мажлиси очилди. Аммо бу

этилган резолюцияга Зиновьев билан Каменев қарши чиққан. Орадан олти кун ўтгандан кейин 29(16) октябрда партия Марказий Комитетининг алпи мажлиси бўлди. Бунда Петроград партия комитетининг ижроия комиссиясидан, ҳарбий ташкилотлардан, Петроград Советидан, касаба союзлардан, фабрика-завод комитетларидан, темир йўлчилардан, Петроград округ партия комитетидан вакиллар қатнашди. Шу мажлисда Ленин, Марказий Комитетнинг аввалги мажлисида қабул қилинган резолюцияни ўқиб эшиттирди. Ленин ўзининг нутқида, Россиядаги, шунингдек Европадаги объектив сиёсий вазият энг қатъий, энг актив сиёсат олиб бориш зарурлигини тақозо қилади, бу сиёсат фақат қуролли қўзғолонгина бўлиши мумкин, деб таъкидлаб ўтган эди. Ленин қўзғолон тўғрисида Марказий Комитетнинг қарорини маъқуллаган ва қўллаб-қувватлаган резолюцияни мажлисга тақдим этади. (Асарлар, 26-том, 165 бетга қаралсин). Резолюция 19 овоз билан қабул қилинади, 2 киши қарши овоз берди ва 4 киши бетараф қолади. Зиновьев билан Каменев Марказий Комитетнинг резолюциясига яна қарши овоз берадилар.— *Ред.*

* Авторда аниқ эмас, газетанинг бу сони 1 ноябрь (19 октябр)да чиққан эди.

комиссиянинг иши тўғрисида тарихда ҳеч қандай из қолмаган эди. Эртаси куни эрталаб мен яна икки мухбир иштирокида Керенский билан мусоҳаба ўтказдим. Бу Керенскийнинг[13] журналистларни сўнгги марта қабул қилиши эди.

«Рус халқи,— деб куюниб гапирди у,— иқтисодий бузғунликдан ва иттифоқчилардан ҳавсаласи пир бўлганидан азият чекмоқда. Бутун дунё рус революцияси тугади, деб ўйлайди. Аммо хато қилмангиз. Рус революцияси эндигина бошланмоқда...» Унинг бу гапи ўзи ўйлагандан кўра ҳам кароматлироқ эди.

Петроград Советининг 30 (17) октябрда мен қатнашган мажлиси ҳаддан ташқари қизғин ўтди ва туни билан давом этди. Мажлисга барча «муътадил» социалист интеллигентлар, офицерлар, армия комитетларининг аъзолари ва МИК аъзолари келган эди, ишчилар, деҳқонлар ва оддий солдатлар уларга қарши қизғин ва данғал гапирдилар.

Деҳқонлардан бири Твердаги тартибсизликлар тўғрисида гапирди. Унинг гапича, бу тартибсизликлар ер комитети аъзоларини қамаш натижасида рўй беришти «Бу Керенский фақат помешчикларнигина ҳимоя қилади,— деб қичқирди у.— Улар Таъсис мажлиси бари бир ерларни тортиб олишини биладилар, шу сабабдан ҳам Таъсис мажлиси чақирилишига ҳалал бермоқчилар!»

Путилов заводининг бир механиги завод бошқарувчилари ёнилғи ва хом ашё йўқлигини баҳона қилиб, цехларни кетмакет ёпиб қўяётганларини гапириб берди. Унинг айтишича, фабрика-завод комитети яширилган жуда кўп ёнилғи ва хом ашё запасларини ахтариб топибди.

«Бу иғводан бошқа нарса эмас,— деди у.— Улар бизни очликдан ўлдирмоқчи ёки зўрликларга мажбуран кўндирмоқчи бўладилар!»

Бир солдат ўз гапини шундай бошлади: «Ўртоқлар! Мен сизларга одамлар ўзлари учун қабр қазиб, уни окоп деб атаётган ердан салом келтирдим!»

Сўнгра новча, қотма, кўзлари ёниб турган ёш бир солдат ўрнидан турди. Уни қаттиқ қарсаклар билан қаршиладилар. Бу солдат Чудновский бўлиб, уни июль ҳужуми кунларида ўлганга чиқарган эдилар, ҳозир эса у тирилган эди:

«Солдатлар оммаси ўз офицерларига энди ортиқ ишонмайди. Бизларни, ҳатто, армия комитетлари ҳам сотмоқдалар: улар бизнинг Совет мажлисимизни чақиришдан бош тортмоқдалар... Солдатлар оммаси Таъсис мажлиси аниқ белгиланган вақтда очилишини талаб қилади. Уни кечиктирмоқчи бўлганлар эса лаънатга учрайдилар, қуруқ лаънатга учрабгина қолмайдилар, чунки армия ихтиёрида ҳали тўплар ҳам бор...»

У V армияда Таъсис мажлисига сайловлар нақадар оғир вазиятда ўтганини гапириб берди. «Офицерлар, хусусан мень-

шевик ва эсерлар большевиклар устига жўрттага ўқ ёғдирмоқчи бўладилар. Бизнинг газеталаримизни окопларга ўтказмайдилар, нотиқларимизни қамайдилар!..»

«Нега сиз нон йўқлиги тўғрисида гапирмайсиз?»— деб бақирди бир солдат.

«Инсон фақат нон билангина яшамайди!»— қаттиқ жавоб қилди Чудновский.

Ундан кейинроқ Витебский Советининг делегати меньшевик-мудофаачи бир офицер чиқиб сўзлади.

«Гап ҳокимият кимнинг қўлида бўлишида эмас. Бутун бало ҳукуматда эмас, балки урушда... аммо ҳар қандай ўзгаришгача урушда ғалаба қозонишимиз зарур...» Қийқириқлар ва истеҳзоли қарсаклар бошланди. «Бу большевик агитаторларнинг ҳаммаси вайсақи!» Бутун зал хохолаб кулади. «Вақтинча синфий курашни унутиб турайлик...» Шундан кейин унга гапиришга йўл қўймадилар. Залдан:

«Ҳали сизнинг орзунгиз шуми!» деган овозлар эшитилди.

Шу кунларда Петроград ажойиб бир манзара касб этган эди. Заводларда комитетларнинг бинолари милтиқлар билан тўлди. Алоқачилар келиб-кетиб турар, Қизил Гвардия* таълим оларди... Бутун казармаларда кеча кундуз митинглар бўлар, узундан-узоқ қизғин мунозаралар давом этар эди. Кўчаларда тим қоронғи кечаларда оломон кезиб юрарди. Оламон Невский кўчаси бўйлаб гўё тўлқиндек дам юқорига, дам пастга чиқиб-тушиб турарди. Газеталар талаш эди... Ўғирлик шу даражада кучайган эдики, тор кўчаларда юриш хатарли эди... Бир куни мен Садовая кўчасида ўғирлик қилиб қўлга тушган бир солдатни бир неча юз киши ўлгудек ураётганини кўрдим.... Қандайдир махфий кишилар нон ва сут дўконлари атрофида ғимирлашиб навбат кутиб музлек ёмғур остида титраб-қақшаб турган бечора аёлларнинг қулоқларига, яҳудийлар озиқ-овқатларни яширмоқдалар, халқ оч қолаётган бир вақтда Совет аъзолари зеб-зийнат ичида яшамоқдалар, деб шивирлаб кетардилар.

Смольнийнинг катта дарвозаси ва ташқи эшиклари олдида бадқовоқ соқчилар турарди, улар ҳар бир келган кишининг пропускасини суриштирарди. Комитетларнинг хоналари ари инидек кеча-кундуз ғувилларди. Юзлаб солдат ва ишчилар бутун бўш жойларни эгаллаб, шу ерда полда ухлардилар. Минглаб кишилар юқоридаги катта залга — Петроград Совети мажлисига тўпланган, мажлис қизғин ўтмоқда.

Қиморхоналар кун чиққандан кун ботгунча тинмай ишлар, шампанское дарё бўлиб оқар, қиморга тикилган пуллар икки юз минг сўмгача етарди. Шаҳар марказида кечалари брилиант таққан ва қимматбаҳо мўйна пўстин кийган фоҳиша

---

* «Кириш сўз ва изоҳотлар»га қаралсин.— *Ж. Рид.*

хотинлар кўчаларда тентираб юрар ва қаҳвахоналарни «обод» қиларди...

Монархия фитнаси, герман жосуслари, спекулянт ва контрабандистларнинг кишини гангитувчи планлари...

Савалаб уриб турган муздек ёмғир остида, қалин булут босган осмон тагида ҳаяжонга тўлган азим шаҳар янги ҳодисалар сари тез суръатлар билан ўқдек учиб бормоқда... қандай ҳодисалар сари?

III БОБ

ҚЎЗҒОЛОН АРАФАСИДА

Заиф ҳукумат билан қўзғолончи халқ орасидаги муносабатларда, эртами-кечми шундай пайт келадики, шунда ҳукуматнинг қўйган ҳар бир қадами оммани ғазабга солади ва унинг ҳаракат қилишдан ҳар бир бош тортиши оммада нафрат туғдиради.

Петроградни кўчириш лойиҳаси қаттиқ норозиликка сабаб бўлди. Керенскийнинг халқ олдига чиқиб, ҳукуматнинг мутлақо бундай нияти йўқ эди, деган арзи заҳархандалар билан қаршиланди.

«Революция тазйиқи остида деворга тақаб қўйилган буржуа муваққат ҳукуматчилари,—деб нидо қилган эди «Рабочий Путь» газетаси,— биз ҳеч қачон Петроградан қочмоқчи эмас эдик ва пойтахтни таслим қилиш ниятимизда ҳам йўқ эди, деб ёлғон-яшиқ гаплар билан қутилиб кетмоқчи бўладилар...»

Харьковда* ўттиз минг кон ишчиси уюшди ва «Жаҳон саноат ишчилари»** уставининг қуйидаги кириш қисмини қабул қилди: «Ишчилар синфи билан ҳўжайинлар синфи ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ». Бу ташкилотни казаклар тор-мор этдилар, кўпгина кон ишчилари ишдан ҳайдалди, қолганлари эса ёппасига иш ташлади. Савдо ва саноат министри Конавалов бу тартибсизликларга барҳам бериш учун муовини Орловни катта ваколат билан ўша жойга юборди. Кон ишчилари Орловга нафрат билан қарардилар. МИК эса Орловни тайинлашни маъқуллаш бир ёқда турсин, ҳатто

---

* Фикримизча, автор Донец тошкўмир ҳавзасини назарда тутса керак.— *Ред.*

** «Жаҳон саноат ишчилари»— АҚШдаги оммавий революцион касаба союз ташкилотларидан биридир. У 1905 йилда Россиядаги революцион воқеалар натижасида пайдо бўлди. Бу ташкилот ҳақиқатан ўттизинчи йилларга келиб, яшашдан тўхтади, омма билан бўлган илгариги алоқасини йўқотиб, сектантлик ташкилотига айланиб қолди. Бу ташкилот гуллаган вақтида Жон Рид унинг ишларида актив қатнашган эди.— *Ред.*

казакларни Донец ҳавзасидан олиб чиқиб кетишни талаб қилишдан ҳам бош тортди.

Шундан кейин Калуга Совети тор-мор қилинди. Бу Советда кўпчиликни ташкил қилган большевиклар бир неча сиёсий маҳбусни қутқазишга муваффақ бўлган эдилар. Шаҳар думаси ҳукумат комиссарининг розилиги билан Минскдан қўшин чақиртирди, бу қўшин Советни тўпга тутди. Большевиклар ён бердилар, аммо улар Совет биносидан чиқиб кетаётган вақтларида казаклар: «Бошқа большевистик Советлар — Москва ва Петроград Советларининг ҳам ҳоли шундай кечади!» деб ҳайқиришиб, уларга ҳамла қилдилар. Бу воқеа бутун Россияни ҳаяжонга солди...

Петроградда Шимолий областнинг Советлар съезди ўз ишини тугатди, бу съездда большевик Криленко вакил бўлиб қатнашган эди. Съезд кўпчилик овоз билан бутун ҳокимиятни Бутун Россия Советлар съездига топширишга қарор қилди. Съезд тарқалиши олдидан қамоқда ётган большевикларга табрикнома юбориб, уларнинг яқин орада озодликка чиқишларини билдирди. Шу билан бир вақтда фабрика-завод комитетларининг Бутун Россия биринчи конференцияси Советлар учун қатъий равишда овоз бериб, шундай резолюция қабул қилди:

«...Ишчилар синфи самодержавиени сиёсий соҳадан улоқтириб ташлаб, ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти соҳасида ҳам демократик тузумнинг тантанасига эришишга ҳаракат қилади. Ҳоким синфларнинг сиёсий жинояти натижасида юз берган хўжалик вайронгарчилиги шароитида табиий равишда вужудга келган ишчи контроллиги идеяси шу орзунинг ифодаси эди...»

Темир йўл ишчилари союзи йўл ишлари министри Ливеровскийнинг истеъфо беришини талаб қилдилар.

Скобелев МИК номидан наказни иттифоқчиларнинг умумий конференциясига ҳавола қилишни талаб этди ва Терешченконинг эса Парижга юборилишига расман норозилик билдирди. Терешченко истеъфога чиқмоқчи бўлди...

Армияни янгидан ташкил қилиш тўғрисидаги ўз планини амалга оширишдан ожиз қолган генерал Верховский министрлар Советининг мажлисларига онда-сондагина келиб турарди...

3 ноябрь (21 октябрь) да Бурцевнинг «Общее Дело» газетаси катта ҳарфлар билан босилган қуйидаги хитобнома билан кўчага чиқди:

«Гражданлар! Россияни сақлаб қолингиз!

Кеча республика Совети мудофаа комиссиясининг мажлисида генерал Корниловнинг ҳалокатига асосий сабаб бўлган ҳарбий министр генерал Верховский иттифоқчилардан яширинча немислар билан сулҳ тузиш тўғрисида таклиф киргизганини шу топдагина билиб қолдим...

Бу Россияга хиёнат!

Терешченко генерал Верховскийнинг бу таклифи ҳатто Муваққат ҳукумат томонидан ҳам муҳокама қилингани йўқ деб айтди.

«Бу,— деди М. И. Терешченко,— қандайдир телбалик».

Комиссия аъзолари генерал Верховскийнинг сўзларидан даҳшатга келдилар...

Генерал Алексеев йиғлаб юборди.

«Йўқ! Бу телбалик эмас!

Ўта кетган телбалик! Бу тўғридан-тўғри Россияга хиёнат!

Верховскийнинг сўзлари учун бизга дарҳол Керенский, Терешченко ва Некрасовлар жавоб беришлари керак.

Гражданлар, ҳаммангиз қўзғолингиз!

Россияга хиёнат қилмоқдалар!

Уни сақлаб қолингиз!»

Аммо аслида эса Верховский рус армияси ортиқ уруша олмайди, шунинг учун сулҳ музокараларини бошлаш учун иттифоқчиларни тезроқ ишга солиш керак, деган эди, холос.

Бу хабар Россияда ҳам ва чет элларда ҳам катта шов-шувга сабаб бўлди. Верховский «касаллиги учун номаълум муддатгача отпуска» олди ва ҳукуматдан чиқиб кетди.

«Общее Дело» газетаси ёпилди...

4 ноябрь (22 октябрь) якшанба куни «Петроград Совети куни» деб эълон қилинди ва бутун шаҳар бўйича катта митинг ўтказиладиган бўлди. Бу митинглар совет ташкилотлари ва Совет матбуоти фойдасига пул тўплаш баҳонаси остида белгиланган бўлса-да, ҳақиқатда бу митинглар кучларни намойиш қилишдан иборат бўлиши лозим эди. Бирдан казаклар ўша куни Москвани 1812 йилда Наполеондан сақлаб қолган мўъжизали икона шарафига намойиш қилиб, бут кўтариб чиқишни белгиладилар, деган хабар тарқалди. Вазият ниҳоятда кескинлашган эди; заррача учқун гражданлар уруши оловини ёқиб юбориши мумкин эди. Петроград Совети «Казак оғайнилар!» деган сарлавҳа остида қуйидаги хитобномани чиқарди:

«...Сиз казакларни биз — ишчи, солдатларга қарши қўймоқчилар. Бу хоинона ишни бизларнинг умумий душманларимиз: зўравон дворянлар, банкирлар, помешчиклар, эски амалдорлар, собиқ чор малайлари қилмоқдалар... Бизларни бутун судхўрлар, бойлар, князлар, дворянлар, генераллар ва шу жумладан сизларнинг казак генералларингиз ҳам кўролмайдилар. Улар Петроград Советини йўқ қилишга, революцияни бўғишга доим тайёр туриптилар...

22 октябрда, кимнингдир томонидан, казакларнинг намойиш қилиб, бут кўтариб чиқишлари уюштирилган. Бу юришда қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳар бир казакнинг ўз эркин виждоний бурчидир. Биз бу ишга аралашмаймиз ва ҳеч кимга ҳеч қандай халал бермаймиз...»

Бут кўтариб чиқиш дарҳол бекор қилинди...

Большевиклар казармаларда ва ишчи кварталларида ўзларининг «Бутун ҳокимият Советларга!» деган шиорларини тарғиб қилдилар, қора кучларнинг жосуслари эса, яҳудийларнинг, дўкондорларнинг, социалист йўлбошчиларнинг бўғзига пичоқ қаданг, деб халқни гиж-гижларди...

Бир томондан, монархистлар матбуотининг погромлар қилишга чақирган мақолалари чиқарди, иккинчи томондан эса, Ленининг: «Қўзғалингиз!.. Ортиқча кутиб туриб бўлмайди» деган овози янграрди.

Ҳатто буржуа матбуоти ҳам ҳаяжонга тушиб қолди[2]. «Биржевие Ведомости» газетаси большевикларнинг пропагандасини «жамиятнинг асосий негизларига, шахсларнинг дахлсизлигига ва хусусий мулкни ҳурматлашга» суиқасд қилиш деб атади.

Аммо «муътадил»-социалистик газеталар[3] ҳаммадан кўпроқ заҳар сочар эди. «Дело Народа» газетаси: «Большевиклар революциянинг энг хавфли душманларидир» деб ёзди. Меньшевикларнинг «День» газетаси: «Ҳукумат ўзини ва бизларни ҳимоя қилиши лозим» деб чиқди. Плехановнинг «Единство»[4] газетаси Петроград ишчиларининг қуролланиб олгани тўғрисидаги масалага ҳукуматнинг диққат-эътиборини жалб этди ва большевикларга қарши кескин чоралар кўришни талаб қилди.

Ҳукумат эса кундан-кунга заифлаша борди. Ҳатто шаҳар идоралари ҳам издан чиқди. Газета саҳифалари очиқдан-очиқ қилинган талончилик ва қотилликлар тўғрисидаги хабарлар билан тўлиб чиқди, жиноятчилар эса жазосиз қолаверарди...

Бироқ, иккинчи томондан, қуролланган ишчи соқчилар кечалари кўчаларда пойлоқчилик қилар, талончиларни тўзғитиб юборар ва қўлларига тушган яроқ-аслаҳаларни ўлжа қилиб олардилар.

1 ноябрь (19 декабрь)да Петроград ҳарбий округининг бош қўмондони полковник Полковников қуйидагича буйруқ берди:

«Мамлакат ўз бошидан оғир кунларни кечираётганига қарамасдан Петроградда қуролли қўзғолон ва погромларга даъват қилувчи масъулиятсиз чақириқлар давом этмоқда ва шу билан бирга, кундан-кунга талончилик ва бебошликлар авж олмоқда.

Бундай ҳол гражданларнинг ҳаётини издан чиқаради ва ҳукумат ҳамда жамоат идораларининг мунтазам ишлашига ҳалал беради.

Ватан олдидаги жавобгарлик ҳисси ва бурчини тушунган ҳолда буюраман:

1) ҳар бир ҳарбий қисм махсус буйруққа биноан ўзи жойлашган район доирасида давлат ва ижтимоий муассаса-

ларни қўриқлашда шаҳар бошқармасига, комиссарларга ва милицияга ҳар тарафлама ёрдам қилсин;

2) район коменданти ва шаҳар милиция вакили билан бирликда соқчилар уюштирилсин ва жиноятчи унсурлар ҳамда дезертирларни ушлаш учун чоралар кўрилсин;

3) казармаларга келиб, қуролли қўзғолон ва погромларга даъват қилувчи кимсалар қамоққа олиниб, иккинчи шаҳар коменданти ихтиёрига юборилсин;

4) кўчаларда намойишлар қилиш, митинглар ўтказиш ва юришлар уюштириш тақиқлансин;

5) қуролли кучлар ихтиёридаги барча воситалар билан қуролли қўзғолон ва погромларнинг дарҳол олди олинсин;

6) қонунсиз тинтувлар ва қамашларга йўл қўймаслик учун комиссарларга ёрдам кўрсатилсин;

7) қисмлар жойлашган районда юз берган бутун ҳодисалар тўғрисида округ штабига дарҳол маълум қилинсин.

Командирларга юкланган вазифаларни бажаришлари учун қисм комитетлари ва бутун ҳарбий ташкилотлар ёрдам қилсинлар».

Керенский республика Советида Муваққат ҳукумат большевиклар пропагандасидан хабардор ва ҳар қандай намойишни тарқатиб юбориш учун етарли кучга эгадир, деб билдирди. Керенский «Новая Русь» ва «Рабочий Путь» газеталарини бир хил жиноятда айблади. «Бироқ, матбуотнинг мутлақо эркин бўлиши,— деб давом қилди у,— матбуотдаги ёлғонларга қарши бирор чора кўриш учун ҳукуматга имкон бермайди...»* Большевизм ва монархизм контрреволюция манфаатлари йўлидаги пропагандаларнинг фақат икки хил кўринишни, қора кучларнинг айни муддаоси, деди Керенский ва гапини давом эттирди:

«Мен ўлимга маҳкум этилган одамман. Нима бўлсам, мен учун бари бир. Дадил айтишим мумкинки, бутун воқеаларнинг сири шаҳарда большевиклар тарқатган ҳаддан ташқари провокацияларнинг оқибатидир».

2 ноябрь (20 октябрь)да Советлар съездига атиги ўн беш делегат келди. Эртасига делегатларнинг сони юзга етди, яна бир суткадан кейин эса юз етмиш бешга етди, улардан бир юз учтаси большевиклар эди... Кўпчилик овоз олиш учун тўрт юз киши бўлиши керак, съезднинг очилишига эса уч кунгина қолган эди...

...Мен бутун вақтимни Смольнийда ўтказардим. У ерга кириш энди осон эмас эди. Ташқари дарвозалар олдида икки қатор соқчилар тизилишиб турарди. Катта дарвоза олдида эса одамлар турна қатор тизилиб пропуска олиш учун навбат

---

* Керенскийнинг бу гапи унчалик самимий эмас эди. Июлда Муваққат ҳукумат большевик газеталарини ёпиб қўйган эди, ҳозир яна шундай қилмоқчи бўлади.— *Ж. Рид.*

кутиб турарди. Смольнийга бирданига тўрт киши киргизар эдилар, аввал ҳар бир шахснинг кимлигини ва нима иш билан келганини аниқлар эдилар. Пропуска бериш тартиби кунига бир неча марта ўзгариб турарди, чунки жосуслар Смольнийга кириш учун минг хил ҳийла-найранглар ишлатардилар.

Бир куни Смольнийга келаётиб, ташқи дарвоза олдида Троцкийнинг хотини билан турганини кўриб қолдим. Соқчи уларни Смольнийга киргизмай турарди. Троцкий чўнтакларини кавлаб, пропускани топа олмади.

«Аҳамияти йўқ,— деди у ниҳоят.— Сиз мени биласиз. Менинг фамилиям Троцкий».

«Пропуска қани?— деб оёғини тираб олди солдат.— Кирмайсиз, мен ҳеч қанақа фамилияни билмайман».

«Ахир, мен Петроград Советининг раисиман-ку».

«Модомики сиз,— дейди солдат.— Шунақа катта одам экансиз, сизда лоақал бир парчагина қоғоз бўлиши керак эди».

Троцкий жуда сабрли эди: «Мени комендант олдига киргизиб юборинг»,— дейди у.

Солдат иккиланиб: «Ҳар бир келувчи учун комендантни безовта қилиш ярамайди»,— деб тўнғиллади. Ниҳоят у боши билан имо қилиб, разводяшчий (соқчиларни алмаштирувчи) ни чақирди. Троцкий унга муддаосини айтди. «Менинг фамилиям Троцкий»,— деди у яна.

«Троцкий...— деб бўйнини қашиди.— Бу номни қаердадир эшитганман...— деди у секингина.— Ҳа, майли, ўтинг, ўртоқ».

Коридорда большевистик Марказий Комитетнинг* аъзоси Караханга дуч келдим. У менга янги тузиладиган ҳукуматнинг қанақа бўлишини айтиб берди.

«Советлар халқ иродасига сезгирлик билан қарайдиган маҳаллий ташаббусларга том маъноси билан эркинлик берадиган пишиқ бир ташкилот бўлади. Ҳозирги Муваққат ҳукумат, худди подшо даврида қилинганидек, маҳаллий демократиянинг қўлини боғлаб қўймоқда...


Янги жамиятда ташаббус қуйидан бошланади. Мамлакатни бошқариш формаси Россия социал-демократ ишчилар партиясининг уставига мувофиқ белгиланади. Парламент янги МИК бўлиб, Бутун Россия Советлар съезди олдида жавобгардир. Советлар съезди эса тез-тез чақирилиб турилади; министрликларни алоҳида министрлар эмас, балки Советлар олдида бевосита жавобгар бўлган коллегиялар бошқаради».

30 (17) октябрда мен, Троцкий билан аввалдан келишиб қўйиб, Смольнийнинг юқори қаватидаги унинг кичкина ва бўм-бўш хонасига кирдим. У, хонанинг ўртасида бўш стол

* Карахан Марказий Комитет аъзоси бўлмаган эди.—*Ред.*

олдидаги қаттиқ курсида ўтирарди. Мен унга жуда оз савол бердим. У тез-тез ва ишонч билан бир соатдан ошиқ гапирди. Унинг ифодаларини аниқ сақлаган ҳолда, айтган гапларидан энг муҳим жойларини келтираман:

«Муваққат ҳукумат бутунлай кучсизланиб қолди. Ҳокимият тепасида буржуазия турипти, аммо унинг ҳокимияти


Военно-Революціон.
Комитетъ
при
ПЕТР С. Р. и С. Д.
Комендантскій отдѣлъ
16 іюля 1917 г.
№ 955
Пропускъ.
Дано сіе Эрсому Ридду
Корресп. амер. газ. Трибюн
срокомъ по 1 Декабря
на право свободнаго входа въ Смольный Институтъ.
Смольный Институтъ
Комендантъ
Делопроизводитель

Смольнийга кириш учун Жон Ридга берилган пропуска.

мудофаачи партиялар билан қалбаки коалиция орқали ниқобланган. Биз бутун революция давомида ваъда қилинган ерларни кутавериб қийналган деҳқонлар қўзғолонини кўриб келмоқдамиз. Мамлакатдаги барча меҳнаткашлар синфлари ҳам очиқдан-очиқ ана шу норозилик билан чулғанган. Буржуазия ҳукмронлиги фақат гражданлар уруши орқалигина амалга оширилиши мумкин. Буржуазия фақат Корнилов усуллари билангина мамлакатни бошқара олади аммо унинг кучи заиф... Армия биз томонда, муросасозлар ва пацифистлар, эсерлар ва меньшевиклар бутун обрўларини йўқотдилар, чунки деҳқонлар билан помешчиклар, ишчилар билан хўжайинлар, солдатлар билан офицерлар ўртасидаги кураш мисли кўрилмаган даражада кескинлашди ва аёвсизлашди. Халқлар оммасининг биргалашиб қилган ҳаракати ва пролетар диктатураси ғалабаси натижасидагина революция тугалланиши ва халқ қутқазиб қолиниши мумкин...

Советлар энг такомиллашган халқ вакиллигидирлар — ўзларининг революцион тажрибалари билан ҳам, ўз ғоя ва мақсадлари билан ҳам такомиллашган вакилликдирлар. Бе-

восита окопдаги солдатларга, фабрикалардаги ишчиларга, қишлоқлардаги деҳқонларга суянган Советлар революция чўққисига айландилар.

Биз Советларсиз ҳокимият тузишга бўлган уринишларни ўз кўзимиз билан кўрдик. Бу уринишлар фақат бош-бошдоқликкина туғдирди. Ҳозирги дамда Россия республика Советининг кулуарларида турли-туман контрреволюцион планлар тузилмоқда. Кадетлар партияси урушқоқ контрреволюциянинг вакилидир. Советлар эса халқ иши вакилларидирлар. Бу икки лагерь ўртасида қитдек бўлса-да, жиддий аҳамиятга эга бўлган битта ҳам группа топилмайди... Бу *«lutte finale», яъни сўнгги ва кескин курашдир.* Буржуа контрреволюцияси бутун кучини тўплаб, ҳужум қилиш учун қулай пайтгина пойлаб турипти. Бизнинг жавобимиз кескин бўлади. Биз февралда аранг бошланган, Корниловчилик даврида илгари сурилган ишимизни тугаллаймиз...»

У бўлажак ҳукуматнинг ташқи сиёсатига ўтади.

«Бизнинг биринчи қиладиган ишимиз — барча фронтларда дарҳол яраш қилишга ва сулҳнинг демократик шартларини муҳокама қилмоқ учун барча халқларнинг конференциясини чақиришга даъват этишдан иборат. Сулҳ шартномасининг нақадар демократик бўлиши, биз Европада учратадиган революцион ёрдамнинг қай даражада бўлишига боғлиқ; агар биз бунда Советлар ҳукуматини тузсак, бу бутун Европада дарҳол сулҳ тузишга ёрдамлашадиган кучли омил бўлади, чунки ҳукумат сулҳ тузиш тўғрисидаги таклифи билан бевосита ва тўғридан-тўғри ҳукуматларни бир чекада қолдириб, бутун дунё халқларига мурожаат қилади. Сулҳ шартномасини тузиш пайтида рус революцияси бутун кучи билан «халқларнинг ўз тақдирини ўзи эркин белгилаши асосида аннексиясиз ва контрибуциясиз» сулҳ ва *Европада федератив республикасини* тузиш принципида қаттиқ туради...

Шу урушнинг охирига бориб, мен дипломатлар томонидан эмас, балки пролетариат томонидан қайта тузилган Европани кўраман. Европа федератив республикаси, Европа Қўшма Штатлари — ана шу нарса бўлиши лозим. Миллий автономия энди кифоя қилмайди. Иқтисодий тараққиёт миллий чегараларни йўқотишни талаб қилади. Агар Европа миллий группаларга бўлинган ҳолда майдаланиб қолаверса, у вақтда империализм ўз ишини давом эттираверади. Фақат Европа федератив республикасигина бутун дунёга тинчлик бера олиши мумкин»,— у истеҳзо билан мийиғида кулиб қўйди.— «Аммо Европадаги халқ оммасининг қўзғолонисиз бу мақсадларга эришиб бўлмайди...»

Ҳамма, кунларнинг бирида кўчаларда тўсатдан большевиклар пайдо бўлиб, бутун оқ ёқа тақкан кишиларни отиб ташлайди, деб кутган эди. Аммо, ҳақиқатда эса, қўзғолон жуда оддий суратда ва очиқдан-очиқ юз берди.

Муваққат ҳукумат Петроград гарнизонини фронтга юбориш ниятида эди.

Петроград гарнизони олтмиш минг кишидан иборат бўлиб, революцияда катта роль ўйнади. Шу гарнизонгина улуғ Февраль кунларида тақдирни ҳал қилди, солдат депутатлари Советларини тузди, Корниловни Петроград бўсағасидан улоқтириб ташлади.

Эндиликда бу гарнизонда жуда кўп большевиклар бор эди. Муваққат ҳукумат шаҳарни эвакуация қилиш тўғрисида сўз очганида ана шу Петроград гарнизонигина унга шундай жавоб қилди: «Пойтахтни мудофаа қилишга қодир бўлмаган ҳукумат, ё дарҳол сулҳ тузиши лозим, ёки агар сулҳ тузишга лаёқатсиз бўлса, даф бўлиши ва чинакам халқ ҳукуматига жой бўшатиб бериши лозим. Иккисидан бири бўлиши керак...».

Қўзғолон қилишдаги ҳар қандай уриниш, ҳар жиҳатдан Петроград гарнизонининг хатти-ҳаракатига тамомила боғлиқ эканлиги ўз-ўзидан равшан эди. Ҳукуматнинг плани гарнизон полкларини «ишончли» қисмлар — казаклар, «ажал батальонлари» билан алмаштиришдан иборат эди. Айрим армияларнинг комитетлари, «муътадил» социалистлар ва МИК ҳукуматни қўллаб-қувватларди. Фронтда ва Петропрадда кенг ташвиқот юргизар эдилар, саккиз ой бўлдики, Петроград гарнизони бекорчиликдан пойтахт казармаларида роҳатда ётиб ш, айни вақтда эса, фронтда армия оч қолмоқда, ўзгартирилмагани ва мадад келмагани учун қирилиб битмоқда, дердилар.

Маълумки, Петроград гарнизонини ўз роҳат-фароғатини ҳавфли қишки кампанияга алиштиришни истамаганликда айбловчи кишиларнинг сўзларида, албатта, маълум даражада ҳақиқат зарраси бор эди. Аммо фронтга боришдан бўйин товлаш учун бошқа сабаблар ҳам бор эди. Петроград Совети ҳукуматнинг қора ниятларидан хавотирда эди. Ҳолбуки шу орада фронтдаги оддий солдатлардан юзлаб делегатлар келиб турарди ва улар бир оғиздан шундай дер эди: «Дарҳақиқат, бизга мадад керак, лекин ҳаммасидан кўра бу ерда, Петроградда революция ишончли ҳимоячилар қўлидами йўқми, шуни билгимиз келади... Мамлакат ичкарисида маҳкам турингиз, ўртоқлар, биз эса фронтда маҳкам турамиз...»

25 (12) октябрда Петроград Советининг ижроия Комитетининг ёпиқ мажлисда махсус ҳарбий комитет тузиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Эртасига Петроград Советининг солдатлар секцияси комитет сайлади. Бу комитет дарҳол барча буржуа газеталарига бойкот эълон қилди ва Советлар съездига қарши курашгани учун МИКни қоралади. 29 (16) октябрда Троцкий Петроград Советининг очиқ мажлисида ҳарбий революцион комитетни расман тасдиқлашни таклиф этди.

«Биз,— деди у,— махсус бир ташкилот тузайликки, у учун жангга кирайлик ва керак бўлса, жонимизни ҳам берайлик...» Солдат комитетлари ва ставка билан музокара қилмоқ учун фронтга икки делегация: бири Советдан, иккинчиси гарнизондан юборишга қарор қилинди.

Псковда Совет делегациясини Шимолий фронт қўмондони генерал Черемисов қабул қилди. У қисқача қилиб, Петроград гарнизонига окоплардан ўз ўринларини эгаллашга буюрганини, бу тўғрида ортиқча гап юргизиб ўтиришнинг ҳожати йўқлигини айтди. Гарнизон делегациясига Петроградда жўнаб кетишга рухсат берилмаган эди...

Петроград Совети солдат секциясининг делегацияси ўз делегациясини Петроград округ штабига киргизишга рухсат берилишини илтимос қилди. Бу илтимос рад этилди. Солдатлар секцияси маъқулламагунича биронта буйруқ чиқарилмасин, деб Петроград Совети талаб қилди. Бу ҳам рад этилди. Делегатларга қўпол қилиб: «Биз фақат МИКни таниймиз, сизларни танимаймиз. Башарти сизлар бирор қонунни бузсаларингиз, у ҳолда қамоққа оламиз»,— дедилар.

30 (17) октябрда* бутун Петроград полклари вакилларининг йиғилиши қуйидагича резолюция қабул қилди: «Петроград гарнизони Муваққат ҳукуматни бундан кейин танимайди. Бизнинг ҳукуматимиз — Петроград Совети. Биз фақат Петроград Совети ҳарбий-революцион комитети томонидан чиқарилган буйруқларгагина итоат қиламиз». Маҳаллий ҳарбий қисмларга Петроград Совети солдатлар секциясидан йўл-йўриқ келишини кутиш буюрилганди.

Эртасига МИК жуда кўп офицерлар қатнашида ўз йиғилишини чақирди, унда штаб билан биргалашиб иш кўрмоқ учун махсус комитет тузди ва Петрограднинг бутун районларига ўз комиссарларини юборди.

3 ноябрь (21 октябрь)да Смольнийда бўлган кўп кишилик солдатлар митингги қуйидаги қарорни қабул қилди:

«Петроград ишчи ва солдат депутатлари Советлари ҳузурида ҳарбий-революцион комитет тузилганини табриклаш билан бирга, Петроград ва унинг атрофидаги гарнизонлар революция манфаатлари йўлида фронт билан мамлакат ичкарисини мустаҳкамроқ боғламоқ учун қўйган ҳар бир қадамида ва ҳар бир ҳаракатида Ҳарбий-революцион комитетни тўла қўллаб-қувватлашга ваъда беради.

Шу билан бирликда, Петроград гарнизони: Петроградда революцион тартибларни қўриқламоқ учун бутун гарнизон уюшган пролетариат билан бирга тайёр туради, деб билдиради. Корниловчилар ва буржуазия томонидан революцион сафларга ғулғула ва парокандалик солиш йўлидаги ҳар қандай ифво-фасодлар *қаттиқ зарбага* учрайди».

---

* Бу йиғилиш 31 (18) октябрда бўлган.— *Ред.*

Ўз кучини сезган Ҳарбий-революцион комитет Петроград округ штаби ўзининг бутун буйруқларига бўйсунишини қатъий талаб қилди. Ҳарбий-революцион комитет ўзининг тасдиқидан ўтмагунча, ҳеч қандай хитобнома ёки прокламацияларни босмаслик тўғрисида ҳамма босмахоналарга буйруқ юборди. Кронвергск арсеналига қуролли комиссарлар келишиб, жуда кўп қурол-яроқ ва анжомларни қўлга туширдилар, Новочеркасскдаги Коледин штаб-квартирига юбориш учун тахт қилиб қўйилган неча ўн минглаб аскарларни жўнатишдан тўхтатиб қолдилар...

Ҳукумат, бирдан таҳликага тушиб қолиб, агар комитет ўз ниятидан қайтиб тарқалиб кетса, унга жазо бермасликни ваъда қилди. Аммо кечикилган эди. 5 ноябрь (23 октябрь) да ярим кечада Керенскийнинг ўзи Петроград Советига Малевскийни юбориб, штабга ўз вакилларини юборишни таклиф этди. Ҳарбий-революцион комитет бу таклифга розилигини билдирди, бироқ орадан бир соат ўтгач, ҳарбий министрлик вазифасини бажарувчи генерал Маниковский бу таклифни қайтариб олди.

6 ноябрь (24 октябрь) сешанба куни эрта билан «Петроград ишчи ва солдат депутатлари Совети ҳузуридаги Ҳарбий-революцион Комитет»нинг қуйидаги мурожаатномаси шаҳар кўчаларида пайдо бўлганидан бутун шаҳар ҳаяжонга келди:

«Петроград аҳолисига.

Гражданлар! Контрреволюция жиноятқорона бош кўтарди. Корниловчилар Бутун Россия Советлар съездини барбод қилиш ва Таъсис мажлисининг очилишига йўл қўймаслик учун ўз кучларини сафарбар қилмоқдалар. Шу билан бир вақтда, погромчилар Петроград кўчаларида фитна чиқаришлари ва қирғин қилишлари мумкин.

Петроград ишчи ва солдат депутатлари Совети революцион тартибни контрреволюционерлар ва погромчиларнинг суиқасдидан ҳимоя қилиш ишини ўз зиммасига олади.

Петроград гарнизони ҳеч қандай зўравонлик ва бебошликларга йўл қўймайди. Хулиганларни ва черносотенчи агитаторларни ушлаб, уларни яқин ўртадаги ҳарбий қисмлардаги Совет комиссарларига келтириб топшириш аҳолидан илтимос қилинади.

Қора унсурлар Петроград кўчаларида ғалаён кўтарсалар, талончилик қилсалар, пичоқвозлик ва отиш-отишлар уюштирсалар, жиноятчилар ер юзидан супуриб ташланадилар.

Гражданлар! Биз сизларни тинчлик ва осойишталикка чақирамиз. Тартиб сақлаш ва революция иши мустаҳкам қўлларда...»

3 ноябрь (21 октябрь) да большевикларнинг йўлбошчилари ўзларининг тарихий ёпиқ кенгашларига тўпландилар. Бу

тўғрида мени Залкинд* огоҳлантирган эди, мен ташқарида, коридорда кенгаш натижаларини кутиб турдим. Эшикка чиққан Володарский у ерда нима гаплар бўлаётганини менга гапириб берди.

Ленин шундай депти: «Иш бошлаш учун 24 октябрь жуда эрталик қилади: қўзғолон қилиш учун Умум Россия асосини яратмоқ керак, ҳамма делегатлар 24 октябрда Съездга етиб кела олмайди. Иккинчи томондан эса, 26 октябрда иш бошласак, жуда кечикиб қолган бўламиз: бу вақтда Съезд ташкил топган бўлади, катта миқёсда ташкил топган йиғилишнинг тезлик билан қатъий тадбирлар кўриши қийин гап. Биз 25 октябрда, яъни Съезднинг очилиш куни иш бошлашимиз керак, токи биз съездга: Мана ҳокимият! Сиз буни нима қилмоқчисиз?» деб айта олайлик.

Юқори қаватдаги уйлардан бирида чуваккина, узун сочли бир одам ўтирарди, бу одам Антонов лақабли Овсеенко эди. У математик ва шахматчи эди, бир вақтлар подшо армияси офицери, кейинчалик эса революционер бўлиб, сургун қилинган эди. Математик ва шахматчи бўлган Овсеенко пойтахтни забт этиш планини тузиш билан банд эди.

Ўз навбатида ҳукумат ҳам жангга тайёрланмоқда эди. Петроградга бутун фронтларга ёйилган дивизиялардан танлаб олинган энг ишончли полклар махфий равишда тўпланмоқда эди. Қишки саройга юнкерлар артиллерияси жойлашиб олди. Июль қўзғолони кунларидан буён кўчаларда биринчи марта казак соқчилари пайдо бўлди. Полковников буйруқ устига буйруқ чиқариб, қиттак итоатсизлик қилганларга «энг кескин чоралар» кўрилади, деб қўрқитарди. Ҳукуматнинг энг манфур аъзоларидан бири, халқ маорифи министри Кишкин Петроградда тартиб сақлаш учун фавқулодда комиссар қилиб тасдиқланди. У ўзи сингари эътиборсиз бўлган Рутенберг билан Пальчинскийни ёрдамчи қилиб олди. Петроград, Кронштадт ва Финляндияда ҳарбий ҳолат эълон қилинди: «Новое Время» деган буржуа газетаси бу хусусда истеҳзоли қилиб, шундай деб ёзди:

«Нима учун қамал эълон қилинди? Ҳукумат аллақачон ҳокимиятликни йўқотган. Бу ҳукумат ўз кучини ишга солишга имкон берадиган на маънавий нуфузга, ва на зарурий аппаратга эга... Энг яхшиси бу ҳукумат ўзи билан сўзлашишга рози бўлганлар билан музокаралар олиб боришигина мумкин. Унда бундан бошқа ҳуқуқ йўқ...»

5 ноябрь (23 октябрь) душанба куни эрталаб Россия республикаси Советида нималар бўляпти экан, деб Маринский саройига бордим. Терешченконинг ташқи сиёсати ҳақида қизғин тортишувлар, Бурцев — Верховский можароси устида му-

---

* *Залкинд И. А.*— Октябрь қўзғолонининг актив иштирокчиси, Петроград большевиклар ташкилотининг аъзоси.— *Ред.*

позаралар кетаётган экан. Бу ерда Италия элчисидан ташқари, ҳамма дипломатлар ҳозир эди. Миш-мишларга қараганда, Италия элчиси Карсо яқинида юз берган фожиа туфайли бутунлай руҳи тушиб кетган эди...

Мен кириб борганимда сўл эсер Карелин Лондон газетаси «Gimes»нинг бош мақоласини овоз чиқариб ўқиётган эди. Унда: «Большевизмни ўқ билан даволаш керак» дейилипти.

Карелин кадетларга ўгирилиб: «Бу ҳам сизларнинг фикрингиз!..» деб бақирди.

Ўнг томондан. «Ҳа, бизнинг фикримиз!» деган овозлар эшитилди.

«Ҳа, мен сизларнинг шундай ўйлаётганликларингизни биламан,— қизишиб жавоб берди Карелин.— Аммо амалда қилиб кўринглар-чи!»

Сўнгра силлиқ таралган сариқ соқол, жингалак малла сочли, оқсуяк жазманнамо Скобелев худди узр сўраётгандек бир оҳангда Совет наказини ёқлаб сўзга чиқди. Унинг кетидан Терешченко чиқиб сўзлади, сўл томондагилар уни «Истеъфо беринг, истъфо!» деган ҳайқириқлар билан қаршиладилар. У Париж конференциясида ҳукумат ва МИК вакиллари умумий нуқтаи назарни, яъни Терешченконинг ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишлари лозим, деб туриб олди. Армияда интизом ўрнатиш ҳақида, ғалаба қозонгунча урушиш ҳақида бир неча оғиз сўз айтди... Россия республика Совети сўл томондан кўтарилган шовқин-сурон ва қаттиқ норозиликлар ичида кун тартибидаги масалаларга ўтади.

Большевиклар ўлтирадиган скамейкалар Совет очилган кундан бери бўш ётарди. Советни ташлаб чиқиб кетган большевиклар бундаги бутун ҳаётни ҳам ўзлари билан бирга олиб чиқиб кетган эдилар. Мен пастга тушаётиб, шундай қаттиқ торитшувларга қарамасдан, бу совуқ ва катта залга ташқи дунёдан ҳеч бир инсон кира олмаса керак, Муваққат ҳукумат бир вақтлари Милюков министрлигини ҳалокатга олиб борган уруш ва сулҳ қоясига урилиб пачоқ-пачоқ бўлди, деб ўйладим... Швейцар пальтомни кийгизаётиб тўнғиллади: «Шўрлик Россиянинг ҳоли нима кечар экан!.. Меньшевиклар, большевиклар, трудовиклар... Украина, Финляндия... Герман империалистлари, Англия империалистлари... Дунёда қирқ беш йил яшаб ҳеч қачон бунчалик кўп сўзларни эшитмаган эдим».

Коридорда чўзиқ юзли нафис сюртук кийган профессор Шацкийни учратиб қолдим. Бу жаноб кадетлар доирасида жуда эътиборли, чўзиқ юзли ва нафис сюртук кийган эди. Мен ундан, шунчалик гапларга сабаб бўлаётган большевистик чиқишлар тўғрисида нима дейсиз, деб сўраб қолдим. У елкаларини қисиб, мийиғида кулди.

«Бу лаънати, ҳайвонлар,— деб жавоб берди у.— Бизга қарши бош кўтара олмайдилар, башарти кўтарсалар биз

уларнинг адабини бериб қўямиз!..— Бизнинг нуқтаи назаримизча, ҳатто бу ёмон эмас, чунки улар қўзғолон кўтаришлари билан ҳалок бўладилар ва Таъсис мажлисида ҳеч қандай кучга эга бўлмайдилар...

Бироқ, ҳурматли жаноб, сизга Таъсис мажлисига тақдим этиладиган янги ҳукумат тузиш тўғрисидаги ўз планимни қисқача баён қилишга рухсат этинг. Биласизми, мен республика Советининг Муваққат ҳукумат билан бирга конституция лойиҳасини ишлаб чиқиш учун тузган комиссиясининг раиси бўламан... Бизда ҳам, сизлардаги, яъни Қўшма Штатларидаги сингари икки палатали қонун чиқарувчи мажлис бўлади. Қуйи палата маҳалладан келган вакиллардан, юқори палата эса, эркин касб, земство, кооператив ва касаба союзлари вакилларидан иборат бўлади...»

Қўчада ғарб томондан нам совуқ шабада эсиб турарди. Совуқ лой таг чармдан ўтарди. Икки рота юнкерлар бир маромда қадам ташлаб, Морская кўчасидан юқорига қараб ўтди. Уларнинг сафлари юрганда бир мақомда тебранарди; улар подшо замонидаги эски солдат қўшиғини айтиб боришарди... Биринчи чорраҳага етганимда, отга миниб, ялтироқ қинли янги тўппонча тақкан милиционерларни пайқаб қолдим. Бир тўда одамлар индамай, уларни томоша қилиб турарди. Невский кўчасининг бурчагида мен Ленинниинг: «Большевиклар давлат ҳокимиятини қўлда ушлаб қола оладиларми?» деган китобчасини қоғоз марка пул тўлаб сотиб олдим; ўша вақтда танга ўрнига шундай маркалар юритиларди. Штат ва ҳарбий кийимлар кийган кишилар ҳар вақтдагидек зўрға судралиб кетаётган трамвайларга шундай қиёфада осилиб кетар эдиларки, буни кўрганда ҳасади келган Теодор Шонт* кўкариб кетган бўлар эди... Девор тагида ҳарбий кийим кийган дезертирлар қатор бўлишиб, семечка ва папирос сотиб ўлтиришардилар.

Қуюқ туман ичида, бутун Невский кўчаси бўйлаб, тўпланган халойиқ янги газеталарни талашиб олар ёки афишалар ёнида тўпланишиб турар ва деворларга[6] ёпиштириб ташланган чақириқлар, хитобномаларни ўқиб, мағизини чақишар эди. Бунда МИК, деҳқонлар Советлари, «муътадил»-социалист партиялар, армия комитетлари томонидан чиқарилган хитобномалар бор эди. Хитобномалар ҳаммани уй-уйларингизда ўтиринг, ҳукуматни ҳимоя қилинг, деб қўрқитар, ялиниб-ёлворар, аврар эди...

Қандайдир броневик чинқириб гудок чалиб, доим у ёқдан бу ёққа секин юриб турарди. Ҳар бир муюлишда ва ҳар бир чорраҳада оломон уймалашиб ётарди. Солдатлар ва студентлар бир-бирлари билан қизғин мунозара қилишарди. Секинаста қоронғилиқ босиб келмоқда, узоқ-узоқларда фонарлар

---

* Ўша вақтдаги машҳур акробат.— *Ред.*

милтиллаб кўринади, сон-саноқсиз халқ тўлқини оқиб ўтарди... Тартибсизликлар олдидан Петроградда доим ана шундай бўлар эди.

Шаҳар асабий ҳаёт кечирар ва ҳар бир «тиқ» этган овозга диккайиб қулоқ соларди. Аммо большевиклар ўзларини ҳеч бир билдирмадилар; солдатлар казармаларда, ишчилар фабрикаларда ўтиравердилар... Биз Казанский собори ёнидаги кинога кирдик. У ерда эҳтирос ва фитналарга тўла қонли бир итальян картинаси қўйилмоқда эди. Олдинги қаторда бир неча матрос ва солдат ўтирарди. Улар болалардек ҳайрон бўлиб, кинони томоша қилишар ва бу қочиш ва ўлдиришларнинг нима ҳожати борлигини ҳеч бир тушунмас эдилар.

Кинодан чиқиб, мен Смольнийга қараб йўл олдим.

Юқори қаватдаги ўнинчи хонада Ҳарбий-революцион комитет тинмай мажлис қурар эди. Мажлисга Лазимир фамилияли, ўн саккиз яшар сариқ сочли бир йигит раислик қиларди. У ёнимдан ўтиб кетаётиб тўхталди-да, бир қадар тортинчоқлик билан қўлимни сиқиб кўришди.

«Петропавловск қалъаси бизнинг томонимизга ўтди!— деди у севинчидан кулиб.— Биз ҳукумат томонидан Петроградга тинчитиш учун юборилган полкдан шу топдагина хатхабар олдик. Солдатлар бунинг тагида хунук бир гап борлигидан шубҳаланиб, Гатчинода поездни тўхтатиптилар ва бизга делегатларини юбориптилар. «Ўзи нима гап?— деб сўради улар биздан.— Бизга нима дейсизлар? Бизлар: «Бутун ҳокимият Советларга!» деган қарор чиқардик. Ҳарбий-революцион комитет уларга: «Биродарлар, революция номидан сизларни қутлаймиз! Жойингиздан қўзғалмай буйруғимизни кутиб туринг»,— деб жавоб қилди».

«Бизнинг ҳамма телефон симларимиз узиб ташланган,— деб хабар қилди у.— Аммо ҳарбий телефонистлар завод ва казармалар билан алоқа боғлаш учун дала телефонларини тузатиб, йўлга солдилар...»

Алоқачилар ва комиссарлар ичкарига кириб-чиқиб турардилар. Эшик ёнида кўнгиллилардан ўн икки киши навбатчилик қилиб турар ва улар истаган вақтда шаҳарнинг ҳар қандай узоқ жойига ҳам учиб боришга тайёр эдилар. Улардан бири — лўли башара ва поручик формаси кийган бир одам менга французчалаб: «Ҳамма буйруқ берилиши биланоқ ҳужум бошлашни кутиб турибди»,— деди.

Миясида қўзғолоннинг оператив плани пишиб етилган ориқ, сersоқол, штат кийимидаги Подвойский: соқоли ўсиб кетган, кир ёқа ва уйқусизликдан гандираклаб юрувчи Антонов; чорпахилдан келган, ялпоқ юзли, доим кулиб турадиган, кескин ҳаракатли ва шартта гапирадиган солдат Криленко; юзи сокин, сersоқол, барваста матрос Дибенко олдимдан ўтди. Совет ҳокимияти ва келажак учун жанг қиладиган кишилар ана шундай эди.

Пастда, фабрика-завод комитетлари хонасида Саратов ўтирарди. У давлат арсеналидан ҳар бир заводга юз элликтадан винтовка бериш тўғрисидаги ордерларга имзо чекарди... Унинг олдида қирқ делегат навбат кутиб турарди.

Залда мен унчалик машҳур бўлмаган большевик арбоблардан бир нечасини учратдим. Улардан бири менга тўппончасини кўрсатиб: «Бошланди!— деди. Унинг юзи оқариб кетган эди.— Ҳужум қиламизми, йўқми, аммо душман бизни қириб ташлашини ёки ўзи ҳалок бўлиш пайти келганини янада яхши билади».

Петроград Совети кеча-кундуз, тўхтовсиз мажлис қурарди. Мен катта залга кирганимда, Троцкий ўз нутқини эндигина тамомлаётган экан.

«Биздан,— деди у,— ҳужум бошлайсизларми, йўқми, деб сўрайдилар. Мен бу саволга аниқ жавоб беришим мумкин. Петроград Совети ниҳоят бутун ҳокимият Советлар қўлига ўтиши зарур бўлган пайт келганини яхши тушунади. Бундай ҳукумат ўзгариши Бутун Россия съезди томонидан амалга оширилади. Қуролли қўзғолон керакми, йўқми бу Бутун Россия съездининг очилишига тўсқинлик қилмоқчи бўлганларга боғлиқ.

Бизга шу нарса равшанки, муваққат кабинетнинг аъзоларидан иборат бўлган бизнинг ҳукуматимиз ожиз ва заиф ҳукумат бўлиб, у ўз ўрнини ҳақиқий халқ ҳокимиятига бўшатиб бермоқ учун тарих супургисининг бир силтовинигина кутиб турипти. Аммо биз ҳозир, шу бугун тўқнашишдан сақланиб туришга уринамиз. Биз, Бутун Россия Советлар съезди бутун халқнинг уюшган эркинлигига таянувчи ҳокимиятни ўз қўлига олади, деб умид қиламиз. Аммо ҳукумат ўзининг қисқа умрлик вақтидан 24, 48 ёки 72 соатлик умридан бизларга ҳужум қилиш учун фойдаланмоқчи бўлса, бизлар ҳам ҳужумга ҳужум билан, зарбага зарба билан, темирга пўлат билан жавоб берамиз!»

Троцкий олқишлар остида, сўл эсерларнинг Ҳарбий-революцион комитетга ўз вакилларини юборишга розилик билдирганликларини маълум қилди.

Мен эрталаб соат 3 да «Смольнийдан жўнаб кета туриб, дарвозанинг икки томонига пулемёт қўйилганини, эшиклар ва яқин-орадаги чорраҳалар кучли солдат патруллар томонидан қўриқланаётганини пайқадим. Билль Шатов* югуриб

---

* У Америка ишчилар ҳаракати қатнашчилари орасида машҳурдир.— *Ж. Рид.*

Автор, 1917 йил июнь ойида Америкадан қайтиб келган *Владимир Сергеевич Шатовни* назарда тутади. У «Жаҳон саноат ишчилари»нинг ташкилотчиларидан бири; 1917 йили Петроград Ҳарбий революцион комитетининг аъзоси ва фабрика-завод комитетлари Марказий Совети президиумининг аъзоси, кейинчалик коммунист эди.— *Ред.*

ишшоядан юқорига чиқиб кетаётган эди. «Қани,— деб қичқирди у.— Биз бошлаб юбордик! Керенский бизнинг «Солдат» ва «Рабочий Путь» деган газеталаримизни ёпдириб қўйиш учун юнкерларни юборган эди. Аммо бизнинг отрядимиз келиб, ҳукумат муҳрларини юлиб олиб ташлади, энди бўлса, биз буржуа редакцияларини босиб олиш учун одам юбортирмоқдамиз!» У ўзида йўқ хурсанд бўлиб, менинг елкамга қоқиб қўйди-да, чопганича юқорига чиқиб кетди...

6 ноябрь (24 октябрь) эрталаб менинг цензорга ишим тушди. Унинг идораси ташқи ишлар министрлиги биносида эди. Кўчаларда ҳамма деворларга халқни ҳаяжон билан «осойишталик»ка чақирувчи хитобномалар ёпиштириб ташланган эди. Полковников кетма-кет буйруқ чиқариб турарди: «Округ штабидан буйруқ олгунга қадар, барча қисмлар ва командаларнинг ўзлари турган казармаларда туришларини буюраман.

Ҳар қандай мустақил чиқишларни ман этаман.

Ўз бошлиқларининг буйруқларидан ташқари чиқиш қилган ҳамма офицерлар қуролли исёнда айбланиб, судга берилади.

Турли ташкилотлардан келадиган ҳар қандай буйруқларни ижаришни қўшинларга қатъий ман қиламан...»

Эрталабки газеталарнинг хабарларига қараганда, ҳукумат «Новая Рус...», «Живое Слово», «Рабочий Путь» ва «Солдат» газеталарини ёпиб қўйишни ҳамда Петроград Совети раҳбарларини ва Ҳарбий-революцион комитетнинг аъзоларини қамашга қарор қилипти.

Мен Сарой майдонини кесиб ўтган вақтимда, бош штаб шитоқи тагидан юнкерлар артиллериясининг бир неча батареяси гулдурос солиб ўтди ва сарой олдида саф тортди. Бош штабнинг катта қизғиш биноси ҳаддан ташқари ғалатитовур тус олди. Эшиклар олдида бир неча автомобиллар турарди. Офицерлар тушган янги-янги автомобиллар келиб-кетиб турарди. Цензор циркка олиб кирилган ёш боладек ҳаяжон ичида эди. «Керенский,— деди менга у,— истеъфо бериш учун шу топдагина республика Советига кетди!» Мен шошиб-пишиб Маринский саройига жўнадим ва у ерда Керенскийнинг ихтирос билан пала-партиш сўзлаган нутқининг охиригинигина эшитиб қолдим. Унинг нутқи батамом ўзини оқлашдан ва сиёсий рақибларига қарши ғазабланиб ҳужум қилишдан иборат эди.

«Қуруқ гап бўлмаслиги учун,— деди Керенский, бу ерда мен бир қанча хитобномаларнинг қизиқ жойларидан цитаталар келтираман. Бу хитобномалар яшириниб олган ва биз қидираётган, давлат жиноятчиси Ульянов Ленин томонидан «Рабочий Путь» газетасида босиб чиқарилган. «Ўртоқларга мактуб» сарлавҳали бир неча хитобномаларда мазкур давлат жиноятчиси Петербург пролетариати ва қўшинини 3—5 июль

тажрибасини такрорлашга чақирган ва дарҳол қуролли қўзғолон қилиш зарурлигини исботлаб берган...

Шу хитобномалар билан бирга, большевиклар партиясининг бўлак раҳбарлари ҳам йиғилишларда ва митингларда бир неча бор нутқ сўзлаганлар, бунда улар ҳам дарҳол қуролли қўзғолон қилишга чақирганлар. Бу соҳада, хусусан Петербург ишчи ва солдат депутатлари Советининг раиси Бронштейн-Троцкийнинг нутқини кўрсатиб ўтмоқ керак...

«Рабочий Путь» ва «Солдат» газеталарининг бир неча мақолалари услуби ва тили жиҳатидан «Новая Русь» газетасининг мақолаларига жуда ўхшаб кетади.

Биз ёлғиз айрим сиёсий партияларнинг ҳаракати билангина тўқнашиб қолмасдан, балки аҳолининг бир қисми ўртасидаги сиёсий нодонлик ва жиноий инстинктлардан фойдаланиш билан ҳам тўқнаш келмоқдамиз; биз Россияда бузғунчиликлар ва погромларнинг стихияли тўлқинини қандай бўлмасин қўзғотишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган махсус ташкилотлар билан иш кўрмоқдамиз.

Оммaнинг ҳозирги кайфиятида Петербургда очиқдан-очиқ қилинадиган ҳаракат озод Россиянинг номини абадий шармандa қиладиган оғир погромлар билан бирга содир бўлиши шубҳасиздир.

Шуниси характерлидирки, қўзғолоннинг ташкилотчиси Ульянов-Ленинниng эътироф этишича, «рус социал-демократлари энг сўл қанотининг аҳволи хусусан яхшидир...»

Бунда Керенский Ленинниng мақоласидан қуйидаги кўчирмани ўқиб берди:

«Ўзингиз ўйлаб кўринг: немислар ҳаддан ташқари қийин шароитда, биргина либкнехтлари бўлган ҳолда (у ҳам каторгада) газетасиз, эркин мажлиссиз, Советларсиз, энг сўнгги бой деҳқонга қадар бутун аҳоли синфлари интернационализм идеясига ашаддий душман бўлган ҳолда, йирик, ўрта ва майда империалистик буржуазияси яхши уюшган бўла туриб, немислар, яъни матрос нимчаси кийган революцион интернационалчи немис ишчилари, юздан бир ишончга эга бўлмаган бир ҳолда, флотда қўзғолон ясадилар.

Бизлар эса, ўнлаб газетамиз, эркин йиғилишларимиз бўлган, Советларда кўпчиликни ташкил қилган ҳолда, бутун дунёда энг яхши шароитда бўлган биз пролетар интернационалистлари немис революционерлари бизнинг қўзғолонимизни қўллаб-қувватлашларидан воз кечмоқдамиз».

Керенский гапида давом этди.

«Шундай қилиб, ташкилотчиларнинг ўзлари тан олишларича, ҳозирги вақтда Россияда ҳар хил сиёсий партияларнинг эркин ишлаши учун сиёсий шароит жуда мукаммалдир, аммо большевиклар партиясининг фикрича, мазкур Муваққат ҳукуматнинг тепасида, буржуазияга сотилган, зўравон министр—раис Керенский туради...

Қўзғолон ташкилотчилари Германия пролетариатига эмас, балки Германия ҳукмрон синфларига ёрдам қиладилар, бу билан Вильгельм ва унинг дўстларининг зирҳли муштлари олдида рус давлати фронтини очиб берадилар...

Муваққат ҳукумат нуқтаи назарича, уларнинг онглими ёки онгсизми ҳаракат этишларида фарқ бўлмаганидек, уларнинг важлари ҳам фарқсиздир, бироқ, ҳар ҳолда, ўз масъулият бурчимни ҳис қилган ҳолда, мен рус сиёсий партияларининг бундай ҳаракатларини шу минбардан туриб, сотқинлик ва Россия давлатига хиёнат деб баҳолайман...

Мен қонуний нуқтаи назардан қарайман. Мен дарҳол суд тергови бошлашни, шунингдек тегишли одамларни қамашни таклиф этдим (сўл томондан кўтарилган товушлар Керенскийнинг гапига халақит беради). Қулоқ солинглар, ахир!— дўриллаб ундади Керенский— ҳозирги вақтда давлат, онгли ёки онгсиз, хиёнат орқасида ҳалок бўлаётганида ва жар ёқасида турганида, Муваққат ҳукумат, шу жумладан менинг ўзим ҳам ўлишни, ҳалок бўлишни афзал кўрсак кўрамизки, лекин давлатнинг ҳаётига, шаъни ва мустақиллигига хиёнат қилмаймиз...»

Шу маҳал Керенскийга қандайдир варақа бердилар*.

«Менга ҳозир шу топда полкларга юборилаётган ҳужжатнинг бир нусхасини келтириб бердилар». Шундан кейин у варақани овоз чиқариб ўқиди:

«Петроград Совети хавф остида... Полкни тўла равишда жанговар ҳолда тутишни ва сўнгги буйруқларни кутишни буюраман. Буйруқни бажаришда ҳар қандай сусткашлик ва итоатсизлик революцияга хиёнат деб ҳисобланади. Раис учун Подвойский. Секретарь Антонов».

«...Дарҳақиқат,— деб давом қилди гапида Керенский.— Бу авомни мавжуд тартибга қарши қўзғотишга, Таъсис мажлисини кечиктиришга ва Вильгельмнинг темир мушти бўлган уюшган полклар олдида рус фронтини очиб беришга уринишдан бошқа нарса эмас. Мен тушуниб туриб, «авом» деяпман. Чунки, бутун онгли демократия ва унинг МИК и бутун армия ташкилотлари, озод Россия фахрланадиган ва фахрланиши лозим бўлган барча нарса — улуғ рус демократиясининг идроки, виждони ва шон-шарафи бунга қарши норозилик билдиради...

Мен бу ерга ялиниб-ёлвормоқ учун эмас, балки ҳозирги вақтда бу янги озодликни ҳимоя қилаётган Муваққат ҳукуматни, одамнинг кўзига ҳақиқатни дадил айтишга ҳеч қачон ботина олмайдиган кишилардан қатъи назар, ҳамма якдил бўлиб қўллаб-қувватлайди, деган ишонч билан келдим...

Муваққат ҳукумат давлат гражданларининг озодлигини ва сиёсий ҳуқуқларини ҳеч қачон оёқ ости қилган эмас.

---

* Варақани Керенскийга А. И. Коновалов берган эди.— *Ред.*

Аммо ҳозирги вақтда Муваққат ҳукумат шуни билдирадики, рус халқининг озод иродасига қўл кўтармоқчи бўлган, ва, шу билан бирга Германия фронтини очиш хавфини солаётган рус жамиятидаги унсурлар, группа ва партиялар дарҳол, қатъий равишда ва батамом тугатилишлари лозим... Петроград аҳолиси кескин ҳокимиятга дуч келишини билиб қўйсин, эҳтимолки, идрок ва виждонини йўқотмаган кишиларда сўнгги соат ёки сўнгги дамларда виждон, идрок ва номус ғалаба қилур...».

Бутун нутқ давомида залда шовқин-сурон кўтарилиб турди. Ранги ўчган, овози бўғилган министр-раис жимиб, ўз офицерлари билан зални ташлаб чиқиб кетганидан кейин, минбарга кетма-кет сўл томон нотиқлари чиқа бошлади. Улар ўнгларга қарши ғазаб ва ҳаяжон билан кескин ҳужум қилдилар. Ҳатто социалист-революционерлар ҳам Гоц тилидан:

«Большевикларнинг халқ норозилигидан фойдаланиб юритаётган сиёсати демагогик ва жиноятқорликдан бошқа нарса эмас. Аммо, шак-шубҳасиз, халқнинг бир қанча талаблари ҳозиргача қондирилмай қоляпти... Сулҳ ҳақидаги, ер ҳақидаги, армияни демократлаштириш ҳақидаги масалалар шундай бир тарзда қўйилиши керакки, ҳеч бир солдат, ишчи ёки деҳқон ҳукуматнинг бу масалаларни ҳақиқатан ҳал қилишга қатъий ва тўхтовсиз киришганидан ҳеч қандай шубҳага бормасин...

Биз ва меньшевиклар министрлик кризисини туғдиришни истамаймиз, биз Муваққат ҳукуматни бир томчи қонимиз қолгунча бутун кучимиз билан ҳимоя қилишга тайёрмиз, аммо бу Муваққат ҳукумат халқ орзиқиб кутаётган шу муҳим масалалар юзасидан ўз фикрини аниқ ва равшан қилиб айтгандагина шундай бўлади...»,— дедилар.

Сўнгра, ғазабнок бўлган Мартов чиқиб гапирди:

«Пролетариат ва армия кўпчилик қисмининг ҳаракати устида сўз кетаётганида, министр-раиснинг авом ҳаракати деб гапириши (гарчи бу ҳаракат янглиш мақсадларга қаратилган бўлса-да), гражданлар урушига даъват этишдан бошқа нарса эмас». (Сўл томондан қарсаклар.)

Қўшилиш тўғрисида сўллар таклиф этган қарор қабул қилинди. Бу қарор амалда ҳукуматга ишончсизлик билдиришдан иборат эди:

«1) Ҳокимиятни қўлга олиш учун сўнгги кунларда тайёрланаётган қуролли қўзғолон гражданлар урушини келтириб чиқариши, погромчилик ҳаракатлари ва контрреволюцион қора гуруҳлар кучини сафарбар қилиш учун қулай шароит туғдириши, шунингдек, Таъсис мажлисини чақиришга муқаррар равишда тўсқинлик қилиши, хўжалик ҳаёти издан чиққан ва мамлакат батамом харобаликка юз тутган бир шароитда янги ҳарбий фалокатлар туғдириши ва революцияни ҳалокатга элтиши мумкин.

2) Мазкур агитациянинг ғалаба қозонишига уруш ва вайронгарчилик сингари объектив шароитлардан ташқари, ошиғич тадбирларни амалга оширишда сусткашлик қилиш ҳам сабаб бўлди, шунга кўра ерларни ер комитетлари ихтиёрига топшириш тўғрисида аввало тезлик билан декрет чиқариш ва ташқи сиёсатда эса, кескин бурилиш ясаб, иттифоқчиларга сулҳ шартларини эълон қилиб, сулҳ музокараларини бошлаб юборишни таклиф этиш зарурдир.

3) Анархия ва погромчилик ҳаракатининг актив хуружига қарши курашмоқ ва уларни бартараф қилмоқ учун тезлик билан чоралар кўриш лозим ҳамда шу мақсадда Петроградда шаҳар маҳкамалари вакиллари ва Муваққат ҳукумат билан бир ёқадан бош чиқариб иш кўраётган революцион демократия органлари вакилларидан иборат жамоат хавфсизлик комитети тузиш зарур...»

Шуниси мароқлидирки, бу резолюцияни ёқлаб меньшевиклар ҳам, эсерлар ҳам овоз бердилар... Бироқ Керенский буни эшитиб қолгач, баёнот бериш учун Авксентьевни Қишки саройга чақиртирди. «Агар бу резолюция Муваққат ҳукуматга ишончсизлик ифодаси бўлса,— деди у Авксентьевга,— у ҳолда мен сизга янги кабинет тузишни таклиф этаман». Ана шундан кейин муросачиларнинг йўлбошчилари — Дан, Гоц ва Авксентьев сўнгги марта «муросага» келдилар... Улар Керенскийга, бу резолюция ҳукумат ишини танқид қилиш деган маънони англатмайди, деб тушунтирдилар...

Морская ва Невская кўчаларининг муюлишида найзали милтиқлар билан қуролланган солдатлар отрядлари барча хусусий автомобилларни тўхтатиб, улардан йўловчиларни тушириб, машиналарни Қишки саройга жўнатиб турардилар. Оломон уларнинг ишини томоша қилиб турарди. Бу солдатлар кимнинг тарафдори, Муваққат ҳукуматнингми ёки Ҳарбий-революцион комитет тарафдорими,— ҳеч ким ҳеч нима билмасди. Казанский собор ёнида ҳам шундай ҳодиса юз бермоқда эди. У жойдан ҳам машиналар Невский кўчасининг юқори томонига қараб жўнатилиб турарди. Бирдан милтиқ кўтарган беш-олти матрос пайдо бўлиб қолди. Улар ҳаяжон ичида кула-кула икки солдат билан гаплаша бошладилар. Уларнинг козирёксиз матросча шапкаларида «Аврора» ва «Заря свободы» деган сўзлар, яъни большевикларнинг Болтиқ флотидаги энг машҳур кемаларининг номлари ёзилган эди. «Кронштадт келаётир!»— деди матрослардан бири... Бу сўзлар 1792 йили Парижда «Марсельезачилар келаётир!» деган сўзлар билан бир маънода эди. Чунки Кронштадтда йигирма беш минг матрос бўлиб, уларнинг ҳаммаси ўлимга боришга тайёр турган, мустаҳкам иродали большевиклар эди.

«Робочий и Солдат» газетаси чиққан эди. Унинг бутун биринчи саҳифасини катта ҳарфлар билан босилган хитобнома эгаллаган эди:

«Солдатлар! Ишчилар! Гражданлар!

Халқ душманлари кечаси ҳужумга ўтдилар. Штабдаги Корниловчилар теварак-атрофдан юнкерларни ва зарбачи батальонларни келтириш ҳаракатидалар. Ораниенбаум юнкерлари ва Царское Селодаги «зарбачилар» ҳужум қилишдан бош тортдилар. Петроград ишчи ва солдат депутатлари Советига қарши хиёнаткорона зарба беришга тайёрланмоқдалар... Контрреволюцион фитначилар *Бутун Россия Советлар съезди* очилиши олдидан съездга қарши, *Таъсис мажлисига ва халққа қарши* юриш қилмоқчилар. Петроград ишчи ва солдат депутатлари Совети революцияни ҳимоя қилмоқда. Ҳарбий-революцион комитет фитначиларнинг сиқувига зарба беришга раҳбарлик қилмоқда. Петроградаги бутун гарнизон ва барча пролетариат халқ душманларига қарши қақшатқич зарба беришга тайёр.

Ҳарбий-революцион комитет қарор қилади:

1. Совет комиссарлари билан бирликда бутун полк, рота ва командаларнинг комитетлари, бутун революцион ташкилотлар *тинимсиз мажлис қуриб* туришлари, фитначиларнинг бутун хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотларни тўплашлари лозим.

2. Ҳеч бир солдат комитет рухсатисиз ўз қисмидан ташқарига чиқмаслиги лозим.

3. Смольний институтига дарҳол ҳар бир қисмдан икки вакил ва ҳар бир район Советидан беш вакил юборилсин.

4. Фитначиларнинг бутун хатти-ҳаракатлари тўғрисида Смольний институтини дарҳол хабардор қилиб турилсин.

5. Петроград Советининг барча аъзолари, Бутун Россия Советлар съездига келган ҳамма делегатлар Смольний институтида ошиғич чақирилаётган мажлисга дарҳол келишлари таклиф қилинади.

Контрреволюция жинояткорона бош кўтарди.

Солдат, ишчи ва деҳқонларнинг бутун ғалаба ва умидлари зўр хавф остида, аммо революциянинг кучлари унинг душманларининг кучидан беқиёс кўпдир.

Халқ иши мустаҳкам қўлларда. Фитначилар тор-мор келтирилади.

Иккиланиш ва шубҳаларга йўл қўймайлик. Мустаҳкамлик, матонат, бардош ва қатъийлик кўрсатайлик.

Яшасин революция!

Ҳарбий-революцион комитет».

Петроград Совети бўроннинг маркази бўлган Смольнийда тинимсиз мажлис қиларди. Делегатлар шу жойда полга ётиб ухлаб қолишар, сўнгра, дарҳол музокараларда қатнашмоқ учун кўзларини йириб-йиртиб ўринларидан туришар эди. Троцкий, Каменев, Володарский ҳар куни 6, 8 ва ҳатто 12 со-

атлаб гапирар эди. Мен биринчи қаватдаги 18-хонага тушдим, бу ерда большевик делегатларнинг кенгаши бўлмоқда эди. Халойиқнинг орқасидан кўринмаётган нотиқнинг кескин овози қадил эшитиларди: «Муросасозларнинг гапича, бизлар яккаланиб қолган эмишмиз. Уларнинг гапларига парво қилмангиз! Охири, бориб-бориб улар ё бизга эргашадилар, ёки тарафларидан ажраладилар...»

Нотиқ бир парча қоғозни юқори кўтарди: «Биз уларни ҳозирданоқ эргаштирмоқдамиз! Меньшевиклар ва эсерлардан шу топдагина делегатлар келди; улар сизларнинг ишларингизни қоралаймиз, аммо агар ҳукумат бизларга ҳужум қилса, пролетар ишига қарши курашмаймиз, деб айтдилар!» Хурсандлик нидолари янграйди...

Кеч кириши билан катта зал ичи кўкимтир тамаки тутуни орасида ғовур-ғувур қилиб ётган ҳар хил кийимдаги ишчилар ва солдатлар билан лиқ тўлди. Эски МИҚ, ниҳоят, ўзи учун ҳалокат келтирган, балки ўзи яратган барча революцион тартибни маҳв этадиган янги съезд делегатларини қутлашга қарор берди. Аммо бу мажлисда фақат МИҚ аъзоларигина овоз беришга ҳақли эдилар.

Гоц раислик ўрнини эгаллаганида вақт ярим кечадан ошган эди, оғир ва назаримда даҳшатли туюлган сукунат ичида Дан минбарга чиқди.

«Кечираётган палламиз энг фожиали тус олган,— деб гап бошлади у.— Душман Петроградга келадиган йўлларда турипти. Демократия кучлари қаршилик кўрсатиш ҳаракатида, шу пайтда биз пойтахт кўчаларида қон оқишни кутмоқдамиз, очлик фақат бизнинг ҳукуматимизгагина эмас, балки революциянинг ўзига ҳам ўлим таҳдиди солмоқда...

Омма қийналган ва азият чекмоқда; у революцияга қизиқмай қўйди. Агар большевиклар бир нарса бошласалар, бу революцияни ҳалокатга элтади... («Ёлғон!» деган овозлар): Контрреволюционерлар погромлар ва қирғинлар бошламоқ учун большевикларнинг хуружинигина кутиб туриптилар... Башарти бирор қўзғолон рўй берса, у вақтда Таъсис мажлиси чақирилмай қолади... («Ёлғон! Шармандалик!» деган ҳайқириқлар).

Петроград гарнизонининг уруш ҳаракатлари районида штабнинг буйруқларини бажаришдан бўйин товлаши бутунлай йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир... Сизлар штабга ва ўзларингиз сайлаган МИҚ га итоат қилишларингиз лозим. Бутун ҳокимият Советларга демак — ўлим демакдир. Ўғри ва қароқчилар талон-торож қилмоқ ва ўт қўймоқ учун қулай пайтни пойлаб туриптилар. «Уйларга бостириб кириб, буржуйларнинг кийим-бош ва этикларини ечиб олингиз!..» деган шиорлар

майдонга ташланаётган бир вақтда («Бундай шиорлар бўлмаган! Ёлғон, ёлғон!» деган ҳайқириқлар)... Бари бир, турлича бошланса-да, охири шу бўлади.

МИҚ нинг ихтиёрида ҳокимият бўлиб, ҳаракат қилиш ҳукуқига эга ва унга ҳамма итоат қилишга мажбурдир. Найзалар бизни қўрқитолмайди! МИҚ ўз гавдаси билан революцияни ҳимоя қилади... («Унинг гавдаси аллақачон мурдага айланган!» деган ҳайқириқлар).

Даҳшатли ва тинимсиз шовқин кўтарилди. Бу шовқин ичида Даннинг чираниб, бақириб, минбарнинг чеккасига муштлаб: «Кимики фитначилик қилса, у жиноятчидир!» деган овози аранг эшитиларди.

«Овоз: «Сизнинг жиноят қилганингизга анча бўлди. Ҳокимиятни қўлга олиб, уни буржуазияга топширдингиз!»

Раислик қилаётган Гоц қўнғироқ чалиб: «Жим, бўлмаса чиқариб юбораман», деб қичқиради.

Овоз: «Чиқариб кўринг-чи!» Чапаклар ва ҳуштаклар чалинади.

«Энди,— деб давом қилади Дан гапида,— сулҳ тўғрисидаги сиёсатимизга ўтаман. (Кулги.) Афсуски, Россия энди ортиқ уруша олмайди. Сулҳ бўлади, аммо бу доимий ва демократик сулҳ бўлмайди... Бугун биз, қон тўкилмаслиги учун, Республика Советида, ерларни ер комитетларига топширишни ва дарҳол сулҳ тузиш учун музокаралар бошлашни талаб қиладиган формулани қабул қилдик...» («Кечикиб қолдингиз!» деган ҳайқириқлар ва кулгилар).

Қаттиқ қарсаклар остида большевиклар номидан Троцкий минбарга чиқади. Бутун мажлис ўрнидан туриб, уни олқишлайди. Троцкийнинг озғин ва чўзинчоқ юзида Мефистофельга хос ғазабли истеҳзо аломатлари бор эди.

«Даннинг тактикаси кенг авом, бефарқ омманинг бутунлай ўзи томонида эканини исботлайди!» Қаттиқ қаҳқаҳа. Нотиқ трагик ишора билан раис томонга ўгирилиб қарайди. «Бизлар ерларни деҳқонларга олиб бериш тўғрисида гапирганимизда, сиз бунга қарши чиққан эдингиз. Биз деҳқонларга: «Агар сизларга ер беришмаса, уни ўзларингиз олингиз!— деган эдик. Ҳозир энди деҳқонлар бизнинг маслаҳатимизга кирдилар, сиз бўлсангиз, биз бундан олти ой бурун гапирган нарсага даъват қиляпсиз!

Мен ўйлайманки, модомики Керенский фронтда ўлим жазосини бекор қилган экан, буни у ғоявий мулоҳазалар нуқтаи назаридан қилган эмас. Менингча, итоат қилишдан бўйин товлаган Петроград гарнизони Керенскийнинг эс-ҳушини жойига келтириб қўйган бўлса керак...

Бугун Данни Республика Советида ўзининг яширин большевик эканлигини ошкор қиладиган нутқ сўзлаганликда айблайдилар... Даннинг ўзи, 3—5 июль қўзғолонида революциянинг гуллари қатнашган эди, дейдиган кунлар ҳам кела-

ли... Бугун Республика Советида Дан томонидан тақдим этилиб қабул қилинган резолюцияда армияда интизомни кучайтириш ҳақида бир оғиз ҳам гап йўқ, ҳолбуки меньшевикларнинг пропагандасида бу пункт жуда муҳим ўринни ишғол қилар эди.

Йўқ! Сўнгги етти ой тарихи омма меньшевикларни ташлаб кетганини кўрсатади! Меньшевиклар ва эсерлар кадетларни сиғдилар, аммо ҳокимиятга етишгач, уни икки қўллаб, ўша кадетларга топширдилар...

Дан сизларга, сизнинг қўзғолон кўтаришга ҳаққингиз йўқ, дейди. Қўзғолон кўтариш ҳар бир революционернинг ажралмас ҳуқуқидир! Эзилган халқлар оммаси қўзғолон кўтарарканд, у ҳамма вақт ҳақли...»

Ундан кейин чўзинчоқ юзли, тили заҳар Либер сўз олди, уни истеҳзоли оҳ-воҳлар ва кулгилар билан қаршиладилар.

«Маркс ва Энгельс пролетариат бу иш учун пишиб етилмагунча, ҳокимиятни қўлга олишга ҳаққи йўқ, деб айтган эдилар. Биздаги сингари буржуа революциясида ҳам... оммашинг ҳокимиятни қўлга олиши революциянинг фожиали суратда тамом бўлиши демакдир. Социал-демократия назариётчиси сифатида Троцкий сизларни ҳозир даъват қилаётган нарсага ўзи қарши чиқмоқда...» («Бас қил! Йўқол!» деган ҳайқириқлар).

Сўнгра Мартов чиқиб гапирди, унинг гапини ўтирганлар ҳар минутда бақириб бўлиб турдилар. «Интернационалистлар ҳокимиятни демократияга топширишга қарши эмаслар, аммо улар большевикларнинг методларини қоралайдилар. Ҳали ҳокимиятни қўлга олиш пайти келгани йўқ...»

Минбарга яна Дан чиқиб, «Известия» газетаси редакциясини босиб олиш ва бу газетага цензурлик қилиш учун ўз комиссарини юборган Ҳарбий-революцион комитетнинг ишига қарши кескин норозилик билдирди. Қаттиқ чуввос кўтарилди. Мартов эса гапиришга урунади, бироқ унинг товуши эшитилмайди. Армия ва Болтиқ флоти делегатлари ўринларидан туриб, Совет бизнинг ҳукуматимиз, деб қичқирадилар.

Бу даҳшатли шов-шувлар ичида Эрлих* ишчи ва солдатларни осойишталикни сақлашга ва намойиш қилишга чақирган иғвогарларнинг гапига қулоқ солмасликка даъват этувчи резолюция тақдим этди, шу билан бирга бу резолюцияда дарҳол жамоат хавфсизлик комитети тузиш, шунингдек Муваққат хукуматнинг ерларни деҳқонларга бериш тўғрисида қонун чиқариши ва сулҳ музокаралари бошлаши зарурлиги қайд этилган эди...

Шунда Володарский минбарга сакраб чиқиб, Советлар съезди арафасида МИК бу съезднинг вазифаларини ўз зиммасига олишга ҳаққи йўқ, деб бақирди. МИК, ҳақиқатда

---

* *Эрлих* — меньшевикларнинг раҳбарларидан бири.— *Ред.*

ўлган, деди Володарский, бу резолюция эса унинг заифлашган ҳокимиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлатилган бир найранггинадир...

«Биз, большевиклар, бу резолюцияга овоз бермаймиз!» Шундан кейин барча большевиклар мажлисни ташлаб залдан чиқиб кетдилар, сўнгра резолюция қабул қилинди...

Эрталаб соат 4 ларда эшикдан кираверишдаги залда Зоринни* учратиб қолдим. У елкасига милтиқ осиб олган эди.

— Бизлар қўзғолон кўтардик![7]— деди менга аста ва мамнуният билан.— Бизлар ўртоқ юстиция министри муовини ва диний ишлар министрини қамоққа олдик. Улар хозир ер тўлада ётибдилар. Бир полк телефон станциясини, иккинчиси телеграфни, учинчиси Давлат банкини ишғол қилишга йўл олди. Қизил Гвардия кўчага чиқди...

Смольний зинапояларида ғира-шира совуқ тонгда биз Қизил Гвардияни — ишчилар кийимидаги бир тўда йигитларнинг тўпланишиб турганини кўрдик. Улар найзалик милтиқларини қўлларида ушлаган ҳолда типирчилаб гапиришиб турардилар.

Узоқдан, ғарб томондан, сукунат ичидаги томлар устидан тез-тез отишма овозлари эшитилиб турарди. Юнкерлар Виборг томондаги ишчи ва солдатларнинг дарёнинг у томонидан Совет қуролли кучлари билан бирлашишларига ҳалал бермоқ учун Невадан ўтадиган кўприкларни кўтариб қўйиш ҳаракатида эдилар, аммо Кронштадт матroслари кўприкларни яна тўғрилаб қўйдилар.

Орқамизда Смольнийнинг азамат биноси чироқлар нурида товланар ва одамлар билан лиқ тўлиб асалари уясидек ғувиллаб ётарди...

---

* *Зорин Д. Ф.*— Октябрь қўзғолонининг актив қатнашчиси.— *Ред.*

IV БОБ

МУВАҚҚАТ ҲУҚУМАТНИНГ ТУГАТИЛИШИ

7 ноябрь (25 октябрь) чоршанба куни уйқудан жуда кеч турдим. Невский кўчасига чиққанимда, Петропавловск қалъасида тушки пайт тўпи гумбурлади. Кун рутубатли ва совуқ эди. Давлат банкининг ёпиқ эшиклари қаршисида найзали милтиқ кўтарган бир неча солдат турарди.

«Сиз ким тарафда?— деб сўрадим мен.— Ҳукумат тарафидами?»

«Худога шукур!— Жилмайиб туриб жавоб қилди солдат.— Ҳукумат энди йўқ!» Мен солдатдан шунигина билолдим, холос.

Невский кўчасидан, одатдагича, трамвайлар қатнаб турарди. Трамвайларнинг ҳамма ёғига эрлар, аёллар ва болалар осилиб олган. Магазинлар очиқ, кўчалар, умуман кечагидан ҳам анча осойишта кўринарди. Кечаси билан деворларга ёпиштирилган янги хитобнома ва чақириқлар қўзғолон кўтаришга қарши огоҳлантирган эди. Бу хитобномалар деҳқонларга, фронтдаги солдатларга ва Петроград ишчиларига қаратилган эди. Хитобномалардан бирида шундай деб ёзилган эди:

«Петроград шаҳар думасидан

Шаҳар думаси гражданларга шуни маълум қиладики, Думанинг 24 октябрда бўлган фавқулодда мажлисида марказий дума ва район думалари аъзолари ҳамда революцион демократик ташкилотлар: ишчи ва солдат депутатлари Советларининг Марказий ижроия комитети, деҳқон депутатлари комитетининг Бутун Россия ижроия комитети, армия ташкилотлари, Центрофлот, ишчи ва солдат депутатларининг Петроград Совети, касаба союзлари Совети ва бошқа вакиллардан иборат жамоат хавфсизлик комитети тузилди.

Жамоат хавфсизлик комитетининг аъзолари шаҳар думаси биносида навбатчилик қиладилар. Справка учун 15-40, 223-77, 138-36 номерли телефонларга мурожаат қилинсин».

Думанинг бу хитобномаси большевикларга қарши расмий уруш эълон қилиш эканини мен у пайтда ҳали тушуниб етмаган эдим.

Мен сотилаётган «Рабочий Путь» газетасининг атиги қолган бир сонини олдим. Сал кейинроқ бир солдатдан ярим сўмга «День» газетанинг ўқиб бўлинган бир нусхасини сотиб олишга муваффақ бўлдим. Большевикларнинг «Русская Воля»дан босиб олинган матбаасида катта қоғозга босилган газетаси: *«Барча ҳокимият ишчи, солдат ва деҳқон Советларига!— Сулҳ, ғалла! ер!» деб ёзилган катта сарлавҳалар* билан бошланган эди.

Бош мақоланинг остига Зиновьев* имзоси қўйилган эди. У ҳам Ленин каби яшириниб юришга мажбур эди. Мана ўша мақоланинг бош қисми.

«Пишиб етилган революцион тўқнаш дарҳол ҳал бўлиш олдида турганини ҳар бир солдат, ҳар бир ишчи, ҳар бир ҳақиқий социалист, ҳар бир виждонли демократ кўрмай иложи йўқ. Ё у ёқли, ё бу ёқли бўлади.

Ҳокимият буржуа помешчиклар шайкаси қўлига ўтади, бу Бутун Россияда қонли жазо отряди бош кўтаради демакдир, бу жазо отряди бутун мамлакатни солдат ва матросларнинг, деҳқон ва ишчиларнинг қонига ботиради демакдир. Шунда бу ҳаммани бездирган урушнинг давоми бўлади, шунда бу муқаррар равишда ўлим ва очлик бўлади.

Ёки ҳокимият революцион ишчи, солдат ва деҳқонлар қўлига ўтади, шунда бу помешчиклар асорати бутунлай тугатилади, капиталистлар дарҳол жиловланади, дарҳол адолатли сулҳ таклиф қилинади демакдир. Шунда деҳқонлар ер билан таъминланади, шунда фабрикалар назорат остига олинади, шунда очлар нон билан таъминланади,— шунда бемаъни қирғинга ҳотима берилади...»

«День» газетасида ваҳимали тундаги ҳодисалар тўғрисида узуқ маълумотлар босилган эди. Большевиклар телефон станциясини, Болтиқ вокзалини ва телеграфни ишғол қилдилар, Петергоф юнкерлари Петроградга ўтолмай қолдилар; казаклар иккиланмоқда; бир қанча министрлар қамоққа олинди, шаҳар милиция бошлиғи Мейер ўлдирилди; солдат патруллари, юнкерлар ва қизил гвардиячилар[1] ўртасида бир-бирларини қамаш ва қамашга қарши қамаш давом этмоқда...

Морская кўчасининг муюлишида мен мудофаачи — меньшевик, ўз партияси ҳарбий секциясининг секретари капитан Гомбергни учратиб қолдим. Мен ундан, дарҳақиқат қўзғолон бўлдими, деб сўраган эдим, у хорғингина елкасини қисиб: «Ким билсин!.. Балки Большевиклар ҳокимиятни қўлга олар-лар, аммо уни қўлларида уч кундан ортиқ ушлаб туролмай-

---

* Аниқ эмас. Бу мақола «Рабочий Путь» газетасида 1917 йил 7 ноябрь (25 октябрь)да беимзо чиққан. Унинг автори аниқланмаган.— *Ред.*

лар Уларда мамлакатни бошқара оладиган одамлар йўқ. Қтимол, яхшиси, уларнинг бир синаб кўришига йўл қўйиш ракдир: шунда улар йиқиладилар...»— деди.

Исаакиевский майдони муйилишидаги ҳарбий меҳмонхо-ани қуролли матрослар ўраб олганлар. Вестибюлда кўпгина ифта кийинган ёш офицерлар тўпланган. Улар у ёқ бу ёққа риб бир-бирлари билан алла нималар тўғрисида шивирла-ар эди. Матрослар уларни кўчага чиқишга қўймас эди.

Бирдан кўчада гумбирлаган милтиқ овози эшитилди, шун-ан кейин тез-тез отишма бўлиб турди. Мен ташқарига чопиб қдим. Россия республика Совети мажлис қилаётган Маринс-ий саройи атрофида фавқулодда бир ҳодиса рўй бермоқда и. Кенг майдоннинг у бурчидан бу бурчигача солдатлар ийлиб турар ва милтиқларини тахт қилиб меҳмонхона то-идан кўзларини узмас эдилар.

«Новогарлик, бизга қараб ўқ узмоқдалар!»— деб бақирди олдатлардан бири. Бошқа бир солдат эшик олдига қараб нди.

Саройнинг ғарб тарафидаги муйилишда қизил байроқли а устига «С. Р. С. Д.» (Ишчи ва солдат депутатлари Совети) деб ёзилган катта броневик турар-и, Броневикдаги ҳамма пулемётларнинг оғзи Исаакиевский оборига қаратилган эди. Новая кўчасига чиқаверишдаги уйилишда бочкалар, яшиклар, эски тўшаклар, йиқилган ва-ошлардан баррикада қурилган. Мойка канали бўйидаги кў-ишнинг охири ғўлалар билан ўралиб, баррикадага айланти-илган. Ён омбордан олиб чиқилган калта палёнлар иморат йлаб терилиб бруствер ясалган эди.

«Нима, бу ерда жанг бўладими?»— деб сўрадим мен.

«Тез орада жанг бўлади!— деди солдат безовталаниб.— ароқ ўт, ўртоқ, тағин ўқ тегиб кетмасин! Ҳов, анови то-ондан келишади...»— деб у Адмиралтейство томонни кўр-атди.

«Кимлар келади, ахир?»

«Оғайни, буни айтолмайман»— деди у тупуриниб.

Сарой олдида солдат ва матрослар тўпланишиб турарди. Матрос Россия Республикаси Советининг тугагани ҳақида га-пирмоқда эди. «Бизлар,— деди у,— кириб, ўз шерикларимиз билан барча эшикларни ўраб олдик. Мен раислик ўрнини ишгол қилган корниловчи контрреволюционернинг олдига бордим. Советингиз энди тугалди, дедим мен унга. Уйингга жўнаб қол!»

Ҳамма кулиб юборди. Мен қўлимдаги қоғоз ва ҳужжат-ларни ўйнатиб, матбуот галереяси эшигига етиб бордим. Бу орда мени кулиб турган барваста бир матрос тўхтатди. Мен унга пропускамни кўрсатдим. Шунда у: «Башарти сиз Михаил авлиё бўлсангиз ҳам, йўл йўқ, ўртоқ»,— деди. Эшик ойнасидан қараб, ичкарига қамаб қўйилган француз

мухбирининг бузуқ важоҳатини ва қўлини пахса қилаётганини кўриб қолдим.

Яқинроқда бир тўда солдатлар ўраб олган, генерал формаси кийган ўрта бўйли мўйлови оқарган бир киши турарди. Унинг юзи қип-қизариб кетган эди.

«Мен генерал Алексеевман!— деб қичқирарди у.— Бошлиғингга ва республика Советининг аъзоси сифатида мени киргизиб юборишингизни буюраман!»

Соқчи гарданини қашиб, теварак-атрофига жовдираб қарарди, ниҳоят, ўзига томон келаётган офицерга кўзини қисди. Офицер ўзининг ким билан гаплашаётганини пайқаб, довдираб қолди. Гапни честь беришдан бошлаб, гўё эски тузум вақтидагидек: «Жаноб олийлари,— деб ғулдиради у,— саройга кириш қатъиян ман этилган... Киргизишга ҳаққим йўқ...»

Автомобиль етиб келди. Унинг ичида мен кулиб турган Гоцни кўриб қолдим. Бўлаётган воқеалар гўё уни жуда хурсанд қилаётгандек эди. Орадан бир неча минут ўтгач, бошқа бир машина етиб келди. Машинанинг олдидаги скамейкада қуролли солдатлар ўтирарди. Уларнинг орқасида Муваққат ҳукуматнинг қамоққа олинган аъзолари кўриниб турарди. Ҳарбий-революцион комитетнинг аъзоси латиш Петерс шошиб-пишиб, майдонни кесиб ўтди.

Мен унга маҳбусларни кўрсатиб: «Назаримда, бу жанобларнинг ҳаммасини бугун тунда ушлаганга ўхшайсизлар»,— дедим.

«Аттанг — деди у афсусланган бир оҳангда. Биз тақдирини ҳал қилгунимизча, бу аҳмоқлар уларнинг ярмидан кўпини қочириб юборипти...»

Воскресенский проспектининг охиригача бир талай матрослар тизилишиб турарди. Уларнинг кетида эса, кўзга чалиниб турган солдатлар колоннаси турарди.

Биз Адмиралтейский проспектидан юриб, Қишки саройга томон йўл олдик. Саройнинг Дворцовая майдонига чиқадиган ҳамма эшиклари олдида соқчилар турар, майдон ғарб томонининг чеккасида эса, қуролли аскарлар саф тортган, оломон уларни қисиб келмоқда эди. Сарой дарвозасидан ўтиб олиб чиқиб, уни катта дарвоза олдига тахлаётган бир неча солдатдан ташқари, ҳамма жим турарди.

Биз бу ердаги соқчилар кимники — ҳукуматникими ёки советларникими эканлигини билолмадик. Смольнийдан бизга берилган гувоҳномалар уларга ҳеч қандай таъсир этмади. Шундан кейин биз саройга бошқа томондан келдик ва ўз Америка паспортларимизни кўрсатиб, гердайиб туриб: «Расмий бир иш билан келдик!» деб ўзимизни ичкарига урдик. Сарой эшигидан кираверишда мис тугмали, ёқаси қизил ва зар уқали кўк ливрея кийган эски швейцарлар мулойимлик билан пальто ва шляпаларимизни қўлимиздан олиб осиб қўйдилар.

қўлида оқ бургунд вино шишасини ушлаб турарди. Афтидан, сарой ертўласидан ўмариб чиққан бўлса керак. Ҳамма бизга ҳайрон бўлиб қарар, биз эса хонадан хонага ўтиб, баланд, лекин кир дераза лари майдонга қараган, бир-бирига туташ, маросимлар ўтадиган хонага етдик. Деворларда зарҳал ичида катта суратлар осиғлиқ турарди. Бу суратлар «1812 йил 12 октябрь», «1812 йил 6 ноябрь», «1813 йил 16/28 август» каби тарихий воқсалар ва уруш манзараларини акс эттиради. Суратлардан бирининг ўнг томонидаги юқори бурчаги батамом йиртилган эди.

Бутун бино катта казармага айлантирилган эди. Бинонинг деворлари ва полларига қараб, бир неча ҳафта илгари шундай ҳолга келтирилган, дейиш мумкин эди. Дераза токчаларига пулемётлар ўрнатилган, тўшаклар орасига милтиқлар айқаштириб қўйилган эди.

Бизлар суратларни томоша қилаётганимизда чап томондан бирдан спирт ҳиди думоққа урилди ва кимдир тез-тез ва чалакам-чатти француз тилида: «Суратларни томоша қилишларингга қараганда, назаримда, ажнабийга ўхшайсизлар...»— деди. Қаршимизда ўрта бўйли, юзи шишинқираган бир одам турарди. У шапкасини оларкан кўзимиз унинг ярғоқ бошига тушди.


«Америкаликмисизлар? Кўп мамнунман!.. Штабс-капитан Владимир Арцибашев. Хизматларингга тайёрман...» Тўрт ажнабийнинг, шу жумладан бир аёлнинг, ҳужум кутаётган отряд жойлашган ерда бемалол юришлари ажабланмагандек кўринарди. У Россиядаги ишларнинг аҳволидан шикоят қила бошлади.

«Гап фақат большевикларгагина эмас,— деди у.— Бутун бало шундаки, рус армиясининг олижаноб анъаналари барбод бўлди. Теварак-атрофингизга бир назар ташлангиз: манави ҳамма юнкерлар бўлгуси офицерлардир... Бироқ буларни жентльмен деб бўладими? Керенский ҳамма хоҳловчилар учун, имтиҳон бера оладиган ҳар бир солдат учун ҳарбий мактаб очиб қўйипти. Маълумки, бу ерда революцион руҳ билан заҳарланганлар жуда ва жуда кўпдир...»

Сўнгра у, пала-партиш қилиб, бошқа хусусда гапира кетди: «Менинг Россиядан жуда-жуда кетгум келади. Мен Америка армиясига киришга жазм қилдим... Консулингиз орқали бу ишда менга бирор ёрдам бераолмайсизларми? Мен сизларга ўз адресимни бераман».

Эътироз билдиришимизга қарамай, у бир парча қоғозга бир неча сўз ёзди ва афтидан ўзини бирданига қувноқроқ сезгандай бўлди. Унинг ёзган хати менда сақланиб турипти, унда «2-Ораниенбаум прапоршчиклар мактаби. Қўҳна Петергоф» деб ёзилган.

«Бугун эрталаб бизда кўрик бўлди,— деб гапини давом эттирди у, бизларни хоналарга бошлаб кираркан ва тушун-



Смольний дарвозаси. *Дарвоза олдида соқчилик қилаётган солдат ва қизил гвардиячи.*

(III боб, 69- 70-бет)



Қизил гвардиячилар Смольний олдида пропуска текширмоқдалар.

(III боб, 69- 70-бет)

тираркан.— Аёллар батальони ҳукуматга содиқ қолиш тўғрисида қарор чиқарди».

«Демак, саройда аёл солдатлар ҳам бор экан-да?»

«Ҳа, улар орқадаги хоналарда. Башарти бирор ҳодиса рўй берса, улар бу жойда бехавотир бўладилар». У хўрсинди. «На қадар оғир масъулият!»

Бизлар дераза олдида бирпас туриб, Сарой майдонини томоша қилдик. У ерда узун, кул ранг шинель кийган уч рота юнкерлар саф тортиб турарди. Уларга новча ва кўриниши-дан жуда ғайратли бир офицер команда берарди. Унинг Муваққат ҳукумат бош ҳарбий комиссари Станкевич эканини танидим. Орадан бир неча минут ўтгандан кейин бу уч ротадан иккитаси милтиқларини зарб билан елкаларига олдилар, уларнинг тебраниб кетаётган сафлари бараварига қадам ташлаб, майдонни кесиб, қизил арка* тагидан ўтиб кетди ва сукунат ичидаги шаҳар томонга йўл олиб, кўздан ғойиб бўлди.

«Телефон станциясини ишғол қилгани кетдилар!»— деди кимдир. Ёнимизда турган уч юнкер билан гаплаша бошладик. Улар бизга ўзларининг солдатлардан эканликларини ва номларини айтдилар. Улар Роберт Олев, Алексей Василенко ва эстонияли Эрни Сакс эдилар. Энди улар офицер бўлишни сира истамас эдилар, чунки офицерликнинг ҳеч қандай шуҳрати йўқ эди. Афтидан, улар ҳатто нима қилишларини ҳам билмас эдилар. Кайфлари чоғ эмаслиги равшан эди.

Аммо тез орада улар махтана бошладилар: «Қани, большевиклар тумшуқларини бир суқиб кўрсинлар-чи, биз уларга жанг қилишни кўрсатиб қўямиз! Улар бизларга ҳужум қилишга журъат этолмайдилар, уларнинг ҳаммаси қўрқоқ... Мабодо улар бостириб келаркан, у ҳолда ҳар биримиз сўнгги ўқни ўзимиз учун сақлаб қўямиз...»

Шу пайт яқин орадаги бир жойда отишма бошланди. Майдондаги одамлар тумтарақай бўлиб қоча бошладилар. Қўплари ерга мукка тушиб ётиб олди. Муйилишларда турган извошчиклар чор тарафга қараб отларини чопдириб кетдилар. Тўс-тўполон бошланди. Солдатлар орқа, олдинга чопишар, қуролларини чанггаллашиб: «Келяпти!, Келяпти!» деб бақиришарди. Аммо бир неча минутдан кейин яна жимжитлик бошланди. Извошчиклар жойларига қайтиб келдилар, ерда мукка тушиб ётган одамлар ўринларидан турдилар. Қизил арка остида юнкерлар пайдо бўлди. Улар тартибсиз қадам ташлаб келар, улардан бирини икки ўртоғи қўлтиқлаб олган эди.

Биз саройдан чиқиб кетаётганимизда вақт аллапайт бўлиб қолган эди. Майдондаги барча соқчилар ғойиб бўлган эди. Ҳукумат биноларининг катта ярим доираси ҳувиллаб қолгандек эди. Биз овқатланиш учун Nátel de Francera кирдик. Шўрвани эндигина ичаётган эдик, олдимизга ранги докадек

* Бош штаб аркаси остидан.— *Ред.*

оқариб кетган бир официант югуриб келиб, бизни дераза-лари ҳовлига қараган умумий залга ўтишни илтимос қилди: дераза-лари кўчага қараган кафенинг чироғини ўчириш зарур бўлган эди. «Катта отишма бўлади!» — деди у.

Биз яна Морская кўчасига чиқдик. Энди бутунлай қоронғи тушган эди, фақат Невский кўчасининг бурчагидагина чироқ-лар милтиллаб кўринарди, унинг остида катта броневик ту-рарди. Броневикнинг матори гуриллаб, кетидан қора тутун чиқарарди. Унинг олдида қандайдир бир бола пулемётнинг оғ-зига қараб анқайиб турарди. Ҳамма ёқда солдат ва матрос-лар уймаланиб ётарди; улар, афтидан, нимanidир кутардилар. Биз бош штаб аркига қараб кетдик. Бир тўда солдатлар ёруғ Қишки сарой биносига қараб, баланд овоз билан гаплашиб туришарди.

«Йўқ, ўртоқлар, — деди улардан бири.— Биз қандай қилиб уларга отамиз. Ахир у ерда аёллар батальони бор-ку! Рус аёлларини ўққа тутишса, деб айтишлари мумкин...»

Биз Невский кўчасига чиққанимизда муйилишдан яна бир зирҳли автомобиль чиқиб келди. Унинг башнясидан бир одам бошини чиқариб турарди.

«Олга!— деб қичқирди у.— Ериб ўтиб, ҳужумга киришамиз!»

Бошқа броневикнинг шофери яқин келиб, машинанинг тариллаган овозини босиб кетгудек қилиб бақирди:

«Комитет кутиб туришни буюрди! Уларнинг тахлаган ўтинлари орқасига тўплар яширинган!...»

Бу ердан трамвай юрмас, йўловчилар сийрак, чироқ эса бутунлай йўқ эди. Аммо бир неча уйни ўтгандан кейин яна трамвайларни, ҳалойиқни, чироқ нури тушиб турган витри-наларни ва киноларнинг электрли вивескаларини кўриш мум-кин эди. Ҳаёт ўз маромини билан кетмоқда. Бизда Маринский театрига, балетга кириш учун билетимиз бор эди (ҳамма те-атрлар ишлар эди). Бироқ кўчада юриш мароқлироқ эди.

Биз қоронғуда Полицейский кўпригини тўсиб тахлаб қў-йилган ўтинларга дуч келдик, Строганов саройи олдида эса бир неча солдатнинг уч дюймли тўп ўрнатаётганига кўзимиз тушди. Турли қисмларнинг формаларини кийган бошқа сол-датлар эса у ёқдан бу ёққа лақиллаб юришар, бир-бирлари билан тинмай гаплашар эдилар...

Невский кўчасига бутун шаҳар халқи тўзиб чиққандек эди. Ҳар бир муйилишда бир-бирлари билан тортишаётган одам-ларни кўп оломон ўраб турарди. Чорраҳаларда найзали мил-тиқ кўтарган ўн икки солдат пикетлари навбатчилик қилар, қимматбаҳо мўйна пўстин кийган, юзлари қип-қизил кекса-лар эса уларга муштларини дўлайтирар, башанг кийинган хо-нимлар эса уларни қарғаб ўтар эдилар. Солдатлар уларга истар-истамас жавоб беришар ва ҳижолат чекиб илжайиб қўйишарди. Кўчалардан броневиклар ўтиб турар, уларда ҳа-

ли қадимги рус князларининг номлари —«Олег», «Рюрик», «Святослав» деган эски номлар кўриниб турарди. Аммо эски ёзувлар устида катта ҳарфлар билан ёзилган «РСДРП» («Россия социал-демократ ишчилар партияси») сўзи ярқираб турарди. Михайловский проспектида газета сотувчи пайдо бўлган эди, халойиқ бирдан унинг устига ёпирилиб, бир сон газета учун бир сўм, беш сўм, ўн сўмдан таклиф қила, бир-бирларининг қўлларидан газеталарни юлқиб ола бошладилар. Бу «Рабочий и Солдат» газетаси бўлиб, у пролетар революциясининг ғалаба қилганини ва қамалган большевикларнинг озод этилганини эълон қилган, фронтдаги ва мамлакат ичидаги армия қисмларини қўзғолонни қўллаб-қувватлашга даъват қилган эди... Бу ошиғич сон атиги тўрт саҳифадан иборат бўлиб, йирик ҳарфлар билан босилган эди. Бошқа ҳеч қандай янгилик йўқ эди.

Садовая кўчасининг муйилишида икки минг чоғлиқ граждан тўпланган. Бу халойиқ баланд уйнинг томига тикилиб турар, томда кичкина қизил учқунлар дам ўчиб, дам ёнар эди.

«Кўр,— деди новча бир деҳқон томга ишора қилиб,— у ерда фитначи ўтирипти, у ҳозир ҳалойиққа қараб ўқ узади...» Афтидан, у ерда нима ҳодиса бўлаётганини билиб келиш учун боришга ҳеч кимнинг хоҳиши йўқ бўлса керак».

Биз Смольнийга етиб келганимизда, унинг олд томони чироқлар билан чароғон эди. Бу ерга бутун кўчалардан қоронғилиқ ва зулмат ичида шошиб-пишиб янгидан янги одамлар келиб турарди. Автомобиль ва мотоцикллар ҳам келиб-кетиб турарди. Башнясининг устида иккита қизил байроқ ҳилпираб турган кул ранг баҳайбат броневик чинқириб дарвозадан чиқиб келди. Ҳаво совуқ, дарвоза олдида пойлоқчилик қилаётган қизил гвардиячилар гулханлар ёнида исинишарди. Ичкаридаги дарвоза ёнида ҳам гулхан ёниб турар, соқчилар унинг ёруғида бизнинг пропускаларимизни имиллаб ўқиб, бошдан оёғимизгача разм солар эдилар. Дарвозанинг икки ёнида жилдлари олиб қўйилган пулемётлар турарди. Уларнинг ўқхонасидан патрон лентаси илондек буралиб, осилиб турарди. Ҳовлида, дарахтлар остида анча броневик турарди, уларнинг моторлари тариллаб ишлаб турарди. Чироғи хира, катта ва бўш заллар гурсиллаган этик товушлари, ҳайқириқ ва одамларнинг овози билан тўлган... Кайфият кескин эди. Бутун зинапоялар лиқ тўла одам: бу ерда қора блузка ва қора қулоқчин кийган ишчилар туришар, уларнинг кўплари елкаларига милтиқ осиб олган, солдатлар эса бўз ранг дағал шинель ва кул ранг мўйна папоқ кийган эдилар. Шу оломон ичидан кўпларга таниш Луначарский, Каменев қаёққадир шошиб-пишиб ўтиб кетмоқда эдилар. Улар бараварига сўзлашар, юзларидан ташвиш аломати билиниб турарди, қўлтиқларида қоғоз тўла портфель бор эди. Петроград Советининг

мажлиси тугаган эди. Мен Каменевни* тўхтатдим. У серҳаракат, ялпоқ юзли, лекин тийрак, бўйни калта, паканароқ бир одам эди. Каменев ҳеч бир муқаддимасиз шу топдагина қабул қилинган резолюцияни французь тилида менга таржима қилиб берди.

«Петроград ишчи ва солдат депутатлари Совети Петроград пролетариати ва гарнизонининг ғолибона революциясини қутлайди. Совет омманинг бу камдан-кам қон тўкилган ва мисли кўрилмаган қўзғолонда кўрсатган уюшқоқлигини, жипслашганлигини, интизомлилигини, тўла ҳамжиҳатлигини хусусан қайд этиб ўтади.

Совет шунга қаттиқ ишонч билдирадики, ишчи ва деҳқонлар ҳукумати бўлган Совет ҳукумати революция томонидан барпо этилажак ва бу ҳукумат энг камбағал деҳқонлар оммасининг шаҳар пролетариатига бўлган ёрдамини таъминлаяжакдир, бу ҳукумат мамлакатни қулоқ эшитмаган фалокатлардан ва уруш даҳшатларидан сақлайдиган ягона восита социализмга дадил қадам ташлагусидир.

Янги ишчи ва деҳқонлар ҳукумати барча урушаётган халқларга дарҳол адолатли ва демократик сулҳ таклиф этажак.

Бу ҳукумат ерларга помешчик эгалигини дарҳол бекор қилиб, ерларни деҳқонларга олиб беражак, ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни тақсимлаш устидан ишчилар назоратини ўрнатгусидир ҳамда бутун банкларни давлат корхонасига айлантириш билан бирликда банклар устидан умумхалқ назорати жорий қилгусидир.

Петроград ишчи ва солдат депутатлари Совети барча ишчиларни ва барча деҳқонларни ишчи ва деҳқон революциясини бутун куч, ғайрат ва садоқат билан қўллаб-қувватлашга чорлайди. Совет ишонч билдирадики, шаҳар ишчилари энг камбағал деҳқонлар билан иттифоқда, социализмнинг ғалаба

---

* *Каменев Л. Б.* (Розенфельд) — Большевизмдан бир неча марта чекинган ва, ниҳоят, марксизм-ленинизм билан алоқасини узган. Столипин реакцияси ва ишчилар ҳаракати юксалган йилларда меньшевик-ликвидаторларга ва троцкийчиларга нисбатан муросасозлик йўлини тутган эди. Февраль революциясидан кейин эса Муваққат ҳукуматни ва унинг мудофаачилик сиёсатини қўллаб-қувватлаш позициясида турди; партиянинг, буржуа-демократик революция социалистик революцияга айланади, деган йўлига қарши чиқди. 1917 йил октябрида Зиновьев билан бирликда хиёнат қилиб, «Новая жизнь» деган меньшевик газетасида большевиклар Марказий Комитетининг қуролли қўзғолон қилиш ҳақидаги қарорига қарши чиқди ва, шундай қилиб, қўзғолон планини душманларга билдириб қўйди. Октябрь революцияси ғалаба қилганидан кейин коалицион ҳукумат тузиш, унга меньшевиклар, эсерлар ва «халқ социалистлари» вакилларини киргизиш тарафдори бўлди. 1925 йилда Зиновьев билан бирликда Троцкий билан иттифоқ тузиб, «янги оппозиция» деб аталган гуруҳнинг ташкилотчиси бўлган. Партияга қарши фракцион курашини тўхтатмагани учун 1927 йилда ВКП(б) сафидан чиқарилган. Сўнгра яна партияда қолишга муваффақ бўлиб, партияга қарши, Советларга қарши ишини давом эттирган ва яна партия сафидан чиқарилган.—*Ред.*

қозониши учун зарур бўлган мустаҳкам биродарлик интизомини кўрсатурлар, қаттиқ революцион тартиб ўрнатурлар.

Совет ишонадики, Ғарбий Европа мамлакатларининг пролетариати социализм ишини тўла ва мустаҳкам ғалаба қозонгунча ниҳоясига етказишда бизга ёрдам қилурлар».

«Демак, сизнинг фикрингизча, ютуқ қўлга киритилган, шундайми?..»

Каменев елкаларини қисиб қўйди: «Ҳали жуда кўп иш қилиш керак бўлади. Ҳаддан ташқари кўп иш қилиш керак бўлади!.. Иш эндигина бошланмоқда...»

Зимнпоя майдончасида касаба союзлари Советининг раиси муовини Рязановни кўриб қолдим. У мош-гуруч соқолини тишлаб, рўпарасидагиларга тумтайиб қарар эди. «Бу ўта кетган аҳмоқлик!— деб хитоб қилди у.— Европа пролетариати қўзғолмаяпти! Бутун Россия...» У паришон ҳолда қўл силтаб, ғизиллаганича нарига кетди.

Рязанов билан Каменев қўзғолонга қарши чиқдилар ва ленинча мунозаранинг бутун даҳшатини ўз бошларидан кечирдилар.

Бу бўлган мажлис жуда муҳим эди. Троцкий Ҳарбий-революцион комитет номидан, Муваққат ҳукумат энди йўқ, деб эълон қилди.

«Буржуа ва майда буржуа ҳукуматларининг хусусияти,— деган эди у,— оммани алдашдан иборат.

Ҳозирги вақтда бизнинг, солдат, ишчи ва деҳқон депутатлари Советининг олдида солдат, ишчи ва деҳқонларнинг эҳтиёжларидан бўлак мақсадларни билмайдиган, тарихда мисли кўрилмаган ҳокимият тузиш тажрибаси туради».

Минбарда Ленин пайдо бўлади. Уни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. У жаҳон социалистик революцияси амалга ошганини эълон қилди... Ундан кейин Зиновьев сўзга чиқиб: «Бугун биз халқаро пролетариат олдидаги ўз қарзимизни уздик ва урушга қақшатғич зарба бердик, барча империалистларнинг, шу жумладан жаллод Вильгельмнинг қалбига зарба урдик».

Шундан кейин Троцкий, қўзғолоннинг ғалаба қилгани тўғрисида фронтларга телеграммалар юборилди, ҳали жавоби келганича йўқ, миш-мишларга қараганда, Петроградга томон қўшин бостириб келаётган эмиш. Уларга бутун ҳақиқатни тушунтириш учун вакиллар юбориш зарур, деди.

Ўтирганлар орасидан овоз эшитилади: «Сиз Бутун Россия Советлари съездининг иродасини олдиндан ҳал қилиб қўяяпсиз!»

Троцкий (совуққина қилиб): «Бутун Россия Советлар съездининг иродаси Петроград ишчи ва солдатлари қилган буюк қўзғолон факти билан олдиндан ҳал бўлган».

Биз эшик олдида ёпирилишиб турган ҳалойиқ орасини аранг ёриб ўтиб, катта мажлис залига кирдик. Катта оқ

қандиллар ёруғида скамейка ва стулларда, йўлкаларда, дераза токчаларида, ҳатто президиум учун қилинган супанинг чеккаларида бутун Россия ишчи ва солдат вакиллари ўтиришарди. Улар гоҳ ҳаяжонли сукунат ичида, гоҳ ғала-ғовур кўтариб, райснинг қўнғироқ чалишини кутардилар. Бино совуқ эди, лекин одамларнинг кир баданларидан чиққан ҳовурдан бино ичи исиб кетганди. Кўнгилни айнитадиган кўкиш тамаки тутуни юқорига кўтарилиб, қўланса ҳавода муаллақ бўлиб турарди. Вақт-вақти билан раҳбарлардан бирортаси минбарга чиқиб, ўртоқлардан чекишни бас қилишни илтимос қиларди. Шунда бу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси ва шу жумладан кашандаларнинг ўзлари ҳам: «Ўртоқлар, чекилмасин!» деб шовқин кўтарсалар-да лекин чекиш давом этаверарди. Обухов заводидан келган делегат анархист Петровский мени ўз ёнига ўтирғизди. Соқол-мўйлови ўсиб кетган, кир-чир бу одам уйқусизликдан аранг оёқда турарди: у Ҳарбий-революцион комитетда тинимсиз уч кечаю уч кундуз ишлаган экан.

Тўрда эски МИКнинг лидерлари ўтиради. Революциянинг дастлабки кунларидан бошқариб келган, ўзларига итоатсиз Советларнинг мажлисини улар сўнгги марта бошқардилар. Энди бўлса, Советлар уларга қарши бош кўтариб чиқди. Бу одамлар нўхталашга уринган рус революциясининг дастлабки даври тугади. Уларнинг энг кўзга кўринган намояндаларидан уч киши президумда йўқ эди: Керенский кўринмасдан, у ғалаён ичида қолган шаҳар ва қишлоқлардан ўтиб, фронтга қочган эди; эски шоввоз Чхеидзе ҳам йўқ эди: у ҳам ҳафсаласи пир бўлиб, ўз юрти Грузия тоғларига чиқиб кетган ва у ерда сил касалига мубтало бўлиб, туролмай ётиб қолган эди. Очиқ кўнгилли Церетели ҳам йўқ эди: у эса оғир бетоб эди, аммо кейинчалик қайтиб келиб бутун заковатини маҳв бўлган ишни ҳимоя қилишга сарфлаб тамомлади.

Минбарда Гоц, Дан, Либер, Богданов, Бройдо, Филипповский ўтирарди — ҳаммаларининг ранглари оқарган, кўзлари ич-ичига тушган, норози кайфиятда эдилар. Улардан пастда II Бутун Россия Советлар съезди давом этарди. Юқорида эса Ҳарбий-революцион комитет зўр бериб иш кўрар, у қўзғолоннинг бутун ипларини ўз қўлида ушлаб туриб, душманга боплаб зарба берарди...

Кечқурун соат 10 дан 40 минут ўтган эди. Юзи буришган, ранги-рўйи бир ҳолатда, шалвиллаган ҳарбий врач мундири кийган Дан қўнғироқ чалди. Бирдан оғир сукунат чўкди. Бу сукунатни эшик олдида тиқилишиб турган одамларнинг жанжаллари ва сўкинишларигина бузар эди...

«Ҳокимият бизнинг қўлимизда»,— ғамгин оҳангда гап бошлади Дан. У бир нафас тўхтаб олиб, гапини секин овоз билан давом эттирди: «Ўртоқлар, Советлар съезди шундай бир фавқулодда бир пайтда ва шу қадар фавқулода бир шароитда тўпланяптики, менинг фикримча, нима сабабдан шу

мажлисни МИҚ сиёсий нутқ билан очишни ортиқча деб билганини ўзларингиз англасаларингизлар керак, деб ўйлайман. Менинг МИҚ президиумининг аъзоси бўлганимни ва МИҚ томонидан ўз зиммаларига юкланган министрлик вазифаларини фидокорлик билан ўтаётган партияли ўртоқларимизнинг шу вақтда Қишки саройда ўққа тутилаётганини назарга олсаларинг, бу парса сизлар учун яна равшан бўлиб қолади (нотинч шов-шувлар). Ишчи ва солдат депутатлари Советлари II съездининг биринчи мажлисини очиқ, деб эълон қиламан».

Президиум сайлаш умумий талаш-тортишув ва шов-шувлар остида ўтди. Аванесов сўз олиб, большевиклар, сўл эсерлар ва интернационалист-меньшевикларнинг ўзаро келишувига мувофиқ президиум хайъатини вакилларнинг сонига мутаносиб равишда сайланишини билдиради. Меньшевиклардан бир неча киши қаттиқ норозилик билдириб, ўринларидан сакраб туриб кетдилар. Қандайдир серсоқол бир солдат ўшқириб: «Биз большевиклар озчиликни ташкил қилган бир вақтда сизлар биз билан қандай муомала қилганингиз эсингизда бўлса керак!»— деб бақирди. Натижада президиумга ўн тўрт большевик, етти эсер, уч меньшевик ва битта интернационалист (Горький группаси) сайланди. Гендельман ўнг эсерлар ва центрчи эсерлар номидан, бизлар президиумда қатнашишдан воз кечамиз, деб баён қилди. Хинчук ҳам меньшевиклар номидан худди шундай баёнот билан чиқди. Баъзи бир шароитлар аниқланмагунча интернационалист-меньшевиклар ҳам президиум составига кира олмасликларини билдирдилар. Ола-сира қарсаклар ва қийқириқлар бошланди. Ўтирганлардан бирининг: «Ренегатлар! Сизлар тағин ўзларингизни социалист деб атайсизлар!» деган овози эшитилди. Украина делегатларининг вакили илтимос қилиб, президиумдан жой олишга муваффақ бўлди. Шундан кейин эски МИҚ минбарни бўшатиб тушиб кетади, унинг ўрнини Троцкий, Каменев, Луначарский, Коллонтай, Ногин эгаллайди. Бутун зал қарсак садолари остида янграйди, ҳамма ўрнидан туради. Бундан тўрт ой илгари ҳеч ким эътироф этмаган ва қувғиндаги секта* бўлган бу большевиклар юксак парвоз қилиб, қўзғолонлар бўрони ичидаги улуғ Россиянинг буюк етакчи кучига айланди.

Каменев кун тартибида, биринчидан, ҳокимиятни ташкил қилиш масаласи, иккинчидан, уруш ва сулҳ масаласи, учинчидан эса, Таъсис мажлиси тўғрисидаги масала туради, деб билдиради. Лозовский ўрнидан туриб, бутун фракциялар бюроларининг ўзаро келишувига мувофиқ, аввал Петроград Советининг ҳисоботини эшитиш ва муҳокама қилиш, сўнгра МИҚ аъзоларига ва партия намояндаларига сўз бериш ва

---

* 28 бетдаги редакторнинг изоҳига қаралсин.— *Ред.*

ниҳоят, кун тартибидаги масалаларга ўтиш таклиф қилинади, деб айтади.

Бироқ шу вақт беҳосдан ўтирганларнинг шовқинидан ҳам ўткирроқ янги шовқин, ҳаяжонга солувчи қаттиқ шовқин—тўпларнинг гумбурлаган овози эшитилди. Ҳамма асабийлашиб қорониғи дераза ойналарига ўгирилиб қарайди, мажлисда ўлтирганларни қалтироқ босади. Мартов сўз олиб, хириллаган овоз билан: «Гражданлар уруши бошланди, ўртоқлар!— дейди.— Бизнинг биринчи масаламиз кризисни тинчлик йўли билан ҳал қилишдан иборат бўлиши лозим. Бизлар гражданлар урушининг олдини олиш йўлларини ошиғич равишда принципиал ва тактика йўли билан муҳокама қилишимиз лозим. Кўчаларда биродарларимизни ўққа тутмоқдалар! Советлар съездининг очилиши олдида ҳокимият масаласи революцион партияларнинг бири томонидан уюштирилган ҳарбий фитна йўли билан ҳал қилинаётган бир пайтда...» Унинг сўзини бир лаҳза ҳайқириқ ва шовқинлар босиб кетади. «Барча революцион партиялар фактларга тик боқишлари лозим! Съезднинг вазифаси аввало, ҳокимият масаласини ҳал қилишдан иборат бўлиши лозим, бу масала эса кўчаларда кўндаланг қилиб қўйилган ва қурол билан ҳал қилинмоқда! Биз барча демократиянинг ишончига сазовор бўладиган ҳокимият тузишимиз лозим. Съезд, агар революцион демократиянинг садоси бўлишни истаса, авж олаётган гражданлар урушн олдида қўл қовуштириб ўтирмаслиги лозим, бу гражданлар уруши оқибатида контрреволюциянинг бош кўтариш эҳтимоли бор. Тинчлик йўли билан иш битириш имкониятларини ягона демократик ҳокимият тузишдан қидирмоқ керак... Бошқа социалистик партиялар ва ташкилотлар билан музокара олиб бормоқ учун делегация сайлаш зарурдир...»

Тўпларнинг йироқдан муттасил гумбурлагани эшитилмоқда, делегатларнинг тинимсиз тортишувлари давом этмоқда... Шундай қилиб, тўп садолари остида, зулмат ва адоват ичида, титроқ ва қўрқув, чексиз жасорат ичида янги Россия бунёдга келди.

Сўл эсерлар ва бирлашган социал-демократлар Мартовнинг таклифини қувватлаб чиқдилар. Бу таклиф қабул қилинди. Қандайдир бир солдат, деҳқон Советларининг Бутун Россия ижроия комитети съездга ўз делегатларини юборишдан воз кечди, деди ва у ерга расмий ташрифнома билан комиссия юборишни таклиф этди. «Бу ерда бир неча деҳқон депутатлари ўтирипти,—деди у.—Уларга овоз бериш ҳуқуқи берилишини таклиф қиламан». Таклиф қабул қилинди.

Капитан Харраш сўз сўрайди. «Бу съездга бошчилик қилаётган сиёсий мунофиқлар,— деб минбардан ғазаб билан бақирди у,— бизларга ҳокимият масаласини қўйишимиз лозимлигини айтадилар, ҳолбуки бу масала съезд очилгунга қадар, биздан ташқари қўйилган! Қишки сарой ўққа тутилмоқ-

да, аммо унга келиб урилаётган зарбалар бу хилда авантюрага бел боғлаган сиёсий партиянинг тобути қопқоғига мих бўлиб қоқилмоқда!» Умумий ҳаяжон кўтарилади. Гарра* сўз олади. «Бу ерда жанжални тинчлик йўли билан ҳал қилиш тўғрисида таклиф киргизилиб турган бир пайтда, кўчаларда жанг бўлмоқда... Эсер ва меньшевиклар бу ерда бўлаётган барча ҳодисалардан ўзларининг четда эканликларини баён қиладилар ва барча ижтимоий кучларни ҳокимиятни қўлга олиш йўлидаги уринишларга қаршилик кўрсатишга чақирадилар...» XII армиядан делегат бўлиб келган трудовик Кучин: «Мени бу ерга фақат ахборот бериш учун юборганлар. Мен дарҳол фронтга қайтиб кетаман. Фронтда барча армия комитетлари шунга қаттиқ ишонганларки, Таъсис мажлиси очилишидан уч ҳафта бурун Советларнинг ҳокимиятни қўлга олиши армиянинг бағрига ханжар урмоқ ва халқ олдида жиноят қилмоқ демакдир!» «Ёлғон айтасиз!» деб ғазаб билан қичқирадилар. Яна нотиқнинг овози эшитилади: «Бу Петроград авантюрасига барҳам бериш керак! Ватанни ва революцияни сақлаб қолмоқ учун барча делегатларни залдан чиқиб кетишга чақираман!» дейди ва трибунадан тушиб кетади. Норозилик садолари кўтарилади. Кўплар қўрқитмоқчи бўлиб унинг йўлини тўсдилар... Узун, сарғиш эчки соқол офицер Хинчук** мулойим ва ишонтирарли қилиб сўз бошлайди: «Мен фронт делегатлари номидан гапираман. Бу съездда армия вакилларига кам ўрин берилган, бундан ташқари армия ҳозирги пайтда, яъни Таъсис мажлиси очилишига атиги уч ҳафта қолганда Советлар съездини чақиришнинг зарурияти йўқ деб ҳисоблайди...» Борган сари авжига чиққан қийқириқлар ва депсинишлар. «Армия, Советлар съездининг етарли даражада нуфузи йўқ, деб ҳисоблайди...» Залдаги солдатлар сапчиб ўринларидан туриб кетадилар.

«Кимнинг номидан гапираяпсиз? Ўзингиз кимнинг вакилисиз?»—деб қичқирадилар улар.

«Мен V армия Марказий Ижроия комитети, иккинчи «Ф» ўқчи полки, биринчи Н-ўқчи полки ва учинчи «С» ўқчи полкининг вакилиман...»

«Сизни қачон сайлаганлар? Сиз солдатларнинг эмас, офицерларнинг вакилисиз. Солдатлар бунга нима дейдилар?» Норозилик қичқириқлари.

«Биз, фронтовиклар группаси, ҳозир юз бераётган ва келгусида содир бўладиган ҳамма ишлар учун ҳар қандай жавобгарликни ўз зиммамиздан соқит қиламиз ва революцияни қутқазиб қолмоқ учун барча онгли революцион кучларни сафарбар қилиш зарур деб ҳисоблаймиз! Фронтовиклар группаси съездни ташлаб чиқиб кетади.. Жанг майдони — кўчада».

---

* «Правда»нинг ёзишича, Харраш сўз олган.— *Ред.*

** Жон Рид бу кейинги нутқни Хинчук гапирган деб ҳисоблайди. Бутун газеталарнинг ёзишича, бу Кучин нутқининг давомидир. — *Ред.*

«Сиз армия номидан эмас, штаб номидан гапиряпсиз!» деган қаттиқ қичқириқлар кўтарилади.

«Мен ақли жойида бўлган барча солдатларни съездни ташлаб чиқиб кетишга чақираман!»

«Корниловчи! Контрреволюционер! Провакатор!» деган овозлар залдан эшитилади.

Сўнгра Хинчук меньшевиклар номидан шундай дейди: масалани тинчлик йўли билан ҳал қилишнинг ягона воситаси шундан иборатки, съезд бутун жамият табақаларига суянадиган янги кабинет тузиш тўғрисида Муваққат ҳукумат билан музокара бошласин. Бир неча минут давом этган қаттиқ шов-шув гапириш учун унга имкон бермайди. У қаттиқ овоз билан меньшевиклар декларациясини ўқиб эшиттиради:

«Большевиклар Петроград Советига суяниб ва бошқа фракция ҳамда партиялар билан кенгашмасдан туриб, ҳарбий фитна уюштирган эканлар, биз съездда қолишни имконсиз деб биламиз ва шу сабабдан съездни ташлаб чиқиб кетамиз, барча бошқа группа ва партияларни биздан ибрат олишга ва мавжуд вазиятни муҳокама қилиш учун тўпланишга чақирамиз».

«Дезертирлар!»

Ҳар минутда гапи умумий шовқин ва қичқириқлар остида бўлиниб турган Гендельман минғиллаб, Қишки саройнинг тўпга тутилишига социалист-революционерлар номидан қарши норозилик билдиради. «Биз бундай анархияга қарши эътироз билдирамиз...»— дейди.

Унинг нафаси ўчмасданоқ, минбарга жиккакина ва кўзлари ёниб турган ёш бир солдат чопиб чиқади. У қўлини енгил ҳаракат билан баланд кўтариб:

«Ўртоқлар!— деди у нидо қилиб. Шундан кейин жимлик чўкди.— Менинг фамилиям Петерсон. Мен иккинчи латиш ўқчи полки номидан гапираман. Сизлар армия комитетларининг икки намояндасининг баёнотини эшитдингиз. Бу баёнотларнинг эгалари, агар ҳақиқатан ҳам армия намояндалари бўлганда, уларнинг сўзи бир қадар қийматга эга бўлган бўлур эди...» (Қаттиқ олқишлар).

«Улар солдатларнинг вакили эмас...» Нотиқ муштини дўлайтиради. «XII армия кўпдан бери Советни ва Искосолни* қайта сайлашни таъқидлаб келади, аммо сизнинг МИК сингари бизнинг комитетимиз ҳам омма вакилларини сентябрь охиригача (ўртасигача) чақиришдан бош тортди, шу равишда бу реакционерлар ушбу съездга ўзларининг сохта делегатларини юборишга муваффақ бўлдилар. Мен сизларга айтсам, латиш ўқчи қисмлари: «Ортиқ резолюцияларнинг ҳожати йўқ! Қуруқ сўз бас қилинсин! Ишга киришилсин. Биз

* Искосол — XII армия латиш қисмлари солдатларининг ижроия комитети.— *Ред.*

ҳокимиятни ўз қўлимизга олишимиз лозим!» деб бир неча марта арз қилдилар. Бу сохта намояндалар чиқиб кетсин! Армия улар билан бирга бўлолмайди!»

Залда қарсак овозлари янграйди. Ҳодисаларнинг тезлик билан ўзгариши ва тўп ўқларининг таъсиридан гангиб қолган делегатлар мажлиснинг дастлабки минутларидаёқ иккиланиб қолдилар. Бутун бир соат бўйи шу минбардан устларига кетма-кет болға зарбаси тушиб уларни гангитган бўлса-да, лекин яхлит қилиб бирлаштирди. Улар яккаланиб қолмасмикинлар? Россия уларга қарши оёққа турмасмикан? Петроградга қўшинлар келаётгани ростмикан? Аммо, бу кўк кўзли ёш солдат гап бошлаши билан унинг чақмоқдек янграб кетган сўзларида ҳақиқат борлигини ҳамма бирдан тушуниб қолди... *Унинг овози солдатлар овози эди* — худди делегатларнинг ўзларидек жўшқин фикр ва ҳислар билан чулғанган миллион-миллион шинелли ишчи ва деҳқонлар овози эди.

Минбарда яна солдатлар пайдо бўлди... Гжельшчак фронт вакиллари номидан гапириб, съездни ташлаб чиқиб кетиш ҳақидаги масала арзимаган кўпчилик овоз билангина ҳал қилинган эди, *большевик делегатлар овоз беришга қатнашмадилар,* улар қарорни группалар бўйича эмас, балки фракциялар бўйича қабул қилиш керак, деб айтдилар, деди. «Юзлаб фронт вакиллари,— деди у,— солдатларнинг иштирокидан ташқари сайланган, чунки армия комитетлари кўпдан-оқ оддий омманинг ҳақиқий вакили бўлишдан тўхтаганлар...» Харраш ёки Хинчук сингари офицерлар съездга солдатлардан эмас, балки бош қўмондонликдан вакил бўлиб келганлар, деб қичқирди Лукьянов. «Окопларда яшовчилар ҳокимиятни Советлар қўлига топширишни сабрсизлик билан кутмоқдалар». Кайфият ўзгара бошлади...

Сўнгра Бунд (яҳудий социал-демократлар партияси) номидан Абрамович чиқиб сўзлади. У газабидан титрар, қалин кўз ойнаклари остида кўзлари чақнар эди.*

«Ҳозирги пайтда Петроградда юз бераётган ҳодисалар буюк бахтсизликдир! Бунд группаси меньшевиклар ва социал-революционерларнинг деклорацияларига қўшилиб, съездни ташлаб чиқиб кетади!— У қўлини кўтариб, баланд овоз билан гапирди.— Бизнинг рус пролетариати олдидаги бурчимиз бу ерда қолишимизга ва бу жиноятнинг жавобгарлигини ўз зиммамизга олишимизга йўл қўймайди. Қишки саройни ўққа тутиш тўхтатилмас экан, шаҳар думаси меньшевиклар, эсерлар ва деҳқон Советлари ижроия комитетлари билан бирликда Муваққат ҳукумат билан бирга ҳалок бўлишга қарор қилди. Биз шу қарорга қўшиламиз! Биз қуролсиз ҳолда кўксимизни террористлар пулемётига тутиб берамиз... Биз съезднинг

---

* Абрамович билан Эрлих икковининг нутқини Жон Рид қўшиб юборганга ўхшайди.— *Ред.*

барча делегатларини шунга чақирамиз...» унинг нутқининг охири эллик нафар делегат ўз ўрнидан туриб, жамоат орасини ёриб, эшик сари юра бошлаганида, қичқириқлар, ўшқириқлар ва ёғдирилган лаънатлар ичида ғарқ бўлиб кетди.

Каменев раислик қўнғироғини чалиб: «Ўринларингдан қўзғолманглар! Кун тартибидаги масалага киришамиз!» деб қичқирди. Троцкий ўтирган еридан турди. Унинг ранги ўчган ва ғазабланган эди. Унинг шиддатли товушида совуқ нафрат оҳанги бор эди: «Социал-муросачи деб аталувчиларнинг ҳаммаси ва қўрқоқ меньшевиклар, эсерлар, бундчилар — ҳаммаси, майли, чиқиб кетсин! Буларнинг ҳаммаси тарихнинг ахлат саватига супурилиб ташланадиган ахлатдан иборатдир!...»

Рязанов большевиклар номидан, Ҳарбий-революцион комитет шаҳар думасининг илтимосига мувофиқ Қишки сарой билан музокара олиб бориш учун делегация жўнатди, деб хабар қилди. «Шундай қилиб, биз қон тўкилишнинг олдини олиш учун мумкин бўлган барча чораларни кўрдик...»

Биз бу ердан чиқиб кетишимиз керак эди. Лекин нафаси оғзига тиқилган алоқачиларни қабул қилиб ва жўнатиб турган, ҳаёт-мамот масаласини ҳал қилиш ҳуқуқи ихтиёрига топширилган комиссарларни шаҳарнинг ҳамма томонига жўнатиб, қизғин суратда иш олиб бориб турган Ҳарбий-революцион комитет хонасида бир минутгина туриб қолдик. Дала телефонлари тинимсиз жиринглар эди. Эшик очилганида бизнинг юзимизга тамаки тутуни аралаш қўланса ҳаво урилди. Абажурли ёруғ электр лампалар нури остидаги картага энгашиб турган, ҳурпайган одамларга кўзимиз тушди... Пахмоқ малла сочли, кулиб турган йигитча — ўртоқ Иозефов-Духвинский — бизларга пропуска ёзиб берди.

Биз у ердан совуқ тун қучоғига чиқдик. Смольний олдида келиб-кетиб турган бир талай машиналар қалашиб ётарди. Уларнинг тариллаган шовқинлари орасидан йироқда гумбурлаган тўпларнинг овози эшитиларди. Катта юк машинаси моторнинг ишлашидан силкинарди. Қандайдир одамлар унга босма варақа ўрамларини узатишар, бошқалари эса қўлларига милтиқ ушлаган ҳолда уларни олиб, териб қўйишарди.

«Қаерга кетяпсизлар?»— деб сўрадим мен.

Қичкина бир солдат кулиб туриб менга: «Бутун шаҳар бўйлаб!» деб жавоб қилди. Шод-хуррамлик билан қулочини ёзиб қўйди.

Бизлар ўз гувоҳномаларимизни кўрсатдик. «Бизлар билан юринглар!»— деб таклиф қилдилар. «Аммо бизларни ўққа тутиб қолиш эҳтимоли бор...» Бизлар тирмашиб, юк машинасига чиқдик. Тормоз дастаси қаттиқ ғижирлаб сурилиши билан катта машина олдинга қараб силкинди, бизлар орқага тисарилиб кетдик ва ҳали машинага чиқиб улгурмаган одамларнинг устига йиқилдик. Ичкари ва ташқари дарвозалар ёнида-

ги гулханлар олдидан, қўлларига милтиқ ушлаган ва гулхан шуъласида уймалашиб ўтирган ишчиларнинг ёнидан учиб ўтиб, машина чайқалганича Суворов проспектига чиқди. Ҳамроҳларимиздан бири бир ўрамни ечиб, қандайдир варақалар ни дасталаб ирғита бошлади. Бизлар ҳам унга кўмаклашдик. Биз орқамиздан пириллаб учиб юрган оқ қоғозларни қолдириб, қоронғи кўчалардан ғизиллаб ўтиб кетдик. Кечиккан йўловчилар тўхтаб, қоғозларни ердан териб олардилар. Чорраҳалардаги патруллар гулхан олдидан туришиб, қўлларини чўзиб, варақаларни ушлаб олишарди. Гоҳо рўпарамиздан қуролли одамлар чиқиб қолишарди. Улар милтиқларини ўхталишиб: «Тўхта!» деб қичқиришарди. Аммо шоферимиз бир неча оғиз тушунилмайдиган гап айтганидан кейин, бизлар яна ғизиллаб кетардик. Мен хитобномалардан бирини олиб, милтиллаб турган кўча фонарларининг ёруғидан фойдаланиб, уни бир амаллаб ўқидим:

«Россия гражданларига!

Муваққат ҳукумат ағдарилди. Давлат ҳокимияти Петроград пролетариати ва гарнизони тепасида турган Петроград ишчи ва солдат депутатлари Совети органи — Ҳарбий-революцион комитет қўлига ўтди.

Халқ кураштган иш: дарҳол демократик сулҳ таклиф қилиш, ерга помешчик эгалигини бекор қилиш, ишлаб чиқариш устидан ишчи контроллиги ўрнатиш, Совет ҳукумати тузиш таъмин этилди.

Яшасин ишчи, солдат ва деҳқонлар революцияси!

Петроград ишчи ва солдат депутатлари ҳузуридаги Ҳарбий-революцион комитет».

Менинг ёнимда кетаётган қийиқ кўз, мўғул башара, эчки терисидан қилинган кавказча попоқ кийган одам: «Қаранглар! Провакаторлар доим деразадан туриб ўқ узадилар!»— деди. Бизлар зим-зиё ва кимсасиз Знаменская майдонига қайрилдик. Трубецкий* ишлаган бесўнақай ҳайкал ёнидан ўтиб, кенг Невский проспектига чиқдик, орамиздан уч киши милтиғини шайлаб, деразаларга назар ташлаб борарди. Невский проспекти жуда серқатнов эди. Одамлар эгилиб-букилиб ҳар томонга қочарди. Энди биз тўп овозларини эшитмасдик. Қишки саройга яқинлашганимиз сари кўча шунчалик жимжит ва кимсасиз бўлиб борарди. Шаҳар думасининг бутун деразаларидан ёруғ тушиб турарди. Нарироқда тумонат одам ва саф тортган денгизчилар кўринди. Улар қичқириб, тўхташимизни

* Подшо Александр III га қўйилган ҳайкал назарда тутилади.

талаб қилишарди. Машина юришини секинлатди, бизлар ирғиб тош кўчага тушдик.

Бу ер ажойиб бир манзара касб этган эди. Худди Екатерина каналининг бурчагида кўча фанори остида саф тортган қуролли матрослар Невский проспектида турар, тўрттадан бўлиб саф тортиб бораётган оломоннинг йўлини тўсарди. Бу ерда уч юз — тўрт юз чоғлиқ одам: яхши пальто кийган эркаклар, ясанган хотин-халажлар, офицерлар — хуллас турли-туман халойиқ бор эди. Улар орасидан биз съезднинг кўпгина делегатларини — меньшевик ва эсерларнинг йўлбошчиларини таниб қолдик. Бу ерда деҳқон Советлари ижроия комитетининг раиси — қотма, сариқ соқол Авксентьев ҳам, Керенскийнинг сафдоши Сорокин ҳам, Хинчук ҳам, Абрамович ҳам бор эди, ҳамманинг олдида эса Петроград шаҳар бошлиғи мўйсафид Шредер ва Муваққат ҳукуматнинг шу бугун эрталаб қамоққа олиниб, яна қўйиб юборилган озиқ-овқат министри Прокопович турарди. Мен «Russion Daily News»* газетасининг мухбири Малкинни ҳам кўриб қолдим. «Қишки саройга ўлиш учун кетяпмиз!»— деди у ғурур билан. Намойиш жилмай турарди, аммо унинг олдинги сафларидан қаттиқ қичқириқ овозлари эшитиларди. Шредер билан Прокопович, афтидан, денгизчилар сафига қўмондонлик қилаётган барваста матрос билан гап талашиб турарди.

«Бизларни ўтказиб юборишингизни талаб қиламиз!— деб қичқирарди улар.— Манови ўртоқлар Советлар съездидан келишган! Кўринг, мана мандатлари! Бизлар Қишки саройга кетяпмиз!..»

Матрос жуда ҳайратда қолди, у тумтайиб туриб, катта қўли билан гарданини қашиди: «Менда комитетнинг саройга ҳеч кимни киргизмаслик тўғрисида буйруғи бор,— деб ғулдиради. Аммо мен ҳозир бир ўртоқни телефон қилиш учун Смольнийга юбораман».

«Биз қаттиқ талаб қиламиз, қўйиб юборинг! Бизда қурол-яроқ йўқ! Сиз бизни қўйиб юборасизми, ёки йўқми, биз бари бир ўтамиз!»— кекса Шредер ғазаб билан бақирди.

Матрос қовоғини солиб туриб:

«Менда буйруқ бор...»— деди.

Ҳар томондан:

«Истасаларинг бизларни отиб ташланглар! Биз ўтамиз! Олға!— деган товушлар эшитилди.— Агар сизлар шунча бағри қаттиқлик қилиб русларни ва биродарларингизни отмоқчи экансизлар, бизлар ўлишга тайёрмиз! Бизлар ўз кўксимизни пулемётларингизга тутиб берамиз».

«Йўқ,— деди матрос ўқрайиб қараб.— Сизларни ўтказиб юбора олмайман».

---

* 1917 йил Петроградда инглиз тилида чиқадиган *«Русча кундалик янгиликлар газетаси».— Ред.*

«Башарти ўтиб кетсак, нима қиласизлар? Отасизларми?»

«Йўқ, мен қуролсиз кишиларни отмайман. Бизлар қуролсиз рус кишиларини отолмаймиз...»

«Биз борамиз! Нима қила оласизлар?»

Нима қилишини билмай қолган матрос: «Бир иложини қиламиз, сиғаларни қўйиб юбора олмаймиз! Бир иложини қиламиза...» — деди.

«Сиғалар нима қиласизлар? Нима қиласизлар?»

Шу пайт жуда тажанг бошқа бир матрос пайдо бўлиб қолди: «Биз сиғаларни қўндоқлар билан урамиз»— деди бақириб жаҳл аралаш.— Агар лозим бўлса, отиб ҳам ташлаймиз. Уй-уйларингизга жўнанглар, бизларни тинч қўйинглар!»

Ғазаб ва порозилик ҳайқириқлари эшитилди. Прокопович қандайдир бир яшикнинг устига чиқиб олиб, зонтигини силкитиб, нутқ сўзлай кетди.

«Ўртоқлар ва гражданлар!— деди у.— Бизларга қарши қаттиқ қурол кучи ишлатмоқдалар! Бу нодон одамларнинг қўллари бизларнинг маъсум қонимизга бўялишига йўл қўя олмаймиз! Бу стрелочниклар томонидан отилишимизни ўз шаънимизга муносиб дея билмаймиз («Стрелочниклар» сўзини қайси маънода ишлатганини мен тушунолмадим). Думага қайтиб мамлакатни ва революцияни сақлаб қолишнинг энг яхши воситаларини муҳокама қилайлик!»

Шундан кейин халойиқ оғир сукунат ичида қайрилди ва яна тўрттадан бўлиб Невский проспектидан юқорига қараб йўл олди. Биз саросималикдан фойдаланиб, сафлар ёнидан лип этиб ўтдик ва Қишки саройга йўл олдик.

Бу ер зим-зиё эди. Бу жойда ҳеч қандай ҳаракат йўқ, фақат солдат ва қизил гвардиячи патрулларгина бор эди, улар ҳаддан ташқари асабий бир вазиятда эди. Казанский соборининг рўпарасида, кўчанинг қоқ ўртасида уч дюймалик дала тўпи турарди, у томлар устидан ошириб отилган сўнгги ўқ зарбидан бир қадар қийшайиб қолган эди. Ҳамма эшиклар олдида солдатлар турар, улар Полицейский кўприги томонга назар ташлаб, бир-бири билан шивирлашиб турар эди. Мен уларнинг: «Эҳтимол, биз хато қилгандурмиз...»— деган гапларини тушуниб қолдим. Бутун муюлишларда патруллар йўловчиларни тўхтатишарди. Бу патрулларнинг состави характерли эди: солдатларга ҳамма жойда қизил гвардиячилар командирлик қиларди... Отишмалар тинди.

Бизлар Морская кўчасига чиқишимиз биланоқ, кимдир: «Юнкерлар одам юбориб, қани келиб бизларни қувиб юборинглар-чи, кутиб туриптилар!» деб бақирди. Команда овозлари эшитилди, зим-зиё қоронғилиқ ичида биз индамай олдинга кетаётган одамларнинг қорасини кўрдик, уларнинг оёқ товушлари ва қурол-яроқларнинг шиқирлашигина сукунатни бузиб турарди. Бизлар биринчи саф қаторига қўшилиб олдик. Бутун кўчани босиб кетган бўтана дарё сувидек,

қўшиқсиз ва қийқириқсиз қизил арка остидан ўтиб кетдик. Менинг олдимда кетаётган киши секингина: «Ҳой биродарлар, эҳтиёт бўлинглар, уларга ишонманглар! Улар албатта ўққа тутади...»— деди. Бизлар майдонга чиққач паст бўлиб энгашиб ва бир-биримизнинг пинжимизга киришиб, югуриб кетдик. Биз Александровский колоннасининг тагига етгунча қоронғида роса чопдик.

«Сизлардан неча киши ўлди?»— деб сўрадим мен.

«Билмадим, ўнтача келар...»

Бир неча юз кишидан иборат бўлган отряд шу жойда бир неча минут тўхтаб куч тўплади ва ҳеч қандай буйруқсиз яна бирдан олға ташланди. Мен шу чоқ Қишки сарой деразаларидан тушган ёруғликда икки юз, уч юз кишидан иборат бўлган бу илғор отряднинг ҳаммаси қизил гвардиячилардангина иборат эканлигини пайқадим. Улар орасида солдатлар кам-дан-кам эди. Биз ўтинлардан ясалган баррикадаларнинг устига тирмашиб чиқиб, пастга сакраб тушдик-да, қувонганимиздан ҳайқириб юбордик, оёғимиз остида юнкерлар ташлаб кетган қучоқ-қучоқ милтиқлар ётар эди. Катта дарвозанинг икки томонидаги эшиклар ланг очиқ эди. У ердан ёруғ тушиб турар, бироқ азамат бино сукут ичида эди.

Одамлар тўлқини бизни суриб борар, биз саройга ўнг томондаги эшикдан чопиб кириб, ўзимизни катта ва ҳувуллаб ётган гумбаз тахлит бир хона ичида кўрдик — бу хона саройнинг ўнг қанотидаги омбор бўлиб, бу ердан ҳар тарафга қараб коридор ва зинапоялар таралиб кетган эди. Бу хонада бир талай яшиклар ётарди. Қизил гвардиячилар ва солдатлар ўзларини яшиклар устига отиб милтиқларининг қўндоқлари билан уларни синдириб, ичидан гиламлар, дераза пардалари, ич кийимлар, чинни ва шиша идишларни ола бошладилар. Кимдир бронза соатни орқалаб олди. Яна алла ким туя қуш патини топиб, уни ўз попоғига қадаб қўйди. Талон-торож бошланиши биланоқ кимдир: «Ўртоқлар! Ҳеч нарсага тегманглар! Ҳеч нарсани олманглар! Буларнинг ҳаммаси халқ моли!» деб бақирди. Йигирма чоғлиқ киши дарҳол унинг гапини қувватлаб: «Тўхтанглар! Ҳаммасини жой-жойига қўйинглар! Ҳеч нарсага тегманглар! Халқнинг моли» деб қичқиришди. Ўнлаб қўллар талончилар томон чўзилиб, улар қўлидан зарбоф ва гиламларни тортиб олди. Икки киши бронза соатни юлқиб олди. Буюмларни яна шошиб-пишиб, яшикларга пала-партиш жойладилар, яшиклар олдида кўнгилли соқчилар пойлоқчилик қилиб қолди. Бу ишларнинг ҳаммаси стихияли равишда юз берган эди. Коридорлар ва зинапоялардан «Революцион интизом! Халқнинг моли!» деган акс садоли бўғиқ овозлар эшитиларди.

Биз сўл томондаги эшикка — саройнинг ғарб тамонидаги қанотига қараб юрдик. Бу ерда ҳам энди тартиб ўрнатилган эди. Қизил гвардиячилар ичкаридаги эшикдан бошларини



Путилов заводи ишчи — қизил гвардиячилари лейтенант Шмидт номли броневикда. 1917 йил, октябрь.

(IV боб, 94-98-бет)



„Новый Лесснер“ заводи қизил гвардиячилари,
Петербург, Виборг томони

(IV боб, 94- 98-бет)

чиқариб: «Саройни бўшатиб қўяйлик! Юринглар, ўртоқлар, бизларнинг ўғри ва талончи эмаслигимизни ҳамма билсин! Комиссарлардан бошқа, ҳамма сарайдан чиқиб кетсин! Соқчилар қўйилсин!» деб бақирар эдилар.

Бири солдат, иккинчиси офицер бўлган икки қизил гвардиячи қўлларида тўппонча ушлаб туришарди. Уларнинг орқасидаги стол ёнида қоғоз ва қалам ушлаб бир солдат ўтирарди. Ҳамма ёқдан: «Ҳамма чиқиб кетсин! Ҳамма чиқиб кетсин!» деган товушлар эшитиларди ва отрядлар бир-бирларини туртишиб, пўнғиллашиб, эшиклардан чиқиб кета бошларди. Ўзўзидан ташкил топган комитет сарайдан чиқиб кетаётган ҳар бир кишини тўхтатиб, чўнтагини титкилаб кўрар, кийим-бошларини тинтар эди. Одамларнинг ўзларига тегишли бўлмаган нарсаларни тортиб олар, стол ёнида ўтирган солдат эса тортиб олинган нарсаларни хатга олар, бошқалар эса уларни қўшни хонага қўяр эдилар. Бу ерда турли-туман буюмлар: ҳайкалчалар, сиёҳ солинган шишалар, император номининг бош ҳарфлари ёзилган чойшаблар, шамдонлар, бўёқли суратчалар, пресспапье олтин дастали шамширлар, совунлар, ҳар хил кийим-бошлар, кўрпалар мусодара қилинди. Бир қизил гвардиячи учта милтиқ олиб келиб, иккитасини юнкерлардан тортиб олганлигини айтди. Яна бир қизил гвардиячи ичи ҳужжатлар билан лиқ тўла тўртта портфель келтирди. Айбдорлар ё қовоқ солиб миқ этмай турар, ёки ўзларини болалар сингари оқламоқчи бўлардилар. Комитет аъзолари ўғирлик халқ жангчиларига ярашмаслигини бир оғиздан тушунтиришарди. Айби очилганларнинг кўплари комитетга ёрдамлашиб, қолган ўртоқларини ўзлари тинтув қилардилар[2].

Юнкерлар учта, тўрттадан бўлиб кела бошладилар. Комитет аъзолари улар устига ёпирилиб, синчиклаб тинтув қилар экан: «Провакаторлар! Корниловчилар! Контрреволюционерлар! Халқ жаллодлари!» деб қичқирардилар. Юнкерларга ҳеч қандай тажовуз қилинмаса-да, улар жуда қўрқиб қолган эдилар. Уларнинг чўнтаклари ҳам талаб олинган буюмлар билан лиқ тўла эди. Комитет бу нарсаларнинг ҳаммасини қунт билан рўйхатга олиб, қўшни хонага элтиб қўярди... Юнкерларни қуролсизлантирар эканлар: «Хўш, халққа қарши яна қурол кўтарасизми?»—деб ўшқириб сўрардилар.

Юнкерлар бирин-кетин: «Йўқ!»— деб жавоб қилгач, уларни қўйиб юборардилар.

Биз, ичкари хоналарга кирсак бўладими, деб сўрадик. Комитет иккиланиб қолди, аммо қандайдир баланд бўйли қизил гвардиячи, кириш ман қилинган, деб жавоб қилди. «Ўзларингиз ким бўласизлар, ахир?— деди у.— Керенский юборган одамлар эмаслигингизни мен қаёқдан билай?» (Биз беш киши эдик, орамизда икки аёл ҳам бор эди).

«Ўртоқлар, марҳамат қилиб, йўлни бўшатинглар!» Эшик олдида бир солдат билан бир қизил гвардиячи кўринди, улар

оломоннинг орасини ёриб ўтиб, йўл очарди, орқаларидан найзали милтиқ билан қуролланган бир неча ишчи пайдо бўлди. Уларнинг орқасидан граждан кийимида беш-олти киши биринкетин келарди, булар Муваққат ҳукумат аъзолари эди. Олдинда чўзинчоқ юзли, ранги докадек оқариб кетган Кишкин; ундан кейин қовоғи осилган, кўзларини ерга тиккан Рутенберг; ҳар ёққа ғазаб билан назар ташлаётган Терешченко келарди. Унинг совуқ кўзлари бизга тикилиб қолди. Улар чурқ этмай ўтиб кетдилар. Ғолиблар яқинроқ келиб уларни томоша қилишди, аммо ғазабли товушлар кам эшитиларди. Кейинроқ маълум бўлишича, қамоққа олинганларни кўчада халқ қора калтак қилиб ўлдирмоқчи бўлган, ҳатто уларга қараб милтиқлардан ўқ узилган, аммо солдатлар маҳбусларни эсон-омон Петропавловск қалъасига олиб бориб қамаганлар...

Шу орада биз тўсқинликка учрамай, саройга кирдик. Бу ерга бир талай одамлар кириб-чиқиб турарди, бу азамат бино ичидаги хоналарни тинтув қилиб, яшириниб ётган юнкерларни ахтаришар, бироқ юнкерлардан асар ҳам йўқ эди. Биз зинапоядан юқорига чиқиб, хонама-хона айланиб юрдик. Саройнинг бу қисми Нева томонидан ҳужум бошлаган бошқа бир отряд томонидан ишғол қилинган эди. Серҳашам катта хоналардаги расмлар, ҳайкаллар, пардалар ва гиламлар ўз жойида турарди. Лекин иш бўлмаларидаги ҳамма ёзув столлари ва дўлоблар тинтилган, қоғозлар ерда сочилиб ётарди. Ётоқхоналар ҳам тинтилган, кроватлардан чойшаблар йиғиштириб олинган, гардероблар ланг очиқ эди. Ишчилар жуда муҳтож бўлган кийим-бошлар энг қийматли ўлжа ҳисобланар эди. Жиҳозлари кўп бўлган бир хонада биз креслолардан устларига нақш солинган испан чармларини кўчириб олаётган икки солдатни кўриб қолдик. Улар бу чармлардан этик тикиб оламиз, дедилар...

Шу жойда, қизил ва зарҳал уқа тутилган кўк ливрея кийган эски сарой мулозимлари турар ва асабий бир ҳолда эски одатларича: «Жаноб бу ерга кирмоқ ман қилинган»— деган сўзларни такрорлар эдилар. Ниҳоят, биз олтин нақшли, малахит тошлари билан безалган, кимхоб пардали бир хонага кирдик. Шу хонада министрлар Совети сўнгги кеча-кундузда тинимсиз мажлис қилган экан, қизил гвардиячиларга шу хонани швейцарлар кўрсатиб берганлар. Устига яшил мовут сирилган узун стол, Муваққат ҳукуматни қамоққа олишдан илгари қандай турган бўлса, шундайлигича турарди. Бўш турган ҳар бир стул рўпарасидаги стол устига сиёҳдон, қоғоз ва қалам қўйилган. Қоғоз варақаларига ҳаракат қилиш планлари чизилган, хитобнома ва манифестлар лойиҳалари ёзилган эди. Бу планларни чизган кишиларнинг ўзлари уларнинг фойдасиз эканлигини пайқаганларидек, кўпларини ўчириб ташлаган эдилар... Варақаларнинг бўш жойларига маъносиз геоме-

трик шакллар солинган эди. Мажлис қатнашчилари, афтидан, нотиқларнинг янги-янги хаёлий проектларига умидсиз бир ҳолда қулоқ солиб ўтирар экан, бу шаклларни ихтиёрсиз чизган бўлсалар керак. Мен хотира учун бу варақалардан бирини олдим. «Муваққат ҳукумат,— деб ўқидим мен,— аҳолининг барча синфларига мурожаат қилиб, Муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлашга чақиради...»

Шуни айтиб ўтиш керакки, Қишки сарой, гарчи қуршовда бўлса ҳам, Муваққат ҳукумат бир минут бўлса ҳам, фронт ва вилоят марказлари билан алоқасини узмаган. Большевиклар эрталаб ҳарбий министрликни ишғол қилган бўлсалар ҳам, чердакда телеграф борлигини ва ҳарбий министрлик биноси билан Қишки сарой ўртасида яширин телефон сими ўтказилганини пайқамаган эканлар. Ҳолбуки, ёш бир офицер кун бўйи чердакда ўтириб, бутун мамлакатга тинмай хитобнома ва мурожаатномалар юбориб турган. Қишки саройнинг олинганлигини пайқагач, у фуражкасини кийиб, бамайлихотир бинодан чиқиб кетган...

Биз теварак-атрофимиздаги нарсаларга қизиқиб кетиб, солдат ва қизил гвардиячиларга мутлақо эътибор бермай қўйдик, ҳолбуки уларнинг юриш-туришларида ажиб бир ўзгариш рўй берган эди. Бир неча киши бизга эргашиб, хонама-хона айланиб юрарди. Ниҳоят, кундуз куни юнкерлар билан суҳбатлашган катта суратхонага кирганимизда, бизни юз чоғлиқ одам ўраб олди. Рўпарамизда барваста бир солдат турарди. Унинг қовоғи солиқ, юзида ишончсизлик ифодаси бор эди.

«Сизлар ким бўласизлар?— деб ўшқирди у.— Бу ерда нима қилиб юрибсизлар?..» Атрофимизни қуршаб олган одамлар борган сари кўпайди. Бизни синчиклаб кўздан кечира ва пўнғиллай бошладилар. Қулоғимга «Провокаторлар!», «Ғоратчилар!» деган товушлар эшитилди. Мен Ҳарбий-революцион комитет берган гувоҳномаларимизни кўрсатдим. Солдат гувоҳномаларни чангаллаб олиб, тескари ушлаб, ҳеч нарсани тушунмаган ҳолда уларга тикилиб қолди. Унинг саводсиз экани очиқдан-очиқ кўриниб турарди. Гувоҳномаларни бир оз ушлаб туриб, кейин менга қайтариб берди-да ерга туфурди. *«Қоғозлар!»* — деди у нафрат билан. Ёввойи отлар пиёда йилқичини қуршаб олганидек оломон ҳам бизни қуршаб сиқиб кела бошлади. Мен иложсиз узоқда турган бир офицерни кўриб қолдим, дарҳол уни чақирдим. У одамларнинг орасини ёриб ўтиб, бизнинг олдимизга келди.

«Мен комиссарман,— деди у менга.— Сизлар ким бўласизлар? Ўзи нима гап?»

Оломон орқага чекиниб кутиб турди. Мен яна қоғозларимизни кўрсатдим.

«Сизлар ажнабийлармисиз?— деб сўради у тез-тез французчалаб.— Иш чатоқ...» У оломонга ўгирилиб, бизнинг

ҳужжатларимизни ҳавода силкитди... «Ўртоқлар,—деб қичқирди у.— Бу одамлар бизнинг ажнабий ўртоқларимиз, америкаликлардир! Улар қайтганларидан кейин ўз халқларига пролетар армиясининг жасорати ва революцион интизоми ҳақида сўзлаб бериш учун бу ерга келганлар!..»

«Сиз буни қаёқдан биласиз?— деди новча солдат.— Мен сизга айтсам, улар провокаторлардир. Бу ерга пролетар армиясининг интизомини кўргани келдик деб айтадилар, ўзлари эса бутун сарой ичини айланиб юрадилар. Уларнинг чўнтаклари ўғирланган нарсалар билан лиқ тўла эмаслигини биз қаёқдан биламиз?»

«Тўғри!»— деб қичқирди оломон ва устимизга бостириб келабошлади.

Офицернинг пешонасини тер босди, «Ўртоқлар, ўртоқлар!— деб қичқирди у.— Мен Ҳарбий-революцион комитетнинг комиссариман. Менга ишонасизларку-а? Мен сизга айтсам, бу мандатлардаги имзо менинг мандатимга қўл қўйган кишининг имзосидир!»

У бизни бошлаб сарой ичидан олиб ўтиб, Нева бўйига чиқадиган эшикни очиб берди. Шу эшик олдида ҳамон ўша, кишиларнинг чўнтакларини тинтаётган комитет бор эди.

«Осонликча қутулдинглар»,— деб шивирлади у юзини артиб.

«Аёллар батальонига нима бўлди?» — деб сўрадик биз.

«Э, бу аёллар!..— деб кулди у.— Улар ҳаммаси орқадаги хоналарга тиқилиб олишган. Уларни нима қилиш тўғрисида бир қарорга келгунимизча ўлиб бўлдик: уларнинг бари асабий ҳолатда эди ва ҳоказо... Ниҳоят, бу аёлларни Финляндия вокзалига жўнатдик ва Левашевога кетадиган поездга ўтиргиздик: уларнинг лагери ўша жойда...»[3]

Биз яна юриб кетаётган алла қандай армиянинг шов-шуви билан тўлган, патруллар жон киргизиб турган совуқ ва нотинч кеча қўйнига кирдик. Дарёнинг нариги ёғида қорайиб кўринган баҳайбат Петропавловск қалъаси томонидан бўғиқ овозлар эшитиларди... Оёғимиз остида, тротуарда «Аврора»дан отилган икки тўп ўқининг сарой карнизига тегиб, кўчириб туширган сувоқ парчалари ётарди. Бомбардимон бундан бошқа зарар етказмаган эди.

Саҳар пайти, соат тўртга яқинлашган эди. Невский проспектининг бутун фонарлари ёниб турар, тўплар олиб кетилган эди. Гулханлар атрофида уймалашган қизил гвардиячилар ва солдатларгина жанг бўлганидан дарак бериб турар эди. Шаҳар тинч, ҳар қачонгидан ҳам осойишта кўринарди. Шу кеча ҳеч бир ўғирлик ва ҳеч бир қароқчилик рўй бермади.

Шаҳар думаси биносининг юқоридаги ва пастдаги ҳамма чироқлари ёниб турарди. Биз ҳар тарафи галереялар билан қуршалган ва деворларига усти қизил алвон билан ёпилган,

оғир олтин ромли подшо портретлари осиғлик Александр залига кирдик. Минбар атрофини юз чоғлиқ киши ўраб олган. Скобелев нутқ сўзлар эди. У большевикларга қарши бўлган ҳамма унсурларни бир ташкилотга ватан ва революцияни Мудофаа қилиш комитетига бирлаштириш мақсадида жамоат хавфсизлик комитетини кенгайтириш керак деб туриб олди. Биз залда айланиб юрганимиздаёқ комитет тузилган эди. У кейинги ҳафталар ичида гоҳ ўз номи билан, гоҳ қатъий партиясиз Жамоат хавфсизлик комитети сифатида сўзга чиқиб оқибат-натижада большевизмнинг ашаддий душмани бўлиб қолган эди.

Дан, Гоц, Авксентьев, съезддан ажралиб чиқиб кетган бир неча делегат, деҳқон Советлари ижроия комитети аъзолари, кекса Прокопович ва ҳатто республика совети аъзолари, жумладан Винавер ва бошқа кадетлар шу ерда ҳозир эдилар. Либер бақириб, Советлар съезди ғайри қонуний, эски МИК ўз ваколатини ҳали сақлаб турипти, дер эди... Шу ернинг ўзидаёқ мамлакатга қарата мурожаатнома ёза бошладилар.

Биз кўчага чиқиб, извош чақирдик. «Қаерга борасиз?» Биз «Смольнийга» деганимизда извошчи бошини силкитиб: «Йўқ,— деди.—У ерда анови шайтонлар бор...» Узоқ тентираб чарчаганимиздан кейингина бир извошчини топдик, у бизни олиб боришга рози бўлди. Аммо у биздан ўттиз сўм сўради ва Смольнийга етмасдан икки квартал берида тўхтади.

Смольний институтининг деразалари ҳали ёруғ эди. Автомобиллар келиб-кетиб турипти. Ҳали ҳам ланғиллаб ёниб турган гулханлар атрофида уймалашиб турган соқчилар ҳаммадан янги хабарларни сўраб-суриштирар эдилар. Қаергадир шошаётган ва кўзлари киртайган одамлар билан коридорлар лиқ тўлган эди. Комитетлар жойлашган баъзи хоналарда одамлар ерда, милтиқларини ёнларига қўйиб ухлаб ётардилар. Делегатларнинг бир қисми съездни ташлаб чиқиб кетган бўлса-да, мажлис зали одам билан лиқ тўла ва денгиздек шовиллар эди. Биз залга кирган вақтимизда Каменев қамоққа олинган министрларнинг рўйхатини ўқиётган эди. Терешченко номини айтганда гулдурос чапаклар, шодлик қичқириқлари ва кулги садолари янгради. Рутенбергнинг номи камроқ таассурот қолдирди, аммо Палчинскийнинг номи тилга олинганида қийқириқлар ва гулдирос чапаклар янгради... Қишки саройнинг комиссари қилиб Чудновский тайинлангани эълон этилди.

Шунда фожиали бир манзара рўй берди. Минбарга новча, серсоқол бир деҳқон югуриб чиқди. Ғазабдан унинг юзи буришиб кетган эди. У президиум столига муштлаб урди.

«Биз, социалист-революционерлар, Қишки саройда қамоққа олинган социалист министрларни дарҳол озод қилишни талаб этамиз! Ўртоқлар! Чор истибдодига қарши курашда ўз ҳаётлари ва озодликларини фидо қилган тўрт ўртоқнинг рус

озодлигининг тарихий қабри бўлган Петропавловск қалъасига қамаб қўйилганлиги сизга маълуммми?»

Ҳамма шовқин-сурон кўтарди. Деҳқон эса бунга қарамай столни муштлаб, ҳамон бақирарди. Минбарга бошқа бир делегат чиқиб унинг ёнидан жой олди ва президиум томонга қўли билан кўрсатиб бақирди:

«Ўз йўлбошчиларини большевистик охранка азоблаётган бир вақтда революцион омма вакиллари шу ерда бамайлихотир мажлис қилиб ўтира оладиларми?»

Троцкий ишора билан жим бўлишни талаб этди. «Биз бу «ўртоқлар»ни Советларни тор-мор келтириш учун авантюрист Керенский билан тил бириктирган вақтларида ушлаб олдик. Биз нима учун улардан тортиниб турамиз? Ажабо, улар 3—5 июлдан кейин биздан ийманиб турдиларми? Унинг товушида тантанали бир оҳанг пайдо бўлди. «Эндиликда, мудофаачилар ва қўрқоқлар орамиздан кетган, революцияни ҳимоя этиш ва қутқазиш вазифаси тамомила бизнинг бўйнимизга тушган бир вақтда биз ишлашимиз, ишлашимиз ва яна ишлашимиз лозим! Биз таслим бўлишдан кўра ўлишни афзалроқ кўрдик!...»

Ҳали нафасини ростлаб ололмаган ва йўлда устини чанг босган Царское Село комиссари минбарга чиқди. «Царское Село гарнизони Советлар съездини ва Ҳарбий-революцион комитетни ҳимоя қилиш учун Петроград остоналарида шайланиб турипти!» Гулдурос қарсаклар. «Фронтдан юборилган велосипедчилар корпуси Царское Селога етиб келди ва бизнинг тарафимизга ўтди. Бу корпус Советлар ҳокимиятини тани япти ва ерларни дарҳол деҳқонларга беришни, ишлаб чиқариш устидан контролликни ишчиларга топширишни зарур деб топди. Царское Селода жойлашган бешинчи велосипедчилар батальони бизники...»

Учинчи велосипедчилар батальонининг делегати чиқиб сўзлади. У жуда катта шавқ-завққа тўлган ҳолда, велосипедчилар бундан уч кун илгари Петроградни «ҳимоя қилмоқ» учун ғарби-жанубий фронтдан жўнаш тўғрисида буйруқ олганликларини гапириб берди. Бироқ солдатлар буйруқнинг маъноси бошқачароқ эканлигидан шубҳаландилар. Передольск станциясида уларни Царское Селода жойлашган бешинчи батальон вакиллари қарши олдилар. Бирлашиб митинг ўтказдилар, шунда «велосипедчилар орасида ўз биродарларининг қонини тўкишга ёки помешчик ва капиталистлар ҳукуматини қўллаб-қувватлашга рози бўлган ҳеч бир одам йўқлиги» маълум бўлди.

Капелинский интернационалист-меньшевиклар номидан гапириб, масалани сулҳ йўли билан ҳал қилиш ва гражданлар урушининг олдини олиш учун махсус комиссия тузишни таклиф этди. «Сулҳ йўли билан ҳал қилиб бўлмайди,— деб қичқиришди залдагилар.— Масала ёлғиз ғалаба билан ҳал

қилинади». Капелинскийнинг таклифи кўпчилик овоз билан рад этилди, шундан кейин интернационалист-меньшевиклар истеҳзоли ҳақоратомуз қийқириқлар остида зални ташлаб чиқиб кетдилар. Делегатларда қўрқинчнинг асари ҳам йўқ эди. Каменев минбарда туриб, чиқиб кетаётганларнинг орқасидан бақирди: «Меньшевиклар-интернационалистлар, масалани сулҳ йўли билан ҳал қилиш тўғрисидаги таклифларини навбатдан ташқари баёнот сифатида киргиздилар. Аммо улар съездни ташлаб чиқиб кетмоқчи бўлган фракцияларнинг декларациясини эълон қилиш мақсадида мажлиснинг кун тартибини ўзгартиш учун ҳамиша овоз бериб келдилар! Бу ренегатларнинг чиқиб кетиши аввалдан ҳал қилиб қўйилганлиги ойпадек равшан бўлди!..» Мажлис қатор фракциячиларнинг чиқиб кетишига эътибор бермасликка қарор қилди ва бутун Россия ишчилари, солдатлари ва деҳқонларига қарата ёзилган мурожаатни тинглади:

«Ишчилар, солдатлар ва деҳқонларга!

Ишчи ва солдат депутатлари Советларининг Иккинчи Умум Россия съезди очилди. Бу съездга Советларнинг аксарияти ўз делегатларини юборган. Съездда деҳқонлар Советининг ҳам бир неча делегатлари қатнашмоқда... Съезд ишчилар, солдатлар ва деҳқонларнинг кўпчилигига суяниб, ишчилар ва гарнизоннинг Петроградда бўлаётган ғолибона қўзғолонларига таяниб ҳокимиятни ўз қўлига олади.

Муваққат ҳукумат ағдарилди. Муваққат ҳукумат аъзоларининг кўпчилиги қамоққа олинди.

Совет ҳокимияти барча халқларга дарҳол демократик сулҳ тузишни, ҳамма фронтларда дарҳол яраш қилишни таклиф этади. Совет ҳокимияти помешчикларнинг, давлат ва монастирларнинг ерларини деҳқон комитетлари ихтиёрига бепул олиб беришни таъминлайди, армияни батамом демократлаштириб солдатлар ҳуқуқини ҳимоя қилади, ишлаб чиқариш устидан ишчи контроллигини ўрнатади, Таъсис мажлисининг ўз вақтида чақирилишини таъмин этади, шаҳарларга ғалла келтириш, қишлоқларга энг зарур истеъмол моллари юбортириш учун ғамхўрлик қилади. Россияда яшайдиган барча миллатларга тамомила ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини беради.

Съезд қарор қилади: жойларда бутун ҳокимият ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари қўлига ўтади. Советлар ҳақиқий революцион тартиб ўрнатилишини таъминлашлари зарур.

Съезд окопларда ги солдатларни ҳушёр ва матонатли бўлишга чақиради. Советлар съезди ишонадики, янги ҳукумат барча халқларга бевосита тақдим этадиган демократик сулҳни

тузгунча, революцион армия революцияни империализмнинг ҳар қандай ҳужумидан ҳимоя эта билади. Янги ҳукумат мулкдор синфларнинг молини мусодара қилиш ва уларга солиқ солиш йўли билан революцион армияни бутун зарур нарсалар билан таъмин этиш, шунингдек солдатлар оиласи турмушини яхшилаш учун бутун чораларни кўради.

Корниловчилар — Керенский, Каледин ва бошқалар — Петроградга қўшин киритишга уринмоқдалар. Керенский томонидан алданган бир неча отряд қўзғолон кўтарган халқ томонига ўтди.

Солдатлар! Корниловчи Керенскийга актив қаршилик кўрсатингиз! Ҳушёр бўлингиз!

Темир йўлчилар, Керенскийнинг Петроградга юбораётган барча эшелонларини тўхтатингиз!

Солдатлар, ишчилар, хизматчилар революциянинг тақдири, демократик сулҳ тақдири сизларнинг қўлингизда!

Яшасин революция!

Ишчи ва солдат депутатлари
Советларининг Умум Россия съезди.
*Деҳқон Советлари делегатлари».**

Криленко чарчаганидан гандираклаб минбарга чиқиб, мажлисдагиларга қандайдир бир телеграммани кўрсатганда, эрталаб соат 5 дан 17 минут ўтган эди.

«Ўртоқлар, Шимолий фронтдан! XII армия Советлар съездини табриклайди ва Шимолий фронт қўмондонлигини ўз зиммасига олган Ҳарбий-революцион комитет тузилганини хабар қилади!..» Тасвир этиб бўлмайдиган хурсандчилик бошланди. Одамлар йиғлаб, бир-бирлари билан қучоқлашар эдилар. «Генерал Черемисов комитетни таниди. Муваққат ҳукумат комиссари Войтинский истеъфо берди!».

Тўнтариш юз берган эди...

Ленин ва Петроград ишчилари қўзғолон қилишга, Петроград Совети томонидан Муваққат ҳукуматни ағдаришга ва Советлар съездини давлат тўнтариши факти олдига қўйишга қарор қилдилар. Энди бутун улуғ Россияни, кейин эса бутун жаҳонни ўз томонига оғдириб олиш лозим эди. Россия қўллаб-қувватлармикин, қўзғолон кўтарармикин? Жаҳон халқи нима дер экан? Халқлар Россия чақириғига жавоб қилармикан, бутун дунёда революцион тўлқин кўтарилармикан?

Соат олти эди. Совуқ ва зимзиё қоронғулик ҳамма ёқни босиб ётарди. Эндигина кўкдан тушган ғира-шира ёруғлик жимжит кўчаларга тушиб, соқчиларнинг машъалларини хиралаштириб қўяётган эди. Россия устида баҳайбат тонг отмоқда эди.

---

* «Деҳқон Советлари делегатлари» деган имзо деҳқонлар вакилларининг илтимоси билан киритилган.— *Ред.*

V БОБ

ТЎХТОВСИЗ ОЛҒА!

8 ноябрь (26 октябрь) пайшанба куни. Тонг отганда шаҳар қаттиқ ҳаяжон ичида эди. Бўронлар ҳайқириғи остида халойиқ бош кўтарарди. Сиртдан қараганда ҳаммаёқ осойиштадек кўринарди. Юз минглаб одамлар одатдаги вақтда ухлагани ётган, барвақт туриб ишларига жўнаган эдилар. Петроградда трамвайлар қатнаб турар, магазин ва ресторанлар очиқ, театрлар ишлар, расмлар виставкаси одамлар билан гавжум эди... Уруш шароитида ҳам ўзгармаган мураккаб кундалик ҳаёт тартиби ўз мароми билан кетмоқда эди. Ҳатто энг катта фалокатлар рўй берган вақтларда ҳам, ўз ишидан қолмайдиган, овқатланиш, кийиниш, вақти чоғлик қилишни давом эттирадиган жамоат организмининг ҳаётийлигидан ажойиб нарса йўқ...

Шаҳарда Керенский тўғрисида миш-миш гаплар юрарди. Одамларнинг айтишларига қараганда, у фронтга бориб етган ва пойтахт устига катта қўшин тортиб келаётган эмиш. «Воля Народа» газетаси унинг Псковда чиқарган буйруғини эълон қилди.

«Большевикларнинг ножўя хатти-ҳаракати орқасида рўй берган алғов-далғов бизнинг давлатимизни ҳалокат ёқасига келтирди. Ватанимиз дучор бўлган ҳалокатли мусибатдан қутулиш учун ҳар биримиз бутун иродамизни, жўръатимизни ишга солиб, ўз бурчимизни адо этишимиз керак.

Ҳозирги пайтда ҳар бир киши Муваққат ҳукуматнинг янги состави эълон қилингунча, мабодо бу состав эълон қилинадиган бўлса ўз вазифасида қолиб, мажруҳ бўлган Ватан олдидаги бурчини адо этмоғи лозим. Шуни эсда тутиш керакки, армияда мавжуд бўлган тартибнинг қитдек бузилиши олдини олиб бўлмайдиган фалокатларга сабаб бўлиб, душманнинг янги зарбалари учун фронтни очиб беради. Шунинг учун, мукаммал тартиб сақлаб, армиянинг жанговарлигини сақлаб қолиш ва бошлиқлар билан солдатлар ўртасидаги ўзаро ишончга путур етказмаслик лозим. Республика Муваққат

ҳукумати ўз иродасини билдиргунча мен Ватанни қутқариш учун Олий бош қўмондонлик вазифасини сақлаб қолганимдек, барча команда бошлиқларига ва комиссарларга ўз вазифаларида қолишни буюраман...»

Бунга жавобан бутун деворларга шундай хитобнома ёпиштирилган эди.

«Бутун Россия Советлар съездидан

Собиқ министрлар: Коновалов, Кишкин, Терешченко, Моллянтович, Никитин ва бошқалар Революцион комитет томонидан қамоққа олиндилар. Керенский қочди. Бутун армия ташкилотларига, Керенскийни дарҳол қамоққа олиб, уни Петроградга олиб келиш чорасини кўриш тўғрисида буйруқ берилди. Керенскийга кўрсатилган ҳар қандай ёрдамни давлатга қарши қилинган энг оғир жиноят деб билиб, унга қарши қаттиқ жазо чоралари кўрилади».

Эркин ҳаракат қилишга эришган Ҳарбий-революцион комитет гўё учқундек ҳар тарафга буйруқлар, хитобномалар, декретлар ёғдирмоқда эди...[1] Корниловни Петроградга келтириш тўғрисида буйруқ берилди. Муваққат ҳукумат томонидан қамоққа олинган деҳқон ер комитетларининг аъзолари озод қилиндилар. Фронтда ўлим жазоси бекор қилинди. Давлат хизматчиларига ўз ишларини давом эттириш тўғрисида буйруқ берилди, итоатсизлик қилганлар қаттиқ жазоланади, деб қўрқитилди. Погромлар, тартибсизликлар ва спекуляция ўлим жазоси таҳдиди остида ман қилинди. Ҳамма министрликларга муваққат комиссарлар тайинланди: ташқи ишлар министрлигига — Урицкий билан Троцкий, ички ишлар ва юстиция министрликларига — Риков, меҳнат министрлигига — Шляпников, молия министрлигига — Менжинский, социал-таъминот министрлигига Коллонтай, савдо ва йўл ишлари министрлигига Рязанов, денгиз ишлари бошқармасига — матрос Корбир, почта ва телеграф министрлигига — Спиро, театрлар бошқармасига — Муравьев, давлат босмахоналари бошқармасига — Дербишев, Петроград комиссари қилиб лейтенант Нестеров, Шимолий фронт комиссари қилиб Позерн тайинланди.*

Армия ҳарбий-революцион комитетлар сайлашга даъват этилди. Темир йўлчилар тартиб сақлашга, асосан, шаҳар ва фронтларга озиқ-овқат ташиётган поездларни тўхтатмасликка

---

* Министрликларга тайинланган муваққат комиссарлар тўғрисида китобда берилган маълумот ноаниқдир: ташқи ишлар министрлигига ёлғиз Урицкийнинг ўзи тайинланган эди; денгиз ишлари министрлигига раҳбарлик қилишни Бутун Россия Советларининг съездида барча флотларнинг вакиллари томонидан сайланган Ҳарбий-денгиз революцион комитети ўз устига олган эди («Хроника событий»га қаралсин, V т., Давлат нашриёти, М. Л. 1926. 200—201-бетлар),— *Ред.*

чиқирилди. Бунинг эвазига уларга йўл ишлари министрлигидан ўрин берилиши ваъда этилди.

Хитобномаларнинг бирида шундай дейилган эди: «Қазак биродарлар! Сизларни Петроград устига бошлаб келаётирлар. Сизларни революцион солдатлар ва пойтахт ишчилари билан тўқнаштирмоқчилар...

Умумий душманимиз бўлган помешчиклар ва капиталистларнинг ҳеч бир сўзига ишонманглар.

Бизнинг съездимизда барча уюшган ишчилар, солдатлар ва Россия оғир деҳқонларининг вакиллари бор. Съезд ўз қаторида меҳнаткаш казакларни ҳам кўришни истайди. Қонхўр Николайнинг, помешчикларнинг малайлари бўлган қора гуруҳчи генераллар — бизнинг душманларимиздир.

Сизларга, Советлар казакларнинг ерларини тортиб олмоқчи, деб айтадилар. Бу ёлғон гап. Революция помешчик-казакларнингина ерларини тортиб олиб, уларни халққа беради.

Қазак депутатлар Совети ташкил этингиз! Ишчи, солдат ва деҳқон Советларига келиб қўшилингиз!

Қора гуруҳчиларга ўзларингизнинг халққа хиёнат этмаслигингизни ва бутун революцион Россиянинг лаънатига дучор бўлишни истамаганлигингизни кўрсатингиз!..

Қазак оғайнилар! Халқ душманларининг битта ҳам буйруғини ижро этмангиз!..

Биз билан гапни бир жойга қўйиш учун ўз делегатларингизни Петроградга юборингиз...

Петроград гарнизонининг казаклари ўз шарафларини сақлаб, халқ душманларининг умидларини пучга чиқардилар...

Қазак оғайнилар! Бутун Россия Советлар съезди сизга биродарлик қўлини чўзади.

Яшасин казакларнинг солдатлар билан, бутун Россия ишчи ва деҳқонлари билан иттифоқи!»*

Бундан бошқа, ҳар ерга ёпиштирилган, тарқатилган беҳисоб хитобномалар, афишалар, норозилик билдирган, лаънатлар ўқиган, ҳалокатдан башорат берувчи газеталар ҳамма ёқни босди! Босмахона дастгоҳлари кураши бошланди, чунки бошқа қуролларнинг ҳаммаси Советлар қўлида эди.

Дастлаб, ватан ва революцияни қутқариш Комитетининг бутун Россия ва Европага кенг тарқалган мурожаатномаси нашр этилди: .

«Россия республикаси гражданларига

25 октябрда Петроград большевиклари революцион халқ иродасига қарши чиқиб, Муваққат ҳукумат аъзоларининг бир қисмини жинояткорона қамоққа олди. Россия Республикаси-

---

* Бу хитобномага «Ишчи ва солдат депутатлари Бутун Россия Советлар съезди» деб имзо қўйилган.— *Ред.*

нинг Муваққат Советини тарқатиб юборди ва ғайри қонуний ҳокимиятни эълон қилди.

Ташқи душман катта хавф туғдираётган кунларда революцион Россия ҳукумати бошига жабр-жафо келтирмоқ ватан олдида мисли сиз бир жиноятдир.

Большевиклар исёни мудофаа ишига қақшатқич зарба беради ва орзу қилганимиз сулҳни орқага суради.

Большевиклар бошлаб юборган гражданлар уруши мамлакатни тасвир этиб бўлмайдиган анархия ва контрреволюция қучоғига отади ҳамда республика тузумини мустаҳкамлаб, халқнинг ерга бўлган ҳуқуқини узил-кесил таъмин этувчи Таъсис мажлисининг чақирилишини барбод қилади.

Ватан ва революцияни қутқариш Бутун Россия комитети ягона давлат ҳокимияти борислигини сақлаб, Муваққат ҳукумат барпо этиш ташаббусини ўз зиммасига олади. Бу ҳукумат демократия кучларига суяниб, мамлакатни Таъсис мажлисига бошлаб боради ва уни контрреволюция ҳамда анархиядан сақлаб қолади.

Гражданлар, ватан ва революцияни қутқариш Бутун Россия комитети сизларни:

Зўравонлар ҳокимиятини таниманг!

Уларнинг буйруқларини бажарманг!

Ватан ва революцияни ҳимоя этиш учун бел боғланг!

Ватанни ва революцияни қутқариш Бутун Россия Комитетини кўллаб-қувватланг! деб чақиради.

Ватанни ва революцияни қутқариш Бутун Россия Комитети состави қуйидаги ташкилотлардан иборат: Петроград шаҳар думаси, Россия Республикасининг Муваққат Совети, Бутун Россия Деҳқон депутатлари Совети Марказий Ижроия Комитети, Ишчи ва Солдат Депутатлари Советлари Марказий Ижроия Комитети, фронт группалари, Ишчи ва солдат депутатлари Советлари II съездининг делегатлари, с-р., с-д. (меньшевиклар) фракцияси, халқ социалистлари, «Единство» группаси ва ҳоказолар».

Эсерлар партияси, мудофаачи меньшевиклар, деҳқон Советлари Ижроия Комитети, армия комитетлари, Центрофлот хитобномалари кетма-кет чиқиб турарди...

«...Очлик Петроградни бўғмоқда,— деб жар соларди улар.— Германия қўшинлари бизнинг озодлигимизни поймол қилмоқда. Агар биз онгли ишчилар, солдатлар, гражданлар ҳаммамиз бирлашмасак, қора гуруҳчилар Россияни тилка-пора қилади...

Большевикларнинг ваъдаларига ишонмангиз! Дарҳол сулҳ тузиш тўғрисидаги ваъда — ёлғон! Ғалла ҳақидаги ваъда алдамчилик! Ер ҳақидаги ваъда сафсата!..»

Ҳаммаси ана шу мазмунда эди.

«Ўртоқлар!.. Сизларни разилона ва жинояткорона алдаганлар! Ҳокимиятни ёлғиз большевикларнинг ўзларигина қўл-

га олганлар... Большевиклар ўз планларини Советлар составидаги бошқа социалистик партиялардан яширганлар...

Сизларга ер ва озодлик ваъда қилдилар, аммо контрреволюция большевиклар вужудга келтирган анархиядан фойдаланиб, сизларни ер ва озодликдан маҳрум этадилар...»

Газеталар ҳам шундай қаттиқ ёзардилар:

«Бизнинг бурчимиз,— деб нидо қилган эди «Дело Народа» газетаси,— ишчилар синфига хиёнат қилувчиларни фош этишдир. Бизнинг бурчимиз — бутун кучларни сафарбар этиб, революция ишини ҳимоя қилмоқ учун тайёр туришдир».

Эски МИК номидан сўнгги марта ёзган «Известия» даҳшатли қасос билан қўрқитди...

«Советлар съезди хусусига келсак, шуни таъкидлаб айтамизки, Советлар съезди бўлмади, фақат большевиклар фракциясининг хусусий кенгашигина бўлди, холос. Шунга кўра улар МИКни ваколат ҳуқуқидан маҳрум этишга ҳақлари йўқдир».

«Новая жизнь» газетаси барча социалистик партияларни бирлаштириши лозим бўлган янги ҳукумат тарафдори бўлиб чиқди, съездни ташлаб чиқиб кетган эсер ва меньшевикларнинг ҳаракатларини қаттиқ танқид қилди ва большевиклар қўзғолони асосий бир аҳволни — буржуазия билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги хаёлларнинг батамом заминсиз эканини очиқ ва равшан аниқлади, деб таъкидлади.

«Рабочий Путь» газетаси яна «Правда»га — июль ойида ёпиб қўйилган ленинча газетага айланди. Бу газета шундай кескин ёзди:

«Ишчилар, солдатлар, деҳқонлар! Сизлар февраль ойида дворянлар тўдасининг самодержавиесини йиқитдингизлар. Кеча сизлар буржуа шайкасининг самодержавиесини қулатдингизлар...

Эндиликда эса биринчи вазифа — Бутун Петроград бўсағаларини ҳимоя қилишдан иборат.

Иккинчи вазифа — Петроградаги контрреволюцион унсурларни қуролсизлантириш ва батамом зарарсиз ҳолга келтиришдан иборат.

Учинчи вазифа — революцион ҳокимиятни батамом ташкил этиш ва халқ программасини амалга оширишни таъминлашдан иборат...»

Тўхтовсиз чиқиб турган бир неча кадет ва умуман буржуа газеталари юз бериб турган бутун ҳодисаларга истеҳзо билан бамайли хотир бир ҳолда қараб, бошқа партияларга нафрат билан айтгандай қилиб:

«Бизлар сизларга нима деган эдик?» дегандай пичинг қилиб ёзардилар. Кадетлар партиясининг нуфузли аъзолари шаҳар думаси ҳамда ватан ва революцияни қутқазиш Комитети атрофида доим уймалашиб юрардилар. Умуман олганда буржуазия ўз назарида яқин қолган вақт-соатини кутиб,

индамай жим турарди. Эҳтимол, Ленин, Троцкий ва Петроград ишчи ҳамда оддий солдатларидан ташқари ҳеч ким, большевикларнинг ҳокимият тепасида уч кундан ошиқ туришини тасаввур қила олмас эди...

Ўша куни мен катта Николай залининг амфитеатрида тўхтовсиз давом этаётган шаҳар думаси мажлисини бориб кўрдим. Бу ерда большевикларга қарши оппозициянинг барча кучлари ҳозир эди. Басавлат, мўйсафид шаҳар бошлиғи Шрейдер бутун мажлис аҳлига ўтган кеча Смольнийга бориб шаҳар бошқармаси номидан норозилик билдирганини гапириб бермоқда эди. У Троцкийга шундай депти: «Ҳозирги вақтда шаҳарда ягона қонуний ҳокимият бўлган ва умумий, тўғри ҳамда яширин овоз бериш йўли билан барпо этилган Дума янги ҳокимиятни танимайди!» Унга жавобан Троцкий: «Нима қипти, буниинг учун конституцион воситалар бор. Думани тарқатиб юбориш ва бошқатдан сайлаш мумкин»— депти. Шрейдернинг гапи қаттиқ норозилик туғдирди.

«Башарти найза ёрдами билан бутун вужудга келтирилган ҳукуматни умуман таниладиган бўлса,— гапини давом эттирди чол думага мурожаат қилиб,— ундай ҳукумат бизда мавжуддир. Лекин мен халқ, кўпчилик таниган ҳукуматнигина қонуний ҳукумат деб ҳисоблайман, аммо бир ҳовуч ғасбкорлар томонидан тузилган ҳукуматни ғайри қонуний деб ҳисоблайман».

Большевиклар ўтирган скамейкалардан бошқа ҳамма скамейкаларда тинимсиз қарсаклар бошланди...

Шаҳар бошлиғи шовқин ва қичқириқлар ичида, большевиклар бир неча бўлимларга ўз комиссарларини тайинлаб, шаҳар бошқармасининг ҳуқуқини ҳозирданоқ поймол қилдилар, деб ахборот берди.

Большевик нотиқ, шовқинни босиш учун бақириб, большевикларнинг Советлар съезди томонидан қўллаб-қувватланиши бутун Россиянинг қўллаб-қувватланишидир,— деди. «Сизлар Петроград аҳолисининг ҳақиқий вакиллари эмассизлар!»— деб қичқирди у. Жойлардан: «Бу ҳақорат! Ҳақорат!» деган овозлар эшитилди. Шаҳар бошлиғи сиполик билан дума имкони бўлганича эркин сайлов ҳуқуқи асосида сайланган, деб эслатади. «Тўғри, — деб жавоб қилади большевик нотиқ.— Аммо дума МИК ва армия комитетлари сингари алла қачон сайлангандир...» «Советларнинг янги съезди ҳали чақирилгани йўқ!» деб бақириб жавоб қиладилар унга.

«Большевиклар фракцияси бу контрреволюция уясида қолишдан воз кечади...» Шовқин-сурон. «Бизлар думани бошқатдан сайлашни талаб қиламиз!...» Большевиклар мажлисни ташлаб чиқиб кетадилар. Уларнинг орқасидан: «Герман агентлари! Йўқолсин хоинлар!» деб бақириб қоладилар.

Кадет Шингарев, Ҳарбий-революцион комитетнинг комиссарлари бўлишга розилик билдирган шаҳар бошқармасидаги

барча хизматчилар ишдан бўшатилиб, судга берилсин,— деб талаб қилди. Шрейдер ўрнидан туриб, большевикларнинг думани тарқатиб юбориш тўғрисидаги таҳдидларига қарши норозилик билдиришни таклиф қилди. Аҳолининг қонуний ваколати тарзидаги дума ўз лавозимидан воз кечишга унамаслиги лозим, деди.

Александр зали ҳам одамга лиқ тўла эди. Бу ерда ҳам қутқариш комитетининг мажлиси кетмоқда эди. Скобелев сўзга чиқиб: «Революциянинг аҳволи ҳеч қачон бу қадар кескинлашган эмас, Россия давлатининг мавжудлиги масаласи ҳеч қачон бунчалик ҳаяжон туғдирган эмас эди,— деди.— Тарих ҳеч қачон Россия олдига ҳаёт-мамот масаласини бу қадар кескин ва қатъий қилиб қўйган эмас. Революцияни қутқариш улуғ айёми келди. Бизлар шуни тушунганимиз ҳолда революцион демократиянинг барча жонли кучларининг мустаҳкам жипслашувини ҳимоя қиламиз. Уюшган иродамиз ватанни ва революцияни қутқариш учун энди ўз марказини тузиб олган. Бизлар ўлсак ўламизки, аммо шонли лавозимимизни ташлаб кетмаймиз...» ва ҳоказо ва ҳоказолар.

Гулдурос қарсаклар остида, темир йўлчилар союзининг қутқариш комитетига қўшилганлиги хабар қилинади. Орадан бир неча минут ўтгач, почта-телеграф амалдорлари кириб келади. Сўнгра бир неча меньшевик-интернационалистлар кириб келади. Уларни қарсаклар билан кутиб оладилар. Темир йўлчилар большевикларни танимаймиз, бутун темир йўл аппаратини ўз қўлимизга олдик, уни ғасбкорлар ҳокимиятига бериб қўймаймиз, дедилар. Телеграф хизматчиларининг делегатлари, ўз шерикларининг министрликда большевик комиссари турар экан, бизлар ишламаймиз, деганларини билдирди. Почта ходимлари Смольнийнинг хат-хабарларини қабул қилиш ва жўнатишдан бош тортдилар... Смольний телефон симларининг ҳаммаси узиб қўйилди. Мажлис аҳли Урицкийнинг ташқи ишлар министрлигига келиб, махфий битимларни талаб қилганини ва Нератов* унинг бу ердан чиқиб кетишини сўрагани тўғрисидаги ҳикояни жуда роҳатланиб тинглади. Ҳамма жойда Давлат хизматчилари ишларини йигиштириб қўйдилар...

Бу — жуда онгли равишда ўйланиб қилинган, русларга хос, стачкалар ва саботажлар йўли билан олиб бориладиган уруш эди. Раис бизнинг олдимизда топшириқлар рўйхатини ўқиб эшиттирди. Фалончи барча министрликларни айланиб чиқсин, фалончи банкларга борсин, дейилди, ўн-ўн икки киши солдатларни бетараф бўлишга кўндириш учун казармаларга тайинланди. Улар: «Рус солдатлари, бекорга оға-иниларингизнинг қонларини тўкмангиз!»— дейишлари лозим эди.

---

* *Нератов* — Муваққат ҳукуматнинг ташқи ишлар вице-министри, чор ҳукуматининг собиқ дипломати.— *Ред.*

Керенский билан кенгаш ўтказмоқ учун махсус комиссия ажратилди. Қутқариш комитетининг маҳаллий бўлимларини тузиш ва большевикларга қарши унсурларни бирлаштириш учун бир неча киши чекка шаҳарларга жўнатилди.

Кайфият кўтаринки эди: «Бу большевиклар ўз иродаларини зиёлиларга ўтказмоқчи бўладиларми?.. Майли, биз уларга кўрсатамиз! Бу йиғилиш билан Советлар съезди ўртасидаги қарама-қаршилик ҳайрон қоларли эди. Съездда уст-бошлари эскирган солдатлар оммаси, кийим-бошлари мойга беланган ишчилар ва деҳқонлар — кун кечириш учун қаттиқ курашда қадлари букилган ва қийналган барча камбағаллар ўтирарди; бу ерда эса меньшевиклар ва эсерларнинг йўлбошчилари, Авксентьевлар, Данлар, Либерлар, собиқ социалист-министр Скобелев ва Черновлар, улар ёнида фиёкор Шацкий ва башанг кийинган Венавер сингари кадетлар ўтирарди. Журналистлар, студентлар, турли-туман зиёлилар,— ҳаммаси шу ерда эди. Думадаги бу одамлар семиз ва башанг кийинган эди, мен бу ерда атиги учта пролетарнигина учратдим...

Янги хабарлар олинди. Корниловга содиқ така-туркманлар Биховодаги соқчиларни ўлдирибдилар, Корнилов эса қочибди. Каледин шимол томонга юриш бошлапти. Москва Совети Ҳарбий-революцион комитет тузиб, шаҳар коменданти билан музокара бошлаб, ундан арсенални топширишни талаб қилипти. Совет ишчиларни қуроллантирмоқчи экан.

Бу фактлар турли-туман миш-мишлар, ғийбатлар ва очиқдан-очиқ ёлғонлар билан аралаш-қуралаш бўлиб кетган эди. Масалан, Милюковнинг, кейинчалик эса Терешченконинг собиқ шахсий секретари ёш бир зиёли кадет бизни бир четга олиб чиқиб, Қишки саройнинг олиниши тўғрисидаги тафсилотларни гапириб берди.

«Большевикларни герман ва австриялик офицерлар бошлаб бордилар»,— деди у.

«Шундаймикин-а?— мулойимлик билан сўрадик биз ундан.— Қаердан билдингиз буни?»

«У ерда менинг ўртоқларимдан биттаси бўлган. Менга ўша гапириб берди».

«Уларнинг герман офицери эканини у қандай билипти?»

«Улар немис формасида эканлар-да!..»

Бундай бемаъни гаплар ҳисобсиз эди. Бундан ташқари, большевикларга қарши барча матбуотлар ҳам шундай нарсаларни босиб чиқарарди. Бу гапларга ҳатто фактларга нисбатан доим ўзларининг бир қадар эҳтиёткорликлари билан бошқалардан фарқ қиладиган меньшевиклар ва эсерлар ҳам ишонардилар.

Аммо большевикларнинг зўравонликлари ва шафқатсизликлари тўғрисидаги ҳикоялар анча жиддий тус олган эди. Масалан, қизил гвардиячилар бутун Қишки саройни шип-шийдам қилиб талабгина қолмай, балки қуролсиз юнкерларни ўлдир-

ганлар ва министрлардан бир нечасининг калласини совуқ-қонлик билан кесганлар, деган миш-мишлар ҳамма жойда тарқалди ва матбуотда ҳам босилиб чиқди. Хотин-қиз солдатларнинг кўпчилиги эса зўрланган, улар қийноқларга чидай олмай, ҳатто ўзларини ўзлари ўлдирган эмишлар... Бундай гаплар думадагиларнинг қулоғига жуда ёқар эди. Бироқ энг кўпги шунда эдики, юнкерларнинг ота-оналари ва аёллар бу даҳшатли воқеаларнинг ҳаммасини газеталардан ўқирдилар, газеталарда эса аксари жабрланганларнинг номлари ҳам тилга олинарди. Шунинг натижасида думани кеч кириши билан оқ жафо ва даҳшатдан ақлдан озган гражданлар қуршаб олардилар.

Князь Тумановнинг воқеаси жуда характерли эди, кўп газеталарнинг ёзишича, унинг мурдасини Мойка каналидан ушлаб олиптилар; Орадан бир неча соат ўтгач, князнинг оиласи бу хабарни рад этди ва у, қамоққа олинган деб билдирди. Шундан кейин сувга чўктирилган князь Туманов эмас, балки генерал Денисов экан, деб ёзиб чиқдилар. Аммо бу генерал ҳам соғ-саломат экан. Биз текшириш ўтказдик, бироқ Мойка каналидан ушлаб олинган мурда ҳақида ҳеч қандай нишона топа олмадик...

Биз думадан чиққанимизда, икки бойскаутчи Невский кўчасидаги эшиклар ёнида тиқилишиб турган оломонга хитобнома тарқатмоқда эди. Бу оломон асосан корчалонлар, дўкондорлар, чиновниклар, идора химатчиларидан иборат эди. Хитобномада шундай дейилади:

«Шаҳар думасидан.

Шаҳар думаси ўзининг 26 октябрдаги йиғилишида бошдан кечирилаётган ҳодисаларни назарда тутиб, хусусий уйларни даҳлсиз деб эълон қилишга қарор берди ҳамда ҳовли комитетлари орқали Петроград шаҳар аҳолисини хусусий уйларга бостириб киришларга қарши кескин зарба беришга, гражданларнинг ўз-ўзларини мудофаа қилишлари учун қурол-яроқ ишлатишдан ҳам тоймасликка чақиради».

Литейная кўчасининг муюлишида бешта қизил гвардиячи ва иккита матрос газета сотувчини ўраб олиб, меньшевикларнинг «Рабочая Газета»сидан бир дастасини беришини талаб қилди. Газетачи уларга ўшқириб мушт дўлайтирарди, шунга қарамай, матрослардан бири ундан газеталарни тортиб олди. Ҳамма ёқда оломон тўлиб-тошган эди. Оломон патрулларни ярамас сўзлар билан ҳақорат қиларди. Қандайдир паст бўйли бир ишчи газетачини ва оломонни ишонтирмоқчи бўлиб жон куйдириб ва ҳадеб: «Бунда Керенскийнинг хитобномаси босилиб чиққан, у, бизларни рус халқига қарши ўқ отишда айблаяпти. Қон тўкилади...»,— дер эди.

Смольнийда вазъият мумкин қадар бурунгидан ҳам жиддийроқ эди. Ҳамон қоронғу коридорлардан у ёқ-бу ёққа югурувчи ўша кишилар, ҳамон ўша милтиқлар билан қуролланган ишчи отрядлари, ҳамон ўша портфеллари қаппайган, баҳслашувчи ва тушунтирувчи, қисқа-қисқа буйруқлар берувчи йўл бошчилар... Бу одамлар доим қаёққадир шошилишар, дўстлари ва ёрдамчилари эса уларнинг кетидан қолмай югуришарди. Улар ҳаддан ташқари ҳолдан тойган, уйқусизлик ва тинимсиз меҳнатнинг жонли тимсолига ўхшаб қолган эдилар. Соқоллари ўсиб кетган, сочлари ҳурпайган, кўзлари чақнаган бу кишилар жон куйдириб ўз мақсадлари сари жадал борардилар. Уларнинг ишлари бошларидан ошиб ётарди! Ҳукумат тузиш, шаҳарда тартиб ўрнатиш, гарнизонни қўлда ушлаб туриш, думани ва қутқариш комитетини енгиш, немисларга қарши бардош бериб туриш, Керенскийга қарши жангга тайёрланиш, вилоятларни аҳволдан хабардор қилиш, Архангельскийдан тортиб то Узоқ Шарққача бутун Россияда пропаганда юргизиш керак эди. Ҳукумат ва шаҳар хизматчилари комиссарларга итоат этишдан бўйин товлаганлар, почта-телеграф ходимлари Смольнийнинг ташқари дунё билан алоқасини узиб қўйганлар, темир йўл ишчилари Смольнийнинг поездлар ҳақидаги хамма илтимосларига рад жавоби берардилар. Бунинг устига Керенский бостириб келмоқда эди, гарнизонга жуда ҳам ишониб бўлмас эди. Казаклар ҳужум қилишга тайёрланмоқда эдилар... Душман орқасида уюшган буржуазиягина эмас, сўл эсерлар ва бир неча интернационалист-меньшевиклар, новожизнчилардан ташқари, барча социалистик партиялар ҳам турарди. Сўл эсерлар, интернационалист-меньшевиклар новожизнчилар ҳам нима қилишларини билмай иккиланиб қолган эдилар. Тўғри, ишчилар ва солдатларнинг кенг оммаси большевиклар тарафида; тўғри, деҳқонларнинг муносабатлари ҳали етарли даражада аниқланмаган эди, аммо большевиклар партияси ўқимишли ва тайёргарлиги бор кишиларга унчалик бой эмас эди-да, ахир.

Зинопоядан чиқиб келаётган Рязанов, мен савдо ва саноат комиссариман, аммо савдо-сотиқ ишларидан ҳеч нарса тушунмайман, деб мазах аралаш даҳшат билан гапирди. Юқорида, ошхонада мўйна папоқ кийган киши бир бурчакда бекиниб ўтирарди, назаримда, кечаси билан ухлаб чиққан костюми ҳам устида эди, аммо у кечани мижжа қоқмай ўтказган экан. Унинг юзини уч кунлик соқол босган. У асабийлашиб, кир конвертга ниманидир ёзар ва хаёл ичида қаламини тишлаб-тишлаб қўярди. Бу киши молия комиссари Менжинский эди. Унинг бутун билими шундан иборат эдики, у бир вақтлар француз банкаси конторасида хизмат қилганди... Ҳарбий-ревлюцион комитет биноси коридорида югуришиб юрган бир нималарни ёзарди. Улар юз бериб турган воқеаларни ҳикоя қилиш учун бутун Россияга юбориладиган комиссарлар эди. Улар мавжуд

имконият воситалари билан иш кўриб, халқни ишонтиришлари ва кураш олиб боришлари лозим эди...

Съезд мажлиси кундуз соат бирдан очилиши керак эди. Катта зал эса аллақачон делегатларга лиқ тўлган, соат кеч еттига яқинлашиб қолган бўлса-да, президиумдан ҳали дарак йўқ эди... Большевиклар ва сўл эсерлар ўз хоналарида фракцион мажлислар ўтказмоқда эдилар. Ленин билан Троцкийнинг бутун кунлари муросачилик тарафдорларига қарши кураш билан ўтди. Большевикларнинг анчагина қисми умумсоциалистик ҳукумат тузиш тарафида эди. «Биз бардош бера олмаймиз!— деб бақирар эдилар улар.— Бизга қарши кучлар жуда кўп! Бизда одам йўқ. Бизлар яккаланиб қоламиз, ҳамма ишлар барбод бўлади...» Каменев, Рязанов ва бошқалар шундай дер эдилар.

Аммо Троцкий қўллаб-қувватлаган Ленин метиндек қатиқ туриб деди:

«Майли, муросачилар бизнинг программамизни қабул қилиб, ҳукумат сафига кирсинлар! Биз заррача ҳам ён бермаймиз. Башарти, бу ерда биз бораётган йўлдан боришга журъат ва иродалари етишмаган ўртоқлар бўлса майли улар ҳар турли қўрқоқлар ва муросачилар томонига ўтиб кетаверсинлар! Ишчилар ва солдатлар биз билан, биз ишни давом эттиришимиз лозим».

Соат еттидан беш минут ўтганда сўл эсерлар, бизлар Ҳарбий-революцион комитетда қоламиз, деб айтиш учун одам юбордилар.

«Ана, кўринг,— деди Ленин.— Улар бизга эргашяптилар!»

Анча кечроқ, мен катта залдаги матбуотчилар столи ёнида ўтирганимда, буржуа газеталари билан ҳамкорлик қилувчи бир анархист менга, юринг президиумга нима бўлди экан, кўриб келайлик, деб таклиф қилди. На МИК хонасида ва на Петроград Совети бюросида ҳеч кимса йўқ эди. Биз бутун Смольнийни айланиб чиқдик. Съезд раҳбарларининг қаердалиги тўғрисида ҳеч ким ҳеч нима билмас эди. Ҳамроҳим йўл-йўлакай ўзининг илгариги революцион ишлари, Россиядан қандай қочгани ва Францияда роҳат қилиб узоқ яшагани тўғрисида гапириб берди... Бу одам большевикларни қўпол, сохта ва ҳар қандай эстетик завқдан маҳрум бўлган нодон кишилар, деб ҳисоблар эди. У рус зиёлисининг антиқа нусхаси эди... Ниҳоят биз Ҳарбий-революцион комитет жойлашган 17-хонага етиб бордик ва унинг эшиги олдида тўхтадик. Ёнимиздан муттасил одамлар ўтиб турарди... Эшик очилиб чорпахил, юзлари ялпоқ бир киши погонсиз ҳарбий кийимда ичкаридан чиқиб келди. У кулимсиргандек кўринарди, аммо синчиклаб қаралса, унинг кулгиси—ҳаддан ташқари чарчаган кишининг юзида пайдо бўлган ажинларнинг ифодаси эканини пайқаш мумкин эди. Бу Криленко эди.

Менинг ҳамроҳим келишган маданий қиёфадаги бир йигит эди. Хурсанд бўлиб қичқириб, олдинга қадам ташлади:

«Николай Васильевич!— деди қичқириб, унга қўлини чўзаркан,—мени эсдан чиқардингизми? Икковимиз бирга тюрьмада ўтирганмиз».

Криленко зўр бериб тикилиб, ўйланиб қараб қолди. «Э-ҳа,— деди у ниҳоят, ҳамсуҳбатига дўстона қиёфада назар ташлаб. Сиз — С...ми? Салом! Улар ўпишдилар. «Хўш, бу ерда нима қилиб юрибсиз?»— деб Криленко қўлларини ёзиб қўйди.

«Мен фақат кузатиб юрибман... Афтидан, сиз катта муваффақият қозонган кўринасиз».

«Ҳа,— деди Криленко бир қадар малол келгандек.— Пролетар революцияси — катта муваффақият!» У илжайиб қўйди. «Балки... балки, эҳтимол, биз сиз билан яна тюрьмада учрашармиз!..»

Биз коридордан юриб кетдик. Ҳамроҳим менга аҳволни тушунтира бошлади: «Билсангиз, мен Кропоткиннинг мухлисиман. Бизнинг нуқтаи назаримизча, революция катта муваффақиятсизликка учради: революция оммада ватанпарварлик руҳини қўзғата олмади. Бу нарса, албатта, халқимизнинг ҳали революция учун пишиб етилмаганлигинигина исботлайди, холос».

Соат роса саккиздан қирқ минут ўтганида, президиум аъзолари ва Ленининг — улуғ Ленининг улар орасида пайдо бўлганини билдирувчи табрик ҳайқириқлари ва гулдурос қарсаклар тўлқини мавж урди. У паст бўйли, бақувват, пешонаси дўнг ва ялтироқ бошли, боши гавдасига маҳкам ўрнашган киши эди. Кўзлари кичик, бурни катта, оғзи катта ва келишган, ияги катта, қирилган соқоли энди ўсиб келаётган эди. Унинг бу қиёфаси ўтмишда ва келажакда ҳам ҳаммага таниш эди. Костюми эскириб қолган, шими эса ўзига бир қадар узунроқ эди. Унинг қиёфасидан халойиқ севадиган ва ҳурмат қиладиган бир раҳбар эканлиги кўриниб турарди. Тарихдаги раҳбарлардан баъзиларигина шундай севги ва ҳурматга сазовор бўлганлар, холос. Халқнинг ажойиб йўлбошчиси, ўз заковатининг фавқулодда кучи туфайли раҳбар бўлган, ўзини катта олишдан узоқ турган, кайфиятларга таслим бўлмайдиган, мустаҳкам, саботли ҳамда самарасиз завқларга берилмайдиган, аммо энг мураккаб фикрларни энг оддий сўзлар билан ифода қила билиш қувватига эга бўлган, конкрет шароитни чуқур таҳлил қилиш қобилиятини зийраклик ва донолик жасорати билан бирга қўша билган бир киши эди.

Каменев Ҳарбий-революцион комитетнинг ишлари тўғрисидаги ҳисоботни ўқиб эшиттирди: армияда ўлим жазосини бекор қилиш, эркин агитацияни тиклаш, сиёсий жиноятлари учун қамоққа олинган солдат ва офицерларни озод этиш, Керенскийни қамоққа олиш ва хусусий омборлардаги озиқ-овқат запасларини мусодара қилиш тўғрисидаги буйруқларни ўқиб берди... Гулдурос қарсаклар кўтарилди.

Шундан кейин Бунд вакили чиқиб гапирди: «Большевикларнинг муросасиз позицияда туришлари революцияни ҳалок этади, шу сабабдан Бунд вакиллари бундан кейин съездга иштирок этишдан воз кечишга мажбур бўладилар».

Ўтирганлар орасидан: «Биз сизларни ўтган кечаси чиқиб кетган деб ўйлаб эдик, сизлар неча марта чиқиб кетасизлар?»— деган овозлар эшитилди.

Сўнгра интернационалист-меньшевиклар вакили гапирди. Шунда: «Сизлар ҳали ҳам шу ердамисизлар?»— деган қичқирик овозлари кўтарилди. Нотиқ, съезддан интернационалист-меньшевикларнинг бир қисмигина чиқиб кетди, бир қисми эса съездда қолди деб изоҳ берди.

«Бизлар ҳокимиятнинг Советлар қўлига топширилишини хатарли ва балки революция учун ҳатто ҳалокатли деб ҳисоблаймиз... (Шовқин кўтарилади).—Аммо бизлар съездда қолиб, ҳокимиятни топширишга қарши овоз беришни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз».

Кейин бошқа нотиқлар ҳам чиқиб сўзладилар. Улар, афтидан, сўзловчилар рўйхатига ёзилмай сўз олган бўлсалар керак. Донец кўмир қазувчилари делегати съездни Калединга қарши чоралар кўришга чақирди, чунки Каледин пойтахтни кўмир ва ғалладан маҳрум қилиши мумкин эди. Фронтдан эндигина қайтган бир неча солдат мажлисга ўз полкининг алангали саломини топширди.

Минбарга Ленин чиқди. У қўллари билан минбарнинг икки чеккасини ушлаб, делегатлар оммасига кўзларини қисиб, пазар ташлар ва бир неча минутга чўзилган қарсак садоларини сезмагандек, кутиб турарди. Қарсаклар тингач, Ленин қисқа ва содда қилиб:

«Энди социалистик тартибни қуришга киришиш пайти келди!»— деди.

Яна кишини ларзага солувчи гулдурос қарсаклар бошланиб кетди.

«Бизнинг дастлабки ишимиз сулҳ тузиш учун амалий қадам ташлашдан иборат бўлиши лозим... Биз урушаётган барча мамлакат халқларига Совет шартлари асосида сулҳ тузишни таклиф этамиз; аннексиясиз, контрибуциясиз, халқларнинг эркин равишда, ўз тақдирларини ўзлари эркин белгилай олишлари асосида сулҳ тақдим этамиз. Шу билан бир вақтда, биз берган ваъдамизга биноан, махфий шартномаларни эълон қилишга ва уларга риоя қилишдан бош тортишга

мажбурмиз... Уруш ва сулҳ масаласи шу қадар равшанки, мен ҳеч қандай муқаддимасиз, бутун урушувчи мамлакат халқларига қаратилган мурожаат лойиҳасини ўқиб эшиттиришим мумкин...»

Ленин оғзини катта очиб, кулиб тургандек гапирди; унинг овози бир оз хирилласа-да, лекин ёқимли, худди кўп йиллар мобайнида чиқиб гапиришга одатланган кишининг овозига ўхшаб бир маромда жаранглади, гўё у интиҳосиз жаранглайдигандек эди... Ленин ўз фикрини таъкидлаш учун андак олдинга энгашиб қўяр, лекин ҳеч қандай ҳаракат қилмасди. Минглаб оддий кишилар чуқур ҳурмат ва муҳаббат билан унга тикилиб турардилар.

«Урушаётган барча мамлакатлар халқларига ва ҳукуматларига мурожаат

24—25 октябрь революцияси натижасида барпо этилган ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларига таянувчи ишчи-деҳқонлар ҳукумати урушаётган барча халқларга ва уларнинг ҳукуматларига адолатли демократик сулҳ тузиш тўғрисида дарҳол музокара бошлашни таклиф этади.

Урушаётган барча мамлакатларнинг уруш туфайли мадорсизланган, қийналган, азобланган ҳамда кўпчиликни ташкил этган ишчи ва меҳнаткаш синфлари чанқоқлик билан кутган адолатли ёки демократик сулҳни,— рус ишчи ва деҳқонлари чор монархиясини ағдаргандан кейин қатъий ва муайян равишда талаб қилган сулҳни,— шундай сулҳни ҳукумат аннексиясиз (яъни бировларнинг ерларини тортиб олмасдан, бошқа халқларни зўрлик билан қўшиб олмасдан) ва контрибуциясиз дарҳол тузиладиган сулҳ деб ҳисоблайди.

Россия ҳукумати урушаётган барча халқлар билан дарҳол шундай сулҳ тузишни таклиф этади, барча мамлакатларнинг ва барча халқларнинг вакиллари йиғилиши бу сулҳнинг бутун шартларини батамом тасдиқ этгунча, бу соҳада бутун кескин чораларни ҳеч бир кечиктирмасдан амалга оширишга ўзининг тайёр эканини изҳор қилади.

Аннексия ёки ўзгаларнинг ерларини босиб олиш деб ҳукумат, умуман демократиянинг ва хусусан меҳнаткашлар синфининг ҳуқуқ тўғрисидаги тушунчасига мувофиқ равишда, кичик ёки заиф халқларнинг катта ёки кучли халқларга, бу халқларнинг аниқ-равшан ва ихтиёрий розилик ва истакларидан ташқари, ҳар қандай қўшиб олинишини тушунади, бу мажбурий қўшиб олиш қай вақтда юз берганидан қатъи назар, шунингдек зўрлаб қўшиб олинган ёки мазкур давлат чегарасида зўрлик билан ушлаб турилган халқнинг нақадар ривожланган ёки қолоқлигидан қатъи назар... Ниҳоят, бу халқ Европадами ёки океанлар орасидаги узоқ мамлакатларда туришидан қатъи назар, фарқи йўқ.

Агар бирор халқ мазкур давлатнинг чегарасида зўрлик билан ушланиб турилса, унинг розилигидан ташқари — бу истак матбуотда, халқ йиғилишларида, партияларнинг қарорларида, ёки миллий зулмга қарши ғазаб ва қўзғолонлардами изҳор қилинмасин, барибир,— агар бу халққа эркин овоз бериш ҳуқуқи берилмаса, умуман унинг ўзидан кучли бўлган миллат қўшини чиқариб ташланмаса ва бу миллатга давлат бўлиб яшаш формалари тўғрисидаги масалани ҳеч бир зўрликсиз ҳал қилиш ҳуқуқи берилмаса, бундай қўшиб олишни аннексия, яъни босиб олиш ёки зўрлик деб айтилади.

Кучли ва бой миллатлар томонидан босиб олинган заиф халқларни улар ўртасида тақсимлаш учун давом эттириладиган бу урушни ҳукумат инсониятга қарши зўр жиноят деб ҳисоблайди ҳамда бутун халқлар учун баббаравар бўлган тенг, адолатли шартлар асосида бу урушни белгиланган муддатларда тамомлаш учун дарҳол сулҳ шартларини имзолашга ўзининг тайёр эканлигини тантанали равишда маълум қилади.

Шу билан бирга ҳукумат юқорида зикр этилган сулҳ шартларини ҳеч бир ультимативлик шарт деб ҳисобламаганини, яъни бошқа ҳар қандай сулҳ шартларини ҳам кўришга рози эканлигини билдиради, бу таклиф қайси бир урушувчи мамлакат томонидан бўлса бўлсин, бу сулҳ шартларидан ҳар қандай дудмоллик ва ҳар қандай махфийликни сўзсиз чиқариб ташлаб, тўла аниқлик киргизилишини ва мумкин қадар, тезроқ кўрилишини талаб этади.

Ҳукумат махфий дипломатияни бекор қилади, ўз томонидан барча музокараларни халқлар олдида бутунлай очиқ олиб боришга қатъий тарафдор эканини изҳор қилади, помешчиклар ва капиталистлар ҳукумати томонидан 1917 йилнинг февралидан 25 октябригача тасдиқланган ёки тузилган махфий шартномаларни дарҳол тўла эълон қилишга киришади. Кўп ҳолларда бўлгани сингари бу махфий шартномаларнинг мазмунлари рус помешчик ва капиталистларига фойда ва имтиёзлар беришга қаратилганидан, великорусларнинг аннексиясини сақлаб қолиш ёки ортдиришга қаратилганидан, ҳукумат бу шартномларни сўзсиз дарҳол бекор этилган деб эълон қилади.

Ҳукумат, сулҳ шартномалари тузиш тўғрисида дарҳол музокара бошлаш ҳақидаги барча мамлакатларнинг халқлари ва ҳукуматларига таклиф билан мурожаат этиб, хат алоқалари, телеграф воситаси билан, шунингдек, турли мамлакатларнинг намояндалари ўртасида музокаралар юритиш ёки шу намояндаларнинг конференцияларини чақириш йўли билан музокаралар олиб боришга ўзининг тайёр эканини изҳор қилади. Бундай музокараларни енгиллаштириш учун ҳукумат ўзи вакил қилган намояндасини бетараф мамлакатларга тайинлайди.

Ҳукумат урушаётган барча мамлакатларнинг ҳукуматларига ва халқларига тезлик билан яраш битими тузишни таклиф этади. Шу билан бирга ҳукумат ўз томонидан бу яраш битимларини, ҳеч бўлмаса 3 ойга тузишни матлуб деб ҳисоблайди, токи бу муддат ичида урушга тортилган ёки урушга мажбуран иштирок эттирилган истисносиз барча халқлар ёки миллатларнинг вакиллари иштирокида сулҳ музокараларини тугаллаш, шунингдек, сулҳ шартларини қатъий тасдиқлаш учун барча мамлакат халқлари вакиллар йиғилишини чақириш учун тўла имкон бўлсин.

Россиянинг вақтли ишчи ва деҳқонлар ҳукумати барча урушаётган мамлакатларнинг ҳукуматлари ва халқларига шу таклифла мурожаат қилиш билан бирга, инсоният оламининг хусусан энг илғор миллати бўлган ва ушбу урушда иштирок қилаётган энг катта уч давлат: Англия, Франция ва Германиянинг онгли ишчиларига ҳам мурожаат қилади. Бу мамлакатларнинг ишчилари тараққиёт ва социализм ишига кўп хизмат кўрсатдилар, улар Англияда қора гуруҳлар ҳаракатида, француз пролетариати томонидан қилинган, жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган қатор революцияларда, ниҳоят, Германиядаги фавқулодда қонунга қарши олиб борилган қаҳрамонона курашда, Германияда оммавий пролетар ташкилотлари тузиш учун бутун дунё ишчиларига ибрат бўладиган узоқ ва матонатли интизомли ишларида буюк намуналар кўрсатдилар. Пролетар қаҳрамонлиги ва тарихий ижодкорлик намуналари мазкур мамлакатларнинг ишчилари инсониятни уруш даҳшатлари ва унинг оқибатларидан халос қилиш вазифалари эндиликда ўз зиммасига тушганини англашлари учун, бу ишчилар ҳар тарафлама кескин ва садоқат билан иш олиб бориб, сулҳ ишини муваффақиятли равишда охирига етказишга ёрдам қилишлари ва, шу билан бирга, меҳнаткашларни ва эксплуатация қилинувчи халқлар оммасини ҳар қандай қуллик ва ҳар қандай эксплуатациядан озод этиш ишини муваффақиятли тугаллашга кўмаклашишлари учун катта бир восита бўлиб хизмат этади».

Қарсак садолари тинганидан кейин Ленин яна сўз бошлади:

«Биз ушбу мурожаатномани қабул қилишни ва тасдиқлашни съездга таклиф этамиз. Биз халқларгагина эмас, балки ҳукуматларга ҳам мурожаат қиляпмиз, чунки урушаётган мамлакатларнинг *халқларигагина* мурожаат этиш сулҳ тузишни кечиктириб юбориши мумкин. Сулҳ шартлари яраш вақтида тузилади ва Таъсис мажлисида ратификация қилинади. Биз яраш муддатини уч ойга белгилаш билан, халқларнинг қонли урушлардан мумкин қадар узоқ дам олишлари учун ва вакиллар сайлашлари учун вақт беришни истаймиз. Баъзи бир империалистик давлатлар бизнинг сулҳ тўғрисидаги таклифларимизга қаршилик кўрсатарлар. Бу хусусда биз ўзимизни

ўзимиз ҳеч алдамаймиз, бироқ ишонамизки, тез кунларда урушаётган барча мамлакатларда революция бўлажак, шу сабабдан ҳам француз, инглиз ва немис ишчиларига қатъий мурожаат қилмоқдамиз...»

«24—25 октябрь революцияси,— деди у сўзини тамомлаб,— социалистик революциялар даврини бошлаб берди.. Сулҳ ва социализм йўлида олиб борилган ишчилар ҳаракати ғалаба қозонади ва ўз вазифасини бажаради...»

Унинг бу нутқида инсон қалбига чуқур таъсир этувчи оромбахш бир куч бор эди. Халқнинг доимо Ленинниинг гапига ишонишининг сабаби ўз-ўзидан равшан эди.

Фракция вакилларигагина сўз бериш ва нотиқларнинг вақтини 15 минут қилиб чегаралаб қўйиш тўғрисида киргизилган таклиф дарҳол очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинди.

Сўл эсерлар номидан биринчи бўлиб Карелин сўзга чиқди: «Бизнинг фракциямиз мурожаатномаиинг текстига тузатиш киргизиш учун имкон топа олмади, шу сабабдан бу мурожаатнома большевикларнинг ўзлариникигина бўлиб қолди. Аммо биз, ҳар қалай, бунга овоз берамиз. Чунки унинг умумий руҳига батамом хайрихоҳмиз...»

Интернационалист социал-демократлар номидан узун бўйли, қифти тор, кўзлари заиф Крамаров чиқиб гапирди. У оппозициянинг масхарабози деган бадном лақаб олишга муяссар бўлди. «Бу каби муҳим ишда чиқиш қилмоқ учун барча социалистик партияларнинг вакилларидан тузилган ҳукуматгина етарли нуфузга эга бўлиши мумкин,—деди у.—Агар шундай социалистик коалиция тузилса, бизнинг фракциямиз бутун программани қўллаб-қувватлайди, башарти тузилмаса, у вақтда фракциямиз уни қисмангина ёқлайди...»

Ундан кейин кўтаринки кайфият ичида нотиқлар биринкетин чиқиб гапирдилар.

Мурожаатномани ёқлаб, Украина социал-демократлари, Литва социал-демократлари, халқ социалистлари, Польша ва Латвия социал-демократлари вакиллари чиқиб гапирдилар. Польша социалистик партияси ҳам мурожаатномани ёқлаб гапирди, аммо у социалистик коалицияни афзал кўришини уқтирди... Бу одамларнинг ҳаммасида қандайдир бир ҳолат туғилган эди. Бири «авангарди биз бўлган келгуси жаҳон революцияси» тўғрисида, бошқаси эса «барча халқларни бир буюк оилага бирлаштирувчи янги қардошлик асри...» тўғрисида гапирди. Қандайдир бир делегат ўз номидан шундай деб айтди: «Бунда аллақандай бир зиддият бор. Бошда сизлар аннекциясиз ва контрибуциясиз сулҳ таклиф этасизлар, сўнгра эса барча сулҳ таклифларини қараб чиқинглар дейсизлар. Қараб чиқиш — бу қабул қилиш демакдир...»

Ленин ўша замоноқ сапчиб ўрнидан турди-да:— «Биз адолатли сулҳ бўлишини истаймиз, аммо революцион урушдан

қўрқмаймиз... Ҳар ҳолда империалистик ҳукуматлар бизнинг чақириғимизга жавоб бермасалар керак, лекин биз улар олдига ультиматум қўймаслигимиз лозим,— чунки бунга рад жавоби бериш жуда осон... Агар Германия пролетариати бизнинг сулҳ тўғрисидаги ҳар бир таклифни қараб чиқишга тайёр эканимизни билиб қолса, бу нарса, эҳтимол, сабр косасини тўлдирадиган сўнгги томчи бўлиши мумкин ва Германияда революция бошланиб кетади...

Биз ҳар қандай сулҳ шартини қараб чиқишга розимиз, лекин бу уни қабул қилишга розимиз, деган гапни билдирмайди. Биз баъзи бир шартларимиз учун охиригача кураш олиб борамиз, аммо улар орасида шундайлари ҳам бўлиши мумкинки, биз улар туфайли урушни давом эттиришни зарур деб ҳисобламаймиз... Аммо энг асосийси шуки, биз урушни тугатишни истаймиз...».

Каменев мурожаатнома учун овоз берувчилар мандатларини кўтарсинлар деб таклиф қилганида, соат роса 10 дан 35 минут ўтган эди. Делегатлардан бири қарши қўл кўтармоқчи бўлган эди, унинг атрофида шундай норозилик кўтарилдики, у шошиб-пишиб қўлини тушира қолди... Мурожаатнома бир овоздан қабул қилинди.

Кутилмаганда, ўз-ўзидан юз берган бир шодлик ҳаммамизни оёққа турғазди. Биз ҳамжиҳат бўлиб, «Интернационал»нинг тўлқинлантирувчи оҳангдор садосига қўшилишиб кетдик. Сочи оқара бошлаган кекса бир солдат ёш боладек йиғларди. Александра Коллантай астагина кўз ёшини артиб қўйди. Қудратли гимн садоси зални тўлдириб, дераза ва эшиклардан отилиб чиқиб, сокин осмон сари парвоз қиларди. Менинг ёнимда турган ёш бир ишчи шод-хуррамлик билан илжайиб: «Уруш тугади! Уруш тугади!» деб чақирарди. «Интернационал» тугагач биз аллақандай бир сукунат ичида туриб қолдик. Орқада турганлардан аллаким: «Ўртоқлар, озодлик учун ҳалок бўлганларни хотирлайлик!»— деб қичқирди. Шунда биз русларга хос бениҳоя таъсирли, аммо ғолибона мотам маршини салмоқлаб айтдик. Ахир «Интернационал» ҳар қалай бошқа мамлакатда яратилган бир куйдир. Мотам марши шу залда вакиллари ўтириб, янги Россия, эҳтимолки, бундан ҳам каттароқ бўлган тузум кўз ўнгида тавдаланган мазлум омманинг руҳини акс эттиради.

Халқингизга бўлган севги туфайли,
Мудҳиш курашларда қурбон бўлдингиз,
Унинг эркн, ҳаёти, шарафи учун,
Бору йўғингизни тамом бердингиз.

Бир замон келурки халқ кўзин очар,
Улуғ ва қудратли ҳам озод бўлар.
Сиз шараф йўлини босиб ўтдингиз,
Алвидо қадрдон оға-инилар!

Мана шу ишлар учун Март революциясининг қурбонлари Марсовое поледаги совуқ биродарлик қабрига кирдилар. Шу йўлда минглаб, ўн минглаб кишилар тюрьмаларда, сургунда ва Сибирь конларида ҳалок бўлдилар. Майли, ҳамма нарса улар тасаввур қилгандек, зиёлилар кутгандек юз бермаган бўлсин. Аммо, ҳар ҳолда шиддат билан, қатъият билан, сабрсизлик билан ҳар қандай формулаларни улоқтириб ташлаб, ҳар қандай сентименталликдан нафратланиб, чинакам революция юз берди.

Ленин ер ҳақидаги декретни ўқиб эшиттирди:

«1) Ерга помешчик эгалиги, ҳеч қандай ҳақ тўланмасдан, дарҳол бекор қилинади.

2) Помешчик мулклари, шунингдек, бутун удель, монастир ва черков ерлари барча жонли, жонсиз инвентарлари билан бирликда, қўрғонлари ва бошқа ускуналари билан, Таъсис мажлисига қадар, вилоят ер комитетлари ва уезд деҳқон депутатлари Советлари ихтиёрига ўтади.

3) Мусодара қилинган ва бундан кейин халқ ихтиёрида бўлган мулкларни қандай бўлмасин бузишлар оғир жиноят ҳисобланиб, революцион суд жазосига тортилади. Уезд деҳқон депутатлари Советлари помешчикларнинг мулкларини мусодара қилганда қанчасини ва қайсиларини мусодара қилишни белгилаш учун, мусодара қилинган мулкларнинг аниқ рўйхатини тузиш учун ва халқ ихтиёрига ўтадиган ерлардаги бутун биполар, қурол ва ускуналар, ҳайвонлар, запас маҳсулотлар ва бошқаларни революцион тартибда қаттиқ қўриқламоқ учун барча зарур чораларни кўрадилар.

4) Буюк ер ислоҳотларини амалга оширишда, уларни то Таъсис мажлиси батамом ҳал қилгунча, 242-маҳаллий деҳқонлар накази асосида «Известии Всероссийского Совета Крестьянских Депутатов» редакцияси томонидан тузилган ва шу «Известия»нинг 88-сонида босилиб чиққан (Петроград, № 88, 1917 йил 19 август) қуйидаги деҳқонлар накази ҳамма жойда қўлланма бўлиб хизмат қилиши лозим.

5) Оддий деҳқонлар ва оддий казакларнинг ерлари мусодара қилинмайди».

«Бу,— деб қўшимча қилди Ленин.— «ҳавоза қуриш керак» деб гапирган ва ислоҳотни юқоридан туриб ўтказишга уринган собиқ министр Черновнинг лойиҳаси эмас. Ерларни бўлиб бериш масаласи маҳалларда қуйидан ҳал қилинади. Деҳқонларнинг улуши жойига қараб ҳар хил бўлади...

Муваққат ҳукумат даврида помешчиклар ер комитетларининг,— Львов ўйлаб чиқарган, Шингарев томонидан амалга оширилган ва Керенский бошқарган ўша ер комитетларининг буйруқларига қулоқ солишдан қатъий бош тортган эдилар!»

Ҳали музокаралар бошланганича йўқ эди, шу пайт қандайдир бир кимса йўлни тўсиб олган ҳалойиқни нари-бери итариб ўзига йўл очди-да, минбарга чиқиб олди. Бу киши

деҳқонлар Советлари ижроия комитетининг аъзоси Пьяних эди. У тутоқиб кетиб, ўзини йўқотиб қўйган эди.

«Бутун Россия деҳқонлар депутатлари Советларининг ижроия комитети бизнинг ўртоқларимиз бўлган министрлар — Салазкин билан Масловнинг қамоққа олинишига қарши норозилик билдиради!—деб шартта гапирди делегатларга қараб.— Биз уларнинг дарҳол бўшатилишини талаб қиламиз! Улар Петропавловск қалъасида ўтирибдилар. Тезлик билан ҳаракат қилиш лозим. Бир минут бўлса-да, пайтни қўлдан бой бермайлик!»

Ундан кейин пахмоқ соқолли, кўзлари чақнаб турган бир солдат чиқиб гапирди: «Ўзларингиз бу ерда ўтириб, ерларни деҳқонларга бўлиб бериш тўғрисида гапиряпсизлар-у, айни вақтда шу деҳқонларнинг сайлаган вакилларига қарши ғаддорлик қиляпсизлар! Сизларга айтаяпманки,—у муштини дўлайтиради,— сизларга айтаяпманки, агар уларнинг бошидан битта тук тўкилгудек бўлса, исёнга дучор бўласизлар!» Халойиқ музтар бўлиб, ҳаяжонланди.

Минбарга ўз кучига ишонган, тили заҳар ва ўзи вазмин Троцкий чиқди. Мажлис уни гулдурос олқишлар билан қаршилади. «Кеча Ҳарбий-революцион комитет эсер ва меньшевик министрлардан Маслов, Салазкин, Гвоздев ва Малянтовични озод қилиш тўғрисида кескин қарор қабул қилди. Агар улар ҳали ҳам Петропавловск қалъасида ўтирган бўлсалар, бу бизнинг иш билан жуда бандлигимиздан... Уларнинг Корниловчилик даврида Керенскийнинг хиёнаткорлик ишларига аралашганликлари батамом аниқланмагунча, улар хонаки қамоқда ўтирсалар керак».

«Биз ҳозир кўриб турган нарса ҳеч қачон ва ҳеч ерда, ҳеч бир революцияда кўрилган эмас!»— деб қичқирди Пьяних.

«Янглишасиз,— деб жавоб қилди Троцкий.— Бунга ўхшаш ҳодисани ҳатто бизнинг революциямиз ҳам кўрган. Июль кунларида бизнинг юзлаб ўртоқларимиз қамоққа олинган эдилар... Ўртоқ Коллонтай врачнинг талаби билан тюрьмадан озод қилинганида, Авксентьев унинг эшиги олдига собиқ чор охранкасининг икки агентини пойлоқчи қилиб қўйган!» Деҳқон вакиллари сўкинишиб, чиқиб кетдилар. Мажлисдагилар улар орқасидан кулиб қолади.

Сўл эсер вакили чиқиб, ер масаласи тўғрисидаги декрет ҳақида гапирди. «Сўл эсерлар декретга принципиал ва батамом рози бўлсалар-да, аммо унинг учун фақат муҳокамадан кейингина овоз беришлари мумкин. Деҳқонлар Советларининг фикрини билмоқ зарур».

Интернационалист-меньшевиклар ҳам бу масалани ўз партиялари ичида муҳокама қилишни талаб этдилар.

Сўнгра максималистлар йўлбошчиси, яъни деҳқонларнинг анархист қаноти сўзга чиқди: «Биринчи кундан бошлабоқ ҳеч

қандай сафсатасиз бундай ишни турмушга оширган сиёсий партияга бизнинг қойил қолмасдан иложимиз йўқ!..»

Минбарга сочлари ўсиқ, узун қўнжли этик ва қўй терисидан қилинган ним пўстин кийган типик бир деҳқон чиқди. У ўрт тарафга таъзим қилди. «Салом, ўртоқлар ва граждан-лар,— деди у.— Бунда ҳамма ёқда кадетлар изғиб юрипти. Сизлар бўлсангиз, бизнинг деҳқон социалистларимизни қамоққа оляпсизлар. Нега ахир бу кадетларни қамамайсизлар?»

Бу деҳқонлар ўртасида ҳаяжонли баҳслар очилишига сабаб бўлди. Ўтган кечаси солдатлар ҳам худди шундай баҳслашган эдилар. Бу ерда ҳақиқий деҳқон пролетари бор эди...

«Бизлар деҳқонларнинг ҳимоячиси деб ҳисоблаган ижроия комитетимизнинг аъзолари Авксентьев ва бошқалар ўшанақа кадетлардир! Уларни қамаш керак! Қамаш керак!»

Кимдир: «Бу Авксентьевлар ва Пьянихлар кимлар ўзи? Улар сира ҳам деҳқон эмас! Улар фақат бекорга вақиллайдилар!»— деди.

Делегатлар бу нотиқларни ўз қардошлари деб билиб, уларни олқишладилар!

Сўл эсерлар ярим соат танаффус берилсин, деб талаб қилдилар. Делегатлар залдан чиқиб кетаётганда, Ленин ўз ўрнидан туриб шундай деди:

«Вақтни бекорга ўтказмайлик, ўртоқлар! Эртага эрталаб бутун Россия буюк аҳамиятга эга бўлган янгилик тўғрисида хабардор бўлиши лозим! Ҳеч бир кечикилмасин!»

Қизғин баҳслар, гап-сўзлар ва юзлаб оёқ товушлари орасидан Ҳарбий-революцион комитет раисининг қичқириб гапирган товуши эшитилди:

«17-хонага ўн беш агитатор керак! Фронтга жўнатиш учун!..»

Икки ярим соат ўтгандан кейин делегатлар айрича тўда-тўда бўлиб, залга қайтиб кира бошладилар, президиум ўз жойини эгаллади, мажлис яна давом эта бошлади.

Турли полклардан келган ва Ҳарбий-революцион комитетни қўллаб-қувватлашга ваъда қилган телеграммаларни ўқиб эшитдириш бошланди.

Мажлисга секин-аста жон кирди. Македония фронтидаги рус қўшинларидан келган делегат уларнинг аҳволини қайғириб гапириб берди. «Биз душманларимиздан кўра «иттифоқчилар»нинг дўстлигидан кўпроқ азият чекмоқдамиз», — деди у. Фронтдан ошиғич равишда келган X ва XII армиянинг вакиллари: «Биз сизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ваъда берамиз!»— дедилар. Қандайдир бир деҳқон солдат «Маслов ва Салазкиндек социал хоинларни» озод қилишга қарши норозилик билдирди. «Деҳқонлар Советлари комитети масаласига келганда унинг аъзоларининг ҳаммасини қамаш керак!» Дарҳақиқат, бу сўзлар чинакам революцион сўзлар эди... Эрондаги рус қўшинларидан келган делегат: «Менга

бутун ҳокимиятни Советларга топширишни талаб қилиш вазифаси юкланган...»— деди. Украин офицери ўз тилида қичқириб шундай деди: «Шундай кризис пайтида миллий айирмалар бўлмаслиги лозим... Яшасин бутун дунёда пролетариат диктатураси!» Шу хилда олижаноб ва қизғин фикрлар оқими шундай мавж урдики, Россиянинг энди ҳеч қачон гунг бир ҳолда қолиши мумкин эмаслиги очиқ ва равшан бўлиб қолди.

Каменев большевикларга қарши кучлар ҳамма жойда тартибсизликлар келтириб чиқаришга уринмоқдалар, деди ва съезднинг маҳаллардаги бутун Советларга қарата чиқарган мурожаатномасини ўқиб эшиттирди:

«Ишчи ва солдат депутатлари Советларининг Бутун Россия съезди маҳаллардаги Советларга, контрреволюцион чиқишлар, яҳудийларга қарши ва бошқа ҳар қандай *погромларга* йўл қўймаслик учун дарҳол энг ошиғич чоралар кўришни топширди. Ишчи, деҳқон ва солдат революциясининг шаъни ҳеч қандай *погромларга* йўл қўймасликни талаб қилади.

Петроградцаги Қизил Гвардия, Петроград революцион гарнизони ва матрослар пойтахтда тўла тартиб ўрнатдилар.

Ҳамма жойдаги ишчилар, солдатлар Петроград ишчи ва солдатларидан ибрат олиб иш қилишлари лозим.

Солдат ва казак ўртоқлар, ҳақиқий революцион тартиб ўрнатиш вазифаси биринчи галда сизларнинг зиммангизга тушади. Бутун революцион Россия ва бутун жаҳон сизларга кўз тикиб турипти!»

Кечаси соат иккида ер тўғрисидаги декрет овозга қўйилди ва бир қарши овоз берилишидан қатъи назар, якдиллик билан қабул қилинди. Деҳқон делегатлар ҳаддан ташқари суюнган эдилар...

Шундай қилиб, большевиклар бутун шак-шубҳаларни улоқтириб ташлаб ва ўз йўлларини қаршилик кўрсатувчилардан тозалаб, тўхтовсиз олға бордилар. Улар Россияда муайян иш программасига эга бўлган бирдан-бир кишилар эдилар, бошқалар эса бутун саккиз ой давомида фақат сафсатабозлик билан шуғулландилар.

Ҳорғин, уст-боши йиртиқ, гапга печа бир солдат минбарга чиқди. У наказнинг* дезертирлар ер улушидан маҳрум қилинадилар дейилган моддасига қарши норозилик билдирди. Бошда уни қичқириқ ва ҳуштак овозлари билан қаршиладилар, аммо пировардида унинг содда ва таъсирли сўзлари ҳаммани сукут этишга мажбур қилди: «Қийма-қийма бўлиш учун окопга зўрлаб ҳайдалган шўрлик солдат, сулҳ тўғрисидаги декретда ўзларингиз эътироф этганингиздек бутун маъносиз даҳшат ичида қолган солдат революцияни сулҳ ва озодлик тўғрисидаги хушхабар деб кутиб олди,— деб қичқирди

---

* Бу ўринда съездда ер тўғрисидаги декрет билан бир вақтда қабул қилинган наказ назарда тутилади.— *Ред.*

у.— Сулҳ? Керенский ҳукумати уни яна ҳужум бошлашга, Петицияга боришга, ўлдириш ва ҳалок бўлишга мажбур этди. У сулҳ деб ялиниб-ёлворди, Терешченко эса кулгани кулган эди... Озодлик? Керенский давридан у ўз комитетларининг тўлдириб юборилганини, газеталари ёпиб қўйилганини, партиясининг нотиқлари тюрьмага қамалганини кўрди... Уйида, тугилган қишлоғида эса помешчиклар ер комитетларига қарши курашмоқдалар ва унинг ўртоқларини қамамоқдалар... Петроградда эса буржуазия немислар билан иттифоқ бўлиб армияни озиқ-овқат, кийим-бош ва ўқ-дори билан таъминлашга қарши саботаж қилмоқда... Солдатлар окопларда яланғоч, оланг оёқ ўтирипти. Дезертирлик қилишга уни ким мажбур этди? Сизлар ағдариб ташлаган Керенский ҳукумати!» Нутқининг охирида унга, ҳатто қарсак ҳам чалдилар.

Шу орада қизғин нутқ билан бошқа бир солдат сўзга чиқди: «Керенский ҳукумати — дезертирлик сингари ифлос бир ишни яширадиган парда эмас! Дезертир бу окопларда жон бераётган ўртоқларини ташлаб, уйига қочувчи ярамас, ифлос одамдир! Ҳар бир дезертир ҳоин бўлиб, жазоланиши керак...» «Бас, жим!» деган шовқин-қичқириқлар бошланди. Каменев ошиқиб, масалани ҳукумат ихтиёрига топшириш керак, деб таклиф этди[4].

Кечаси соат 2 дан 30 минут ўтганда оғир сукунат чўкди. Каменев ҳукумат тузиш тўғрисидаги декретни ўқиб эшиттиради.

«Таъсис мажлиси чақирилгунча, мамлакатни идора қилиш учун вақтли ишчи-деҳқон ҳукумати тузилсин, уни Халқ Комиссарлар Совети деб аталсин[5].

Давлат ҳаётининг айрим тармоқларини бошқариш комиссияларга топширилади. Бу комиссияларнинг состави съезд томонидан эълон қилинган программани ишчилар, ишчи аёллар, матрослар, солдатлар, деҳқонлар ва хизматчиларнинг оммавий ташкилотлари билан яқиндан бирлашиб амалга оширилишини таъминлаши лозим. Ҳукумат бу комиссияларнинг раислар коллегияси, яъни Халқ Комиссарлари Совети ихтиёрида бўлади.

Халқ Комиссарларининг ишларини назорат қилиш ва уларни алмаштириш ҳуқуқи ишчи, деҳқон ва солдат депутатлари Советларининг Бутун Россия съезди ва унинг Марказий Ижроия Комитети ихтиёрида бўлади...»

Залда чуқур сукунат. Сўнгра халқ комиссарларининг рўйхати ўқилганда, ҳар бир ном, хусусан Ленин ва Троцкийнинг номлари тилга олиниши билан қаттиқ қарсаклар янграйди.

«...Совет Раиси — *Владимир Ульянов (Ленин);*

Ички ишлар халқ комиссари — *Л. И. Риков;*

Ер ишлари комиссари — *В. П. Милютин;*

Меҳнат комиссари — *А. Г. Шляпников;*

Ҳарбий ва денгиз ишлари комитети — *В. А. Овсеенко (Антонов), Н. В. Криленко* ва *П. Е. Дибенко*дан иборат составда;

Савдо ва саноат ишлари комиссари — *П. В. Ногин;*

Халқ маориф комиссари — *А. В. Луначарский;*

Молия комиссари — *И. И. Скворцов (Степанов);*

Ташқи ишлар комиссари — *Л. Д. Бронштейн (Троцкий);*

Адлия комиссари — *Г. И. Оппоков (Ломов);*

Озиқ-овқат комиссари — *И. А. Теодорович;*

Почта-телеграф комиссари — *И. А. Авилов (Глебов);*

Миллий ишлар раиси — *И. В. Жугашвили (Сталин).*

Темир йўл ишлари халқ комиссари лавозими вақтинча бўш қолади».

Зал деворлари бўйлаб узунасига милтиқ тақҳанлар саф тортиб турарди; милтиқ пайзалари делегатларнинг стуллари устидан ҳам кўриниб турарди. Ҳарбий-революцион комитет ҳаммани қуроллантирди. Большевизм Керенскийга қарши қатъий курашмоқ учун қуролланди, шарқи-жанубдан музика карнайлари садоси эшитиларди... Ҳеч кимнинг уйга кетгуси йўқ эди. Аксинча, залга юзлаб янгидан-янги кишилар келиб кираверди. Катта зал ғазабнок солдат ва ишчилар билан лиқ тўлди... Улар бу ерда нотиқларнинг сўзларига толиқмай қулоқ солиб, неча соатлаб турардилар. Залнинг ичи аччиқ тамаки тутунига тўлган, ҳаводан тер ва кийим ҳиди анқирди.

«Новая жизнь» редакцияси ходими Авилов, интернационалист социал-демократлар ва қолган интернационалист-меньшевиклар номидан чиқиб гапирди. Унинг юзи силлиқ, ёшлик аломати сезилиб турарди, эгнидаги нафис сюртуги бу муҳитга ярашмай турарди.

«Биз юз бераётган ҳодисаларни ва қаёққа кетаётганимизни яхши тушуниб олмоғимиз лозим... Коалицион ҳукуматни осонликча йиқитишга муваффақ бўлганликнинг сабаби сўл демократиянинг жуда кучлилигида эмас, балки ҳукуматнинг халққа на ғалла, ва на сулҳ бера олмаганлигидадир. Демократиянинг сўл қисми эса бу икки вазифани ҳал қилган тақдирдагина сақлаб қолиши мумкин.

Демократиянинг сўл қисми халққа ғалла бера оладими? Мамлакатда эса ғалла жуда оз. Кўпчилик деҳқонлар оммаси сизларга эргашмайди, чунки сизлар деҳқонлар муҳтож бўлган машиналарни уларга бера олмайсизлар. Ёқилғини ва истеъмол учун зарур бўлган бошқа буюмларни мутлақо топиб бўлмайди...

Сулҳ масаласи эса бундан беш баттар қийиндир. Иттифоқчи давлатларнинг ҳукуматлари ҳатто Скобелев билан музокара қилишдан бош тортдилар. Сизларнинг сулҳ конфе-

ренцияси тўғрисидаги таклифларингизни эса улар ҳеч ҳам қабул қилмайдилар. Сизларни на Лондон, на Париж, ва на Берлин танийди.

Иттифоқчи мамлакатларнинг пролетариати актив ёрдам қилади деб ишониш ярамайди, чунки бу пролетариатнинг кўпчилиги революцион курашдан ҳали жуда узоқда. Иттифоқчилар демократиясининг ҳатто Стокгольм конференциясини чақиришга муваффақ бўла олмаганини хотирингизда тутинг. Герман социал-демократлари хусусига келсак, мен шу топдагина бизнинг Стокгольмдаги делегатимиз ўртоқ Гольденберг билан гаплашдим. Ўта кетган сўлларнинг вакиллари унга уруш вақтида Германияда революция қилиб бўлмайди дептилар...» Ўтирганлар ғазабланиб қичқириқлар билан унинг нутқини бўлиб турсалар-да, Авилов ўз сўзини давом эттираверди:

«Рус қўшинини немислар мағлуб қиладими, Австрия-герман ва инглиз-француз коалициялари ўртасида бизнинг ҳисобимизга яраш битими тузиладими, биз Германия билан бир томонлама сулҳ тузамизми, бари бир натижада Россия батамом яккаланиб қолади.

Мен иттифоқчиларнинг элчилари жўнаб кетмоқчи бўлганликларини ва Россиянинг ҳамма шаҳарларида ватанни ва революцияни ҳимоя қилиш комитетлари тузилганини шу топдагина билиб қолдим...

Бундай ҳаддан ташқари қийинчиликларни ҳеч бир партия якка ўзи бартараф эта олмайди... Социалистик коалиция ҳукуматини қўллаб-қувватловчи халқнинг ҳақиқий кўпчилигигина революция ишини тугаллаши мумкин...»

Сўнгра у икки фракциянинг резолюциясини ўқиб эшиттирди:

«Революция ютуқларини сақлаб қолмоқ учун ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари қошида ташкил этилган революцион демократияга суянувчи ҳукумат тузиш зарурлигини ва бу ҳукуматнинг вазифалари: тезлик билан демократик сулҳга эришиш, ерларни ер комитетлари ихтиёрига топшириш, ишлаб чиқариш устидан контроллик уюштириш ва тайинланган муддатда Таъсис мажлисини чақиришдан иборат эканини эътироф этиб, съезд қарор қилади: съездда қатнашаётган революцион демократия гуруҳлари билан келишиб ҳукумат тузиш учун вақтли ижроия комитет сайлансин».

Авиловнинг хотиржам ва совуқ мулоҳазалари революцион руҳ билан тўлиб-тошган делегатларни бир қадар хижил қилиб қўйди, нутқининг охирида қичқириқ ва ҳуштаклар тинди, Авилов гапириб бўлганда эса ҳатто онда-сонда қарсак овозлари ҳам эшитилди.

Авиловдан сўнг ёшгина ва жасур Карелин чиқиб сўзлади. Унинг самимийлигига ҳеч ким шубҳаланмас эди. У сўл эсерлар партияси, яъни Мари Спиридонованинг партияси боль-

шевикларга эргашган ва революцион деҳқонларни ўз орқасидан эргаштирган ягона партиянинг вакили эди*.

«Бизнинг партиямиз Халқ Комиссарлари Советига киришдан воз кечди, чунки биз революцион армиянинг съездни ташлаб чиқиб кетган қисми билан абадий алоқа узишни истамаймиз. Алоқанинг бу хилда узилиши бизни большевиклар билан бошқа демократик группалар ўртасида воситачи бўлиш имконидан маҳрум қилган бўлур эди. Ана шундай воситачиликкина ҳозирги пайтда бизнинг асосий вазифамиздир. Биз социалистик коалиция ҳукуматидан бошқа ҳеч қандай ҳукуматни қўллай олмаймиз...

Бундан ташқари, биз большевикларнинг ўзбошимчаликларига қарши норозилик билдирамиз. Бизнинг комиссарларимиз барча лавозимларидан ҳайдалганлар. Кеча бизнинг бирдан-бир ношир афкоримиз бўлган «Знамя Труда» газетаси ёпиб қўйилди».

«Шаҳар думаси сизлар билан курашиш учун ватанни ва революцияни ҳимоя қилиш қудратли Комитетини тузади. Сизлар энди яккаланиб қолдингизлар. Ҳеч бир демократик группа сизнинг ҳукуматингизни қўллаб-қувватламайди...»

Минбарга ўзига ишонган ва ўзини тута билган Троцкий чиқди. Унинг лабларида истеҳзоли кулги аломатлари кўринарди. У жаранглаган овоз билан гапирди, халойиқ эса унинг сўзларини эшитиш мақсадида олдинга интилди..

«Бизнинг партиямизнинг яккаланиб қолиши тўғрисидаги мулоҳазаларнинг бариси янгилик эмас. Қўзғолон арафасида ҳам бизга муқаррар мағлубиятга учраш тўғрисида башорат қилмоқчи бўлдилар. Ҳамма бизга қарши эди, фақат сўл эсерлар фракциясигина Ҳарбий-революцион комитетга ёрдам қилди. Аммо биз Муваққат ҳукуматни қандай қилиб деярли қон тўкмасдан улоқтириб ташлай олдик?.. Бу факт бизнинг яккаланиб қолмаганимизни кўрсатувчи очиқ ва равшан далилдир. Ҳақиқатда эса, Муваққат ҳукумат яккаланиб қолди; бизга қарши борувчи демократик партиялар яккаланиб қолди, улар ҳозир ҳам яккаланганлар ва пролетариат билан алоқани абадий узганлар!

Бизга коалиция зарурлиги тўғрисида гапирадилар. Биргина коалиция — ишчилар, солдатлар ва камбағал деҳқонлар билан коалицияни тузишгина мумкин. Бу коалицияни амалга ошириш шарафи бизнинг партиямизгагина мансубдир... Авилов қандай коалицияни назарда тутади? Халққа хиёнат қилган ҳукуматни қўллаб-қувватлаганлар билан коалиция тузишними? Коалиция кучларни ҳар вақт кучайтиравермайди. Масалан, Дан ва Авксентьев бизнинг сафларимизда бўлганларида қўзғолонни уюштира олармидик?» Қаттиқ кулги кўтарилади.

* Сўл эсерларга фақат революцион кайфиятдаги бир қисм деҳқонларгина эргашган эди.— *Ред.*

«Авксентьев ғаллани оз берди. Бироқ мудофаачилар билан тузиладиган коалиция кўпроқ ғалла бера оладими? Деҳқонларними, ёки ер комитетлари аъзоларини қамоққа олган Авксентьевними—қайси бирини танлаш керак деганда, биз деҳқонларни танлаймиз! Бизнинг ревлюциямиз тарихда классик революция бўлиб қолади...

Бизни бошқа демократик партиялар билан муроса қилмайди деб айблайдилар. Бироқ бунда биз айбдормизми? Ёки, эҳтимол, Карелин ўйлагандек «англашилмовчилик» айбдордир? Йўқ, ўртоқлар. Революциянинг қизиган даврида, ҳали порох тутунлари ичида қолган партия келиб: «Мана ҳокимият! Олинглар уни!»— деса-ю, шу ҳокимият манзират қилинган кимса душман қароргоҳига ўтиб кетса, бу англашилмовчилик бўлмайди, албатта... бу — шафқатсиз уруш эълон қилиш демакдир! Бу урушни эълон қилган биз эмас...

Авилов башарти «яккаланиб» қолар эканмиз, бизнинг сулҳ учун курашимиз натижасиз қолади, деб қўрқитди. Такрор айтаманки, Скобелев ёки ҳатто Терещченко билан бўладиган коалиция сулҳ тузишимизга қандай ёрдам бериш мумкинлигини кўрмаяпман. Авилов бизни Россия ҳисобига сулҳ тузиш хавфи билан қўрқитмоқчи бўлади. Бунга мен шундай жавоб бераман, агар Европа келажакда ҳам империалистик буржуазияга бош бўлиб қолар экан, у вақтда революцион Россия муқаррар равишда ҳалок бўлади...

Ё рус революцияси Европада революцион ҳаракатнинг бошланишига сабаб бўлади, ёки европа давлатлари рус революциясини бўғиб ташлайди!—Иккисидан бири бўлади».

Делегатлар қаттиқ олқишладилар, улар ўзларини барча инсоният учун курашувчилар деб ҳис қилиб, жасорат туйғуси билан тўлиб-тошдилар. Ана шундан эътиборан қўзғолончи омманинг ҳар бир ҳаракатида аллақандай онгли ва қатъий жасорат пайдо бўлди ва абадий сақланиб қолди.

Аммо бошқа томон эса курашга ҳозирланарди. Каменев темир йўлчилар союзининг вакилига сўз берди. Бу одамнинг юзи қаҳрли, ўзининг шафқатсиз душманлигини яширмайдиган сағри кенг бир киши эди. Унинг нутқи мажлис аҳлига портлаб кетган бомбадек таъсир қилди.

«Мен Россиядаги энг кучли ташкилот номидан сўз сўраймаи ва сизларга арз этаманки: Викжель* бизнинг союзимизнинг ҳокимият тузиш тўғрисидаги масала юзасидан чиқарган қарорини сизнинг ахборингизга маълум қилишни топширди. Марказий комитет, агар большевиклар бундан кейин ҳам бутун рус демократиясига кушанда бўлиб қолар эканлар, уларни қўллаб-қувватлашдан мутлақо бўйин товлайди». Залда даҳшатли шов-шув кўтарилади.

---

* *Викжель* — Бутун Россия темир йўл ишчи ва хизматчилари союзининг ижроия комитети.— *Ред.*

«1905 йилда ва корниловчилик кунларида темир йўл ишчилари ўзларининг революциянинг энг яхши мудофаачилари эканликларини кўрсатдилар. Аммо сизлар бизни ўз съездингизга таклиф этмадингиз»

«Сизларни эски МИҚ таклиф этмади!»— деган қичқириқлар эшитилади. Нотиқ қулоқ солмасдан сўзида давом этади: «Биз бу съездни қонуний деб билмаймиз: съезддан меньшевиклар ва эсерлар чиқиб кетганидан кейин, бунда лозим бўлган кворум қолмади... Бизнинг союзимиз эски МИҚни қўллаб-қувватлайди ва съезднинг янги МИҚни сайлашга ҳаққи йўқ, деб билдиради...

Ҳокимият бутун революцион демократия олдида жавоб берадиган обрўли орган бўлган социалистик ва революцион ҳокимият бўлиши лозим. Бундай ҳокимият тузилгунга қадар темир йўлчилар союзи Петербургга жўнатиладиган контрреволюцион кучларни ташишдан бош тортади, шу билан бир вақтда Викжель томонидан тасдиқланмаган ҳар қандай буйруқларни бажаришни ўз аъзоларига ман этади. Викжель Россиядаги бутун темир йўлларни идора қилишни ўз қўлига олади».

Бу нутқнинг охири умумий норозилик ғалаёни ичида ғарқ бўлиб кетди. Аммо бу, ҳар қалай, оғир зарба бўлди. Бунга қаноат ҳосил қилмоқ учун президиум аъзоларининг изтиробли юзларига назар ташлашнинг ўзи кифоя эди. Каменев съезднинг тўла ҳуқуқлилиги тўғрисида ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас, чунки меньшевиклар ва эсерлар чиқиб кетган бўлишига қарамай, съездда эски МИҚ белгилаган кворум талаб қилгандан ҳам кўпроқ аъзолар қолди, деб қисқача жавоб берди...

Сўнгра кўпчилик овоз билан Халқ Комиссарлари Совети сайланди.

Янги МИҚ, Россия Республикасининг янги парламентини сайлаш атиги чорак соат вақтни олди. Троцкий натижани ўқиб эшиттирди: юз аъзо, улардан етмиштаси большевиклар... Деҳқонлар ва съезддан чиқиб кетган партиялар хусусига келсак, улар учун бўш жой қолдирилди. Троцкий ўз ахборотини: «Бизнинг программамизни қабул қилган партия ва группаларни ҳукуматга бажону дил қабул қиламиз»,— деб тамомлади.

Шундан кейин съезд делегатлари Россиянинг ҳамма бурчакларига тезроқ бориб, юз берган буюк ҳодисалар тўғрисида ҳикоя қилиб беришлари учун II Бутун Россия Советлар съезди ёпиқ деб эълон қилинди...

Биз Смольний олдида турган трамвайларнинг ухлаб ётган кондукторларини ва вагон ҳайдовчиларини уйғотганимизда, соат эрталаб етти бўлиб қолган эди. Бу трамвайлар делегатларни уй-уйларига элтиб қўйиш учун трамвай ишчилари союзи томонидан юборилган эди. Лиқ тўла вагон ичидаги

кайфият, назаримда, ўтган кечадаги сингари унчалик кўтаринки ва хотиржам эмас эди. Кўпчилик одамларнинг чеҳрасидаги изтироб учқунлари сезилиб турарди. Эҳтимол улар ичларида: «Мана, бизлар хўжайин бўлиб қолдик... Ўз иродамизни қандай қилиб амалга оширсак экан?..»—дегандек бўлардилар.

Уйимизнинг ёнида бизни қуролли обивателлар тўсиб, ёнларимизни хўб тинтидилар. Дума чиқарган хитобнома ўз ишини қилган эди...

Эгнига пушти ранг ипак кўйлак кийган уй бекаси товушимизни эшитиб, олдимизга югуриб чиқди.

«Уй комитети сизларнинг ҳам бошқа эркаклар билан баравар навбатчилик қилишларингизни яна талаб қилмоқда!»—деди.

«Бу навбатчилик нима учун керак экан?»

«Хотинларни ва болаларни сақлаш керак-да».

«Кимлардан?»

«Ўғри ва талончилардан».

«Агар Ҳарбий-революцион комитетдан комиссар келиб, қурол-яроқ қидириб қолса-чи?»

«Ҳа, уларнинг бари ўзини шундай деб аташади... Ҳа, иннайкейин, улар учун бари бир эмасми?»

Мен рус интеллигенцияси турадиган районларда барча Америка гражданларининг қурол-яроқ тутишларини консул ман қилганини расмий равишда билдирдим...

VI БОБ

ҲИМОЯ ҚИЛИШ КОМИТЕТИ

Жума, 9 ноябрь (27 октябрь)...

«Новочеркасск. 8 ноябрь (26 октябрь)

Большевикларнинг Муваққат ҳукуматни ағдариш, Петроградда ва бошқа жойларда ҳокимиятни қўлга олиш учун қилган хуружларини Ҳарбий Ҳукумат бутунлай жиноят ва йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол деб ҳисоблайди ҳамда бошқа казак қўшинлари ҳукуматлари билан яқиндан иттифоқ бўлиб мавжуд коалицион Муваққат ҳукуматга тўла ёрдам беради. Фавқулодда ҳолатни ва Марказий давлат ҳокимияти билан алоқа узилганлигини назарда тутиб, Ҳарбий Ҳукумат вақтинча, Муваққат Ҳукумат ҳокимияти тиклангунча, Россияда тартиб ўрнатилгунча, шу ойнинг 25 декабридан эътиборан Дон областида бутун давлат ижроия ҳокимиятини ўз зиммасига олади.

Ҳарбий Ҳукумат раиси
Қўшинлар атамани *Каледин*».

Бош министр Керенскийнинг Гатчинада чиқарган буйруғи:

«Мен Муваққат Ҳукуматнинг бош министри ва Россия республикасидаги барча қуролли кучларнинг Олий Бош қўмондони ватанга содиқ фронт қўшинларига бош бўлган ҳолда бугун етиб келганимни эълон қиламан.

Петроград ҳарбий округининг барча қисмларига, англашилмовчилик ва адашиш орқасида ватан ва революция хоинларига қўшилиб қолган қисмларга бир соат ҳам кечикмасдан ўз бурчларини бажаришга қайтишларини буюраман.

Ушбу буйруқ барча рота, команда ва эскадронларда ўқиб эшиттирилсин.

Муваққат Ҳукумат бош министри
ва Олий Бош қўмондон *А. Керенский*».

Керенскийнинг Шимолий фронт қўмондонига телеграммаси:

«Гатчина шаҳри ҳукуматга собиқ қўшинлар томонидан ҳеч бир қон тўкилмасдан ишғол қилинди.

Кронштадтчилар, семёновчилар ва измайловчилар ротаси ва денгизчилар қурол-яроқларини сўзсиз топшириб, ҳукумат томонига ўтдилар.

Жўнатилиш учун белгиланган бутун эшелонларнинг тезлик билан олға ҳаракат қилишларини буюраман.

Ҳарбий-революцион комитетдан қўшинлар чекинсин деган буйруқ олинди...»

Петроградцдан ўттиз километр нарида, ғарби-жануб томонда бўлган Гатчина кечаси ишғол қилинди... Юқорида айтиб ўтилган, атрофда командирсиз тентираб юрган икки полк қисмлари (денгизчилар эмас), дарвоқе, казаклар томонидан ўраб олинган ва қурол-яроқларини топшириб, таслим бўлган. Аммо улар ҳукумат қўшинларига қўшилмадилар. Худди шу пайтда, ҳижолат ичида довдираб қолган бу солдатлар оломони Смольнийда бўлиб, важ кўрсатишга уринардилар... Улар казакларнинг бу қадар яқин жойда эканлигини билмаган эмишлар... Улар казаклар билан музокара қилишга уринган эмишлар...

Революцион фронтда очиқдан-очиқ тартибсизлик ҳукм сурарди. Петроград жанубидаги ҳамма кичкина шаҳарчаларнинг гарнизонлари кескин ва ноумид равишда икки ёки аниқроғи уч қисмга ажралган эдилар: олий қўмондонлик яхшироқ бир таянч бўлмагани учун Керенский томонида, кўпчилик солдатлар эса Советлар томонида эди. Қолган бошқалар эса шубҳа ва иккиланишлар ичида азоб тортар эдилар.

Ҳарбий-революцион комитет Петроградни мудофаа қилиш учун шуҳратпараст энг кекса капитан Муравьевни* ошиғич равишда қўмондон қилиб тайинлади. Ўша Муравьев ёзда «ажал батальони» тузган ва айтишларича, бир куни ҳукуматга: «Сиз большевикларга нисбатан жуда раҳмдилсиз, уларни туйиб талқон қилиб юбориш керак» деган. У куч ва жасорат олдида сажда қилувчи ҳарбий одам эди. Унинг сажда қилиши, балки, самимий бўлгандир.

Эрталаб кўчага чиқиб, Ҳарбий-революцион комитетнинг уйимизнинг ҳар икки томони деворига ёпиштирган икки янги буйруғига кўзим тушиб қолди. Унда бутун дўкон ва магазинлар ҳар вақтдагидек очиқ бўлсин, барча бўш бинолар комитет ихтиёрига топширилсин, дейилган эди.

Большевикларнинг рус вилоятларидан ва бутун ташқи дунёдан ажратиб қўйилганига ўттиз олти соат бўлган эди. Темир йўлчилар ва телеграфчилар большевикларнинг ошиғич мактуб ва телеграммаларини жўнатишдан бўйин товлаган,

---

* Муравьев — подполковник эди.— *Ред.*

почта чиновниклари эса улардан хат-хабар қабул қилмай қўйган эдилар. Фақат Царское Селодаги ҳукумат радиостанцияси ҳар ярим соатда дунёнинг тўрт тарафига бюллетень ва мурожаатлар юбориб турарди. Ҳарбий-революцион комитет комиссарлари поездларда шаҳар думаси комиссарлари билан ким ўзарга пойга қилгандек, бутун мамлакат бўйлаб ўқдай учардилар. Агитацион материаллар ортилган икки аэроплан фронтга қараб учиб кетди.

Аммо қўзғолон тўлқини бутун Россияга одамзод ихтиёридаги алоқа воситаларидан ҳам тезроқ ёйилмоқда эди. Гельсингфорс Совети буни ёқлаб резолюция қабул қилди; Киевда большевиклар қурол-яроқ омбори билан телеграфни ишғол қилдилар; шу ерда шаҳарда мажлис қилаётган казак съезди вакиллари уларни бу жойлардан суриб чиқардилар. Қозонда Ҳарбий-революцион комитет шаҳар гарнизон штаби ва Муваққат ҳукумат комиссарини қамоққа олди; Красноярскдан, Сибирдан Советларнинг шаҳар бошқармасини ишғол қилганликлари тўғрисида хушхабар келди; Москвада, бир томондан, кўнчиларнинг иш ташлаши муносабати билан аҳвол чигаллашган, иккинчи томондан эса, бутун ишчиларни ишдан бўшатиш хавфи зўрайган эди. Москва Совети кўпчилик овоз билан Петроград большевикларининг чиқишларига ёрдам бериш тўғрисида фикр билдирди... Москвада энди Ҳарбий-революцион комитет иш кўрмоқда эди.

Ҳамма жойда бир хилда ҳодиса юз берди. Оддий солдатлар ва саноат ишчилари Советларни бутунлай қўллаб-қувватладилар; офицерлар, юнкерлар ва майда буржуазия, шунингдек, буржуазия намояндалари бўлган кадетлар ва муътадил социалистлар Муваққат ҳукумат тарафдори эдилар. Ҳамма шаҳарларда ватанни ва революцияни ҳимоя қилиш комитетлари вужудга келиб, гражданлар урушига тайёргарлик кўрилмоқда эди...

Буюк Россия тарқалиш олдида эди. Бу жараён 1905 йилда бошланган бўлиб, Март революцияси уни тезлаштириб юборди ва бошда янги тартибларга бир қадар умид туғдириб, эски тартибнинг алла қачон ўз даврини кечирган формаларини сақлаб қолиш билан тугади. Эндиликда большевиклар бу формаларнинг барчасини бир кечада вайрон қилиб ташладилар, улар тутундек учиб кетди. Эски Россиядан асар ҳам қолмади. Эски жамият эриб лавадек оқди, олов денгизидан қудратли ва раҳмсиз синфий кураш пайдо бўлди ва у билан бирга янги жамиятнинг аста-секин совиб кетаётган нозик ядроси ўсиб чиқди.

Петроградда икки министрлик — меҳнат ва озиқ-овқат министрлиги раҳбарлигида ўн олти министрлик иш ташлади. Бу икки министрлик август ойидаги бир турда бўлган социалистлар* ҳукумати томонидан тузилган эди.

---

* Меньшевик эсерлар.— *Ред.*

«Бир ҳовуч» большевиклар булутли, совуқ тонгда тасаввур этиб бўлмайдиган даражада ёлғиздек эдилар. Уларнинг атрофида душманлар денгиздек қайнарди[1]. Деворга сиқиб қўйилган Ҳарбий-революцион комитет ўз ҳаётини тиш-тирноғи билан ҳимоя қилиб, зарба билан жавоб қилди. «De l'audace, encore de l'audace et toujours de l'andace!»* Эрталаб, соат бешда шаҳар бошқармасининг босмахонасига қизил гвардиячилар келиб, думанинг минглаб нусха норозилик хитобномаларини мусодара қилдилар ва думанинг расмий органи бўлган «Вестник городского самоуправления» ни ёпиб қўйдилар. Барча буржуа газеталари, шу жумладан эски МИКнинг «Голос Солдата» деган газетаси ҳам босилаётган ерида машиналардан улоқтириб ташланди. Бироқ «Голос Солдата» газетаси кейин «Солдатский Голос» номи билан юз минг нусха босилиб чиқиб, ўз атрофида ғазаб ва норозилик туғдирди:

«Қечаси хиёнаткорона зарба берган кишилар, газеталарни беркитиб қўйган кишилар мамлакатни узоқ зулматда сақлаб тура олмайдилар. Мамлакат ҳақиқатнинг тагига етади. Мамлакат сизларга тегишли баҳо беради, жаноб большевиклар! Буларни биз ўз кўзимиз билан кўражакмиз!»

Кундуз соат бирда биз Невский кўчаси этагига қараб кетар эдик. Кўчада думанинг олдида халойиқ уймалашиб ётарди. Гоҳ у жойда, гоҳ бу жойда найзали милтиқ кўтарган қизил гвардиячи ёки матрос тўқнаш келарди. Уларнинг ҳар бирини кам деганда юзлаб эркак ва аёллар, идора хизматчилари, студентлар, дўкондорлар ва амалдорлар ўраб олган, буларнинг ҳаммаси муштларини дўлайтириб дағдаға қилар ва лаънат ёғдирарди. Зинапоя устига чиқиб олган бойскаутлар ва офицерлар «Солдатский Голос» газетасини ушлардилар. Енгига қизил латта боғлаб ва қўлига тўппонча ушлаган бир ишчи ғалаёнга келган оломон ўртасида ғазабидан титраб-қақшаб, газеталарни бу ёққа бер, деб талаб қиларди. Назаримда, тарих бундай ҳодисани ҳеч қачон кўрмагандир. Бир томондан қуролланган, ғолибона қўзғолоннинг тимсоли бўлган ва ожиз қолган бир ҳовуч ишчи ва солдатлар; иккинчи томондан эса туш пайтида Бешинчи авеню** кўчаси тротуарларини тўлдириб юрувчи одамлардан иборат ғазабга келган халойиқ. Бу оломон таҳқирлар, лаънатлар ёғдирар ва: «Хоинлар! Провакаторлар! Опричниклар!» деб қичқирарди.

Эшикларни студентлар ва офицерлар қўриқлаб турарди. Уларнинг енгларига боғланган оқ латталарга қизил ҳарфлар билан жамоат хавфсизлик комитети милицияси деб ёзилган

---

* *«Жасорат, яна жасорат, ҳамиша жасорат!»* (Французча). Пруссия ва Австриянинг контрреволюцион коалицияси ҳужумидан революцияни сақлаш ва уруш хавфи тўғрисида Дантоннинг 1792 йил 2 сентябрда Франциянинг қонун чиқарувчи мажлисида сўзлаган нутқидаги машҳур иборасидан.— *Ред.*

** Нью-Йоркдаги бойлар яшайдиган маҳалла.— *Ред.*

эди. Беш-олтита бойскаут у ёқдан-бу ёққа юриб турарди. Бино ичи одамга лиқ тўлган эди. Капитан Гомберг зинадан тушиб келарди. «Улар думани тарқатиб юборишмоқчи!— деди у.— Ҳозир дума бошлиғи олдида большевик комиссар ўтирипти...» Биз юқорига чиққанимизда Рязановни кўриб қолдик, у шошиб-пишиб чиқиб кетаётган экан. Бу ерга у дума Халқ Комиссарлар Советини танишини талаб қилгани келипти, дума бошлиғи эса қатъиян рад жавоби қилипти.

Дума биносининг бутун хоналарида аҳолининг катта бир гуруҳи — амалдорлар, зиёлилар, журналистлар, ажнабий мухбирлар, француз ва инглиз офицерлари имо-ишоралар қилишиб, шовқин-сурон кўтарар эдилар... Шаҳар инженери уларни кўрсатиб, тантанали вазиятда: «Бутун элчихоналар думани ягона тўла ҳуқуқли ҳокимият деб танийдилар,— деди.— Большевиклар хусусига келсак, улар талончи ва босқинчилар, холос. Умуман айтганда, уларнинг куни битиб, бир неча соатгина умри қолган! Бутун Россия биз томонда...»

Александр залида ҳимоя қилиш комитетининг жуда кўп одам иштирок қилаётган кенг мажлиси бўлмоқда эди. Мажлисга Филипповский раислик қилмоқда эди, минбарда эса ҳамон ўша Скобелев нотиқлик қиларди. У қаттиқ қарсаклар остида ҳимоя қилиш комитетига қайта келиб қўшилган ташкилотларни бир-бир санаб берарди: деҳқон Советлари ижроия комитети, эски МИҚ, Марказий армия флоти, Центрофлот, Советлар съездининг меньшевик, эсер ва фронт группалари, эсерлар ва халқ социалистлар партиялари, «Единство группаси», деҳқонлар союзи», кооперативлар, почта-телеграф союзи, Викжель, Россия республикаси Совети, Союзлар иттифоқи* савдо-саноат союзи...

«...Советлар ҳокимияти,— деди у,— бу демократия ҳокимияти эмас, балки диктатурадир, шу билан бирга пролетариат диктатураси эмас, балки пролетариатга *қарши* диктатурадир. Революцион руҳ билан яшаган ва яшаётган ҳар бир кимса эндиликда биз билан бирга туриб революцияни ҳимоя қилиши лозим...

Кўндаланг турган вазифа — масъулиятсиз демагогларни нўхталамоқдангина иборат эмас, балки контрреволюцияга қарши кураш олиб боришдан ҳам иборатдир...

Мабодо вилоятда жойлашиб олиб, юз бериб турган ҳодисалардан фойдаланиб, Петроградга қарши контрреволюцион мақсадларда юриш қилмоқчи бўлган генераллар бор деган миш-мишлар тўғри бўлар экан, бу нарса бизнинг мустаҳкам демократик ҳукумат тузишга мажбур эканимизни яна бир карра тасдиқлайди, холос. Акс ҳолда сўлдан ташланган тартибсизликлар кетидан ўнгдан ҳам тартибсизликлар чиқади...

---

* «Кириш сўз ва изоҳотларга» қаралсин.— *Ж. Рид.*

Кўчаларда «Голос Солдата» газетасини сотиб олувчи ва «Рабочая Газета» сини сотувчи болаларнинг қамоққа олинишига Петроград гарнизони бепарво қараб тура олмайди...

Қарорлар чиқариш даври ўтди... Революцияга ишончини йўқотган кимсалар йўлни бўшатиб қўйсин... Ягона демократик ҳокимиятни тиклаш учун революциянинг обрўсини яна юқори кўтармоқ зарур...

Энг ичамизки, ўртоқлар, революция ҳимоя қилинади ёки биз у билан бирга ҳалок бўламиз!..»

Мажлис аҳли ўрнидан туриб, бу нутқни гулдурос қарсаклар остида қарши олди. Ҳамманинг кўзи чақнарди. Залда битта ҳам пролетар кўринмас эди...

Вайнштейн сўз олади:

«Афкор омма ҳимоя қилиш комитети атрофида қатъий равишда уюшмагунча, биз ўзимизни босиб туришимиз ва ҳар қандай ҳаракатдан тийилиб туришимиз лозим. Фақат шундагина биз мудофаадан ҳужумга ўта оламиз...»

Викжель вакили, мени юборган ташкилот янги ҳукумат тузиш ташаббусини ўз зиммасига олади, деб айтди. Бу ташкилотнинг делегатлари музокаралар олиб бориш учун Смольнийга қараб йўлга чиққанлар...

Большевикларни янги ҳукуматга киргизиш керакми-йўқми деган масала устида қизғин мунозара бошланди. Мартов уларни киргизиш керак, деб айтди; ниҳоят,— деб исбот қилди у.— большевиклар жуда муҳим сиёсий партиядир. Икки фикр туғилди: меньшевиклар ва эсерларнинг ўнг қаноти, шунингдек, халқ социалистлари, кооперативчилар ва буржуазия вакиллари бунга қатъий эътироз билдирди...

«Улар,— деди нотиқлардан бири,— Россияга хиёнат қилдилар! Улар гражданлар урушини бошлаб юбориб, немисларга фронтни очиб бердилар! Большевиклар шафқатсиз равишда *мажақланиб ташланиши керак...»*,— деди.

Скобелев большевикларни ҳам, кадетларни ҳам чиқариб ташлаш керак, деб айтди.

Биз бир эсер йигит билан гаплашиб қолдик. У бир вақтлари большевиклар билан бирга Демократик кенгашни ташлаб чиқиб кетган экан. Бу воқеа Церетели ва бошқа муросачилар рус демократиясига коалицион сиёсатни зўрлаб тиқиштирмоқчи бўлган кечада юз берган эди.

«Сиз шу ердамисиз?»— деб сўрадим мен ундан.

Унинг кўзларидан олов чақнаб кетди. «Ҳа!— деди у.— Шанба куни қоқ ярим кечада мен ўз партияли ўртоқларим билан съездни ташлаб чиқиб кетдим. Келиб-келиб энди қора халқлар истибдодига бўйсуниш учун мен йигирма йилдан бери ўз ҳаётимни таҳлика остига солиб келганим йўқ. Уларнинг методларига чидаш мумкин эмас. Лекин улар деҳқонлар тўғрисида сира ўйламадилар... Деҳқонлар қўзғолса, уларнинг ҳаёт-мамоти бир минутда ҳал бўлади!»

«Бироқ деҳқонлар бош кўтариб чиқармикинлар? Ер ҳақидаги декрет уларни қаноатлантирмаганмикан? Улар яна нима истар эканлар?»

«Эҳ, бу ер тўғрисидаги декретни айтмайсизми!— деб оғиз кўпиртирди у.— Ер тўғрисидаги декретнинг нималигини биласизми? Бу *бизнинг* декретимиз, бутунлай эсерлар программаси! Менинг партиям деҳқонларнинг талабларини жуда синчиклаб текшириб чиққанидан кейин, бу сиёсатнинг асосларини ишлаб чиқди! Бу тарихда ҳеч эшитилмаган нарса...»

«Бироқ, башарти, бу сизларнинг ўз сиёсатингиз бўлса, у ҳолда нега бунга эътироз қиласиз? Агар деҳқонларнинг истаклари шундай бўлса, у ҳолда деҳқонлар нима сабабдан бунга қарши чиқадилар?»

«Нега тушунмайсиз, ахир! Бунинг алдамчилик эканини, бу ғасбкорлар бизнинг эсерлик программамизни ўғирлаб олганини деҳқонларнинг дарҳол тушуниб олишини наҳотки сиз тушунмасангиз?».

Мен ундан: «Каледин ростдан шимолга юриш қиладими?» — деб сўрадим.

У бошини қимирлатиб, ортиқ даражада қаноатлангандек қўлларини бир-бирига ишқаб қўйди. «Мутлақо тўғри! Большевикларнинг қилғиликларини энди кўрарсиз. Улар бизга қарши контрреволюцияни оёқлантирдилар. Революция ҳалок бўлди. Ҳалок бўлди революция».

«Ахир сиз революцияни ҳимоя қиласиз-ку?»

«Албатта, биз уни бир томчи қонимиз қолгунча ҳимоя қиламиз! Аммо большевиклар билан сира ҳам ҳамкорлик қилмаймиз...»

«Борди-ю, Каледин Петроград бўсағасига қадам қўйса, большевиклар эса шаҳарни ҳимоя қилишга киришса, ўшанда ҳам сиз уларга қўшилмайсизми?!

«Албатта, йўқ! Бизлар ҳам шаҳарни ҳимоя қиламиз, аммо фақат большевиклар билан бирга эмас! Каледин — революция душмани, большевиклар ҳам революциянинг шундай душманидирлар?»

«Сиз кимни афзал кўрасиз — Калединними ёки большевикларними?»

«Гап бунда эмас!— зарда билан қичқирди у.— Мен сизга революция ҳалок бўлди деяпман. Бунга большевикларгина айбдор. Қулоқ солинг, бунинг устида тортишиб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Керенский бостириб келмоқда... Индинга биз ҳужумга ўтамиз... Смольний янги ҳукумат тузиш таклифи билан бизга делегатлар юборди. Аммо энди улар бизнинг қўлимизда: улар мутлақо кучсизланиб қолди. Биз ҳамкорлик қилмаймиз...»

Кўчадан ўқ овози эшитилди. Биз деразалар олдига югурдик. Оломоннинг тазйиқидан тоқати тоқ бўлган қизил гвардиячи ўқ узиб қандайдир бир қизнинг қўлини ярадор қилган.

Газабга келган оломоннинг қуршовида, биз уни извошга ўтиргизаётганларини кўрдик; қизнинг қичқириқлари қулоғимизга чалинарди. Бирдан Михайловск проспектидан броневик чиқиб келди. Унинг пулемётлари ҳар томонга чириллаб айланарди. Оломон дарҳол тумтарақай бўлиб қочди. Бундай ҳолларда; одатда Петроградда бўладигани сингари, одамлар ерларга етиб олдилар, ариқлар ичига яшириндилар, сим-ёғочлар орқасига беркиндилар. Броневик думанинг эшиги олдига етиб келди. Унинг башнясидан бир киши бошини чиқариб: «Солдатский Голос» газетасини бу ёққа беринглар» деб талаб қилди. Бойскаутлар уни масхара қилиб кулиб, ўзларини эшикка урдилар. Автомобиль уйнинг ёнида нима қиларини билмай, айланиб турди-да, кейин Невский проспектининг юқорисига қараб кетди. Тош кўчага ётиб олган одамлар туриб уст-бошларини қоқдилар...

Бино ичида югур-югур бошланди. «Солдатский Голос» газетасини дасталаб кўтариб олган одамлар ҳар томонга чопиб, уни яшириш учун жой ахтардилар.

Хона ичига қўлида алла қандай қоғозни силкитиб бир журналист чопиб кирди.

«Красновнинг хитобномаси!»— деб бақирди у.— Ҳамма унинг устига ёпирилди: «Босмахонага топширинг! Дарҳол босишга топширинг! Тезлик билан казармаларга тарқатинг!»

«Олий бош қўмондонликнинг амри билан мен Петроград бўсағасида тўпланган қўшинларга қўмондон бўлиб тайинландим.

Гражданлар, солдатлар, шонли казаклар — донликлар, кубанликлар, забайкалликлар, уссурийлар, амурликлар, енисейликлар, солдатлик қасамига содиқ қолган сизлар, казаклик қасамини бузмасдан маҳкам сақлашга онт ичгансизлар, мен сизларга Петроградни анархиядан, зўравонликдан ва очликдан сақлаб қолишга, Россияни эса император Вильгельмнинг амри ва ақчаси билан иш кўрувчи бир ҳовуч нодон қора халқ томонидан туширилган кетмас шармандалик доғидан халос қилиш учун юриш қилишга сизларни даъват этаман. Улуғ март кунларида сизлар унга қасамёд қилган Муваққат ҳукумат ағдарилгани йўқ, балки зўрлик билан ўз биносидан чиқариб ташланди. Бу ҳукумат фронтда ўз бурчига содиқ бўлган буюк армия қошида яна иш кўрмоқда.

Казак қўшинлари союзининг совети барча казакларни бирлаштирди ва у казак руҳи билан суғорилган ҳолда бутун рус халқининг иродасига таянади. 1612 йилнинг даҳшатли кунларида ота-боболаримиз Ватанга қандай хизмат қилган бўлсалар, шундай хизмат қилишга қасамёд этдилар. У чоқда донликлар Москвани шведлар, поляклар, литваликлар таҳдидидан ва ички ғалаёндан халос қилган эдилар [Сизнинг ҳукуматингиз ҳали мавжуд...*]

---

* Тўғри қавс ичига олинган сўзлар газеталарда келтирилмаган.— *Ред.*

Жанговар фронт душманларга ва хоинларга зўр даҳшат ва нафрат билан қарайди. Уларнинг қатл ва ғоратлари, ваҳшийликлари, енгилган, аммо таслим бўлмаганларга нисбатан немисча муносабатлар бутун Россияни улардан четлаштирди.

Гражданлар, солдатлар, Петроград гарнизонининг шавкатли казаклари, тезлик билан менинг ҳузуримга ўз вакилларингизни юборингиз, токи мен бекорга гуноҳсиз қонлар тўкилмаслиги учун кимлар озодлик ва ватан хоини, кимлар хоин эмаслигини билиб олай...»

Худди шу пайтда бинони қизил гвардиячилар қуршаб олгани тўғрисида овозалар тарқалди. Енгига қизил латта боғлаб олган офицер ичкари кириб, шаҳар бошлиғини сўради. Бир неча минутдан кейин у қайтиб ўтди, унинг кетидан эса кекса Шрейдер дарҳол ўз кабинетидан чиқди.

У дам қизариб, дам бўзариб: «Думанинг ошиғич мажлиси! Тезлик билан!»— деб қичқирди.

Катта залда кетаётган мажлис бўлинди: «Барча дума аъзолари ошиғич мажлисга!»

«Ўзи нима гап?»

«Билмадим... Бизларни қамоққа олишмоқчи!.. Думани тарқатиб юборишмоқчи...

Думанинг ҳамма аъзоларини эшик олдида қамоққа олишяпти...»— ҳаяжонли гаплар ана шундай эди.

Николай залида оёқ босгудек жой йўқ эди. Шаҳар бошлиғи: ҳамма эшиклар олдига аскарлар қўйилган, улар на ташқарига чиқаради, на ичкарига киргизади. Комиссар эса, ҳаммани қамоққа оламан, шаҳар думасини тарқатиб юбораман деяпти, деди. Ёлғиз минбардангина эмас, балки халойиқ ичидан ҳам ихтиросли нутқлар бошланди. «Эркин сайланган шаҳар бошқармасини *ҳеч қандай* ҳокимият тарқатиб юбора олмайди; шаҳар бошлиғи ва дума аъзоларининг ҳаммаси дахлсиздир; зўравонларни, провакаторларни ва герман агентларини ҳеч қачон танимаймиз; улар бизни тарқатиб юбормоқчи бўлиб қўрқитадилар, майли уриниб кўрсинлар; улар бизнинг жасадларимиз устидан ўтибгина бу залга киришлари мумкин, биз бунда вандалларнинг бостириб киришини қадимги Рим сенаторларидек шаън-шавкат билан кутиб турамиз...

Юз бераётган ҳодисаларни бутун Россиядаги шаҳар думалари ва земстволарга дарҳол телеграф орқали маълум қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди... На шаҳар бошлиғи ва на дума раиси Ҳарбий-революцион комитет вакиллари билан ёки Халқ Комиссарлари Совети деб аталувчилар билан ҳеч қандай муносабат қилмасин, деган қарор чиқарилди. Петроград халқига ўзлари сайлаган бошқармани ҳимоя қилишга чақириб янги хитобнома билан мурожаат қилиш тўғрисида резолюция қабул қилинди. Дума мажлиси узлуксиз давом этади, деган резолюция чиқарилди...

Шу маҳал дума аъзоларидан бири ?
аҳлига: Смольнийга телефон қилганини
комитет думани ўраб олиш тўғрисида
аскарлар олиб кетилишини билдирганини
Биз зинадан пастга тушганимизда қат
эшикдан кириб келаётган Рязановни учратдик
«Сизлар думани тарқатмоқ ниятидамисиз
радим мен.
«Йўғе, худо сақласин!— деб жавоб қилди у.—
англашилмовчилик борга ўхшайди... Мен бугун
шаҳар бошлиғига, думага дахл қилинмайди, деб би
эдим...»
Қош қорайиб келаётган пайтда елкаларига милтиқ
ган икки қатор велосипедчилар Невский проспектидан ўқд
учиб келар эди. Улар тўхташди. Оломон уларни ўраб олиб
савол ёғдира бошлади:
«Сизлар кимсизлар? Қаердан?»— деб сўради сигара чекиб
турган қандайдир семиз бир чол.
«Фронтдан, XII армиядан. Биз лаънати буржуазияга қарши
Советларни ҳимоя қилиш учун келдик».
Ғазабли ҳайқириқлар эшитилди:
«Ҳа-ҳа, большевик жандармалари! Большевик казаклари!»
Чарм камзулча кийган нимжон бир офицер зинапоядан чи-
қиб:
«Гарнизон иккиланиб қолди!—деди қулоғимга шивир-
лаб.— Бу — большевикларнинг умри тугади демакдир. Кайфи-
ятнинг қандай ўзгаришини кўрмоқ истайсизми? Юринг!»
У Михайловск проспектидан югурганича кетди, биз унинг
орқасидан борардик...
«Бу қайси полк?»
«Броневиклар»... Аҳвол ниҳоятда чигаллашган эди. Вазият-
нинг калиди броневиклар қўлида эди: броневиклар ким тара-
фида бўлса, ўшалар бутун шаҳарга хўжайин бўла оларди.
«Музокара учун уларнинг олдига ҳимоя қилиш Комитети ва
думадан комиссарлар жўнади. Уларда митинг бўлмоқда, бу
митинг масалани бир ёқлик қилиши лозим эди».
«Нимани бир ёқлик қилиш учун? Кимнинг томонида туриб
жанг қилиш масаласинними?»
«Йўғе! Ишни бундай ҳал қилиб бўлмайди. Улар ҳеч қачон
большевикларга қарши жанг қилмайдилар. Улар бетараф қо-
лиш масаласинигина ҳал қиладилар, шунда эса юнкерлар ва
казаклар...»
Баҳайбат Михайловск манежининг* эшиги ланғиллаб оч-
либ ётарди. Икки соқчи бизни тўхтатмоқчи бўлди, лекин биз
уларнинг қичқириғига парво қилмай, ғириллаб ёнидан ўтиб

---

* Манеж — от ўргатиладиган, отлиқ аскарлар машқ ўтказилган жой.— *Тарж.*

Жанговар фронт душманларга ва хоинларга зўр даҳшат ва нафрат билан қарайди. Уларнинг қатл ва ғоратлари, ваҳшийликлари, енгилган, аммо таслим бўлмаганларга нисбатан немисча муносабатлар бутун Россияни улардан четлаштирди.

Гражданлар, солдатлар, Петроград гарнизонининг шавкатли казаклари, тезлик билан менинг ҳузуримга ўз вакилларингизни юборингиз, токи мен бекорга гуноҳсиз қонлар тўкилмаслиги учун кимлар озодлик ва ватан хоини, кимлар хоин эмаслигини билиб олай...»

Худди шу пайтда бинони қизил гвардиячилар қуршаб олгани тўғрисида овозалар тарқалди. Енгига қизил латта боғлаб олган офицер ичкари кириб, шаҳар бошлиғини сўради. Бир неча минутдан кейин у қайтиб ўтди, унинг кетидан эса кекса Шрейдер дарҳол ўз кабинетидан чиқди.

У дам қизариб, дам бўзариб: «Думанинг ошиғич мажлиси! Тезлик билан!»— деб қичқирди.

Қатта залда кетаётган мажлис бўлинди: «Барча дума аъзолари ошиғич мажлисга!»

«Ўзи нима гап?»

«Билмадим... Бизларни қамоққа олишмоқчи!.. Думани тарқатиб юборишмоқчи...

Думанинг ҳамма аъзоларини эшик олдида қамоққа олишяпти...»— ҳаяжонли гаплар ана шундай эди.

Николай залида оёқ босгудек жой йўқ эди. Шаҳар бошлиғи: ҳамма эшиклар олдига аскарлар қўйилган, улар на ташқарига чиқаради, на ичкарига киргизади. Комиссар эса, ҳаммани қамоққа оламан, шаҳар думасини тарқатиб юбораман деяпти, деди. Ёлғиз минбардангина эмас, балки халойиқ ичидан ҳам ихтиросли нутқлар бошланди. «Эркин сайланган шаҳар бошқармасини *ҳеч қандай* ҳокимият тарқатиб юбора олмайди; шаҳар бошлиғи ва дума аъзоларининг ҳаммаси дахлсиздир; зўравонларни, провакаторларни ва герман агентларини ҳеч қачон танимаймиз; улар бизни тарқатиб юбормоқчи бўлиб қўрқитадилар, майли уриниб кўрсинлар; улар бизнинг жасадларимиз устидан ўтибгина бу залга киришлари мумкин, биз бунда вандалларнинг бостириб киришини қадимги Рим сенаторларидек шаън-шавкат билан кутиб турамиз...

Юз бераётган ҳодисаларни бутун Россиядаги шаҳар думалари ва земстволарга дарҳол телеграф орқали маълум қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди... На шаҳар бошлиғи ва на дума раиси Ҳарбий-революцион комитет вакиллари билан ёки Халқ Комиссарлари Совети деб аталувчилар билан ҳеч қандай муносабат қилмасин, деган қарор чиқарилди. Петроград халқига ўзлари сайлаган бошқармани ҳимоя қилишга чақириб янги хитобнома билан мурожаат қилиш тўғрисида резолюция қабул қилинди. Дума мажлиси узлуксиз давом этади, деган резолюция чиқарилди...

Шу маҳал дума аъзоларидан бири залга кириб, мажлис аҳлига: Смольнийга телефон қилганини ва Ҳарбий-революцион комитет думани ўраб олиш тўғрисида буйруқ бермаганини, аскарлар олиб кетилишини билдирганини айтди.

Биз зинадан пастга тушганимизда қаттиқ ҳаяжон ичида ташқидан кириб келаётган Рязановни учратдик.

«Сизлар думани тарқатмоқ ниятидамисизлар?»— деб сўрадим мен.

«Йўғе, худо сақласин!— деб жавоб қилди у.— Бунда бир англашилмовчилик борга ўхшайди... Мен бугун эрталабоқ шаҳар бошлиғига, думага дахл қилинмайди, деб билдирган эдим...»

Қош қорайиб келаётган пайтда елкаларига милтиқ осган икки қатор велосипедчилар Невский проспектидан ўқдай учиб келар эди. Улар тўхташди. Оломон уларни ўраб олиб, савол ёғдира бошлади:

«Сизлар кимсизлар? Қаердан?»— деб сўради сигара чекиб турган қандайдир семиз бир чол.

«Фронтдан, XII армиядан. Биз лаънати буржуазияга қарши Советларни ҳимоя қилиш учун келдик».

Ғазабли ҳайқириқлар эшитилди:

«Ҳа-ҳа, большевик жандармалари! Большевик казаклари!»

Чарм камзулча кийган нимжон бир офицер зинапоядан чиқиб:

«Гарнизон иккиланиб қолди!—деди қулоғимга шивирлаб.— Бу — большевикларнинг умри тугади демакдир. Кайфиятнинг қандай ўзгаришини кўрмоқ истайсизми? Юринг!»

У Михайловск проспектидан югурганича кетди, биз унинг орқасидан борардик...

«Бу қайси полк?»

«Броневиклар»... Аҳвол ниҳоятда чигаллашган эди. Вазиятнинг калиди броневиклар қўлида эди: броневиклар ким тарафида бўлса, ўшалар бутун шаҳарга хўжайин бўла оларди. «Музокара учун уларнинг олдига ҳимоя қилиш Комитети ва думадан комиссарлар жўнади. Уларда митинг бўлмоқда, бу митинг масалани бир ёқлик қилиши лозим эди».

«Нимани бир ёқлик қилиш учун? Кимнинг томонида туриб жанг қилиш масаласинними?»

«Йўғе! Ишни бундай ҳал қилиб бўлмайди. Улар ҳеч қачон большевикларга қарши жанг қилмайдилар. Улар бетараф қолиш масаласинигина ҳал қиладилар, шунда эса юнкерлар ва казаклар...»

Баҳайбат Михайловск манежининг* эшиги ланғиллаб очилиб ётарди. Икки соқчи бизни тўхтатмоқчи бўлди, лекин биз уларнинг қичқириғига парво қилмай, ғириллаб ёнидан ўтиб

---

* Манеж — от ўргатиладиган, отлиқ аскарлар машқ ўтказилган жой.— *Тарж.*

кетдик. Манеж ичига катта бино шипига осилиб турган ягона фонарнинг хира нурлари тушиб турарди. Қоронғулик ичида қирраси баланд устунлар ва деразалар ғира-шира кўринарди. Ҳамма ёқда баҳайбат броневиклар кўзга чалинарди. Броневиклардан бири бинонинг ўртасида, фонарь тагида турарди. Унинг атрофида кул ранг қизғишроқ форма кийган икки минг чоғлиқ солдат худди бу бинога сингишиб кетгандек уймалашиб турарди. Броневикнинг тепасида ўн иккитача одам — офицерлар, солдатлар комитети раиси, нотиқлар бор эди. Алла қандай бир ҳарбий киши броневик башнясининг ўртасига чиқиб олиб, нутқ сўзламоқда эди. Бу одам — броневик қисмларининг ёз ойида чақирилган Бутун Россия съездининг раиси Ханжонов эди. Унинг қомати келишган, хипча, чарм камзулчасининг елкаларида поручик погони бор эди. У бетараф қолишни ёқлаб, ишончли қилиб чиройлик нутқ сўзламоқда эди.

«Ўз бирodарлари бўлган русларни ўлдириш,— деди у,— руслар учун даҳшатлидир. Подшога қарши елкама-елка туриб курашган, тарих саҳифасига кирадиган жангларда ташқи душманни елкама-елка туриб савалаган солдатлар ўртасида гражданлар уруши чиқмаслиги лозим! Сиёсий партиялар орасидаги бу машмашаларга биз солдатларнинг нима дахлимиз бор? Муваққат ҳукумат демократик ҳукумат эди деб айта олмайман; биз буржуазия билан коалиция тузишни истамаймиз, ҳеч ҳам истамаймиз. Аммо бизга бирлашган демократия ҳукумати зарур, акс ҳолда Россия маҳв бўлажак! Шундай ҳукумат бўлган тақдирдагина гражданлар уруши ва ўз бирodарларининг қонини ичиш бўлмайди».

Унинг нутқи ишонтирарли бир овоз билан янгради. Катта зал ичи қарсак ва маъқуллаш садоларига тўлди.

Башня устига ҳаяжонланган ва ранги ўчган бир солдат чиқди. «Ўртоқлар!— деб қичқирди у.— Мен бари гапни сизларга астойдил тушунтирмоқ учун Руминия фронтидан келдим: албатта сулҳ тузиш керак! Дарҳол сулҳ тузиш керак! Кимики бизга сулҳ берса, большевикларми ёки янги ҳукуматми, биз ўшанинг орқасидан борамиз. Бизларга сулҳ беринглар! Биз фронтда ортиқ уруша олмаймиз, немисларга қарши ҳам, русларга қарши ҳам уруша олмаймиз...» Шу гапларни гапириб у пастга тушиб кетди. Халойиқ унинг гапини маъқуллагандек, онда-сонда қарсак чалиб қўйди. Мудофаачи-меньшевик сўзга чиқиб, иттифоқчилар ғалаба қозонгунча, урушни давом эттириш керак дейиши билан залда катта ғала-ғовур кўтарилди. Бу ғала-ғовур ғазаб ва нафрат ифодаси эди.

«Сиз худди Керенскийга ўхшаб гапиряпсиз!»— деди кимдир биров қичқириб.

Сўнгра дума вакили чиқиб сўзлади. У солдатларга бетараф қолишни маслаҳат берди. Халойиқ унинг гапига ишонар-ишонмас қулоқ солар, бир-бири билан шивирлашар ва уни бегонадек ҳис қиларди. Мен бу қадар қаттиқ туриб,

масалани англашга ва ҳал этишга уринган одамларни ҳеч қачон кўрмаган эдим. Улар индамай қотиб туришар, қошларини чимириб, нотиқларнинг гапини даҳшатомуз бир диққат билан тинглар, пешоналарини тер босган эди. Уларнинг кўзлари маъсум гўдакнинг кўзига ўхшарди, чеҳралари эса, қадим афсонавий паҳлавонларни эслатарди...

Сўнгра шу қисмдан бўлган бир большевик солдат чиқиб гапирди. Унинг нутқи ғазаб ва нафрат билан тўлган эди. Мажлис ҳали унинг гапини унча хайрихоҳсизлик билан тингларди. Унинг нутқи бу одамларнинг кайфиятига унчалик мос келмасди. Уларнинг бири шу пайтда кундалик оддий ташвишлар доирасидан четга чиққан эди. Революциянинг ҳаёт-мамоти гўё уларнинг броневикига боғлиқ бўлиб қолгандек, улар эндиликда Россия ҳақида, социализм ҳақида ва бутун дунё ҳақида ўйлай бошладилар.

Оғир сукунат ичида нотиқлар бирин-кетин чиқиб сўзлай бердилар. Маъқуллаш садолари норозилик садолари билан алмашиниб турди. Чиқиб гапирсамми, йўқми? Хуш чеҳра Ханжанов яна чиқиб, ишонтирарли оҳангда нутқ сўзлади. Лекин сулҳ ҳақида қанча гапирмасин, охир у ўзи офицер ва мудофаачи эмасми? Василеостровсклик бир ишчи чиқиб нутқ сўзлади. Унинг гапини: «Хўш, *сиз,* ишчилар бизларга сулҳ берасизларми?»—деган қичқириқлар билан қаршиладилар. Бизнинг яқинимизга бир неча одам — аксариси офицерлар тўпланди. Улар жўрттага шовқин-сурон кўтариб, бетарафлик тарафдорларининг ҳаммасини шовқин-сурон билан олқишладилар. Улар: «Ханжанов! Ханжанов!»— деб қичқирар ва сўзга чиққан большевикларга қарши ҳуштак чаларди.

Броневик устида турган комитетчилар билан офицерлар ўртасида бирдан қизғин тортишув бошланиб кетди. Улар бир-бирларига зўр бериб қўлларини пахса қилишар, афтидан ҳеч бир муросага келиша олмаётганга ўхшардилар. Тўпланганлар бу тортишувни пайқаб қолдилар. Ҳалойиқ нима гаплигини билмоқ учун безовталаниб, ёпирилиб келди. Офицер ушлаб турган бир солдат, унинг қўлидан суғирилиб чиқди-да қўлини баланд кўтариб:

«Ўртоқлар!— деб қичқирди у.— Бу ерга ўртоқ Криленко келди, у гапирмоқчи!» Қичқириқлар, чапаклар ва ҳуштак овозлари янграйди: «Сўраймиз! Сўраймиз!» «Йўқолсин!» Ҳарбий ишлар халқ комиссари кучли гулдурос ва қичқириқлар ичида, ҳар томондан қўлтиқланган ҳолда броневик устига чиқди. Бир дақиқа нафас ростлаганидан кейин, радиатор ёнига келди, белини ушлаб, кулиб, атрофга назар ташлади. Унинг бўйи қисқа, оёқлари калта, ўзи погонсиз, ҳарбий кийим кийган, бош яланг эди.

Менга яқин турган бояги «ҳай баракаллачилар» шовқин-сурон кўтардилар: «Ханжанов! Ханжанов! Ханжанов гапирсин! Йўқолсин у! Нафасингни ўчир! Йўқолсин хоин!» Халойиқ

қайнаб гуриллади, бирдан қандайдир ҳаракат бошланди. Бизнинг устимизга бир тўда бақувват, қора қош солдатлар худди қор кўчкинидек ёпирилди. Улар ҳалойиқни нари-бери суриб, ўзларига йўл очдилар.

«Мажлисни бузаётган ким деб бақирдилар улар.— Шовқин солаётган ким? «Ҳайбаракаллачилар» бир зумда ҳар ёққа тарқалиб кетди, иккинчи тўпланмади.

«Солдат ўртоқлар!— деб гап бошлади Криленко ҳорғин бўғиқ овоз билан.— Мен яхши гапира олмайман, кечирим сўрайман. Тўрт кечадан бери мижжа қоққаним йўқ...

Ўзимнинг солдат эканимни, сулҳ тарафдори эканимни гапириб ўтириш ортиқча. Аммо мен сизга шуни айтайки, сизларнинг ва бошқа мард ўртоқларингизнинг ёрдами билан ишчи ва солдат революциясини қилиб, қонхўр буржуйлар ҳокимиятини абадий улоқтириб ташлаган большевиклар партияси барча халқларга сулҳ тузишни ваъда қилди. Ана шу ваъда бугун бажарилди!» Гулдурос олқишлар...

«Бетарафлик нималигини *ҳеч вақт* билмаган юнкерлар ва ударниклар кўчаларда бизга қарата ўқ узиб, Петроградга Керенскийни ёки ўша шайкадан бўлган бирортасини бошлаб келаётган бир пайтда, сизларни бетараф қолишга ундамоқдалар. Дон томондан Каледин ҳужум қилиб келмоқда. Фронт томондан Керенский бостириб келмоқда, Корнилов така-туркманларни оёққа турғизди ва августдаги авантюрасини яна такрорламоқчи. Меньшевиклар ва эсерлар сизлардан гражданлар уруши чиқармасликни сўрайдилар. Уларнинг ҳокимият тепасида туриб қолишларига июль ойида бошланган ўша гражданлар уруши ва ҳозиргидек буржуазия томонида туриб келганликлари имкон бермаганми эди, ахир?

Сиз муайян бир қарорга келганингиздан кейин, мен сизни қандай қилиб ишонтирай. Масала аниқ ва равшан. Бир томонда — Керенский, Каледин, Корнилов, меньшевиклар, эсерлар, кадетлар, шаҳар думаси, офицерлар... Улар сизга ўз мақсадларини жуда яхши дейдилар. Иккинчи томонда эса ишчилар, солдатлар, матрослар, камбағал деҳқонлар. Ҳукумат сизларнинг қўлингизда, сизлар вазиятнинг хўжайинисизлар. Улуғ Россия сизларники. Сизлар уни қайтариб берасизларми?»

Криленко чарчаганидан зўрға оёқ босиб турарди. Бироқ гапирган сари унинг сўзлари замиридаги чуқур самимийлик овозида аниқроқ янгларди. Нутқини тамомлагач, у гандираклаб кетиб, йиқилишига сал қолди. Юзлаб қўллар уни ушлаб қолдилар, қарсак садолари ва хурсандлик қичқириқларидан қоронғи ва шипи баланд манеж ларзага келди.

Ханжанов яна чиқиб гапирмоқчи бўлган эди, лекин мажлис аҳлининг эшитгиси келмай: «Овозга қўйилсин! Овозга қўйилсин!»— деб қичқирди. Ниҳоят, у ён бериб, резолюцияни ўқиб эшиттирди: Бронеотряд Ҳарбий-революцион комитет-

дан ўз вакилларини чақириб олади ва бошланган граждан-лар урушида ўзини бетараф деб эълон қилади.

Бу резолюцияга тарафдор бўлганлар ўнг томонга ўтсин, қарши бўлганлар эса сўл томонга ўтсин, деб таклиф қилдилар. Бошда шубҳаланиб, кутиб туришди. Кейин халойиқ уриниб, суриниб, тез-тез сўл томонга ўта бошлади. Юзлаб норғил солдатлар бир-бирларини итаришиб, ифлос, ёруғ хира тушиб турган полни гурсиллатиб ўта бошладилар. Бизнинг ёнимизда 50 кишича қолди. Улар қаттиқ туриб резолюцияни ёқладилар. Манежнинг юксак гумбазлари остида ғалаба нидоси янграганида, улар шартта бурилиб, бинодан чиқиб кетдилар. Уларнинг кўпи революциядан ҳам чекинди.

Бутун шаҳарлар, бутун округлар, бутун фронт ва бутун Россиядаги ҳар бир казармада шунақа кураш кетганини тасаввур қилинг! Тунларни уйқусиз ўтказган, ҳар бир полкда бедор юрган, бир жойдан иккинчи жойга шошилган, гапга кўндирмоқчи бўлган, баҳслашган ва дағдаға қилган Криленколарни тасаввур этингиз! Сўнгра эса барча касаба союзларининг биноларида, завод ва фабрикаларда, қишлоқларда, рус флотининг йироқ денгизлардаги жанговар кемаларида шундай ҳодисалар бўлганини кўз олдингизга келтиринг; бутун азамат Россияда нотиқларга ҳароратли кўзларини тиккан юз мингларб рус кишилари ҳақида, ҳодисаларни англамоқ ва бир қарорга келмоқ учун зўр бериб уринган, диққат билан бош қотирган ва оқибат-натижада масалани мислсиз якдиллик билан ҳал қилган ишчилар, деҳқонлар, солдатлар ва матрослар ҳақида бир ўйлаб кўрингиз. Рус революцияси ана шу тахлитда бўлган эди!

Смольнийда янги Халқ Комиссарлари Совети қизғин иш бошлаб юборди. Биринчи декрет тайёрланиб босмахонада босилмоқда ва ўша кечаси минг-минг нусхалаб шаҳарнинг бутун кўчаларига тарқатилиши ҳамда поезд билан бутун мамлакатга — жанубга ва шарққа етказилиши лозим эди:

«Бутун Россия Ишчи ва Солдат Депутатлари съезди томонидан деҳқон депутатлари иштирокида сайланган республика ҳукумати номидан Халқ Комиссарлар Совети қарор қилади:

1. Таъсис мажлисига сайловлар белгиланган муддатда, 12 ноябрда ўтказилиши лозим.

2. Барча сайлов комиссиялари, маҳаллий бошқарма муассасалари, Ишчи, Солдат ва Деҳқон Депутатлари Советлари ва фронтдаги солдат ташкилотлари белгиланган муддатда Таъсис мажлисига сайловларни эркин ва тўғри ўтказишни таъминлаш учун бутун кучларини сарфламоқлари лозим.

Россия республикаси ҳукумати номидан

Халқ Комиссарлари Совети Раиси
Владимир Ульянов-Ленин».

Шаҳар думаси биноси халқ билан қайнаб ётарди. Биз залга кириб келганимизда, Республика совети аъзоларидан бири гапирмоқда эди. Совет, деди у, ўзини тарқалган деб ҳисобламайди, балки янги бино топилгунга қадар вақтинча ўз машғулотини давом эттиришдан маҳрум этилган дебгина ҳисоблайди. Унинг оқсоқоллар комитети in corpore* ҳимоя қилиш Комитетига қўшилишга қарор қилди... Қавс ичида шуни айтиб ўтайки, бу — Россия республикаси Советининг номи тарихда сўнгги марта тилга олиниши эди.

Сўнгра одат бўйича министрликлардан, Викжелдан, почта-телеграф хизматчилари союзидан кетма-кет делегатлар чиқиб сўзлади. Буларнинг ҳаммаси большевик ғасбкорлар учун ишлашга хушлари йўқлигини қайта-қайта юз марталаб такрорладилар. Қишки саройни ҳимоя қилган юнкерлардан бири ўзининг ва шерикларининг қаҳрамонлиги тўғрисида, шунингдек қизил гвардиячиларнинг номуносиб хатти-ҳаракатлари тўғрисида жуда баланд парвоз сўзлар билан сафсата сотди. Мажлисдагилар, шубҳасиз, унинг ҳар бир сўзига ишондилар. Кимдир биров эсерларнинг «Народ» газетаси ҳисобини ўқиб берди. Унда Қишки саройнинг тор-мор келтирилганлиги ва талон-торож қилинганлиги тўғрисида ҳамда 500 миллион сўм зарар етказилгани ҳақида мукаммал ёзилган эди.

Вақт-вақти билан алоқачилар келиб турар ва ўзларининг телефон орқали қабул қилган янгиликларини келтирардилар. Большевиклар социалист министрлардан тўрттасини тюрьмадан озод қилиб юбордилар. Криленко Петропавловск қалъасига бориб адмирал Вердеревскийга денгиз ишлари министри қочиб кетди, мен халқ комиссарлари Совети вакили сифатида сиздан Россияни қутқариб қолиш учун министрликка раҳбарлик қилишни ўз зиммангизга олишингизни илтимос қилиб келдим, депти. Кекса денгизчи рози бўлипти... Керенский Гатчинанинг шимолидан ҳужум қилиб келмоқда, большевик гарнизонлари эса ундан чекинмоқда эмишлар. Смольний шаҳар думаларининг озиқ-овқат соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтирадиган янги декрет чиқарган эмиш.


Бу сўнгги хабар беадаблик деб топилиб, қаттиқ норозиликларга сабаб бўлди. Ленин — ғасбкор ва зўравон, унинг комиссарлари шаҳар гаражини қўлга олиб, шаҳар омборларига бостириб кирган, таъминот комитети ва озиқ-овқатни тақсимлаш ишларига аралашган эркин, мустақил ва автоном шаҳар бошқармасининг ваколатини чеклашга жасорат этибди! Дума аъзоларидан бири муштларини дўлайтириб, агар большевиклар таъминот комитети ишига аралашар экан, шаҳарга озиқ-овқат етказиб беришни бутунлай тўхтатиш керак, деган мазмунда таклиф киргизди... Фавқулоддда озиқ-овқат комитетининг бошқа бир вакили, таъминот масаласи жуда

---

* Тўла составда (лотинча).— *Ред.*

олиш, бир, деб хабар қилди ва озиқ-овқатларни келтиришни тез ташкиллаштириш учун комиссарлар юборишни илтимос қилди.

Дедюшенко оғиз кўпиртириб, гарнизон иккиланиб қолди, деди. Семёнов полки эсерлар партиясининг бутун буйруқларига бўйсунишга қарор қилган; Невада турган миноносецлар матрослари дудмал бир кайфиятда, деди. Пропаганда олиб бормоқ учун дарҳол комитет аъзоларидан етти киши тайинланди...


Комиссаръ
Гадскаго Управленія до-
мовъ закономія
Петроградъ Сиольный
Институтъ, комн. № 56.

ПРОПУСКЪ

Представителю Бюро Рабочихъ Соціалистическихъ газетъ ДЕЛО НАРОДА РАБОЧАЯ ГАЗЕТА во всѣ части Городского управленія Петрограда и Кронштата, для общаго ознакомленія положенія вопроса и широкаго общественнаго освѣдомленія въ цѣляхъ прекращенія газетной травли противъ демократіи.

Комиссаръ
Секретарь

Жон Ридга ҳамма тақиқланган жойларга кира олиш учун берилган пропуска.

Шу онда қариб, мункиллаган шаҳар бошлиғи минбарга чиқади. «Ўртоқлар ва гражданлар! Петропавловск қалъасига қамалганларнинг ҳаммаси катта хавф остида эканлигини ҳозиргина эшитиб қолдим. Большевик соқчилар Павлов мактабининг ўн тўрт юнкерини қип-яланғоч қилиб, хўб қийнапти. Улардан бири жинни бўлиб қолипти. Соқчилар министрларни ур калтак қилиш билан таҳдид этмоқдалар». Даҳшат ва ҳайжон қичқириқлари кўтарилди. Кул ранг кийим кийган, паст бўйли, чорпахил аёл сўз сўраганида, бу шов-шув яна ҳам кучайди. Бу аёл кекса революционер, большевикларнинг думадаги аъзоси Вера Слуцкая эди. У тўрт тарафдан ёғдирилган ҳақоратларга парво қилмай, ўзининг қўнғироқдек овози билан: «Бу ёлғон ва провокация! — деди.— Ўлим жазосини бекор қилган ишчи-деҳқон ҳукумати бундай ишларга мутлақо йўл қўя олмайди. Биз бу хабарларнинг тездан текширилишини талаб қиламиз, агар бу хабарда андак ҳақиқат асари бўлса, ҳукумат энг кескин чоралар кўради!»

Шу оннинг ўзидаёқ барча партияларнинг вакилларидан иборат шаҳар бошлиғи раислигида махсус комиссия тайинланди. Бу комиссия Петропавловск қалъасига жўнаб кетди. Биз ўша комиссиянинг кетидан бордик. Бу вақтда эса дума

Керенскийни қарши олмоқ учун бошқа комиссия сайлади. Бу комиссия Керенский пойтахтга кирганида, қон тўкилмаслик ҳаракатини қилиши лозим эди...

Биз Петропавловск қалъасининг дарвозасини қўриқлаб турган соқчилар ёнидан бир амаллаб ўтиб олганимизда, қоқ ярим кеча эди. Кейин онда-сонда электр чироқлари билан ёритилган катта ҳовли ичидан юриб кетдик. Биз собор девори тагидан ўтдик. Бино чўққисидаги келишган зарҳал найза ва ҳар куни туш пайтида ҳалигача «Эй бор худоё, подшоҳимизни ўз паноҳингда асра!»* деб чолиб турган курантлар остида рус императорларининг қабрлари бор... Ҳамма ёқ бўм-бўш, кўпчилик ойналар қоронғи эди. Биз вақт-вақти билан қоронғилик ичида секин юриб турган ва бизнинг ҳамма саволларимизга «Билмайман» деб жавоб қилувчи барваста одамларга дуч келардик.

Сўл томонда Трубецкий бастионининг пастаккина, қора расми кўзга чалинарди. Бу чор ҳукумати даврида қурбон бўлган ёки ақлдан озган, лекин хотираси абадий сақланган кўпгина фидокор революционерларнинг қабри эди. Март кунларида Муваққат ҳукумат бу жойга подшо министрларини қамади, энди эса большевиклар бу ерга Муваққат ҳукумат министрларини қамадилар.

Қандайдир бир матрос танга-чақа зарб қиладиган зарбхона ёнидаги кичкина уйга жойлашган комендатурага мулозимат билан бизни бошлаб олиб борди. Иссиқ ва тамаки тутуни босган хона ичида вақиллаб қайнаб турган самовар атрофида ўн икки чоғлиқ қизил гвардиячи, матрос ва солдатлар ўтиришарди. Улар бизни самимий кутиб олиб, чойга таклиф қилдилар. Комендант йўқ эди. У юнкерлар ўлдирилди деб тасдиқлаган дума саботажчилари комиссиясини кузатиб қўйгани кетган экан. Бу ҳодиса солдат ва матросларга жуда ғалати туюлипти. Бурчакда сюртук ва қимматбаҳо пўстин кийган тақир бош пастаккина бир одам ўтирарди. У мўйловларининг учини тишлар ва қувлаб ушланган ҳайвон сингари ер остидан қараб-қараб қўярди. Уни ҳозиргина қамоққа олган эдилар. Кимдир унга илтифотсиз назар ташлаб, бу одам қандайдир министр ёки шунга ўхшаш бир одам, деди... Бу одам уларнинг гапини эшитмаганга ўхшади. Гарчи ҳеч ким унга душманлик кўзи билан қарамаса ҳам, унинг қути ўчган эди.

Мен унинг ёнига бориб, французчалаб гапирдим. «Граф Толстойман,— деди у менга таъзим қилиб.— Нима учун мени қамаганларини тушуна олмайман. Мен Троицк кўпригидан ўтиб, бамайли хотир уйга кетаётган эдим. Мановилардан... э-э... иккитаси мени ушлаб олишди. Мен Муваққат ҳукуматнинг бош штаби қошидаги комиссари эдим, аммо ҳеч қачон министр бўлган эмасман...»

---

* Петропавловск соборининг курантлари «Коль славен...» гимнини чалардилар.— *Ред.*

«Қўйиб юбор,— деди матрослардан бири.— Бунинг нимасидан қўрқамиз?..»

«Йўқ,— деди маҳбусни келтирган солдат.— Комендантдан сўраш керак».

«Комендантдан?— мийиғидан кулди матрос.— Нима учун биз революция қилдик? Яна офицерларга итоат этиш учунми?»

Павловск полкининг прапоршчиги бизга қузғолоннинг қандай бошланганини гапириб берди: «6 ноябрь (24 октябрь)га ўтар кечаси полк Бош Штабда навбатчиликда турган эди. Мен бир неча шерикларим билан қоровулда эдим. Иван Павлович, яна бир ўртоқ — номи эсимда йўқ — штаб мажлис қилаётган хонанинг дераза пардалари орқасига яшириниб, у ерда жуда кўп жиддий гапларни эшитиптилар. Масалан, улар: кечаси Гатчина юнкерларини Петроградга олиб келиш ва казакларнинг эрталаб ҳаракат қилишга тахт бўлиб туришлари тўғрисидаги буйруқларни эшитиптилар. Шаҳарнинг бутун асосий жойлари тонг отгунча ишғол қилиниши лозим эди. Шундан кейин штабдагилар кўприкларни кўтариб қўйишлари лозим эди. Бироқ Смольнийни қуршаб олиш тўғрисида гап очганларида, Иван Павлович чидаб тура олмапти. Шу вақт ичкарига кўп одам кириб-чиқиб турарди.

Шунда у пайт пойлаб хонадан навбатчи хонага ўтиб олипти, бошқа ўртоғи гапга қулоқ солиб қолипти.

Мен бунда нима устидадир бош қотирилаётганидан шубҳаланиб қолдим. Штабга автомобилларда доим офицерлар келиб турар, министрларнинг ҳаммаси ҳам шу ерда эди. Иван Павлович бутун эшитган гапларини менга айтиб берди. Соат икки ярим, саҳар пайти эди... Полк комитети секретари ҳам биз билан бирга эди. Биз унга бутун воқеани айтиб, нима қилайлик, деб сўрадик.

«Кириб-чиқиб турганларнинг ҳаммаси қамоққа олинсин,— деб жавоб қилди у.— Биз худди шундай қилдик. Икки соатдан кейин бир неча офицер ва икки министрни тутиб олиб, уларни тўппа-тўғри Смольнийга жўнатдик. Бироқ Ҳарбий-революцион комитет ҳали тайёр эмас эди: нима қилишини билмасди. У ердан дарҳол буйруқ келди, буйруқда қамалганлар бўшатиб юборилсин ва энди ҳеч ким ушланмасин дейилган эди.

Биз бутун йўл бўйи чопиб, Смольнийга қараб кетдик. Биз уларга, уруш бошланди деган гапни тушунтиргунимизча, назаримда, бир соатча вақт ўтди. Биз штабга соат бешдагина қайтиб келдик. Бу вақт ичида бутун қамалганлар қўйиб юборилган эди. Аммо биз, ҳар қалай, баъзи бирларини ушлаб қолдик, бутун гарнизон эса шайланиб турарди...»

Васильевский оролидан келган бир қизил гвардиячи ўз районида улуғ қўзғолон кунининг қандай ўтганини батафсил гапириб берди: «Бизда битта ҳам пулемёт йўқ эди,— деди у кулиб туриб,— Смольнийдан ҳам ололмадик. Район бошқар-

масининг бошлиғи ўртоқ Залкинд, бизда бошқарманинг мажлислар залида немислардан тортиб олинган пулемёт бор эди, деб эсга солди. Биз ёнимизга у билан бирга яна бир ўртоқни олиб, ўша ёққа жўнадик. У ерда меньшевик ва эсерлар мажлис қилмоқда эди. Ҳай майли, деб эшикни очиб, тўппатўғри устларига бостириб кирдик. Улар ўн икки-ўн беш кишидан иборат бўлиб стол теварагида ўтиришарди. Биз эса атиги уч киши эдик. Бизларга кўзлари тушиши биланоқ, улар жим туриб қолишди. Биз тўғри хонанинг ичидан ўтиб, пулемётни қисмларга ажрата бошладик. Ўртоқ Залкинд бир қисмини, мен эсам бошқа қисмини елкага кўтардик-да, у ердан чиқиб кетдик... Ҳеч ким бизга ғиринг демади!»

Қишки саройнинг қандай олинганини биласизми?— деб сўраб қолди бир матрос.— Соат ўн бирларда қарасак, Нева томонда биронта ҳам юнкер қолмапти. Шунда биз эшикдан ёпирилиб кириб, баъзи биримиз якка-якка ва баъзи биримиз тўда-тўда бўлиб, зинапоядан юқорига чиқиб бордик. Юқоридаги саҳнда юнкерлар ҳаммани тўхтатиб, милтиқларни тортиб олиб қўйдилар. Аммо йигитларимиз келаверди, биз кўпайишиб кетдик. Кейин биз юнкерларга ҳужум қилиб, милтиқларини тортиб олдик...»

Шу пайт қўлини боғлаган ёшгина, ҳушчақчак унтер-офицер комендант кириб келди. Уйқусизликдан унинг кўзлари ич-ичига тушиб кетган эди. У махбусга назар ташлади-да, шошиб-пишиб тушунтира кетди.

«Ҳа, ҳа,— деб унинг гапини бўлди комендант.— Сиз чоршанба куни штабни бизга таслим этишдан бош тортган комитетнинг аъзоси бўласиз. Лекин сизнинг бизга керагингиз йўқ, гражданин. Кечирим сўраймиз...» У эшикни очиб, қўл ҳаракати билан граф Толстойга, сиз озодсиз, деб кўрсатди. Бу ерда ҳозир бўлганлардан баъзилари, хусусан қизил гвардиячилар андак норозилик билдирдилар. Матрос эса керилиб: «Мана!.. Мен нима деб эдим?» — деди.

Икки солдат комендантга мурожаат қилди ва қалъа гарнизони номидан норозилик билдирди. «Қамалганлар,— деди улар,— соқчилар билан тенг паёк оладилар, ҳолбуки бу паёк қорин тўйғазишга ҳам етмайди. Контрреволюционерларни тантиқлантириб ўтиришнинг нима ҳожати бор?»

«Ўртоқлар. бизлар босқинчи эмасмиз, революционерларимиз,— деб жавоб қилди комендант уларга. У бизга юз ўгириб қарайди. Биз унга шаҳарда қамалган юнкерлар қийноққа солинаётган эмиш, министрлар эса ўлим хавфи остида эмиш, деган овозалар тарқалганини айтдик. Ҳақиқатни оламга ошкора айтиш учун, қамоқдагиларни кириб кўришимизга рухсат берилмасмикан, деб сўрадик...

«Йўқ!— деб зарда билан жавоб қилди ёш бир солдат.— Қамоқдагиларни ортиқ безовта қилолмайман. Мен ҳозиргина уларни уйқудан уйғотдим, улар ҳозир бизнинг ҳаммамизни

ўлдиришади, деб ўйладилар... Аммо юнкерларнинг кўпи қўйиб юборилди, қолганлари эса эртага бўшатиб юборилади». Бу гапни айтиб у биздан юзини шартта ўгирди.

«Ундай бўлса, дума комиссияси билан бир гаплашиб кўрсак қандай бўлар экан?»

Шу пайт ўзига стаканда чой қуйиб турган комендант бош чайқади ва илтифотсизлик билан: «Улар ҳали ўша ерда, залда»,— деди.

Дарвоқе, улар эшик орқасида турган экан, чироқнинг хира ёруғида шаҳар бошлиғини қуршаб олиб, ҳаяжон билан нимадиндир унга гапиришмоқда эди.

«Жаноб шаҳар бошлиғи,— дедим мен.— Биз Америка мухбирларимиз. Текширишларингизнинг натижаларини бизга расмий равишда лутфан маълум қилолмайсизми?..»

У сиполик билан юзини бизга ўгирди.

«Бу хабарларнинг ҳеч бирида андак бўлса-да ҳақиқат асари йўқ,— деди у секингина.— Министрларни бу ёққа олиб келаётган вақтда юз берган можаролар бундан мустаснодир. Улар билан доим яхши муомалада бўлиб келинмоқда. Юнкерларга келсак, уларнинг ҳеч бири заррача ҳам ярадор қилинмаган...»

Тунги сукунат ва қоронғилиқ ичида Невский проспектидан *беҳисоб солдатлар колоннаси индамай* Керенскийга қарши жангга борарди. Чироқлари ўчирилган автомобиллар тор кўчалардан тўрт томонга елиб-югурар эди; фонтанка кўчасидаги 6-уйда, деҳқон депутатлари Советининг штаб-квартирасида, Невский проспектидаги катта уйнинг баъзи бир квартираларида ва Инженерний қалъасида жиддий махфий иш кетмоқда эди. Шаҳар думасида бошдан-оёқ чироқлар ёниб ётарди...

Смольнийда эса Ҳарбий-революцион комитет иш кўрар, ундан худди динамомашинадан чиққандек учқунлар ҳар томонга сочилиб турарди...

VII БОБ

РЕВОЛЮЦИОН ФРОНТ

Шанба, 10 ноябрь (28 октябрь)...

«Гражданлар!

Ҳарбий-революцион комитет шуни билдирадики, у революцион тартибнинг ҳеч қандай бузилишига чидаб тура олмайди...

Ўғрилик, талончилик, босқинчилик ва погромлар қилиш қаттиқ жазоланади...

Комитет Париж коммунасидан ибрат олиб, барча талончиларни ва тартиб бузувчиларнинг ҳомийларини шафқатсиз равишда йўқотади...»

Шаҳар тинчиб қолди: на тартибсизлик, на талончилик, ва на маст бўлиб муштлашишлар сезилмайди. Кечалари сукунат қўйнидаги кўчаларда қуролли патруллар юрар, барча чорраҳаларда эса солдат ва қизил гвардиячилар кулишиб ва қўшиқлар айтишиб, гулханлар олдида навбатчилик қилишарди. Кундуз кунлари тротуарларга тўпланган кўпчилик одамлар студентлар билан солдатлар, савдогарлар билан ишчилар ўртасидаги битмас-туганмас қизғин баҳсларга қулоқ солиб турардилар.

Гражданлар бир-бирларини кўчаларда тўхтатишарди:

«Казаклар бостириб келяптими?»

«Йўқ...»

«Қандай янгиликлар бор?»

«Ҳеч нарсадан хабарим йўқ... Керенский қаерда экан?»

«Айтишларига қараганда, Петроградда атиги саккиз чақирим нарида эмиш... Большевикларнинг «Аврора» кемасига қочиб яширинганликлари ростмикин-а?»

«Шундай гаплар бор...»

Ҳамма деворларга декретлар, хитобномалар, чақириқлар ёпиштирилиб ташланган, аммо газеталар оз...

Катта бир плакатда Бутун Россия деҳқон депутатлари Совети ижроия комитетининг ғазаб билан тўлган баёноти чиқарилган:

«...Улар (большевиклар) ўзларининг гўё деҳқон депутатлари Советларига суянганликлари тўғрисида гапиришга журъат этадилар. Уларнинг бунга ҳеч қандай ваколатлари бўлмасада, деҳқон депутатлари Советлари номидан гапирадилар. Бунинг ёлғонлигини бутун Россия меҳнаткашлари билиб қўйсинлар ва бутун меҳнаткаш деҳқонлар — Бутун Россия деҳқон депутатлари Советининг Ижроия Комитети уюшган деҳқонларнинг, барча меҳнаткашларнинг иродаларига зўрлик қилувчи бу жиноий ишда ҳар қандай иштирок этишларни нафрозилик билан рад этади».

Социалист-революционерлар партиясининг ҳарбий секцияси томонидан чиқарилган плакатда шундай дейилади:

«...Большевикларнинг ножўя уринишлари ҳалокат ёқасида. Гарнизонларда ихтилоф ва тушкинлик ҳукм сурмоқда. Министрликлар ишламай қўйди. Ғалла тамом бўлиш олдида. Бир ҳовуч максималистлардан ташқари, барча фракциялар съездни ташлаб чиқиб кетди. Большевиклар партияси яккаланиб қолди...

Ватанни ва революцияни ҳимоя қилиш Комитети тевараги га бирлашишни... ва Марказий Комитетнинг чақириғига биноан зарур пайтда актив қаршилик кўрсатишга тайёр туришни таклиф этамиз...»

Республика Совети аламини қуйидаги хитобномада баён қилган:

«...Россия Республикасининг муваққат Совети найзаларининг зарбига бардош бера олмай, 25 октябрда тарқалиб кетишга ва вақтинча ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

Ҳокимиятни босиб олганлар «озодлик ва социализм» сўзлари ниқоби остида зўравонлик ва ўзбошимчалик қилмоқдалар. Улар Муваққат ҳукумат аъзоларини, шунингдек социалист министрларни ҳам подшо зиндонига қамадилар. Улар газеталарни ёпдилар, босмахоналарни тортиб олдилар.

Бундай ҳокимиятни халққа ва революцияга душман деб билмоқ зарур, у билан курашиш, уни ағдариб ташлаш лозим.

Республика муваққат Совети ўз фаолиятини қайта бошлагунча, Россия республикаси гражданларини ватанни ва революцияни ҳимоя қилиш маҳаллий комитетлари тевараги га уюшишга чақиради. Бу комитет большевиклар ҳокимиятини йиқитиш ишини уюштиради ва қийналган мамлакатни Таъсис мажлиси чақирилгунча, суяб олиб боришга қодир бўлган ҳукуматни тузади».

«Дело Народа» шундай дейди:

«...Революция *умумхалқ* қўзғолони демакдир...

Ленин, Троцкий ва шу сингари жанобларнинг «иккинчи революцияси»ни кимлар таниди? Уларнинг алдовига учган бир тўда ишчилар, солдатлар ва матросларгина таниди, холос, *бошқа ҳеч ким...*».

Халқ социалистлари органи бўлган «Народное Слово» эса шундай ёзади:

«Ишчи-деҳқон ҳукумати?— Пуч ҳаёл! Бу «ҳукумат»ни на Россияда, на иттифоқчи, ва на ҳатто душман мамлакатларда ҳам ҳеч ким танимайди!...»

Буржуазия матбуоти вақтинча бутунлай ғойиб бўлди.

«Правда» янги МИКнинг, Россия Совет республикаси парламентининг биринчи мажлиси тўғрисидаги ҳисоботни босиб чиқарди. Ер ишлари халқ комиссари Милютин деҳқонлар ижроия комитетининг Бутун Россия деҳқонлар съездини 13 декабрга чақирганини билдирди.

«Аммо биз кутиб тура олмаймиз,—деган эди у.—Бизга деҳқонларнинг ёрдами зарур. Мен дарҳол деҳқонлар съездини чақиришни таклиф этаман...» Бу таклифни сўл эсерлар қабул қилди. Ошиғич равишда деҳқонларга чақириқлар ёзилиб, бу лойиҳани амалга ошириш учун беш кишидан иборат комиссия сайланди.

Ерларни тақсимлаш тўғрисидаги янги қонун тафсилотларини ва ишлаб чиқариш устидан ишчилар контроллигини ўрнатиш масаласини муҳокама қилиш экспертлар комиссияси ҳисобот топширгунга қадар кечиктирилди.

Декрет тўғрисидаги масала кўрилиб, уч декрет қабул қилинди, чунончи: биринчидан, Ленининг таклифига биноан, янги ҳукуматга қаршилик кўрсатишга даъват қилувчи ёки янги ҳукуматга итоат қилмасликка чақирувчи, жиноятқорона ҳаракатларга гиж-гижловчи ёки фактларни атайлаб бузиб кўрсатувчи барча газеталарни ёпиб қўйишни кўзда тутувчи «Матбуот ҳақида умумий низом»; иккинчидан, квартира ҳақларини тўлаш муддатларини кечиктириш тўғрисидаги декрет ва учинчидан эса, ишчи милицияси тузиш тўғрисидаги декрет қабул қилинди. Бир қатор буйруқлар чиқарилди: булардан бири — шаҳар думасига бўш ҳовли-жойларни мусодара қилиш ҳуқуқини берди; иккинчи буйруқда—биринчи навбатда зарур бўлган истеъмол буюмларини ташишни тезлатмоқ ва ҳаракатдаги вагонларни тезроқ бўшатмоқ учун темир йўл станцияларида туриб қолган барча товар вагонларини бўшатиш назарда тутилган эди.

Деҳқон депутатлари ижроия комитети икки соатдан кейин бутун Россияга қуйидагича телеграмма юборди:

«Ўзини «Бутун Россия деҳқонлар съездини чақирувчи Ташкилот Бюроси» деб атовчи ғайри қонуний большевистик ташкилот Петроградга съездга етиб келиш учун барча деҳқон Советларига телеграмма юборяпти.

Деҳқон депутатлари Бутун Россия Советининг ижроия комитети Таъсис мажлисига сайловлар муносабати билан маҳаллий кучларни ҳозирги пайтда чалғитишни илгаригича зарарли ва хавфли деб ҳисоблаганини билдиради ҳамда Таъсис мажлисини эндиликда деҳқонларнинг ва мамлакатнинг

бирдан-бир нажоткори деб ҳисоблайди. Съезднинг 30 ноябрда чақирилишини тасдиқлаймиз».

Думада мисли кўрилмаган даражада жонланиш ҳукм сурарди. Алла қандай офицерлар келиб-кетиб туришарди, шаҳар бошлиғи ҳимоя қилиш комитетининг йўл бошчилари билан кенгаш ўтказмоқда эди. Бошқарманинг бир аъзоси Керенский чиқарган хитобномадан бир нусхасини кўтарганича чопиб кириб келди. Бундай хитобномаларни Невский проспекти устидан пастлаб учиб ўтган аэропланлар юз-юзлаб ташлаб ўтганлар. Хитобнома итоат қилмаганларга қаттиқ жазо чоралари кўриш билан қўрқитар ва солдатларга қуролярокларини ташлаб, дарҳол Марсовое полега тўпланишни буюрарди.

Бош министр Царское Селони ишғол қилди ва Петрограддан атиги беш мил нарида турипти, деб айтдилар. У эртага бир неча соатдан кейин шаҳарга бостириб кирар эмиш, казакларга тўқнаш келиб қолган Совет қўшинлари Муваққат ҳукумат томонига ўтяпти эмиш. Чернов эса аърофда қолиб, гражданлар урушини тўхтатишга қурби етадиган «бетараф» ҳарбий қисмлар тузаётган эмиш.

Думада айтишларига қараганда, шаҳарда гарнизон полклари большевиклардан ажралиб чиқиб кетаётган эмиш. Смольнийни ташлаб чиқиб кетиптилар... Бутун ҳукумат аппарати иш ташлапти. Давлат банкасининг хизматчилари Смольний комиссарлари раҳбарлигида ишлашдан ва уларга пул беришдан бош тортиптилар. Бутун хусусий банклар ёпилиб қолипти. Министрлик иш ташлаган. Дума комитети бутун савдо корхоналарини айланиб, иш ташлаганларга ёрдам фондига пул йиғмоқда[2].

Троцкий ташқи ишлар министрлигига бориб, сулҳ тўғрисидаги декретни ажнабий тилларга таржима қилишни чиновникларга буюрди. Олти юз чиновник истеъфога чиқиш тўғрисидаги илтимосномаларини унга рўпара қилдилар...

Меҳнат комиссари Шляпников ўз министрлигидаги барча хизматчиларга 24 соат ичида ўз вазифаларига қайтишни буюрди, акс ҳолда вазифаларингиздан ва пенсия олиш ҳуқуқидан маҳрум бўласизлар, деб таҳдид қилди. Бунга фақат швейцарларгина кўндилар... Махсус таъминот комитетининг бир қатор бўлимлари большевикларга итоат қилмаслик учун ишни ташлаб кетдилар. Катта маошлар бериш ва яхши иш шароити туғдириш тўғрисидаги ваъдаларга қарамасдан телефонистлар Совет муассасаларига хизмат қилишдан бош тортдилар...

Социалист-революционерлар партияси Советлар съездида қолган ёки қўзғолонда қатнашган ўзининг барча аъзоларини ўз сафидан чиқаришга қарор қилди...

Вилоятлардан янгиликлар эшитилди. Могилёв шаҳри ўзининг большевикларга қарши эканлигини билдирипти. Киевда казаклар Советларни тарқатиб юбориб, исёнчиларнинг

раҳбарларини қамоққа олиптилар. Луга шаҳар совети ва ўн уч минг кишилик гарнизон Муваққат ҳукуматга содиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиб, Бутун Россияни ўзига қўшилишга чақирипти. Каледин Донец ҳавзасидаги барча Советлар ва касаба союзларни тарқатиб юборипти, унинг қўшинлари шимолга томон силжиб келмоқда...

Темир йўлчилар вакили шундай деди: «Кеча биз сиёсий партиялар ўртасидаги урушларни дарҳол тўхтатиш ва коалицион ҳукумат тузиш талаби билан Бутун Россияга телеграмма юбордик. Акс ҳолда биз иш ташлаш эълон қиламиз.. Бу масалани муҳокама қилиш учун эрталаб бутун фракцияларнинг кенгаши бўлади. Большевиклар, афтидан, битимга келиш йўлини ахтаришаётган бўлсалар керак...»

«Башарти ўшангача ўзлари тирик қолса!»— деб мийиғидан кулди, тетик икки юзи қип-қизил шаҳар инженери...

Биз Смольнийга борсак, ташлаб кетилиши бир ёқда турсин, у ҳарқачонгидан ҳам жонли ва серҳаракат кўринарди. Тўда-тўда ишчилар кириб-чиқиб туришар, ҳамма жойда иккитадан пойлоқчи турарди. Бу жойда биз буржуа ва «муътадил» социалистик газеталарнинг мухбирларини учратдик.

«Бизларни ҳайдаб чиқардилар!— деб айюҳаннос солди «Воля Народа» мухбири — Бонч-Бруевич матбуот бюросига кириб, бизга: чиқиб кетинглар!— деди. У, сизлар жосуслар-сиз!— деди. Шунда ҳаммалари бараварига: «Ҳақорат! Зўравонлик! Матбуот эркинлиги!..»— деб шов-шув кўтардилар.

Вестибюлда Ҳарбий-революцион комитетнинг даста-даста қилиб тахлаб қўйилган чақириқлари, хитобномалари ва буйруқлари уйилиб ётган узун столлар турарди. Солдат ва ишчилар буларни ташлаб чиқиб, кутиб турган автомобилларга тахлардилар. Хитобномаларнинг бири шундай деб бошланган эди:

«Шармандалик дорига!

Рус меҳнаткаш халқи ўз бошидан фожиали кунлар кечираётган бир пайтда муросачи меньшевиклар ва ўнг эсерлар ишчилар синфига хиёнат қилдилар, улар корниловчилар, Керенский ва Савинков томонига ўтиб кетдилар.

Улар хоин Керенскийнинг буйруқларини босиб чиқариб, шаҳарда ваҳима туғдирмоқдалар ва бу хоиннинг хаёлий ғалабалари тўғрисида бўлмағур овозалар тарқатмоқдалар...

Граждалар! Бу беҳуда миш-мишларга ишонмангиз! Қўзголон кўтарган халқни енга оладиган куч йўқ. Керенскийни ва унинг сафдошларини тез орада ўз қилмишларига яраша қаттиқ жазо кутмоқда...

Биз уларни шармандалик дорига парчинлаб қўямиз. Биз уларни барча ишчилар, солдатлар, матрос ва деҳқонларнинг нафратига дучор қиламиз, чунки улар меҳнаткашларнинг бўйнига ўша эски занжирларни яна тақмоқчи бўладилар. Улар

халқнинг нафрат ва ғазаб тамғасини ўз пешоналаридан ҳеч қачон йўқота олмайдилар...

Халқ хоинларига нафрат ва лаънатлар бўлсин!»

Ҳарбий-революцион комитет кенгроқ бинога, юқори қаватдаги 17-хонага кўчиб чиққан эди. Унинг эшиги олдида қизил гвардиячилар соқчилик қилишарди. Хонанинг тўсиқ билан ажратилган энсиз бир томонида ўзларини юзаки жуда одобли тутган, аммо ичлари қаҳр-ғазабга тўлган ясамол одамлар кўпчилик эди. Улар автомобиллар учун ижозат ёки шаҳардан чиқиб кетиш учун пропуска олиш мақсадида кутиб турган буржуалар эди. Улар орасида ажнабийлар ҳам кўпгина эди. Комитет аъзоларидан Билль Шатов ва Петерс навбатчилик қилар эдилар. Улар ишларини бир чеккага қўйиб, бизга сўнгги бюллетенни ўқиб бердилар:

179-запас полки якдиллик билан ёрдам беришга ваъда қилади. Путилов кемасозлик корхонасининг беш мингдан иборат порт ишчилари янги ҳукуматни қутламоқда. Касаба союзлари Марказий комитети Ҳарбий-революцион комитетни шод-хуррамлик билан қутламоқда. Ревель гарнизони ва эскадраси ҳарбий-революцион комитет сайлаб, қўшин юбормоқдалар. Псков ва Минскни Ҳарбий-революцион комитетлар бошқармоқда. Царицин, Ростов-Дон, Пятигорск, Севастополь советларидан табрикномалар келмоқда... Финляндия дивизияси ҳамда V ва XII армияларда янги сайланган комитетлар ўзларини янги ҳокимият ихтиёрига топширадилар...

Москвадан келган янгиликлар мужмал. Ҳарбий-революцион комитет қўшинлари шаҳарнинг асосий стратегик жойларини ишғол қилган. Кремлни қўриқлаб турган икки рота Советлар томонига ўтган. Аммо аслаҳахона полковник Рябцев ва унинг юнкерлари қўлида қолди. Ҳарбий-революцион комитет ундан ишчилар учун қурол-яроқ талаб қилган, Рябцев эса шу бугун эрталабгача Ҳарбий-революцион комитет билан музокаралар олиб борган. Аммо эрталаб у комитетга бехосдан ультиматум юбориб, совет қўшинларининг таслим бўлишини ва комитетни тарқатиб юборишни талаб қилган. Икки орада уруш чиқди...

Петроградда штаб дарҳол Смольний комиссарларига итоат қилди. Центрофлот итоат қилишдан бош тортди, аммо у Дибенко бошлиқ Кронштадт матрослар ротаси томонидан ишғол қилинди. Болтиқ ва Қора денгизнинг катта ҳарбий кемалари қўллаб-қувватловчи янги Центрофлот тузилди...

Бироқ қандайдир туманли нохуш бир туйғу бу ишончни хира қилиб қўйди, алла қандай ташвиш сезила бошланди. Керенскийнинг казаклари яқин келиб қолган эди; уларда артиллерия бор эди. Фабрика-завод комитетларининг секретари Скрипник, Керенский билан бирга бутун бир корпус келяпти, деб мени ишонтирмоқчи бўлди, лекин ўша ҳамоно қатъий қилиб: «Улар бизни тириклайин қўлга ололмайдилар!»—

деб қўшиб қўйди. Уйқусизликдан унинг рангги сарғайиб, юзи чўзинчоқ бўлиб қолган эди. Петровский ҳорғингина жилмайиб: «Балки эртага кўз юмармиз... абадий кўз юмармиз...»— деди. Қўнғир соқол, қотмагина Лозовский: «Биз нимага ҳам умид боғлай оламиз?.. Биз ёлғизмиз... Таълим кўрган солдатлар қаршисида қолган овом халқмиз!»—деди.

Петроградцан жануб ва ғарби жануб томондаги Советлар Керенскийдан қочмоқда эдилар. Гатчина, Павловск ва Царское Селодаги гарнизонларда ихтилоф чиқди: ярми бетараф қолмоқчи бўлди, қолганлари эса офицерларсиз тартибсиз равишда пойтахтга қараб чекинди.

Залларга қуйидаги бюллетень осиб қўйилди:

«Красное Селодан. 28 октябрь*, эрталаб соат 6 да.

Қароргоҳ қўмондонлик ҳайъати, бош қўмондонлар, қўмонда составлари адресларига, ҳамма жойга, ҳаммага, ҳаммага маълум қилинсин!

Собиқ министр Керенский ҳамма жойга ва ҳаммага, революцион Петроградниng қўшинлари ихтиёрий равишда қуролярокларини топшириб, собиқ ҳукумат, яъни хоин ҳукумат қўшинларига қўшилганликлари тўғрисида, солдатларнинг чекиниш учун Ҳарбий-революцион комитетдан буйруқ олганликлари тўғрисида қасддан ёлғон телеграммалар юборибди. Озод халқнинг қўшини чекинмайди ҳам, таслим бўлмайди ҳам. Бизнинг қўшинларимиз ўзаро қон тўкмаслик ва адашган казак биродарлари билан хунрезлик қилмаслик учун, шаҳар ташқарисида қулайроқ вазият ишғол қилмоқ учун Гатчинадан чиқиб кетди. Бу вазият башарти Керенский ва унинг энг яқин сафдошлари кучларини ўн карра кўпайтирсалар ҳам, ҳеч бир ташвиш тортмайдиган даражада мустаҳкамдир. Бизнинг қўшинларимизнинг кайфияти жуда яхши, Петроградда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда.

Петроград шаҳри ва Петроград райони
мудофаасининг бошлиғи подполковник *Муравьев*».

Биз Ҳарбий-революцион комитетдан чиқиб кетаётганимизда, хонага ранги синиқиб кетган Антонов кириб келди. Унинг қўлида қандайдир бир қоғоз бор эди.


«Буни жўнатиб юборинглар!»— деди у.

«Ишчи депутатларининг барча район Советлари ва фабрика-завод комитетларига

Буйруқ

Керенскийнинг корниловчи босқинчилар тўдаси пойтахтимиз бўсағаларида таҳдид солмоқда. Халққа ва унинг қўлга киритган ғалабаларига қасд қилган контрреволюцион ерлар-

* Янги ҳисоб билан 10 ноябрда.— *Ред.*



1917 йил 25 октябрь (7 ноябрь) да В. И. Ленин томонидан „Россия гражданларига" деб ёзилган мурожаат
Кўлёзма

(IV боб, 109-бет)

От Военно-Революціоннаго Комитета при Петроградскомъ Совѣтѣ Рабочихъ и Солдатскихъ Депутатовъ.

Къ Гражданамъ Россіи.

Временное Правительство низложено. Государственная власть перешла въ руки органа Петроградскаго Совѣта Рабочихъ и Солдатскихъ Депутатовъ Военно-Революціоннаго Комитета, стоящаго во главѣ Петроградскаго пролетаріата и гарнизона.

Дѣло, за которое боролся народъ: немедленное предложеніе демократическаго мира, отмѣна помѣщичьей собственности на землю, рабочій контроль надъ производствомъ, созданіе Совѣтскаго Правительства — это дѣло обезпечено.

ДА ЗДРАВСТВУЕТЪ РЕВОЛЮЦІЯ РАБОЧИХЪ, СОЛДАТЪ И КРЕСТЬЯНЪ!

Военно-Революціонный Комитетъ
при Петроградскомъ Совѣтѣ
Рабочихъ и Солдатскихъ Депутатовъ.

25 октября 1917 г. 10 ч. утра.

(IV боб, 109-бет)

ни шафқатсиз равишда бостириш тўғрисида барча зарур буйруқлар берилди.

Революция армияси ва қизил гвардияси ишчиларнинг тезда ёрдамига муҳтождир.

Район советларига ва фабрика-завод комитетларига буюрамиз:

1) Окоплар қазиш, баррикадалар қуриш ва сим тўсиқлар қилиб мустаҳкамлаш учун кўпроқ ишчилар ажратилсин.

2) Бунинг учун фабрика ва заводларда ишни тўхтатиш керак бўлса, дарҳол ижро қилинсин.

3) Мавжуд бўлган тиконли ва оддий симларнинг ҳаммаси йиғилсин, шу билан бирга окоплар қазиш ва баррикадалар қуриш учун зарур бўлган барча асбоб-ускуналар тўпланисин.

4) Барча мавжуд қурол-яроқлар тақиб юрилсин.

5) Интизомга қатъий риоя қилинсин ва революция армиясини барча воситалар билан ҳимоя қилишга тайёр турилсин.

Петроград ишчи ва солдат депутатлари
Советининг раиси халқ комиссари *Лев Троцкий*

Ҳарбий-революцион комитет раиси
округ бош қўмондони *Николай Подвойский*».

Биз Смольнийдан чиқиб зимзиё кўчага кирганимизда, ҳар томондан фабрикаларнинг кескин, асабий, ҳаяжон билан тўлган гудок товушлари эшитилмоқда эди. Ўн минглаб эркак ва аёл ишчилар кўчаларга чиқдилар. Жулдур кийинган халойиқ шаҳарнинг безиллаб гудок чалаётган чет ёқаларидан оқиб келмоқда эди. Қизил Петроград хавф остида! Казаклар!.. Милтиқ кўтарган, лом, белкурак, ўрам-ўрам сим ушлаган, коржамалари устидан патронтош тақкан эркаклар, аёллар ва ўспиринлар лой кўчалардан жанубга ва ғарби-жанубга, Московская заставага қараб турна қатор тизилишиб кетмоқда эдилар... Шаҳар ўз-ўзидан оқиб келган бу қадар катта одамлар тўлқинини ҳеч қачон кўрмаган эди. Одамлар бамисоли дарёдек оқар, рота-рота солдатлар, замбараклар, юк машиналари, юк аравалари кетма-кет кетиб борарди. Революцион пролетариат кўкрак кериб, ишчи ва деҳқонлар республикаси пойтахтини ҳимоя қилишга бормоқда эди!

Смольний дарвозаси олдида автомобиль турарди. Катта кўз ойнак тақкан ориқ бир киши унинг қанотига суяниб турар, унинг қизарган кўзлари кўзойнак остида янада каттароқ кўринарди. Эскирган пальтосининг чўнтагига қўлини тиқиб олган бу киши зўрға бир нарсалар дер эди. Шу ернинг ўзида серсоқол ва кўзлари ўткир барваста бир матрос, безовталаниб, у ёқдан бу ёққа юриб турар ва ўзининг кўк пўлатдан ясалган, доим бирга олиб юрадиган тўппончасини, паришон-

хотир қўлида ўйнатарди. Булар Антонов билан Дибенко эдилар.

Бир неча солдат ҳарбий нусхадаги икки велосипедни автомобилнинг тагига боғламоқчи бўлдилар, аммо шофер кўнмай қаттиқ туриб олди. У, велосипедлар ишқаланиб, машинанинг бўёғини кўчириб юборади, деди. У ўзи большевик, автомобиль эса қандайдир бир буржуйдан мусодара қилиб олинган; гарчи бу велосипедларни ординарецлар минсаларда, ҳар қалай, унинг шоферлик ғурури йўл қўймайди... Шундай қилиб, велосипедлар қолиб кетди...

Ҳарбий ва денгиз ишлари халқ комиссарлари, қаерда бўлмасин, революцион фронтни назорат қилгани кетаётган эдилар. «Улар билан бирга кетсак бўлармикин?»—«Албатта йўқ! Автомобилда беш кишилик жой бор, холос — икки комиссар, икки ординарец ва бир шофер сиғади». Шунга қарамай менинг бир рус ошнам (уни мен Трусишка деб атайман) автомобилга бемалол чиқиб, жойлашиб ўтириб олди, ҳар қанча илтимос қилинишига қарамай, жойни бўшатишга кўнмади...

Трусишканинг бу саёҳат тўғрисидаги ҳикоясига ишонмай ҳеч иложим йўқ эди. Суворов проспектидаёқ кетаётганлардан кимдир озиқ-овқат тўғрисида эсга солди. Фронт йўли уч-тўрт кунга чўзилиши мумкин эди. Биз ўтадиган жойларда озиқ-овқат у қадар кўп эмасди. Машинани тўхтатдик. Кимда пул бор? Ҳарбий комиссар ҳамма чўнтакларини ағдар-тўнтар қилди, ёнидан бир тийин ҳам чиқмади. Денгиз ишлари комиссари ҳам қуп-қуруқ экан. Шоферда ҳам бир тийин йўқ эди. Озиқ-овқатни Трусишка сотиб олди.

Улар Невский проспектига бурилганларида, автомобилнинг резинкаси ёрилиб кетди.

«Энди нима қиламиз?»— деб сўради Антонов.

«Бошқа автомобилни мусодара қилиш керак!»— деди Дибенко тўппончасини ўйнатиб туриб.

Антонов кўча ўртасида туриб, ўткинчи бир машинага қўл кўтарди, уни қандайдир бир солдат ҳайдаб кетмоқда эди.

«Шу машина менга керак»,— деди Антонов.

«Бермайман!»— деди солдат.

«Менинг кимлигимни биласизми?»— Антонов унга ўзининг Россия республикасининг бутун армиясига бош қўмондон қилиб тайинлангани, унга ҳамма сўзсиз итоат қилишга мажбур экани ҳақидаги ҳужжатни кўрсатди.

«Девнинг ўзи бўлсангиз-да, менга бари бир!— деди тутақиб солдат.— Бу машина биринчи пулемёт полкига қарашли, унда биз ўқдори олиб кетяпмиз. Бу машинага ҳаддингиз сиғмайди...»

Италия байроғи ўрнатилган абжақ эски бир такси келиб қолиши мушкулликдан қутқарди (Тартибсизликлар ҳукм сурган вақтда мусодара қилинишдан қўрққан хусусий машина эгалари уларни ажнабий консулхоналарда рўйхатдан ўтказ-

ганлар). Шу таксидан қиммат баҳо пўстин кийган семиз бир кишини тушириб, бош қўмондонлар ўз йўлига қараб жўнаб кетди.

Ўн мил йўл босиб Нарва Заставасига етгач, Антонов, қизил гвардиячиларнинг қўмондонлиги қаерда туради, деб сўради. Уни бир неча юз ишчи окоп қазиб, казакларнинг бостириб келишини пойлаб турган чекка бир жойга бошлаб бордилар.

«Ишларингиз қалай, ўртоқлар?— деб сўради Антонов.

«Ишларимиз ҳаммаси жойида,— деб жавоб қилди командир. Қўшиннинг кайфи жуда чоғ... Биргина камчилик — ўқдори йўқ».

«Смольнийда икки миллиард обойма ўқ бор,— деди унга Антонов.— Ҳозир мен сизга ордер бераман...— У чўнтакларини титкилай бошлади.— Ҳеч кимда бир парча қоғоз топилмасмикин-а?»

Дибенкода йўқ эди. Ординарецларда ҳам. Трусишка блокнотини тақдим этди.

«Оббо! Қалам ҳам йўқ!— деди Антонов.— Кимда қалам бор?» Гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, қалами бор киши ҳам биргина Трусишканинг ўзи эди...

Биз бош қўмондоннинг автомобилига сиғмаганимиздан кейин, Царское Село вокзалига қараб кетдик. Невский кўчасида милтиқ кўтариб ўтиб бораётган қизил гвардиячиларни учратдик. Баъзиларининг милтиғида найза йўқ эди. Қиш бўлгани учун эртароқ қош қорайди. Қизил гвардиячилар бошларини рўйирост кўтариб, совуқ лой кечиб, музикасиз, барабансиз тартибсиз кетиб борар эдилар. Уларнинг бошлари устида қизил байроқ ҳилпирар, унга зарҳал билан қинғир-қийшиқ қилиб: «Сулҳ! Ер!» деб ёзилган эди. Уларнинг бари ёшлар эди. Чеҳраларида билиб, тушуниб туриб, ўлимга бораётган кишилар ифодаси бор эди... Тратуарларга тўпланган ҳалойиқ уларни адоватли сукунат ичида ҳайиқиб ва нафратомуз кузатиб қоларди...

Вокзалда Керенскийнинг ва фронтнинг қаердалигини ҳеч ким билмас эди. Поездлар эса фақат Царское Селогача қатнарди...

Бизнинг вагонимиз ўз уйларига қайтаётган деҳқонлар билан лиқ тўла эди. Улар ҳар хил нарса ва кечки газеталар сотиб олган эдилар. Суҳбат большевикларнинг қўзғолони устида борарди. Агар шу хилда гапларни назарга олмаганда, вагонимизнинг кўринишидан, бутун Россия гражданлар уруши туфайли бир-бирига кушанда икки лагерга бўлиниб кетган, поезд жанг можаролари томон кетяпти, деб ҳеч ким гумон қилмасди. Деразадан қараб, қуюқлашиб келаётган қоронғилик ичида лой йўллардан шаҳарга томон илдам кетиб бораётган тўда-тўда солдатларга кўзим тушди. Улар милтиқларини силтаб, бир-бирлари билан тортишар эдилар. Ёрдамчи

йўлда солдатлар билан лиқ тўла гулханлар ёқилган товар поезди турарди. Бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Йироқда, ясси уфқда шаҳар чироқларининг шуъласи тун қўйнини ёритиб турарди. Шаҳарнинг узоқ бир чеккасида ўрмалаб кетаётган трамвайга кўзимиз тушди.

Царское Село станциясида тинчлик ҳукм сурарди, бир-бирлари билан шивирлашган ва Гатчина томондаги йўлга хавотирланиб қараб-қараб қўяётган онда-сонда солдатлар тўдасигина кўринарди, холос. Мен улардан, ким тарафидасиз, деб сўрадим. «Нимайди?— деди солдатлардан бири менга.— Биз ишлар, қанақалигидан бехабармиз, ахир. Турган гап: Керенский провокатор. Аммо, назаримда, рус кишиларининг русларга қарши ўқ отиши яхши эмас».

Станция бошлиғининг кабинетида енгига полк комитетининг қизил алвонини боғлаб олган серсоқол, хуш муомала, новча бир солдат навбатчилик қилмоқда эди. Смольныйдан берилган гувоҳномамизни кўриб, у бизга зўр эҳтиром кўрсатди. У, шубҳасиз, Советлар тарафида эди, лекин кўнгли бир оз ғаш эди.

«Икки соат илгари бунда қизил гвардиячилар бор эди, бироқ улар кейин кетишди. Эрталаб комиссар келди, казаклар келгач Петроградга қайтиб кетди».

«Ҳозир бу ерда казаклар борми?»

У тумтайиб, бошини қимирлатиб қўйди. «Бу ерда жанг бўлиб ўтди. Қазаклар жуда барвақт келган эди. Улар бизнинг одамлардан икки юз-уч юзча кишини асир олди, йигирма беш кишини ўлдирди».

«Ҳозир улар қаерда?»

«Унчалик йироқлаб кетмаган бўлса керак, аниғини билмайман. Ана шу яқин ўртада бўлса керак...»— У дудмол қилиб, қўли билан ғарб томонга ишора қилди.

Биз станция буфетида овқатландик, Петроградагига қараганда анча арзон ва жуда яхши овқатландик. Бизнинг ёнимиздаги столда Гатчинадан ҳозиргина пиёда қайтиб келган француз офицери ўтирарди. У, Гатчинада тинчлик, шаҳар Керенский қўлида, деди. «Эҳ, бу руслар!— деб нидо қилди у.— Антиқа кишилар!.. Шу ҳам гражданлар уруши бўлди-ю! Ҳарна қилишса-да, фақат уруш қилишмаяпти...»

Биз шаҳарга қараб кетдик. Вокзалдан чиқаверишда икки солдат найзали милтиқ кўтариб турарди. Уларни юз чоғлиқ савдогарлар, амалдорлар ва студентлар қуршаб олган эди. Буларнинг ҳаммаси солдатларга ҳақоратомуз сўзлар айтар ва бақирарди. Солдатлар, нотўғри жазоланган болалардек, ўзларини ўнғайсиз ҳис қилардилар.

Студентча кийинган, жуда кеккайган новча бир йигитча солдатларга ўшқирарди:

«Уйлайманки, сизга равшан бўлса керак,— деди у зарда билан,— ўз оғайниларингизга қарши қурол кўтариш билан

ишлар босқинчилар ва хоинлар қўлида бир қурол бўлиб қолмасинлар».

«Йўқ, оғайни,— жиддий жавоб қилди солдат,— сиз тушунмайсиз. Ахир дунёда икки синф: пролетариат билан буржуазия бор. Шундай эмасми? Бизлар...»

«Мен бунақа аҳмоқона сафсатани яхши биламан!— деб ачиғланиб гапирди студент унинг гапини бўлиб.— Сендақа нодон қишлоқиларгина бундай шиорларни қулоғингга исирға қилиб тақиб олгансанлар. Уларни ким гапиргани ва нималигига фаҳм-фаросатларинг етмайди. Тўтига ўхшаб бидиллайверасанлар!..» Оломон ўртасида кулги кўтарилди... «Мен ўзим марксистман! Сенга айтсам, сизларнинг курашаётган нарсаларингиз социализм эмас, у шунчаки анархиядир, бу фақат немисларгагина қўл келади, холос».

«Тушунаман,— деб жавоб қилди солдат. Унинг пешонасини тер босди.— Сиз ўқимишли киши кўринасиз, мен бўлсам ўқим кишиман. Аммо ўйлайманки...»

«Сен тўғри ўйлайсан,— деди студент истеҳзо билан унинг гапини бўлиб,— Ленин пролетариатнинг чинакам дўстими?»

«Шундай деб ўйлайман»— деб жавоб қилди солдат. У жуда оғир аҳволда қолди.

«Жуда соз, оғайни! Ленинни Германиядан пломбаланган вагонда жўнатганларини биласанми? Ленининнинг немислардан пул олиб туришини биласанми?»

«Бунисини билмайман,— қайсарлик билан жавоб қилди солдат.— Менингча, Ленин муддаомдаги нарсани гапиради, ҳамма оддий халқ ҳам шундай дейди. Ахир икки синф: буржуазия ва пролетариат бор...»

«Аҳмоқ! Сен революционерларга қарши ўқ узиб, «Э худо подшоҳимизни ўз паноҳингда сақла!» деб мадҳ ўқиб юрганингда, оғайни, мен революция учун Шлиссельбург қалъасида икки йил ўтирдим. Мени Василий Георгиевич Панин, деб атайдилар, сен менинг тўғримда эшитган чиқарсан-а?»

«Кечирасиз, эшитмадим...— аста жавоб қилди солдат.— Мен ўқимаган одамман, сиз катта қаҳрамонлардан бўлсангиз керак...»

«Балли,— деди студент ишонч билан.— Мен большевикларга қарши курашяпман, чунки улар Россияни ва бизнинг озод революциямизни ҳалок этаётирлар. Бунга энди сен нима дейсан?»

Солдат гарданини қашиб қўйди: «Ҳеч нарса дея олмайман!— ўйланқираб қолганидан юзи буришиб кетди.— Менимча, масала равшан, фақат мен ўқимаган одамман!.. Назаримда, икки синф: пролетариат ва буржуазия борга ўхшайди...»

«Яна сен ўша аҳмоқона гапни пеш қиляпсанми!— ўшқирди студент.

«... фақат икки синф деб қайсарлик билан гапида давом этди солдат.— Кимики бир синф тарафида эмас экан, у, демак, иккинчи синф тарафида...»

Биз кўчама-кўча юриб кетдик. Аҳён-аҳёнда фонарлар хира ёниб турарди, ўткинчилар учрамасди. Шаҳар устида қўрқинч бир сукунат ҳукм сурарди, у жаннат билан дўзах орасидаги аъробга, сиёсий жиҳатдан ҳеч кимники бўлмаган ерга ўхшарди. Фақат сартарошхоналардагина чироқлар, одамлар лиқ тўла, ҳаммомларда навбат кутганлар кўп. Бутун Россия ювиниб, тозаланадиган шанба кечаси эди. Шу кеча ҳар бир жойда совет жангчилари ва казаклар осойишта учрашиб турганларига ҳеч бир шубҳаланмайман.

Сарой паркига яқинлашганимиз сари кўчалар ҳувуллагандек кўринарди. Қути ўчган бир поп Советнинг биноси қаердалигини бизга кўрсатиб қўйиб, ўзи дарров ғойиб бўлди. Совет паркнинг қаршисидаги бир бинода, улуғ князлар саройининг бир қанотида жойлашган экан. Эшиклари берк, деразалар қоронғи эди. Шу ўртада юрган бир солдат бизга шубҳа аралаш ҳўмрайиб қараб, қўлларини шимининг чўнтагига солганича: «Совет жўнаб кетганига икки кун бўлди»— деди.—«Қаёққа?» У: «Билмайман...»—деб елкаларини қисиб қўйди.

Сал нарироқ юриб, катта бир ёруғ бинонинг олдидан чиқиб қолдик. Унинг ичидан болға овози эшитиларди. Биз иккиланиб турган эдик, шу маҳал олдимизга солдат билан матрос қўлтиқлашиб келиб қолди. Мен уларга Смольнийдан олган мандатимни кўрсатдим. «Сизлар Совет томонидамисиз?»— деб сўрадим мен улардан. Улар чўчинқираб, бир-бирларига қарашди-да, ҳеч жавоб қилишмади. «У ерда нима бўляпти?»— деб сўради матрос бинони кўрсатиб. «Билмадим...»

Солдат ҳайиқибгина қўлини чўзиб, эшикни қия очди. Ичкарида қизил байроқлар ва арча шохлари осилган катта зал кўринди. У ерда қатор-қатор стуллар турар, уларнинг олдига сўри қилинган эди.

Бизнинг олдимизга болға ушлаган, жуссали бир аёл чиқди. Унинг оғзи тўла мих эди. «Сизларга нима керак?»— деб сўради у.

«Кечқурун томоша бўладими?»—зарда билан сўради матрос.

«Якшанба куни кечқурун ҳаваскорлар ўйин қўйишади,— жеркиб жавоб қилди аёл.— Йўлларингдан қолманглар!».

Биз солдат билан матросни гапга солмоқчи бўлдик, лекин улар юрак олдириб қўйган, кайфлари йўқдек кўринарди. Кўп ўтмай улар қоронғилик ичида ғойиб бўлдилар.

Биз катта ва зим-зиё боғлар ёнидан ўтиб, император саройи томонга йўл олдик. Афсонавий павильонлар ва ўймакор кўприклар қоронғи зулмат ичида аранг кўзга чалинарди: фонтанларнинг аста шилдирагани эшитиларди. Сунъий ғор

ичидан сузиб чиқаётгандек кўринган металлдан ясалган ғалати оққушни томоша қилиб турганимизда беҳосдан орқамиздан пойлаб юрганларини пайқаб қолдик. Қуролланган олтитача барваста солдат бир четдаги майсазордан бизга шубҳаланиб тикилиб турарди. Мен уларнинг олдига бориб: «Сизлар кимсизлар?»— деб сўрадим.

«Шу ердаги пойлоқчилармиз»— деди солдатлардан бири. Уларнинг ҳаммаси жуда ҳориган кўринарди, шундай бўлиши табиий эди: узоқ ҳафталар муттасил митингбозлик қилиш беҳуда кетмайди.

«Сизлар Керенский тарафдорими ёки Совет тарафдорими?»

Орага бир лаҳзалик сукунат чўқди.

Солдатлар иккиланиб бир-бирларига қарашиб олдилар? «Биз бетарафмиз»— деб жавоб қилдилар, ниҳоят.

Биз ҳашаматли Екатерина саройи аркаси остидан ўтиб, панжарадан ичкарига кирдик ва, штаб қаерда деб сўрадик. Бинонинг эгилма оқ қанотининг эшиги олдида турган соқчи бизга, комендант ичкарида бирор жойда бўлса керак, деб жавоб қилди.

Икки ёқлама камин билан нотекис ажратилган нафис оқ залда бир тўда офицерлар бесаранжом ҳолда гаплашиб турардилар. Уларнинг ранглари оқариб кетган, ўзлари паришон, тунни мижжа қоқмай ўтказгандек эдилар. Биз мундирига орденлар тақиб олган мўйсафид офицернинг олдига бордик; бизга, ана шу полковник бўлади, деб айтдилар. Мен унга ўзимизнинг большевиклардан олган гувоҳномамизни кўрсатдим...

У ҳайрон бўлиб қолди. «Сизлар қандай қилиб бу ерга эсон-омон етиб олдиларинг?— деб назокат билан сўради у.— Ҳозир кўчаларда юриш жуда хавфли. Царское Селода сиёсий можаролар авж олган. Бугун эрталаб жанг бўлиб ўтди, эртага эрталаб яна жанг бўлади. Соат саккизда Керенский шаҳарга кириб келади».

«Қазаклар қаерда?»

«Бу ердан бир милча нарида, ҳув анови томонда»,— қўли билан ишора қилиб қўйди у.

«Сизлар шаҳарни ўшалардан ҳимоя қиласизларми?»

«Йўғе, азизим!—мийиғида кулиб қўйди у.—Биз шаҳарни Керенский учун ушлаб турибмиз». Бизнинг юрагимиз орқамизга тортиб кетди, чунки мандатларимизда бизнинг чинакам революционер эканимиз кўрсатилган эди. Полковник йўталиб, томоғини қириб қўйди. «Сизларнинг пропускаларингизга келсак,— деб гапида давом қилди у.— Башарти қўлга тушиб қолсаларингиз катта хатарда қоласизлар. Шу сабабдан, агар жангни томоша қилмоқчи бўлсаларингиз, сизларга офицерлар меҳмонхонасидан бир хона ажратишни буюраман. Эртага эрталаб соат еттида менинг олдимга келинглар, мен сизларга янги пропуска бераман».

«Демак, сиз Керенский тарафдори экансиз-да?»— деб сўрадик биз.

«Аммо бутунлай Керенский *тарафдори эмасмиз* (Полковник иккиланган дек кўринди). Билсангиз, гарнизонимизнинг кўпчилик солдатлари большевик. Бугунги жангдан кейин улар ўзлари билан тўпларни олиб Петроградга кетдилар. Айтиш мумкинки, ҳеч бир *солдат* Керенский тарафига ўтмайди. Кўпларининг эса урушга ҳеч тоблари йўқ. *Офицерлар* эса ҳаммаси деярли Керенский томонига ўтиб кетди ёки ўзича кетиб қолди. Биз эсак... ҳм.. биз, кўриб турибсиз, жуда мушкул аҳволда қолдик...»

Бизнинг бу ерда жанг бўлишига кўзимиз етмади... Полковник илтифот қилиб, бизни станциягача кузатиб қўйиш учун ўз ординарецини қўшиб берди. Ординарец жануб томонлик бўлиб, Бессарабияда француз муҳожирининг оиласида туғилган экан.

«Оҳ!— деб такрорлади у.— Мен на хавф-хатар, на машаққатларни ўйлайман. Мен бечора онагинамни кўпдан, уч йилдан бери кўрганим йўқ...»

Мен қоронғилик ва совуқ ичида учиб кетаётган поезд вагонининг деразасидан қараб, гулханлар атрофида қўлларини силкишаётган тўда-тўда солдатларни кўрдим. Чорраҳаларда тўдалашиб броневиклар турарди, уларни ҳайдовчилар башнялардан бошларини чиқариб бир-бирларига гап отишарди.

Командирсиз қолган солдат ва қизил гвардиячилар командалари ана шу ташвишли кечада совуқ қирларда тентираб қолишган эди. Бу командалар бир-бирлари билан тўқнашиб, аралашиб кетар, Ҳарбий-революцион комитет комиссарлари эса мудофаа ташкил қилиш ҳаракатида бир тўда олдидан иккинчисига ошиқар эдилар...

Невский проспектининг юқорисига ва пастига қараб ҳаяжонланган ҳалойиқ худди тўлқиндек оқарди. Ҳавода нимадир муаллақ осилиб қолгандек эди. Варшава вокзалидан узоқда отилаётган замбарак овозларини эшитиш мумкин эди. Юнкерлар мактабида саросималик ҳукм сурарди. Дума аъзолари казармадан казармага юриб, солдатларни аврар, ялиниб-ёлвориб, сўкар, большевикларнинг ваҳшийликлари — юнкерларни калтаклаганликлари, Қишки саройда хотин-қизларга тажовуз қилганликлари, дума биноси олдида бир қизни отиб ташлаганликлари, князь Тумановнинг ўлдирилганлиги тўғрисидаги даҳшатли воқеаларни гапириб берардилар... Думанинг Александр залида ҳимоя қилиш комитетининг фавқулоддда мажлиси кетмоқда, ҳовлиққан комиссарлар кириб-чиқиб турардилар... Смольнийдан ҳайдаб чиқарилган ҳамма журналистлар шу ерда эди. Уларнинг кайфлари чоғ, Царское

Селодаги аҳвол тўғрисида бизнинг айтганларимизга ишонмас эдилар, ҳаммага маълумки, Царское Село Керенский қўлида, казаклар Пулковода дер эдилар. Керенскийни вокзалда қарши олмоқ учун махсус комиссия тузилган. Унинг эрталаб етиб келишини кутар эдилар.

Журналистлардан бири қаттиқ махфий қилиб, контрреволюцион қўзғолонлар қоқ ярим кечада бошланади, деди. У менга иккита чақириқ кўрсатди; улардан бирига Гоц билан Полковников имзо қўйганлар, унда юнкерлар мактабларининг барча ўқувчиларига, госпиталларда даволанаётган солдатларга, георгиевский кавалерларига уруш ҳаракатларига тайёрланиш тўғрисида ва ҳимоя қилиш комитетидан фармон кутиш тўғрисида буюрилган эди. Чақириқнинг иккинчисига ҳимоя қилиш комитетининг ўзи имзо чеккан ва унда шундай дейилган эди:

«Петроград аҳолисига!

Ўртоқ ишчилар, солдатлар ва революцион Петроградннинг гражданлари!

Большевиклар, фронтларда сулҳ тузишга чақириш билан бирга, мамлакат ичида ўз бирodарларини ўлдириш учун урушга чақирмоқдалар.

Уларнинг провакациядан иборат чақириқларига учмангиз!

Окоплар қазимангиз!

Қурол-яроқлар битсин!

Йўқолсин хоинона пистирмалар!

Солдатлар, казармаларга қайтингиз!

Петроградда бошланган хунрезлик,— революциянинг чинакам ҳалокати демакдир.

Озодлик, ер ва сулҳ учун ватанни ва революцияни ҳимоя қилиш комитети атрофига уюшингиз!»

Биз думадан чиққанимизда, қизил гвардиячилар отрядини учратиб қолдик. Уларнинг авзои қаҳрли ва кескин эди. Улар ўн икки чоғлиқ асирни ҳайдаб, кимсасиз қоронғи кўчадан кетиб борардилар. Бу асирлар контрреволюцион фитна ҳозирлаш билан машғул бўлиб турганларида казак қўшинлари Совети биносидан ушлаб олинган шу Советнинг маҳаллий бўлим аъзолари эди.

Бир челак елим кўтарган болани эргаштириб юрган солдат кўзни қамаштирадиган оқ қоғозга босилган кўплаб эълонларни деворга ёпиштирарди:

«Ушбунинг билан Петроград шаҳри ва унинг атрофлари қамал ҳолатида деб эълон қилинади. Махсус фармон бўлгунга қадар кўчаларда ва умуман очиқ жойларда ҳар қандай йиғилишлар ва митинглар ўтказиш ман этилади...

Ҳарбий-революцион комитет раиси:
Н. Подвойский».

Биз уйга қайтаётган эдик. Ҳавони аралаш-қуралаш овозлар босган, автомобиллар гудок берар, кимдир ҳайқирар, узоқлардан ўқ овози эшитиларди... Шаҳар ғазаб ва ташвиш ичида ҳаёт кечирарди...

Илк саҳарда қоровул алмашиниш олдидан Семеновский полки формаси кийган юнкерлар ротаси телефон станциясига кириб келди. Улар большевикларнинг поролини билардилар, шу сабабдан ҳеч бир қаршиликсиз қоровулларнинг ўринларини эгалладилар. Орадан бир неча минут ўтгач, инспекция қилиб юрган Антонов келиб қолди. Юнкерлар уни ушлаб олиб, кичкина бир хонага қамаб қўйдилар. Ёрдамга келганларни юнкерлар бараварига ўқ узиб қаршиладилар. Одамлардан бир нечаси ўлди.

Контрреволюция бошланди...

VIII БОБ

КОНТРРЕВОЛЮЦИЯ

Эртасига эрталаб, 11 ноябрь (29 октябрь) якшанба куни казаклар черков кўнғироқларининг садолари остида Царское Селога кириб келди. Керенский эса оқ от миниб келган эди. Улар, шаҳарнинг бир чеккасидаги тепаликда туриб, олтин найзаларни ва ранг-баранг гумбазларни, ғамгин ялангликда ясланиб ётган кул ранг азим пойтахтни, унинг орқасида эса Фин кўрфазининг симоб ранг сувларини кўришлари мумкин эди.

Жанг бўлмади, аммо Керенский мудҳиш бир хато қилди. Эрталаб соат 7 да у 2-Царское Село ўқчи полкига қурол-яроқларни ташлаш тўғрисида буйруқ юборди. Солдатлар бетарафлик сақлаймиз, аммо қуролсизланишни истамаймиз, деб жавоб қилдилар. Ўйлаб кўриш учун Керенский уларга ўн минут муҳлат берди. Бу нарса солдатларни ғазаблантирди; улар саккиз ойдан бери полк комитетлари орқали ўзларини ўзлари бошқариб келмоқда эдилар, энди бўлса эски тузумнинг сассиқ ҳиди думоққа урилди... Бир неча минутдан кейин казак артиллерияси *казармаларга қараб ўт очди, саккиз киши ўлдирилди.* Ана шу пайтдан бошлаб Царское Селода битта ҳам «бетараф» солдат қолмади...

Петроград милтиқ отишмалари ва марш қилиб, шахдам қадам ташлаб кетаётган одамларнинг оёқ товушларидан уйғониб кетди. Булутли осмондан совуқ шамол эсиб, қор ёғишидан дарак берарди. Тонг отарда кучли юнкер отрядлари ҳарбий меҳмонхона билан телеграфни ишғол қилдилар, аммо қаттиқ қонли урушдан кейин суриб чиқарилдилар. Телефон станциясини матрослар қуршаб олган эди. Бу матрослар бочкалар, яшиклар ва тунукалардан ясалган баррикадалар орқасида, Морской кўчанинг ўртасида ётиб олиб, ёки Гороховой ва Исаакиевский майдонларининг бурчакларида биқиниб, бутун ўткинчиларни ўққа тутаётган эдилар. Вақт-вақти билан улар ёнидан қизил крест байроғи ўрнатилган автомобиль ғириллаб ўтиб кетар, матрослар унга даҳл қилмас эдилар...

Альберт Рис Вильямс* телефон станциясида эди. У, гўё ярадорлар тўла Қизил Крест автомобилида ўша ердан чиққан эди. Автомобиль шаҳар айланиб, тор кўчалардан ўтиб, контрреволюция штаб-квартири — Михайловский юнкерлар мактабига етиб борди. Мактаб ҳовлисида бир француз офицери турарди, у афтидан бўлаётган ҳодисаларнинг ҳаммасига бошчилик қиларди... Телефон станциясига шу равишда ўқ-дори ва озиқ-овқат етказиб турилди. Гўё Қизил Крестники бўлган неча ўнлаб ана шундай автомобиллар юнкерлар учун алоқа воситаси бўлиб ва озиқ-овқат ташиш учун хизмат қилди...

Уларнинг ихтиёрида тарқатиб юборилган инглиз броневой дивизионининг беш-олти броневиги бор эди. Луиза Брайант** Исаакиевский майдони бўйлаб кетаётганида Адмиралитетдан телефон станциясига қараб кетаётган шу броневиклардан бирини учратди. Машина Гоголь кўчасининг бурчагида, худди Луиза Брайантнинг рўпарасида тўхтади. Териб қўйилган ўтинларнинг орқасида яшириниб олган бир неча матрос ўт очди. Броневик башнясидаги пулемёт ҳар томонга айланиб, ўтинларга ва халойиққа қараб ўқ ёғдирди. Брайант хоним турган арка остида етти киши, шу жумладан икки бола ўлдирилди. Матрослар яширинган жойларидан ҳайқиришиб чиқиб, олдинга ёпирилдилар. Улар катта машинани ўраб олиб, отилаётган ўқларга парво қилмасдан, машинанинг ҳамма тирқишларига найзаларни тиқа бошладилар... Броневик шофери ўзини ярадор бўлганга солди. Матрослар эса уни безовта қилмадилар. Шундан кейин у большевикларнинг ваҳшийликлари тўғрисидаги сафсаталарни бўртдириш учун ғизиллаганича думага қараб кетди... Ўлдирилганлар орасида бир инглиз офицери ҳам бор эди.

Кейинроқ газеталар, юнкерлар броневигидан бир француз офицери ушланиб, Петропавловск қалъасига жўнатилипти, деб ёздилар. Француз элчихонаси бу хабарни дарров рад қилди, аммо дума аъзоларидан бири бу офицерни ўзи ҳаракат қилиб бўшатдирганини менга гапириб берди. Иттифоқчи элчихоналарнинг расман ўзларини тутишлари қандай бўлмасин, лекин айрим инглиз ва француз офицерлари ўша кунларда ўзларини жуда актив тутдилар, ҳатто ҳимоя қилиш Комитетининг мажлисларида экспертлар тариқасида иштирок этишгача бордилар...

Шаҳарнинг ҳамма қисмларида юнкерлар билан қизил гвардиячилар ўртасида кун бўйи тўқнашишлар, броневиклар ўртасида жанглар бўлиб турди... Бир йўла ва якка-якка отил-

---

* *Альберт Рис Вильямс* — Жон Риднинг дўсти, Американинг атоқли прогрессив арбоби ва публицисти; СССР меҳнаткашларининг социализм учун курашлари тўғрисидаги бир неча китобнинг автори.— *Ред.*

** *Луиза Брайант* (1890—1936)—Америка ёзувчиси. Жон Риднинг хотини ва сафдоши.— *Ред.*

ган ўқ овозлари, пулемётларнинг тариллаши узоқ-яқиндан эшитилиб турди. Магазинларнинг темир қопқоқлари туширилиб қўйилган бўлса-да, аммо савдо-сотиқ ишлари ўз йўли билан давом этаверди. Ҳатто кинолар ҳам кўча чироқларини ёқиб ишлар, томошабинлар гавжум эди. Трамвайлар ҳар вақтдагидек қатнар, телефонлар мунтазам ишлаб турарди. Телефон станциясини чақирилса, отишма овозини аниқ эшитиш мумкин эди. Смольнийдаги ҳамма телефон аппаратлари олиб қўйилган, аммо дума ва ҳимоя қилиш комитети барча юнкерлар мактаблари ва ҳатто Царское Селодаги Керенский билан доим телефонлашиб турдилар.

Эрталаб соат 7 да Владимирскдаги юнкерлар мактабига солдат, матрос ва қизил гвардиячилар отряди келди. У йигирма минут ичида қурол-яроқларингни топширинглар, деб юнкерлардан талаб қилди. Юнкерлар рад жавоби бердилар. Улар бир соатдан сўнг тайёрланишиб, ҳужум қилмоқчи бўлдилар, аммо ҳужум Гребецкий кўчаси ва Большой проспект бурчакларидан ёғдирилган қаттиқ ўқ остида даф этилди. Совет қўшини мактабни қуршаб олиб ўққа тутди, икки бронеавтомобиль иморат бўйлаб орқа-олдинга юриб пулемётдан ўт очди. Юнкерлар телефон орқали ёрдам сўрадилар. Қазаклар қарши ҳужум қилолмаймиз деб жавоб қилдилар, чунки уларнинг казармаси олдида икки тўп билан кучли матрослар отряди жойлашиб олган эди. Павловский юнкерлар мактаби ўраб олинди. Михайловчи юнкерларнинг кўпчилиги кўчаларда жанг қилдилар...

Соат ўн бир яримда учта дала тўпи етиб келди. Юнкерларга яна таслим бўлиш таклиф этилди, аммо улар жавоб ўрнига ўт очиб, оқ байроқ кўтариб кетаётган икки совет вакилини ўлдирдилар. Шундан кейин чинакам бомбардимон бошланиб кетди. Юнкерлар мактабининг деворлари ёрилиб, тешилиб кетди. Юнкерлар жон-жаҳдлари билан ўзларини ҳимоя қилдилар; ҳужумга ўтган қизил гвардиячиларнинг тўлқиндек сафлари қаттиқ ўт билан қайтарилиб турилди... Керенский Царское Селодан телефон орқали: Ҳарбий-революцион комитет билан ҳеч қандай музокара олиб борилмасин, деб буйруқ берди.

Муваффақиятсизлик ва талафотлардан дарғазаб бўлган Совет кучлари абжақланган бинога жаладек пўлат ва ўқ ёғдирдилар. Уларнинг бошлиқлари ҳам даҳшатли бомбардимонни тўхтата олмадилар. Смольнийнинг Кириллов номли комиссари бомбардимонни тўхтатишга уринган эди, лекин ўзингни уркалтак қиламиз, деб дўқ қилишди, Қизил гвардиячиларни ҳеч нарса тўхтата олмас эди.

Соат икки яримда юнкерлар оқ байроқ кўтардилар: агар хавфсизлигимиз таъмин қилинса, таслим бўлишга тайёрмиз дедилар. Бунинг учун ваъда берилди. Минглаб солдат ва қизил гвардиячилар бақиришиб, ҳайқиришиб, деразалардан,

эшиклардан ва деворларнинг раҳналаридан ёпирилишиб ичкарига кирдилар. Ҳой, тўхтанглар дегунча, бешта юнкер найзага санчилиб ўлди. Қолган икки юзтачасини, ҳалойиқнинг диққатини тортмаслик учун, айрим тўда-тўда қилиб, соқчилар назоратида Петропавловск қалъасига жўнатдилар. Бироқ йўлда оломон шундай тўдалардан бирига ҳужум қилиб, яна саккиз юнкерни дабдала қилди... Жангда юздан ошиқ солдат ва қизил гвардиячи ҳалок бўлган эди...

Орадан икки соат ўтгандан кейин телефон орқали думага, ғолиблар Инженерний томон йўл олдилар, деб хабар қилинди. Ҳимоя қилиш комитетининг сўнгги хитобномаларини улар орасида тарқатиш учун дума дарҳол ўзининг ўн икки аъзосини юбортирди. Юборилганлардан баъзи бирлари қайтиб келмади. Бошқа мактаблар ҳаммаси ҳеч бир қаршиликсиз таслим бўлдилар. Юнкерлар эса ҳеч бир можаросиз, бехавф-хатар Петропавловск қалъасига ва Кронштадтга олиб келинди...

Телефон станцияси кечгача, большевикларнинг броневиклари келиб, матрослар ҳужумга ўткунча чидаш берди. Қўрқиб, эс-ҳушини йўқотган телефонисткалар додлаб бино ичида югуриб юрдилар. Юнкерлар кийимларидаги ҳамма белгиларни юлиб ташладилар, улардан бири яширинмоқчи бўлиб, Вильямсга, пальтонг учун *истаганингча* пул бераман, деб ваъда қилди... «Улар бизни қириб ташлайдилар! Бизни қириб ташлайдилар!»— деб бақиришарди юнкерлар, чунки уларнинг кўплари Қишки саройдаёқ, халққа қарши қурол кўтармасликка ваъда берган эдилар. Агар Антоновни қўйиб юборсанглар, мен ўртага тушаман, деди Вильямс. Буни юнкерлар дарҳол бажардилар. Антонов билан Вильямс, катта талафотдан дарғазаб бўлган ғолиб денгизчиларга қарата нутқ сўзладилар, юнкерлар яна озод қилиб юборилди. Аммо улардан баъзилари қўрқиб қолганидан томга қочиб чиқдилар ёки чердакка яширинмоқчи бўлдилар. Уларни тутиб олиб, кўчага улоқтириб ташладилар.

Қийналган, қонга беланган ғолиб матрос ва ишчилар аппаратлар жойлашган залга бостириб кирдилар. У ерда бир қанча нозанин қизларни кўриб, уялгандай турган жойларида қотиб қолдилар. Қизлардан ҳеч бири жафоланмади ҳам, ҳақоратланмади ҳам. Қўрқиб кетган қизлар бурчакларга биқинишиб олдилар. Кейин ўзларини хавф-хатарсиз ҳис қилиб, жаҳлларига эрк бердилар: «Ҳў, ифлос, нодон мужиклар! Аҳмоқлар!..» Матрослар билан қизил гвардиячилар ҳанг-манг бўлиб қолдилар. «Йиртқичлар! Тўнғизлар!» деб минғиллашиб, қизлар норози кайфиятда пальто ва шляпаларини қия бошладилар. Улар ўзларининг ёш ва жасур ҳимоячилари ва кўплари насл-насабли рус хонадонларидан бўлган ҳамда севикли подшоларини қайтариш учун жанг қилган юнкерларга ўқ узатиб турган, уларнинг яраларини боғлаб турган чоқлари на қадар

романтик эди! Маповилар эса ҳаммаси ишчи ва деҳқонлар — «қора халқ» эди...

Ҳарбий-революцион комитет комиссари, паст бўйли Вишняк қизларни станцияда қолишга кўндирмоқчи бўлди. У жуда хуш муомала эди. «Сизларга жуда ёмон муомала қилганлар,— деди у.— Телефон станцияси шаҳар думасининг қўлида эди. Сизларга ойда 60 сўмдан маош тўлаб, суткасига ўн ва ундан ўн соат ишлашга мажбур қилганлар. Энди ҳаммаси бошқача бўлади. Ҳукумат телефон станциясини почта ва телеграф министрлиги ихтиёрига топширади. Сизларнинг ойликларингиз 150 сўмгача оширилиб, иш кунингиз қисқартирилади. Ишчилар синфининг аъзоси бўлган сизлар бахтиёр бўлишларингиз лозим...»

«Ишчилар синфининг аъзоси! Бу... бу ҳайвонлар билан бизнинг орамизда бирор фарқ йўқ, деб ўйлайди, шекилли у? Бу ерда қолишми? Гарчи, бизга минг сўмдан берганингизда ҳам!..» Шундай деб, қизлар қаттиқ нафратланиб, бинодан чиқиб кетдилар.

Хизматчилар, монтёрлар ва ишчилар қолди, холос. Аммо коммутаторлар ишлаши керак: телефон сувдан ҳам, ҳаводан ҳам зарур эди... Ҳаммаси бўлиб олтитача тажрибали телефонистқалар бор эди. Қўнгилли бўлиб ишлайдиганларни чақиришди. Бу чақириққа жавобан юзтача матрос, солдат ва ишчилар ишга тушдилар. Олти қиз айланиб юриб иш ўргатар, ёрдам қилар ва койир эди... Ҳар қалай иш бир амаллаб юришиб кетди, симлар яна гувиллай бошлади. Аввало Смольний билан, казармалар ва фабрикалар билан алоқа ўрнатилди, кейин дума билан юнкерлар мактаблари орасидаги алоқа узилди... Қош қорайганда бу тўғрида бутун шаҳарга гап тарқалди, буржуазиянинг юзлаб вакиллари телефон трубкасига: «Аҳмоқлар Иблислар! Сизлар буни узоққа чўзилади, деб ўйлайсизларми? Шошмай туринглар, казаклар ҳам келиб қолар!»— деб бақирардилар.

Тун кирди. Изғирин шамол эсиб турган Невский проспектида ҳеч бир жон асари йўқ, фақат Казанский собор рўпарасида тўпланган халойиқ ҳадеб бир-бири билан тортишарди; булар орасида бир неча ишчи, бир неча солдатгина бор, холос, қолганлари эса савдогарлар, амалдорлар ва шулар каби кишилар эди.

«Лекин сулҳ тузиш учун немисларни мажбур қилолмайди!»— деб қичқирди кимдир.

Ёш бир солдат қизишиб: «Ким айбдор? Ҳаммасига лаънати буржуй Керенскингиз айбдор! Минг лаънат Керенскийга! Бети қурсин унинг, истамаймиз! Ленинни хоҳлаймиз!..»— деб эътироз қилди.

Енгига оқ латта боғлаган бир офицер дума ёнида шанғиллаб сўкиниб, девордан плакатларни сидириб олиб ташларди. Бу плакатларнинг бирида шундай деб ёзилган эди:

«Дума аъзоси бўлган большевиклардан — Петроград аҳолисига.

Шаҳар думаси аҳолини тинчитиш, уни нон ва энг зарур нарсалар билан таъминлаш учун бутун кучини сарфлаши лозим бўлган ҳаяжонли бир пайтда, ўнг социал-революционерлар ва кадетлар ўз бурчларини унутиб, шаҳар думасини контрреволюцион митинглар майдонига айлантирдилар, аҳолининг бир қисмини иккинчисига гиж-гижламоқчилар ва бу билан Корнилов — Керенскийнинг ғалабасини енгиллаштирмоқчи бўлдилар. Ўнг социал-революционерлар ва кадетлар ўз вазифаларини бевосита бажариш ўрнига шаҳар думасини ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларига қарши, сулҳ, ғалла ва озодлик берувчи революцион ҳукуматга қарши сиёсий кураш майдонига айлантирдилар.

Петроград гражданлари! Сизларнинг томонингиздан сайланган, дума аъзоси бўлган биз — большевиклар, ахборотингиз учун шуни маълум қиламизки, ўнг социал-революционерлар ва кадетлар контрреволюцион курашга берилиб кетиб ўзларининг бевосита вазифаларини унутдилар ва аҳолини очликка, гражданлар урушига ва қон тўкишга олиб бормоқдалар. 183 000 аҳоли томонидан сайланган бизлар шаҳар думасида юз бераётган бутун ҳодисалардан сайловчиларни хабардор қилишни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз ва юз бераётган оқибати хунук воқеалар учун ҳар қандай масъулиятни ўз зиммамиздан соқит қиламиз, деб билдирамиз».

Йироқ-йироқдан тасодифий ўқ овозлари эшитилар, аммо шаҳар ўзини қақшатган талвасадан ҳолсизлангандек, жимиб қолган ва совиган эди.

Николай залида думанинг йиғилиши тугай деб қолган эди. Ғалаёнга келган дума ҳам бир қадар тинчиб қолгандек бўлди. Комиссарлар бирин-кетин телефон станцияси қўлдан кетди, кўчаларда жанглар бўлмоқда, Владимирск мактабини ишғол қилдилар деб хабар қилиб турардилар... «Дума,— деди Трупп,— зўравонликка ва ўзбошимчаликка қарши курашда демократия тарафида туради; аммо, ҳар ҳолда қайси томон устун чиқмасин, дума ҳар қачон қора калтак ва қийноқларга қарши туради...»

Важоҳати хунук, новча Коновский деган кадет чол: «Қонуний ҳукуматнинг аскарлари Петроградга кириб исёнчиларни отиб ташласа, бу қора калтак бўлмайдими»,— деди. Залнинг ҳар ёғидан норозилик қичқириқлари кўтарилди, кадетлар ҳам бунга қўшилдилар.

Думада очиқдан-очиқ шубҳа ва маъюслик ҳукм сурарди. Контрреволюция инқирозга юз тутди. Социалист-революционерлар партиясининг марказий комитети ўз йўлбошчиларига, ўз вакилларига ишончсизлик билдирди. Шу партиянинг сўл

№ 208.
Пятница,
27 октября 1917 г.

ИЗВѢСТІЯ

ЦѢНА:
въ Петроградѣ 15 коп.
на ст. жел. д. 18 коп.

Центральнаго Исполнительнаго Комитета
и Петроградскаго совѣта
РАБОЧИХЪ и СОЛДАТСКИХЪ ДЕПУТАТОВЪ.

Адресъ конторы: Литовка, Сабкинъ пер., д. № 6. Телефонъ № 218-41.
Адресъ редакціи: Смольный Институтъ, 2-й этажъ комната № 144. Телефонъ № 38-89

Декретъ о мирѣ,

принятый единогласно на засѣданіи Всероссійскаго Съѣзда Совѣтовъ Рабочихъ, Солдатскихъ и Крестьянскихъ Депутатовъ 26 октября 1917 г.

Рабочее и крестьянское правительство, созданное революціей 24 октября и опирающееся на Совѣты Рабочихъ, Солдатскихъ и Крестьянскихъ Депутатовъ, предлагаетъ всѣмъ воюющимъ народамъ и ихъ правительствамъ начать немедленно переговоры о справедливомъ демократическомъ мирѣ.

Справедливымъ или демократическимъ миромъ, котораго желаетъ подавляющее большинство истерзанныхъ, измученныхъ и истекающихъ кровью рабочихъ и трудящихся массъ всѣхъ воюющихъ странъ миръ, котораго самымъ рѣшительнымъ и настойчивымъ образомъ требовали русскіе рабочіе и крестьяне послѣ свержения царской монархіи,—такимъ миромъ правительство считаетъ немедленный миръ безъ аннексій (т. е. безъ захвата чужихъ земель, безъ насильственнаго присоединенія чужихъ народностей) и безъ контрибуціи.

Такой миръ предлагаетъ Правительство Россіи заключить всѣмъ воюющимъ народамъ немедленно, выражая готовность сдѣлать безъ малѣйшей оттяжки тотчасъ же всѣ рѣшительные шаги впредь до окончательнаго утвержденія всѣхъ условій такого мира полномочными собраніями народныхъ представителей всѣхъ странъ и націй.

Подъ аннексіей или захватомъ чужихъ земель Правительство понимаетъ сообразно правовому сознанію демократіи вообще, а трудящихся классовъ въ особенности всякое присоединеніе къ большому или сильному государству малой или слабой народности безъ точно, ясно и добровольно выраженнаго согласія и желанія этой народности, независимо отъ того, когда это насильственное присоединеніе совершено, независимо также отъ того насколько развитой или отсталой является насильственно присоединяемая или насильственно удерживаемая въ границахъ даннаго государства нація. Независимо, наконецъ, отъ того, въ Европѣ или въ далекихъ заокеанскихъ странахъ эта нація живетъ.

Если какая бы то ни была нація удерживается въ границахъ данного государства насильно, если ей, вопреки выраженному съ ея стороны желанію—все равно, выраженно ли это желаніе въ печати, въ народныхъ собраніяхъ, въ рѣшеніяхъ партій или возмущеніяхъ и возстаніяхъ противъ національнаго гнета—не предоставляется права свободнымъ голосованіемъ, при полномъ выводѣ войска присоединяющей или вообще болѣе сильной націи, рѣшить безъ малѣйшаго принужденія вопросъ о формахъ государственнаго существованія этой націи, то присоединеніе ея является аннексіей, т. е. захватомъ и насиліемъ.

Продолжать эту войну изъ-за того, какъ раздѣлить между сильными и богатыми націями захваченныя ими слабыя народности. Правительство считаетъ величайшимъ преступленіемъ противъ человѣчества и горячественно заявляетъ свою рѣшимость немедленно подписать условія мира, прекращающаго эту войну на указанныхъ равно справедливыхъ для всѣхъ безъ изъятія народностей условіяхъ.

Выше съ тѣмъ Правительство заявляетъ, что оно отнюдь не считаетъ вышеуказанныхъ условій мира ультимативными, т. е. согласается разсмотрѣть и всякіе другіе условія мира, настаивая лишь на возможно болѣе быстромъ предложеніи ихъ какой бы то ни было воюющей страной и на полнѣйшей ясности, на безусловномъ исключеніи всякой двусмысленности и всякой тайны при предложеніи условій мира.

Тайную дипломатію Правительство отмѣняетъ, со своей стороны твердо намѣреваясь вести всѣ переговоры совершенно открыто передъ всѣмъ народомъ, приступая немедленно къ полному опубликованію тайныхъ договоровъ, подтверждающихъ или заключенныхъ правительствомъ помѣщиковъ и капиталистовъ съ февраля по 25 октября 1917 года. Все содержаніе этихъ тайныхъ договоровъ, поскольку оно направлено, какъ это въ большинствѣ случаевъ было къ достиженію выгодъ и привилегій русскихъ помѣщиковъ и капиталистовъ, къ удержанію или увеличенію аннексій великороссовъ, Правительство объявляетъ безусловно и немедленно отмѣненнымъ.

Обращаясь съ предложеніемъ къ правительствамъ и народамъ всѣхъ странъ начать немедленно открытые переговоры о заключеніи мира, Правительство выражаетъ съ своей стороны готовность вести эти переговоры, какъ посредствомъ письменныхъ сношеній, по телеграфу, такъ и путемъ переговоровъ между представителями разныхъ странъ, или на конференціи такихъ представителей. Для облегченія такихъ переговоровъ Правительство назначаетъ своего полномочнаго представителя въ нейтральныя страны.

Правительство предлагаетъ всѣмъ правительствамъ и народамъ всѣхъ воюющихъ странъ немедленно заключить перемиріе, причемъ со своей стороны, считаетъ желательнымъ, чтобы это перемиріе было заключено не меньше, какъ на три мѣсяца, т. е. на такой срокъ, въ теченіе котораго вполнѣ возможно, какъ завершеніе переговоровъ о мирѣ съ участіемъ представителей всѣхъ безъ изъятія народностей, или какой, втянутыхъ въ войну или вынужденныхъ къ участію въ ней, такъ равно и созывъ полномочныхъ собраній народныхъ представителей всѣхъ странъ для окончательнаго утвержденія условій мира.

Обращаясь съ этимъ предложеніемъ мира къ правительствамъ и народамъ всѣхъ воюющихъ странъ, временное рабочее и крестьянское правительство Россіи обращается также въ особенности къ сознательнымъ рабочимъ тремъ самымъ передовымъ нашей человѣчества и самымъ крупнымъ участвующимъ въ настоящей войнѣ государствамъ, Англіи, Франціи и Германіи. Рабочіе этихъ странъ оказали наибольшія услуги дѣлу прогресса и соціализма и великіе образцы чартистскаго движенія въ Англіи, ряда революцій, имѣвшихъ всемірно-историческое значеніе, совершенныхъ французскимъ пролетаріатомъ, наконецъ, въ геройской борьбѣ, противъ исключительнаго закона въ Германіи и образцовой для рабочихъ всего мира длительной, упорной дисциплинированной работѣ созданія массовыхъ пролетарскихъ организацій Германіи. Всѣ эти образцы пролетарскаго героизма и историческаго творчества служатъ намъ порукой за то, что рабочіе названныхъ странъ поймутъ лежащія на нихъ теперь задачи освобожденія человѣчества отъ ужасовъ войны и ея послѣдствій, что эти рабочіе всесторонней рѣшительной и беззавѣтно энергичной дѣятельностью своей помогутъ намъ успѣшно довести до конца дѣло мира и вмѣстѣ съ тѣмъ дѣло освобожденія трудящихся и эксплоатируемыхъ массъ населенія отъ всякаго рабства и всякой эксплоатаціи.

№ 209
Суббота,
28 октября 1917 г.

ИЗВѢСТІЯ

ЦѢНА:
въ Петроградѣ 15 коп.
на ст. жел. д. 18 коп.

Центральнаго Исполнительнаго Комитета
и ПЕТРОГРАДСКАГО СОВѢТА
РАБОЧИХЪ и СОЛДАТСКИХЪ ДЕПУТАТОВЪ.

Адресъ конторы: Литейный, Сайкинъ пер., д. № 6. Телефонъ № 216-41.
Адресъ редакціи (Смольный Институтъ, 2-й этажъ комната № 142. Телефонъ № 38-89.

Въ виду созыва въ теченіи ближайшихъ дней Второго Всероссійскаго Съѣзда Совѣтовъ Крестьянскихъ Депутатовъ, крестьянъ-делегатовъ пріѣзжающихъ на Второй Всероссійскій Съѣздъ Совѣтовъ Рабочихъ и Солдатскихъ Депутатовъ просятъ остаться для участія въ работахъ этого съѣзда.

ДЕКРЕТЪ О ЗЕМЛѢ

СЪѢЗДА СОВѢТОВЪ РАБОЧИХЪ и С. Д. (ПРИНЯТЪ НА ЗАС. 26 ОКТ. въ 2 ч. Н.).

1) Помѣщичья собственность на землю отмѣняется немедленно безъ всякаго выкупа.

2) Помѣщичьи имѣнія, равно всѣ земли удѣльныя, кабинетскія, церковныя, съ всѣми ихъ живымъ и мертвымъ инвентаремъ усадебными постройками и всѣми принадлежностями переходятъ въ распоряженіе волостныхъ земельныхъ Комитетовъ и уѣздныхъ Совѣтовъ Крестьянскихъ Депутатовъ, впредь до Учредительнаго Собранія.

3) Какая бы то ни было порча конфискуемаго имущества принадлежащаго отнынѣ всему народу, объявляется тяжкимъ преступленіемъ, караемымъ революціоннымъ судомъ. Уѣздные Совѣты Крестьянскихъ Депутатовъ принимаютъ всѣ необходимыя мѣры для соблюденія строжайшаго порядка при конфискаціи помѣщичьихъ имѣній, для опредѣленія того, до какого размѣра участки и какое именно количество и чѣмъ облагаются, для составленія точной описи всего конфискуемаго имущества и для строжайшей революціонной охраны всего переходящаго въ народу хозяйства съ землей со всѣми постройками, орудіями, скотомъ, запасами продуктовъ и проч.

4) Для руководства по осуществленію великихъ земельныхъ преобразованій, впредь до окончательнаго ихъ рѣшенія Учредительнымъ Собраніемъ долженъ повсюду служить слѣдующій крестьянскій наказъ, составленный на основаніи 242 отвѣтовъ крестьянскихъ мѣстныхъ редакцій «Известій Всероссійскаго Совѣта Крестьянскихъ Депутатовъ» и опубликованный въ №№ 88 отвѣт. «Известій». (Петроградъ, ноябрь 88, 19 авг. 1917 г.)

О ЗЕМЛѢ.

Вопросъ о землѣ, въ всемъ его объемѣ, можетъ быть окончательно только всенароднымъ Учредительнымъ Собраніемъ.

Самое справедливое разрѣшеніе земельнаго вопроса должно быть таково:

1. Право частной собственности на землю отмѣняется навсегда; земля не можетъ быть ни продаваема, ни покупаема, ни сдаваема въ аренду либо въ залогъ, ни какимъ либо другимъ способомъ отчуждаема. Вся земля: государственная, удѣльная, кабинетская, монастырская, церковная, лесостепная, общественная и крестьянская и т. д., безъ изъятія отбирается безвозмездно, обращается въ всенародное достояніе и переходитъ въ пользованіе всѣхъ трудящихся на ней.

За потерпѣвшими отъ отчуждественнаго переворота признается лишь право на общественную поддержку на время, необходимое для приспособленія къ новымъ условіямъ существованія.

2. Всѣ недра земли: руда, нефть, уголь, соль и т. д., а также лѣса и воды, имѣющія общегосударственное значеніе, переходятъ въ исключительное пользованіе государства. Всѣ малыя рѣки, озера, лѣса и проч. переходятъ въ пользованіе общинъ, при условіи завѣдыванія ими мѣстными органами самоуправленія.

3) Земельные участки съ высокохудожественными сооруженіями: сады, плантаціи, заказники, питомники, оранжереи и т. п. Не подлежатъ раздѣлу, а превращаются въ образцовыя, которыя передаются въ исключительное пользованіе государства или общинъ, въ зависимости отъ размѣра и значенія ихъ.

Усадебная городская и сельская земля, съ ея домовыми садами и огородами, остается въ пользованіи настоящихъ владѣльцевъ, причемъ размѣръ самой участвуетъ и высота налога въ пользованіе или облагаемости опредѣляется законодательнымъ порядкомъ.

4. Конскіе заводы, племенные и частные племенные скотоводства и птицеводства и проч. конфискуются, обращаются во всенародное достояніе и отчуждаются либо въ исключительное пользованіе государства либо общины, въ зависимости отъ размѣра и значенія ихъ.

Вопросъ о выкупѣ подлежитъ разсмотрѣнію Учредительнаго Собранія.

5) Весь тягостный инвентарь конфискованныхъ имѣній, какъ живой, такъ и мертвый переходитъ въ исключительное пользованіе государства или общественныхъ организацій, въ зависимости отъ размѣровъ и значенія ихъ, безъ выкупа.

Конфискація инвентаря не касается маломощныхъ крестьянъ.

6) Право пользованія землей получаютъ всѣ граждане (безъ различія пола) Россійскаго государства, желающіе обрабатывать ее своимъ трудомъ, при помощи своей семьи или въ товариществѣ, и только до той поры, пока они въ силахъ ее обрабатывать. Наемный трудъ не допускается.

При случайномъ бѣдствіи какого либо члена сельскаго общества на продолженіе 2 лѣтъ, сельское общество обязуется, по постановленію его трудоспособности на этотъ срокъ, придти къ нему на помощь путемъ общественной обработки земли.

Земледѣльцы, вслѣдствіе отсутствія или инвалидности, утратившіе всякую возможность лично обрабатывать землю, теряютъ право на пользованіе ею, но имѣютъ право получать отъ государства пенсіонное обезпеченіе.

7) Землепользованіе должно быть уравнительнымъ, т. е. земля распредѣляется между трудящимися, смотря по мѣстнымъ условіямъ, по трудовой или потребительной нормѣ.

Формы пользованія землею должны быть совершенно свободны, подворная, хуторская, общинная, артельная, какъ рѣшено будетъ въ отдѣльныхъ селеніяхъ и селахъ.

8) Вся земля, по ея отчужденіи, поступаетъ въ общенародный земельный фондъ. Распредѣленіе ея между трудящимися надлежитъ мѣстнымъ и центральнымъ самоуправленіямъ начиная отъ демократическихъ организацій общественныхъ самыхъ, и кончая центральными областными учрежденіями.

Земельный фондъ равномѣрно перераспредѣляется въ зависимости отъ прироста населенія и повышенія производительности и культуры сельскаго хозяйства.

При измѣненіи границъ выдѣляется первоначальное ядро участка земли остается неприкосновеннымъ.

Земля выбывающихъ членовъ поступаетъ сперва въ земельный фондъ, при чемъ преимущественное право на полученіе участковъ выбывшихъ членовъ получаютъ ближайшіе родственники ихъ и лица ими указанныя выбывшимъ.

Вознагражденіе за землю сущности уже брошенныя и дезорганизованныя (запущенныя) дворами, сельскимъ міромъ не использованныя при своей низкой средней за земельный фондъ, должны быть отвергнуты.

Если за отдѣленіемъ членовъ изъ общей земельный фондъ земли не достаточно для удовлетворенія всѣхъ мѣстнаго населенія, то избытокъ населенія подлежитъ переселенію.

Организацію переселенія, равно какъ и расходы по переселенію и снабженію инвентарем и проч. должно нести на себѣ государство.

Переселяемые производятся въ сельскія общества изъ которыхъ выселяются добровольно переселенцы, затѣмъ порочные члены общества, аттестуемые и проч. и, наконецъ, по жребію, либо по соглашенію.

Все государственное въ этомъ наказѣ мѣсто выраженіе безотчетной воли огромнаго большинства сознательныхъ крестьянъ всей Россіи, обнаруженное вполнѣ массовой исторической борьбой до Учредительнаго Собранія проникнетъ ее въ мѣстахъ по возможности вѣрнѣе, что и есть выражать своихъ мѣстныхъ съ той необходимой постепенностью, которая должна сопровождаться удѣлами Совѣтами Крестьянскихъ Депутатовъ.

Земля должна признана и равномѣрно населена по конференціи.

(Постановленіе Совѣта Народныхъ Комиссаровъ Владиміръ Ульяновъ(Ленинъ)

26 окт. 1917 г.

қаноти вазиятга хўжайин эди. Авксентьев истеъфога чиқди. Хат ташувчи, Керенскийни кутиб олиш учун вокзалга юборилган комиссия қамоққа олинипти, деган хабарни келтирди. Кўчаларда жануб ва шарқи-жануб томондан бараварига отилган замбарақларнинг гумбирлаган овози эшитилиб турарди. Керенскийдан ҳамон дарак йўқ эди...

Ўша куни атиги уч газета «Правда», «Дело Народа» ва «Новая жизнь» чиқди. Бу газеталарнинг ҳаммаси янги, «коалицион» ҳукумат тўғрисидаги масалага жуда кўп ўрин берган эди. Эсерлар газетаси кадетлар ҳам, большевиклар ҳам кирмайдиган янги кабинет тузишни талаб қилди. Горькийнинг умиди катта эди; Смольний ён бераётган эди. Буржуазиядан ташқари барча элементларни ўз ичига олган соф социалистик ҳукумат тузила бошланди. Лекин «Правда»гина заҳарханда қиларди:

«...Кўпчилик қисми, буржуазиянинг хайрихоҳлиги ва футури кетган обрўйидан бошқа хеч нарсаси бўлмаган, орқасидан энди на ишчилар, ва на деҳқонлар эргашадиган бир ҳовучгина журналистлардан иборат «партиялар» билан тузиладиган коалиция эмас, бизнинг коалициямиз — пролетариат революцион партиясининг революцион армия ва камбағал деҳқонлар билан тузган иттифоқидан иборат коалициядир...»

Деворларга Викжелнинг писанда қилган эълонномалари ёпиштирилган эди, буларда: агар ҳар икки тараф муросага келмасалар, биз забастовка эълон қиламиз, деб дағдаға қилинган эди.

«Ватанни қийноққа солган бу исён ва ғалаёнларнинг ҳаммасидан на большевиклар, на Ҳимоя қилиш комитети, ва на Керенскийнинг қўшинлари ғолиб чиқадилар,— биз, темир йўлчилар союзи ғолиб бўлиб чиқамиз».

Қизил гвардиячилар темир йўлдек қийин ишни бошқараолмайдилар, муваққат ҳукумат хусусига келсак, у ўзининг ҳокимиятини сақлаб туришга бутунлай лаёқатсизлигини кўрсатиб қўйди...

«Биз бутун демократиянинг ишончига суянувчи ҳукумат томонидан вакил қилинган ҳар қандай партиялар билан ишлашдан воз кечамиз...»

Битмас-туганмас инсон кучларининг беҳад активлашганидан Смольний биноси ларзага келган эди.

Касаба союзларининг бош штабида Лозовский мени Николаевск темир йўли ишчиларининг вакили билан таништирди, у менга бизда оммавий митинглар бўлди, бу митингларда биз ўз йўлбошчиларимизни қоралаб чиқдик, деб гапириб берди.

«Бутун ҳокимият Советларга!— деб қичқирди у столга муштлаб.—Марказий Комитетдаги мудофаачилар Корниловнинг тегирмонига сув қуймоқдалар. Улар ставкага делегация юборишган экан, биз бу делегацияни Минскда қамоққа олдик.

Бизнинг бўлинмамиз Бутун Россия съездини чақиришни талаб қилди, улар эса чақиришдан бўйин товламоқдалар...»

Советларда ва армия комитетларида қандай бўлса, бу ерда ҳам аҳвол шундай эди. Бутун Россиядаги турли демократик ташкилотлар бирин-кетин парчаланиб, ўзгармоқда эди. Кооперативлар ички курашлар ичида қолди; деҳқон депутатлари ижроия комитетининг йиғилишлари қизғин мунозаралар остида ўтарди; ҳатто казаклар ҳам ҳаяжонга тушиб қолди...

Смольний биносининг юқори қаватида эса Ҳарбий-революцион комитет сира бўшашмасдан зарба устига зарба бериб, қизғин иш олиб бормоқда эди. Одамлар бу ерга бардам бўлиб кириб, бу даҳшатли машина ичида кеча-кундуз айланар ва у ердан ерга ётиб данг қотиб ухлашга тайёрдек, ранг-рўйлари оқариб хориб-чарчаб товушлари бўғилиб, исқиртланиб чиқар эдилар... Ҳимоя қилиш комитети ғайри қонуний деб эълон қилинди. Бутун пол даста-даста янги хитобномаларга[1] тўлиб кетган эди.

«...На гарнизонда, на ишчилар орасида ҳеч қандай таянчи бўлмаган фитначилар қўққисдан зарба беришгагина умид боғлаган эдилар. Аммо фитначиларнинг ниятлари бир қизил гвардиячининг (унинг номи аниқланади) революцион ҳушёрлиги туфайли Петропавловск қалъасининг комиссари прапоршчик Благонравов томонидан ўз вақтида фош қилинди. Фитна марказида «Ҳимоя қилиш комитети» деб аталган ташкилот турар экан. Қўшинларга қўмондонлик полковник Полковниковга юкланган эди. Унинг ордерлари МИКнинг собиқ аъзоси, ваъдасига ишониб қўйиб юборилган Гоц томонидан имзоланган эди...

Ҳарбий-революцион комитет Петроград аҳолисига шуни маълум қилиб, қарор қилади:

Фитнага аралашганлар қамоққа олиниб, Ҳарбий-революцион судга берилсин».

Москвадан, юнкерлар ва казаклар Кремлни қуршаб олиб, Совет қўшинларидан қурол-яроқни топширишни талаб қилибдилар, деган хабар келди. Совет аскарлари талабни бажо келтирибдилар, аммо улар Кремлдан чиқишлари биланоқ, душманлар уларга ҳужум қилиб, отиб ташлабдилар. Кучсиз большевик отрядлари телефон станцияси ва телеграфдан суриб чиқарилиптилар. Юнкерлар шаҳар марказини ишғол қилиптилар... Аммо уларнинг атрофида янги Совет кучлари тўпланаётган эмиш. Кўча жанглари секин-аста авж олаётган эмиш. Муроса қилиш йўлидаги уринишларнинг ҳаммаси барбод бўлипти... Ўн минг кишилик солдатлар гарнизони ва бир қисм қизил гвардиячилар Советлар томонида. Олти минг юнкер, икки минг беш юз казак ва икки минг оқ гвардиячи ҳукумат тарафида эмиш.

Петроград Советининг мажлиси бўлмоқда эди. Унинг ёнидаги хонада янги МИҚ ишлар, у ўзидан бир қават юқорида мажлис қураётган Халқ Комиссарлар Советидан[2] тўхтовсиз

равишда ўзига тушиб турган декрет ва қарорларни кўрарди. Бу ерда шундай масалалар, қонунларни тасдиқлаш ва эълон қилиш тартиблари, саккиз соатлик иш куни тўғрисидаги қонун ва Луначарский томонидан тақдим этилган «Халқ маорифининг асосий системалари» кўрилди. Ҳар иккала мажлисда ҳам аксарияти қуролланган бир неча юз одам қатнашди. Смольний бўшаб қолган, ёлғиз соқчиларгина, бинонинг қанотларини қўриқлашга ҳозирланиб, деразаларга пулемёт ўрнатиб турардилар.

МИКда Викжель делегати чиқиб гапирди:

«Биз иккала томоннинг ҳам қўшинини ташимаймиз. Биз Керенский олдига делегация юбориб, агар у Петроградга бостириб келишдан тийилмаса, биз унинг барча алоқа йўлларини кесиб қўйишимизни билдирдик...».

Сўнгра у, одатдагича, янги ҳукумат тузиш учун барча социалистик партияларнинг конференциясини чақиришни таклиф этди...

Каменев жуда эҳтиёткорлик билан жавоб қилди. Большевиклар шундай бир конференцияда иштирок қилсалар хурсанд бўлган бўлар эдилар. Бироқ масаланинг муҳим томони ҳукумат тузиш устида эмас, балки бу ҳукуматнинг Советлар съезди программасини қабул қилиш-қилмаслиги устида эди... МИК сўл эсерлар ва интернационалист социал-демократларнинг деклорациясини муҳокама қилиб, конференцияга мутаносиб равишда вакиллар киритиш ва ҳатто армия комитетлари ва деҳқон Советлари делегатларини ҳам киритиш тўғрисидаги таклифларни қабул қилди.

Катта залда Троцкий шу бугунги ҳодисалар тўғрисида ҳисобот бермоқда эди.

«Биз Владимирскли юнкерларга таслим бўлишни таклиф этдик — деди у.— Биз қон тўкишни истамаган эдик. Аммо энди хунрезлик бошлангандан кейин, биргина йўл, яъни шафқатсиз кураш йўли қолди. Бошқа бир йўл билан енгамиз деб гумон қилиш — болаликдир... Кескин бир пайт келди. Ҳамма Ҳарбий-революцион комитетга ёрдам қилиши, унга қаерда тиконли симлар, бензин ва қурол-яроқ запаслари борлиги тўғрисида маълумот бериши лозим. Биз ҳокимиятни қўлга олдик, энди уни сақлаб қолишимиз керак».

Меньшевик Иоффе ўз партияси номидан декларация ўқиб эшиттирмоқчи бўлган эди, бироқ Троцкий «принцип масалалари устида мунозара» га йўл қўйишни истамади.

«Бизнинг мунозараларимиз энди кўчаларда ҳал бўлаётир,— деб хитоб қилди у.— Кескин қадам ташланди. Биз ҳаммамиз ва шахсан мен ўзим рўй бераётган ишлар учун жавобгарликни ўз гарданимизга оламиз...»

Гатчинадан фронтдан келган солдатлар ҳам чиқиб гапирдилар. Улардан бири — 481-артиллерия бригадаси зарбдор қисмининг солдати, шундай деди: «Окопларда бу вақеалардан

хабардор бўлиб қолсалар: мана бу бизнинг ҳукуматимиз, деб айтадилар». Петергоф прапоршчиклар мактабининг бир юнкери икки шериги билан Советларга қарши боришдан бош тортганликлари ва Қишки саройдаги жангдан кейин қайтиб келгач, ўртоқлари уни ўзларига комиссар қилиб сайлаганлари ва ҳақиқий революция йўлида хизмат қиламиз, деб Смольнийга хабар юборганликлари тўғрисида гапириб берди.

Сўнгра қизиққан, фармонбардор ва ҳозир жавоб Троцкий яна минбарга чиқди:

«Ишчилар, солдатлар ва деҳқонларни енгиш учун майда буржуазия ҳатто иблис билан ҳам иттифоқ тузишга тайёр,— деди у.— Сўнгги икки кун ичида ичкиликбозлик авж олаётир. «Ичманглар, ўртоқлар! Кечқурун соат саккиздан кейин навбатчи қоровуллардан бошқа ҳеч ким кўчага чиқмасин. Спиртли ичимликлар запаси бўлиши эҳтимоли бўлган барча уйлар тинтилсин ва спиртли ичимликлар йўқотилсин. Вино сотувчиларга ҳеч қандай шафқат қилинмасин [4]...»

Ҳарбий-революцион комитет Виборг райони ва Путилов заводи делегатларини чақиртирди. Улар тезлик билан етиб келдилар.

«Ўлдирилган ҳар бир революционер учун,— деди Троцкий,— биз бешта контрреволюционерни ўлдирамиз».

Биз яна шаҳарга тушдик. Думанинг чироқлари чарақлаб турарди, одамлар у ерга тўда-тўда бўлиб кирмоқда эди. Биринчи қаватдаги хоналардан йиғи-сиғи ва оҳ-воҳлар эшитиларди; оломон жангда ўлдирилган ёки, тўғрироғи, жангда ўлдирилди деб гумон қилинган юнкерлар рўйхати ёзилган бюллетенлар олдига тўпланган эди, ўлдирилган деб ҳисобланганларнинг кўпи соғ-саломат эканлиги маълум бўлиб қолди... Юқорида Александр залида ҳимоя қилиш комитети мажлис қилаётган эди. Бу ерда қизил уқали олтин погон тақкан офицерлар, интеллигент-меньшевиклар ва эсерларнинг ҳаммага таниш башаралари, кўзлари хунук ва келишмаган қимматбаҳо костюм кийган банкирлар ва дипломатлар кўзга чалинарди; улар орасида эски тартиб амалдорлари ва башанг кийинган хонимлар ҳам бор эди...

Телефонистка қизлар маълумот бермоқда эдилар. Яхши кийинган, юриш-туришларида зодагонларга тақлид қилувчи, аммо ранг-рўйлари бир ҳолатда бўлган, ботинкалари эскирган қизлар бирин-кетин минбарга чиқиб гапирардилар. Улар Петроградниг «асл» табақаси — офицерлар, бойлар, машҳур сиёсий арбоблар чапак чалганларида суюнганларидан қизариб кетардилар; улар бирин-кетин чиқиб, пролетариатдан чеккан жабр-жафолари тўғрисида гапириб, ўзларининг мустаҳкам, қудратли эски тартибга содиқ эканликларини изҳор қилардилар...

Николай залида дума яна мажлис бошлади. Шаҳар бошлиғи, Петроград полклари ўз қилмишларидан пушаймон бўла

бошлаганлари тўғрисида умидли бир оҳангда гапирди; ташвиқотнинг таъсири сезилмоқда... Думанинг эмиссарлари югуриб келиб кетиб турарди. Улар большевикларнинг йиртқичлиги ва қотиллиги тўғрисида янги хабарлар келтириб турардилар, юнкерларни ҳимоя қилишга уринганликлари, текшириш ўтказаётганликлари тўғрисида гапирардилар... «Большевиклар,— деди Трупп,—найзалар билан эмас, балки маънавий куч билан енгиладилар...»

Ваҳоланки революцион фронтда ишлар кўнгилдагидек эмас эди. Душман, тўплар билан қуролланган бронепоездлар келтирган эди. Асосан ҳарбий таълим кўрмаган қизил гвардиячилардан иборат Совет отрядлари на офицерлар, ва на умуман ҳарбий ҳаракат планига эга эди. Мунтазам солдатларни атиги беш минг киши уларга қўшилган эди. Гарнизоннинг қолган қисмлари ё исёнчи юнкерларни бир ёқли қилиш билан банд, ё пойтахтда тартиб сақлар, ёинки ким томонига ўтишларини ҳали ҳам билмас эдилар. Кечаси соат ўнда Ленин гарнизон полклари делегатлари мажлисида чиқиб нутқ сўзлади, делегатлар аксарият овоз билан курашни давом эттиришга қарор қилдилар. Беш солдатдан иборат комитет — ўзига хос бош штаб тузилди, полклар эрталаб ҳарбий интизом билан казармалардан чиқдилар... Уйга қайтиб кетаётганимда, мен уларга дуч келиб қолдим. Найзали милтиқ таққан бу жанговар солдатлар забт этилган шаҳарнинг ҳувиллаган кўчаларида сафларини бузмай гурс-гурс қадам ташлаб кетмоқда эдилар...

Худди шу вақтда Садовая кўчасидаги Викжель биносида бутун социалистик партияларнинг янги ҳукумат тузиш учун чақирилган конференцияси кетмоқда эди. Меньшевик центри номидан чиқиб гапирган Абрамович, маъқуллар ҳам, қолиблар ҳам бўлмаслиги керак, ўтган гапларни эслаб ўтиришнинг ҳожати йўқ...— деди. Барча сўл группа ва партиялар унинг фикрига қўшилдилар. Ўнг меньшевиклар номидан чиқиб гапирган Дан большевикларга қуйидаги яраш битимини тақдим этди: Қизил Гвардия қурол-яроғни ташлаши, Петроград гарнизони эса шаҳар думасига итоат этиши лозим; Керенский аскарлари битта ҳам ўқ узмайди, бир кишини ҳам қамоққа олмайди; *большевиклардан ташқари,* барча социалистик партиялар вакилларидан иборат министрлик тузилади. Смольний номидан чиқиб гапирган Рязанов ва Каменев, барча социалистик партиялар вакилларидан тузилган коалицион ҳукуматга қарши эмасликларини айтиб, Даннинг таклифига қарши норозилик билдирдилар. Эсерлар ўртасида ихтилоф чиқди. Аммо деҳқон депутатлари ижроия комитети ва халқ социалистлари большевиклар билан бирга ишлашдан қатъиян бош тортдилар... Қизғин тортишувлардан кейин ҳамма учун мақбул бўладиган план тузиб чиқиш учун комиссия сайланди.

Бу комиссияда тун бўйи ва эртасига бутун кун ва тун билан кураш давом этди. Мартов ва Горький ташаббуси билан 9 ноябрь (27 октябрь) да шу хилда келишув йўлини излаш учун уриниб кўрилган эди. Бироқ бундай уринишлар муваффақиятсизликка учради. Керенский яқинлашиб келмоқда, ҳимоя қилиш Комитети зўр фаолият кўрсатмоқда, ўнг меньшевиклар билан эсерлар ва халқ социалистлари бехосдан музокаралар олиб боришдан бош тортдилар. Энди бўлса улар юнкерлар исёнининг бостирилишидан ҳуркиб қолган эдилар...

12 ноябрь (30 октябрь) душанба куни мужмаллик билан ўтди. Бутун Россия Петроградниng бир чеккасидаги бўз ранг ялангликка, эски тартиб кучлари билан шу вақтгача кўрилмаган янги ҳокимиятнинг яхши уюшмаган кучлари бир-бирига қарши юзма-юз турган жойга кўз тиккан эди. Москвада эса яраш-яраш бўлган; ҳар иккала томон музокара олиб борар ва пойтахтда аҳвол нима билан тугашини кутарди. Бу вақтда Советлар съездининг делегатлари тезлик билан ҳар томонга, Осиёнинг узоқ бурчакларидаги уйларига жўнаб кетган ва революциянинг ёниб турган машъалини ўзлари билан бирга олиб борган эдилар. Ажойиб воқеалар тўғрисидаги хабар тўлқини бутун мамлакатга ёйилган, бутун шаҳарлар ва узоқдаги қишлоқлар ҳаракатга келиб, бош кўтарган эди. Советлар ва ҳарбий-революцион комитетлар думаларга, земстволарга ва ҳукумат комиссарларига қарши... Қизил гвардиячилар оқ гвардиячиларга қарши оёқланган, кўча жанглари бошланган, оташин нутқлар сўзланарди... Оқибат Петроград айтадиган сўнгги сўзга боғлиқ бўлиб қолган эди...

Смольний кимсасиз ҳувиллаб қолган, аммо думада ғалағовур эди. Кекса дума бошлиғи ўзига хос сиполик билан думанинг большевик аъзолари чиқарган хитобномага қарши норозилик билдирарди.

«Дума контрреволюция маркази эмас,— деб қизишиб гапирарди у.— Ҳозирги пайтда партиялар ўртасида бўлаётган курашда думанинг ҳеч қандай иштироки йўқ. Аммо мамлакатда ҳеч қандай қонуний ҳукумат бўлмаган бир пайтда шаҳар бошқармаси ягона тартиб маркази бўлиб қолади. Тинч аҳоли бу фактни инобатга олади; ажнабий элчихоналар шаҳар бошлиғи имзолаган расмий ҳужжатларнигина тан олади. Европаликнинг хусусияти шундан иборатки, у шаҳар бошқармасини гражданларнинг манфаатини ҳимоя қилишга қодир бўлган ягона ташкилот деб билади, холос. Шаҳар меҳмондўстликдан фойдаланишни истаган ҳамма ташкилотларга нисбатан меҳмондўст бўлиши лозим, шу сабабдан дума ўз биносида ҳар қандай газетанинг тарқалишига тўсқинлик қилолмайди. Бизнинг фаолият доирамиз кенгаяди, биз тўла эркин ҳаракат қилишга имконият ҳосил қилишимиз керак, ҳар иккала томон бизнинг ҳуқуқимизни эътироф этиши лозим...

Биз бутунлай бетарафмиз. Юнкерлар телефон станциясини ишғол қилганида, Полковников Смольнийнинг бутун телефонларини узиб қўйишга буюрди, аммо мен норозилик билдирдим ва телефонлар бемалол ишлай бердилар...»

Большевиклар бу гапга истеҳзо билан кулдилар, ўнг томондагилар эса норози бўлиб қичқирдилар.

«Шунга қарамасдан,— деб гапини давом эттирди Шрейдер,— большевиклар бизни контрреволюционерлар деб ҳисобламайдилар ва аҳолига ҳам шундай деб тушунтирадилар. Улар энг сўнгги автомобилларимизни тортиб олиб, бизни транспорт воситаларидан маҳрум этмоқдалар. Башарти шаҳарда очлик бошланса, бунинг учун биз айбдор эмасмиз. Ҳеч қандай норозилик ёрдам бермаётир...»

Шаҳар бошқармасининг аъзоси большевик Кобозев Ҳарбий-революцион комитетнинг шаҳардаги автомобилларни мусодара қилганига шубҳаланганлигини билдирди. Башарти шундай иш қилинган бўлса, эҳтимол, тасодифий зарурият таъсири остида, ваколатсиз бир киши томонидан қилинган чиқар.

«Шаҳар бошлиғи,— деб гапида давом этди у,— биз думани сиёсий йиғилиш жойига айлантиришга ҳаққимиз йўқ, дейди. Аммо бу ерда чиқиб гапирган ҳар бир меньшевик ва эсернинг сўзи партия пропагандасидан бошқа нарса эмасдир, эшик оғзида улар ўзларининг исёнга даъват этувчи «Искра», «Солдатский Голос» ва «Рабочая газета» каби яширин газеталарини тарқатадилар. Агар биз, большевиклар ҳам бу ерда ўз газеталаримизни тарқатсак нима бўлипти? Лекин биз бундай қилмаймиз, чунки думани ҳурмат қиламиз. Биз шаҳар бошқармасига ҳужум қилмаймиз ва ҳужум қилмоқчи ҳам эмасмиз. Модомики, сизлар халққа мурожаат қилган экансизлар, бизнинг ҳам шундай қилишга ҳаққимиз бор...»

Шундан сўнг кадет Шингарев сўзга чиқади. У, давлатга хиёнат қилишда айблаб прокурорга топширилишлари ва судга берилишлари керак бўлган кишилар билан умумий бир тил бўлиши мумкин эмас, деди. У, ҳамма большевикларни думадан чиқариш тўғрисида яна таклиф киргизди. Аммо бу таклиф ҳам рад этилди, чунки дума аъзолари бўлган большевикларга қарши ҳеч қандай шахсий айблар юклаш мумкин эмас эди, ҳолбуки уларнинг ҳаммаси шаҳар муассасаларида актив ишламоқда эдилар.

Шунда интернационалист-меньшевиклардан иккитаси, думадаги большевик аъзоларининг хитобномаси тўғридан-тўғри погромга даъват этишдан иборат эди, деди. «Большевикларга қарши бўлган ҳар кимса контрреволюционер бўлса,— деди Пинкевич,— у ҳолда мен революция билан анархия ўртасида нима фарқ борлигини тушунолмайман... Большевиклар бошвоқсиз омманинг бутун эҳтиросларига бўйсунадилар, бизларнинг эса маънавий кучлардан бўлак ҳеч нарсамиз йўқ. Биз ҳар иккала томондан бўладиган зўрликлар ва погромларга қарши

норозилик билдирамиз. Бизнинг мақсадимиз тинч нажот йўлини қидиришдир...»

«Кўчаларга ёпиштирилган, аҳолини меньшевик ва эсерларни тор-мор келтиришга даъват этувчи «шармандалик дорига» сарлавҳаси остидаги хитобнома бир жиноят бўлиб,— деди Назаров,— сиз большевиклар бу жиноятни ҳеч қачон ювa олмайсиз. Кечаги даҳшатлар шундай хитобномалар билан ҳозирланаётган ишнинг бошланғичигинадир. Мен ҳар доим сизларни бошқа партиялар билан яраштиришга уриниб келдим, аммо эндиликда эса сизларга қарши ўзимда фақат нафрат ҳис этаман!»

Большевиклар ғазаб билан бақиришиб, ўринларидан туриб кетдилар. Уларга қарши бўғиқ, нафратли овоз ва ғазабли ҳаракатлар билан жавоб бердилар...

Мен залдан чиқиб, шаҳар инженери меньшевик Гомбергни ва уч-тўрт мухбирни учратдим. Уларнинг вақтлари жуда чоғ эди.

«Хўш, қалай!— деди улар.— Бу юраксизлар бизлардан ҳайиқадилар. Улар думани қамоққа олишга журъат этолмайдилар! Уларнинг Ҳарбий-революцион комитети бу ерга комиссарларни юбора олмайди. Тағин нима? Бугун мен Садовая кўчасининг муюлишида бир қизил гвардиячининг «Солдатский Голос» газетасини сотиб турган болани ушлаб олмоқчи бўлганини кўриб қолдим... Бола унинг афтига қараб кулиб турарди, ҳалойиқ эса босқинчини уркалтак қилишга сал қолди. Энди ҳамма нарса бир неча соат ичида ҳал бўлади. Ҳатто Керенский келмаса-да, уларда, барибир, ҳукуматга раҳбарлик қиладиган киши топилмайди. Сафсата!.. Менинг эшитишимча, улар Смольнийда бир-бирлари билан жиққа муш бўлишаётган эмиш!»

Бир эсер ошнам мени чеккага олиб чиқди. «Мен,— деди у.— Ҳимоя қилиш комитети қаерга яширинганини биламан, улар билан бориб гаплашишни истайсизми?..»

Қош қорайди. Шаҳарда яна ҳаёт ўз маромида давом этди: магазинлар савдо-сотиқ қила бошлади, кўчада чироқлар ёнди. Ҳалойиқ ҳар вақтдагидек бир-бири билан баҳслашиб кўчанинг ҳар томонига қараб аста оқиб борарди.

Невский кўчасидаги 86-уйга етганимизда, биз деворлари баланд бир ҳовли ичига кирдик. Ошнам 229-квартиранинг эшигини ғалати қилиб тақиллатди. Ичкаридан қадам овози эшитилди, ички эшик тақиллаб очилди. Сўнгра қия очилган ташқи эшикдан биз бир аёл кишининг башарасини кўрдик. Аёл бир аланглаб, бизни ичкарига киргизди. Бу ўрта ёшлик ва ҳушрўй бир аёл эди. «Кирилл!— деб қичқирди у.— Ҳаммаси жойида!» Овқатхонада самовар шақиллаб қайнаб турарди, стол устида тарелкада нон ва шўр балиқ бор эди. Дераза пардаси орқасидан офицер кийимида бир киши чиқиб келди, омборчадан ишчи кийимида бир одам пайдо бўлди. Америка

мухбирини кўрганларига икковлари ҳам жуда хурсанд эди. Агар большевикларнинг қўлига тушиб қолсак, бизларни албатта отиб ташлашади, дедилар гердайишиб менга, улар ўз номларини айтмадилар, аммо иккови ҳам эсер эди.

«Нега сизлар ўз газеталарингизда шундай бўлмағур ёлғонларнинг парсаларини босасизлар?»— деб сўрадим мен.

Офицер ҳеч бир ранжимасдан жавоб қилди: «Биламан, бошқа нима қилайлик? (У елкаларини қисиб қўйди). Биз халқ орасида маълум бир кайфият туғдиришимиз зарур, бунга сиз тушунишингиз керак, албатта...»

Иккинчиси унинг гапини бўлди. «Большевиклар томонидан бўлган бу ишлар бошдан-оёқ авантюра! Уларнинг интеллигенцияси йўқ. Министрликлар ишламайди... Россия — бу шаҳар эмас, бутун бир мамлакат... Биз аминмизки, улар бир неча кундан ортиқ яшай олмайдилар. Шу сабабдан биз уларга қарши чиққан энг катта кучлардан — Керенскийга ёрдам беришга ва тартиб ўрнатишга ёрдам қилишга қарор қилдик».

«Буларнинг ҳаммаси яхши,—дедим мен.—Бас, нега сизлар кадетлар билан бирлашяпсизлар?»

Сохта ишчи талтайиб кулди. «Очиғини айтсам, ҳозир халқ оммаси большевикларга эргашяпти. Бизнинг эса ҳозир тарафдорларимиз йўқ. Биз ҳатто бир тўда солдатларни ҳам сафарбар эта олмаяпмиз. Бизнинг қўлимизда ҳақиқий қурол йўқ... Большевиклар маълум даражада ҳақлидирлар. Ҳозирги пайтда Россияда бир қадар кучли бўлган икки партия бор. Бу — кадетлар пинжига яширинган большевиклар ва реакционер партиялар. Кадетлар бизлардан фойдаланяпмиз деб ўйлайдилар, аммо аслида биз улардан фойдаланяпмиз. Биз большевикларни тор-мор этганимиздан кейин, кадетларга қарши иш кўрамиз...

«Большевиклар янги ҳукуматга киргизиладиларми?»

У гарданини қашиди. «Бу қийин масала,—деди у.—Албатта, агар киргизмасалар, улар ҳамма ишни янгидан бошласалар керак. Агар Таъсис мажлиси умуман тўпланадиган бўлса, унда Таъсис мажлисида кучларнинг мувозанатини тўғрилашга большевикларда ҳар ҳолда ишонч бўлади».

«Ва, бундан ташқари,— деб офицер гапни бўлди,— бу кадетларни ҳукуматга киргизиш масаласини туғдиради. Асослар ўшанинг ўзи, билсангиз, кадетлар ҳақиқатда Таъсис мажлиси чақирилишини хоҳламайдилар, чунки большевикларнинг ҳозироқ тор-мор бўлишлари мумкин». У бошини чайқади. «Биз русларга сиёсат осон иш эмас! Сиз, америкаликлар эса сиёсатчи бўлиб туғиласизлар. Бутун умр бўйи сиёсат билан шуғулланасизлар. Бизнинг эса, билсангиз, сиёсат билан шуғулланганимизга бир йил ҳам бўлгани йўқ...»

«Керенский тўғрисида қандай ўйлайсиз?»— деб сўрадим мен.

«Оҳ, Муваққат ҳукуматнинг барча гуноҳлари учун Керенский айбдор,— деб жавоб қилди униси.— У бизни буржуазия билан иттифоқ тузишга мажбур этди. Агар у ўз таҳдидини бажо келтириб истеъфога чиқса эди, Таъсис мажлисигача ўн олти ҳафта қолди деганда министрлик кризиси рўй берган бўлар эди, биз эса, бунга йўл қўйишни истамас эдик».

«Пировард оқибатда шундай бўлмадими, ахир?»

«Ҳа, биз бундай бўлишини қаердан билардик? Керенский ва Авксентьевлар бизларни лақиллатдилар. Гоц ҳам улардан кўра сал радикалроқдир. Мен Чернов тарафдориман, чунки у ҳақиқий революционер... Билсангиз, Ленин худди шу бугун Черновнинг ҳукуматга киришига қарши эътироз қилмаслигини топширишни айтган.

Биз ҳам, албатта, Керенский ҳукуматидан ажралишни истар эдик, аммо назаримизда, Таъсис мажлисини кутиб туриш маъқулроқ туюлди... Шу ишлар бошланганда, мен большевиклар томонида эдим, аммо менинг партиямнинг Марказий Комитети бир овоздан қарши чиқди. Нима ҳам қила олардим? Партия интизоми...

Бир ҳафтадан кейин большевиклар ҳукумати парчаланиб кетади. Агар эсерлр бир чеккада кутиб турсалар ҳокимият уларнинг қўлига ўтиб қолган бўлар эди. Агар биз бир ҳафта кутсак, унда мамлакатда, шундай вайронгарчилик бўладики, унда немис империалистлари тўла ғалаба қозонади. Шу сабабдан биз ўзимизни ҳимоя қилишга ваъда берган икки полк солдатларига суяниб қўзғолон бошладик, аммо бу полклар ҳам бизга қарши чиқдилар... Ёлғиз юнкерлар қолди...»

«Қазаклар-чи?»

Офицер «уф» деб қўйди. «Жойларидан бир қадам ҳам жилмадилар. Бошда улар, агар бизни пиёда аскарлар ҳимоя қилса, ҳужум қиламиз, дедилар. Бундан ташқари улар, Керенскийнинг шундай ҳам ўз казаклари бор, демак улар ўз ишларини қилган чиқарлар, дедилар... Сўнгра улар, казакларни демократиянинг азалги душманлари деб келганлар, деб гапира бошладилар... Ниҳоят «большевиклар ерларимизни олмасликка ваъда қилдилар, қўрқадиган еримиз йўқ, биз бетараф қоламиз»— дедилар.

Шу суҳбат вақтида алла қандай одамлар кириб-чиқиб турдилар, булар асосан погонлари олиб қўйилган офицерлар эди. Биз уларни йўлакда кўриб, қизғин пичирлашишларини эшитардик. Мен бир чети кўтарилиб қолган парда орқасидан иттифоқо ваннахонанинг эшиги қия очилиб қолганини кўрдим. У ерда полковник кийимидаги миқти бир офицер стулда ўтириб, тиззасидаги блокнотга ниманидир ёзарди. Мен унинг Петроградниг собиқ коменданти полковник Полковников эканини таниб қолдим. Унинг қамоққа олиниши учун Ҳарбий-революцион комитет ҳеч нарсани аямаган бўлар эди.

«Бизнинг программамизми?— деди офицер.— Мана. Ерларни ер комитетларига топширишдан, ишчиларга саноатни бошқаришда қатнашиш учун тўла имконият беришдан иборат. Большевиклар барча мамлакатларга мурожаат қилганидек ультиматумсиз жиддий сулҳ сиёсати олиб бориш. Большевиклар халққа берган ўз ваъдаларини ҳатто мамлакат ички сиёсатида ҳам бажара олмайдилар. Биз, уларга йўл қўймаймиз... Деҳқонлардан мадад олмоқ учун улар бизнинг аграр программамизни ўғирлаб олдилар. Бу, албатта, инсофсизликдир. Агар улар Таъсис мажлисини кутганларида эди...»

«Гап Таъсис мажлисида эмас!— деб унинг гапини бўлди иккинчи офицер.— Башарти большевиклар бу ерда социалистик давлат қурмоқчи бўлсалар, у ҳолда биз улар билан ҳеч иш-лай олмаймиз! Керенский Республика Советида, большевикларни қамаш учун буйруқ бердим, деб катта хатога йўл қўйди. У ўз сирини ўзи очиб қўйди...»

«Хўш, энди нима қилмоқчисизлар?»— деб сўрадим мен.

Иккала офицер бир-бирларига қарашиб олди. «Бир неча кундан кейин кўриб қоласиз... Агар бизнинг томонимизда етарли миқдорда фронтчи қўшинлардан бўлса, биз большевиклар билан ҳеч қандай битим тузмаймиз. Башарти бўлмаса, унда эҳтимол, битим тузишга тўғри келар...»

Невский проспектига чиқиб, лиқ тўлган трамвайнинг зинасига осилиб олдик. Одамнинг кўплигидан унинг майдончаси ерга тегай-тегай дер эди. Трамвай имиллаб Смольнийга йўл олди.

Смольний коридоридан қисқа бўйли ва нозиккина Мешковский кетиб борарди, у чуқур ўйга толган эди. У бизга министрликларда қилинган забастовкалар ўз таъсирини кўрсатмоқда, деди. Чунончи, Халқ Комиссарлари Совети махфий шартномаларни эълон қилишга ваъда берган эди, аммо иш бошқарувчи Нератов ғойиб бўлиб, бу шартномаларни ўзи билан бирга олиб кетиб қолипти. Тахминларга кўра, уларни инглиз элчихонасига яширишипти...

Бироқ банкларнинг иш ташлаши ҳаммасидан кўра хунукроқ бўлди. «Пулсиз,— деди Менжинский,— биз бутунлай аянч бир ҳолдамиз. Темир йўл ишчиларига, почта-телеграф хизматчиларига маош тўланиши керак... Банклар эса берк; вазиятнинг асосий калиди бўлган Давлат банки ҳам ишламаяпти. Бутун Россиядаги банк хизматчилари сотқин, ишни тўхтатишган...

Аммо Ленин Давлат банкининг подвалини динамит билан портлатишга буйруқ берди. Хусусий банкаларга келсак, эртагаёқ очиб ишлашлари учун декрет чиқарилди, ёки уларни ўзимиз очамиз, дейилди!»

Петроград Совети тинмай ишламоқда, зал қуролли одамларга лиқ тўла, Троцкий доклад қиларди:

«Қазаклар Красное Селодан чекинмоқдалар (қаттиқ қор саклар). Аммо жанг эндигина бошланмоқда. Пулковода шид датли жанглар бормоқда, барча мавжуд кучларни тезли билан ўша ёққа ташламоқ керак...

Москвадан келган хабарлар хунук. Кремль юнкерлар қ лида, ишчиларда эса қурол-яроқ жуда оз. Нажот Петроград боғлиқдир.

Сулҳ ва ер тўғрисидаги декретлар фронтда руҳни анча к тарди. Керенский, Петроград олов ва қон ичида, большевик лар хотин-халаж ва болаларни қийноққа соляптилар, дегал сафсаталар билан окопларни тўлдириб юборди. Аммо уши гапига ҳеч ким ишонмайди...

«Олег», «Аврора» ва «Республика» крейсерлари Нева якорь ташлаб, тўпларининг оғзини шаҳар бўсағасига тўғрила қўйдилар...»

Кимдир чийиллаб: «Нега ўзингиз қизил гвардиячилар жан қилаётган ерда эмассиз?»— деб қолди.

Троцкий трибунадан тушар экан: «Мен ҳозироқ жўнаб кета ман!»— деб жавоб қилди. Унинг ранги одатдагидан кўра анча синиққан эди. У ўзига содиқ дўстлари қуршовида хона ичидан йўлакка чиқиб, автомобилга қараб шоша-пиша йўл олди.

Сўнгра Каменев сўзга чиқди. У келиштирувчи конференция нинг ишлари тўғрисида маълумот берди. «Меньшевиклар то монидан таклиф этилган яраш шартлари,— деди у,— нафрат билан рад этилди. Ҳатто темир йўлчилар союзининг баъзи бўлимлари ҳам бундай таклифларга қарши чиқдилар...»

«Биз ҳокимиятни қўлга олиб, бутун Россияни қўзғатган пайтимизда,— деб гапида давом этди Каменев,— улар биздан атиги арзимас нарсаларни: биринчидан, ҳокимиятни топшириришни, иккинчидан, солдатларни урушни давом эттиришга мажбур этишни ва учинчидан, деҳқонларни ер тўғрисида мутлақо ўйламасликка мажбур қилишни талаб этмоқдалар...»

Бир дақиқа Ленин пайдо бўлиб, эсерлар томонидан қўйилган айбларга жавоб берди:

«Улар бизни, аграр программамизни ўғирладилар, деб айбламоқдалар... Нима қипти, башарти шундай бўлган экан, биз, уларга ташаккур айтмоқдан бошқа иложимиз йўқ. Биздан шунинг ўзи кифоя...»

Мажлис шу зайилда давом этди. Йўлбошчилар навбатма-навбат минбарга чиқишиб тушунтиришар, ишонтиришар ва исбот этишарди. Солдатлар кетидан солдатлар, ишчилар кетидан ишчилар ўринларидан туришиб, кўнгилларида ва ўйларида бўлган ҳамма нарсаларни гапиравердилар... Аудитория тез-тез ўзгариб, доим янгиланиб турди. Залда гоҳ-гоҳ янги одамлар пайдо бўлиб, айрим отрядларнинг аъзоларини фронтга жўнатиш учун чақириб турдилар. Ўз навбатини ўтаганлар, ярадорлар ёки қурол-яроқ ва анжом олмоқчи бўлган кишилар келиб туришарди...

Кечаси соат учларда биз чиқиб кетаётганимизда Ҳарбий-революцион комитет аъзоси Гольцман зинапоядан Смольний вестибюлига югуриб чиқиб қолди. Унинг чеҳраси очиқ эди.

«Ишлар жойида!— деб қичқирди у менинг қўлимни қисиб. — Фронтдан телеграмма келди! Керенский мажақланипти! Мана, ўқинг...»

У менга қора қалам билан шошиб-пишиб кўчириб ёзилган бир парча қоғозни узатди. Бизнинг ҳеч нарса пайқамаслигимизни фаҳмлаб, ўзи уни овоз чиқариб ўқиб берди:

«Пулково селоси. Штаб. Кечаси соат 2 дан 10 минут ўтганда.

30 дан 31 октябрга ўтар кечаси тарихга шонли саҳифа бўлиб киради. Керенскийнинг контрреволюцион қўшинларни революция пойтахтига силжитиш учун уриниши қатъий зарбага учради. Керенский чекинмоқда, биз босдириб бормоқдамиз. Петроград солдат, матрос ва ишчилари қурол кўтариб демократия иродасини ва ҳокимиятни ўрнатиш қўлларидан келишини ва уларда шундай истак борлигини кўрсатмоқдалар. Буржуазия революция армиясини яккалаб қўйиш пайига тушди. Керенский уни казаклар ёрдами билан тор-мор келтирмоқчи бўлди. Ҳар икки уриниш ҳам мағлубиятга учради.

Ишчи ва деҳқон демократияси ҳукмронлигининг буюк идеяси армия сафларини жипслаштирди ва унинг иродасини чиниқтирди. Эндиликда бутун мамлакат Совет ҳокимияти ўткинчи бир ҳодиса эмас, балки, ишчи, солдат ва деҳқонлар ҳукмронлигининг енгилмас бир факти эканлигига ишонч ҳосил қилди. Керенскийга берилган зарба — помешчикларга, буржуазияга, корниловчиларга берилган зарбадир. Керенскийга берилган зарба халқларнинг тинч ва озод турмуш, ер, ғалла ва ҳокимият учун бўлган ҳуқуқларини ўрнатиш демакдир. Пулково отряди ўзининг берган шонли зарбаси билан ишчи ва деҳқонлар революциясининг ишини мустаҳкамлайди. Ўтмишга қайтиш йўқ. Олдинда ҳали кураш, тўсқинликлар ва қурбонлар турипти! Аммо йўл очиқ ва ғалаба таъминланган.

Революцион Россия ва Совет ҳокимияти ўзининг полковник Вальден қўмондонлиги остида иш кўраётган Пулково отряди билан фахрланишга ҳақлидир. Ҳалок бўлганларга абадий шон-шарафлар бўлсин! Революция курашчиларига, солдатларига ва халққа содиқ офицерларга шарафлар бўлсин!

Яшасин революцион, халқчил, социалистик Россия!

Халқ Комиссарлар Совети номидан Л. Троцкий».

Биз Знаменский майдонидан уйга қайтаётиб, Николаевск вокзалида тирбанд бўлиб ётган оломонни учратдик. Бу ерда бир неча минг матрослар бўлиб, елкаларида милтиқ найзалари диккайиб турарди.

Зина устида турган Викжель аъзоси ялиниб-ёлвориб:

«Ўртоқлар, биз сизларни Москвага олиб боролмаймиз, бу
бетарафмиз. Биз ҳеч қандай қўшин ташимаймиз. Биз сизларни
даҳшатли гражданлар уруши кетаётган Москвага олиб боро
маймиз...»— дер эди.

Вокзал майдони одамлар билан қайнар ва ғазаб ўти ян
рарди. Матрослар олға қараб талпина бошладилар. Бирда
вокзал биносининг бошқа бир эшиги ланг очилди. Эшик ос
насида икки ёки уч киши: кондуктор, кочегар, яна кимлар
турарди.

«Бу ёққа ўртоқлар!— қичқирдилар улар.— Биз сизларни
Москвага, Владивостокка — қаерга истасангиз, шу ёққа олиб
борамиз! Яшасин революция!»

IX БОБ

ҒАЛАБА

БУЙРУҚ № 1

Пулково отряди қисмларига

1917 йил 31 октябрь, кеч соат 9 дан 38 минут ўтганда

«Пулково отряди қисмлари шиддатли жанглардан кейин контрреволюция кучлари устидан тўла ғалаба қозондилар. Контрреволюцион кучлар эса ўз позицияларини ташлаб, тартибсиз равишда қочиб, Царское Село паноҳида Иккинчи Павловскга ва Гатчинага томон чекинмоқдалар.

Бизнинг босдириб бораётган қисмларимиз Царское Селонинг шарқи-шимол тарафини ва Александровск станциясини ишғол қилдилар. Ўнг қанотда Колпино отряди, сўл қанотда эса Красное Село отрядимиз турипти.

Пулково отрядига Царское Селони ишғол этишни ва унинг мудофаларини, хусусан Гатчина томонини мустаҳкамлашни буюраман.

Сўнгра нарига ҳаракат қилиб, Павловск ишғол қилинсин, уни жануб ёқдан мустаҳкамлаб, Дно станциясигача бўлган темир йўл қўлга олинсин.

Отряд окоплар ва бошқа мудофаа иншоотлари қуриб, барча воситалар билан ўзи ишғол қилган позицияни мустаҳкамласин.

Отряд Колпино ва Красное Село отрядлари билан, шунингдек Петроград шаҳри мудофаа штаби бошлиғи билан яқиндан алоқа боғласин.

Контрреволюцион Керенский отрядларига қарши иш кўраётган қўшинларнинг бош қўмондони подполковник *Муравьев*».

Сешанба, эрталаб. Нима ҳодиса бўлди? Атиги бундан икки кун бурун Петроград атрофларида раҳбарсиз қолган командалар мақсадсиз ва тартибсиз равишда изғишиб юрардилар. Уларда на озиқ-овқат, на тўп, ва на аниқ ҳаракат қилиш плани бор эди. На ташкилоти, на ҳарбий интизом малакаси, ва на офицерлари бўлмаган, бу қизил гвардиячилар ҳамда солдатлар оммасини ўзлари сайлаган қўмондонликка бўйсунадиган, тўпларнинг ва казак отлиқларининг[1] зарбаларига чидаб, уларни даф этишга қодир бўлган армияга жипслаштирилган нарса нима эди?

Қўзғолончи халқ ҳарбий шаблонларни ўз-ўзича улоқтириб ташлайди. Вальмида ва Вейсембургда* ғалаба қозонган француз революциясининг жулдур-жулдур кийинган армияси ҳеч қачон эсдан чиқмайди. Советларга қарши юнкерлар, казаклар, дворянлар, помешчиклар, қора гуруҳлар бирлашдилар, уларнинг орқасида яна подшо, охранка, Сибир сургуни саробдек кўриниб турарди, ниҳоят, немисларнинг чексиз ва даҳшатли таҳдиди сезиларди... Карлейлнинг сўзи билан ифода қилганда, ғалаба «тантана ва ниҳоясиз олтин аср» демак эди.

Якшанба куни кечқурун Ҳарбий-революцион комитет комиссарлари фронтдан батамом умидсиз бўлиб қайтдилар, шундан сўнг Петроград гарнизони ўзининг беш кишилик комитетини, жанговар штабини сайлади; бу штаб контрреволюцион марказдан мутлақо холи бўлган уч солдат ва икки офицердан иборат эди. Умумий қўмондонлик собиқ ватанпарвар, иш биларман полковник Муравьевга юкланган эди. Аммо уни тўрт кўз билан кузатиб туриш зарур эди**. Колпино, Обухов, Пулково ва Красное Селода секин-аста сони кўпайиб борган муваққат отрядлар тузилди. Теварак-атрофда тентираб юрган группалар — солдатлар, матрослар, қизил гвардиячилар, турли полкларнинг айрим қисмлари, пиёда аскарлар, отлиқ аскарлар, артиллерия ва бир неча броневиклар қоришмасидан иборат бу отрядларга қўшилган сари уларнинг сони орта борди.

Ғира-шира тонг пайтида Керенскийнинг казак отлиқлари пайдо бўлиб, пала-партиш отишма бошланиб кетди, бу отишмадан кейин таслим бўлиш талаби қўйилди. Бўш ялангликдаги муздек соф ҳаво жанг садолари билан тўлди. Бу садоларни тентираб юрган, гулхан бўйларида кутиб ўтирган командалар эшитиб қолдилар... Шундай қилиб, иш бошланиб кетди! Улар ўзларини уруш бўлаётган томонга отдилар. Қатта йўлдан кетаётган ишчи отрядлари қадамларини жадаллаштирдилар... Ҳужум қилинган барча жойларга ғазабланган талайгина одамлар ўз-ўзича оқиб кела бошладилар. Уларни комиссарлар қарши олиб, қайси позицияни эгаллаш ва нима қилиш кераклигини кўрсатардилар. Бу *уларнинг* ўз тинчликлари учун олиб борган жанглари эди; командирларни *уларнинг ўзлари* сайла-

---

* Автор 1792 йил 20 сентябрда Вальми ёнида бўлган тарихий жангни назарда тутади. Ана шу вақтда француз революцион армиясининг кўнгилли отрядлари Парижга бостириб кирган Пруссия қўшинини тор-мор келтириб, чекинишга мажбур қилган эдилар. 1794 йил Вейсембург ёнидаги жангда француз революцион қўшини Сен-Жюст қўмондонлиги остида Австрия қўшинини тор-мор келтириб, Франция чегарасидан улоқтириб ташлади.— *Ред.*

** Муравьевнинг мустаҳкам сиёсий эътиқоди йўқ эди. Советлар томонига ўтгунича Муравьев «Ғалаба қозонгунча урушиш» шиори тарафдори эди. Корниловчилик фитнаси кунларида у лип этиб сўл эсерлар томонига ўтиб кетди. Оқибат-натижада Муравьев Совет ҳокимиятига хиёнат қилди.— *Ред.*

ишлар. Ўша пайтда кўпларнинг ҳар хил иродалари қўшилиб, бир ирода бўлиб бирлашди...

Бу жангда қатнашганлар матросларнинг қандай жанг қилганини менга ҳикоя қилиб бердилар. Улар бутун ўқларини отиб тугатиб, найзабозликка ўтиптилар; таълим кўрмаган ишчилар эса селдек оқиб келаётган казакларга ҳужум қилиб, уларни эгарлардан улоқтириб ташлаптилар; қоронғилик ичида қаёқдандир пайдо бўлиб қолган оломон худди тўлқиндек беҳосдан душман устига ёпирилипти... Душанба куни ярим кеча бўлмасданоқ казаклар қутлари ўчиб, артиллерияларини ташлаб қочибдилар. Пролетар армияси узун ва илон изи фронт линияси бўйлаб олға ҳаракат қилиб, Царское Селога бостириб кирди ва пайтни қўлдан бермай душманнинг ҳукумат радиостанциясини бузишдан сақлаб қолди. Энди бу станция бутун жаҳонга тантанали ғалаба гимнини тарқатмоқда эди...

«Барча ишчи ва солдат депутатлари Советларига.

30 октябрда Царское Село яқинида бўлган қаттиқ жангда революцион Армия Керенский билан Корниловнинг контрреволюцион қўшинларини бутунлай тор-мор келтирди.

Революцион ҳукумат номидан барча полкларни революцион демократия душманларига зарба беришга ва Керенскийни қўлга тушириш учун барча чораларни кўришга, шунингдек революция ютуқлари ва пролетариат тантанасига таҳдид солувчи бундай авантюраларга йўл қўймасликка чақираман.

Яшасин революцион армия!

Муравьев».

Вилоятлардан келган янгиликлар...

Севастополда ҳокимият маҳаллий Советлар қўлига ўтипти. Севастополь рейдида турган жанговар кемаларнинг матрослари катта митинг қилиб, офицерларни янги ҳукуматга тантанали қасам ичишга мажбур этипти. Нижний Новгород Советлар томонидан бошқарилмоқда. Қозондан кўча жанглари тўғрисида хабар қиладилар, юнкерлар ва артиллерия бригадаси большевиклар гарнизони билан жанг қилаётган эмиш...

Москвада яна шиддатли жанглар бошланган. Юнкерлар ва оқ гвардиячилар Кремлни ва шаҳар марказини ўз қўлларида ушлаб турган эмишлар. Бироқ Ҳарбий-революцион комитет қўшини ҳар томондан уларга ҳужум қилмоқда эмиш. Совет артиллерияси Скобелевская майдонидан туриб шаҳар думасини, комендатурани ва «Метрополь» меҳмонхонасини тўпга тутаётган эмиш. Тверская ва Никитская кўчаларида тош йўллар ағдар-тўнтар қилиб ташланипти; катта тошлардан окоплар ва баррикадалар қуришга ишлатилипти. Катта банклар ва тижоратхоналар жойлашган кварталлар пулемётлардан ўққа тутилипти. Электр чироқлар сўнган, телефон ишлашдан тўхтаган; буржўйлар ертўлаларга беркинган... Сўнгги бюлле-

тенда хабар қилинишича, Ҳарбий-революцион комитет жамоат хавфсизлик комитетидан* дарҳол Кремлни таслим қилишни талаб қилиб, ультиматум берипти, акс ҳолда тўпга тутамиз, деб қўрқитипти.

«Кремлни бомбардимон қилиш керак!— деб қичқиришди обивателлар.— Журъат этолмайдилар!»

Вологдадан Читага қадар узоқ Сибирда, Псковдан Қора денгиз бўйидаги Севастополгача, катта шаҳарларда ва кичкина қишлоқчаларда гражданлар уруши аланга ола бошлади. Минглаб фабрика-заводлардан, деҳқонлар жамиятларидан, полклар ва армиялардан, очиқ денгиздаги кемалардан Петроградга, халқ ҳукуматига табрикномалар ёғила бошлади.

Новочеркасскдаги казаклар ҳукумати Керенскийга қуйидаги мазмунда телеграмма юборди: *«Дон қўшинларининг Қўшин ҳукумати Муваққат ҳукуматни ва Россия республика совети аъзоларини, агар иложи бўлса, Новочеркаскга етиб келишларини таклиф этади, бу ерда большевикларга қарши кураш уюштириш имкони бор...»*

Финляндияда ҳам аҳвол нотинч. Гельсингфорс совети ва Центробалт (Болтиқ флоти Марказий комитети) бирлашиб қамал ҳолати эълон қилиптилар ва большевик отрядларининг ишларига ҳар қандай тўсқинлик қилиш ҳамда Совет қарорларига қуролли қаршилик кўрсатиш қаттиқ бостирилади, деб билдириптилар. Шу билан бир вақтда Финляндия темир йўл ишчилар союзи Керенский томонидан қувғин қилинган социалистик сеймнинг 1917 йил июнида чиқарган қонунларни амалга оширишга эришмоқ учун бутун Финляндияда умумий қўзғолон эълон қилди.

Мен барвақт Смольнийга қараб йўл олдим. Ташқи дарвозадан бошланадиган узун тахта кўприкдан кетаётиб, сокит кулранг осмондан учиб тушаётган биринчи қор учқунларини кўрдим. Эшик олдида пойлоқчилик қилиб турган қоровул, оғзи қулоғига етиб: «Қор ёғяпти! Соз бўлди!»— деб қичқирди. Ичкаридаги узун қоронғи коридорлар ва совуқ заллар ҳувуллаб қолгандек эди. Баҳайбат бино худди эгасиздек кўринарди. Аммо шу жойда қулоғимга ғалати бўғиқ товушлар чалинди. Мен аланглаб қолдим, пол устида девор бўйлаб одамлар ухлаб ётарди. Жулдур кийинган, ювиқсиз одамлар — ифлос эгнига лой ёпишган ишчи ва солдатлар якка-якка ва тўда-тўда бўлиб, дунёдан нима ўтганини билмай, оғир уйқуда ётардилар. Кўпларида йиртилган ва қон босган латталар кўринарди. Ёнгиналарида милтиқ ва патрон ленталари думалаб ётарди... Булар ғолиб пролетар армияси эди.

---

* Жамоат хавфсизлик комитети 1917 йил октябрь кунларида Москвада контрреволюциянинг бош маркази эди.— *Ред.*

Юқорида, буфетда ухлаб ётган одамлар шунчалик кўп эдики, ўтиш амри маҳол эди. Ҳаво ҳаддан ташқари бузилган, терлаган дераза ойнасидан аранг ёруғ тушиб турарди. Тахта устида пачоқ, совуқ самовар турарди, унинг ёнида эса бир қанча ювиқсиз стаканлар... Ўша ердаёқ Ҳарбий-революцион комитетнинг бадхат бир одам кўчирган энг сўнгги бюллетенининг бир нусхаси тўнтарилиб ётарди. Бу сатрларни Керенскийга қарши жангда ҳалок бўлган қандайдир бир солдат ўртоқларининг хотираси учун ёзиб қўйган, у бу сатрларни ҳолдан тойиб полга тўп этиб йиқилгунча ёзган. Қоғоз устига, афтидан, кўз ёшлари томганга ўхшарди...

Алексей Виноградов
Д. Москвин
С. Столбиков
А. Воскресенский
Д. Леонский
Д. Преображенский
В. Лайданский
М. Берчиков

Бу кишиларнинг ҳаммаси 1916 йил 15 ноябрда армия сафига кирганлар. Улардан атиги учтаси тирик қолган:

Михаил Берчиков
Алексей Воскресенский
Дмитрий Леонский

* * *

Тинч ётинг қабрда, ботир-шоввозлар,
Руҳингизни мудом айлаб биздан шод!
Шон-шуҳратга эришиб қадрдонлар,
Абадий чиқардингиз яхши от...

Фақат Ҳарбий-революцион комитетгина ҳали бедор ва ишламоқда эди. Ичкаридаги бир хонадан Скрипник чиқиб келди. У менга Гоцнинг қамоққа олинганини, лекин у Авксентьев сингари ҳимоя қилиш комитетининг хитобномасига имзо чекмаганини қатъий баён қилди, деб айтди.

Ҳимоя қилиш комитетининг ўзи эса гарнизонга қилган мурожаатидан воз кечипти. Шаҳарда жойлашган полкларда,— деб айтди Скрипник,— норозиликлар бор эмиш; Волинск полки Керенскийга қарши жанг қилишдан бош тортипти.

Гатчинада Чернов бошлиқ бир неча «бетараф» отрядлар бор экан; Чернов Петроградга ҳужум қилишни тўхтатиш тўғрисида Керенскийни кўндирмоқчи бўлипти.

Скрипник кулиб қўйди: «Энди ҳеч қандай «бетарафлар»га ўрин йўқ,— деди у.— Биз енгдик!» Унинг соқол босган серчизиқ юзлари диний шавқ билан ёришгандек бўлди. «Фронтдан

олтмишдан ошиқ вакил келди. Улар ҳамма армиялардан ёрдам берамиз деган мазмунда қарор келтирдилар, фақат Руминия фронти қисмларидангина хабар келмади, холос. Армия комитетлари Петроград газеталарини тарқатишга йўл қўймаяптилар, аммо биз хат ташувчилар орқали мунтазам алоқа боғладик...»

Вестибюлда Каменев пайдо бўлди. У тун бўйи янги ҳукумат тузиш устида иш олиб борган конференция мажлисидан жуда ҳориб-чарчаб чиққан бўлса-да, аммо ўзи ҳар қалай хурсанд эди. «Эсерлар энди бизни янги ҳукуматга киргизиш тарафидалар,— деди у менга.— Ўнг гуруҳлар революцион трибуналлардан чўчиб қолганлар. Уларни қандайдир ваҳима босган. Улар биздан даставвал трибунални тарқатиб юборишни талаб қилмоқдалар... Биз Викжелнинг бир хилдаги социалистик министрлик тузиш тўғрисидаги таклифига рози бўлдик. Энди конференцияда шунинг лойиҳаси тузилмоқда... Билсангиз, буларнинг ҳаммаси бизнинг ғалабамиз туфайли-ку! Бизнинг ишларимиз ёмонлигида улар бизни ҳукуматга сира киргизмоқчи эмас эдилар, эндиликда эса ҳаммалари, иш қилиб, Советлар билан келишиб олмоқчи бўладилар... Биз учун узил-кесил ғалаба керак. Керенский яраштмоқ истайди, аммо биз уни таслим бўлишга мажбур этамиз...»[2]

Большевиклар йўлбошчиларининг кайфияти ана шундай эди*. Бир ажнабий мухбир Троцкийдан, бутун дунёга нима янгилик хабар қилмоқчисиз, деб сўради. Троцкий: «Ҳозирги пайтда тўпларнинг оғзидан қилинаётган хабарлардан бошқа ҳеч бир янгилик айтиш мумкин эмас»,— деб жавоб қилди.

Аммо бу ғолибият руҳи ичида жиддий бир ташвиш бор эди. Молия масаласи чатоқ эди. Ҳарбий-революцион комитетнинг

---

* 29 октябрь (11 ноябрь)да Викжель (Бутун Россия темир йўлчилар касаба союзларининг ижроия комитети) — Октябрь революциясидан кейин Советларга қарши иш олиб борган бир марказ эди. У барча «социалистик» партиялардан иборат ҳукумат тузишни талаб этиб резолюция қабул қилди. Ленининг ва Марказий Комитетнинг директивлари бўйича Викжель билан олиб борилган музокаралар «ҳарбий ҳаракатларни дипломатик ниқоблаш учун» хизмат қилиши лозим эди. Аммо Ленининг ва Марказий Комитетнинг йўл-йўриқларига қарши бу музокараларда қатнашган Каменев билан Сокольников Викжелнинг талабларига рози бўлдилар, яъни ҳукумат составига большевиклар билан бирликда меньшевик ва эсерлар контрреволюцион партияларининг вакилларини ҳам киргизмоқчи бўлдилар.

2 (15) ноябрда партия Марказий Комитети Ленининг таклифига мувофиқ, бу контрреволюцион партиялар билан муросага келишни рад этувчи резолюция қабул қилди; резолюцияда таъкидланишича, модомики Советларнинг Бутун Россия съезди ҳокимиятни большевиклар ҳукумати қўлига топширган экан, «Совет ҳокимияти шиорига хиёнат қилмасдан туриб, соф большевистик ҳукуматдан воз кечиб бўлмайди» деб таъкидлаган эди. Шундай қилиб, Каменевнинг юқорида келтирган гапи большевикларнинг кайфиятини эмас, балки Марказий Комитет ичида бўлган, Россияда социалистик революция қилиш имкондан хориж деган бир ҳовуч оппортунист группанинг кайфиятини ифода қиларди.— *Ред.*

...ларни очиш тўғрисидаги буйруғига зид ўлароқ банка ...матчилари союзи, ўз аъзоларининг йиғилишини чақириб, ...ман қўзғолон эълон қилди. Смольний давлат банкасидан ...из беш миллион сўмча пул берилишини талаб қилди, аммо *банка кассири подвални қулфлаб олиб*, фақат Муваққат ҳукумат вакилларигагина пул берди. Контрреволюционерлар давлат банкасидан сиёсий бир қурол сифатида фойдаландилар. Чунончи, Викжель давлат темир йўл ишчи ва хизматчиларининг маоши учун пул талаб қилганида, унга: «Смольнийга мурожаат этинг»,— деб жавоб қилдилр.

Мен сочи сапсариқ украиналик большевик янги комиссар Петрович номли кишини кўрмоқ учун Давлат банкасига қараб йўл олдим. У қўзғолон қилган хизматчилар томонидан тартибсиз ҳолда ташлаб кетилган банка ишларига бир қадар тартиб киргизиш ҳаракатида эди. Бу катта муассасанинг барча бўлимларида кўнгиллилар: ишчилар, солдатлар, матрослар ишламоқда эдилар. *Улар диққат қилиб ишлаганликдан тилларини* оғизларидан чиқарган ҳолда катта-катта бухгалтерия дафтарларини кўздан кечириш билан банд эдилар.

Думанинг биноси одамга лиқ тўла эди. Янги ҳукуматга нисбатан беадаблик қилиш ҳоллари ҳалигача сезилиб турса-да, лекин бундай ҳол борган сари камайиб борди. Марказий ер комитети ер ҳақида Советлар съезди томонидан чиқарилган декретни танимасликка чақириб деҳқонларга мурожаат қилди, чунки бу декрет ғалаёнга ва гражданлар урушига сабабчи бўлар эди. Шаҳар бошлиғи Шрейдер, большевиклар қилган қўзғолон натижасида Таъсис мажлисига сайловларни номаълум муддатга кечиктиришга тўғри келди, деди.

Қаттиқ гражданлар урушидан ларзага келган кўпчилик одамларнинг фикри-хаёли, биринчи навбатда икки масала: биринчидан, қон тўкилишини тўхтатиш[3] ва, иккинчидан, янги ҳукумат тузиш каби масалалар билан банд эди. Энди ҳеч ким «Большевикларни йўқотиш» тўғрисида гапирмасди, уларни ҳукумат составидан чиқариш тўғрисида гапирувчилар ҳам камдан-кам эди. Халқ социалистлари ва деҳқон депутатлари советигина *шундай хаёлда эдилар. Бош штабда ишловчи, доим* Смольнийга ашаддий душман бўлиб келган марказий армия комитети ҳам Могилевдан шундай телефон қоқди: «Башарти янги министрлик тузиш учун большевиклар билан келишиш зарур экан, у ҳолда биз кабинетда уларга *озчилик* ўрин беришга розимиз».

«Правда» газетаси Керенскийнинг «гуманитар» ҳисларга даъват этувчи гапларига истеҳзоли жавоб тариқасида унинг ҳимоя қилиш комитетига ёзган мурожаатномасини босиб чиқарди.

Ҳимоя қилиш комитети ва унинг атрофида бирлашган барча демократик ташкилотларнинг таклифига биноан қўзғолончи қўшинларга қарши қилинаётган ҳаракатлар менинг

томонимдан тўхтатилиб, музокара олиб бормоқ учун Олий бош қўмондонлик қошидаги вакил—комиссар Станкевич юборилди. Беҳуда қон тўкилишининг олдини олиш учун мумкин бўлган чоралар кўрилсин...»

Викжель Бутун Россияга қуйидаги телеграммани юборди:

«Бутун Россия темир йўл ишчилари союзи келишиш тарафдори бўлган душман томонлар ва ташкилотларнинг вакиллари билан бирга ўтказган кенгаши гражданлар урушида, хусусан революцион демократиянинг айрим қисмлари ўртасида сиёсий террор қўллашни қатъиян рад этиб, бир томоннинг иккинчи томонга нисбатан бирор формада шундай террор қўлланиши ҳозирги пайтда музокараларнинг мақсад ва мафҳумларига бутунлай зиддир, деб билдирди....»

Конференция* фронтга, Гатчинага вакиллар юборди. Конференция ишларининг кетишидан масала узил-кесил ҳал бўлаётгандай эди. Ҳаттоки муваққат халқ совети сайлашга ҳам қарор қилинди, бу советга тўрт юз чоғлик аъзо кириши керак эди: Смольнийдан етмиш беш аъзо, эски МИК дан ҳам шунча аъзо, қолганлари эса — шаҳар бошқармаларидан, касаба союзларидан, ер комитетларидан ва сиёсий партиялардан бўлиши лозим эди. Бош министр қилиб Чернов белгиланиши керак эди. Ленин ва Троцкийни чиқариб ташлашар эмиш деган миш-мишлар юрарди...

Туш маҳалида мен яна Смольний олдида туриб, революцион фронтга жўнаб кетиши лозим бўлган санитар автомобиль шофери билан гаплашдим. У билан бирга кетсам қалай бўлар экан? Мумкинга ўхшайди. Бу шофер студентлардан бўлган кўнгилли экан. Йўлда менга ўгирилиб қараб, немис тилида чала-чулпа: «Also, gut! Wir nach die Kasernen zu essen gehen!**» деб қичқирди. Бундан мен қандайдир бир казармада овқатланиб олиш мумкин деган фикрни англадим.

Кирочная кўчасига етганда биз атрофи казарма бинолари билан қуршалган катта бир ҳовлига бурилдик ва қоронғи зинапоядан чиқиб, битта ойнаси бўлган пастак уйга кирдик. Узун тахта стол атрофида йигирмата солдат ўтирарди. Улар шанғиллашиб гаплашиб, ҳазил-мутойиба қилиб кулишиб, катта тунука тоғорадан ёғоч қошиқ билан карам шўрва ичиб ўтиришарди.

«Олтинчи запас сапёр батальонининг батальон комитетига салом!» деб қичқирди менинг ҳамроҳим ва шу он мени ўтирганларга, Америка социалисти, деб таништирди. Ҳаммалари

---

* «Ярашиш конференцияси» назарда тутилади.— *Ред.*

** Бу жумлани, тахминан, қуйидагича таржима қилиш мумкин: «Яхши! Биз овқатланиш учун казармага борамиз!»— *Ред.*

ўриплардан туриб, мен билан қўл бериб сўрашдилар, кекса бир солдт эса мени қучоқлаб олиб, юзимдан тоза ўпди. Менга ҳам ёғоч қошиқ бериб, стол ёнига ўтиргиздилар. Уйга яна катта бир тоғора бўтқа, бир буханка қора нон ва чойнакда чой ҳам олиб кирдилар. Ҳаммалари менга Америка тўғрисида савол бера бошладилар. Сизнинг озод мамлакатингизда овозни *пулга* сотишлари тўғрими? Башарти тўғри бўлса, у ҳолда халқ ўз талабларига қандай қилиб етишади? «Таммани»*си, нимаси? Сизнинг озод мамлакатингизда бир ҳовуч одамлар бутун бир шаҳарни турли мақомга солиши ва ундан ўз манфаати учун фойдаланиши тўғрими? Халқ бунга қандай чидаб туради? Россияда подшо замонида ҳам бундай гаплар бўлмаган; рост, порахўрлик ҳамиша бўлган, аммо кўп халқ яшайдиган бутун бир шаҳарни сотиб олиш ёки сотиб юбориш-а!.. Яна тағин озод мамлакатда-я! Наҳотки халқда революцион ҳис бўлмаса-я? Мен уларга, бизнинг халқимиз бутун аҳволни қонуний йўл билан ўзгартириш ҳаракатида, деб тушунтиришга уриндим.

Фамилияси Бакланов бўлган ёш бир унтер-офицер менга бош ирғади-да, французчалаб: «Албатта,— деди.— Сизларда капиталистлар синфи жуда ривожланган-да, ахир? Шундай бўлгач, капиталистлар синфи, шубҳасиз, қонунчиликни ҳам, судни ҳам ўзига бўйсундириши лозим. Халқ қандай қилиб бу аҳволни ўзгартира олади? Эҳтимол, мен сизнинг мамлакатингиз билан таниш бўлмаганим сабабли, сиз мени ўзингизнинг ҳақли эканингизга ишонтира оларсиз, аммо бу менинг учун ақлга сиғмайдиган нарсадир...»

Мен Царское Селога кетяпман, дедим. «Мен ҳам»— деди қўққисдан Бакланов. «Мен ҳам... Мен ҳам...» Уйда бўлганларнинг ҳаммаси ўша он Царское Селога кетишга қарор бердилар.

Шу вақт кимдир эшикни тақиллатди. Эшик очилиб, остонада бир полковникнинг қораси кўринди. Ҳеч ким ўрнидан турмади, аммо ҳамма у билан шанғиллашиб аҳвол сўрашди. «Кирсам бўладими?»—деб сўради полковник. «Марҳамат, кираверинг!»—деб жавоб қилдилар солдатлар самимий.

Полковник кулимсираб, ичкарига кирди. Унинг қомати баланд, бошида зар уқалик барра папоқ бор эди. «Афтидан, сизлар Царское Селога кетмоқчимиз деган эдингизлар шекили, ўртоқлар?— деди у.— Мен ҳам сизлар билан бирга кетсам мумкинми?»

Бакланов бир нарсани ўйлагандай бўлди: «Бугун бу ерда бирор муҳим иш бўлмаса керак деб ўйлайман,— деди у.— Майли, кетамиз, ўртоқ. Биз сизни жон деб ўз жўраларимизга

---

* «Таммани» ёки «Таммани холл»,— демократик партия идорасининг Нью-Йоркдаги бинoси. Бу сўз — турли-туман суиистеъмоллар ва жиноий ишлар синоними бўлиб қолган. Сабаби шуки, бу жиноятларда Нью-Йоркдаги демократия партияси лидерларининг иштироки ўша вақтда кўп марта фош бўлган.— *Ред.*

қўшиб оламиз». Полковник унга раҳмат айтиб ўтириб ўзига бир стакан чой қуйди.

Бакланов, полковникни ранжитиб қўймаслик учун товушини паст қилиб, воқеани менга тушунтирди: «Билсангиз,— деди у,— мен комитет раисиман. Бутун батальоннинг ихтиёри бизнинг қўлимизда, полковник эса, биздан фақат жанг вақтларидагина командирлик қилишга ҳуқуқ олади. Ўшандагина батальон унга тобе бўлади, унинг буйруқлари ҳамма учун мажбурийдир. Аммо у ҳамма нарса учун бизнинг олдимизда жавобгар. Қазармаларда у бизнинг рухсатимиздан ташқари ҳеч нарса қила олмайди. Уни ўзимизнинг ҳарбий хизматчимиз десак бўлади...»

Бизларга тўппонча ва милтиқлар улашдилар —«йўлда казакларга дуч келиб қолиш ҳам мумкин...» — сўнгра бизлар фронт учун катта уч ўрам газетани қўлтиқлаб олиб, санитар автомобилга чиқдик. Автомобиль тўғри Литейная кўчасидан, сўнгра эса Загородний проспектидан ғизиллаганича юриб ўтиб кетди. Менинг ёнимда ёш бир поручик ўтириб борарди. У, назаримда, бутун Европа тилларида бир хилда бемалол гапира олар эди. У батальон комитетининг аъзоси экан.

«Мен большевик эмасман,— деб гапирарди у қизишиб менга.— Мен қадимги дворянлар наслиданман, ахир. Мен, аслини айтганда, кадетман десам бўлади...»

«Бе, шунақа денг»,— дедим мен ҳайрон бўлиб.

«Ҳа, ҳа, мен комитет аъзосиман! Мен ўзимнинг сиёсий маслагимни яшираётганим йўқ, аммо бунга ҳеч ким эътибор бермайди ҳам, чунки менинг ҳеч қачон кўпчиликнинг иродасига қарши чиқмаслигимни ҳамма билади. Мен гражданлар урушида қатнашишдан бутунлай бош тортдим, чунки рус бородаримга қарши қурол кўтаришни нотўғри деб ҳисоблайман...»

Бизнинг ҳамроҳларимиз унинг елкасига қоқиб, ҳазил аралаш: «Провакатор! Корниловчи!»— деб қичқирдилар.

Биз сирти зарҳал ёзувлар, императорликнинг салмоқли семурғ қуш сурати билан безалган, подшоларнинг номлари битилган Московский дарвозасининг кул ранг катта тош аркаси остидан ғириллаганимизча ўтиб, дастлабки ёққан қордан оқарган кенг катта кўчага чиқиб олдик. Бу кўча қизил гвардиячилар билан лиқ тўла бўлиб, улар шовқин-сурон ичида қўшиқ айтишиб, революцион фронт сари пиёда кетмоқда эдилар. Ранглари бўздай оқарган, кир-чир бошқалари эса фронтдан шаҳарга қайтмоқда эдилар. Қизил гвардиячиларнинг кўпчилиги ёш йигитчалар эди. Гоҳо белкурак, гоҳо милтиқ кўтарган ва патронташ тақиб олган ёки билагига Қизил Крест белгиси боғлаб олган, меҳнатдан ҳориб мункайган, кулбаларнинг ҳамхоналари бўлган аёллар ўтиб турарди. Тартибсиз қадам ташлаб кетаётган бир тўда солдатлар қизил гвардиячиларга ҳазиллашар эдилар; ора-сира тумтайган матрослар, ўз ота-оналарига егулик овқат олиб кетаётган болалар ҳам

кўринарди. Уларнинг ҳаммаси тўрт эллик лой билан қопланган кўчани кечиб, у ёқ-бу ёққа ўтиб турардилар. Биз тарақ-туруқ қилиб жануб томонга кетаётган тўплар ва ўқ яшикларини орқада қолдириб кетдик. Найзали милтиқ тақкан солдатлар билан лиқ тўлган юк машиналарига дуч келардик; фронтдан санитар автомобиллар қайтар эди, бир маҳал секин ғирчиллаб келаётган деҳқон аравани ҳам учратдик, унинг ичида қорнидан оғир ярадор бўлган, ранги докадек оқариб кетган бир йигитча тўлғаниб, ҳа деб инграрди. Йўлнинг икки бетидаги далаларда хотин-халажлар ва қариялар окоплар қазишар ва симтиконли тўсиқлар қуришарди.

Орқада, шимол томонда булутлар орасидан жилмайиб қуёш кўринди. Ботқоқ текислик устида ярқираб Петроград турарди, ўнг томонда оқ, зарҳал, ранг-баранг гумбазлар ва найзалар юксалиб турарди; сўл томонда эса, қора тутун буруқсатиб турган баланд мўрилар кўринарди. Буларнинг орқасида осмон билан туташган Финляндия кўринарди. Чор атрофдан черковлар ва монастирлар кўзга чалинарди... Вақт-вақти билан монахни ҳам учратиш мумкин эди, у кўчани тўлдириб ўтаётган пролетар армиясини тумтайиб томоша қиларди.

Пулковога етганда йўл ажралди. Шу жойда биз кўп халойиқ ичида уймалашиб қолдик. Бу ерга уч томондан одамлар дарёдек оқиб келар ва тўқнаш келиб қолган қувноқ дўстлар урушда кечирганларини бир-бирларига ҳикоя қилардилар. Чорраҳадаги уйлар ўқлардан илма-тешик бўлган ва атроф ярим чақирим доирада топталиб, билчиллаб кетган эди. Шу жойда қаттиқ жанг бўлган экан... Яқин орада, эгасиз қолган казак отлари очликдан тентираб ўт ахтарарди: бу яланглиқдаги ўтлар алла қачон босилиб кетган эди. Рўпарамизда, қандайдир бир бесўнақай қизил гвардиячи отлардан бирига минмоқчи бўлар, лекин ҳар сафар йиқилиб, минглаб оддий кишиларни кулдиргани-кулдирган эди.

Казакларнинг қолдиқлари чекинган сўл томондаги йўл бир тепача устидаги қишлоққа элтарди. Бу тепаликдан устини қалин булутлар қоплаган, худди сокин денгиздай кенг, бўз ранг, хушманзара яланглик кўринарди; ҳамма йўллар пойтахтдан келаётган оломон билан тирбанд эди. Сўл томонда, узоқда Красное Селонинг япасқи тепалиги кўзга чалинарди, бу ерда гвардиячиларнинг ёзги лагерлари ва императорнинг фермаси жойлашган эди. Яқин ораликдаги япасқи тепаликнинг ҳуснини тош деворли бир неча монастирлар ва якка-ёлғиз фабрикалар, шунингдек боғлари қаровсиз қолган катта иморатлик етимхона ва ғарибхоналаргина бузиб турарди.

Биз бир яланг тепаликка кўтарилганимизда, шофер: «Вера Слуцкая мана шу жойда ҳалок бўлди,— деди.— Ҳа, ҳа ўша большевик аёл, дума аъзоси. Бу ҳодиса шу бугун барвақт юз берди. У автомобиль устида Залкинд ва яна бир ўртоқ билан

ўтирарди. Яраш-яраш вақти эди, улар олдинги окопларга қараб жўнадилар, гаплашиб-кулишиб кетаётганларида, Керенский кетаётган бронепоезддан кимдир автомобилни кўриб қолиб тўп отди. Тўп ўқи Слуцкаяга келиб тегиб, уни нобуд қилди...»

Пролетар отрядларининг қаҳрамонлари шов-шув ичида у ёқдан-бу ёққа юриб турган Царское Селога биз шу зайилда етиб келдик. Совет кенгаш қурган сарой энди иш билан қайнарди. Ҳовли ичида қизил гвардиячилар ва матрослар тўпланишиб турарди, эшиклар олдида соқчилар пойлоқчилик қилишарди, хат ташувчилар ва комиссарлар узлуксиз равишда кириб-чиқиб туришар эди. Совет биносида самовар қайнаб турарди, элликдан ошиқ ишчи, солдат, матрос ва офицерлар унинг атрофида чой ичишиб, шанғиллашиб гаплашиб ўтиришарди. Бурчакда, икки ишчи, қўли қовушмаса-да ротаторни ишга солмоқчи бўларди. Ўртада турган стол устидаги картага энгашиб олган барваста Дибенко қўшинларнинг жойланишини қизил ва кўк каламлар билан белгиларди. Бўш қўлида эса кўкиш пўлатдан ясалган катта тўппончасини доим ушлаб турарди. Кейин у ёзув машинкаси ёнига ўтириб, бир бармоғи билан тиқиллата бошлади, ора-сира ишни тўхтатиб тўппончасининг барабанини айлантириб, мароқ билан томоша қиларди.

Девор тагида турган диванда ёш бир ишчи ётарди, иккита қизил гвардиячи унинг тепасида энгашиб турарди, бошқалари эса унга ҳеч эътибор беришмас эди. У кўкрагидан ярадор бўлган экан; юраги ҳар тепганда, кийими устига қон сизиб чиқарди. Унинг кўзлари ёпиқ, сабза урган соқолли таранг юзи кўкариб кетган эди. У қийналиб, оғир нафас оларди ва ҳар нафас чиқарганида: «Сулҳ бўлади, сулҳ бўлади...»— деб пичирларди.

Дибенконинг бизга кўзи тушди, Баклановни кўргач: «Э!— деди.— Комендант бошқармасига бориб ишни қабул қилиб олсангиз қандай бўлар экан, ўртоқ? Шошманг, мен сизга мандат ёзиб берай».

У ёзув машинкаси ёнига ўтирди, битта-битта тиқиллатиб ҳарфларни боса бошлади.

Царское Селонинг янги коменданти билан бирга Екатерина саройига кетдик. Баклановнинг кайфи чоғ, ўз вазифасидан жуда мамнун эди. Мен ўтган сафар келганимда бўлганим оқ залда биз атрофга ҳавас билан аланглаб қолган бир неча қизил гвардиячини кўрдик. Менинг эски танишим бўлган полковник эса дераза ёнида мўйловини тишлаб, асабийлашиб турарди. У мени худди бедарак кетган укасидек қутлади. Эшик ёнидаги столда Бессарабиядан келган бир француз ўтирарди. Большевиклар унга шу ерда қолиб, ишини давом эттиришни буюришган эди.

«Нима иложим бор эди? — деб пичирлади у менга.— Бундай урушда мен сингари кишилар, қора халқ диктатурасига

...қадар нафрат туйғуси ҳис қилсалар ҳам, на у томонда ту... на бу томонда туриб уруша олади. Мен фақат Бессараб... қолиб кетган онагинамдан узоқдалигимга ачинаман, ...с!»

Бакланов эски комендантдан ишни расмий равишда қабул ...ди. «Мана, столнинг калити»,— деди асабий ҳолда полков...

Қизил гвардиячилардан бири унинг гапини шартта бўлиб: ...Пуллар қаёқда?»— деб сўради. Полковник таажжубланган ...р ҳолда: «Пул? Пуллар?.. Э, сиз пул қутиси тўғрисида гапи... ...тгандирсиз!.. Мана у, уч кун бурун қандай олган бўлсам, ... ҳолда турипти. Калитлар қани?..— Полковник елкаларини ...иб қўйди.— Калит-ку менда йўқ».

Қизил гвардиячи мийиғида кулиб қўйди. «Ажаб сўз!» — деди у.

«Қутини очамиз!— деди Бакланов.— Болта келтиринглар. Бу ерда америкалик ўртоқ турипти. Майли, у қулфни синдириб, қутидан чиққан нарсаларни хатга олсин».

Мен болта билан бир уриб қулфни буздим, тахта қути бўш чиқди.

«*Уни қамоққа олиш керак,— деди дарғазаб бўлган қизил* гвардиячи.— У Керенский тарафдори экан, пулларни ўғирлаб, ўшанга берган».

Бакланов кўнмади. «Йўқ,— деди у.— Унгача бу ерда корниловчилар бўлган эди. Унда айб йўқ».

«Ўлай агар, сизларга айтсам,— деди қизил гвардиячи бақириб.— У Керенский тарафдори! Агар сиз қамоққа олмасангиз, биз қамоққа оламиз! Петроградга олиб бориб, Петропавловск қалъасига қамаймиз. Бунинг жойи ўша ерда!» Бошқа қизил гвардиячилар ҳам унинг гапига қўшилдилар. Полковник бизларга ғамгин назар ташлади, уни олиб кетдилар...

Совет жойлашган сарой олдида фронтга кетаётган юк машинаси турарди. Новча бир ишчи командирлик қилаётган олти қизил гвардиячи, бир неча матрос, бир ёки иккита солдат машинага чиқиб олди. Улар биз билан бирга кетинг, деб мени ҳам чақирдилар.

Совет биносидан қизил гвардиячилар чиқиб келди. Орқалаган бомбаларининг оғирлигидан беллари букилган эди. Бу бомбаларга *грубит* тўлдирилганди. Уларнинг айтишларича бу динамитга қараганда ўн баравар кучли ва беш баравар таъсирлироқ экан. Улар бу бомбаларни юк машинасига ортдилар. Сўнгра уч дюймли тўпни ўқлаб, уни машинага арқон ва сим билан маҳкам боғладилар.

Биз қаттиқ шовқин-сурон ичида ғизиллаганимизча жўнаб кетдик. Оғир юк машинаси чайқалгани-чайқалган, тўп гоҳ у ғилдирак, гоҳ бу ғилдирак томонга оғиб кетарди, грубит бомбалар оёғимиз остида юмалаб-юмалаб автомобиль ёнига урилиб жаранглади.

Владимир Николаевич деган новча қизил гвардиячи менга Америка тўғрисида саволлар бера бошлади: «Нега Америка урушга қўшилди? Америка ишчилари капиталистларнинг ишини бартараф қилишга тайёрмилар? Ҳозир Мунининг иши қандай?* Беркмэн** Сан-Францискога топшириладими?» ва шу каби саволлар. Бу саволларнинг ҳаммасига жавоб бериш мушкул эди, чунки бир томондан машина тарақа-туруқ қилиб кетмоқда, биз эса бир-биримизни ушлаб олишиб, юмалаётган бомбалар орасида «рақс» тушиб кетмоқда эдик.

Патруллар бизни гоҳ-гоҳ тўхтатмоқчи бўлар, солдатлар йўл бўйига югуриб чиқиб, милтиқларини ўқталиб: «Тўхта!»— деб қичқиришарди.

Аммо биз уларга ҳеч парво қилмас эдик. «Йўқол!— деб қичқирардилар қизил гвардиячилар.— Ҳар ким учун тўхтала бермаймиз! Биз Қизил Гвардиямиз!..» Шуни деб биз машинамизни тарақлатиб, мағрур қиёфада кетаверардик. Владимир Николаевич эса менга Панама каналини интернационализация қилиш ва шу сингарилар тўғрисида бир нималар деб бақиргани-бақирган эди...

Беш милча юрганимиздан кейин, биз Царское Селога кетаётган бир тўда матросларни учратдик. Юришимизни секинлатиб: «Укалар, фронт қаерда?»— деб сўрадик.

Олдинда кетаётган матрос тўхталиб, гарданини қашиди. «Эрталаб ҳув анови томонда, йўлдан ярим чақиримча ичкарида эди, энди, ким билсин, қаерда? Биз юряпмиз, юряпмиз, лекин топа олганимиз йўқ».

Улар бизнинг машинамизга чиқиб олишди, биз йўлимизда давом этдик. Чамаси яна бир милча йўл босганимиздан кейин, Владимир Николаевич қулоқ солиб, бирдан машинани тўхтат, деб бақирди шоферга.

«Отишма бўляпти!— деди у.— эшитяпсизми?» Бир лаҳза оғир сукунат чўкди. Сўнгра бизнинг олдимизда ва сўл томонимизда бирин-кетин узилган уч ўқ овози эшитилди. Йўлнинг икки бети қалин ўрмонзор эди. Биз зўр ҳаяжон ичида пичирлашиб гаплашиб, эҳтиёт билан олдинга қараб юравердик, машинамиз ўқ отилаётган ернинг рўпарасига тўғри келиб қолган вақтдагина тўхтадик. Машинадан сакраб ерга тушиб, ёйилиб кетдик ва милтиқларимизни чангаллаб, эмаклаб ўрмонзор ичига кира бошладик.

---

* *Том Муни* — АҚШда ишчилар ҳаракатининг актив арбоби, чўян қуювчи. 1916 йил 22 июлда Сан-Франциско намойиши вақтида гўё бомба ташлаганликда ифвокорона айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинган эди. Меҳнаткашлар оммаси ўртасида кўтарилган зўр норозилик таъсири билан Президент Вильсон бу ишга аралашишга мажбур бўлди ва ҳукм ўзгартирилди: ўлим жазоси ўрнига Том Мунини умрбод тюрьма қамоғига ҳукм қилдилар. Том Мунининг гуноҳсиз эканлиги исбот этилганига қарамай, у тюрьмада йигирма йилдан ошиқ ўтирди ва Рузвельт президент бўлганидан кейингина озод этилди.— *Ред.*

** *Беркмэн* — Том Муни билан суд қилинганларидан бири — *Ред.*

Шу вақт икки ўртоғимиз тўпни ечиб, оғзини бизнинг елкамизга тўғрилагунча, уни роса буриб айлантирди.

Исполнительный Комитет
Петроградского Совета
Рабочихъ и Солдатскихъ
Депутатовъ
Военный Отдѣлъ

20 Октября 1917 г.
2614

УДОСТОВѢРЕНІЕ.

Настоящее удостовѣреніе дано представите Американской Соціалъ - демократіи Интернаціоналисту товарищу ДЖОНУ РИДУ въ томъ, Военно - Революціонный Комитетъ Петербургскаго Совѣта Рабочихъ и Солдатскихъ Депутатовъ предоставляетъ ихъ права свободнаго проѣзда по всѣмъ Сѣверному фронту въ цѣляхъ освѣдомленія нашихъ Американскихъ товарищей интернаціоналистовъ съ событіями въ Россіи.

Председатель

Секретарь

Жон Ридга Шимолий фронтда юра олиш учун берилган гувоҳнома.

Ўрмонда оғир сукунат ҳукм сурарди. Дарахтларнинг барглари тўкилган, таналари эса кузги ҳароратсиз офтобнинг нурларида қорайиб кўринар, қилт этмас эди. Ўрмондаги музлаб қолган сувлар устидаги яхлар оёғимиз остида қирсиллабгина қўярди. «Наҳотки, пистирма қўйилган бўлса?..»

Дарахтлар сийраклашиб, очиқликка чиққунимизча ҳеч ҳодиса юз бермади. Биз тўхталдик. Рўпарамиздаги кичик бир ўтлоқда уч солдат гулхан ёнида бекорчиликдан бир-бири билан вақиллашиб ўтиришарди.

Владимир Николаевич уларнинг олдига бориб: «Салом, ўртоқлар!» — деди. Замбарагимиз, йигирмата милтиғимиз,

грубит бомба тўла машинамиз ҳаммаси гўё хатарда қолгандек эди. Солдатлар сапчиб ўринларидан турдилар.

«Бу ерда қанақа отишма бўлди?»

Солдатлардан бири енгилгина нафас олиб: «Бу биз эдик, ўртоқ. Бир жуфт қуён отдик...»— деди.

Бизнинг машинамиз шаффоф ҳавони кесиб, Романово томонга қараб ўқдай учиб кетди. Биринчи чорраҳага етганимиз даёқ рўпарамиздан милтиғини ўқталиб икки солдат чиқиб келди. Биз секинроқ юриб, кейин тўхталдик.

«Пропускангизни кўрсатингиз, ўртоқлар!»

Қизил гвардиячилар шовқин кўтардилар. «Биз Қизил Гвардиямиз. Бизга ҳеч қандай пропусканинг кераги йўқ... Қоч, йўқол, сен билан гаплашиб ўтиришнинг ҳожати йўқ!..»

Аммо шу вақт бир матрос гапга аралашди: «Бундай қилиш ярамайди, ўртоқлар. Революцион интизомга риоя қилиш керак... Шундай бўлмаса, ҳар қанақа контрреволюционер машинага чиқиб олади-да: «Менга ҳеч қанақа пропусканинг кераги йўқ!» — дейди. Ахир бу ўртоқлар бизни танишмайди-ку...»

Баҳслашиш бошланиб кетди. Бироқ ҳамма матроснинг фикрига оз-моз қўшилди. Қизил гвардиячилар пўнғиллашиб, ўзларининг кир қоғозларини олиб кўрсатдилар. Ҳамма гувоҳномалар бир хилда эди. Фақат Смольнийда революцион штаб томонидан менга берилган гувоҳнома бутунлай бошқача эди. Соқчилар менга, қани биз билан юринг, деб қолишди. Қизил гвардиячилар қаттиқ норозилик билдирдилар, аммо интизом тўғрисида дастлаб оғиз очган матрос соқчиларнинг тарафини олди: «Биз бу ўртоқни биламиз, ишончли одам,— деди у.— Аммо комитетнинг буйруғи бор, ахир. Бу буйруқларга бўйсуниш керак. Революцион интизом ана шундай...»

Баҳсни зўрайтириб юбормаслик учун мен машинадан тушдим, машина ғизиллаганича олға қараб кетди. Ҳамроҳларим хайрлашишиб қўлларини силкитдилар. Солдатлар ўзаро шивирлашиб қолдилар. Кейин мени олиб бориб, деворга тираб қўйдилар. Фаҳмласам, мени отиб ташламоқчи эканлар.

Мен аланглаб теварак-атрофга қарадим, ҳеч бир жон асари йўқ. Фақат бир бош пана нишонаси кўринди,— йўлдан бир милча ичкарида ёғоч уйнинг мўрисидан тутун чиқиб турарди. Солдатлар мендан узоқлашиб йўлга чиқдилар. Мен жон-жаҳдим билан уларга қараб чопдим:

«Кўрсаларинг-чи, ўртоқлар! Ахир бу Ҳарбий-революцион комитетнинг муҳри-ку!»

Улар тикилиб пропускамга, кейин бир-бирларига қарашди.

«Бу бошқаларникига ўхшамайди,— деди улардан бири қовоғини солиб туриб.— Биз, оғайни, хат танимаймиз».

Мен унинг қўлидан ушлаб:

«Юр бўлмаса, анови уйга борайлик. У ерда бирор хат биладиган киши бордир»— дедим. Солдатлар иккиланиб қолдилар. «Йўқ»,—деди улардан бири. Аммо бошқаси менга яна бир қараб олгач, «Нега йўқ бўлсин? Бегуноҳ одамни ўлдириш ҳеч гап эмас...»— деди.

Биз ўша уйнинг олдига бориб эшикни тақиллатдик. Ўрта ёшли, тўлагина бир хотин эшикни очиб: «Мен улар тўғрисида ҳеч нарса билмайман! Ҳеч нарса билмайман!»— деб қичқириб, ичкари орқага ташлади.

Соқчилардан бири бу аёлга менинг пропускамни кўрсатди. Хотин яна бақирди. «Сиз ўқиб берсангиз бас, ўртоқ»— деди солдат. У гувоҳномани қўрқа-писа олиб, шошиб-пишиб ўқиб берди:

«Ушбу гувоҳнома Америка социал-демократиясининг вакили интернационалист ўртоқ Жон Ридга шу тўғрида берилди...»

Солдатлар йўлга қайтиб чиқиб, маслаҳатлашиб қолдилар. «Биз сизни полк комитетига элтиб топширишимиз керак»,— дедилар улар. Биз қоронғилик ичида лой йўлдан кетдик. Бизга оқ тўда-тўда солдатлар учраб турди. Улар тўхташиб, менга гумонсираб қарашар, пропускамни қўлма-қўл ўтказишиб, отиб ташласакмикан, йўқмикан, деб қизғин мунозара қилишарди.

Биз иккинчи Царское Село ўқчи полкининг казармасига етиб келганимизда, ҳамма ёқ қоп-қоронғи бўлиб қолган эди. Бу полкнинг казармаси узун, пастак бўлиб, йўл бўйлаб чўзилиб кетган эди. Дарвоза оғзида лақиллашиб турган бир неча солдат мени олиб келганларга: «Жосусми? Провакаторми?»— деган саволлар ёғдира бошладилар. Биз айланма зинадан чиқиб, деворлари шип-шийдан, катта бир хонага кирдик. Хонанинг ўртасида печка тураради, девор ёнидаги тахта сўриларда солдатлар карта ўйнашиб, гаплашиб ўтиришар, ашула айтишар ёки ухлаб ётишарди. Улар минг чоғлик киши эди. Шипда Керенскийнинг тўп ўқлари тешиб кетган туйнук бор эди.

Мен бўсағада кўринишим билан бирдан улар орасида сукунат чўкиб, ҳаммалари менга тикилишиб қолдилар. Бошда сокин, кейин шиддатли ҳаракат бошланди, ғазабли овозлар эшитилди.

Мени олиб келганлардан бири: «Ўртоқлар! Ўртоқлар!— деб қичқирди.— Комитет! Комитет!» Солдатлар оломони пўнғирлаб, мени халқадек ўраб олишди. Қўлига қизил латта боғлаб олган қотма бир йигит уларнинг орасини ёриб ўтиб, «Ким бу?»— деб ўшқириб сўради. Мени олиб келганлар воқеани айтиб бердилар. «Унинг қоғозини буёққа беринглар!» У гувоҳномани диққат билан ўқиб, менга синчиклаб назар ташлади, сўнгра табассум қилиб, пропускамни қайтариб берди.

«Ўртоқлар, бу — америкалик ўртоғимиз экан. Мен комитет раиси бўламан. Полкимизга хуш келибсиз...» Умумий

норозилик бирдан севинч табрикларига айланди. Ҳамма менинг устимга ёпирилиб, қўл бериб сўраша бошлади.

«Сиз ҳали овқатланмагандирсиз-а? Биз овқатланиб бўлган эдик. Офицерлар клубига боринг, у ерда сизнинг тилингизда гаплашадиган одам топилади...»

Комитет раиси мени ҳовлидан ўтказиб, бошқа бир бинонинг эшигига элтиб қўйди. Худди шу вақт бу ерга поручик погони таққан аристократ башара бир йигитча кириб келаётган эди. Комитет раиси мени унга таништирди, у мен билан қўл сиқиб кўришди-да, бурилиб кетди.

Поручик соф француз тилида: «Степан Георгиевич Моровский, хизматларига тайёрмиз»,— деди.

Серҳашам вестибюлдан кўзни қамаштирувчи қандиллар ёниб турган кенг зинапоялардан юриб, юқори қаватга чиқдик. Иккинчи қаватда биллиардхона, картахона ва кутубхонанинг эшиклари вестибюлга қараб очилар эди. Биз ошхонага кирдик, у ерда ўртадаги узун стол атрофида башанг кийинган, олтин ва кумуш дастали қилич таққан, императорлик орденлари ва крестлар тақиб олган йигирмата офицер ўлтирарди. Киргинимдан кейин ҳаммалари иззат-ҳурмат билан ўринларидан туриб, менга полковник ёнидан жой кўрсатдилар. Полковник соқолига оқ оралаган жуда серсавлат, кенг яғринли бир киши эди. Хизматкор солдатлар назокат билан овқат тортардилар. Бу ердаги муҳитнинг худди Европадаги офицерлар ошхонасидаги муҳитдан ҳеч бир фарқи йўқ эди. Бу ерда нега революция асари йўқ?..

Мен Моровскийдан: «Сиз большевик чиқарсиз-а?» — деб сўрадим.

Стол атрофида ўтирганлар жилмайиб қўйдилар, лекин мен булардан бир-иккитасининг хизматкор солдатларга қўрқа-писа назар ташлаганини пайқаб қолдим.

«Йўқ,— деди менинг янги дўстим.— Бизнинг полкимизда атиги битта большевик офицер бор, холос. Аммо ҳозир ўзи Петроградда. Полковник — меньшевик. Капитан Херлов — кадет. Менинг ўзим эса — ўнг эсерман. Сизга айтсам, бизнинг армиямизнинг кўпчилик офицерлари большевик эмас. Аммо улар мен сингари демократияга ишонадилар ва солдатлар оммасига эргашишни ўз бурчлари деб биладилар...»

Овқатдан кейин хизматкор солдатлар харита келтирдилар. Полковник уни столга ёйиб қўйди. Бошқалар унинг атрофини қуршаб турдилар.


«Мана бу ер,— деди полковник харитада қалам билан белгиланган жойни кўрсатиб,— эрталаб бизнинг позициямиз эди. Владимир Кириллович, энди бизнинг отрядимиз қаерда?».

Капитан Херлов харитадан кўрсатиб: «Буйруққа биноан манови йўл бўйидаги позицияни ишғол қилдик. Карсавин соат бешда келиб, менинг ўрнимни эгаллади...»,— деди.



Керенскийга қарши бораётган Дибенко бошчилигидаги матрослар отряди.

(VIII боб)



Москва, Замоскворечьеда октябрь жангларида қатнашган бетонланган трамвай платформаси.

Шу пайт эшик очилиб, ошхонага полк комитети райси билан бир солдат кириб келди. Улар полковникни қуршаб турган тўдага қўшилишиб, энгашиб харитага қарадилар.

«Жуда соз,— деди полковник.— Бизнинг секторимизда казаклар ўн километр орқага чекиндилар. Мен позицияни олишга кўчириш зарур деб ҳисоблайман. Жаноблар, сизлар, бугун кечаси позицияни мустаҳкамлаб, манови линияни маҳкам ушлаб турасизлар...»

«Кечирасиз,— деди полк комитет раиси унинг гапини бўлиб.— Мумкин қадар тезроқ олға ҳаракат қилиш ва эрталаб Гатчинанинг шимолида казаклар билан жанг бошлаш тўғрисида буйруқ бор. Уларни батамом тор-мор келтириш зарур. Марҳамат қилиб, тегишли буйруқлар беринг...»

Орага қисқа бир сукунат чўкди. Полковник яна харитага қаради. «Яхши,— деди у узр сўраган бир оҳангда.— Степан Георгиевич, сизча қалай...» Шундай деб у харита устида кўк қалам билан дарҳол чизиқ чизиб, бир неча буйруқ берди. Шу ерда турган унтер-офицер буни тезлик билан ёзиб олди. Сўнгра у чиқиб кетиб, ўн минутдан кейин машинкада икки нусхада босилган тайёр буйруқни кўтариб қайтиб келди. Комитет раиси буйруқнинг копиясини олиб, уни харитага солиштирб кўрди.

«Жойида»,— деди у ўрнидан турар экан. У буйруқнинг копиясини тахлаб чўнтагига солиб қўйди. Кейин асосий нусхасига қўл қўйиб, чўнтагидан юмалоқ муҳрни олиб босди ва имзоланган буйруқни полковникка топширди...

Революция асари ана шунда кўринди.

Мен штаб полковнигининг автомобилида Царское Селодаги Совет саройига қайтдим. Бу ерда ҳамма ишлар боягибоягидек эди: ишчи, солдат ва матрос тўдалари кириб-чиқиб турарди, ҳамма ёқда юк машиналари, броневиклар ва тўплар қалашиб ётарди, фавқулодда ғалаба тантанаси бўлган қийқириқ ва кулги овозлари ҳамон ҳавода янграрди. Олтитача қизил гвардиячи одамлар орасини ёриб, бир руҳонийни олиб келдилар. Бу одам казаклар шаҳарга кириб келганда уларга фотиҳа берган поп Иван эди. Кейинчалик эшитсам, бу руҳоний отиб ташланипти[4].

Совет дарвозасидан Дибенко чиқиб келди, ўнг ва сўл томонга қараб, тез-тез буйруқлар берди. Унинг қўлида ҳамон ўша катта тўппончаси. Ташқарида мотори юргизиб қўйилган машина турарди. Дибенко ёлғиз ўзи машинанинг орқасига ўтириб, Керенскийнинг ишини бир ёқлик қилиш учун ўқдек учиб Гатчинага кетди.

Кеч кирганда, у Гатчинанинг бир чеккасига етиб борди, автомобилдан тушиб, нари ёғига пиёда кетди. Дибенконинг казакларга нима дегани ҳеч кимга маълум эмас. Аммо рости шуки, генерал Краснов бутун штаби ва бир неча минг казак-

лари билан таслим бўлган, шундай қилишни Керенский ҳам маслаҳат берган [5].

Керенский хусусига келсак, мен бу ерда генерал Красно нинг 14 ноябрь (1 ноябрь)да сўроқда берган маълумотид кўчирмалар келтираман:

1917 йил, 2 ноябрь, Гатчинадан.

Бугун мени соат 15 ларда олий бош қўмондон ўз ҳузури чақиртирди. У қаттиқ ташвишда ва асабий ҳолатда эди.

«Генерал,— деди у,— сиз менга ҳиёнат қилдингиз. Сизнинг казакларингиз мени тутиб, матросларга топширишларини очиқдан-очиқ айтмоқдалар».

«Ҳа,— деб жавоб қилдим мен.— Шундай гаплар юрипти, билишимча, сизга ҳеч қаерда хайрихоҳлик йўқ».

«Офицерлар ҳам шундай дейишмоқда эмиш».

«Ҳа, офицерлар айниқса сиздан норозилар».

«Нима қилишим керак? Бўлмаса ўзимни ўзим ўлдиришимга тўғри келади!»

«Агар сиз виждонли киши бўлсангиз, ҳозироқ байроқ билан Петроградга бориб, революцион комитетга кирасиз-да, у ерда ҳукумат бошлиғи сифатида гаплашасиз».

«Ҳа, шундай қиламан, генерал».

«Мен сизга соқчи бераман ва бир матроснинг сиз билан боришини илтимос қиламан».

«Йўқ, ҳар ҳолда матрос бўлмасин. Дибенконинг шу ердалигидан хабарингиз борми?»

«Дибенконинг кимлигини мен билмайман».

«У — менинг душманим».

«Нима қилмоқ керак? Катта ўйин ўйнаганингиздан кейин, жавобини ҳам ўйлаш керак-да».

«Ҳа, мен кечаси жўнаб кетаман».

«Нима учун? Бу қочоқлик бўлади. Очиқ ва бамайлихотир бораверинг, сизнинг қочмаётганингизни ҳамма кўрсин».

«Ҳай майли. Бўлмаса менга ишончли соқчи беринг».

«Яхши».

Мен бориб, ўнинчи Дон казак полкидан Русаковни чақирдим ва олий бош қўмондонни сақлаб бориш учун саккизта казак аскар беришни буюрдим. Орадан ярим соат ўтгандан кейин, казаклар келиб, Керенский йўқ, қочипти, дейишди. Мен тревога кўтардим ва уни қидириб топишга буйруқ бердим, у Гатчинадан қочиб чиқиб кета олмас, шу орада беркиниб ётган чиқар, деб ўйлаган эдим».

Шундай қилиб, Керенский матрос кийимини кийиб, якка ўзи қочипти. Қочиши билан у бир вақтлар руслар орасида қозонган шуҳратини ҳам қўлдан бой берди.

Мен қизил гвардиячилар лиқ тўла юк машинасининг ишчи-шофери ёнига ўтириб Петроградга қайтдим. Керосинимиз йўқ

эди, шунинг учун машина фанорини ёқмадик. Йўл уйларига қайтаётган пролетар армияси ва уларнинг ўрнига хизмат қилиш учун фронтга бораётган янги резервлар билан тирбанд эди. Зулмат ичида худди бизники сингари катта, тўп судровчи юк машиналарининг қораси кўринарди; булар ҳам бизга ўхшаб чироқсиз эди. Биз ўқдек учиб борардик, муқаррар бўлган тўқнашувдан сақланиш учун машинамизни дам ўнгга, дам чапга бурардик, гоҳо бошқа машиналарнинг ғилдирагига тегиб ўтардик. Орқамиздан пиёдаларнинг сўккан овози эшитиларди...

Уфқда эса пойтахт чироқлари порлаб нур сочарди, шаҳар кечаси кундузгидан ҳам ёруғ кўринарди. Гўё тақир яланглик-ка бриллиантлар сочиб ташлангандек эди.

Машинамизни ҳайдаб кетаётган бир кекса ишчи йироқда товланиб кўринган пойтахт томонга завқ билан қараб, қўли билан ишора қилди.

«Менинг шаҳрим!— деди у қичқириб. Унинг юзи ёришиб кетди.— Энди ҳаммаси меники! Менинг Петроградим!».

X БОБ

МОСКВА

Ҳарбий-революцион комитет ғалаба устига ғалаба қозонар эди. «14 ноябрь (1 ноябрь):

Армия, корпус, дивизия, полк комитетларига, ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларига.

Барчага, барчага, барчага.

Казаклар, юнкерлар, солдатлар, матрослар ва ишчиларнинг розиликларига биноан, Александр Федорович Керенскийни ошкора халқ судига топширишга қарор қилинди. Керенскийни ушлаб, ошкора халқ судига топширишни сўраймиз. Керенскийни тутиб олиб, ундан ўзини суд ихтиёрига топшириш учун дарҳол Петроградга етиб келишини юқорида кўрсатилмиш ташкилотлар томонидан талаб қилишни сўраймиз.

Имзолар: Биринчи Уссурия отлиқлар дивизиясининг I Дон дазак аскарлари, Петроград округи партизанлар отрядининг юнкерлар комитети, V армия вакили.

Халқ комиссари Дибенко».

Керенскийни ўзларининг фахрий аъзолари деб ҳисобланган, Ҳимоя қилиш комитети, дума, социал-революционерлар партиясининг Марказий комитети бунга қаттиқ эътироз билдириб, Керенский фақат Таъсис мажлиси олдидагина жавобгар, дедилар.

16(3) ноябрь кечқурун мен Загородний проспектида «Марсельеза» маршини чалиб кетаётган ҳарбий оркестр билан икки минг чоғлик қизил гвардиячини ҳамда қизил Петроградни ҳимоя қилиш мақсадида, фронтдан уйларига қайтаётган ўз оғайниларини табрикламоқ учун тўқ қизил байроқларни ҳилпиратиб кетаётган саф-саф ишчиларни учратиб қолдим. Марсельеза марши вазиятга жуда уйғун келган эди! Эркак ва аёллар ғира-шира совуқ оқшомда қадам ташлаб борар, милтиқларининг узун найзалари бошлари узра чайқаларди. Улар сирғончиқ ва хира ёруғ тушиб турган лой кўчалардан

ифлеп ичига тушган, қўрқиб қолган ва нафрат билан томо-
и қилиб турган буржуазия оломонининг орасини ёриб ўтиб
лмоқда эдилар.

Корчалонлар, спекулянтлар, рантьелар, помешчиклар, армия офицерлари, сиёсий арбоблар, ўқитувчилар, студентлар, эркин касб эгалари, дўкондорлар, чиновниклар, хизматчилар — ҳаммаси буларга қарши эди. Бошқа социалистик партияларнинг ҳаммаси большевикларни кўрарга кўзлари йўқ эди. Оддий ишчилар, матрослар оммаси, барча соғлом кайфиятдаги солдатлар, ерсиз деҳқонлар ва бир ҳовучгина зиёлилар Советлар томонида эди.

Керенскийнинг мағлубияти тўғрисидаги хабарга жавобан даҳшатли кўча жанглари тўлқиндек ёйилган бепоён Россиянинг узоқ бурчакларидан пролетар ғалабаси акс садоси бериб янгради. Кўчалари қонга тўлган Қозон, Саратов, Новгород, Вишницадан, большевиклар ўз тўпларининг оғзини буржуазиянинг сўнгги қалъаси бўлган Кремлга тўғрилаган Москвадан пролетар ғалабаси акс садоси эшитилди.

«Улар Кремлни тўпга тутмоқдалар!» Бу хабар Петроград кўчаларида даҳшат ичида оғиздан-оғизга юрарди. «Оқ тошли она Москва»дан келганлар хунук хабарларни гапириб берардилар: минглаб одамлар ўлдирилди, Тверская кўчаси ва Кузнецкий бульвари аланга ичида, Василий Блаженний Храми тутун билан буруқсаган харобага айлантирилган, Успенский соборининг кули кўкка совурилган, Кремлнинг Спасск дарвозаси йиқилай-йиқилай деб турипти, дума таг-паги билан ёнпириб юборилган [1].

Большевикларнинг шу дамгача қилган ишларидан ҳеч бири муқаддас Руснинг қоқ бағрида юз берган бу даҳшатли ҳодисаларга тенг кела олмаса керак. Диндор одамларнинг қулоғи остида муқаддас провослав черковларига тўғрилаб отилган, рус миллатининг зиёратгоҳларини кунпаякун қилган тўпларнинг овозлари янграгандек бўларди.

15 (2) ноябрда халқ маориф комиссари Луначарский халқ Комиссарлар Советининг мажлисида фарёд кўтариб: «Мен бунга тоқат қилиб тура олмайман! Мен нафосат ва анъаналарни бу қадар бузишларга бардош бера олмайман...» деб, хона ичидан чиқиб кетди.

Ўша куни кечки газеталарда унинг истеъфога чиқиш ҳақидаги аризаси босилиб чиқди:

«Мен Москвада юз берган ҳодисани ўз кўзи билан кўрганлардан шу топдагина эшитдим.

Василий Блаженний собори, Успенский собори бузилмоқда эмиш. Петроград ва Москванинг энг нафис бойликлари тўпланган Кремль тўпга тутилаётган эмиш.

Минглаб одамлар ўлипти.

Қураш ваҳшиёна тус олипти.

Яна нималар бўлади? Нарёғи нима бўлади?

Мен бунга чидаб тура олмайман, сабр косам тўлиб тош ди. Бу даҳшатни тўхтатишга ожизлик қилмоқдаман.

Қишини ақлдан оздирувчи бу фикрлар исканжасида мут лақо ишлаб бўлмайди.

Мана шу сабабдан ҳам мен Халқ Комиссарлар Советидан истеъфога чиқмоқчиман.

Мен бу қарорга келмоқнинг бутун оғирлигини иқрор қил сам-да, лекин мен ортиқ чидаб тура олмайман...»[2]

Ўша куниёқ оқ гвардиячилар ва юнкерлар Кремлни таш лаб чиқиб кетдилар. Уларга тўсқинлик қилмасдан қўйиб юбордилар. Сулҳ шартномасида шундай дейилган эди:

«1. Жамоат хавфсизлик комитети ўзини тугаган деб ҳисоб лайди.

2. Оқ гвардия яроқ-аслаҳаларини топшириб, тарқатилади Офицерларга унвон берилганда тақдим қилинган яроқлар ўзларида қолади. Юнкерлар мактабларида таълим учун зарур бўлган яроқ-аслаҳаларгина қолдирилади. Бошқа яроқ ларнинг ҳаммасини юнкерлар қайтарадилар. Ҳарбий-революцион комитет барчага озодликни ва шахсларнинг дахлсизли гини таъминлайди.

3. 2-моддада кўрсатилишича, қуролсизлантиришни қай си усулда амалга ошириш масаласини ҳал қилмоқ учун Ҳарбий-революцион комитет вакилларидан, қўмондонлик состави вакилларидан ҳамда воситачиликда иштирок этган ташкилотларнинг вакилларидан иборат комиссия тузилади.

4. Сулҳ шартномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ҳар иккала томон ҳар қандай отишмаларни ва ҳар қандай ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисида дарҳол буйруқ беради ва жойларда бу буйруқни тўхтовсиз амалга ошириш учун кескин чоралар кўради.

5. Шартнома имзоланиши билан ҳар икки томондаги ҳарбий асирларнинг ҳаммаси дарҳол бўшатилади...»

Большевиклар шаҳарни икки кундан бери ушлаб турмоқда эдилар. Ўтакаси ёрилган халойиқ ер тўлалардан чиқиб ўликларини қидириб топишга кетди. Кўчалардан баррикадалар олиб ташланди. Бироқ Москванинг хароб бўлгани тўғрисидаги сафсаталар тўхташи у ёқда турсин, балки кучайди... Ана шу даҳшатли хабарлар бизни Москвага жўнашга мажбур этди.

Икки асрдан бери рус ҳукуматининг маркази саналиб келган Петроград ҳамон сунъий бир шаҳарлигича қолаверди. Москва чинакам Россия, ўтмишда қандай бўлса, келажакда ҳам шундай бўлади; Москвада биз рус халқининг революцияга чинакам муносабатини ҳис қиламиз. У ерда ҳаёт анча жиддий эди.

Ўтган ҳафта ичида Петроград ҳарбий-революцион комитети оддий темир йўлчиларнинг ёрдамида Николаевск вокзалини қўлга киритди ва эшелон-эшелон матрос ҳамда қизил

гардишчиларни бирин-кетин шарқи-жануб томонга юбориб ярди. Смольнийда бизга пропуска бердилар, бу пропускасиз ҳеч ким пойтахтдан чиқиб кетолмас эди... Поезд состави тайёр бўлиши биланоқ озиқ-овқат солинган катта қопларни орқалаган жулдур-жулдур кийимли солдатлар ўзларини вагонларга урдилар. Кўплар эшикларни ва дераза ойналарини синдириб, бутун купе ҳамда йўлакларни банд қилдилар, ҳатто вагонларнинг томларига ҳам чиқиб олдилар. Биз —уч киши бир амаллаб ўз купемизга кириб олдик, аммо ўша заҳоти купега йигирма чоғлиқ солдат ҳам кириб олди... Атиги тўрт кишилик жой бор эди. Биз тортишдик, талашдик, кондуктор бизнинг тарафимизни олди, аммо солдатлар кулиб туришердилар. Бир ҳовуч буржуйларнинг роҳатини кўзлаш билан уларнинг нима иши бор! Биз Смольнийдан олган мандатимизни кўрсатдик. Солдатлар бизга нисбатан дарров муносабатларини ўзгартдилар.

«Бу ёққа юринглар, ўртоқлар,— деди солдатлардан бири қичқириб.— Булар америкалик ўртоқлар экан! Улар ўттиз йилдан чақирим наридан бизнинг революциямизни кўргани келишган эканлар!..»

Солдатлар мулойим ва дўстона афв сўраб, купени бўшатиб чиқиб кетдилар. Тез-орада биз уларнинг ёнгинамиздаги купенинг эшигини синдираётганларини эшитиб қолдик; бу купедаги башанг кийинган семиз икки рус киши си кондукторга пора бериб, эшикни маҳкам беркитиб олган экан.

Кечқурун соат еттиларга яқин поезд жўнади. Ўтин ёқиб юргизиладиган кичкина ва кучсиз паровоз юк тўла катта поездни аранг тортиб борар ва ҳа деб тўхтагани тўхтаган эди. Вагон томида кетаётган солдатлар пошналари билан тўқиллатишиб, мунгли деҳқон қўшиқларини айтишар эди. Вагоннинг йўлаги одамга лиқ тўлганидан ўтиб бўлмас эди, бу жойда бутун туни билан қизғин сиёсий мунозаралар бўлди. Гоҳ-гоҳ кондуктор келиб, ўз одатича, билет суриштирарди. Аммо биздан бошқа ҳеч кимнинг деярли билети йўқ эди. Кондуктор арим соатча ғижиллашганидан кейин, қўлларини осмонга пахса қилиб, ўдағайлаб чиқиб кетарди. Вагоннинг ҳавоси бижғиган, махорка тутуни босган эди. Агар баъзи деразаларнинг ойнаси синиқ бўлмаганда, эҳтимол, биз ўша кечаси бўғилиб ўлган бўлар эдик.

Бир неча соат кечикканимиздан сўнг, эрталаб оппоқ қор босган ерларни кўрдик. Ҳаво. қаттиқ совуқ эди. Кундуз соат ўн иккиларда вагонга бир деҳқон аёл ичи бурда нонларга тўлган бир сават ва илиқ суррогат кофе солинган чойнакни кўтариб чиқиб қолди. Шундан кейин то кечгача биз бошқа ҳеч нарса кўрмадик. Фақат ҳар қадамда бир тўхталиб, силкиниб кетаётган одам тўла поездни ва онда-сонда учраган станцияларнигина кўрардик. Поезд станцияга етиб келгач, оч оломон ўзини дув этиб буфетга урар ва у ердаги оз-моз нарсаларни ҳам

шип-шийдан қиларди. Шундай станциялардан бирида ажралиб чиққан комиссарлардан Ногин билан Риковни учратиб қолдим. Улар шикоятларини ўз Советлари*га айтиш учун Москвага қайтаётган эдилар. Шу жойда сариқ соқол, қарашлари мутаассибнамо, паст бўйли Бухарин ҳам бор эди. Уни «Ленин дан ҳам сўлроқ»,— деб айтишардилар...

Учинчи қўнғироқ чалингач, станциянинг олағовур йўлаги даги одамларнинг орасини ёриб ўтиб, вагонимизга қараб югурдик. Бу—мурувватли, ҳар хил озор ва азиятларга бардош берган ҳазилкаш ва хушхол оломон эди, улар дунёдаги ҳамма нарсалар тўғрисида, Петербургдаги вазиятдан тортиб то Англия тред-юнионлари ташкилотига қадар бутун аҳволни тинмай муҳокама қилиб кетар ва поезддаги бир неча «буржўйлар» билан шанғиллашиб гап талашиб борар эдилар. Москвага етгунимизча деярли ҳар бир вагонда озиқ-овқат тақсимлаш комитетлари тузилган эди. Бу комитетлар ҳам сиёсий фракцияларга ажралиб, асосий масалалар устида мунозара қилганлари қилган эди.

Москвада вокзал бўм-бўш эди. Биз қайтишга билет олиш тўғрисида гаплашмоқ учун комиссарнинг олдига кирдик. Комиссар бадқовоқ ва жуда ёш поручик эди. Биз унга ўзимизнинг Смольнийдан олган мандатимизни кўрсатганимизда, у очилиб, мен большевик эмасман, жамоат хавфсизлик комитетининг вакилиман, деди. Қизиқ ҳодиса, шаҳарни ишғол этиш вақтида кўтарилган умумий саросималик ичида ғолиблар катта вокзални бутунлай унутибдилар...

Вокзалда битта ҳам извошчи кўринмас эди. Аммо бир неча квартал юриб, қидирган одамимизни топдик. Қулдирадиган даражада ўраниб, извошчи ўзининг торгина чанасида мудраб ўтирарди. «Шаҳар марказига неча пул?»

Извошчи гарданини қашиб қўйди.

«Хўжайин, меҳмонхонадан жой топа олмассиз, дейман,— деди у.— Аммо, ҳар қалай, юз сўмга элтиб қўяман...» Революцияга қадар кира ҳақи икки сўмгина эди! Биз савдолашдик, лекин у елкасини қисибгина қўярди. «Шундай замонда ҳар ким ҳам боравермайди,— деди у.— Юрак керак, юрак». Савдолашиб аранг эллик сўмга келишдик. Қор босган, чироқлари хира, кимсасиз кўчалардан кетар эканмиз, извошчи олти кунлик жанг вақтида кўрган-кечирганларини бизга ҳикоя қилиб берди. «Уйга қайтаётганингда, ёки муйилишда турганингда,— деди у,— бирдан «пақ» этиб ўқ узилади. «Пақ» этиб яна бошқаси... Пулемёт тариллаб қолади. Мен отларни қамчилаб, ўзимни олиб қочаман. Бутун атрофда эса ванғиллаган тўп овозлари... Тинч бир жин кўчага кириб, пана бир жойда энди ором оламан десанг, яна «пақ» этиб ўқ узилади. Кейин пулемёт тариллайди. Шайтон-лаинлар!..»

---

* XI бобга қаралсин.— *Ж. Рид.*

Шаҳар марказида қор босган кўчалар худди касалликдан кўп ором олаётгандек жимиб қолган, фақат онда-сонда ёнган чироқлар, шошиб-пишиб ўтган битта-яримта йўловчиларгина кўринарди. Изғирин шамол суякдан ўтай дейди. Биз биринчи учраган меҳмонхонага тушдик, у ерда бир жуфтгина шам ёниб турарди.

«Ҳа, бизда жуда шинамхоналар бор-у, лекин ойналари синиқ. Агар жаноблар муздеккина ҳавога қарши бўлмасалар...»

Творская кўчасида магазинларнинг ойналари чил-парчин бўлган, тош кўчалар ағдар-тўнтар қилинган, кўп жойда тўп ўқлари тушиб ўйилиб кетган чуқурлар кўринарди. Биз меҳмонхонама-меҳмонхона кезиб юрдик, баъзи меҳмонхоналар одамга лиқ тўла, бошқаларида эса юрак олдириб қолган хўжайинлари оёқларини тираб олиб, ҳа деб: «Бўш хона йўқ! Бўш хона йўқ...»— дер эдилар. Банклар ва йирик тижоратхоналар жойлашган катта кўчаларда большевиклар отган тўпларнинг излари яққол кўриниб турарди. Совет ходимларидан бири бу ҳақда менга: «Бизлар юнкерлар ва оқ гвардиячиларнинг қаердалигини аниқлай олмаганимиздан кейин, уларнинг тўғридан-тўғри чек дафтарчаларига қараб ўқ ёғдирдик»,—деди.

Ниҳоят, бизни катта «Национаљ» меҳмонхонасига жойлаштирдилар (чунки бизлар ажнабийлар эдик, Ҳарбий-революцион комитет эса ажнабий фуқаролар турган жойларни қўриқлашга ваъда берган эди). Меҳмонхона хўжайини бизга юқори қаватда шрапнель ўқи синдирган ойнани кўрсатди. У тасаввуридаги большевикларга мушт дўлайтириб: «Ҳайвонлар!»— деб қичқирди.— Шошманглар ҳали! Қасос куни етиб келар! Сизнинг кулгили ҳукуматингиз бир неча кундан кейин соб бўлади! Ўшанда биз сизга кўрсатамиз!..»

Биз «Мен ҳеч нарса этини емайман» деган номли вегетариан ошхонага кириб овқатландик, унинг деворларида Толстойнинг суратлари осиғлик эди. Овқатдан сўнг биз кўчага чиқиб айландик.

Москва Совети Скобелев майдонидаги, генерал-губернаторнинг собиқ саройида — маҳобатли оппоқ бинода жойлашган эди. Унинг эшиклари олдида қизил гвардиячилар пойлоқчилик қилишарди. Деворларига комитет йиғилишлари тўғрисидаги эълонномалар ва сиёсий партияларнинг хитобномалари ёпиштириб ташланган, кенг зинапоядан юқорига чиққанимиздан кейин, биз деворларига ромлари зарҳал суратлар осилган, юзига қизил албон тортиб қўйилган бир неча дабдабали қабул залларидан ўтиб, чиройли хрусталь қандиллар осилган, карнизлари зарҳал зийнатли катта бир залга кирдик. Бинонинг ичи одамларнинг оҳиста гаплашган овозларига, бир неча тикув машиналарининг тақир-туқирига тўлган эди. Полда ҳамда столлар устида узун қизил ва қора албонлар ёйилиб ётарди, эллик чоғлик аёл революция қурбонларини дафн этиш учун

ленталар ва байроқлар бичиб тикмоқда эди. Оғир ҳаётдан юзлари буришиб, дағаллашиб кетган бу аёллар индамай қовоқ солиб ўтириб ишлашарди, кўпларининг кўзлари ёшли эди... Қизил Армия кўп талафот берган эди...

Бурчакдаги ёзув столи орқасида кўз ойнак таққан, қора ишчи кўйлаги кийган, маъноли Рагов ўтирар эди. У бизни эртасига эрталаб Ижроия Комитетининг аъзолари билан бирликда дафн маросимида қатнашишга таклиф этди.

«Меньшевик ва эсерларга ҳеч нарса ўргатиб бўлмайди!— деб хитоб қилди у.— Улар учун муросасозлик бир одат бўлиб қолган. Ўзингиз ўйлаб кўринг, улар дафн маросимини юнкерлар билан бирликда ўтказайлик, деб таклиф этдилар!..»

Залдан эски солдатча шинель ва шапка кийган бир киши ўтди. Унинг афти менга танишдек кўринди: мен бу одамнинг Мельничанский эканини танидим. У билан мен «Стандарт ойл» ширкати корхоналаридаги машҳур иш ташлаш вақтида Байонда (Нью Жерси штатида) учрашган эдим. Ўша вақтда у соатсоз бўлиб, Жорж Мельчар деб аталарди. Ҳозир, гапидан билсам, Москва металлистлар касаба союзининг секретари экан, кўча жанглари вақтида эса у Ҳарбий-революцион комитет комиссари бўлибди.

У ўзининг жулдур-жулдур кийимини кўрсатиб: «Аҳволимни кўринг,— деди шанғиллаб.— Юнкерлар дафъатан Кремлга кирган маҳалларида мен ўз йигитларимиз билан бирга ўша ерда эдим. Мени ер тўлага қамаб қўйдилар, пальтомни, пулларимни, соатимни, ҳатто узугимни ҳам тортиб олдилар. Мана энди шу алфозда юрибман!..

У менга Москвани қоқ иккига ажратиб қўйган олти кунли қонли жанглар тўғрисида кўп нарсаларни гапириб берди. Москва думасининг Петроград думасидан фарқи шуки, у юнкерлар ва оқ гвардиячиларга бевосита раҳбарлик қилди. Шаҳар бошлиғи Руднев ва дума раиси Минор жамоат хавфсизлик комитети ва қўшиннинг ҳаракатига бошчилик қилдилар. Шаҳар коменданти Рябцев демократик кайфиятдаги бир одам бўлиб, Ҳарбий-революцион комитетга қарши курашишда иккиланар эди. Уни бу курашга аралашишга думагина мажбур этди. Шаҳар бошлиғининг зўри билан Кремль босиб олинди.

«Агар сизлар Кремлда бўлсаларинг, большевиклар сизларга қараб ўқ отишга журъат эта олмайди»,— деган эди у.

Урушаётган ҳар икки томон узоқ вақт ҳаракатсиз ётиб, бутунлай бузғунликка юз тутган гарнизон полкларидан бирини ўз томонига ағдариб олмоқчи бўлар эди. Бу полк мажлис қилиб, унда аҳволни муҳокама қилди, ниҳоят, солдатлар бетараф қолишга ва ўзларининг аввалги ишларини давом эттиришга, яъни зажигалка учун тош ва семечка олиб-сотиб юришга қарор бердилар.

«Аммо энг ёмони шу бўлдики,— деб ҳикоя қилди Мельничанский,— биз ўз кучларимизни уруш вақтида уюштира олдик.

Душманлар нима истаганларини яхши билар эдилар, бизнинг томонимиздаги солдатларнинг ўз Совети, ишчиларнинг эса ўз Совети бор эди... Ким қўмондон бўлиши устида қаттиқ талаш бошланди. Баъзи полклар нима қилиш тўғрисида аввал бир қарорга келгунча, бир неча кун пайдар-пай митинг қилдилар. Офицерлар қўққисдан биздан ажралиб кетганларидан кейин биз ҳарбий штабсиз қолдик...»

У менга кўпгина жонли манзараларни тасвирлаб берди. Бир куни у ҳаво айниган совуқ бир пайтда пулемётдан ўққа тутилаётган Никитская кўчаси бурчагида турган экан, бу жойда газетфуруш болалардан бир тўдаси ўралашиб юрган экан. Улар ўзларига янги ўйин ўйлаб чиқаришипти, отишма тинишини пойлаб туриб, улар кўчанинг у бетидан бу бетига чопишиб ўтишаверипти. Болаларнинг ҳаммаси ўйинга жуда қизиқишиб кетипти. Кўпларига ўқ тегиб ўлипти. Қолганлари эса бир-бирларини итариб-туртишиб, тротуардан тротуарга чопишаверипти.

Оқшомдан анча кейин мен Дворян клубига межлисга кетдим. Халқ Комиссарлари Совети составидан чиққан Ногин, Риков ва бошқаларнинг докладларини муҳокама қилиш учун Москва большевиклари бу ерга тўпланган эдилар.

Мажлис театр ўйналадиган залда бўлди. Бу ерда офицерлар ва башанг кийинган хонимлардан иборат томошабинларга ҳаваскорлар эски тузум вақтидаги француз комедияларини қўйиб берардилар.

Бошда зал зиёлилар билан лиқ тўлди: улар шаҳар марказига яқин ерларда турар эдилар. Ногин чиқиб нутқ сўзлади, мажлисдагиларнинг кўпчилиги унга хайрихоҳлик кўрсатди. Ишчилар анча кейинроқ келдилар: улар шаҳарнинг чекка-чекаларида турарди, ўша кунларда эса трамвайлар юрмас эди. Аммо қоқ ярим кечага борганда, улар ўнталаб-ўн иккиталаб, тўда-тўда бўлишиб зинапоядан чиқиб кела бошладилар. Улар йирик ва барваста кишилар бўлиб, энларига дағал кийим кийган, шу топдагина жанг майдонидан келган эдилар. Улар бутун ҳафта бўйи жон-жаҳдлари билан урушган, ёр-дўстлари ёнларида жон берганини кўриб турган эдилар.

Мажлис расман очилиши билан Ногиннинг устига ҳар хил пичинглар, аччиқ-аччиқ гаплар ёғдирдилар. У тушунтириш, ўзини оқлаш учун беҳуда уринди, унинг гапини эшитишни истамас эдилар. У Халқ Комиссарлар Советини ташлаб кетди, урушнинг энг қизғин даврида ўз вазифасидан чекиниб дезертирлик қилди!.. Москвада буржуазия матбуоти деган нарса йўқ эди. Ҳатто шаҳар думаси ҳам тарқатилган эди. Минбарга қутурган, тили заҳар Бухарин чиқди, унинг оғзидан пайдар-пай заҳарли сўзлар отилиб чиқарди. Мажлис аҳли унинг нутқини кўзлари чақнаб тингларди. Халқ Комиссарлар Советининг ишини маъқуллаш тўғрисида чиқарилган резолюция

кўпчилик овоз билан қабул қилинди. Москва ўз сўзини шу йўсинда изҳор қилди...[3,4].

Қоқ ярим кечада биз кимсасиз кўчадан юриб, Ивер дарвозаси орқали катта Қизил майдонга, Кремлга чиқдик. Қоронғилик ичида Василий Блаженний черкови гумбазларининг ранго-ранг ўймакор нақшлари афсонавий бир шаклда ғира-шира кўринарди, лекин ҳеч қандай шикаст етган ери йўқ эди. Майдоннинг бошқа бир тарафида Кремль қўрғонининг қорайиб кўринган миноралари ва деворлари юксалиб турарди. Баланд деворлар устида кўзга кўринмас чироқларнинг қизил шуълалари ўйнарди. Лўм ва белкуракларнинг тақир-туқири бутун майдондан ўтиб бизга эшитиларди. Биз майдонни кесиб ўтдик.

Деворларнинг остига тупроқ ва шағаллар тоғдек уйилиб ташланган эди. Юқорига кўтарилиб, пастга қарасак, иккита катта чуқурга кўзимиз тушди: уларнинг чуқурлиги 10—15 фут, кенглиги 50 ярд* келарди. Бу жойда юзлаб ишчи ва солдатлар катта гулханлар ёруғида белкурак билан ишламоқда эдилар.

Ёш бир студент биз билан немис тилида гаплашди: «Бу — ўртоқлар мозори,— деди у.— Эртага биз бу ерга ўз жонини революция йўлида қурбон қилган беш юз пролетарни дафн этамиз».

У бизни чуқур ичига бошлаб тушди. Чўкич ва кураклар тинмай ишлаб турарди, тупроқ уюмлари эса борган сари баландлашмоқда эди. Ҳамма сукут ичида, осмон юлдузлар билан чароқлаган, подшо Кремлининг қўҳна девори ложуард қомат кўтарган эди.

«Бу жойга, бутун Росссияда энг муқаддас бўлган бу ерга,— деди студент,— биз ўз табаррук кишиларимизни дафн этамиз. Подшолар қабрлари турган бу ерда бизнинг подшоҳимиз — халқ дафн этилади...» Студент қўлини боғлаб олган, кўча жанглари-да унга ўқ тегиб, тешиб кетган эди. Студент ярасига қараб қўйди. «Сиз, ажнабийлар,— деб гапида давом этди,— биз русларга юқоридан туриб қарайсизлар, чунки бизлар ўрта аср монархиясига узоқ йиллар чидаб келдик. Аммо биз подшонинг дунёда ягона мустабид эмаслигини кўрдик; капитализм эса ундан ҳам бадтардир. У бутун дунё устида чинакам императордек ҳукмфармолик қилади... Русларникидан яхшироқ революцион тактика йўқ...»

Биз чуқурдан чиқиб кетганимиздан кейин, қаттиқ чарчаган ва совуқ бўлишига қарамай терлаб-пишиб кетган ишчилар аста-секин чуқурдан чиқа бошладилар. Гала-гала одамлар уларнинг ўрнига ишламоқ учун шошиб-пишиб Қизил майдонни кесиб ўтиб келарди. Улар сапчиб чуқурларга тушдилар-да, белкурак-ларни олиб индамай қазий бошладилар, улар роса қазидилар...

---

* Фут — 30,5 *см.* ярд —91,5 *см.— Ред.*

Халқ кўнгиллилари ана шу узоқ кечада бир-бирларининг ўрнини босиб, шошилинч равишда ишни бир дам ҳам тўхтатмасдан ҳўб ишладилар. Қор босган катта майдонда тахт қилиб қўйилган ўртоқлар мозорининг икки қора чуқурини совуқ тонг шудрлари ёритмоқда эди.

Биз кун чиқмасданоқ қоронғи кўчалардан шошиб-пишиб Скобелев майдонига йўл олдик. Бутун катта шаҳарда ҳеч бир жон асари кўринмас эди. Аммо узоқ ва яқин тарафларнинг ҳаммасидан, худди шамол тургандек, қандайдир бир ҳаракат садоси эшитиларди. Ғира-шира тонг пайтида совет биноси олдида тўпланган бир тўда эркак ва аёллар олтин ҳарфлар билан ёзилган бир неча қизил байроқларни кўтариб турарди. Бу — Москва Совети ижроия комитетининг байроқлари эди. Кун ёришмоқда... Узоқдан келаётган ғовур-ғувурлар тобора кучайиб бормоқда эди. Бутун шаҳар уйғониб, оёққа турди. Биз ҳилпираган байроқларни кўтариб, Тверская кўчасининг қуйи томонига қараб кетдик. Йўл устидаги черковлар ҳали берк ва қоронғи эди. Ивер биби Марям черкови ҳам ёпиқ эди. Ҳар бир янги подшо Кремлда тахтга ўтиришдан олдин шу жойга кириб зиёрат қиларди. Бу черков одатда кеча-кундуз очиқ бўлиб, одамга тўла бўлгучи эди... Черковнинг чироқлари порлар, тақводорларнинг қўли билан ёқилган шамларнинг шуълалари иконалардаги олтин ва кумушларда ҳамда қимматбаҳо тошларда жилоланиб турарди. Энди бўлса, Наполеон истилоси замонидан бери бу шамлар яна бир ўчди, дейишади.

Муқаддас православ черкови Кремлни тўпга тутишга журъат этган ёвуз кишилар макони бўлган Москвадан юз ўгирган эди. Черковлар зулматга чўмган, ҳувиллаб, серрайиб қолган, поплар ғойиб бўлган эди. Қизилларни дафн этиш маросимида поплар қатнашмайди, ўлганларга дуои фотиҳа ўқилмайди. Тезда Москва митрополити Тихон Советларни оқ қилади.

Магазинлар ҳам ёпиқ эди, мулкдор синф вакиллари ҳам бошқа сабабларга кўра уйдан чиқмасдан ўтирардилар. Бугунги кун халқ куни эди, унинг овозаси денгиз тўлқинидек шовулларди.

Ивер дарвозасидан одам дарёдек оқиб келарди, минглаб халойиқ кенг Кремль майдонида тирбанд эди. Мен Ивер черкови ёнидан ўтиб кетаётганлардан бирортаси илгаригидек чўқинаётганини кўрмадим.

Биз Кремль деворлари тагида узунасига тўпланган оломоннинг орасини ёриб ўтиб, бир тупроқ уюми устига чиқиб тўхталдик. Бу жойда энди бир неча одам, шу жумладан Москва коменданти вазифасига сайланган, сersоқол, новча, хуш чеҳра ва хуш сиймо Муралов деган солдат ҳам бор эди.

Қизил Майдонга ҳамма кўчалардан халойиқ кўплаб оқиб келарди. Бу ерда меҳнат ва камбағалликдан қадди эзилган минг-минглаб одамлар бор эди. Ҳарбий оркестр «Интернационал»ни чалиб юборди, бутун халойиқ ўз-ўзидан бу гимн

садоларига жўр бўлди. «Интернационал» бутун майдонга денгиз тўлқинидек аста ва тантана билан ёйила бошлади. Кремль деворларининг кунгирасидан ергача оқ ва зарҳал билан «Жаҳон социалистик революцияси авангарди қурбонларига!» ва «Яшасин бутун дунё ишчиларининг қардошлиги!» деб ёзилган катта қизил байроқлар осиғлиқ турарди.

Байроқларни ҳилпиратиб майдон устида қаттиқ шамол эсди. Энди шаҳарнинг узоқ районларидаги завод ва фабрикалардан ишчилар кела бошладилар. Улар бу ерга ўз қурбонларини кўтариб келган эдилар. Уларнинг ҳилпираган байроқлар остида қип-қизил қондек тобутларни дарвозадан олиб кираётганларини кўриш мумкин эди. Тобутлар дағал тахталардан ясалган бўлиб, қизил бўёқ билан бўялган эди. Уларни юз-кўзларини ёш босган оддий кишилар елкаларида кўтариб келардилар. Тобутлар кетидан чуввос солиб йиғлаган ёки тошдек қотиб, мурдадек бўлиб қолган аёллар келарди, баъзи тобутларнинг оғзи очиқ, қопқоғини орқада кўтариб келишарди; баъзиларининг эса устига зарбафт ё кимхоп ёпилган, ёки қопқоғига солдат фуражкаси қўйилган эди. Сунъий гуллардан ясалган гулчамбарлар ҳам жуда кўп эди...

Маросим ўз олдида очилиб яна ёпилиб қолаётган оралиқдан ўтиб, биз томонга аста келмоқда. Энди дарвозадан, зар ва кумуш ҳарфлар ёзилган, дасталарининг учига қора бантлар тақилган турли-тусдаги беҳисоб қизил байроқлар оқиб кирмоқда эди. Анархистларнинг оқ ҳарфлар билан ёзилган қора байроқлари ҳам онда-сонда кўриниб қоларди. Оркестр революцион мотам маршини чалиб юборди. Бош яланг турган бутун халойиқ унга жўр бўлди. Мунгли марсия орасидан йиғи-сиғи овозлари ҳам эшитилиб турди...

Ишчилар орасида ҳарбий эскорт—кавалерия эскадронлари ва тўплари қизил-қора матоларга чирманган, гўё абадий чирмангандек кўринган артиллерия батареялари кузатиб келаётган солдат отрядлари ҳам тобутлар кўтариб келардилар. Ҳарбий қисмларнинг байроқларида шу нарсалар ёзилган эди: «Яшасин III Интернационал!» ёки «Умумий ҳаққоний демократик сулҳ талаб қиламиз!»

Мотам маросими секин-аста юриб қабрлар устига етиб келди. Тобут кўтариб келганлар ҳалок бўлганларни чуқур ичига туширдилар. Тобут кўтарганларнинг кўпи бақувват, барваста пролетар аёллар эди. Тобутлар кетидан эса дард-ғуссага тўлган хотин-қизлар ёки фарёд кўтарган кампирлар ҳам эргашиб келардилар. Улардан кўплари ўз фарзандлари ёки эрларининг жасади кетидан ўзларини қабрларга отдилар, шафқатли-меҳрибон қўллар уларни ушлаб қолмоқчи бўлганда, улар додлаб йиғлар эдилар. Қамбағаллар бир-бирларига ана шундай меҳрибон бўладилар...

Мотам маросими бутун узоқ кун бўйи, кеч киргунча давом этди. Бу маросим Ивер дарвозасидан майдонга кириб, ундан

Никольская кўчаси орқали чиқиб кетар эди. Умид ва қардошлик, келажакдан башорат берувчи сўзлар ёзилган қизил байроқлар денгизи сузиб борар ва эллик минг чоғлик халойиқ устида чайқаларди. Бутун дунё меҳнаткашлари ва уларнинг авлодлари кўз олдида бу байроқлар абадий ҳилпираб тураж ак...

Қабрларга бирин-кетин беш юз тобут туширилди. Қош қорайиб қолган бўлса-да, байроқлар ҳавода ҳамон шилдираб ҳилпирарди, оркестр мотам марсиясини чалар, бутун халойиқ ўнга жўр эди. Қабрлар устидаги яланғоч дарахтларнинг шохларида гулчамбарлар ажойиб ранг-баранг гуллар каби осилиб турарди. Икки юз чоғлик одам белкураклар билан қабрлар устига тупроқ ташлай бошлади. Тупроқлар тобутлар устига тушиб гумбирлаб кетар, марсия овозлари янграб туришига қарамай, бу товуш барала эшитиларди.

Фонарлар ёқилди, сўнгги байроқлар ҳам ўтиб кетди, мотамсаро йиғлаган сўнгги аёллар ҳам изтироб ичида орқаларига аланглаб қарашиб чиқиб кетдилар. Пролетариат тўлқини Қизил майдондан секин-аста силжиди...

Шунда мен художўй рус халқига жаннат ваъда қилувчи руҳонийлар энди ортиқ керак бўлмай қолганини фаҳмлаб қолдим. Бу халқ ер юзида шундай порлоқ турмуш яратдики, бундай турмушни ҳеч бир осмондан тополмайсан, бундай турмуш йўлида жон бермоқ бахт-саодатдир...

XI БОБ

ҲОКИМИЯТНИНГ ҚЎЛГА ОЛИНИШИ[1]

Россия халқларининг ҳуқуқ декларацияси[2]

...Советлар съезди шу йилнинг июнида Россия халқларининг ўз тақдирларини ўзлари эркин белгилаш ҳуқуқини эълон қилди.

Советларнинг Иккинчи Съезди шу йилнинг октябрида Россия халқларининг ажралмас ҳуқуқини қатъий ва аниқ қилиб тасдиқлади.

Халқ Комиссарлари Совети бу съездларнинг иродасини бажариб, Россия халқлари масаласига доир фаолиятида қуйидаги принципларни асос қилиб олмоққа қарор берди:

1) Россия халқларининг тенг ҳуқуқлилиги ва суверенлиги.

2) Россия халқларининг ажралиб чиқиб, мустақил давлат тузишга қадар бўлган ўз тақдирларини ўзлари эркин белгилаш ҳуқуқи.

3) Барча ва ҳар қандай миллий ва миллий-диний имтиёзларни ҳамда чеклашларни бекор қилиш.

4) Россия территориясида яшовчи майда миллатлар ва этнографик группаларнинг эркин тараққиётини таъминлаш.

Бундан келиб чиқадиган зарур конкрет декретлар миллатлар ишлари комиссияси тузилганидан сўнг дарҳол ишланиб чиқилади.

Россия республикаси номидан
Халқ Комиссарлар Советининг раиси

В. Ульянов (Ленин)

Миллий ишлар халқ комиссари

Иосиф Жугашвили — Сталин».

Киевда Марказий рада Украинани дарҳол мустақил республика деб эълон қилди. Фин ҳукумати ҳам Гельсингфорс сенати қарори билан шундай қилди. Сибирь ва Кавказда ҳам мустақил «ҳукуматлар» пайдо бўлди. Польша бош ҳарбий комитети бутун поляк отрядларини рус армиясидан дарҳол аж-

ратиб, уларни бир бутун қилди, уларнинг комитетларини тарқатиб, улар орасида темирдек мустаҳкам интизом ўрнатди...

Бу «ҳукуматлар» ва «ҳаракатлар»нинг ҳаммасида иккита характерли умумий ўхшашлик бор эди: уларнинг тепасида мулкдор синфлар турар ва улар большевиклардан қўрқар ҳамда нафратланар эдилар.

Халқ Комиссарлар Совети бу тартибсиз можаролар, ҳайратда қолдирадиган ўзгаришлар ичида тинмай социалистик тартиб қурмоқда эди. Декрет устига декрет: социал таъминот тўғрисида, ишчилар контроллиги тўғрисида, волость ер комитетлари учун низом, мансаб ва табақаларни бекор қилиш, эски суд системасини бекор қилиш, халқ трибуналлари тузиш тўғрисида декретлар чиқарди[3].

Армия кетидан армия, флот кетидан флот «янги халқ ҳукуматини шодиёна қутлаб» Петроградга депутациялар юбордилар.

Бир куни мен Смольнийнинг рўпарасида эндигина окоплардан қайтган, ҳолдан кетган полкни кўриб қолдим. Ориқ, ранг-рўйлари бир ҳолатда бўлган солдатлар катта дарвоза олдида саф тортган эдилар. Улар Смольнийга, гўё шу ерда худони кўрмоқчидек кўз тикиб турардилар. Баъзилари дарвоза устида ҳали ҳам турган император семурғларига қараб заҳарханда қилишарди. Шу вақт қоровул алмаштириш учун Смольнийга қизил гвардиячилар отряди келди. Солдатларнинг ҳаммаси зўр қизиқиш билан ўгирилиб, уларни томоша қилдилар, чунки улар қизил гвардиячилар тўғрисида кўп эшитган бўлсалар-да, лекин уларни ҳеч қачон кўрмаган эдилар. Улар сафларидан чиқиб, қизил гвардиячиларнинг елкаларига қоқиб, қойил бўлиб, ҳазил аралаш гап отар ва завқ билан кулишар эди...

Муваққат ҳукумат энди йўқ эди. 15(2) ноябрдаёқ Петроград черковларидаги руҳонийлар ибодат маросимларида уни тилга олмай қўйган эдилар. Аммо БМИКда Ленин ўзи айтгандек, «ҳокимиятни қўлга олиш эндигина бошланган эди». Қурол-яроқларидан маҳрум бўлган, лекин мамлакатдаги бутун иқтисодий ҳаётни ўз қўлида ушлаб турган оппозицион кучлар хўжаликни вайрон қилиш пайига тушдилар, рус халқига хос бўлган биргалашиб иш кўриш қобилиятларини ишга солиб, Советларнинг ишларига тўсқинлик қила бошладилар, уларни йиқитиш ва обрўсизлантиришга уриндилар.

Давлат хизматчиларининг забастовкалари яхши уюштирилиб, банклар ва тижорат муассасалари томонидан маблағлар билан таъминланиб турилди. Большевикларнинг ҳукумат идораларини қўлга олиш йўлидаги барча уринишлари тўсқинликка учраб турди.

Троцкий ташқи ишлар министрлигига келди. Бу ердаги амалдорлар уни танишдан бош тортдилар ва ўз кабинетларининг эшикларини қулфлаб олдилар. Эшиклар синдирилгандан

кейин, ҳаммалари истеъфо бердилар. Троцкий архивларнинг калитини топширишни талаб қилди. Калитлар, Троцкий ча қирган ишчилар келиб қулфларни синдира бошлаганларидан кейингина топширилди. Шунда маълум бўлдики, ташқи ишлар министрининг собиқ муовини Нератов махфий шартномаларни ўзи билан бирга олиб кетиб яширинипти...

Шляпников меҳнат министрлиги ишларини қўлга олмоқчи бўлди. Бино ичи жуда совуқ эди, министрликда печка ёқадиган одам топилмасди. Хизматчилар бир неча юз бўлса-да, лекин улардан ҳеч бири министрнинг кабинети қаердалигини Шляпниковга кўрсатиб қўйишни истамасди.

13 ноябрь (31 октябрь) да социал таъминот комиссари қилиб таъйинланган Александра Коллантайни министрликдагилар забастовка қилиб қаршиладилар; ишга атиги қирқ киши чиқди. Бу ҳодиса дарҳол катта шаҳар марказларидаги барча камбағалларга, етимхона ва хайрия идораларида кун кўраётган кишиларга жуда қаттиқ таъсир қилди; улар ҳаммаси ночор аҳволда қолди. Министрликнинг биносини ранг-рўйлари бир ҳолатда бўлган ва оч қолган майиб ва етимларнинг вакиллари қуршаб олган эди. Йиғламоқдан бери бўлган Коллантай забастовка қилганларни қамашга буйруқ берди, идоранинг ва пўлат сандиқларнинг калитларини олмагунча, уларни бўшатиб юбормади. Бироқ Коллантай калитларни қўлга олганидан кейин қараса, ўзидан илгариги министр графиня Панина бутун фондларни олиб қочиб кетибди. Графиня бу фондларни Таъсис мажлисидан бўлак ҳеч кимга топширмасликка аҳд қилипти[4].

Ер ишлари министрлигида, озиқ-овқат министрлигида, молия министрлигида ҳам шу каби ҳоллар юз берди. Вазифадан ва пенсия олиш ҳуқуқидан маҳрум этиш таҳдиди билан, ишга чиқишга мажбур этилган амалдорлар ё забастовкани давом этдирар, ё саботажчилик қилмоқ учунгина ишга чиқар эдилар. Зиёлиларнинг деярли ҳаммаси большевикларга қарши бўлганидан, Совет ҳукуматига штатга олиш учун хизматчилар топилмас эди.

Хусусий банкалар оёқларини тираб олиб ўз эшикларини очмадилар, аммо спекулянтлар эса орқа эшикдан ўз ишларини боплаб кетардилар. Бу банкаларга большевик комиссарлар келганда хизматчилар чиқиб кетар, дафтарларни яшириб қўйиб, фондларни олиб кетардилар. Давлат банкасининг бутун амалдорлари ҳам иш ташладилар, фақат пул омборларига қаровчи хизматчилар, давлат қоғозларини тайёрловчи экспедицияда ишловчиларгина иш ташламадилар, лекин улар ҳам Смольнийнинг бутун талабларига рад жавоби қайтарар эдилар. Айни вақтда Давлат банкаси ҳимоя қилиш комитетига ва шаҳар думасига хусусий равишда катта пуллар берарди.

Комиссар икки марта банкага қизил гвардиячилар ротаси билан келиб, ҳукуматнинг эҳтиёжлари учун катта маблағ

бершини расмий равишда талаб қилди. Биринчи марта уни дума аъзолари, шунингдек меньшевик ва эсер йўлбошчилари қаршиладилар. Улар кўпчилик эдилар, зўрлик ишлатиш оқибати хунук бўлишини жиддий огоҳлантирдилар, бу нарса комиссарни қўрқитиб юборди. Иккинчи марта у расмий мандат билан келиб, уни овоз чиқариб ўқиб берди. Бироқ шунда, кимдир, мандатга на муҳр босилган, ва на берилган вақти кўрсатилган, деди. Россияда давом этиб келган «қоғозга ҳурмат қилиш» анъанаси комиссарни яна қуруқ қайтишга мажбур этди.

Кредит канцеляриясининг амалдорлари ўз дафтарларини йўқотиб юборганлар, шу сабабдан Россиянинг бошқа давлатлар билан қандай молиявий муносабатда бўлганини аниқлаш мумкин бўлмади.

Умум манфаат йўлида ишлайдиган озиқ-овқат комитетлари ва шаҳар бошқармасига қарашли корхоналарнинг маъмуриятлари ё бутунлай ишламас, ёки саботажчилик қилар эдилар. Большевиклар шаҳар халқининг қаттиқ муҳтожликка тушганини кўриб, унга ёрдам бермоқчи бўлиб, ишларни қўлга олмоқчи бўлганларида хизматчилар дарҳол иш ташлар эдилар. Дума эса, бутун Россияга, большевиклар «шаҳар бошқармаларининг мустақиллигини бузмоқдалар» деган мазмунда телеграммалар юборарди.

Ҳарбий штабларда, ҳарбий ва денгиз министрликларига қарашли муассасаларда хизматчилар ишни давом эттиришга рози бўлсалар-да, лекин армия комитетлари ва олий қўмондонлик Советларга қаттиқ қаршилик кўрсатар эдилар. Бу нарса ҳатто фронтдаги аҳволга таъсир кўрсатса-да, ҳар қалай, улар саботажчилик қилардилар. Викжель душманлик кайфиятида бўлиб, Совет қўшинларини ташишдан бош тортди. Петербургдан жўнатиладиган ҳар бир эшелон зўрлик билан ўзига йўл очарди, темир йўл хизматчиларини ҳар доим қамаб туришга тўғри келарди. Викжель шу замон қамалганларни дарҳол озод қилишни талаб этар, бўлмаса умумий забастовка эълон қиламиз, деб қўрқитарди.

Смольний ожиз бир аҳволда қолган эди. Газеталар Петрограддаги бутун фабрика-заводлар ёқилғи йўқлигидан уч ҳафтадан кейин тўхтаб қоладилар, деб ёзардилар. Викжель, биринчи декабрдаёқ темир йўл ҳаракати тўхтайди, деб билдирди. Петроградда атиги уч кунлик ғалла қолган, янги запас ғалла ташиб келинмас эди. Фронтда армия оч қолган эди... Ҳимоя қилиш комитети ва турли-туман марказий комитетлар ҳукуматнинг декретларига ҳеч бир эътибор қилмаслик тўғрисида бутун мамлакатдаги аҳолига хитобномалар юборардилар. Иттифоқчи ҳукуматларнинг элчихоналари ё совуққина бепарволик, ёки очиқдан-очиқ душманлик кўрсатардилар.

Ҳар куни беркитиб қўйиладиган, эртасига эрталаб эса янги ном билан чиқадиган оппозицион газеталар янги тузумга

қарши заҳархандалар ёғдирдилар[5]. Ҳатто «Новая Жизнь» газетаси ҳам бу тузумни «сафсата ва ожизликнинг бирга қўшилиши» деб таърифлади.

«Халқ Комиссарлари ҳукумати,— деб ёзди бу газета, кундан-кунга борган сари икир-чикир ишлар ботқоғида ўралишиб қолмоқда. Большевиклар ҳокимиятни бу қадар осонлик билан қўлга олсалар-да, лекин амалда унга ҳеч бир эгалик қила олмайдилар.

Давлат механизмини идора қилишга ожизлик қилган большевиклар, айни вақтда янгисини — социал-экспериментчиларнинг йўл-йўриқлари билан осон ва бемалол ишлайдиган давлат механизмини барпо эта олмайдилар.

Ўсиб бораётган партияларнинг навбатдаги ишлари учун, биринчи навбатда тил ва қалам билан бажариладиган ишлар учун яқиндагина кўп одамга муҳтож бўлган большевиклар, давлат ҳаётидаги турли-туман мураккаб махсус вазифаларни бажариш учун одамларни қаердан ҳам топсинлар?

Янги ҳукумат ўзини ҳар мақомга солиб, бири биридан «радикалроқ ва социалистикроқ» декретлар билан бутун мамлакатни тўлдирди, аммо бизнинг авлодларимизни ҳайратлантиришдан бошқага ярамайдиган бу қоғозбозлик социализми кундалик масалаларни ҳал қилиш истаги ва қобилиятидан ҳам маҳрумдир...»

Айни вақтда янги ҳукумат тузиш учун Викжель томонидан чақирилган конференция кеча-кундуз ўз ишини давом эттирарди. Томонлар принцип жиҳатдан янги ҳукумат тузишнинг умумий асосларини қабул қилдилар, Халқ Советининг состави муҳокама қилинди. Чернов раҳбарлигидаги министрлар кабинети состави тахминан белгилаб чиқилди, большевиклар унда анча кам ўрин олдилар, Ленин ва Троцкий эса киргизилмадилар. Меньшевик ва эсерлар партиялари марказий комитетлари, шунингдек деҳқон депутатлари Советларининг ижроия комитети большевикларнинг «жиноий сиёсатига» қарши ўз оппозицион ишларини тўхтовсиз давом эттиришга, лекин «ўз биродарларининг қонини тўкиш, урушининг олдини олиш учун» большевикларнинг Халқ Кенгашига киришларига қаршилик кўрсатмасликка қарор бердилар.

Аммо Керенскийнинг қочиши ва Советларнинг ҳамма жойда ажойиб ғалаба қозониши аҳволни ўзгартириб юборди. Ойнинг 16(3) ида* сўл эсерлар МИК мажлисида большевиклар бошқа социалистик паритяларнинг иштироки билан коалицион ҳукумат тузсинлар, деб талаб қилдилар, акс ҳолда Ҳарбий-революцион комитетдан ва МИКдан чиқиб кетамиз, деб қўрқитдилар. Малкин шундай деди: «Баррикадаларнинг ҳар икки томонида ўртоқларимиз жон бераётган Москвадан кел-

---

* Ноябрь ойида.— *Ред.*

ган сўнгги[2] хабарлар, бизни ҳукумат тузиш масаласини яна бир карра кун тартибига қўйишга мажбур этади, бу масалани қўйиш бизнинг фақат ҳуқуқимизгина эмас, бурчимиз ҳамдир... Биз большевиклар билан бирга Смольний биносининг деворлари ичида ўтириш ва унинг минбаридан туриб гапириш ҳуқуқига эга бўлдик. Башарти сиз келишувга рози бўлмасангиз, ҳолда биз партия ичидаги қизғин курашдан ташқаридаги очиқ курашга ўтишга мажбур бўламиз... Биз демократия учун мақбул бўлган келишиш шартларини таклиф этишга мажбурмиз...»

Фракцияларда ультиматумни муҳокама қилишга имкон бериш учун эълон қилинган танаффусдан кейин, большевиклар залга қайтиб кирдилар ва Каменев қуйидаги резолюция лойиҳасини ўқиб эшиттирди:

«Марказий Ижроия Комитет ҳукумат составига 24—25 октябрь революциясининг ютуқларини, яъни Советлар ҳокимиятини, ер ва сулҳ тўғрисидаги декретларни, ишчилар контроллиги ва ишчиларни қуроллантириш тўғрисидаги декретларни танувчи Ишчи, Солдат ва Деҳқон депутатлари Советларидаги социалистик партияларнинг вакиллари киришини матлуб деб ҳисоблайди. Шу сабабдан Марказий Ижроия Комитет ҳукумат масаласи тўғрисида барча совет партиялари билан музокара олиб боришга қарор қилади ва қуйидаги келишув шартларини қўяди:

Ҳукумат Марказий Ижроия Комитети олдида жавобгардир. Марказий Ижроия Комитет состави 150 кишигача кенгайтирилади. Ишчи ва Солдат Депутатлари Советининг бу 150 делегатларидан ташқари, бу составга яна губерния деҳқонлар Советидан 75 делегат, ҳарбий қисмлар ва флотдан —80, касаба союзларидан —40 (Бутун Россия касаба уюшмаларидан, ташкилотларининг сонига қараб—25, Викжелдан—10 ва почта-телеграф хизматчиларидан —5), социалистик Петроград шаҳар думасидан 50 делегат қўшилади. Ҳукумат составида ўриннинг ярмидан кўпроғи большевикларга берилиши лозим. Меҳнат, ташқи ишлар ва ички ишлар министрликлари, ҳар ҳолда, большевиклар партияси вакилларига берилиши лозим. Москва ва Петроград округ қўшинлари Москва, Петроград Ишчи ва Солдат депутатлари Совети вакиллари ихтиёрида бўлиши лозим. Ҳукумат Бутун Россия ишчиларини мунтазам равишда қуроллантиришни ўз вазифаси деб билади. Ленин ва Троцкий ўртоқларнинг номзодлари устида қаттиқ туришга қарор қилинади».

Каменев яна илова қилди:

«Конференция бизга тақдим этаётган ва «Халқ Кенгаши» деб ном олган кенгашга 420 тача аъзо, шу жумладан 150 большевик киради. Бундан ташқари, унга эски контрреволюцион МИК делегатлари, ҳаммаси корниловчи бўлган шаҳар бошқармасидан 100 делегат, Авксентьев томонидан тайинлан-

ган деҳқонлар Кенгашидан 100 делегат, энди Солдатлар оммаси вакили бўлишдан тўхтаган эски армия комитетларидан 80 делегат киради.

Биз бунга эски МИҚнинг ва шаҳар думаси вакилларининг киришига йўл қўймаймиз. Деҳқон Кенгаши делегатларини биз томонимиздан тайинланган деҳқонлар съезди сайлаши лозим. Бу съезд айни вақтда янги Ижроия Комитетини ҳам сайлайди. Ленин ва Троцкийни чиқариш тўғрисидаги таклиф бизнинг партиямизни бошсиз қолдириш деган таклифдир. Биз бундай таклифга кўнмаймиз. Ниҳоят, биз умуман «Халқ Кенгаши»га ҳеч қандай эҳтиёж йўқ, деб биламиз. Ишчи ва Солдат депутатлари Совети барча социалистик партиялар учун очиқдир. МИҚ эса бу партияларнинг омма ўртасидаги шуҳратининг ҳақиқий нисбатини аниқ ва тўла акс эттиради...»

Карелин сўл эсерлар номидан гапириб, биз большевиклар резолюциясига овоз берамиз, аммо баъзи тафсилотларни ўзгартириш ҳуқуқини, чунончи деҳқонларнинг ваколати тартибини ўзгартиришни сақлаб қоламиз ва ер ишлари министрлиги лавозимини бизга берилишини талаб қиламиз, деди. Бу талаб қабул қилинди...

Кейинроқ, Петроград Советининг йиғилишида янги ҳукумат тузиш масаласи юзасидан Троцкийга савол берилди.

«Бу хусусда мен ҳеч нарса билмайман,— деб жавоб қилди Троцкий.— Мен музокараларда қатнашганим йўқ... Лекин, ўйлашимча, бу музокараларнинг унчалик аҳамияти бўлмаса керак...»

Шу кеча конференцияда зўр ташвиш ҳукм сурди. Шаҳар думасининг делегатлари конференция составидан чиқиб кетдилар...

Аммо Смольнийнинг ўзида ҳам большевиклар партияси сафида Ленининг сиёсатига қарши оппозиция қаттиқ бош кўтарди. 17 (4) ноябрга ўтар кечаси МИҚнинг катта зали одам билан тирбанд, вазият жуда хунук эди.

Большевик Ларин, Таъсис мажлисига сайловлар муддати яқинлашмоқда, «сиёсий террор»га барҳам бериш пайти келди, деди.

«Матбуот эркинлигига қарши кўриладиган чораларни енгиллаштирмоқ зарур. Бу чоралар кураш давридагина керак эди, бироқ энди ҳеч қандай аҳамияти қолмади. Матбуот эркин бўлиши керак, чунки у погромларга ва исёнларга даъват этмайди».

Ларин ўзи билан бир партиядаги ўртоқларининг қичқириқ ва ҳуштаклари остида қуйидаги резолюцияни тақдим этди:

«Халқ Комиссарлар Советининг матбуот ҳақидаги декрети бекор қилинади... сиёсий тазйиқ тадбирлари фақат трибуналнинг қарори билангина ҳал этилади. Бу трибунални МИҚ

(пропорционал вакиллик асосида)* сайлайди, у қамалганларнинг ва ёпиб қўйилган газеталарнинг ишларини ва шу сингариларни ҳам қайтадан кўриш ҳуқуқига эгадир».

Бу резолюцияни фақат сўл эсерларгина эмас, большевикларнинг бир қисми ҳам гулдурос қарсаклар билан қарши олдилар.

Лениннинг тарафдорлари номидан Аванесов, сиёсий партиялар бир-бирлари билан келишмагунларига қадар матбуот тўғрисидаги масалани кечиктириб туришни ошиғич равишда таклиф этди. Бу таклиф кўпчилик овоз билан рад этилди.

«Ҳозирги пайтда тугалланмоқда бўлган революция,— деди Аванесов,— хусусий мулкчиликка қарши қўл кўтаришдан қўрқмади, биз матбуот масаласига ҳам хусусий мулкчилик масаласи тарзида қарашимиз лозим...»

Сўнгра большевиклар томонидан расмий равишда тақдим этилган қуйидаги резолюцияни ўқиб эшиттирди:

«1. Буржуа газеталарининг ёпилиши қўзғолон ва контрреволюцион ҳаракатларни бостириш давридаги соф ҳарбий эҳтиёжлар натижасигина бўлмай, балки матбуот соҳасида янги тартибни, босмахоналар ва қоғозларнинг хўжайинлари бўлган капиталистлар афкор омма устидан мустабид фабрикантлар бўла олмайдиган тартибни ўрнатиш учун ўтиш даврида амалга оширилган бир зарурий чорагина эди.

Бундан сўнгги чоралар хусусий босмахоналарни ва запас қоғозларни мусодара қилишдан ва уларни марказда ҳам, маҳалларда ҳам Совет ҳокимияти қўлига топширишдан иборат бўлиши лозим, токи партиялар ва группалар ўзларининг ҳақиқий маънавий кучлари, яъни ўз тарафдорларининг миқдорига мувофиқ равишда босма матбуотнинг техника воситаларидан фойдалана олиш имкониятига эга бўлсинлар.

«Матбуот эркинлиги» деб аталмиш нарсани тиклаш, яъни босмахоналарни ва қоғозларни халқ онгини заҳарловчи капиталистларга анойилик билан қайтариб бериш — капитал иродаси олдида тиз чўкишдан, ишчи ва деҳқон революциясининг энг муҳим бир позициясини таслим қилишдан, яъни шубҳасиз контрреволюцион характерда бўлган бир тадбирдан иборат бўлур эди.

Шу сабабдан Марказий Комитет МИКнинг большевиклар фракциясига матбуот соҳасида эски тартибни тиклашга доир ҳар қандай таклифларни қатъиян рад этишни ҳамда майда буржуа хурофотлари ёки тўғридан-тўғри контрреволюцион буржуазия манфаатларига хизмат қилишга қаратилган даъволар ва пашшахўрдаликларга қарши бу масалада Халқ Комиссарлари Советини сўзсиз ҳимоя қилишни таклиф этади».

Бу резолюция ўқилган маҳалда сўл эсерлар истеҳзоли қочириқлар билан, оппозицион большевиклар эса норози қичқи-

* Қавс ичидаги сўзлар МИК протоколларида йўқ.— *Ред.*

риқлар билан уни бўлиб турдилар. Карелин сапчиб ўрнидан туриб, норозилик баён қилди: «Бундан уч ҳафта олдин боль шевиклар матбуот эркинлигининг энг қизғин ҳимоячилари эдилар... Бу резолюцияда келтирилган далиллар эски қора гуруҳчилар ва чор цензорларининг нуқтаи назарини ғалати бир равишда эсга солади: ахир улар ҳам «халқ оғини заҳар ловчилар» тўғрисида гапирар эдилар-ку».

Троцкий резолюцияни ҳимоя қилиб катта нутқ сўзлади. У матбуотнинг гражданлар уруши вақтидаги аҳволи билан, унинг ғалабадан сўнгги аҳволи ўртасидаги фарқни кўрсатди: «Гражданлар уруши вақтида зўрлик қилиш ҳуқуқи фақат эзилганларгагина хосдир...» («Энди эзилганлар ким? Қани бал!» деган қичқириқлар кўтарилди).

«Биз ҳали душман устидан тўла ғалаба қозонганимизча йўқ,— деб давом қилди Троцкий,— газеталар эса уларнинг қўлида бир қуролдир. Бундай шароитда газеталарни ёпиш — ўз-ўзимизни ҳимоя қилиш учун бутунлай қонуний бир тадбирдир...» Сўнгра Троцкий ғалабадан сўнг матбуотнинг аҳволи тўғрисидаги масалага ўтди.

«Матбуот эркинлиги масаласида социалистларнинг позицияси савдо-сотиқ эркинлиги тўғрисидаги позицияларига аниқмос бўлиши лозим... Эндиликда Россияда барпо этилаётган демократия ҳокимияти саноатда хусусий мулкчилик ҳукмронлигини йўқотгани сингари, матбуотда ҳам хусусий мулкчилик ҳукмронлигини батамом йўқотишни талаб қилади. Совет ҳокимияти ҳамма босмахоналарни мусодара қилиши лозим. («Правда»нинг босмахонасини мусодара қилинг! деган қичқириқлар). Буржуазиянинг матбуотга бўлган монополияси йўқотилиши лозим. Акс ҳолда биз ҳокимиятни қўлга олишимизнинг фойдаси йўқ эди! Гражданларнинг ҳар бир гуруҳи қоғоздан ва босмахона дастгоҳидан фойдалансин... Босмахоналар ва қоғозларга даставвал ишчи ва деҳқонлар эгалик қилишга ҳақлидирлар, озчиликни ташкил этувчи буржуа партиялари эса улардан кейингина эгалик қилишга ҳақлидирлар... Ҳокимиятнинг Советлар қўлига ўтиши яшаш шароитларининг бутун асосларини тубдан ўзгартириб юборади ва бу ўзгариш матбуотга ҳам таъсир қилмай қолмайди. Агар биз банкаларни национализация қилишдан тоймаган эканмиз, бу ҳолда молиячиларнинг газета чиқаришига қандай қилиб тоқат қилиб турамиз? Эски тузум ўлиб кетиши керак, бу нарсани ҳамма вақт яхши тушиниб-англаб олмоқ зарур... (Қарсаклар ва ғазабли қичқириқлар кўтарилади.)

Карелин, бу муҳим масалани МИҚ ҳал қила олмайди, уни ҳал қилишни махсус комиссияга топшириш лозим, деди. Сўнгра у матбуот эркинлигини ёқлаб қизғин нутқ сўзлади.

Сўнгра Ленин сўзга чиқди. У хотиржам, қизишмасдан гапирди, пешонасини буриштириб, дона-дона қилиб сўзлади; унинг ҳар бир ибораси худди болға зарбидек таъсирли эди.

«Граждандар уруши ҳали тугаганича йўқ, қаршимизда ҳа-ли душманлар туриpти, бинобарин, матбуотга нисбатан зўр-ик чораларни кўришни бекор қилиш мумкин эмас.

Биз, большевиклар, ҳокимиятни қўлга олишимиз билан ржуа матбуотини ёпамиз, деб ҳамма вақт гапириб юрардик. ржуа газеталарига тоқат қилиб туриш — социалист бў-ишдан воз кечиш демакдир. Революция қилгач, бир жойда риб қолиш ярамайди: ё олдинга юриш, ёки орқага қайтиш рак. Ҳозир кимки «матбуот эркинлиги» тўғрисида гапирар ан, у албатта орқага чекинмоқда ва бизнинг социализм ри тез суръатлар билан олға боришимизга тўсқинлик қил-моқда.

Биринчи революция чор самодержавиеси асоратини елка-ан олиб ташлаганидек, биз ҳам капитализм асоратини улоқ-риб ташладик. *Агар биринчи революция монархия газета-ларини ман этиш ҳуқуқига эга бўлган экан,* у ҳолда биз ҳам ржуа газеталарини ёпиб қўйиш ҳуқуқига эгамиз. Матбуот ркинлиги тўғрисидаги масалани синфий курашнинг бошқа масалаларидан ажратиб бўлмайди. Биз бу газеталарни ёпиш-а ваъда қилган эканмиз, уларни ёпишимиз керак. Халқнинг куда кўпчилиги бизга эргашган!

Энди қўзғолон тугагандан кейин бизнинг бошқа социалис-тик партиялар газеталарини заррача ҳам ёпиб қўйиш ниятимиз йўқ, чунки улар энди на қуролли қўзғолонга даъват қи-ладилар, ва на Совет ҳукуматига итоат қилмасликка чақира-дилар. Лекин биз уларнинг социалистик матбуот эркинлиги ниқоби остида, буржуазиянинг яширинча ҳимоясидан фойда-ланиб, қоғоз ва босмахона монополиясини забт этишларига йўл қўя олмаймиз... Матбуотнинг техника воситалари Совет ҳукумати мулки бўлиб қолиши лозим ва, биринчи навбатда, социалистик партиялар ўртасида, уларнинг тарафдорлари миқ-дорига қаттиқ риоя қилинган ҳолда, тақсимланиши лозим...»

Масала овозга қўйилди. Ларин билан сўл эсерлар резолю-цияси йигирма икки овозга қарши ўттиз бир овоз билан рад этилди. Ленининг фикри ўттиз тўрт овоз олди, йигирма тўрт киши қарши* чиқди. Большевиклардан Рязанов билан Ло-зовский озчилик овозга қўшилдилар: улар, матбуот эркинли-гини ҳар қандай чеклашларга овоз бера олмаймиз, дедилар.

Шундан кейин сўл эсерлар, юз бераётган ҳодисаларнинг масъулиятини ортиқ ўз гарданимизга ололмаймиз, деб Ҳар-бий-революцион комитетдан, шунингдек, бошқа барча масъул лавозимлардан воз кечиб, чиқиб кетдилар.

Халқ комиссарлари Советидан беш аъзо: Ногин, Риков, Милютин, Теодорович ва Шляпников чиқиб кетди. Шу билан улар қуйидагича баёнот билдирдилар:

---

* Аниқ эмас. Ларин билан сўл эсерлар резолюцияси йигирма овозга қарши йигирма беш овоз билан рад этилган эди.— *Ред.*

«Биз барча совет партияларидан иборат социалистик ҳукумат тузиш зарурлиги тарафдоримиз. Биз, ана шундай ҳукумат тузилган тақдирдагина, у ишчилар синфи ва революцион армиянинг октябрь-ноябрь кунларида олиб борган қаҳрамонона курашининг самараларини мустаҳкамлашга имкон бўлган бўлур эди, деб ҳисоблаймиз.

Биз, бундан ташқари, биргина йўл бор, деб ўйлаймиз. Ҳам бўлса, сиёсий террор воситалари билан соф большевистик ҳукуматни сақлаб қолиш йўлидир. Халқ Комиссарлар Совети ана шу йўлга тушди. Биз бу йўлга туша олмаймиз ва тушишни истамаймиз ҳам. Бизнинг фикримизча, бу йўл оммавий пролетар ташкилотларини сиёсий ҳаётга раҳбарлик қилишдан четлаштиришга, маъсулиятсиз бир тузум барпо этишга, революцияни ва мамлакатни тор-мор этишга олиб боради. Бу сиёсат учун масъулиятни ўз зиммамизга ололмаймиз ва шу сабабдан МИК олдида Халқ Комиссарлари деган номни ўз зиммамиздан соқит қиламиз».

Бу баёнотга ўз лавозимларидан воз кечган баъзи бир комиссарлар ҳам, чунончи: матбуот бошқармасидан Рязанов, Дербишев, давлат босмахонасидан Арбузов, Қизил Гвардиядан Юренев, меҳнат комиссариатидан Федоров, қонун лойиҳалари ишлаб чиқувчи бўлим секретари Ларин имзо чекди.

Айни вақтда Каменев, Риков, Милютин, Зиновьев ва Ногин большевистик партия Марказий Комитетидан чиқдилар ва бу ҳақда матбуотда қуйидаги баёнотни бердилар:

«...Бизлар бундай ҳукуматнинг (барча совет партиялари вакилларидан иборат) тузилиши келажакда қон тўкилишининг, очарчиликнинг, революциянинг калединчилар томонидан тор-мор этилишининг олдини олиш учун, Таъсис мажлисини белгиланган муддатда чақиришни таъминлаш учун ва II Бутун Россия Ишчи ва Солдат Депутатлари Совети съезди томонидан қабул қилинган сулҳ программасини ҳақиқатан амалга ошириш учун зарурдир.

Демократиянинг айрим қисмлари ўртасида қон тўкилишини тезлик билан тўхтатишга муштоқ бўлган пролетариат ва солдатларнинг жуда кўп қисмининг иродасига зид равишда Марказий Комитет томонидан ўтказилаётган бундай ҳалокатли сиёсат учун биз масъулиятни ўз устимизга ололмаймиз.

Ишчи ва солдатлар оммасига ўз фикрларимизни очиқ-ойдин айтиш ҳуқуқига эга бўлиш учун биз Марказий Комитет аъзоси деган номни ўз зиммамиздан соқит қиламиз...

Биз Марказий Комитетдан ғалаба қозонган пайтда, бизнинг партиямиз ҳукмронлик қилаётган пайтда чиқиб кетяпмиз. Шу сабабдан ҳам чиқиб кетяпмизки, Марказий Комитет раҳбарлик группасининг сиёсати ишчилар партиясининг бу ғалабанинг самараларидан маҳрум этишга, пролетариатни тормор келтиришга олиб боришига хотиржам қараб тура олмаймиз...»

Ишчилар ва солдат гарнизонлари ҳаяжонга тушиб, Смольныйга ва янги ҳукумат тузиш тўғрисида конференцияга ўз делегатларини юбордилар. Большевиклар орасида чиққан ихтилофлар конференцияда хурсандчилик туғдирган эди.

Аммо ленинчилар бунга қарши тездан ва қаттиқ зарба бердилар. Шляпников билан Теодорович партия интизомига бўйсуниб, ўз лавозимларига қайтдилар. Каменев МИК раиси лавозимидан олиб ташланиб, унинг ўрнига Свердловни сайладилар. Зиновьевни Петроград Советига раислик қилишдан олдаштирдилар. 20 (7) ноябрь эрталаб «Правда» газетаси бутун рус халқига қарата қилинган оташин мурожаатномани босиб чиқарди. Бу мурожаатнома Ленин томонидан ёзилган бўлиб, юз минглаб нусха кўпайтирилиб, бутун деворларга ёпиштирилди ҳамда бутун Россияга тарқатилди*.

«Иккинчи Бутун Россия Советлар съездида большевиклар кўпчиликни ташкил қилди. Шу сабабдан, бу партия томонидан тузилган ҳукуматгина Совет ҳукумати бўла олди. Ҳаммага маълумки, большевиклар партияси Марказий Комитети янги ҳукумат тузилишидан бир неча соат бурун ва бу ҳукумат аъзоларининг рўйхатини Бутун Россия Иккинчи Советлар съездига тақдим қилишдан олдин сўл эсерлар группасининг энг атоқли уч аъзосини — Камков, Спиро ва Карелин ўртоқларни ўз мажлисига чақириб, *уларга* янги ҳукуматда иштирок этишни *таклиф қилди*. Биз кўп таассуф билдирамизки, сўл эсер ўртоқлар бу таклифга кўнмадилар. Биз уларнинг рад жавобини революционер учун ва меҳнаткашлар тарафдори учун нолойиқ бир ҳол деб ҳисоблаймиз. Сўл эсерларни биз янги ҳукумат составига қўшишга ҳар доим тайёрмиз, аммо биз билдирамизки, Иккинчи Бутун Россия Советлар съездида кўпчиликни ташкил этган партия бўлганимиз учун, янги ҳукумат тузишга халқ олдида ҳақлимиз ва мажбурдирмиз....

Ўртоқлар! Партиямиз Марказий Комитети ва Халқ Комиссарлар Совети аъзоларидан бир нечаси: Каменев, Зиновьев, Ногин, Риков, Милютин ва яна бошқалар кеча, 4 ноябрда Партиямиз Марказий Комитетидан, сўнгги уч киши эса Халқ Комиссарлар Советидан чиқиб кетдилар... Чиқиб кетган бу ўртоқлар ўзларига ишониб топширилган лавозимларни ташлаб кетишигина бир ёқда турсин, балки партиямиз Марказий Комитетининг, лоақал Петроград ва Москва партия ташкилотларининг қарорлари чиққунча сабр қилиб турилсин, деган тўғри қарорини бузиб, дезертирлик қилдилар. Бу дезертирликни биз кескин суратда қоралаймиз. Биз қаттиқ ишонамизки, бизнинг партиямизга мансуб бўлган ёки унга хайрихоҳлик

* «Россия Социал-Демократ Ишчилар Партияси (большевиклар) Марказий Комитети номидан барча партия аъзоларига ва Россиядаги ҳамма меҳнаткаш синфларга» деган мурожаатнома назарда тутилади. Бу мурожаатнома 18—19 (5—6) ноябрда Ленин томонидан ёзилиб, 1917 йил 20(7) ноябрда «Правда» газетасида босилиб чиққан эди.— *Ред.*

қилувчи барча онгли ишчи, солдат ва деҳқонлар ҳам дезертирларнинг бу хатти-ҳаракатларини кескин равишда қоралайдилар...

Дезертирлардан иккисининг, Каменев билан Зиновьевнинг Петроград қўзғолони олдидан дезертирлик ва штрейкбрехерлик қилганликларини хотирлангиз, ўртоқлар, чунки улар Марказий Комитетнинг 1917 йил 10 октябрдаги қатъий йиғилишида қўзғолонга қарши овоз бериш бир ёқда турсин, балки Марказий Комитет қарор чиқарганидан *кейин* ҳам партия ташкилотлари олдида қўзғолонга қарши агитация билан чиқиш қилдилар... Лекин халқ оммасидаги зўр юксалиш, Питер ва Москвадаги, фронтлар, окоплар ва қишлоқлардаги миллионлаб ишчи, солдат ва деҳқонлар кўрсатган буюк қаҳрамонликлар, темир йўл поезди хас-чўпларни супуриб ташлаганидек, дезертирларни ҳам шу қадар енгиллик билан супуриб ташлади.

Барча гумонсировчилар, барча иккиланувчилар, барча шубҳаланувчилар, буржуазиядан юрак олдириб қўйганлар ёки буржуазиянинг бевосита ёки билвосита шерикларининг бақиришларидан чўчиган кимсалар уялсинлар. Петроградлик, Москвалик ва бошқа жойлардаги ишчи, солдатлар *оммаси* ўртасида иккиланиш асари йўқ. Орқаларида омма эмас, балки *амалда* корниловчилар, савинковчилар, юнкерлар ва бошқаларгина турган зиёлий группаларнинг ҳар қандай ультиматумларига биз бўйин эгмаймиз...»

Бутун мамлакат уларга қаттиқ норозилик билдирди. Шундай қилиб, оппозициячилар «ишчи ва солдатлар оммаси олдида ўз фикрларини рўй-рост айтишга муяссар» бўла олмадилар. Дезертирлардан халқ ҳам норози бўлди, бу норозилик қарорлар орқали МИКга ҳам ёғилди. Бир неча кунгача фронтлардан, Волга бўйларидан, Петроград заводларидан ғазабнок вакиллар ва бутун бошлиқ комитетлар келиб, Смольнийни тўлдириб турди. «Улар ҳукуматдан чиқишга қандай журъат этдилар? Ё улар буржуазияга сотқин бўлиб, революцияни маҳв этмоқчиларми? Улар қайтиб келишга ва Марказий Комитетнинг қарорларига бўйсунишга мажбурлар!»

Петроград гарнизонининг кайфиятигина номаълум эди. 24 (11) ноябрда солдатларнинг катта митинги бўлиб, унда барча партияларнинг вакиллари чиқиб сўзладилар. Митинг жуда кўпчилик билан Ленинниинг позициясини маъқуллади ва сўл эсерлар «Халқ ҳукумати составига» кирсин деган фикрни баён қилди.[6]

Меньшевиклар барча министрлар ва юнкерларнинг озод этилишини, барча газеталарга тўла эркинлик берилишини, Қизил Гвардиянинг қуролсизлантирилишини ва гарнизоннинг шаҳар думасига бўйсундирилишини талаб қилиб қатъий ультиматум бердилар. Смольний, барча социалист министрлар ва деярли ҳамма юнкерлар озод этилдилар, буржуа газетала-

ридан бошқа ҳамма газеталар бутунлай эркин, аммо қуролли кучлар тепасида эса Совет туради, деб жавоб қилди. 19 (6) ноябрда янги ҳукумат тузиш конференцияси тарқалиб кетди, оппозициячилар бирин-кетин Могилёв шаҳрига жўнаб қолдилар. У ерда бош штаб қаноти остида, то умрлари охиригача, кетма-кет ҳукумат тузавердилар...

Айни замонда большевиклар Викжелнинг нуфузига футур етказа бошладилар. Петроград Совети барча темир йўл ишчиларига қарата мурожаатнома чиқариб, унда Викжелни ўз ваколатидан воз кечишга мажбур этиш учун даъват этди. 15 (2) ноябрда МИҚ Бутун Россия темир йўлчилар съездини 1 декабрь (18 ноябрь)га чақиришни белгилади; шу муносабат билан у ўзининг деҳқонларга нисбатан тутган сиёсатини аниқ равишда такрорлади. Викжель темир йўлчиларнинг махсус съездини икки ҳафта кейин чақиришни ошиғич равишда белгилади. 16 (3) ноябрда Викжель аъзолари МИКдаги ўз ўринларини ишғол қилдилар. 2 декабрь (19 ноябрь)га ўтар кечаси МИҚ, Бутун Россия темир йўлчилар съезди очилиши олдидан Викжелга йўл ишлари комиссарлиги лавозимини расман таклиф этди. Бу таклиф қабул қилинди.

Ҳукумат масаласини ҳал этгандан кейин, большевиклар бутун диққат-эътиборларини мамлакатни идора қилиш вазифаларига қаратдилар. Даставвал шаҳарни, мамлакатни ва армияни тўйдириш керак эди. Матрослар ва қизил гвардиячилар отрядлари савдо омборларини, темир йўл вокзалларини, ҳатто каналларда турган юк кемаларини тинтиб хусусий спекулянтлар томонидан яширилган минг-минглаб пуд ғаллаларни топиб олдилар. Чекка вилоятларга вакиллар юборилди, улар ер комитетларининг ёрдами билан катта ғаллафурушларнинг омборларини мусодара қилдилар. Ҳалигача оқ гвардиячилар қўлида бўлган шаҳарларни олиш, тартиб ўрнатиш, хусусан *озиқ-овқат топиш* топшириқари билан Жанубга ва Сибирга яхши қуролланган беш минг кишилик матрослар отряди юборилди. Сибирнинг катта темир йўлида бутун икки ҳафта бўйи пассажир поездлари қатнави тўхталиб қолган эди. Шу вақтда Петроградцан темир ва газлама ортган ўн уч поезд Сибирь деҳқонлари билан мол алмашиш учун шарққа қараб йўл олди. Бу товарлар фабрика-завод комитетлари томонидан тўпланган эди. Ҳар бир поездда алоҳида комиссар борарди, у сибирь деҳқонларидан мумкин қадар кўпроқ ғалла ва картошка ундириб олишга бор кучини сарфлади..

Донец кўмир ҳавзаси ҳам Каледин қўлида эди, шу сабабдан ёқилғи масаласи ҳам чатоқ эди. Смольний театрларга, магазинларга ва ресторанларга электр қуввати бердирмай қўйди, трамвайларнинг сонини қисқартириб, хусусий савдогарлар қўлидаги запас ўтинларни мусодара қилди... Петроградцаги заводлар ёқилғи йўқлигидан ишдан тўхташ хавфи олдида қолганида Болтиқ флоти матрослари жанговар

кемалар ихтиёридаги запас тошкўмирдан ишчиларга икки юз минг пуд кўмир тортиқ қилдилар.

Ноябрь ойи охирида «вино ғоратгарлиги»[7] (вино омборларини талаш) бошланди. Бу иш Қишки сарой ер тўлаларини ғорат қилишдан бошланган эди. Кўчалар маст-аласт солдатларга тўлди... Бу ишларнинг ҳаммасида контрреволюционерларнинг қўли борлиги кўриниб турарди, улар бутун полкларга шаҳарнинг вино омборлари белгиланган планни тарқатган эдилар. Смольний комиссарлари насиҳат қиламан, ишонтираман, деб ҳолдан тойдилар, аммо бундай йўл билан тартибсизликларни тугатиб бўлмади. Натижада солдатлар билан қизил гвардиячилар ўртасида қизғин олиш-тутишлар бошланди... Ниҳоят Ҳарбий-революцион комитет бир неча рота матросларни пулемётлар билан юборишга мажбур бўлди. Матroслар ғоратчиларга қарши шиддатли ўт очиб, уларнинг кўпларини ўлдирдилар. Шундан сўнг махсус комиссиялар буйруққа биноан ҳамма вино омборларига жўнадилар, улар вино шишаларини болта билан уриб синдирдилар, ёки вино омборларини динамит билан портлатдилар...

Район Советларининг биноларида интизомли ва яхши маош оладиган қизил гвардиячилар кеча-кундуз навбатчилик қилар, улар эски милициянинг ўрнини босардилар. Чакана жиноятларга қарши курашмоқ учун шаҳарнинг бутун кварталларида сайланадиган кичик революцион трибуналлар вужудга келтирилди...

Спекулянтлар ҳалигача ўз ишларини зимдан бажариб юрган катта меҳмонхоналарни қизил гвардиячилар қуршаб олди. Спекулянтлар тюрьмаларга қамалдилар...[8]

Петроградннг ҳушёр ва эҳтиёткор пролетариати разведка ишларини кенг йўлга қўйиб, буржуа уйларида нималар бўлаётганини уларда ишловчи хизматчи аёллар орқали билиб турди. Шу йўл билан олинган ҳамма маълумотлар темир қўллик билан муттасил зарба бериб келган Ҳарбий-революцион комитетга етказиб турилди. Думанинг собиқ аъзоси Пуришкевич ва бир группа дворян, офицерлар раҳбарлигидаги монархистлар фитнаси шу йўл билан фош этилди. Улар офицерлар исёни чиқаришни мўлжаллаб, Калединни Петроградга чақириб мактуб ёзган эдилар[9]. Петроград кадетларининг яширинча Калединга пул ва одам билан ёрдам қилиб келгани ҳам худди мана шу хилда фош этилди...

Қочиб кетганидан кейин, халқнинг унга билдирган норозилигидан қути ўчган Ператов қайтиб келиб, махфий шартномаларни Троцкийга топширди. Троцкий уларни дарҳол «Правда»да бостириб чиқартирди, бу нарса бутун дунёни ларзага солди...

Матбуот эркини чеклаш масаласи декрет[10] орқали кучайтирилди, бу декрет эълонларни босиб чиқариш монополиясини ҳукумат расмий газеталарига топширди. Бошқа газеталар-

ининг ҳаммаси норозилик билдириб, чиқмай қўйдилар ёки декретга бўйсунмадилар ва ёпилиб қолдилар... Улар уч ҳафтадан кейингина таслим бўлдилар.

Министрликлар ҳамон забастовка қилар, эски амалдорлар ҳамон саботажчилик қилиб, иқтисодий ҳаётни йўлга солишга имкон бермас эдилар. Уюшмаган кенг омманинг иродаси Смольний тарафида эди. Халқ Комиссарлари Совети ҳам шу иродага суяниб, омманинг революцион ҳаракатини ўз душманларига қарши йўналтирарди[11]. Очиқ ва содда тилда ёзилган ҳамда бутун Россияга тарқатилган мурожаатномаларда[12] Ленин революциянинг мақсадларини тушунтириб, халқни ҳокимиятни ўз қўлига олишга чақирар, мулкдор синфларнинг қаршилигини куч билан синдиришга, давлат муассасаларини куч билан эгаллашга даъват қиларди. Революцион тартиб ўрнатилсин! Революцион интизом сақлансин! Қатъий ҳисоб-китоб ва контроль ўрнатилсин! Иш ташлашга йўл қўйилмасин! Ҳеч қандай лавашанглик қилинмасин!

20 (7) ноябрда Ҳарбий-революцион комитет қуйидагича огоҳлантириш хитобномаси чиқарди:

«Бойлар синфи янги, Совет ҳукуматига, ишчи, солдат ва деҳқонлар ҳукуматига қаршилик кўрсатмоқда. Уларнинг тарафдорлари давлат ва шаҳар хизматчиларини ишдан тўхтатмоқдалар, банкаларда хизмат қилмасликка даъват қилмоқдалар, темир йўл ва почта-телеграф алоқаларини узиб қўйишга уринмоқдалар ва ҳоказо.

Биз бу олов билан ўйнашувчиларни огоҳлантирамиз. Мамлакатга ва армияга очлик хавф солмоқда. Очарчиликка қарши курашмоқ учун озиқ-овқат муассасаларида, темир йўлларда, почта ва банкаларда барча ишларни пухта бажариш,— шубҳасиз зарурдир. Мамлакатни керакли нарсалар билан таъминламоқ учун ишчи ва деҳқонлар ҳукумати барча зарур чораларни кўрмоқда.

Бу тадбирларга қаршилик қилиш — халққа қарши жиноятдир. Биз бойлар синфини ва уларнинг тарафдорларини огоҳлантирамизки, башарти улар саботажчиликларини бас қилмасалар ва озиқ-овқат келтиришнинг йўлини тўссалар, *ўзлари туғдирган оғирликнинг азобини даставвал ўзлари тортадилар. Бойлар синфи ва уларнинг ювиндихўрлари озиқ-овқат олиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар. Уларнинг бутун запас озиқ-овқатлари тортиб олинади, бош айбдорларнинг мол-мулки мусодара қилинади.*

Биз олов билан ўйнашувчиларни огоҳлантириб, ўз бурчимизни бажардик.

Биз ишонамизки, агар бу кескин тадбирлар зарурий бўлса, бизни ишчи,[13] солдат ва деҳқонлар батамом қўллаб-қувватлайдилар»

22 (9) ноябрда шаҳарнинг бутун деворларига *«Ошиғич ахборот»* ёпиштириб ташланган эди:

«Халқ Комиссарлари Совети Шимолий фронт штабидан навбатдан ташқари ошиғич ҳарбий телеграмма олди. Бу телеграммада қуйидагилар хабар қилинди: «Ортиқ сустлик кўрсатиш ярамайди, очликдан ўлишга йўл қўймангиз. Шимолий армия фронтида бир неча кундан бери бир тишлам ҳам нон йўқ, икки-уч кундан кейин эса, дахлсиз запаслардан бериб келинаётган сухари ҳам тамом бўлади. Бу запаслар тугаш олдида турипти. Армиядан келаётган делегатлар қўшин қисмларини мунтазам равишда мамлакат ичкарисига кўчириш зарурлиги тўғрисида гапирмоқдалар, акс ҳолда уч йиллик кураш даврида окопларда азоб тортган, касал, усти юпун, яланг оёқ, одам боласи тоқат қила олмайдиган маҳрумликлардан эсини йўқотган, очликдан ўлаётганлар шу яқинда ёппасига қоча бошлайдилар, дейдилар...

Ҳарбий-революцион комитет шу тўғрида Петроград гарнизони ва Петроград ишчиларини хабардор қилиб қўяди. Фронтдаги аҳвол ошиғич ва кескин чоралар кўришни талаб этади. Ваҳоланки, ҳукумат муассасалари, банклар, хазина, йўллар, почта-телеграф хизматидаги олий табақа амалдорлар ҳукуматнинг фронтни озиқ-овқат билан таъминлашга қаратилган ишларига саботажчилик кўрсатмоқдалар ва рахна солмоқдалар... Кўрсатилган сусткашлик ҳар соат минглаб солдатларнинг ҳаётига зомин бўлади.

Контрреволюцион амалдорлар фронтларда оч қолиб ўлаётган қардошларимизга нисбатан энг ҳаёсиз жиноятчилардир.

Ҳарбий-революцион комитет бу жиноятчиларни сўнгги марта огоҳлантириб ўтади. Башарти улар андак қаршилик ёки тескари ҳаракат кўрсатсалар, улар ўз жиноятларига яраша жазога мустаҳиқ бўладилар».

Ишчи ва солдатлар оммаси бунга қаттиқ норозилик билан жавоб бердилар, уларнинг норозилик садоси бутун Россияга ёйилди. Пойтахтда давлат ва банка хизматчилари юзлаб хитобномалар ва мурожаатномалар[14] чиқариб, норозилик билдирдилар ва ўзларини оқламоқчи бўлдилар. Мана, шундай хитобномалардан бири:

«Барча гражданлар диққатига

Давлат банкаси ёпиқ.
Нима учун?

Чунки большевикларнинг Давлат банкаларига нисбатан қилган зўрликлари ишни давом эттиришга имкон бермади. Халқ Комиссарларининг биринчи қадами 10 миллион сўм талаб этишдан бошланди, 14 ноябрда эса улар, нимага харажат қилинишини кўрсатмасдан, 25 миллион сўм сўрадилар...

Биз — Давлат банкасининг амалдорлари халқ мулкини талашга шерик бўла олмаймиз. Шу сабабдан ишни тўхтатдик.

Гражданлар, Давлат банкасидаги пуллар сизнинг меҳнатингиз, пешона терингиз ва тўккан қонингиз орқасида топилган халқ пулидир.

Гражданлар, халқ мулкини ўғирлашдан, бизни эса зулмдан сақланглз. Шунда биз дарҳол ишга тушамиз.

Давлат банкаси хизматчилари».

Озиқ-овқат министрлиги, молия министрлиги, махсус таъминот комитети — ҳаммалари, Ҳарбий-революцион комитет хизматчиларнинг ишлашига имкон бермаяпти деб арз қилдилар ва Смольнийга қарши халқдан мадад сўраб, ялиниб-ёлвордилар... Аммо оддий ишчилар ва солдатлар уларнинг гапларига ишонмадилар; халқ, амалдорлар саботаж қиляптилар, халқ ва армиянинг очликдан тинкасини қуритяптилар, деб қаттиқ ишонган эди... Кўчаларда совуқда илгаригича узундан-узоқ очередларда нон кутиб турганлар Керенский вақтидагидек *ҳукуматни* эмас, балки саботажчи *амалдорларни* сўкар эдилар, чунки бу одамларнинг ҳаммаси ҳукумат *ўзларининг* ҳукумати, ўз Советларининг ҳукумати, министрликлардаги хизматчилар эса бу ҳукуматга қарши эканини яхши билардилар... Бу ихтилофчиларнинг бошида дума ва Халқ Комиссарлар Советининг *ҳар бир декретига қарши норозилик* баён қилувчи, Совет ҳукуматини танимаслик тўғрисида янгидан-янги резолюциялар чиқарувчи, Могилёвда тузилган янги контрреволюцион «ҳукуматлар» билан очиқдан-очиқ ҳамкорлик қилувчи дума жанговар органи — ҳимоя қилиш комитети турадн. Чунончи, 17 (4) ноябрда ҳимоя қилиш комитети «Барча шаҳар бошқармалари ва земстволарга, деҳқонлар, ишчилар, солдатларнинг барча демократик ҳамда революцион ташқилотларига, шунингдек бошқа гражданларга» қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилди:

«...1) Большевик ҳукуматини таниманглз ва унга қарши курашингиз; 2) Ватанни ва революцияни ҳимоя қилиш маҳаллий комитетларини тузингиз, токи бу комитетлар Бутун Россия ҳимоя қилиш комитетига унинг вазифаларини амалга оширишда ёрдам бериш учун барча демократик кучларни бирлаштирсин...».

Ҳолбуки Таъсис мажлисига сайловларда Петроградда[15] большевиклар кўпчилик овоз олдилар. Шундан сўнг ҳатто интернационалист-меньшевиклар ҳам, дума қайтадан сайланиши лозим, чунки у Петроград аҳолисининг сиёсий кайфиятини акс эттирмай қўйди деб гапира бошладилар... Шу билан бир вақтда ишчи ташкилотлари, ҳарбий қисмлар, ҳаттоки атрофдаги қишлоқ деҳқонларидан оқиб келган резолюциялар тўлқини думани босиб кетди, уларнинг ҳаммаси думани «контрреволюциячилик ва корниловчиликда» айблаб, дума ўз ваколатидан воз кечсин, деб талаб қилдилар. Думанинг сўнгги кунлари хусусан ташвишли эди, чунки шаҳар муасса-

саларидаги ишчилар лоақал кун кўришга етадиган миқдорда иш ҳақи тўланишини талаб қилдилар, акс ҳолда иш ташлаш билан қўрқитдилар...

23 (10) ноябрда Ҳарбий-революцион комитет расмий буйруқ чиқариб ҳимоя қилиш комитети тарқалди, деб эълон қилди. 29 (16) ноябрда Халқ Комиссарлар Совети Петроград шаҳар думасини тарқатиш ва қайта сайлаш тўғрисида қарор чиқарди:

«20 августда сайланган... марказий шаҳар думасининг Петроград халқи устидан бўлган ваколат ҳуқуқини очиқдан-очиқ ва батамом йўқотганлигини, аҳолининг кайфияти ва истак-орзуларига батамом зид бўлиб қолганлигини назарда тутиб... ҳар қандай сиёсий ишончни йўқотган думанинг мавжуд кўпчилик состави, ишчилар, солдатлар ва деҳқонларнинг иродасига қарши контрреволюцион ҳаракатлар учун, саботажчилик учун ва планли жамоат ишларини бузиш учун ўзининг расмий ҳуқуқларидан фойдаланиб келаётганини назарда тутиб, Халқ Комиссарлар Совети пойтахт аҳолисини шаҳар бошқармасининг сиёсати юзасидан ўз қарорини чиқаришга даъват этади.

Шу мақсадда Халқ Комиссарлар Совети қарор қилади:

1. Петроград шаҳар думаси 1917 йил 17 ноябрдан эътиборан тарқатилсин.

2. Думанинг ҳозирги состави томонидан сайланган барча мансабдор шахслар янги дума состави томонидан сайланувчи лавозим эгалари вазифаларини бажаришга тушгунга қадар ўз жойларида қолиб, вазифаларини бажариб турсинлар.

3. Петроград шаҳар бошқармасининг ҳамма хизматчилари ўз вазифаларини бажаришда давом этсинлар. Хизмат вазифасидан бебошлик қилиб кетганлар дарҳол ишдан бўшатилган деб ҳисоблансин.

4. Петроград думасига янги сайловлар 1917 йил 26 ноябрда ўтказилсин. Бунда, шу билан бирга, нашр этилган 1917 йил 26 ноябрь Петроград шаҳар думасига аъзолар сайлаш тўғрисидаги низом асос қилиб олинсин.

5. Петроград шаҳар думасининг янги состави 1917 йил 28 ноябрда кечқурун соат 2 да тўпласин.

6. Мазкур декретга бўйсунмасликда айбланувчилар, шунингдек, шаҳар мулкларини қасддан вайрон ёки барбод қилувчилар дарҳол қамоққа олиниб, Ҳарбий-революцион Судга топширилсин...»

Бундай декрет чиқарилишига қарамасдан, дума йиғилиб «бир томчи қони қолгунча ўз мавқеини ҳимоя қилиш» тўғрисида резолюциялар чиқара бошлади ва аҳолини «ўзи сайлаган шаҳар бошқармасини» ҳимоя қилишга жон-жаҳди билан чақирди. Аммо аҳоли бунга бефарқ қаради ёки душман кайфиятида қолаверди. 30 (17) ноябрда шаҳар бошлиғи Шрейдер ва думанинг бир неча аъзоси қамоққа олинди, сўроқ қилиб,

қўйиб юборилди. Ўша куни ва эртасига дума ҳамон йиғилиш қилишдан тўхтамади, лекин унинг йиғилишларини қизил гвардиячилар ва матрослар тарқатиб турдилар; улар юмшоқ ганириб, мажлис аҳлини тарқалишга таклиф этдилар. 2 декабрь (20 ноябрь) да дума аъзоларидан бири нутқ сўзлаб турган маҳалда, Николай залига бир неча матрослар билан бир офицер кириб келди-да тарқалиш тўғрисида мажлис аҳлига буйруқ берди, акс ҳолда, куч ишлатаман, деб дўқ қилди. Дума ўзининг энг сўнгги норозилик резолюциясини чиқарди, лекин шровордида «зўрлик олдида тиз чўкди».

Ўн кундан кейин сайланган янги дума деярли бутунлай большевиклардан[16] иборат эди. «Муътадил» социалистлар сайловларда иштирок этишдан бош тортдилар.

Аммо хатарли ихтилофчиларнинг бир неча маркази ҳали мавжуд эди. Украина ва Финляндия «республикалари» ана шундай марказлардан бўлиб, ўзларининг Советларга қарши ёканликларини рўй-рост айтардилар. Гельсингфорс ва Киев ҳукуматлари ўз атрофларига ишончли ҳарбий қисмларни тўплаб, большевизмни битириш, рус қўшинларини қуролсизлантириш ва суриб чиқариш тадбирларини кўра бошладилар. Украина радаси бутун Жанубий Россияда ҳокимиятни қўлга олиб, Калединга одамлар ва яроқ-аслаҳа етказиб бериб турди. Финляндия ва Украина немислар билан яширин музокаралар олиб бордилар, бундан ташқари, уларни иттифоқчи ҳукуматлар дарҳол танидилар. Иттифоқчилар уларга катта пул қарз берди, уларнинг мулкдор синфларига Совет Россиясига қарши ҳужум қилиш учун контрреволюцион марказ тузиш ишларида ёрдам кўрсатдилар. Ниҳоят, бу икки мамлакатда большевизм батамом ғалаба қозонганидан кейин, тор-мор келтирилган буржуазия немислардан мадад сўради, немислар уларнинг ҳокимиятини яна тиклаб берди...

Аммо Совет ҳукуматига унинг икки бошли ички душмани томонидан катта хавф бор эди. Бу душман колединчилик ҳаракати ва Могилёвдаги бош штаб бўлиб, бунга генерал Духонин қўмондонлик қиларди.

Қазакларга қарши урушаётган қўшинга ҳамма нарсага бош суқувчи Муравьев қўмондон қилиб тайинланди. Фабрика ва завод ишчилари орасида қизил армияга аскар олиш бошланди. Донга юзлаб пропагандистлар жўнатилди. Халқ Комиссарлари Совети казакларга[17] қарата мурожаатнома чиқариб, унда Совет ҳукуматининг нималиги тушунтирилди ва мулкдор синфлар — амалдорлар, помешчиклар, банкирлар ва уларнинг иттифоқчилари, казак аслзода ва генералларининг революцияни бўғишга уринаётганликлари, бу билан ўз бойликларининг халқ қўлига ўтишига йўл қўймаслик учун интилаётганликлари тушунтирилди.

27 (14) ноябрда Смольнийга, Ленин ва Троцкий ҳузурига казак делегацияси келди. Делегатлар, Совет ҳукумати

казакларнинг ерларини Великороссиядаги деҳқонларга тақсимлаб бермоқчи эмиш деган гаплар ростми, деб сўрадилар. «Йўқ»,— деб жавоб қилди Троцкий. Қазаклар ўзаро шивирлашиб қолдилар. «Совет ҳукумати,— деб сўради улар,— бизнинг помешчикларимизнинг мулкларини тортиб олиб, меҳнаткаш казакларга бўлиб бермоқчи бўлгани ростми?» Бунга Ленин жавоб қилди. «Бу,—деди Ленин,—*сизнинг* ўз ишингиз. Биз меҳнаткаш казакларнинг ҳар бир ишларида ҳимоя қиламиз... Энг яхшиси, ишни казак Советлари тузишдан бошламоқ керак. Шунда МИКда сизларнинг ваколатингиз бўлади, ўшанда МИҚ *сизнинг* ҳам ҳукуматингиз бўлади».

Қазаклар чуқур ўйга толиб қайтдилар. Улар кетгандан икки ҳафта ўтгач, генерал Каледин олдига унинг қўшинларидан вакиллар келди.

«Помешчикларнинг мулкларини меҳнаткаш казакларга бўлиб беришга ваъда қиласизми?» — деб сўради улар. «Мен ўлгандан кейин» деб жавоб қилди Каледин. Орадан бир ой ўтгач, қўшини ўз кўзи олдида тарқалиб бораётганини кўрган Каледин ўзини-ўзи отиб ўлдирди. Шу билан казаклар ҳаракати ҳам тугади...

Шу оннинг ўзида Могилёв шаҳрида эски МИҚ аъзолари —«муътадил» социалистларнинг йўлбошчилари Авксентьевдан тортиб Черновгача, эски армия комитетларининг актив раҳбарлари, реакцион офицерлар тўпландилар. Штаб Халқ Комиссарлар Советини танишдан қаттиқ бош тортди ва ўз атрофига ажал батальонларини, георгий крести кавалерларини ва фронтчи казакларни тўплаб, иттифоқчиларнинг ҳарбий атташелари, калединчилик ҳаракати ва Украина радаси билан махфий равишда яқиндан алоқа боғлади...

Иттифоқчи ҳукуматлар 8 ноябрь (26 октябрь)даги сулҳ декретига ҳеч қандай жавоб бермадилар, бу декретда Советлар съезди умумий сулҳ тузишни таклиф қилган эди.

20 (7) ноябрда Троцкий иттифоқчи ҳукуматлар элчиларига қуйидаги нота билан мурожаат қилди:[18]

«Элчи жаноблари, шу билан сизнинг ахборингиз учун маълум қиламанки, Ишчи ва солдат депутатлари Бутун Россия Советлари съезди 26 октябрда Халқ Комиссарлари Совети шаклида Россия республикасининг янги ҳукуматини тузди. Бу ҳукуматга раис қилиб, Владимир Ильич Ленин сайланди. Ташқи ишлар халқ комиссари сифатида ташқи сиёсатга раҳбарлик қилиш вазифаси менга юкланди.

Сизнинг диққатингизни Бутун Россия ишчи ва солдат депутатлари Советининг съезди томонидан маъқулланган, халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаши асосида, аннексиясиз ва контрибуциясиз яраш ва демократик сулҳ тузиш текстига жалб этиб, мазкур ҳужжатга барча фронтларда дарҳол яраш қилиш ва тезлик билан сулҳ музокаралари бошлаш

учун расмий бир таклиф деб қарамоғингизни илтимос қилиш шарафига муяссардурман. Россия республикасининг тўла нуфузли ҳукумати шундай таклиф билан айни вақтда урушаётган барча мамлакат халқларига ва уларнинг ҳукуматларига ҳам мурожаат қилади.

Элчи жаноблари, Совет Ҳукуматининг Франция Халқига бўлган чуқур ҳурматини қабул қилгайсиз. Унинг дунёда мисли кўрилмаган бу уруш туфайли тинкаси қуриган ва ҳолдан тойган бошқа халқлар сингари сулҳ тузишга интилмаслиги ҳеч бир мумкин эмас...»

Халқ Комиссарлари Совети ўша кечасиёқ генерал Духонинга қуйидаги мазмунда телеграмма юборди:

«Халқ Комиссарлари Совети урушаётган барча мамлакатларга — иттифоқчи мамлакатларга ҳам, бизга душман бўлган мамлакатларга ҳам ошиғич равишда расман сулҳ таклифи қилишни зарур деб ҳисоблайди. Иттифоқчи мамлакатларнинг Петрограддаги барча мухтор вакилларига ташқи ишлар халқ комиссарлиги томонидан тегишли декларациялар юборилди. Халқ Комиссарлари Совети, сиз гражданин олий бош қўмондонга... сулҳ музокаралари бошлаш мақсадида ҳарбий ҳаракатларни тезликда тўхтатиш тўғрисида душман армияларининг ҳарбий вакилларига таклифлар билан мурожаат этишни топширади.

Дастлабки музокаралар олиб бориш вазифасини сизга юклаш билан баробар, Халқ Комиссарлари Совети сизга буюради: 1) Душман армияларининг вакиллари билан қилган музокараларингиз натижасини тўғри алоқа воситаси орқали Советга муттасил доклад қилиб турингиз; 2) Халқ Комиссарлари Совети билан келишиб олгандан кейингина сулҳ ҳақидаги ҳужжатларга имзо чекингиз...»

Иттифоқчи ҳукуматларнинг элчилари Троцкийнинг нотасини нафрат аралаш сукут билан қаршиладилар ва газеталарда илтифотсиз заҳархандалар ила тўлган имзосиз мусоҳабалар босиб чиқардилар. Духонинга берилган буйруқни очиқдан-очиқ ҳиёнаткорлик ҳужжати деб таърифладилар...

Духониндан ҳеч бир хабар асари йўқ эди. 22 (9) ноябрга ўтар кечаси тўғри алоқа воситаси билан чақириб, ундан буйруққа итоат этасизми, йўқми, деб сўрадилар. Духонин, бу буйруқ «армия ва мамлакат қўллаб-қувватлаган ҳукумат» томонидан берилган тақдирдагина бўйсунаман, деб жавоб қилди.

Телеграф орқали у дарҳол бош қўмондонлик вазифасидан олиб ташланди ва унинг ўрнига Криленко тайинланди. Ленин ўзининг оммага мурожаат этиш тактикасини давом эттириб, барча полк, дивизия ва корпус комитетларига, армия ва флотдаги барча солдат ва матросларга радиограмма юбортириб, унда Духониннинг бўйин товлаганини хабар қилди ва «фронтдаги полклар душман билан расман музокаралар

бошлаш учун ошиғич равишда вакиллар сайласинлар...»,—деб буюрди.

23 (10) ноябрда иттифоқчи давлатларнинг ҳарбий атташелари ўз ҳукуматларининг йўл-йўриқларига амал қилиб, Духонин номига нота жўнатдилар. Бу нотада «Антанта давлатлари ўртасида тузилган шартномаларни бузмаслик кераклиги тўғрисида» уни расман огоҳлантирдилар. Сўнгра нотада, Германия билан тузилган сепаратив сулҳ шартномаси Россия учун «энг хунук оқибатларга сабаб бўлади»— дейилган эди. Духонин бу нотани шошилинч равишда барча солдат комитетларига тарқатди...

Эртасига эрталаб Троцкий қўшинларга янги хитобнома билан мурожаат қилди. Унда иттифоқчи ҳукумат вакилларининг ноталарини Россиянинг ички ишларига очиқдан-очиқ аралашиш ва «рус армиясини ҳамда рус халқини қўрқитиш йўли билан подшо томонидан тузилган шартномаларни бажариш учун урушни яна давом эттиришга мажбур этишга...» безбетларча уринишдан иборат деб таърифлади.

Смольнийдан бирин-кетин тўхтовсиз хитобномалар чиқиб турди, уларда Духонин ва унинг атрофига уюшган контрреволюцион офицерлар ҳамда Могилёв шаҳрида йиғилган реакцион сиёсатдонлар фош қилинди, минглаб чақиримга чўзилган фронтлардаги миллион-миллион ғазабнок ва шубҳадаги солдатлар ҳаракатга келтирилди. Айни вақтда Криленко ўзига чексиз содиқ матрослардан уч отрядни бошлаб, бош штабга йўл олди ва шафқатсиз қасос олиш билан қўрқитди.[20] Ҳамма жойда солдатлар уни тантанали гулдурос қарсаклар билан қарши олдилар. Марказий армия комитети декларация чиқариб, Духонининг тарафини олди ва шу ондаёқ ўн минг кишилик қўшин Могилёв шаҳрига қараб йўл олди...

2 декабрь 19 (ноябрь)да Могилёв гарнизони қўзғолон қилиб шаҳарни босиб олди, Духонинни ва армия комитетини қамади. Ғалаба қизил байроқлари билан янги бош қўмондонга пешвоз чиқди. Эртасига эрталаб Криленко Могилёвга келди ва Духонин қамаб қўйилган вагон атрофида ғалаёнга келган оммани кўрди. Криленко нутқ сўзлаб, солдатлардан Духонинга дахл қилманглар, уни Петроградга олиб кетиш керак, у Петроградда революцион трибунал олдида жавоб бериши лозим, деб ёлворди. Криленко гапини тамом қилгач, Духонин ҳам халойиққа мурожаат қилмоқчи бўлгандек қўққисдан вагон деразаси олдида пайдо бўлди. Халқ ҳайқириқлар билан вагонга чиқиб, кекса генерални платформага судраб тушди ва ўша жойдаёқ дабдаласини чиқарди.

Бош штаб фитнаси шу йўсинда бостирилди...

Ўзига душман бўлган ҳарбий кучларнинг сўнгги қалъаси тор-мор келтирилиши натижасида куч-қувватга тўлган Совет ҳукумати ишонч билан янги ҳукумат тузишга киришди. Кўпгина эски амалдорлар унинг байроғи остига ўтдилар, бошқа

партияларнинг кўплаб аъзолари Совет хизматига кирдилар. Катта маош оламиз деб умид қилган кимсалар Совет хизматчиларига қўйилган маош миқдори ҳақидаги декретни ўқиб, тарвузлари қўлтиқларидан тушди. Бу декретда халқ комиссарининг маоши, яъни энг юқори ойлик 500 сўм (50 долларга) белгиланган эди. Союзлар кенгаши раҳбарлик қилаётган давлат хизматчиларининг забастовкаси барбод бўлди, мадад бериб турган молия ва тижорат аҳллари уларни қўлламай қўйдилар. Банка хизматчилари ҳам ишга қайтдилар...

Банкаларни национализация қилиш тўғрисидаги декрет, Олий халқ хўжалиги кенгаши тузиш, ер ҳақидаги декретни амалга ошириш, армияни демократик асосда қайтадан тузиш, давлат бошқармаси ва ҳаётидаги барча соҳаларда қилинган кескин ўзгаришлар — ҳаммаси ишчи, солдат ва деҳқонлар оммасининг иродаси билан амалга оширилди, пролетар Россиясини, кўп хатолар ва тўсиқларга қарамай, секин-аста чиниқтира борди.

Большевиклар, ҳукмрон синфлар ёки бошқа сиёсий арбоблар билан муроса қилиб ўтирмасдан, эски ҳукумат аппарати билан келишиб турмасдан ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар. Аммо улар буни бир тўда уюшган гуруҳнинг зўрлиги билан қилмадилар. Агар Россиядаги кенг аҳолий оммаси қўзғолонга тайёр бўлмаганида эди, бу қўзғолон муваффақиятсизликка учраган бўлар эди.

Большевикларнинг катта муваффақият қозонишининг ягона сабаби шунда эдики, улар кенг халқ оммасининг буюк ва содда орзуларини амалга оширдилар, харобалари устида янги дунёнинг пойдеворини биргаликда қурмоқ учун уларни эски дунёни емиришга чорладилар...

XIIБОБ

ДЕҲҚОНЛАР СЪЕЗДИ

18 (5) ноябрда қор ёғди. Эрталаб уйқудан туриб, дераза-ларнинг карнизлари оппоқ бўлиб ётганини кўрдик. Қор шун-дай қалин эдики, ўн қадам наридаги нарсани кўриб бўлмасди. Лойгарчилик босилди. Тумтайган шаҳар энди бирдан кўзни қамаштирадиган даражада оппоқ бўлиб қолди. Извошлар ўр-нига ўнқир-чўнқир кўчалардан ғизиллаб кетаётган чаналар қатнай бошлади. Ғалати қилиб ўраниб олган извошчилар-нинг соқол-мўйловлари музлаб, шокила-шокила бўлиб осилиб қолди... Қишини тонг қолдирувчи суръатлар билан Россияни номаълум ва даҳшатли келажакка бошлаб борувчи револю-ция бўлганига қарамасдан, бутун шаҳар дастлабки қордан шод-хуррам эди. Ҳамманинг юзида табассум, одамлар кўча-ларга югуришиб чиқиб, ҳавода капалакдек учаётган юмшоқ қорни кула-кула ҳовучлаб олардилар. Қорайган нарсалар кўз-га чалинмас, гупиллатиб ёғаётган қор орасидан ранг-баранг найза ва гумбазларнинг олтин сиртлари товланарди. Қор уларнинг ўзига хос қадимий ҳуснига яна ҳусн қўшган эди.

Туш пайтига келиб, тафти йўқ бўлса-да, ҳар ҳолда қуёш ғира-шира кўриниб қўйди. Ойлаб ёмғир ёғишидан шаҳар-ни бесаранжом қилган тумов ва ревматизм касалликлари ҳам ғойиб бўлди. Ҳаёт ҳушчақчақлик билан ўта бошлади, револю-ция ҳам тезлашиб кетди...

Бир куни кечқурун мен Смольний дарвозаси рўпарасида-ги бир майхонада ўтирардим. Унинг номи «Хижина Дяди То-ма» эди. Унинг ғала-ғовур, пастаккина биносига қизил гвар-диячилар ҳам тез-тез кириб туришарди. Шу топда улар ҳам ифлос дастурхонлар солинган столлар атрофига уймалашиб олганлар, олдиларида катта чинни чойнакларда чой, бино ичини буруқсатиб тамаки чекишарди. Овқат ташувчилар ҳар томонга югуришиб: «Ҳозир! Ҳозир!»—деб бақиришарди.

Бир бурчакда капитан формасида бир одам ўтирар, нутқ сўзламоқчи бўларди, лекин ўтирганлар унинг гапини тез-тез бўлиб қўярди.

«Сизларнинг ҳам қотиллардан фарқингиз йўқ!— деб қичқирди у.— Кўчаларда ўз рус оға-иниларингизни отмоқдасиз!»

«Қачон биз шундай қилдик?»— деб сўради бир ишчи.

«Ўтган якшанба куни, юнкерлар...»

«Улар бизга қараб ўқ узмадиларми? (Ўтирганлардан бири боғлаб осиб олган қўлини сал кўтариб кўрсатди.) Улар менга ёдгорлик қолдирдилар, иблислар!»

Капитан жони-жаҳди билан бақириб:

«Бетарафлик сақлашларинг керак эди! Қонуний ҳукуматни ағдармоқчи бўлган сизлар кимсизлар? Сизнинг Лениннигиз ким? Герман...»— деди.

«Ўзинг кимсан?! Контрреволюционерсан! Провокаторсан!»— деб унга қараб ҳар ёқдан қичқирдилар.

Шовқин бир оз тингач, капитан ўрнидан турди.

«Майли,— деди у,— сизлар ўзингизни рус халқи деб атайсиз, аммо рус халқи — *сизлар эмас!* Рус халқи — деҳқонлар. Шошмай турингларчи, ҳали деҳқонлар...»

«Шошмай ҳам турамиз, деҳқонларнинг нима дейишини ҳам кўрамиз!— деб қичқирдилар тортишаётганлар.— Биз уларнинг муддаосини биламиз!.. Ахир улар ҳам бизга ўхшаш меҳнаткаш эмасми?..»

Пировард-оқибатда ҳамма нарса деҳқонларга боғлиқ бўлиб қолган эди. Гарчи деҳқонларнинг сиёсий онги кам бўлсада, лекин, ҳар қалай, уларнинг ўз дунёқарашлари бор эди, бундан ташқари деҳқонлар Россиядаги аҳолининг 80 процентдан зиёдроғини ташкил қиларди. Большевикларнинг деҳқонлар орасида тарафдорлари унчалик кўп эмас эди, Россияда ёлғиз саноат ишчилари билангина мустаҳкам диктатура ўрнатиш мумкин эмас эди... Эсерлар партияси анъанавий бир равишда деҳқонлар вакили бўлиб қолган эди... Шу сабабдан деҳқонларга, Совет ҳукуматини қўллаб-қувватловчи партиялардан бири эмас, балки табиий равишда сўл эсерлар раҳбарлик қиларди. Уюшган шаҳар пролетариати ишончига сазовор бўлган сўл эсерлар ҳам деҳқонларнинг қўллаб-қувватлашига ҳаддан ташқари муҳтож эди...

Бироқ Смольний деҳқонларни ҳеч бир эсдан чиқармасди. Янги МИК ер тўғрисида декрет чиқариш билан бирга, деҳқон Советлари ижроия комитетини четлаб, биринчи навбатда Бутун Россия деҳқонлар съездини чақирди. Орадан бир неча кун ўтгач, волость ер комитетлари учун мукаммал ишланган қоидалар эълон қилинди, сўнгра Лениннинг деҳқонларга[1] қарата ёзган хатлари босилиб чиқди. Бу хатлар большевик революцияси ва янги ҳукумат ҳақида содда ва тушунарли қилиб ёзилган эди. Ниҳоят, 16 (3) ноябрда Ленин ва Милютин «Чекка вилоятларга юбориладиган эмиссарларга қўлланма» ни эълон қилдилар. Совет ҳукумати минглаб шундай эмиссарларни қишлоқларга жўнатди.

«1. Эмиссар, белгиланган губернияга етиб боргач, Ишчи, Солдат ва Деҳқон Депутатлари Советлари Ижроия Комитетининг кенгашини чақиради, унда ер қонуни тўғрисида доклад қилади, Ишчи, Солдат ва Деҳқон депутатлари Советларининг уезд ва губерня кенгашларини чақириш тўғрисида масала қўяди.

2. Губернияда ер масаласининг аҳволини аниқлайди:

а) помешчикларнинг ерлари ҳисобга олинганми-йўқми, қаерда ва қайси уездларда;

б) помешчик ерлари кимнинг ихтиёрида: ер комитетлари ихтиёридами ёки аввалгича помешчиклар ихтиёридами;

в) инвентарлар нима бўлган.

3. Деҳқонларнинг экин ерлари кўпайганми.

4. Губернияга белгиланган наряд бўйича қанча ғалла ортиляпти.

5. Таъкидлансинки, модомики деҳқонлар ер олган экан, мумкин қадар улар экадиган ерларнинг миқдори кўпайтирилсин ва шаҳарларга ғалла етказиб бериш тезлаштирилсин. Ғалла етказиб беришни шу хилда тезлаштириш орқали очарчилик хавфини йўқотиш мумкин бўлади.

6. Помешчик ерларининг волость ва ер комитетлари, ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари ихтиёрига ўтиши учун қандай тадбирлар белгиланган ва амалга оширилган.

7. Яхши жиҳозланган ва ускуналанган помешчик мулкларини мумкин қадар агрономлар раҳбарлиги остида батрак депутатлари Советлари ихтиёрига топширилсин...».

Қишлоқда катта ўзгаришларга сабаб бўлувчи ҳаракат бошланди. Бунга ёлғиз ер тўғрисидаги декретнинг қудратли таъсиригина эмас, балки фронтлардан қайтиб келган революцион кайфиятдаги минг-минглаб деҳқон солдатлар ҳам сабабчи бўлган эди... Худди ана шу одамлар деҳқонлар съезди чақирилишини шод-хуррамлик билан қарши олдилар.

Эски МИҚ ишчи ва солдат депутатлари II съездини чақиришга йўл қўймаганидек, деҳқон Советлари ижроия комитети ҳам Смольний томонидан чақирилган деҳқонлар съездини барбод қилишга уринди. Ижроия Комитети съезд чақирилишини барбод этишга ожиз эканини кўргач, эски МИҚ сингари атрофга ошиғич равишда телеграммалар юбориб, унда консерватив делегатлар сайлансин деб уқтирди. Деҳқонлар ўртасида, съезд Могилёв шаҳрида тўпланар эмиш деган миш-мишлар ҳам тарқалди, делегатлардан баъзи бирлари чиндан ҳам ўша ёққа жўнаб кетдилар. Аммо 23 (10) ноябрга келиб Петроградда тўрт юз чоғлик делегат тўпланди ва фракцион кенгашлар бошланиб кетди...

Съезднинг биринчи мажлиси шаҳар думасининг Александр залида очилди. Биринчи масала овозга қўйилгандаёқ съезд делегатларининг ярмидан кўпи сўл эсерлар экани маълум бўлди. Ҳолбуки большевиклар делегатларнинг бешдан би-

ринигина, ўнг эсерлар эса тўртдан бирини ташкил этган эдилар. Қолган делегатлар эса Авксентьев, Чайковский ва Пешехоновлар бошлиқ эски ижроия комитетга қарши оппозицияга бирлашган эди...

Катта зал сершовқин халойиқ билан лиқ тўла эди. Делегатлар орасидаги қаттиқ душманлик уларни муросасиз группаларга ажратиб юборди. Ўнг томонда ярқираб офицерларнинг погонлари кўринарди, қари, ўзига анча тўқ деҳқонларнинг сersоқол патриархал башаралари кўзга чалинарди, ўртада озгина деҳқонлар, унтер-офицер ва бир неча солдат ўтирарди. Чап томонда эса, фақат оддий солдатлар жойлашган эди. Булар армия сафида хизмат қилган ёш авлод эди... Галёркалар Россияда ҳали ўзларининг деҳқонлар насабидан эканини унутмаган ишчилар билан лиқ тўла эди...

Ижроия комитети съездни очар экан, эски МИКнинг аксини қилиб, бу съездни расмий съезд деб қабул қилмади: расмий съезд 13 декабрь (30 ноябрь)га тайинланган эди. Гулдурос қарсаклар ва ғазабли қичқириқлар остида ижроия комитет вакили, ушбу йиғилиш «фавқулодда конференция...»дан ортиқ бир нарса эмас, деди. Аммо «фавқулодда конференция» сўл эсерлар йўлбошчиси бўлган Мария Спиридоновани раис қилиб сайлаб, ўзининг ижроия комитетга бўлган муносабатини тез орада билинтириб қўйди.

Дастлабки куннинг деярли ҳаммаси, съездга волость Советлари вакиллари қатнашсинми ёки фақат губерния ташкилотларидан келган делегатлар қатнашсинми, деган қизғин тортишув билан ўтди. Аммо пировардида, ишчи ва солдатлар съездида бўлганидек кўпчилик, мумкин қадар кўпроқ вакиллар қатнашсин, деган фикрни баён қилди. Шундан кейин эски ижроия комитет мажлис залини ташлаб чиқиб кетди...

Шундан бевосита кейиноқ делегатларнинг кўпчилиги халқ комиссарлари ҳукуматига душман кайфиятида экани маълум бўлиб қолди. Зиновьев большевиклар номидан гапирмоқчи бўлганида, ҳуштак чалиб, шовқин-сурон билан гапиришга йўл қўймадилар, у минбардан тушиб кетаётганида, мазах қилишиб: «Халқ комиссари ўсал бўлди!»—деган қичқириқлар эшитилди.

Вилоятдан келган делегат Назарьев:

«Биз, сўл социал-революционерлар,—деб шанғиллаб гапирди,— деҳқонлар вакиллари кирмагунча, ишчи-деҳқон ҳукуматини ҳукумат деб танимаймиз. Ҳозирги пайтда бу ишчилар диктатурасидан бўлак нарса эмас. Биз, барча демократияни ўз ичига олган янги ҳукумат тузишни талаб қиламиз!»

Реакцион делегатлар бундай кайфиятни бор кучлари билан қўллаб-қувватладилар ва большевиклар томонидан кўрсатилган қаттиқ норозиликларга қарамасдан, Халқ Комиссарлари Совети ё съездни ўзига бўйсундирмоқчи, ёинки уни қурол кучи билан тарқатиб юбормоқчи, деб даъво

қилдилар. Бу гапга қарши деҳқонлар қаттиқ норозилик билдирдилар.

Учинчи кун деганда, минбарда қўққисдан Ленин пайдо бўлди. Залдагилар ўн минутча қутуриб, талвасаланди: «Йўқолсин!— деб қичқирди зал.— Сизларнинг халқ комиссарларингизнинг гапларини эшитишни истамаймиз! Ҳукуматингизни танимаймиз!»

Ленин минбарнинг четини қўллари билан ушлаб талвасаланган халойиққа қийиқ кўзлари билан ўйчан боқиб, хотиржам турарди. Ниҳоят, ўнг томондаги скамейкалардан ташқари, залда жимлик чўкди. Ўнг скамейкадагилар ҳамон қичқиришар, ҳуштак чалишарди.

«Мен бу ерга Халқ Комиссарлар Совети аъзоси сифатида келганим йўқ,— деди Ленин ва шовқин тингунча яна кутиб турди,— балки большевиклар фракциясининг аъзоси ва мазкур съездга сайланган делегат сифатида келдим». Ҳамма кўрсин учун, ўз мандатини юқори кўтариб кўрсатди.

«Ваҳоланки,— деб гапини давом эттирди у жуда мулойимлик билан,— ҳозирги рус ҳукумати большевиклар партияси томонидан тузилганини ҳеч ким инкор қилмаса керак...— у яна бир лаҳза жим турди...—аслини олганда, ҳеч бир фарқи йўқ...» Ўнг томонда ўтирганлар қаттиқ шовқин-сурон кўтардилар, аммо ўртада ва чапда ўтирганлар мароқланишиб, жим бўлдилар.

Ленининг келтирган далиллари содда ва тушунарли эди. «Биз сизларга помешчикларнинг ерларини олиб берган деҳқонлар ростини айтинг-чи: наҳотки энди ишчилар ишлаб чиқариш устидан контролликни қўлларига олишига халал бермоқчи бўлсангиз? Ахир, бу синфий кураш-ку! Помешчиклар, маълумки, деҳқонларга қарши курашдилар, фабрикантлар эса, ишчиларга қарши... Наҳотки, сизлар пролетариат сафида нифоқ чиқармоқчи бўлсаларингиз? Сизлар қайси томонда бўлишни истайсизлар?

Биз, большевиклар, пролетариат партиясимиз, шунингдек пролетар деҳқонлар ҳамда саноат пролетариати партиясимиз. Биз, большевиклар, Советлар тарафидамиз,— деҳқонлар Совети ҳамда ишчи ва солдатлар Совети тарафидамиз; ҳозирги вақтдаги ҳукумат — Совет ҳукуматидир; шунинг учун биз бу ҳукуматда иштирок этишни деҳқон Советларига таклиф этибгина қолмасдан, сўл эсерларнинг вакилларини ҳам Халқ Комиссарлари Советига киришга таклиф этдик...

Советлар — заводларда ва конларда, шунингдек далаларда ишлайдиган халқнинг энг мукаммал ваколатлик ташкилотидир. Советларни қўпормоқчи бўлганлар демократияга қарши контрреволюцион ҳаракат қилган бўладилар. Ўртоқ ўнг эсерлар ва сиз жаноб кадетлар, сизларга мен уқдириб қўйяйки, башарти Таъсис мажлиси Советларни барбод қил-

моқчи бўлар экан, у ҳолда биз бунга мутлақо йўл қўймаймиз!»

25 (12) ноябрь кечқурун ижроия комитети томонидан чақирилган Чернов Могилёв шаҳридан шошиб-пишиб етиб келди. Бундан атиги икки ой илгари у ўта кетган революционер ҳисобланар ва деҳқонлар орасида катта шуҳрат қозонган эди, ҳозир уни съезднинг сўл томонга оғиб кетишидан сақлаб қолиш учун чақирган эдилар. Петроградга келиши билан Чернов қамоққа олиниб, Смольнийга жўнатилди, бу ерда тезда сўроқ қилиниб, бўшатиб юборилди.

Унинг қилган дастлабки иши, съездни ташлаб чиқиб кетгани учун ижроия комитетни қаттиқ танбиҳлашдан иборат бўлди. Ижроия комитет съездга қайтишга рози бўлди. Залга кириб келган Черновни кўпчилик кучли қарсаклар билан қаршилади, большевиклар эса ҳуштак чалиб ва истеҳзо билан қарши олди.

«Ўртоқлар, мен бу ерда йўқ эдим. Мен Ғарбий фронт армияси деҳқонлар делегатларининг съездини чақириш ҳақидаги масалада армия конференциясида қатнашдим. Шу сабабдан, бу ерда юз берган қўзғолондан унчалик хабарим йўқ...»

Зиновьев сапчиб ўрнидан туриб: «Ҳа, сиз атиги бир неча минутгина бўлмадингиз!»— деб қичқирди. «Йўқолсин большевиклар»— деган қичқириқ ва шовқин-суронлар кўтарилди...

Чернов гапида давом этди: «Мени гўё Петроград устига бутун бир армияни бошлаб келишга ёрдамлашди, деб айблашлари ҳеч бир асоссиз ва ўта кетган ёлғондир. Бу хилдаги бўҳтонлар қаердан келиб чиқди. Менга манбаини кўрсатинг!»

Зиновьев: «Бу — сизларнинг ўз газеталарингиз бўлган «Известия» ва «Дело Народа» газеталаридан чиққан гап!»

Қалин, мош-гурич соқоли ялпоқ юзини қоплаган, сочлари жингалак Чернов тутоқиб кетди, митти кўзлари чақнади. Аммо ўзини тутиб олиб, гапида давом этди: «Такрор айтаманки, бу ерда юз берган ҳодисалардан менинг ҳеч бир хабарим йўқ, мен мановилардан бошқа (у қўл ҳаракати билан деҳқон депутатларини кўрсатди) ҳеч қандай армияни бошлаб келганим йўқ ва мен бу армияни шу залга бошлаб келганлигим учун масъулиятни батамом ўз зиммамга оламан!» Кулги, «Офарин!» деган садолар.

«Петроградга келишим билан Смольнийга бордим. У ерда менга бундай айблар қўймадилар... Қисқача бир суҳбатдан кейин мени қўйиб юбордилар — вассалом! Шу ердагилардан бирортаси ўша айбни бўйнимга қўйсин-чи!»

Қаттиқ ғала-ғовур кўтарилди. Большевиклар ва сўл эсерлардан баъзилари сапчиб ўринларидан туриб, муштларини дўлайтириб бақира бошладилар, қолган делегатлар эса қичқириб, уларнинг овозини ўчирмоқчи бўларди.

«Бу — мажлис эмас, ўта кетган расвогарчилик!»— деди Чернов. Шу сўзларни айтиб у залдан чиқиб кетди. Шовқин ва тартибсизлик туфайли мажлисни тўхтатишга тўғри келди...

Айни вақтда ижроия комитетнинг аҳволи масаласи ҳаммани жуда ҳаяжонлантирган эди. Бу комитет мажлисни «Фавқулодда конференция» деб эълон қилиш билан ижроия комитетни қайта сайлашга йўл қўймасликни назарда тутган эди. Аммо, мужмал бир иш бўлар эди: сўл эсерлар, башарти, съезднинг ижроия комитети устидан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқи бўлмаса, у ҳолда ижроия комитетнинг ҳам съезд устидан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқи бўлмайди, деган қарорга келдилар. 25 (12) ноябрда мажлис, ижроия комитет ваколати Фавқуллодда конференция ихтиёрига ўтади ҳамда делегат бўлиб сайланган ижроия комитет аъзоларигина овоз беришга ҳақлидирлар, деб қарор қабул қилди...

Эртасига, большевикларнинг жиддий қаршилик кўрсатишларига қарамасдан, бу резолюцияга тузатиш киргизилди; бу тузатишда, улар делегат бўлиб сайланган ва сайланмаганликларидан қатъи назар, ижроия комитетнинг барча аъзоларига маслаҳат ва ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи берилди.

Ойнинг 27 (14)ида ер масаласи юзасидан музокаралар бўлди, бу музокаралар большевиклар билан сўл эсерларнинг аграр программаси ўртасидаги фарқни очиб берди.

Сўл эсерлар номидан чиқиб гапирган Качинский ер масаласининг революция давридаги тарихини қисқача баён қилиб берди. Деҳқон Советларининг биринчи съезди,— деди у,— помещчик мулкларини ер комитетларига тезлик билан топшириш тўғрисида жуда аниқ ва расмий бир фикр изҳор қилди. Аммо революция раҳбарлари ва Муваққат ҳукуматдаги буржуа вакиллари Таъсис мажлиси очилгунга қадар масалани бир ёқлик қилиб бўлмайди, деб туриб олдилар... Революциянинг иккинчи даври, «муросасозлик даври» Черновнинг министрлик составига кириши билан нишонланади. Деҳқонлар, ер масаласи энди тезлик билан амалий равишда ҳал қилина бошлайди, деб ишонган эдилар. Аммо Биринчи деҳқонлар съездининг очиқ-ойдин билдирган иродасига қарамай, ижроия комитетидаги реакционерлар ва муросасозлар амалий иш қилишга ҳеч бир йўл қўймадилар. Бу хилдаги сиёсат кўп жойларда аграр қўзғолонлар чиқишига сабаб бўлди, бу қўзғолонлар сабр косаси тўлган, ғайратлари бўғилган деҳқонларнинг табиий равишдаги норозиликлари эди. Деҳқонлар революциянинг ҳақиқий моҳиятини тушуниб, сўздан амалий ишга кўчмоқчи бўлдилар...

«Сўнгги ҳодисалар,— деб давом қилди нотиқ,— бу оддий исён ва «большевистик авантюра» эмас, балки, аксинча, бутун мамлакат хайрихоҳлик билан қаршилаган ҳақиқий халқ қўзғолонидир...

Умуман олганда, ер масаласида большевикларнинг тутган йўллари тўғри эди; аммо деҳқонларга ерларни зўрлик билан босиб олишга маслаҳат бериб, улар жиддий хатога йўл қўйдилар... Большевиклар дастлабки кунданоқ, деҳқонлар ерларни «оммавий революцион ҳаракат йўли билан» қўлга олишлари лозим, дедилар. Бу анархиядан бўлак нарса эмас. Ерларни уюшқоқлик билангина қўлга киритиш мумкин... Большевиклар учун революциянинг барча проблемалари дарҳол ҳал қилингани муҳимроқ эди, лекин бу проблемаларнинг *қандай* ҳал қилинишига большевиклар қизиқмас эдилар...

Советлар съездининг ер ҳақида чиқарган декрети асосан ва *тамомила Биринчи деҳқонлар съездининг қарорларига* мувофиқдир. Хўш, янги ҳукуматнинг нима сабабдан шу съезд томонидан белгиланган тактикага амал қилгуси келмайди?

Чунки Халқ Комиссарлар Совети Таъсис мажлисига ҳеч қандай иш қолмасин деб ер ҳақидаги масалани бир ёқлик қилишга шошилди...

Аммо ҳукумат амалий тадбирлар кўриш зарурлигини ҳам пайқади. Шунга кўра ҳукумат «Ер комитетлари низомини» ўйлаб-нетиб ўтирмай *тасдиқлади ва бу билан* жуда қизиқ аҳвол туғдирди: ахир Халқ Комиссарлари Совети ерга хусусий мулкчиликни бекор қилган бўлса-да, ер комитетлари чиқарган қоида хусусий мулкчилик принципларига асосланган-дир... Аммо бу зарарсиздир, чунки ер комитетлари совет декретларига ҳеч бир эътибор қилмайдилар ва ўзларининг амалий қарорларини — энг кўпчилик деҳқонларнинг иродасига асосланган қарорларини амалга ошираверадилар...

Ер комитетлари ер масаласини қонуний тартибда ҳал қилиш фикрида эмаслар, бу иш эса ёлғиз Таъсис мажлисининг имтиёзли ишидир... Бироқ Таъсис мажлиси рус деҳқонларининг иродасини бажаришни истармикан? Бунга кўнглимиз тўқ эмас... Биз шунга аминмизки, деҳқонларнинг революцион жасорати анча ўсди, Таъсис мажлиси ер масаласини деҳқонлар истагандек ҳал этишга *мажбур* бўлади... Таъсис мажлиси халқнинг очиқ ва ойдин изҳор қилган иродасига қарши боришга журъат эта олмайди...»

Качинскийдан сўнг Ленин чиқиб гапирди, бу сафар унинг нутқини зўр эътибор билан тингладилар.

«Ҳозирги пайтда биз ер масаласинигина эмас, балки социал революция масаласини ҳам ҳал қилмоқчимиз,— лекин бу масалани фақат Россиядагина эмас, балки бутун дунё миқёсида ҳал қилмоқчимиз. Ер масаласини социал революциянинг бошқа масалаларидан ажратиб ҳал этиб бўлмайди... Чунончи, катта мулкларни мусодара қилиш рус помешчиклари ўртасидагина эмас, балки ажнабий капитал ўртасида ҳам қаттиқ норозилик туғдиради, чунки катта хусусий ер эгалиги ажнабий капитал билан банкалар орқали боғлангандир...

Россияда ерга бўлган хусусий мулкчилик даҳшатли зулмнинг асосидир, шу сабабдан деҳқонлар томонидан ерларнинг мусодара қилиниши бизнинг революциямиз ташлаган энг муҳим қадамлардан бири бўлади. Аммо бу қадамни бошқа қадамлардан ҳеч бир ажратиб бўлмайди, бизнинг революциямиз босиб ўтган барча босқичларда бу нарса очиқ ва равшан кўриниб турипти... Сўл эсерларнинг хатолари шундан иборат бўлдики, улар ўша вақтда муросачилик сиёсатига қарши кураш олиб бормадилар, чунки улар омманинг онги ҳали яхши ўсмаган деган назарияга амал қилган эдилар...

Агар социализм халқ оммасининг ақлий ўсишига қараб амалга ошириладиган бўлса, у вақтда биз ҳатто беш юз йилдан кейин ҳам социализмни кўра олмаймиз... Социалистик сиёсий партия — ишчилар синфининг авангардидир, бу партия омманинг савияси пастлиги олдида тўхталиб қолмасдан, балки революцион ташаббус органи бўлган Советлардан фойдаланиб, оммани ўз орқасидан эргаштириб олиб бориши лозим... Аммо иккиланувчиларни орқадан эргаштирмоқ учун сўл эсер ўртоқларнинг ўзлари иккиланмасликлари лозим...

Халқ оммаси июль ойидаёқ муросачилардан ажралиб кета бошлаган эди; эндиликда, ноябрда сўл эсерлар, ўзининг қолган оз-моз нуфузига тирмашиб олган Авксентьевга ҳамон қўл чўзмоқдалар... Агар муросасозлик давом этаверса, у ҳолда революция маҳв бўлади. Буржуазия билан мурosa қилиб ўтиришнинг ҳеч кераги йўқ; буржуазия ҳокимияти буткул ағдариб ташланиши лозим.

Биз, большевиклар, ўзимизнинг ер ҳақидаги программамизни алмаштирганимиз йўқ, биз ерга хусусий мулкчиликни бекор қилишдан воз кечганимиз йўқ, воз кечмоқчи ҳам эмасмиз. Биз «Ер комитетлари низомини» қабул қилдик,— бу низом *ҳеч бир* хусусий мулкчилик принципларига асосланган эмас,чунки биз халқнинг иродасини халқнинг ўзи сайлаган йўл билан бажо келтирмоқчи бўлдик ва, шу тариқа, социалистик революция учун курашаётган барча элементларнинг иттифоқини янада жипслаштирмоқ истадик.

Биз сўл эсерларни шу иттифоққа киришга таклиф этамиз, лекин, шу билан бирга, уларнинг орқага ўгирилиб қарайверишни бас қилишларини ва ўз партияларининг муросачи қаноти билан алоқани узишларини талаб этамиз...

Таъсис мажлиси хусусига келсак, аввалги нотиқ айтиб ўтганича, Таъсис мажлисининг иши омманинг революцион жасоратига қараб белгиланиши аниқ ва равшандир. Революцион жасоратга умид боғла-ю,— дейман мен,— лекин милтиқни қўлингдан ташлама!»

Шундан сўнг Ленин большевикларнинг резолюциясини ўқиб эшиттирди:

«Деҳқонлар съезди 1917 йил 26 октябрда Бутун Россия ишчи ва солдат депутатлари Совети Иккинчи съезди томони-

дан тасдиқланган ҳамда Россия республикаси ишчи ва деҳқонларнинг Муваққат ҳукумати саналган Халқ Комиссарлар Совети томонидан чиқарилган ер ҳақидаги қонун (декрет)ни бутунлай ва тўла равишда маъқуллайди. Деҳқонлар съезди бу қонунни амалга ошириш учун кўкрак кериб қаттиқ туришини изҳор қилади, барча деҳқонларни бу қонунни ҳамжиҳатлик билан қўллаб-қувватлашга ва жойларда уни деҳқонларнинг ўзлари томонидан тезлик билан амалга оширишга чақиради, шунингдек деҳқонларни ҳамма ва ҳар қандай масъул лавозим ҳамда мансабларга меҳнаткашлар ва эксплоатация қилинувчи деҳқонларнинг манфаатларига батамом содиқ эканини сўзда эмас, балки амалда кўрсатувчи, бу манфаатларни помешчиклар, капиталистлар ва уларнинг тарафдорлари ёки шериклари томонидан кўрсатилган ҳар қандай қаршиликлардан ҳимоя қилишга қодир бўлган кишиларнигина сайлашга чақиради.

Деҳқонлар съезди, шу билан бирга, ишонч билдирадики, ер ҳақидаги қонунда бўлган барча тадбирларни тўла амалга ошириш ишчиларнинг 25 октябрда бошланган социалистик революциясининг ғалабасигагина боғлиқдир, чунки фақат социалистик революциягина ерларни меҳнаткашлар қўлига текинга олиб беришга ва помешчикларнинг инвентарларини мусодара қилишга, деҳқончиликда ёлланиб ишловчи батракларнинг манфаатларини тўла ҳимоя қилишга, шу билан бирга, капиталистларда ёлланиб ишлаш қуллик системасини тезлик билан батамом йўқ қилишга, деҳқончилик ва саноат маҳсулотларини областлар ҳамда давлат аҳолиси орасида тўғри планли тақсимлашга, банкалар устидан ҳукмронлик қилишга (бундай ҳукмронликсиз, ерга хусусий мулкчилик битирилганида, халқнинг ерга ҳукмронлик қилиши имконсиздир) ва давлат томонидан фақат меҳнаткашларга ҳамда эксплуатация қилинувчиларга ҳар тарафлама ёрдам беришга қодирдир ва ҳоказо.

Шу сабабдан деҳқонлар съезди 25 октябрь революциясини батамом қўллаб-қувватлаб, бу революция фақат социалистик революция бўлгани учунгина қўллаб-қувватлаб, Россия республикасини социалистик қайта қуриш чораларини ҳеч бир оғишмай тегишли равишда тадрижий йўл билан амалга оширишга тайёр эканини изҳор қилади.

Ер ҳақидаги қонунни тўла равишда ва мустаҳкам ютуқлар билан амалга оширишни таъминловчи ягона социалистик революциянинг ғалаба қозонишидаги асосий шарт—захматкаш, эксплоатация қилинувчи ва меҳнаткаш деҳқонларнинг барча илғор мамлакатлардаги ишчилар синфи пролетариат билан тўла иттифоқ тузишидан иборатдир. Россия республикасида бундан кейин давлатнинг бутун тузилиши ва бошқарилиши юқоридан қуйигача ана шундай иттифоқ асосига қурилиши лозим. Ана шундай иттифоқгина буржуазия билан ва буржуа сиёсатини амалга оширувчилар билан муросачилик қилишдек қабиҳ ҳаётга қайтишдаги ҳамда ҳар хил бевосита ёки

билвосита, очиқ ва яширин уринишларни йўлдан супуриб ташлаб, бутун дунёда социализмнинг ғалаба қозонишини таъминлайди.»

Ижроия комитетдаги реакционерлар ошкора равишда қарши чиқишга журъат эта олмадилар. Шунга қарамай, Чернов бир неча бор минбарга чиқиб, камтарлик ва жозибали беғаразлик билан сўзлади. Унга президиумдан жой бердилар. Съезднинг иккинчи кечаси раисга, Черновни фахрий раис қилиб сайлашни таклиф этиб, имзосиз хат тушди. Устинов бу хатни ўқиб эшиттирди, лекин Зиновьев шу ондаёқ ўрнидан сапчиб туриб, бу — мажлисни ўз томонига оғдириб олмоқчи бўлган эски ижроия комитетнинг ишлатаётган найранги, деб қичқирди. Мажлис зали дарҳол муштларини дўлайтириб ғазабланган, қичқирган оломонга айланди, ҳар икки томон ғалаёнга келди... Лекин Черновнинг ҳамон катта нуфузи бор эди.

Ер хусусидаги масалада ва Ленин тақдим этган резолюция устида қизғин мунозаралар бўлганда большевиклар съездни икки марта ташлаб чиқиб кетмоқчи бўлдилар, лекин йўлбошчилари уларни ҳар қалай тўхтатиб қолдилар... Назаримда, съезд бутунлай иккига бўлиниб кетди.

Аммо Смольнийда сўл эсерлар билан большевиклар ўртасида махфий музокаралар бораётганидан ҳеч қайсимизнинг хабаримиз йўқ эди. Бошда сўл эсерлар Советларга кирган ва кирмай қолган барча социалистик партияларнинг вакилларидан иборат ҳукумат тузишни талаб қилдилар. Улар бу ҳукумат, ишчи ва солдат ташкилотларидан ҳамда деҳқонлар ташкилотларидан баравар миқдорда вакиллари бўлган шаҳар думаси ва земство вакиллари ҳам киргизилган Халқ Совети олдида масъул бўлиши лозим, деб талаб қилдилар. Улар Ленин ва Троцкийни ҳукумат составидан чиқаришни, шунингдек, Ҳарбий-Революцион комитетни ва бошқа жазо органларини тарқатиб юборишни ҳам талаб қилдилар.

Бутун кечаси билан чўзилган кескин курашдан сўнг, 28(15) ноябрь чоршанба куни эрталаб битимга келинди. 108 аъзодан иборат бўлган МИҚ га яна 108 аъзо киргизишга қарор қилинди. Булар деҳқонлар съездидан мутаносиб равишда сайланган бўлиши лозим эди. Бевосита армия ва флотдан сайланган 100 делегат ҳамда касаба союзлардан 50 вакил (Бутун Россия союзларидан —35, темир йўлчилардан —10, почта-телеграф хизматчиларидан — 5 вакил) кириши лозим эди. Дума билан земствога ўрин берилмади. Ленин ва Троцкий ҳукуматда қолдилар. Ҳарбий-революцион комитет эса ўз ишини давом эттираверди.

Съезднинг мажлислари деҳқонлар Совети ижроия комитети жойлашган фонтанка кўчаси, 6-уйдаги собиқ император ҳуқуқшунослик мактаби биносига кўчирилган эди. Бу катта мажлис залига чоршанба куни кечқурун делегатлар тўпланди.

лар. Эски ижроия комитети чиқиб кетиб, ажралиб чиқиб кетган делегатлар ва армия комитетлари вакилларининг иштироки билан ўша бинонинг бошқа хонасида ўзининг махсус йиғилишини очди.

Чернов гоҳ у мажлисга, гоҳ бу мажлисга кириб, бўлаётган гаплардан воқиф бўлиб турмоқда эди. У большевиклар билан битим устида музокара қилинганини биларди, лекин битимга келинганини билмасди.

«Эндиликда ҳамма умум социалистик ҳукумат тузиш тарафида бўлган бир вақтда,— деди у ажралиб чиққан вакиллар мажлисида,— кўплар коалицион *бўлмаган* ва унда биргина социалист Керенскийгина бўлган биринчи министрликни унитадилар. Ўз вақтида бу ҳукумат жуда муътабар ҳукумат эди-ку. Энди ҳамма Керенскийни айбламоқда, унинг фақат ҳокимият тепасига Советлар томонидан эмас, балки халқ оммаси томонидан ҳам қўйилганини ҳамма унутмоқда.

Нима сабабдан афкор омма Керенскийга тескари бўлиб қолди? Ваҳшийлар ўзларига худолар ясаб, унга ибодат қиладилар, агар худолар уларнинг ибодатини қабул қилмаса, у ҳолда ваҳшийлар уларни жазолайдилар. Ҳозир ҳам худди шундай аҳвол юз бермоқда... Кеча Керенский эди, бугун Ленин ва Троцкий, эртага эса яна алла ким...

Биз Керенскийга ҳам, большевикларга ҳам ҳукуматдан чиқиб кетишни таклиф этдик. Керенский бунга рози бўлди. Бугун у қочган жойидан туриб, бош министрлик лавозимидан воз кечганини билдирди. Большевиклар эса ҳокимиятни ўз қўлларида сақлаб қолмоқчилар-у, лекин уни нима қилишни билмайдилар...

Большевиклар ҳокимият тепасида туриб қоладиларми, йўқми, Россиянинг тақдири бундан заррача ўзгармайди. Рус қишлоғи ўз муддаосини жуда яхши тушинади ва ўзи махсус чоралар кўради. Пировардида эса ана шу қишлоқ бизларни халос этади...»

Бу орада Устинов катта залда деҳқонлар съезди билан Смольний ўртасида тузилган битим тўғрисида ахборот берди, делегатлар бу ахборотни чексиз шодлик билан қарши олдилар. Шу он залда пайдо бўлиб қолган Чернов сўз сўради.

«Мен,— деб бошлади у,— деҳқонлар съезди билан Смольний ўртасида битим тузилаётганини кўриб турибман. Бу хилдаги битим ғайри қонунийдир, чунки деҳқонлар Советининг ҳақиқий съезди келгуси ҳафтадагина бўлади...

Бундан ташқари, сизларни огоҳлантириб қўймоғим зарурки, большевиклар ҳеч қачон сизларнинг талабларингизни бажо келтирмайдилар...».

Унинг нутқини қаҳқаҳа билан бўлиб турдилар. У тезда аҳволни назарга олиб, минбардан тушиб, мажлис залидан чиқиб кетди — шу билан ўз шуҳратидан ҳам айрилди...

29 (16) ноябрь пайшанба куни кечаси съезднинг фавқулодда мажлиси очилди. Ҳамма шод-хуррам, ҳамманинг юзида табассум кўринарди. Съезд томонидан ҳал қилинмай қолган сўнгги амалий масалалар тезда бир ёқлик қилинди. Шундан кейин сўл эсерлар оқсоқоли мўйсафид Натансон сўзга чиқди. У кўзларида ёш, қалтираган овоз билан деҳқон ва ишчи-солдат Советларининг келишиб иттифоқ тузгани тўғрисидаги ҳисоботни ўқиб эшиттирди. У «иттифоқ» сўзини ҳар сафар тилга олганида, зал гулдурос қарсакларга тўларди... Натансон нутқини тамомлагач, Устинов Қизил Гвардия вакиллари ҳамроҳлигида Смольнийдан делегатлар келганини хабар қилди. Уларни қаттиқ қарсаклар билан қаршиладилар. Ишчи, солдат ва матрослар навбат билан минбарга чиқиб, съездни қутладилар.

Сўнгра Америка социалистик ишчилар партияси вакили Борис Рейнштейн чиқиб сўзлади: «Деҳқонлар съезди билан Ишчи ва Солдат депутатлари Советлари ўртасида иттифоқ тузилган кун — революциянинг энг улуғ кунларидан бири ҳисобланади. Бу тўғридаги хушхабар қаттиқ акс садо бериб, бутун жаҳонга тарқалади. Бу садо Парижда ҳам, Лондонда ҳам ва океан орқасидаги узоқ Нью-Йоркда ҳам янграб эшитилади. Бу иттифоқ барча меҳнаткашларнинг қалбларини шодликка тўлдиради!

Улуғ ғоя тантана қилди. Ғарб ва Америка Россиядан, рус пролетариатидан кўпдан бери аллақандай фавқулодда ва ларзага солувчи ҳодисани кутарди. Жаҳон пролетариати кўпдан бери рус революциясининг бўлишини, ҳозир у амалга ошираётган улуғ ишларни кутган эди...»

МИҚ раиси Свердлов табригидан сўнг деҳқонлар оқини: «Граждалар уруши барҳам топди! Яшасин бирлашган демократия!»— деган садолар билан отилиб кўчага чиқди.

Кеч кирди, музлаб қотиб қолган қор устида ой ва юлдузларнинг хира нури акс этарди. Павловск полки Набережная кўчасида қатор бўлиб сафга тизилди. Полк оркестри «Марсельеза»ни чалиб юборди. Солдатларнинг қаттиқ олқиш садолари остида деҳқонлар кетма-кет тизилиб, Бутун Россия деҳқон депутатлари Советлари Ижроия комитетининг катта қизил байроғини ҳилпиратиб кўтардилар. Бу байроққа зар билан: «Яшасин революцион меҳнаткашлар оммасининг иттифоқи!» деб янгитина ёзилган эди. Сўнгра бошқа байроқлар, район Советларининг байроқлари кўтарилди. Путилов заводининг байроғига: «Барча халқлар биродарлигини барпо қилмоқ учун биз бу байроқ олдида тиз чўкамиз!» деб ёзилган эди.

Қаёқдандир, қоронғиликни ёритиб, машъаллар пайдо бўлди. «Фонтанка» кўчасидаги канал бўйлаб индамай ҳайрон бўлиб томоша қилиб турган кўп одамларнинг назари остида қўшиқлар айтиб кетаётган оломон устида бу машъаллар тутаб музларда акс этарди.

«Яшасин революцион армия! Яшасин Қизил Гвардия! Яшасин деҳқонлар!»

Бу катта намойиш бутун шаҳарни шу хилда айланиб чиқди. Унга доим одамлар қўшилиб турди, унинг устида зар билан ёзилган янги-янги қизил байроқлар ҳилпирарди. Меҳнатдан қадди букчайган иккита чол деҳқон қўл ушлашиб борар, уларнинг чеҳраларида болалик севинчи акс этарди.

«Қани,— деди улардан бири,— энди биздан ерни тортиб олишларини кўриб қўямиз!..»

Смольний ёнида кўчанинг икки чеккасида шод-хуррам қизил гвардиячилар саф тортган эдилар.

«Мен ҳеч чарчамадим,— деди иккинчи чол деҳқон ўз ҳамроҳига,— мен бутун йўл бўйи қанот боғлаб учгандай бўлдим...»

Смольний зинапояларида қизил байроқ кўтарган юз чоғлик ишчи ва деҳқон депутатлари тўпланишган, байроқлар ичкаридан тушаётган ёруғдан қорайиб кўринарди. Улар бўронда кўтарилган тўлқиндек ўзларини зинапоядан пастга отиб деҳқонларни қучоқлаб ўпа кетдилар. Намойишчилар ўзларини эшикка уриб шовқин-сурон ичида зинапоядан юқорига кўтарила бошладилар...

Оппоқ, катта мажлислар залида намойишчиларни бутун МИК, бутун Петроград Совети ва минглаб томошабинлар кутиб туришарди. Вазият тантанали эди: кечирилаётган бу тарихий дақиқанинг улуғворлигини ҳамма тушунарди.

Зиновьев деҳқонлар съезди билан биргаликда тузилган битимни ўқиб эшиттирди. Унинг ахборотини хурсандлик садолари билан қаршиладилар, коридорда музика янграганда ва залга намойишчиларнинг олдинги сафи кириб келганда, бу хурсандлик довулдек кучайди. Президиум ўрнидан туриб, деҳқонлар президиумига ўрин берди ва уларни қучоқлаб қаршилади. Саҳна орқасидаги оппоқ деворда подшонинг сурати олиб ташланган бўш рамка устида иккита байроқ жилоланиб товланиб турарди...

Тантанали мажлис ҳам очилди. Свердловнинг қисқача сўзлаган табрик нутқидан кейин, минбарга сочлари силлиқ тараллган, кўз ойнак таққан, рангсиз, Янги Англиядаги ўқитувчиларга ўхшаган, ушоққина бир аёл чиқди. Бу — Россияда энг шуҳрат қозонган ва муътабар аёл — Мария Спиридонова эди.

«... Рус ишчилари олдида тарихда мисли кўрилмаган уфқ намоён бўлмоқда. Шу вақтгача ишчиларнинг барча ҳаракатлари ҳамиша тор-мор қилиниб келди, аммо эндиликда ҳаракат интернационл тусда бўлгани учун енгилмасдир. Революция оловини сўндиришга қудрати етадиган куч дунёда топилмаса керак. Эски дунё ҳалок бўлади. Янги дунё туғилади...»

Сўнгра Троцкий чиқиб алангали нутқ сўзлади: «Қадамларингизга ҳасанот, ўртоқ деҳқонлар! Сизлар бу ерга меҳмон тарзида эмас, балки ўз уйингизга келгандек келдингизлар, бу уйда рус революциясининг қалби уриб турибди. Бу залда

ҳозир миллионлаб ишчиларнинг иродаси жам бўлган... Бундан сўнг рус ери биргина хўжайинни — ишчи, солдат ва деҳқонлар иттифоқинигина билади...

У яраш тўғрисидаги рус таклифларини ҳамон менсимай келаётган иттифоқчи мамлакатлар (Антанта) дипломатлари тўғрисида аччиқ бир истеҳзо билан гапирди, ҳолбуки бу таклифлар марказий давлатлар томонидан қабул қилинганди.

Бу урушда янги инсоният олами вужудга келади... Шу залда биз ўз революцион постимизда қолиш учун бутун дунё меҳнаткашлари олдида онт ичамиз. Башарти бизларни тормор этсалар, биз ўз байроғимизни ҳимоя қилган ҳолда жон берамиз...»

Ундан кейин сўзга чиққан Криленко фронтдаги аҳвол тўғрисида гапириб берди. Фронтда Духонин Халқ Комиссарлар Советига қаршилик уюштирибди. «Духонин ва унинг шериклари яхши тушиниб олсинларки, сулҳ йўлини тўсувчиларга нисбатан биз шафқатсиз иш кўрамиз!»

Дибенко йиғилишни флот номидан табриклади, Викжель аъзоси Крушинский эса шундай деди:

«Барча ҳақиқий социалистлар иттифоқи тузилган пайтдан — ана шу пайтдан бошлаб барча темир йўлчилар армияси тамомила революцион демократия ихтиёрига топширилади!»

Сўнгра кўз ёшларини аранг тутиб турган Луначарский ва сўл эсерлардан Прошьян чиқиб сўзладилар ва, ниҳоят, Мартов ва Горький группасидан иборат бирлашган социал-демократ интернационалистлар номидан Сахарашвили шундай деди:

«Биз большевикларнинг аёвсиз сиёсатига қарши норозилик билдириш ва барча революцион демократия иттифоқини амалга ошириш учун ён беришга мажбур қилиш мақсадида МИКдан чиқиб кетган эдик. Эндиликда, бу иттифоқ амалга оширилганидан сўнг, МИК даги ўз жойимизни яна ишғол қилишни муқаддас бурчимиз деб ҳисоблаймиз. Биз, МИКдан чиқиб кетганларнинг ҳаммаси энди қайтиб келиши керак, деймиз!..»

Деҳқонлар съезди президиумида ўтирган муътабар кекса бир деҳқон — Сташков минбарга чиқиб, мажлиснинг тўрт томонига энгашиб таъзим қилди ва: «Ўртоқлар, сизларни янгича рус ҳаёти ва озодлиги бошланиши билан қутлайман!»— деди.

Сўнгра Польша социал-демократлари номидан Бронский, фабрика-завод комитетлари номидан Скрипник, Салоникида жанг қилаётган рус солдатлари номидан Трифонов ва бошқа нотиқлар чиқиб сўзладилар. Улар ўз нутқларида умид-орзулари рўёбга чиққан кишиларнинг муддаоларини хурсандлик билан акс эттирдилар.

Қуйидаги мазмундаги резолюция тақдим этилиб, бир оғиздан қабул этилганида, қоқ ярим кеча бўлиб қолган эди:

«Бутун Россия Деҳқон, Ишчи ва Солдат Депутатлари Советларининг МИҚ Бутун Россия фавқулодда деҳқонлар съезди ва ижроия Совети билан бирликда Бутун Россия Ишчи ва Солдат депутатлари Советининг II съезди томонидан қабул қилинган сулҳ ва ер ҳақидаги қонунларни, шунингдек, Бутун Россия Советлари Марказий Ижроия Комитети томонидан қабул қилинган ишчи контроллиги қонунини тасдиқлайди.

МИҚ ва Бутун Россия деҳқонлар съездининг қўшма мажлиси ишчи, солдат ва деҳқонлар иттифоқи — барча меҳнаткашлар ва эксплуатация қилинувчиларнинг биродарлик иттифоқи, ўзлари қўлга олган давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш билан бирга бошқа энг илғор мамлакатларда ҳам ҳокимиятнинг меҳнаткашлар оммаси қўлига ўтишини тезлаштириш учун ўз томонидан барча революцион чораларни кўради ва шу равишда адолатли сулҳ ишининг ва социализм ишининг мустаҳкам ғалабасини таъминлайди деб қаттиқ ишонч билдиради...»

ЖОН РИДНИНГ
ИЗОҲЛАРИ*

* Жон Рид томонидан тузилган ва тўпланган изоҳлар ушбу китобнинг таркибий бир қисми ҳисобланади. Бу изоҳлар авторнинг текстига жуда муҳим қўшимча бўлиб киради. Китобнинг бу нашрида изоҳлар янгидан кўрилиб, оригиналига таққослаб чиқилди. Жон Риднинг инглизча таржимасида нашр этилган барча ҳужжат ва материаллар русча асл нусхасидан олиб босилди.— *Ред.*

I БОБГА

1

Барча муътадил социалистик партиялар ўзларини мудофаачилар деб атадилар ва бошқалар ҳам уларни шундай деб атар эдилар: бутун гап шундаки, бу партия ва группалар урушни миллий мудофаа уруши деб ҳисоблаб, иттифоқчилар раҳбарлиги остида уни давом эттириш тарафдори эдилар.

2

РЕВОЛЮЦИЯГА ҚАДАР ВА РЕВОЛЮЦИЯ ДАВРИДА ИШ ҲАҚИ ВА ЭНГ ЗАРУР ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАР НАРХИ

1917 йил 26(13) октябрда «Новая Жизнь» газетасида эълон қилинган иш ҳақи ва энг зарур истеъмол буюмлари нархига доир қуйидаги жадвал Москва савдо палатаси ҳамда меҳнат министрлигининг Москва бўлими вакилларидан иборат комитет томонидан тузилган.

Кунлик иш ҳақи

(сўм ва тийин ҳисобида)

Ихтисос	1914 йил июль	1916 йил июль	1917 йил август
Дурадгарлар	1.60—2.—	4.——6—	8,50
Ер қазувчилар	1.30—1.50	3.——3.50	—
Ғишт терувчилар ва сувоқчилар	1.70—2.35	4.——6.—	8.—
Бўёқчилар, гулчилар . . .	1.80—2.20	3.——5.50	8.—
Темирчилар	1.——2.25	4.——5.	8.50
Печкачилар ва мўри тозаловчилар	1.50—2.—	4.——5.50	7.50
Слесарлар	0.90—2—	3.50—6.—	9.—
Қора ишчилар	1.——1.50	2.50—4.50	8.—

Февраль революциясидан кейинроқ рус ишчиларининг маоши жуда тез ўсиб кетганлиги тўғрисида кўп гаплар эшитилиб турарди. Меҳнат министрлиги томонидан эълон қилинган ва

бутун Россиядаги аҳвол учун характерли бўлган мазкур рақамлар бу тапларнинг ҳақиқатдан анча узоқлигини кўрсатади. Ҳақиқатда эса, ишчиларнинг маоши жуда секин ва тадрижий равишда ўсди, ўрта ҳисоб билан атиги 500 процентгача кўтарилди...

Ҳолбуки сўмнинг харид кучи уч мартадан кўпроқ пасайиб кетди, энг зарур истеъмол буюмларининг нархи эса ҳаддан ташқари ошиб кетди.

Қуйидаги жадвал Москва шаҳар думаси томонидан тузилган. Москвада Петроградга қараганда озиқ-овқат кўп бўлиб, нархи ҳам бирмунча арзон эди.

Озиқ-овқат нархи
(сўм ва тийин ҳисобида)

	1914 йил август	1917 йил август	ошиш процента
Қора нон (бир қадоғи) . . .	—02,5	—.12	330
Оқ нон „	—05	—.20	300
Мол гўшти „	—22	—1.10	400
Бузоқ гўшти „	—26	—2.15	727
Чўчқа гўшти „ . . .	—23	—2.—	770
Селёдка „	—06	—52	767
Сир „	—40	—3.50	754
Мой (бир қадоғи)	—48	—3.20	557
Тухум (ўн донаси)	—30	—1.60	443
Сут (бир кружкаси) . . .	—07	—40	471

Демак, ўрта ҳисоб билан озиқ-овқат маҳсулотлари 556 процент қимматлашди, яъни иш ҳақидан 51 процент ошиб кетди.

Энг зарур истеъмол буюмларининг бошқа хиллари эса мисли йўқ даражада қимматлашди.

Қуйидаги жавдал Москва ишчи депутатлари Совети иқтисодий бўлими томонидан тузилган, сўнгра эса Муваққат ҳукуматнинг озиқ-овқат министрлиги томонидан тузатилиб тасдиқланган.

Энг зарур истеъмол буюмларининг нархи
(сўм ва тийин ҳисобида)

	1914 йил август	1917 йил август	ошиш процента
Чит (бир гази)	—11	1.40	1173
Ип газлама „	—15	2.—	1233
Мовут „	2.—	40.—	1900
Кастор „	6.—	80.—	1233
Эркак пойафзали (бир жуфти)	12.—	144.—	1097

Энг зарур истеъмол буюмларининг нархи

(сўм ва тийин ҳисобида)

	1914 йил август	1917 йил август	ошиш проценти
Таг чарм (бир гази) . . .	20.—	400.—	1900
Галош (бир жуфти) . . .	2.50	15.—	500
Эрлар костюми	40.—	400.—455.—	900—1109
Чой (бир қадоғи)	4.50	18.—	300
Бир қути гугурт	—10	—50	400
Бир пуд совун	4.50	40.—	780
Бир челак керосин	1.70	11.—	547
Бир пуд конфет	8.50	100.—	1076
Бир қадоқ карамель . . .	—30	4.50	1400
Бир арава ўтин	10.—	120.—	1100
Писта кўмир	—80	13.—	1525
Турли тунука идишлар . .	1.—	20.—	1900

Ўрта ҳисоб билан юқорида санаб ўтилган энг зарур истеъмол буюмлари 1109 процент қимматлашди, яъни иш ҳақига нисбатан икки мартадан кўпроқ ошди. Нархларнинг ошишидаги процент тафовути, маълумки, савдогарлар ва спекулянтлар чўнтагига тушар эди.

1917 йил сентябрида мен Москвага келганимда малакали ишчининг, масалан, Путилов заводида ишловчи металлистнинг бир кунлик ўртача иш ҳақи 8 сўмча эди. Корхона хўжайинлари жуда катта фойда кўрардилар. Петроградниng бир чеккасидаги Тронтон инглиз мануфактура корхонасининг хўжайинларидан бири менга: менинг фабрикамда иш ҳақи 300 процент ошди, фойдам эса *900 процентдан ҳам зиёдроқ*, деди.

3

СОЦИАЛИСТ МИНИСТРЛАР

Июль Муваққат ҳукумати составига кирган ва буржуа министрлар билан бирликда коалиция тузиб, ўз программасини амалга оширмоқчи бўлган социалистлар воқеаси сиёсатда синфий курашнинг яққол намунасидир. Ленин бу тўғрида шундай дейди: «...Улар ҳукуматнинг аҳволи танг бўлиб қолганини кўриб, 1848 йилдан сўнг бошқа мамлакатларнинг капиталистлари ишчиларни лақиллатиш, пароканда қилиш ва кучсизлантириш учун бир неча ўн йиллар мобайнида қўлланиб келган усулдан ибрат олдилар. Бу усул—буржуазия ва социализмга хиёнат қилганлардан тузилган «коалицион», яъни бирлашган деб аталувчи умумий министрликдан иборатдир.

Революцион ишчилар ҳаракати билан бир қаторда озодлик ва демократия узоқ умр кўрган Англия ва Франция каби мамлакатларда капиталистлар бу усулни кўп марта ва муваффақият билан қўлланганлар. Буржуа министрлиги составига кирган «социалистик» йўлбошчилар капиталистлар учун қў-

ғирчоқ, ўйинчоқ ва бир ниқоб, ишчиларни алдаш учун бир қурол бўлиб хизмат қилдилар. Россиянинг «демократик ва республикачи» капиталистлари шу усулни қўлландилар. Эсерлар ва меньшевиклар ўзларини дарров лақиллатишга йўл қўйдилар, шундай қилиб, 6 майда Чернов, Церетели* ва уларнинг шериклари иштирокидаги «коалицион» министрлик ҳақиқатда юзага чиқди».

4

МОСКВА ШАҲАР ДУМАСИГА СЕНТЯБРДА БЎЛГАН САЙЛОВЛАР

1917 йил сентябрь ойи охирида «Новая Жизнь» газетаси Москва шаҳар бошқармасига сайловлар натижасининг тахминий жадвалини эълон қилди ва уни шарҳлаб, бу натижалар мулкдор синфлар билан коалиция қилиш сиёсати банкротликка учраганликнинг муқаррар бир ифодаси эканлигини кўрсатиб ўтди. «Биз барча революцион демократия билан бирлашган фронт тузиш орқалигина,— деб ёзди газета,—гражданлар урушидан қутула оламиз».

Мана ўша жадвал.

Москвада марказий ва район думаларига сайловлар

	1917 йил июнь	1917 йил сентябрь
Эсерлар	58 ўрин	14 ўрин
Кадетлар	17 »	30 »
Меньшевиклар	12 »	4 »
Большевиклар	11 »	47 »

5

РЕАКЦИОНЕРЛАРНИНГ ҲАДДИДАН ОШИШИ

18(5) сентябрь. Киев газетасида кадет Шульгин, Муваққат ҳукумат Россияни республика деб эълон қилиб, ўз ваколати чегарасидан чиқиб кетди, деб ёзди. «Биз республикага ҳам, ҳозирги замон республикачи ҳукуматига ҳам йўл қўя олмаймиз. Умуман олганда, Россиянинг республика бўлишини истаганимизга ҳам ҳеч қандай ишончимиз йўқ».

23(10) октябрь. Рязанда кадетлар партиясининг мажлисида М. Духонин шундай деган: «1 мартда биз конституцияли монархия барпо этишимиз лозим. Биз тахтнинг қонуний вориси Михаил Александровичдан ҳеч бир воз кеча олмаймиз...»

27(14) октябрь. Москва жамоат арбоблари кенгашида қабул қилинган резолюция:

«Жамоат арбобларининг Москва кенгаши Россия давлатининг Муваққат Советига кирувчи ўз аъзоларига, армия ҳаё-

---

* Жон Ридда яна қуйидаги номлар ҳам учрайди: «Скобелев, Авксентьев, Савинков, Зарудний ва Никитин...».— *Ред.*

тида қуйидаги чораларни дарҳол амалга ошириш масаласини Муваққат ҳукуматдан талаб этиш вазифасини юклайди:*

Армияда ҳар қандай сиёсий пропагандани бекор қилиш ва армияни партиялар ҳамда уларнинг таъсиридан хориж деб эълон қилиш.

Давлатга ва миллатга қарши ғояларни тарғиб қилишга, шунингдек, армия ва ҳарбий интизомнинг зарурлигини инкор этувчи таълимотларга ҳам йўл қўйилмасин ва қаттиқ таъқиб қилинсин.

Комитетларнинг мавжудлиги нормал ҳарбий ҳуқуқ тартибларига мос эмаслигини қатъиян эътироф этиш билан (бу нарса бутун дунёдаги армияларнинг тажрибасида тасдиқланган), бу комитетларнинг яшашига уларнинг фаолиятини хўжалик ва озиқ-овқат масалалари билан чеклаш шарти ила вақтинча йўл қўйиш мумкин деб ҳисоблансин, шу билан бирга барча қарорлар комитет раҳбари бўлган бошлиқнинг тасдиқига киргизилади, бу қарорлар тасдиқланмагунча амалга оширилмайди. Агар бошлиқ қарорларга розилик бермаса, бу қарорлар ундан сўнгги бошлиқ томонидан ҳал этилиб, батамом кучга киради.

Комитет ўз ҳуқуқ ва вазифаларини очиқдан-очиқ бузган тақдирда, алоҳида қисм командири фойдаланадиган ҳуқуқлардан кам ҳуқуққа эга бўлмаган энг яқин бошлиқ бундай комитетни тарқатиб юборишга ва янги сайловлар белгилашга ҳақлидир.

Тенглар билан тенгларнинг ва катталар билан кичикларнинг бир-бирига салом беришидан иборат бўлган ҳарбийча честь беришни дарҳол тиклаш лозим.

Барча даражадаги бошлиқларнинг белгиланган маълум чегарадаги интизомда бўлган ҳуқуқи тиклансин ва қатъий масъулият жорий қилинсин. Бошлиқлар ўз ҳуқуқлари чегарасидан чиққанлари тақдирда тобеларнинг ҳуқуқини бузган бошлиқлар устидан шикоят қилиши ҳар томонлама таъминлансин.

Офицерлар ва офицерлар ташкилотларининг барча фуқаролик ҳуқуқлари ҳар қандай суиқасдлардан чинакам ҳимоя қилинсин.

Ҳозирги вақтда ҳарбий комиссарлар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган турли-туман тафтиш, сиёсий контроль ва қидириш ишлари нотўғри деб топилсин.

Офицерларнинг жанговар ва хизмат сифатларига мувофиқ равишда ҳамда бевосита юқори бошлиқлар коллегиясининг берган баҳоларига қараб ҳарбий лавозим даражасини изчиллик билан ўтиши жорий қилинсин.

Офицерлар корпусини унга доғ тушираётган, сўнгги вақтларда солдатлар оммасининг хизмат вазифаларидан бўйини

* Жон Ридда сўнгги моддалар қисқартирилган шаклда, бузуқ таҳрирда келтирилган. Бундан ташқари, барча резолюция «Business men» «Савдо-саноат арбоблари кенгаши» ники деб талқин қилинади.— *Ред.*

товлашга ва уларни бажармасликка қаратилган барча ҳаракатларида қатнашаётган унсурлардан тозалаш ўтказилсин. Бу ишни виждон судларини тиклаш йўли билан амалга ошириш мумкин.

Россия қуролли кучларининг жанговарлик қобилиятини тиклаш учун жуда зарур бўлган муассаса сифатида армия ва флот офицерлар союзи кенг кўламда тиклансин ҳамда бу союзларга давлат муассасалари ҳуқуқи берилсин деб топилсин.

Муваққат ҳукумат масъулиятсиз ва ўзбошимча ташкилотларнинг таъсири билан ҳақсиз равишда армия сафидан ҳайдалган барча генерал ва офицерларнинг яна армияга қайтишига имкон туғдирадиган тадбирларни амалга оширсин».

II БОБГА

1

Корнилов исёни воқеаси менинг «Корниловдан Брестгача» номли кейинги китобимда мукаммал баён этилади. Корниловнинг бош кўтаришига имкон туғдирган аҳволга Керенскийнинг нақадар жавобгар экани ҳали тўла аниқланмаган. Керенскийнинг кўп ҳомийлари Керенский Корниловнинг ниятларини биларди ва найранг қилиб, бемаҳал бош кўтаришига сабабчи бўлган, сўнгра эса уни барбод қилган, деб даъво қиладилар. Айни вақтда А. Ж. Сак ўзининг «Россияда демократиянинг туғилиши» деган китобда шундай деб ёзади:

«Баъзи бир ҳолатлар... деярли аниқ. Биринчидан, Керенский бир неча отряднинг фронтдан Петроградга қараб юриш қилганидан хабардор бўлган, иккинчидан, большевистик хавфнинг ўсаётганини назарда тутиб, министрлар советининг раиси ва ҳарбий министр сифатида уларни ўзи чақиртирган бўлиши эҳтимолдан холи эмас...»

Бу муҳокамадаги бирдан-бир хато шундан иборатки, у вақтда ҳеч қандай «большевистик хавф» йўқ эди: большевиклар Советларда анча озчиликни ташкил этардилар, уларнинг йўлбошчилари эса тюрьмаларда ўтирар ёки яширинган эдилар.

2

ДЕМОКРАТИК КЕНГАШ

Керенскийга биринчи марта Демократик кенгаш чақиришни таклиф қилганларида, у ўз ифодаси билан айтганда, «мамлакатдаги барча жонли кучларни»— барча миллат вакилларини, жумладан, банкирларни ҳам, завод эгаларини ҳам, помешчикларни ҳам, кадетлар партиясининг вакилларини ҳам тўплаш ғоясини майдонга отди. Аммо Совет бунга кўнмади ва

қуйидагича ваколат нормасини ишлаб чиқиб, Керенскийдан маъқуллатди:

Бутун Россия ишчи ва солдат депутатлари Советларидан—100 делегат,
Бутун Россия деҳқон депутатлари Советидан — 100 делегат,
Ишчи ва солдат депутатлари губерния Советларидан — 50 делегат.
Деҳқон ер комитетларидан — 50 делегат,
Касаба союзларидан — 100 делегат,
Фронт армия комитетларидан — 84 делегат,
Ишчи-деҳқон кооперативларидан — 150 делегат,
Темир йўлчилар союзларидан — 20 делегат,
Почта-телеграф хизматчилари союзидан — 10 делегат,
Савдо-саноат хизматчилари союзидан — 20 делегат,
Эркин касб аҳлларидан (врачлар, адвокатлар, журналистлар ва шу сингарилардан) —15 делегат,
Вилоят земстволаридан — 50 делегат,
Миллий ташкилотлардан (Польша, Украина ва шу сингарилардан)— 59 делегат.

Бу лойиҳа икки ёки уч марта кўрилиб, қайтадан ишлаб чиқилди. Ўринлар охирги марта шундай тақсимланди:

Бутун Россия ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларидан — 300 делегат.
Кооперативлардан — 300 делегат,
Шаҳар бошқармаларидан — 300 делегат,
Фронт армия комитетларидан — 150 делегат,
Вилоятлардаги земстволардан — 150 делегат,
Касаба союзларидан — 200 делегат,
Миллий ташкилотлардан— 100 делегат,
Турли майда группалардан — 200 делегат.

3

СОВЕТЛАРНИНГ МИССИЯСИ ТУГАДИ

1917 йил 28(15) сентябрда МИКнинг органи «Известия» мақола босиб чиқарди, унда сўнгги министрлик ҳақида қуйидагилар айтилган:

«Ниҳоят, рус халқи барча синфларнинг иродаси билан туғилган ҳақиқий демократик ҳукумат,— бўлажак озод парламентли тузумнинг биринчи хомаки шакли бўлган ҳукумат барпо бўлди. Унинг истиқболида асосий қонунлар билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал этувчи ва бу қонунларни максимал демократик руҳда тузувчи Таъсис мажлиси турибди. Советлар ўз миссиясини ўтаб бўла ёзди, эндиликда уларнинг революцион аппаратнинг бошқа органлари билан бирликда озод ва ғолибона халқнинг сиёсий жабҳасидан

кетадиган вақти яқинлашиб қолди. Бу халқ бундан сўнг фақат осойишта воситалардангина фойдаланади».

«Известия»нинг 25(12) октябрдаги бош мақоласига «Совет ташкилотлари кризисда» деб сарлавҳа қўйилган эди. Бу бош мақола «вилоятлардан келганларнинг ҳаммаси, хусусан узоқроқ жойлардан келганлар...» Советларнинг фаолияти ҳамма жойда бўшашиб кетди деб айтмоқдалар, деган сўзлар билан бошланган эди. «Бу эса табиийдир,— деб давом қилади мақола эгаси,— чунки халқ доимийроқ характерда бўлган қонуний муассасаларга — шаҳар думалари ва земстволаргагина қизиқсинган».

«Аммо Советлар ташкилоти жуда яхши йўлга қўйилган энг йирик марказлар бўлган Петроград ва Москвада ҳам Советлар ҳали барча демократияни бирлаштирган эмас. Советларда кўп сонли зиёлилар синфи, ҳатто ишчиларнинг ҳаммаси ҳам иштирок этмайди: баъзилари ўзларининг сиёсий қолоқликлари жиҳатидан, бошқалари, аксинча, ишнинг оғирлик марказини нуқул касаба ташкилотларига кўчирганликларидан катнашмайдилар. Бу ташкилотларнинг омма билан яқиндан боғланганлигини ва уларнинг кундалик эҳтиёжларини яхши қондириб келганлигини инкор этиб бўлмайди.

Маҳаллий бошқарманинг мустаҳкам демократик формалари аста-секин қарор топаётгани жуда катта аҳамиятга эгадир. Умумий сайлов ҳуқуқи асосида сайланган шаҳар бошқармалари соф маҳаллий масалаларда Советларга қараганда катта нуфузга эгадир. Ҳеч бир демократ бунда ўринсиз нарсани кўрмайди, чунки шаҳар думасига сайловлар яхшироқ, мукаммалроқ, энг муҳими эса, Советларга сайловларга қараганда демократроқ сайлов қонуни билан ўтказилади. Маҳаллий бошқарма органлари ўз ишларини эплаб кетаётганликлари ва маҳаллаларда турмушни йўлга қўяётганликлари сабабли маҳаллий Советларнинг роли, табиий, ўз-ўзидан пасайиб қолмоқда...

Совет ташкилотларининг тушкунликка учраши икки нарса билан айбланади: бунга, биринчидан, сиёсий ишларга қизиқиш пасайиб кетгани, иккинчидан, янги озод Россиянинг барча давлат ва ижтимоий қурилиши сабабчидир.

Бу қурилиш тез кетган сари, Советларнинг аҳамияти ҳам, табиий суратда, шу қадар тез пасаяди... Биз ўз ташкилотларимизнинг гўркови бўлиб қоламиз. Биз янги давлат тузумини барпо этишда фаол иштирокчимиз. Самодержавие ва у билан бирликда бутун бюрократик тартиб қулаб тушганда, биз барча демократияга бошпана бўла оладиган вақтинча бошпана сифатида депутатлар Советини тузган эдик. Эндиликда бошпаналар ўрнига янги тузумнинг доимий ғиштин бинолари қурилмоқда ва, табиийдирки, қават-қават иморатлар битган сари одамлар капалардан чиқиб, секин-аста шинам бинoларга кўчиб ўтмоқдалар».

«РЕСПУБЛИКА СОВЕТИНИНГ КЕЧАГИ МАЖЛИСИДАН ЧИҚИБ КЕТИШДАН ОЛДИН БОЛЬШЕВИКЛАР ФРАКЦИЯСИНИНГ ЎҚИБ ЭШИТТИРГАН ДЕКЛАРАЦИЯСИ*

Ишчи ва Солдат Депутатлари Советлари МИК томонидан чақирилган Демократик Кенгашининг расман изҳор қилинган мақсади корниловчиликни озиқлантирган масъулиятсиз шахсий режимни бекор қилишдан ҳамда урушни тугатишга қодир бўлган ва тайинланган муддатда Таъсис мажлисининг чақирилишини таъминлайдиган ҳисобдор ҳокимиятни барпо этишдан иборат эди.

Ҳолбуки Демократик Кенгашдан беркитиб жаноб Керенский кадетлар, эсерлар йўлбошчилари ва меньшевиклар билан зимдан тил бириктириб, расман изҳор қилинган мақсадларга тамомила зид бўлган натижаларга эришилган.

Шундай ҳокимият барпо этилганки, унда ва унинг атрофида ошкора ва яширин корниловчилар раҳбарлик ролини ўйнайдилар. Бу ҳокимиятнинг масъулиятсизлиги энди тасдиқланган ва расман эълон қилинган.

«Россия Республика Совети» маслаҳат овозига молик муассаса деб эълон қилинган; революциянинг саккизинчи ойида масъулиятсиз ҳокимият Булигин думасининг янги нашридан ўзига ниқоб ясади.

Муваққат Советга мулк цензларига эга бўлган унсурлар шу қадар кўп кирганки, бутун мамлакатдаги сайловларнинг натижасига қараганда, уларнинг бунга ҳеч қандай ҳақлари йўқ. Шунга қарамасдан, кадетлар партияси цензли буржуазия фойдаси учун сохталаштирилган парламент олдида ҳам ҳокимиятнинг масъулиятсиз бўлиши учун ҳаракат қилди ва шунга эришди ҳам.

Кечагина Муваққат ҳукуматнинг жаноб Родзянко Думасига қарам бўлишини талаб қилган кадетлар партияси Муваққат ҳукуматнинг Республика Советидан мустақил бўлишига эришди.

Мулк цензларига эга бўлган унсурлар Таъсис мажлисида Муваққат Советдагига қараганда анча камроқ ва ноқулайроқ вазият ишғол қиладилар. Таъсис мажлиси олдида ҳокимият масъулиятсиз бўлиши мумкин эмас. Агар мулк цензига эга бўлган унсурлар Таъсис мажлисига, ҳақиқатда бир ярим ой кейин тайёргарлик кўрганларида эди, ҳозир уларнинг масъулиятсиз ҳокимият талаб қилиш учун ҳеч қандай далиллари бўлмасди. Ҳамма гап шундаки, Муваққат ҳукуматнинг сиёсатини бошқарувчи буржуа синфлар Таъсис мажлисини *бар-*

---

* Жон Ридда бу декларацияга: «Республика Советида Троцкий нутқи» деб сарлавҳа қўйилган. Декларацияни Л. Д. Троцкий 1917 йил 7 (20) октябрда ўқиб эшиттирган.— *Ред.*

бод этишни ўзларига мақсад қилиб олдилар. Бу ҳозир мулк цензига эга бўлган унсурларнинг асосий вазифаси бўлиб, уларнинг барча ички ва ташқи сиёсатлари шунга бўйсундирилган.

Саноатда, аграр ва озиқ-овқат соҳаларида ҳукумат ва мулкдор синфларнинг сиёсати уруш туфайли вужудга келган табиий вайронгарчилкни янада чуқурлаштиради. Деҳқонлар қўзғолонининг чиқишига сабабчи бўлган цензли синфлар энди бу қўзғолонни бостиришга уринмоқдалар ва революцияни, биринчи навбатда, Таъсис мажлисини бўғиши лозим бўлган очарчиликка очиқдан-очиқ умид боғлаганлар.

Буржуазия ва унинг ҳукуматининг ташқи сиёсати бундан ҳам баттарроқ жиноятқорона сиёсатдир.

Қирқ ой давом этган урушдан сўнг пойтахт ўлим хавфи остида қолди. Бунга жавобан ҳукуматни Москвага кўчириш плани илгари сурилмоқда. Революцион пойтахтни немис қўшинларига таслим этиш тўғрисидаги фикр буржуа синфларни ҳеч бир нафратлантирмайди, аксинча, бу планни, ўзларининг контрреволюцион фитналарини енгиллаштиришга ёрдам берадиган умумий сиёсатларининг табиий бир бўғини тарзида мақбул топмоқдалар.

Муваққат ҳукумат, мамлакатни халос этиш сулҳ тузишдан иборат эканига иқрор бўлиш ўрнига, ҳамма империалистик давлатлар ва дипломатик маҳкамаларни четлаб, барча ҳолдан тойган халқларга дарҳол сулҳ таклиф қилиш, шу йўл билан, урушни яна давом эттиришни ҳақиқатан йўққа чиқариш ўрнига, кадет контрреволюционерлар ва иттифоқчи ҳукумат империалистларининг кўрсатмасига амал қилиб, фалокатли уруш бўйинтуруғини маъносиз, заминсиз ва плансиз равишда тортиб келмоқда, юз минглаб солдат ва матросларни ҳалокатга маҳкум этмоқда, Петроградни таслим қилишга ва революцияни бўғишга замин ҳозирлаб бермоқда. Солдат ва матрослар — большевиклар ўзгаларнинг хато ва жиноятлари натижасида бошқа солдат ва матрослар билан бирликда маҳв бўлаётган бир вақтда Олий Қумондонлик большевистик матбуотни тор-мор қилишда давом этмоқда...

Муваққат Советдаги раҳбар партиялар бу сиёсат учун кўнгилли ниқоб хизматини ўтайдилар.

Биз, социал-демократ большевиклар фракцияси билдирамизки, халққа хиёнат қилган бу ҳукумат билан ва *контрреволюцияга йўл очиб берувчи бу Совет билан** бизнинг хеч қандай муносабатимиз йўқ. Расмий пардалар орқасида халққа қарши қилинаётган ишларни биз бир кун бўлса-да, ҳеч бир хас пўшлай олмаймиз.

Революция хавф остида! Вильгелмнинг қўшини Петроградга таҳдид қилиб турган бир пайтда, Керенский — Коновалов ҳу-

---

* Курсив билан терилган сўзлар Жон Ридда йўқ.— *Ред.*

кумати Москвани контрреволюция таянчига айлантирмоқ учун Петроградцан қочишга тайёрланмоқда.

Биз Москва ишчи ва солдатларини ҳушёрликка чақирамиз!

Биз Муваққат Советни ташлаб чиқар эканмиз, Бутун Россия ишчи, солдат ва деҳқонларини ҳушёрликка ва мардлик кўрсатишга чақирамиз.

Петроград хавф остида! Революция хавф остида! Халқ хавф остида!

Ҳукумат бу хавфни чуқурлаштирмоқда. Раҳбар партиялар бунга ёрдам қилмоқдалар.

Фақат халқнинг ўзигина ўзини ва мамлакатни халос эта олади. Биз халққа мурожаат қиламиз.

Барча ҳокимият Советларга!

Барча ер халққа!

Яшасин ошиғич ва ҳалоллик билан тузиладиган демократик сулҳ!

Яшасин Таъсис мажлиси!»

5

СКОБЕЛЕВГА «НАКАЗ»

(Кўчирма)

Бу Наказ МИК томонидан маъқулланиб, Россия революцион демократиясининг делегати бўлган Скобелевга Париж конференциясида қатнашиш учун қўлланма сифатида топширилган.

«ПАРИЖ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА ҚАТНАШИШ УЧУН САЙЛАНГАН МИК ДЕЛЕГАТИГА ҚЎЛЛАНМА

*Янги шартнома уруш мақсадлари масаласи бобида ошкор бўлиши лозим**. Шартнома «миллатларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш ҳуқуқи асосида «аннексиясиз ва контрибуциясиз сулҳ»принципида тузилиши лозим.

Территория масалалари

1. Сулҳнинг асосий шартларидан бири немис қўшинларини улар ишғол қилган Россия областларидан олиб чиқиб кетишдан иборатдир. Польша, Литва ва Латвияга ўз тақдирини ўзлари белгилашда Россия тўла ҳуқуқ беради.

2. Туркия Арманистони тўла автономия олади, у ерда маҳаллий ҳокимият ўрнатилганидан ва халқаро гарантия вужудга келтирилганидан кейин ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳам олади.

3. Эльзас-Лотарингия масаласи Эльзас-лотарингия аҳолисидан сўраш асосида, тўла эркин овоз бериш шарти билан ҳал қилиниши лозим. Ҳар иккала коалиция провинциядан қўшин-

* Курсив билан терилган сўзлар Жон Ридда йўқ.— *Ред.*

ларини олиб чиқиб кетганидан кейин маҳаллий бошқармалар аҳолидан сўрашни ташкил этишлари лозим.

4. Белгиянинг аввалги чегараларини тиклаш лозим. Зарарларни халқаро фонд ҳисобидан қоплаш лозим.

5. Сербия ва Черногория тикланишлари ва интернационал кўмак фондидан моддий ёрдам олишлари лозим. Сербия Адриатик денгизига молик бўлиши зарур. Боснияга ва Герцеговинага автономия берилсин.

6. Болқондаги жанжалли областларга муваққат автономия берилиши керак, кейинчалик улар ўз тақдирларини умум халқ овози бериш билан ҳал қилсинлар.

7. Руминиянинг аввалги чегаралари тиклансин, Добруджияга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи берилсин, Добруджия дарҳол муваққат автономия олсин. Берлин битимининг яҳудийлар масаласидаги қарорини Руминия дарҳол амалга оширишга мажбур қилинсин ва яҳудийларни Руминия граждан-лари билан тенг ҳуқуқли деб эътироф этилсин.

8. Австриянинг Итальян областларида автономия жорий қилинсин, қайси давлатга мансублик масаласи умумхалқ овози бериш йўли билан ҳал қилинсин.

9. Германия мустамлакалари ўзига қайтариб берилсин.

10. Греция ва Эрон тикланади.

Денгизлар эркинлиги

Ички денгизларга тушадиган бўғозлар, жумладан, Сувайш ва Панама каналлари бетараф деб ҳисобланади. Савдо-сотиқ пароходчилиги эркин деб эълон қилинади. Пароходларни қуроллантириш ҳуқуқи бекор қилинади. Савдо кемаларига сув остидан ҳужум қилиш тақиқланади.

Контрибуция

Барча урушувчи томонлар ҳамма чиқимларни тўғри ёки яширин равишда қоплаш (асир сақлаш) талабларидан воз кечадилар. Уруш вақтида ундириб олинган контрибуциялар қайтариб берилади.

Иқтисодий шартлар

Савдо шартномалари сулҳ шартларининг таркибий бир қисми эмасдир. Ҳар бир томон ўз савдо-сотиқ сиёсатида мустақилдир. Сулҳ шартномаси тузишда унга бирор шартнома тузиш ёки тузмасликни мажбур қилиб бўлмайди. Аммо ҳамма давлатлар сулҳ шартномасида урушдан сўнг иқтисодий блокада олиб бормаслик мажбуриятини оладилар. Сепаратив таможна иттифоқи тузилмасин ва истисносиз барча давлатларга имтиёзли миллат ҳуқуқи берилсин.

Сулҳ гарантиялари

Сулҳ халқ вакиллари органлари томонидан сайланган вакиллар орқали тинчлик конгрессида тузилади. Сулҳ шартлари парламент томонидан тасдиқланади.

Махфий дипломатия бекор қилинади: ҳамма махфий шартномалар тузмасликка ваъда беради. Бундай шартномалар халқаро ҳуқуққа зид деб эълон қилинади ва ҳақиқий эмас деб топилади. Шартномаларни парламентлар тасдиқламагунча улар ҳақиқий кучга кирмайди.

Қуруқликда ва денгизда секин-аста қуролсизланиш ва милиция системасига ўтиш жорий қилинади.

Вильсон томонидан таклиф этилган «дунё иттифоқи» қуйидаги шартлар билангина халқаро ҳуқуқнинг қийматли ютуғи бўлиб қола олади: 1) бунда бутун давлатлар албатта тенг ҳуқуқ билан иштирок этсалар; 2) юқорида айтилгандек, ташқи сиёсат демократлаштирилса.

Сулҳ тузиш йўллари

Урушнинг мақсадлари нақадар аниқ ифода қилинган бўлмасин, шартномада иттифоқчиларнинг сулҳ музокараларини бошлаб юборишга тайёрликлари кўрсатилиши ва эълон қилиниши лозим. Шу шарт биланки, ҳамма томонлар ҳар қандай босқинчиликдан воз кечганлари ва душман томон сулҳ музокаралари бошлашга рози бўлган тақдирдагина сулҳ музокараларини бошлаш мумкин.

Иттифоқчи давлатлар конгрессда барча бетараф давлатлар қатнашмагунча сулҳ тўғрисида махфий музокаралар бошламасликка ва сулҳ тузмасликка ваъда берадилар.

Бундан ташқари, делегатга қуйидаги йўл-йўриқлар берилади:

Стокгольм социалистик конференциясини чақиришга қилинадиган тўсқинликлар бартараф қилиниши, хусусан бу конференцияда қатнашишга розилик билдирган барча партия ва фракцияларнинг делегатларига паспортлар берилиши лозим».

(Деҳқон Советлари ижроия комитети ҳам ўз наказини тузиб чиқди. Бу наказ юқорида келтирилгандан фақат баъзи бир тафсилотлари билан фарқ қилади).

6

РОССИЯ ҲИСОБИГА СУЛҲ

Франциянинг Австрияга қилган, Рибо томонидан фош этилган сулҳ таклифи; 1917 йил ёзида, бу мамлакатлардаги барча йирик молиячиларнинг манфаатларини кўзда тутувчи барча урушувчи томонларнинг вакиллари иштирокида Бернда, Швецарияда чақирилган «Сулҳ конференцияси» деб аталувчи конференция: ва бир инглиз агентининг Болгария черковлари

пешволари билан алоқа бошлашга уриниши ҳар иккала урушувчи коалицияда Россия ҳисобига сулҳ тузишга интилиш каби кучли оқим борлигини кўрсатувчи бир фактдир. Мен ўзимнинг «Корниловдан Брестгача» деган кейинги китобимда бу масалани анча мукаммал баён этаман ва Петроградда ташқи ишлар министрлигида топилган шунга доир бир неча махфий ҳужжатларни эълон этарман, деб умид қиламан.

7

РУС СОЛДАТЛАРИ ФРАНЦИЯДА. «ҲУКУМАТ АХБОРОТИ*

Рўй берган революция ҳақида хабар етиши билан Парижда рус тилида энг сўл оқимда бўлган бир неча газеталар чиқди. Бу газеталар, шунингдек айрим шахслар солдатлар оммаси орасига эркин кириш ҳуқуқидан фойдаланиб, улар орасида большевистик пропаганда юргиза бошладилар, француз газеталаридаги чала-чулпа телеграммалардан фойдаланиб, аксари нотўғри ахборот бера бошладилар. Расмий ахборотлар ва йўл-йўриқлар йўқлиги туфайли бу гапларнинг ҳаммаси солдатлар орасида ҳаяжон кўтарилишига сабаб бўлди. Бу вазият тезлик билан Россияга қайтиб кетиш истагининг туғулиши ва офицерларга нисбатан ёппасига душманлик билан қарашларда ифодаланди. Ҳарбий министр Керенскийнинг топшириғига биноан, эмигрант Рапп 18 майда қўшинлар орасига бориб, айрим қисмларни кўздан кечириб, уларда 213 сонли буйруққа мувофиқ янги ташкилотлар юзага келтирди. Бироқ ҳаяжон босилмади. Солдатлар оммасига биринчи полк ижроия комитети раҳбарлик қилар, у ленинча оқимда бюллетень чиқара бошлаган эди. 18 июнда солдатларнинг хоҳишига биноан турли қишлоқлардаги қўшин Лакуртин лагерига тўпланди, бу ерда митинг қилинди, бунда 1-полк ва унинг катталари раҳбарликни қўлга киритмоқчи бўлдилар, энг онгли ва билимдон солдатлардан эндигина тузилган отряд комитети, қўлидан келганча, биринчи полкнинг бузғунчилик ишларини даф қилишга уринди, солдатлар орасидаги ҳаяжонни тинчитиб, уларни армияда жорий қилинган демократик асосларда муътадил ҳаёт кечиришга чақирди. Биринчи полк раҳбарлари отряд комитетининг таъсири зўрайиб кетаётганидан хавотирланиб, 23 дан 24 га ўтар кечаси митинг чақирдилар, бу митингда 1-полкдан ташқари бутун 2-полк ва 5 ҳамда 6-полкларнинг баъзи бир қисмлари иштирок этдилар. Бу митингда, гарчи сайланганига атиги икки ҳафта бўлишига қарамай, отряд комитети бекор қилинди, деб эълон этилди. Шу билан бир вақтда дивизия бошлиғининг машғулотга чиқиш тўғрисидаги буйруқлари 1-бригада солдатлари томонидан бажарилмади. Бу бригада томонидан чиқарилган хитобномада, машғулотнинг фойдаси йўқ,

* Жон Ридда бу ахборот қисқартирилиб ва текстдан бирмунча бошқачароқ шаклда келтирилган. Биз уни мукаммал келтирамиз.— *Ред.*

чунки урушмасликка қарор қилинган, дейилган эди. Бу вақтда 1 ва 2-бригадалар ўртасидаги душманлик муносабатлари катта жанжал туғдириш хавфи бор эди. 2-бригада солдатлари исёнчи биринчи бригададан бизларни ажратиб қўйинглар, бўлмаса лагерни ташлаб кетамиз, деб қўрқитдилар.

Шу сабабдан лагерга ҳарбий министр вакили Рапп билан бирликда келган генерал Занкевич, Рапп билан келишиб, сўзсиз Муваққат ҳукуматга итоат қилувчи солдатлар асбоб-анжомларини ўзлари билан олиб, Лакуртин лагерни ташлаб чиқиб кетсинлар, деган буйруқ берилди. 25 июнда бу буйруқ бажарилди. Лагерда Муваққат ҳукуматга «фақат шартли» итоат қилувчи солдатларгина қолди. Солдатларнинг офицерларга нисбатан бўлган ҳаддан ташқари нафрати куч ишлатишгача етганидан, генерал Занкевич офицерларни Лакуртиндан чиқариб юборишга, хўжалик қисмини таъминлаш учун бир неча одам қолдиришга мажбур бўлди. Ҳарбий министр вакили гражданин Раппнинг ташаббуси билан Лакуртин лагеридаги солдатларга таъсир кўрсатиш учун у билан бирликда кўп марта сиёсий эмигрантлар келди, аммо уларнинг ҳаракатлари ҳаммаси беҳуда кетди. Комиссар бўлиб тайинланган гражданин Рапп буйруқ чиқарди. Унда Муваққат ҳукуматга дарҳол ва сўзсиз итоат қилишга мажбур этди. 22 июлда комиссар Рапп ишчи, солдат ва деҳқонлар Совети ижроия комитетининг Париж орқали келган вакиллари Русанов, Гольденберг, Эрлих ва Смирновга ҳамроҳ бўлиб, исёнчиларга яна бир карра таъсир кўрсатиш мақсадида Лакуртинга келди. Бироқ бу ҳаракатларнинг ҳам ҳеч қандай натижаси бўлмади. Ишчи, солдат, деҳқонлар Совети вакиллари ҳам очиқдан-очиқ душманлик билан қаршиландилар. Шунингдек муваққат ҳукуматнинг вақтинча Францияда турувчи комиссари Сватиковнинг ҳам Лакуртинга бориши ҳам самарасиз бўлди. Муваққат ҳукуматдан, Франциядаги рус қўшинлари Россияга қайтарилмайди, шунингдек, қурол кучи билан бўлсада исёнчи солдатларни итоат қилдириш керак деган қатъий талаб бўлишига қарамай, исёнчиларни ишонтириш йўлида комиссарнинг ва бизнинг сиёсий эмигрантларнинг кўп марта уринишлари самарасиз қолгандан кейин, генерал Занкевич исёнчи солдатлардан қурол-яроқни ташлашни ва итоат қилганлик ишораси сифатида саф бўлиб, Клораво деган жойга чиқишни талаб қилди. Аммо бу талаб тўла бажарилмади: бошда 500 кишича чиқди, улардан 22 солдат қамоққа олинди. Сўнгра 24 соатдан кейин яна 6000 ча киши чиқди. Қолган 2000 ча киши топширишни истамаган қурол-яроқларини сақлаш учун жўрттага қолдирилди.

Генералнинг ўша вақтдаёқ, лагерга қайтиш билан қурол-яроқлар топширилсин, деган буйруғига исёнчилар розилик билдирдилар, аммо бу буйруқни улар бажармадилар. Қурол-яроқларни ораларига, шубҳасиз, иғвогар унсурлар суқулиб

кирган интизомсиз оломон қўлида қолдириш жуда ҳам хавфли эди. Қурол-яроқни топшириш бу оломонни тартибга солиш учун асосий шарт эди. Шундай шароит ичида ва Муваққат ҳукуматга содиқ қолган қўшин қисмларида аҳвол руҳиянинг бир қадар чалғиб турганини назарда тутиб, исёнчиларни тартибга солиш учун улардан қуролли куч сифатида фойдаланиш имкони шубҳали бўлгани туфайли, узоқ муддатли тазйиқ кўрсатиш чорасини қўллашга қарор берилди: исёнчиларга бериладиган озиқ-овқат миқдори камайтирилди, пул тўлаш тўхтатилди, лагердан қўшни Оккуртин шаҳрига чиқиш йўлига француз соқчилари қўйилди. Бу чоралар исёнчиларнинг кўпчилигида руҳий тушкунлик туғдирди, аммо айни вақтда омманинг орқасига беркинмоқчи ва ўз масъулиятини шу оммага юкламоқчи бўлган йўлбошчиларнинг уларга бўлган таъсири кучайди. Шу билан бир вақтда исёнчи солдатлар француз қўшинидаги мансабдорлар устидан куч ишлата бошладилар. Чунончи, исёнчи солдатлар бир француз офицери билан икки француз унтер-офицерини олти соат қамоқда ушлаб турганлар. Булар француз комендантининг буйруғига биноан лагерда бош қўмондонликнинг телеграммасини ёпиштириб юрган эканлар. 9 августда генерал Занкевич қурол-яроқ ташлашга исёнчи солдатларни сўнгги марта кўндириш учун Лакуртин лагерига борди. Аммо унинг рота комитетларидан вакиллар чақириш тўғрисидаги буйруғига лагердан, бу талабни бажармаймиз, деган жавоб олинди. Интизоми жуда яхши бўлган артиллерия бригадасининг Франция орқали келаётгани тўғрисида маълумот олган генерал Занкевич комиссар Рапп билан келишиб исёнчи солдатларни қурол кучи билан итоатга келтириш учун бу қисмдан фойдаланишга қарор берди; командирга юқорида айтиб ўтилган артиллерия бригадаси ва пиёда аскар дивизияси қисмларидан тузилган қўшма отряд ташкил этиш ва унга қўмондонлик қилиш вазифаси юкланди.

27 августда Лакуртин лагеридаги солдатларга Муваққат ҳукуматнинг, бизнинг қўшинларимизни Франциядан чақириб олиш тўғрисидаги буйруғи ўқиб эшиттирилди, бироқ, шундан кейин ҳам, исёнчилар қурол-яроқ топширишга қаттиқ қаршилик билдирдилар. Артиллеристларнинг илтимосига биноан исёнчи солдатлар олдига юбориш учун улардан бир неча вакил ажратилди. Бу вакиллар, бир неча кундан кейин, музокараларнинг фойдасиз эканлигини билиб, қайтиб келдилар. Пиёда аскарлар дивизиясидан юборилган вакилларнинг исёнчиларга қилган насиҳатлари ҳам бефойда бўлди. Исёнчи лагерга 1 сентябрь кечқурунга бориб, озиқ-овқат етказиб бериш тўхтатилди, бироқ бу чора фақат маънавий характерга эга эди, чунки исёнчилар ихтиёрида анчагина озиқ-овқат запаси бор эди; қўшин белгиланган позицияни ишғол қилди. Ўша куниёқ Лакуртин лагери комитети аъзоларига ва исёнчи сол-

датлар оммасига, исёнчилар қурол-яроқларини топширсинлар, агар 1 сентябрь эрталаб соат 10 гача буйруқ бажарилмаса, тўплардан ўт очилади, деган таҳдид билан генерал Занкевичнинг қатъий буйруғи топширилди. Бир неча марта огоҳлантирилгандан кейин, 3 сентябрь эрталаб соат 10 да лагерга қараб ўт очилди ва ўн саккизта тўп ўқи тушди, тўп ўқи отиш яна кучайтирилади деб исёнчилар огоҳлантирилди. Шу сабабдан 3 сентябрдан 4 сентябрга ўтар кечаси 160 чоғлиқ одам таслим бўлди, 4 сентябрда лагерь яна тўпга тутилди. Эрталаб соат 11 да, ўттиз тўп ўқи отилганидан кейин исёнчилар иккита оқ байроқ кўтариб, лагердан қурол-яроқсиз чиқиб кела бошладилар. Кечга бориб, чиқиб келганларнинг сони 8300 га етди. Уларни француз қўшинлари қабул этдилар. Ўша куни бошқа тўп отилмади. Лагерда қолган 150 киши кечга бориб пулемётдан қаттиқ ўт очдилар. Ярадорларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун лагерга кечқурун бир врач билан тўрт фельдшер юборилди. 5 сентябрда ишни бир ёқли қилиш мақсадида лагерь зўр бериб тўпга тутилди, бизнинг қисмларимиз лагерни секин-аста ишғол қилдилар. Исёнчилар пулемётдан ўт очиб, қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. 6 сентябрь соат 9 га бориб лагерь батамом эгалланди. Лагердан чиққанларнинг рўйхатида ҳаммаси бўлиб 8515 солдат бор эди. Бизнинг қисмларимиздан 1 киши ўлди, 5 киши ярадор бўлди. Исёнчилардан 8 киши ўлди, 44 киши ярадор бўлди. Французлар орасида 2 киши тасодифан қурбон бўлди: бири ўлди, иккинчиси ярадор бўлди; уларнинг иккови ҳам йўлдан адашган почтальонлар бўлиб, исёнчиларнинг ўқи тушаётган жойга дуч келиб қолишган эди. Шундай қилиб, куртин исёни французқўшинларининг ҳеч қандай актив иштирокисиз ўз қўшинларимиз томонидан тугатилди. Исёнчиларни қуролсизлантириш вақтида, 81 киши қамоққа олинди. Маҳбусларни бошқа исёнчилардан ажратиш учун алоҳида қуролсиз марш роталари тузилди; хусусан нотинч унсурлардан иборат икки рота ажратилиб, бири Бурд-Лаотига, бошқаси Ильд-Эксга жўнатилди. Қолганлари эса гуноҳкорлик ва жавобгарлик даражаларини аниқлаш учун лагерда олиб қолинди. Муваққат ҳукумат раисининг буйруғи билан ҳарбий комиссар томонидан махсус тергов комиссияси тузилди».

Шундан сўнг ғолиблар 200 дан ошиқ қўзғолончини бафуржа отиб ташладилар.

8

ТЕРЕШЧЕНКО НУТҚИ

(Кўчирма)

...Мудофаа ва ташқи сиёсат масалалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир... Шу тариқа агар миллий мудофаа масаласини сизлар ёпиқ эшиклар орқасида муҳокама қилмоқни

зарур деб ҳисобласангиз, у вақтда ташқи сиёсат масалаларида биз ҳам гоҳо шундай махфийлик сақлашимиз керак бўлади...

Герман дипломатиясининг иши очиқдан-очиқ офкор оммага таъсир қилиш йўлидан бормоқда... Шу сабабдан революцион конвент рўй бериши эҳтимоли борлиги ёки яқинлашиб қолганлиги ҳамда қишки уруш кампаниясининг имконсиз эканлиги тўғрисида гапирувчи йирик демократик ташкилот раҳбарларининг баёнотлари жуда ҳам хавфли баёнотлардир... Бундай баёнотлар одамларнинг хунига баробар туради.

Мен фақат давлат манфаати нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ келган гапни, яъни давлатимизнинг шаъни ва қадриқиммати масаласини батамом бир чеккага қўйиб туриб гапирмоқни истайман. Россиянинг халқаро сиёсатига мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан қаралса, бу сиёсат Россиянинг давлат манфаатларини тўғри тушунишга амал қилиб иш кўриши лозим... Бу манфаатлар бизнинг ватанимизнинг яккаёлғиз қолиши мумкин эмаслигини кўрсатади ҳамда ҳозирги вақтда вужудга келган кучлар группировкаси биз учун айни муддаодир... Бутун инсоният сулҳга чанқоқ, аммо Россияда унинг учун хўрлик бўлган ва ватанимизнинг давлат манфаатларига зиён етказадиган сулҳга ҳеч ким йўл қўя олмайди...»

Нотиқнинг кўрсатишича, бу хилдаги сулҳ узоқ йиллар ва балки асрлар давомида бутун дунёда демократик принципларнинг тантанасига тўсқинлик қилган ва муқаррар равишда янги урушлар чиқишига сабабчи бўлган бўлур эди.

«Апрель ва май кунлари ҳамманинг эсида, бунда бизнинг фронтларда солдатларнинг бирodарлашуви ҳарбий ҳаракатларни жўнгина тўхтатиш йўли билан урушни тугатиш хавфини туғдирар ва мамлакатимизни машъум сепаратив сулҳ тузишгача элтар эди... Россия давлати урушни бу йўл билан тамомламаслиги ва ўз манфаатларини бу йўл билан таъмин этмаслигини фронтдаги солдатлар оммасига тушунтириш жуда амри маҳол бўлар эди...»

Сўнгра Терешченко июнь хуружининг на қадар ажойиб таъсир кўрсатгани, унинг чет элларда рус элчиларининг ҳар бир сўзига қандай салмоқ бергани, русларнинг ғалабаси Германияда қандай ноумидлик туғдиргани тўғрисида гапирди. Яна у рус қўшинининг мағлубияти иттифоқчи мамлакатларда қандай ноумидлик туғдиргани тўғрисида ҳам сўзлади.

«Россия ҳукумати хусусига келсак, у «Аннексиясиз ва контрибуциясиз сулҳ» деган апрель формуласига қаттиқ ёпишиб олган. Биз халқларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаш принципларини эълон қилишнигина зарур деб ҳисоблаймиз, балки империалистик мақсадлардан ҳам воз кечамиз...»

Германия муттасил сулҳ тузиш ҳаракатида. Германияда фақат сулҳ тўғрисидагина гапирадилар. Немислар ғалаба қила олмасликларини яхши биладилар.

«Мен Россиянинг ташқи сиёсати уруш мақсадлари тўғрисида етарли равишда аниқ бир нарса билдирмайди деб ҳукуматга қилинган бутун таъналарни рад этаман...

Агар иттифоқчилар қандай мақсадни кўзлайдилар, деган масала туғилса, у вақтда аввало, марказий давлатлар қандай мақсадларда келишдилар, деб сўрамоқ керак бўлади...

Иттифоқчилар ўртасидаги шартномаларни батафсил эълон қилиш тўғрисида биз кўпинча талаблар эшитиб қоламиз; аммо биз марказий давлатлар бир-бирлари билан ўзаро боғланган шартномаларни ҳозирга давр билмаслигимизни ҳамма унутади...»

Терешченко, Германия Россия билан Ғарб ўртасида бир неча майда заиф давлатлар вужудга келтириб, очиқдан-очиқ Россияни Ғарбдан ажратиб ташламоқчи, дейди.

«Биз Россиянинг энг ҳаётий манфаатларига зарба беришга уринувчи бу тенденцияга жуда қаттиқ эътибор беришимиз лозим...

Ажабо, ўз байроғига халқларнинг ўз тақдирига ўзлари хўжайин бўлиш ҳуқуқини ёзиб қўйган Россия демократияси наҳотки Австро-Венгрия томонидан энг маданий халқларни эзишга бундан кейин ҳам йўл қўя олса!

Уруш оғирликларининг энг кўп қисмини ўз устимизга олишга бизни мажбур этиш ва сулҳ масаласини бизнинг ҳисобимизга ҳал қилиш учун иттифоқчилар бизнинг қийин аҳволимиздан фойдаланиб қолмоқчилар, деб қўрқувчи кимсалар чуқур хато қиладилар... Бизнинг душманимиз Россияни ўз маҳсулотларини сотадиган бир бозор деб билади. Уруш тугалиши билан биз жуда заиф аҳволга тушиб қолган бўламиз; бизнинг чегараларимиз Германия товарларининг оқиб кириши учун очилиб қолар, бу эса саноатимизнинг ривожини узоқ йиллар тўхтатиб қўйган бўлар эди. Бундай аҳволга қарши кескин чоралар кўрмоқ керак бўлади...

Мен очиқдан-очиқ ва дангал айтаман: бизларни иттифоқчилар билан боғловчи кучлар нисбати Россиянинг манфаатлари учун *жуда қулай*. Шу сабабдан, уруш ва сулҳ масалаларидаги бизнинг фикрларимиз иттифоқчиларнинг ҳам шу масалалардаги нуқтаи назарига мумкин қадар аниқ ва равшан мос келиши лозимлиги жуда муҳимдир... Ҳар қандай англашилмовчиликларнинг олдини олиш учун мен тўғридан-тўғри айтаманки, Париж конференциясида Россия *якдиллик билан бир фикр* баён қилиши лозим...»

Нотиқ Скобелев наказини шарҳлаб ўтирмади, аммо у бунинг ўрнига яқиндагина герман-скандинавия комитетининг Стокгольмда эълон қилинган манифестини тилга олиб ўтди. Бу манифест Литва ва Латвия учун автономия талаб қилган эди; «Аммо, —деди Терешченко,— бу сира ҳам мумкин эмас, чунки Россия Болтиқ денгизида музламайдиган портларсиз иш кўра олмайди...

Бу моддада ташқи сиёсат масалалари ички сиёсат масалалари билан жуда яқиндан боғланади, чунки агар бутун улуғ Россиянинг бирлиги учун бизда чуқур ҳис мавжуд бўлганда эди, у вақтда биз турли халқларнинг марказий ҳукуматдан ажралиб кетиш истагини билдирувчи намойишларнинг ҳамма жойларда такрорланаётганига шоҳид бўлиб қолмас эдик... Бу каби сепаратизм Россиянинг манфаатларига зиддир, шу сабабдан рус делегатлари уни ҳимоя қила олмайдилар...»

9

БРИТАНИЯ ФЛОТИ (ва ҳоказо)

Рига қўлтиғида бўлган денгиз жанги вақтида большевикларгина эмас, балки Муваққат ҳукумат министрлари ҳам Британия флоти Болтиқ денгизини маълум мақсадда ташлаб чиқиб кетди ва унинг бундай қилиши инглиз матбуотида аксари очиқдан-очиқ баён қилинган ҳамда Россиядаги инглиз вакиллари томонидан ғайри расмий равишда изҳор қилинган позициянинг: «Албатта Россия билан, у билан ортиқча овора бўлишнинг ҳожати йўқ,— деган позициянинг ифодаси, деб ҳисобладилар...»

Керенский билан суҳбатга (13 иловага) қаралсин.

Генерал Гурко чор ҳокимияти даврида рус армиясида штаб бошлиғи эди. Бузғунликка юз тутган император саройида унинг мавқеи катта эди. Революциядан сўнг у сиёсий ва шахсий сабабларга кўра сургун қилинган бир неча арбоблардан бири эди. Рига қўлтиғида рус флотининг мағлубиятга учраши король Георг томонидан Лондонда бу генерални расмий равишда қабул қилган вақтига тўғри келган эди. Бу одамни Муваққат рус ҳукумати хатарли германофиль, шунингдек, реакционер деб ҳисоблар эди.

10

ҚЎЗҒОЛОНГА ҚАРШИ ЧАҚИРИҚЛАР

«Ишчилар ва солдатларга.

Ўртоқлар! Қора кучлар Петроградда ва бошқа шаҳарларда яқин кунларда *тартибсизликлар чиқариш ва погромлар қилиш* учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилмоқдалар. Бу ишлар бутун революцион ҳаракатни қонга ботиришга имкон ҳосил қилиш учун керакдир. Издан чиқарилган тартибни тиклаш ва обивателларнинг ҳаётини ҳимоя қилиш баҳонаси билан улар яқиндагина революцион халқ мажақлаб ташлаган корниловчиликни яна тикламоқ орзусидалар. Агар бу ишлар юзага чиқса, халқнинг шўри қурийди! Тантана қилувчи контрреволюция Советларни ва қўшин комитетларини йўқотади, Таъсис мажлисини тўзитиб юборади, ерларнинг деҳқонлар қўлига ўтишини тўхтатиб қўяди, халқнинг тез орада тузила-

диган сулҳга қўйган бутун умидларини пучга чиқаради, тюрьмаларни революцион солдат ва ишчиларга тўлдириб юборади.

Контрреволюционерлар ва қора гуруҳлар ўз ниятларини амалга оширишда, уруш туфайли туғилган озиқ-овқат қийинчилигига ва турмушдаги умумий аҳволдан безган қора халқнинг стихияли норозилигига суянадилар. Улар солдат ва ишчиларнинг ҳар қандай чиқиш қилишини погромга айлантириб юборишга умид боғлайдилар. Бу погром тинч аҳолини қўрқитиб, уни тартиб ўрнатувчилар қучоғига отади.

Ана шундай шароитда, шу кунларда энг революцион мақсадлар билан бўлса-да қўзғолон ёки намойишлар қилишлар каби ҳар қандай уринишлар жиноий енгилтакликдан бошқа нарса эмас. Ҳукуматнинг сиёсатидан норози бўлган онгли ишчи ва солдатлар ўз қилган қўзғолонлари билан фақат ўз ишларига ва революцияга зарар етказадилар, холос. Улар контрреволюция қўлида ўйинчоқ бўлиб қоладилар.

Шу сабабдан, Марказий Ижроия Комитети барча ишчи, солдатлардан, қўзғолонга чақирувчи даъватномаларга итоат этмасликни талаб қилади.

Ишчи ва солдатлар! Иғволарга учмангиз! Мамлакат ва революция олдидаги ўз бурчингизни унутмангиз! Муваффақиятсиз ҳуружлар қилиш билан революцион фронт бирлигини бузмангиз!

Ишчи ва Солдат депутатлари

Совети Ижроия Комитети».

РОССИЯ СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТ ИШЧИЛАР ПАРТИЯСИ.
ХАВФ ЯҚИНЛАШМОҚДА.

Барча ишчи ва солдатларга.
(Ўқиб бўлиб, бошқаларга беринг.)

Ишчи ва солдат ўртоқлар! Ватанимиз хавф остида. Озодлигимиз ва революциямизнинг энг қийин кунлари бошланди. Душман Петроград бўсағасида турибди. Вайронгарчилик ҳар соатда авж олмоқда. Петроград учун ғалла олиш борган сари қийинлашмоқда. Катта-кичик — ҳамма зўр бериб, аҳволни яхшилаш учун қўлидан келганича ҳаракат қилиши лозим... Ўз ватанимизни сақлаб қолайлик, ўз озодлигимизни қўлдан бермайлик. Қурол ва ўқ-дорилар — армияга! Ғалла — катта шаҳарларга! Тартиб ва уюшқоқлик—бутун мамлакат учун!

Ана шу кескин, даҳшатли кунларда, қаердадир хуруж қилишга тайёргарлик кўриляпти, кимдир ишчи ва солдатларни революцион осойишталик ва тартибни бузишга даъват қиляпти, деган миш-мишлар юрмоқда... Большевиклар газетаси «Рабочий Путь» оловга керосин сепмоқда; у қора ва онгсиз

унсурларга хушомадгўйлик қилиб, уларнинг ишончини қозонмоқда, ишчи ва солдатларни йўлдан оздирмоқда, уларга тоғтоғ олтинлар ваъда қилиб, ҳукуматга қарши қўзғатмоқда... Содда, нодон кишилар ўйламай-нетмай бунга ишонмоқдалар... Иккинчи томондан эса, қора кучлар, чор малайлари, Герман агентлари хурсандлик билан қўл ишқалашиб қолдилар, деган миш-мишлар ҳам юрибди. Улар большевиклар билан бирикиш пайидалар, улар билан бирликда тартибсизликларни гражданлар урушига айлантириб юбормоқчилар.

Большевиклар ва улар йўлдан оздирган нодон ишчи ва солдатлар маъносиз равишда: «Йўқолсин ҳукумат! Барча ҳокимият Советларга!» деб қичқирсалар, қора гуруҳчи подшо малайлари ва Вильгельм айғоқчилари уларга қўшилишиб: «Яҳудийларни савала, дўкондорларни дўппосла, бозорларни тала, завод ва магазинларни талон-торож қил, вино подвалларини вайрон қил! Ур, ёндир, тала!» дейдилар.

Ана шунда даҳшатли ғалаён чиқади, халқ ўртасида бир-бирини қириш бошланади. Вайронгарчилик яна авж олади, пойтахтнинг кўчаларидан қонлар дарё-дарё бўлиб оқиши турган гап. Ўшанда нима бўлади, нима?

Ўшанда Петроградга Вильгельм учун йўл очилади. Ўшанда Петроградга ғалла келиш бутунлай тўхтайди болалар эса очликдан қириладилар. Ўшанда фронтдаги армия кўмаксиз қолади, окопдаги оғайниларимиз отилиш учун немисларга тутиб берилади. Ўшанда Россия ажнабий давлатлар ўртасидаги обрўсидан маҳрум бўлади, пулимизнинг қадри-қиймати кетади, ҳамма нарсанинг нархи ошиб кетиб, турмуш кечириш анча қийинлашади. Ўшанда кўпдан кутилган Таъсис мажлиси кечиктирилади, чунки уни белгиланган муддатда чақиришга имкон қолмайди. Ўшанда революция маҳв бўлади, эркимиз қўлдин кетади...

Сиз ишчи ва солдатлар, сизлар шундай бўлишини истайсизми? Йўқ! Башарти йўқ бўлса, унда сизлар алдамчиларнинг гапига учган нодон кишиларнинг орасига бориб, биз сизга айтган бутун ҳақиқатни уларга ошкора тушунтиринглиз!

Ҳамма билиб қўйсинки, *ана шундай даҳшатли кунларда сизларни ҳукуматга қарши қўзғолон чиқишга даъват қилувчи ҳар бир кимса ё подшонинг махфий одами, ё провакатор, ё халқ душманларининг онгсиз ёрдамчиси, ёки Вильгельмга сотилган жосусдир.*

Барча онгли революционер ишчилар, барча онгли деҳқонлар, барча революцион солдатлар ҳукуматга қарши халқимизнинг қўзғолон ёки ғалаён кўтариши қандай бахтсизликларга сабаб бўлишини тушунган кимсалар бирлашмоқлари ва озодлигимизни бўғиш учун халқ душманларига йўл қўймасликлари лозим!

Меньшевик-мудофаачиларнинг Петроград сайлов-комитети».

ЛЕНИННИНГ «ЎРТОҚЛАРГА МАКТУБИ»

Бу — 1917 йил октябрь ойининг иккинчи ярмида «Рабочий Путь» газетасида кетма-кет чиққан бир неча мақоладир. Мен икки мақоладан кўчирма келтираман.

«...Халқ ичида биз кўпчилик эмасмиз, бундай шароитсиз қўзғолон қилишдан умид йўқ...»

Бу гапни гапиришга тили борган кишилар, ё ҳақиқатни бузиб кўрсатувчилар, ёки революциянинг реал шароити билан заррача ҳам ҳисоблашмасдан, бутун мамлакатда большевиклар партияси сайловчиларнинг бир овоз ортиқ тенг ярмини олиши керак деб олдиндан қандай бўлмасин гарантияга эга бўлишни истовчи бачкана одамлардир...

Ниҳоят, Россиянинг ҳозирги ҳаётидаги энг йирик факт *деҳқонлар қўзғолонидир...* Деҳқонларнинг Тамбов губерниясидаги ҳаракати ҳам жисмоний, ҳам сиёсий мафҳумдаги қўзғолон эди, бу, аввало, ерларни деҳқонларга топшириш каби ажойиб сиёсий натижа берган қўзғолон эди. Қўзғолондан қути ўчган бутун эсерларнинг чиркин тўдасидан тортиб «Дело Народа»гача эндиликда ерларни деҳқонларга топшириш тўғрисида *наъра тортаётгани* бежиз эмас!..

Деҳқонлар қўзғолонининг иккинчи бир ажойиб сиёсий ва революцион натижаси... бу — Тамбов губернияси темир йўл станцияларига ғалла келтиришдан иборат бўлди...

Ғалла масаласини *бу хилда* (ягона реал йўл билан) ҳал қилишнинг берган ажойиб самарасини *буржуазия* матбуоти, ҳатто «Русская Воля» ҳам тан олишга мажбур бўлди. Бу газета, Тамбов губернияси темир йўл станциялари ғаллага тўлиб кетди, деган хабарни босиб чиқарган эди... *Деҳқонлар қўзғолонидан кейин шундай бўлган эди!!.*

...«Биз ҳокимиятни қўлга олиш даражасида кучли эмасмиз, буржуазия эса Таъсис мажлисини тўздириб юбориш даражасида кучли эмас»...

Бу далилнинг биринчи қисми юқорида келтирилган далилнинг оддий такроридан иборатдир. Агар довдираб, буржуазиядан юрак олдириб қолганликларини ишчиларга нисбатан пессимизм, буржуазияга нисбатан оптимизм билан ифодаласалар, бу далил на кучга, ва на асосга эга бўлади. Агар юнкер ва казаклар, бир томчи қонимиз қолгунча большевикларга қарши курашамиз, десалар бунга тўла ишонса бўлар эмиш; агар ишчи ва солдатлар юзлаб йиғилишларда большевикларга тўла ишонч билдириб, ҳокимиятнинг Советларга ўтиши учун кўкрак кериб туришга тайёр эканликларини изҳор қилсалар, овоз бериш бошқа-ю, жанг қилмоқ бошқа эканлигини эсда тутиш «ўринли» эмиш!

Албатта, шундай муҳокама юритилса, унда қўзғолон «рад» қилинган бўлади. Буржуазия томонига сиёсий ўтиш билан бу ўзига хос оқим, ўзига хос «пессимизм»га интилиш орасида нима фарқ бор, деган саволгина туғилади.

Корниловчилик нимани кўрсатди? У Советларнинг ҳақиқий куч эканини кўрсатди...

Таъсис мажлисини тўздириб юбориш учун буржуазиянинг кучи кифоя қилмаслигини қандай исботласа бўлади?

Агар буржуазия Советларни ағдаришга *кучи етмаса,* у вақтда, *демак,* Таъсис мажлисини тўздириб юбориш учун етарли кучга эгадир, чунки унга халал берадиган ҳеч кимса йўқ. Керенскийнинг ва унинг шерикларининг ваъдаларига учиш, ювиндихўр предпарламентнинг резолюцияларига ишониш — пролетар партияси аъзосига ва революционерга нақотки муносиб иш бўлса?

Агар ҳозирги ҳукумат ағдарилмаса, буржуазия Таъсис мажлисини тўздириб юбориш *бир ёқда турсин,* у Питерни немисларга топшириш, фронтни очиб қўйиш, локаутларни кучайтириш, ғалла келтиришга саботажчилик қилиш йўли билан бу натижага *билвосита* эриша олиши мумкин...

...«Советлар Таъсис мажлисини чақиришни талаб қилиш ва корниловчилик ҳаракатидан воз кечдириш учун ҳукуматнинг чаккасига тиралган тўппонча бўлиши лозим»...

Қўзғолондан воз кечиш — бутун ҳокимият Советларга, деган шиордан воз кечиш *демакдир*... Сентябрдан бошлаб партия ичида қўзғолон қилиш масаласи муҳокама этилади...

Қўзғолондан воз кечиш — ҳокимиятни Советларга топширишдан ва бутун умид-орзуларини Таъсис мажлисини чақирмоққа «ваъда» берган анойи буржуазияга «қўймоқ» демакдир... *Ҳокимият* Советлар қўлида бўлса, Таъсис мажлиси ҳам *таъминланган бўлади,* унинг муваффақияти ҳам таъминланган бўлади...

[Қўзғолондан воз кечиш]— бу тўғридан-тўғри Либерданлар томонига ўтиш демакдир...

Ё Либерданлар томонига ўтиш ва «Барча ҳокимият Советларга!» деган шиордан *очиқдан-очиқ* воз кечиш, ё қўзғолон қилиш демакдир. Икки орада қолиш йўқ.

...«Гарчи Родзянко истаса ҳамки, буржуазия Питерни немисларга топшира олмайди, чунки жанг қилаётган буржуалар эмас, балки бизнинг қаҳрамон матросларимиздир»... Бош қароргоҳ қайта тузилмаган... қўмондонлик состави корниловчилардан иборат...

Башарти корниловчилар (Керенский бош бўлган ҳолда, чунки у ҳам корниловчи) Питерни таслим *қилмоқчи бўлсалар,* улар буни икки карра ва ҳатто «уч карра» қила олурлар.

Биринчидан, улар хоин корниловчи қўмондонлик состави орқали қуруқликдаги шимолий фронт йўлини очиб беришлари мумкин.

Иккинчидан, улар бутун немис флотининг эркин ҳаракат қилиши тўғрисида «тил бириктиришлари» мумкин, бу флот бизникидан *кучлироқдир;* немис ва инглиз империалистлари билан ҳам келишишлари мумкин. Бундан ташқари, «яширинган адмираллар» немисларга *планларни* ҳам топширишлари мумкин.

Учинчидан, локаутлар ва ғалла келтиришга саботажчилик қилиш йўли билан улар бизнинг қўшинимизни бутунлай умидсизликка тушуришлари ва ҳолдан кетказишлари мумкин.

Бу уч йўлдан ҳеч бирини инкор этиб бўлмайди. Фактлар шуни кўрсатдики, Россиядаги буржуа-казак партияси бу уччала эшикнинг ҳаммасини тақиллатиб очмоқчи бўлди... Буржуазиянинг революцияни бўғиб ташлашини *кутиб туришга* ҳақимиз йўқ... Родзянко — ишчан одам... Капиталнинг сиёсатини Родзянко *ўн йиллар давомида* бажону дил амалга ошириб келди...

Бинобарин? Бинобарин революцияни қутқариб қолишда ягона восита бўлган қўзғолон масаласида иккиланиш — буржуазияга чала-чулпа либерданча, эсер, меньшевикча қўрқаписа ишониш ботқоғига, чала-чулпа «мужикларча»— онгсиз ишонч ботқоғига ботиб кетиш демакдир, бунга қарши ҳаммадан кўпроқ большевиклар кураш олиб борган эдилар.

...«Биз кундан-кунга кучаяётирмиз, биз Таъсис мажлисига кучли оппозиция бўлиб кираоламиз, нима сабабдан ҳамма нарсада таваккал қилайлик»...

Бу—Таъсис мажлиси чақирилади деган гапни ўқиган ва легаль ҳамда қонундан чиқмайдиган конституцион йўл деб ўзига таскин берувчи филистернинг далилидир.

Афсуски, очарчилик масаласини ҳам, Питерни таслим этиш масаласини ҳам Таъсис мажлисини *кутиш билан* ҳал этиб бўлмайди. Бу «майда» нарсани аноий ёки гангиб қолган, ё эса юрак олдириб қолган кишиларгина унутадилар.

Очарчилик кутиб турмайди. Деҳқонлар қўзғолонни ҳам кутмаган эди. Уруш ҳам кутиб турмайди. Яширинган адмираллар ҳам кутмаган эдилар...

Оч халқ ва генерал, адмираллар томонидан сотилган солдатлар сайловларга бепарво бўлганига сўқир кишиларгина ажабланадилар! Вой, донолар!

...«Башарти корниловчилар яна бошлаганларида эди, ўшанда биз уларга бир кўрсатиб қўярдик! Ўзимиз бошлаб, нега энди таваккал қилайлик»?..— Тарих такрорланмайди, *аммо* биз тарихга *орқа ўгириб,* биринчи корниловчиликни томоша қилиб ўтирсак ва «корниловчилар яна бошласалар» десак; агар биз шундай қилсак, бу ғалати революцион стратегия бўлади-да!.. Пролетар сиёсатини бу қанақа жиддий асослаш-а?

Башарти корниловчилар очарчилик ғалаёнларини *кутиб,* фронтни очиб бериб, Питерни таслим қилса... унгача *бошламаса-чи?* Унда нима бўлади?

Бизга пролетар партиясининг тактикасини корниловчилар такрорлаши мумкин бўлган эски хатоларидан бири асосига қуришимизни таклиф қиладилар!

Большевиклар юз марталаб *исбот қилиб келган* ва исботлаётган ҳамма нарсани, революциямизнинг ярим асрлик тарихи исбот қилган нарсани — корниловчилик диктатураси ёки пролетариат диктатурасидан бўлак объектив нажот йўли *йўқлигини* унутайлик-да, ҳаммасидан воз кечиб, кутайлик! Нимани? Мўъжизани...»

12

МИЛЮКОВНИНГ НУТҚИ

(Кўчирма)

«...Давлат мудофааси ҳозирги пайтнинг энг асосий вазифасидир, ғалаба қилиши учун армияда интизом ва мамлакатда тартиб бўлиши керак, деган гап умумга манзур бўлаётгандек кўринади. Бу шароитни вужудга келтирмоқ учун бизда ёлғиз ишонтириш йўли билан эмас, балки куч билан иш кўришга қобил бўлган ҳокимият бўлиши лозим... Бутун фалокатларимизнинг асосий сабаби — ташқи сиёсат масалаларида одатда интернационалистик нуқтаи назар деб номланувчи оригинал соф рус нуқтаи назардир.

Жаноб Ленин Россияда янги дунё туғилади ва бу орқали эски Ғарб ҳам янгиланади, бу янги олам оч қолган омманинг бевосита ҳаракати билан эски доктринёрлик социализмининг эски байроғини алиштиради деб ўйласа, инсоният шу йўл билан тезда олға босади ва бизни социалистик жаннатдан ажратиб турувчи эшикни синдириб ташлайди, деб гумон қилса, Ленин бунда фақат Керенскийга тақлид қилади, колос...

Бу одамлар, Россиянинг бузилиши бутун буржуа оламини ҳам емирилишга элтади, деб чин кўнгилдан ишонардилар. Ана шу нуқтаи назарга асосланиб, улар уруш вақтида онгсиз равишда давлатга хиёнат қилишга, ёки солдатлар окопларни ташлаб чиқишлари ва душманга қарши курашиш ўрнига ички гражданлар уруши чиқаришлари, помешчиклар-

га ва капиталистларга ҳужум қилишлари керак, деб уларни совуққонлик билан ишонтиришга қобилдирлар...»

Шу жойда Милюковнинг нутқини сўл томонда ўтирганлар ҳайқиришиб бўладилар. Депутатлар, социалистлардан ким ана шундай ҳаракатга даъват қилди, шуни кўрсатиб беринг, деб талаб қилдилар.

«Мартов, фақат пролетариатнинг революцион тазйиқигина империалистик тўдаларнинг ёвуз иродасини мажақлаб ташлаб енгиши ва уларнинг диктатурасини тор-мор қилиши мумкин, дейди... Бу нарсага қуролланишни чеклаш тўғрисида ҳукуматлар ўртасида битим тузиш йўли билан эмас, балки бу ҳукуматларни қуролсизлантириш ҳамда бутун ҳарбий ташкилотни радикал равишда демократлаштириш йўли билангина эришилади, дейди...»

Милюков Мартовга ёмон ва адолатсиз ҳужумлар қилганидан кейин, меньшевик ва эсерлар устига кўчиб, улар ҳукуматга унинг ичида синфий кураш олиб бориш учунгина кирганлар, деб айблади.

«Германия ва иттифоқчи мамлакатларнинг социалистлари бу жанобларга нафратомуз назар билан қарайдилар; аммо улар, бу — Россиянинг ўз иши деган қарорга келиб, бизга жаҳон ёнғинини алангалантирувчилардан бир нечасини юбордилар.

Бизнинг революцион демократиямизнинг формуласи жуда содда: на ташқи сиёсат ва на дипломатик усталик, дарҳол демократик сулҳ, иттифоқчиларга: «бизга ҳеч нарса керакмас, жанг қилишнинг бизга даркори йўқ» деган декларация. Шунда бизнинг душманларимиз дарҳол шундай декларация чиқаради-ю халқлар бирадарлиги аниқ бир факт бўлади қолади».

Милюков Циммервальд манифестидан заҳарханда қилиб кулди ва ҳатто Керенский ҳам, «сизга қарши доимий айбнома бўлиб қолувчи бу разил ҳужжат» таъсиридан четда қололмади, деди. Сўнгра у Скобелевга ҳужум қилиб, ўз ҳукуматининг ташқи сиёсатига нисбатан оппозицияда бўлган ҳукумат вакили сифатида чет эл дипломатлари орасида Париж конференциясидаги унинг аҳволи шундай ғалати бўладики, унинг тўғрисида ҳамма: «Бу жанобнинг муддаоси нима-ю, у билан биз нима тўғрида ҳам гаплашардик?» дейдилар деб исботлай бошлади. Наказ устида тўхталиб ўтган Милюков, ўзим ҳам пацифистман, ўзим ҳам халқаро ҳакамлар бюросини тузишга, қуролланишни чеклаш ва махфий дипломатия устидан парламент контроллигини ўрнатиш зарурлигига ишонаман, лекин бундан махфий дипломатияни бутунлай йўқотиш керак, деган хулоса чиқмайди, дейди.

Милюков наказдаги социалистик идеялар, ўзи атаганча «Стокгольм идеялари» (ғалабасиз сулҳ, халқларнинг ўз

тақдирини ўзи белгилаши, иқтисодий урушни тўхтатиш) устида тўхталиб, шундай деди:

«Германиянинг муваффақияти ўзини революцион демократия деб атовчи кишиларнинг муваффақиятларига тўғри мутаносибдир. Мен улар «революция ютуқларига» тўғри мутаносибдир, деб айтаётганим йўқ, чунки ўйлашимча, революцион демократиянинг мағлубияти — революциянинг ғалабасидир...

Совет арбобларининг муҳитга таъсири унчалик заиф эмас. Бу залда революцион демократиянинг ташқи сиёсатга бўлган таъсири на қадар кучли эканлигига ишонмоқ учун ташқи ишлар министрининг нутқини эшитмоқ кифоядир, бу революцион демократия билан бақамти келганда, министр Россиянинг номуси ва шаъни тўғрисида барала гапиришдан воз кечади

Советларнинг наказидан кўринишича, Стокгольм манифести идеялари икки оқимда: утопизм оқимида ва Германия манфаатлари руҳида ишланган».

Сўл томондагиларнинг ҳайқириғи нотиқнинг гапини бўлиб қўяди, мажлис раиси унга танбиҳ беради. Милюков дипломатлар эмас, балки халқ мажлиси томонидан ишланган сулҳ таклифи, душман аннексиядан воз кечиши биланоқ сулҳ музокаралари бошлаш таклифи немисларга қўл келади, деб қаттиқ туриб олди. Яқиндагина Кульман, шахсий баёнот шу баёнот эгасини боғлаб беради, деган... «Ҳар ҳолда биз, ишчи ва солдат депутатларидан кўра, кўпроқ немисларга тақлид қиламиз»...

Литва ва Латвия мустақиллиги ҳақидаги параграфлар мамлакатнинг турли томонларида олиб борилаётган миллатчилик ташвиқотининг даракчиси ва Милюковнинг гапича, немис пули ёрдами билан бўлаётган ишдир...»

Сўл томонда ўтирганларнинг қаттиқ қичқириқ ва шовқинларига қарамасдан, нотиқ наказнинг Эльзас-Лотарингия, Руминия ва Сербияга доир моддаларини ўша наказнинг Германия ва Австрияда яшовчи турли миллатлар ҳақидаги моддалари билан таққослайди. Наказ Австро-Германия нуқтаи назарини ёқлайди, деди Милюков.

Нотиқ Терешченко нутқи устида нафратомуз тўхталиб, у ўйлаган нарсасини очиқдан-очиқ айтмади, ҳаттоки Россиянинг улуғвор даврига мос тушган замонлар тўғрисида ўйлашга ҳам журъат эта олмади, деб айблади. Дарданелл бўғози русларники бўлиши керак...

«Сиз доим солдат нима учун жанг қилаётганини билмайди, билганда эди, жанг қиларди, дейсиз... Нима учун жанг қилаётганини солдатнинг билмагани аниқ гап, лекин энди сиз унга, солдатнинг жанг қилишининг нафи йўқ, бизнинг ҳар қандай манфаатларимиз йўқ, биз бошқаларни деб жанг қилмоқдамиз, деб айтиб қўйдингиз...»

Унинг таъбирича, Америка ёрдами билан «инсониятнинг умумий ишини ҳимоя қилаётган» иттифоқчиларга қоил қолиб Милюков сўзини шундай тамомлади:

«Биз эндигина атак-чечак қилиб қадам қўяётганимиз йўлнинг алла қачон анча қисмини босиб ўтган инсониятнинг машъали — Ғарбдаги илғор демократия яшасин! Яшасин, бизнинг шонли иттифоқчиларимиз!»

13

КЕРЕНСКИЙ БИЛАН СУҲБАТ

«Associated Press» вакили ўз бахтини синаб кўрмоқчи бўлди. «Жаноб Керенский,— деб бошлади у.— Англия ва Францияда ҳамманинг революциядан кўнгли қолган...»

«Ҳа, хабарим бор,— деб ҳазиломуз унинг гапини бўлди. Керенский,— чет элларда революция энди модадан тушиб қолди».

«Русларнинг жанг қилмай қўйишини сиз нима билан изоҳлайсиз?

«Бемаъни савол!— зарда билан жавоб қилди Керенский.— Россия бошқа иттифоқчилардан аввалроқ урушга тушган ва унинг бутун оғирликларини кўп замон ўз гарданида кўтариб келди. Россиянинг талафотлари бутун халқларнинг биргаликда берган талафотидан ҳам кўплик қилади. Эндиликда Россия иттифоқчилардан бутун кучларини ишга солишларини талаб қилишга ҳақлидир». Керенский бир дам жимиб қолиб, яна суҳбатдошига қаради: «Сиз нега руслар жанг қилмай қўйди, деб сўраяпсиз, руслар эса Рига қўлтиғида герман броненосецлари юрганда Британия флоти қаерда қолди, деб сўрайдилар?» У яна жимиб қолиб, бирдан тутақиб гапирди: «Рус революцияси мағлубиятга учрагани йўқ, революцион армия ҳам енгилгани йўқ. Армия революция туфайли бузғунликка юз тутмади, бузғунлик анча илгари, эски тузум давридаёқ юз берган эди. Нега руслар урушмай қўйдилар? Негалигини мен сизга айтиб бераман. Чунки халқ иқтисодий жиҳатдан хароб бўлган ва иттифоқчиларга бўлган ишончини йўқотган!».

Биз ҳозиргина кўчирма келтирганимиз бу суҳбат телеграф орқали Қўшма Штатларга берилган ва бир неча кундан кейин «ўзгартишлар» киритиш талаби билан давлат департаментидан қайтиб келган эди. Керенский ўзгартишларни киритишдан бош тортди, лекин ўзгартишни унинг секретари д-р Давид Соскис киритди. Суҳбатдан иттифоқчилар учун номатлуб бўлган бутун жумлалар олиб ташланди, шу куйича бутун дунёга эълон қилинди.

III БОБГА

I

«БУТУН РОССИЯ ФАБРИКА-ЗАВОД КОМИТЕТЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА ЎРТОҚ ЛАРИН ДОКЛАДИ ЮЗАСИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН БОЛЬШЕВИСТИК ФРАКЦИЯНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

I

1. Ишчилар синфи сиёсий жабҳада самодержавиени ағдариб ташлаб, ўз ишлаб чиқариш фаолияти соҳасида ҳам демократик тузумнинг тантанасига эришиш учун интилмоқда. Ишчилар контроли идеяси бу интилишнинг ифодаси бўлиб, у ҳукмрон синфларнинг жиноий сиёсати натижасида рўй берган хўжалик вайронгарчилиги орқасида табиий равишда туғилган эди.

2. Сиёсий соҳада партия фаолиятини, ёлланиб ишлаш муносабатлари соҳасида касаба союзларини, истеъмол соҳасида кооперативларни, маданият соҳасида клубларни уюштириш сингари, ишчилар контроллигини ташкил қилиш ҳам ишчиларнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолятининг шундай соғлом бир кўринишидир.

3. Ишчилар корхоналарнинг тўғри ва муттасил ишлашидан хўжайинларга қараганда кўпроқ манфаатдордирлар. Ишчилар контроллиги мавжудлиги, ўз моддий ва сиёсий фойдасини кўзловчи хўжайинларнинг ўзбошимча ихтиёридан кўра бу соҳада ҳозирги жамиятнинг, бутун халқнинг манфаатларини кўпроқ таъминлайди. Шу сабабдан ишчилар контроли ёлғиз пролетариатнинггина талаби бўлиб қолмасдан, балки бутун мамлакатнинг манфаатларини ҳам назарда тутади ҳамда бу революцион деҳқонлар ва революцион армия томонидан ҳимоя қилиниши лозим.

II

4. Кўпчилик капиталистларнинг революцияга салбий муносабатда бўлишлари орқасида материалларни ва ёқилғини тўғри тақсимлаш ва ишга нормал раҳбарлик қилиш, тажриба етарли равишда кўрсатганича, ишчилар контролисиз имконсиздир.

5. Капиталистик корхоналар устидан ишчилар контроли ўрнатишгина, ишга онгли муносабатни мустаҳкамлаб ва унинг ижтимоий аҳамиятини тушунтириш билан ишчилар ўртасида мустаҳкам интизом ўрнатиш ҳамда меҳнат унумини имкони борича ривожлантириш учун қулай шароит туғдиради.

6. Хўжаликнинг айни вақтда тинч ҳолатга кўчиши ва, шу муносабат билан, ишчи кучларини мамлакатда корхоналар ўртасида янгидан қайта тақсимлаш иши, ишчи кучларини қайта тақсимлаш жараёнида ишчиларнинг ўз шахсларига ўзлари хў-

жайин бўлишида демократик асосда ўзларини ўзлари идора қилишлари мавжуд бўлган тақдирдагина оғир оқибатларсиз ўтади. Шу сабабдан ишчилар контролини амалга ошириш саноатни тинч ҳолатга кўчириш учун дастлабки зарур бўлган шартлардан биридир.

III

7. Рус пролетариатининг сиёсий партияси — Россия Социал-Демократ ишчилар (большевиклар) партиясининг «умум давлат миқёсида ишчилар контроллиги» деган шиорига мувофиқ, бу контроллик самарали натижалар бериши учун ҳамма капиталистик корхоналарни қамраб олган бўлиши тасодифий эмас, балки уюшган, тартибсиз эмас, балки планли, умуман мамлакатнинг ҳўжалик ҳаётидан ажралиб қолмаган бўлиши лозим.

8. Мамлакатнинг иқтисодий ҳаёти — қишлоқ хўжалиги ҳам, саноат ҳам, савдо-сотиқ ва транспорт ҳам кенг халқ оммасининг шахсий ва хўжалик эҳтиёжларини қондирадиган қилиб тузилган ягона бир планга бўйсундирилиши лозим. Бу план шу омманинг сайлаб қўйган вакиллари томонидан тасдиқланган ва хўжалик плани шу вакиллардан иборат тегишли давлат ҳамда маҳаллий муассасалар раҳбарлигида бажарилган бўлиши лозим.

9. Планнинг қишлоқ хўжалигига оид қисми деҳқон ва батрак ташкилотларининг контроллиги остида, ёллаб ишчи ишлатувчи саноат, савдо-сотиқ ва транспорт корхоналарига доир қисми эса, ишчилар контроллиги остида амалга оширилади; шу билан бирга ишчилар контролининг корхоналардаги табиий органлари — фабрика-завод комитетлари ва уларнинг тегишли комитетлари, меҳнат бозорида эса касаба союзлари ҳисобланади.

IV

10. Касаба союзлари томонидан меҳнатнинг бирор тармоғида ишловчи ишчиларнинг ярмидан кўпроғи учун тузиладиган коллектив тариф шартномаларига шу жойдаги тегишли корхоналар хўжайинлари амал қилишлари лозим.

11. Меҳнат биржалари пролетариатнинг синфий ташкилоти, умумий хўжалик плани доирасида шу планга мувофиқ иш кўрувчи ташкилот сифатида касаба союзлари бошқармаси ихтиёрига ўтиши лозим.

12. Касаба союзлари ёлланиб ишлаш шартномаси, ёки ишчи ҳукуқларига доир қонунларни ҳар қандай бузишлар рўй берганда, ҳар бир меҳнат соҳасидаги ишчиларга татбиқан бўлса-да, суд иши қўзғашга ҳақли бўлиши лозим.

13. Ишлаб чиқариш тақсимот ва меҳнат бозори устидан ишчилар контроллигига доир ҳар қандай ишларда касаба

союзлари айрим корхоналарнинг ишчилари билан шу корхоналарнинг фабрика-завод комитетлари орқали алоқа қилишлари лозим.

14. Ишчи контроллиги жорий қилинганидан кейин, корхонада ички тартиб, ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, отпуска, баҳолаш, браковка, ишга лаёқат даражаси ва ҳунари, ёлланган ишчи билан тузилган шартномани бекор қилиш учун асослар, маъмурият билан жанжаллар ҳамда корхонанинг ички ҳаётига доир шу каби масалалар фабрика-завод комитетининг розилиги ва тасдиқи билан ҳал қилиниши лозим; шу билан бирга фабрика-завод комитетлари корхона маъмурияти томонидан кўрсатилган номзодларга рад жавоби бериш ҳуқуқига ҳам эгадир.

15. Фабрика-завод комитети корхонани материаллар, ёқилғи, заказлар, ишчи ва техник кучлар (шу жумладан ускуналар) билан, шунингдек ҳар турли истеъмол буюмлари билан ҳамда кўриладиган тадбирларни тўғри таъминлаш устидан назорат қилиш учун ва корхонанинг умумий хўжалик плани билан мувофиқлаштириш устидан назорат қилиш мақсадида тафтиш комиссияси тузади. Корхона бошқармаси барча маълумотлар устидан контроллик ва хабардор қилиш мақсадида ишчи контролларига уларни текшириб туришга имконият туғдириши, уларга корхонанинг барча дафтарларини очиб кўрсатиши лозим.

16. Ишчи контроли бирор шубҳа ёки нотўғрилик топса ва улар айрим корхона ишчиларининг куч ҳамда воситалари билан бартараф қилинмаса, ёки аниқланилмаса, фабрика-завод комитети мазкур жойдаги тегишли ишлаб чиқариш фабрика-завод комитетлари йиғилишига ёрдам сўраб мурожаат қилади. Бу йиғилиш хўжалик планини бажариш учун мутасадди бўлган муассасалар олдида ўша корхона мулкини хатлашгача тегишли чоралар кўриш масаласини қўяди.

17. Ишлаб чиқариш корхоналарининг ишини умумий хўжалик плани билан мувофиқлаштириш, заказлар, материаллар, ёқилғи, техника ва ишчи кучларини корхоналар ўртасида мақсадга мувофиқ тақсимлаш, шунингдек ишлаб чиқариш соҳалари бўйича ташкил этиладиган касаба союзлари билан бирга иш олиб боришни енгиллаштириш, бутун саноат тармоқлари устидан контроллик қилиш ишини енгиллаштириш мақсадида айрим корхоналардаги фабрика-завод комитетлари бирлаштириладилар.

18. Касаба союзлари ва фабрика-завод комитетларининг умумшаҳар саветлари хўжалик планини тузиш ва амалга ошириш, қишлоқ билан шаҳар ўртасида мол айри бошлашни уюштириш юзасидан давлат ва маҳаллий муассасаларга пролетариат вакилини юбортиради, шу жойда ишчи контроллигини амалга оширишда фабрика-завод комитетлари ва касаба союзлари устидан олий раҳбарликни жорий қилади, ишчилар-

нинг умумий овоз бериши йўли билан тасдиқланган ишлаб чиқариш ишларида ҳамма ишчилар учун мажбурий бўлган интизом қоидаларини нашр этади.

19. Конференция умумдавлат миқёсида ишчи контроли талаб қилиш билан бирга, жойлардаги кучларнинг нисбатига мувофиқ даражада уни ҳозирданоқ амалга оширишга ўртоқларни таклиф этади ва айрим корхоналарни ишчилар томонидан ўз фойдалари учун тортиб олишлари ишчи контроллиги мақсадларига номувофиқ деб эълон қилади*.

2

БОЛЬШЕВИКЛАР ТЎҒРИСИДА БУРЖУА МАТБУОТИ

«Русская Воля» газетаси 28 (15) октябрь сонида шундай деб ёзди: «Мушкул пайт яқинлашмоқда. Бу мушкул пайт большевиклар учундир. Улар, ё 3—5 июль воқеаларининг иккинчи нашрини бизга берадилар, ёки ўз план ва ниятлари билан, барча онгли миллат унсурларила алоқани узишдек беҳаё сиёсатлари билан бутунлай мағлубиятга учраганликларини тан олишга мажбур бўладилар.

Большевикларнинг муваффақият қозонишлари учун қандай ишончлари бор?

Бу саволга жавоб бериш қийин, чунки большевикларнинг асосий ресурси... халқ оммасининг нодонлигидир. Улар шу нодонликни дастак қилиб, доимий демагогия юргизиш учун ундан фойдаланадилар...

Ҳукумат бу ишга аралашуви лозим. Республика Советининг маънавий ҳимоясидан фойдаланиб, ҳукумат очиқдан-очиқ антибольшевистик позиция ишғол қилмоғи лозим.

Агар большевиклар қонуний ҳокимиятга қарши қутқув қилиб фитна чиқарсалар ва, шу билан, Германиянинг босиб келишига имкон туғдирсалар, у вақтда большевикларга фитначилар ва ҳиёнатчилар деб қараб иш кўриш керак бўлади...».

«Биржевые Ведомости» газетаси 28 (15) октябрда шундай деб ёзди: «Большевиклар барча турдаги демократиядан ажралиб қолганларидан кейин, уларга қарши курашиш анча осонлашади, шу сабабдан кураш очиш учун уларнинг хуружини кутиб ўтиришнинг маъноси йўқ. Аксинча, ҳукумат бундай хуружга йўл қўймаслиги лозим...

Большевикларнинг қўзғолонга ва анархияга даъват қилишлари жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракатдир. Ҳаттоки энг озод мамлакатда ҳам бундай даъватчиларнинг авторлари қаттиқ жазоланур эдилар, чунки большевикларнинг бутун қилмишлари ҳукуматга қарши на сиёсий кураш, ва на ҳокимият учун ҳам кураш эмас, балки анархияни, погромларни ва гражданлар урушини пропаганда қилиш демакдир. Бундай

* Ж. Ридда 19-модда йўқ.— *Ред.*

пропаганда таг-томири билан йўқотилиши лозим; погромчилик ташвиқотларига қарши кураш бошламоқ учун погромларнинг бошланишини кутиб ўтириш ғалати бўлур эди...»

«Новое Время» 1 ноябрь (19 октябрь)да шундай деб ёзди: «...Нима сабабдан ҳукуматни 20 сентябрь ва 30 август безовта қилмасдан, фақат 20 октябрь куни безовта қилмоқда. Россия кўпдан алангаланиб вайрон бўлмоқда, даҳшатли ёнғин тутуни эса алла қачондан буён иттифоқчиларимизнинг кўзларини ачитмоқда.

Шу вақтга довур ҳукумат томонидан анархияни тўхтатишга қаратилган бирорта фармон бўлдими ва бирор кимса бутун Россия ёнғинини ўчиришга ҳаракат қилдими?

Бунга фурсат бормиди?!

Ҳукумат ўз зиммасига бундан зарурроқ бир вазифани олган эди. Ҳукумат (корниловчилик) исёнини бостириш билан овора эди. Бу ҳақда одамлар ҳайрон бўлиб: «Шунақа исён бўлганми ўзи?»— деб сўрашадилар...»

3

БОЛЬШЕВИКЛАР ҲАҚИДА МУЪТАДИЛ СОЦИАЛИСТИК МАТБУОТ

«Дело Народа» (социалист-революционерлар газетаси) 28(15) октябрда шундай деб ёзди: «Большевикларнинг революцияга қарши энг оғир жиноятлари шундан иборатки, оммани қаттиқ азоблаётган бутун фалокатларни улар революцион ҳукуматнинг ёвуз нияти туфайли деб тушунтирадилар, ҳолбуки аслида бу фалокатлар объектив сабаблар орқасида пайдо бўлгандир.

Улар ўз ваъдаларининг ҳеч бирини бажариш қўлларидан келмаслигини олдиндан билсалар-да, оммaнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирадилар; улар оммани сохта йўлдан бошлаб бормоқдалар, барча қийинчиликларнинг сабаблари ҳақидаги масалада оммани алдаб келмоқдалар...

Большевиклар — революциянинг энг хатарли душманларидир...».

«День» (меньшевиклар газетаси) 30(17) октябрда шундай деб ёзди: ««Матбуот эркинлиги» шундан иборатми»? «Новая Русь» ва «Рабочий Путь» ҳар куни очиқдан-очиқ қўзғолонга чақирадилар. Ҳар куни бу икки газета ўз саҳифаларида ўта кетган жиноятга йўл қўймоқдалар. Ҳар кун улар погромга даъват қиладилар... «Матбуот эркинлиги» шуми?

Ҳукумат бизни ҳам, ўзини ҳам ҳимоя қилиши лозим. Гражданлар ҳаёти устида қонли погромлар хавфи турган бир пайтда биз ҳукумат машинасининг ҳаракатсиз туриши мумкин эмаслигини талаб қилишга ҳақлимиз».

4

«ЕДИНСТВО»

Ҳокимиятни большевиклар қўлга олганларидан бир неча ҳафта ўтгач, Плехановнинг «Единство» газетаси чиқишдан тўхтади. Кўп тарқалган миш-мишларга қарамасдан, Совет ҳукумати «Единство» газетасини ёпиб қўймаган эди. Газетанинг энг сўнгги сонида, обуначиларнинг сони жуда кам бўлганликдан, газета чиқишдан тўхталди, деган хабар босилган эди.

5

БОЛЬШЕВИКЛАР СУИҚАСДЧИ БЎЛГАНЛАРМИ?

Петроградда чиқадиган французча «Entente» газетаси 15(2) ноябрдаги мақоласида шундай деб ёзган эди:

«Керенский ҳукумати ўйланиб, иккиланиб қолган, Ленин ва Троцкий ҳукумати эса, иш кўрмоқда ва ҳужум қилмоқда.

Бу ҳукуматни суиқасдчилар ҳукумати деб аташади, аммо бу ҳақиқатда нотўғри. Албатта, ўз рақиблари устидан тантана қилган ҳар қандай революцион ҳукумат сингари бу ҳам ғасбкорлар ҳукуматидир, аммо суиқасдчилар ҳукумати эмас.

Йўқ! Бу одамлар — суиқасдчилар эмас. Улар яширинча иш қилмайдилар, аксинча, улар дадил, рўй-рост, шаҳдам сўзли, ниятларини ниқобламай ҳаракат қилувчи кишилардир; улар бутун кучлари билан очиқ агитация юргизадилар, заводларда, казармаларда, фронтда, мамлакат ичида — ҳамма жойда пропагандани бундан ҳам авж олдирадилар. Улар қуролли қўзғолон кунини, ҳокимиятни қўлга олиш кунини рўй-рост олдиндан белгилаб қўядилар...

Улар — суиқасдчиларми? Асло!»

6

ҚЎЗҒОЛОНГА ҚАРШИ ЧАҚИРИҚ

(Армия марказий комитетидан)

«...Биз даставвал кўпчилик халқнинг уюшган иродасини халқ ҳокимияти органи бўлган Республика Совети ва МИҚ билан мувофиқлаштирилган Муваққат ҳукуматда ифодаланган иродасини оғишмай амалга оширишни талаб қиламиз...

Ҳукумат кризиси мамлакатда тартибсизлик, вайронгарчилик ва гражданлар уруши туғдириши муқаррар бўлган бир пайтда бу ҳокимиятни зўрлик йўли билан ағдаришга ҳар қандай уринишни армия контрреволюцион бир иш деб билади ва бу уриниш қурол кучи билан бостирилади...

Айрим группа ва синфларнинг манфаатлари бир умумий манфаатга — саноатимизнинг унумдорлигини ошириш ишига ва энг зарур буюмларни тўғри тақсимлаш ишига бўйсундирилиши лозим.

Саботажчилик қилишга, тартибсизликлар чиқаришга уринувчи барча кишиларни, барча дезертир ва барча талончиларни ҳамда эпашангларни армия орқасида қора ишларда ишлашга мажбур қилмоқ керак...

Биз халқ иродасига қарши борувчи бундай кишилардан, революциянинг бу душманларидан махсус ишчи отрядлари тузиб, уларни душман ўқи остида фронтда, фронт орқасида, окопларда ишлатишни Муваққат ҳукуматдан талаб этамиз...»

7

7 НОЯБРЬ (25 ОКТЯБРЬ)ГА ЎТАР КЕЧАСИ ЮЗ БЕРГАН ҲОДИСАЛАР

Кечқурун қизил гвардиячилар отрядлари буржуа газеталарининг босмахоналарини ишғол қилиб, «Рабочий Путь», «Солдат» газеталарини ва турли хитобномаларни юз минг нусхалаб боса бошладилар. Босмахоналарни қизил гвардиячилардан тозалаш тўғрисида шаҳар милициясига буйруқ берилди, лекин милиция баррикадаланган дарвозалар ва қуролли соқчиларга дуч келиб қолди. Босмахоналарга ҳужум қилиш топширилган солдатлар буйруққа итоат этмадилар.

Кечаси соат 12 ларда «Ҳур фикрлилар» клубига бир полковник бир рота юнкерлар билан «Рабочий Путь» газетасининг редакторини қамаш тўғрисидаги буйруқни олиб келди. Кўчада дарҳол оломон тўпланиб, юнкерларни ур калтак қилиш билан қўрқитди. Шунда полковник ўзини юнкерлар билан қамоққа олиб хатарсиз бўлиши учун Петропавловск қалъасига жўнатишларини илтимос қилди. Унинг бу илтимоси қондирилди.

Қоқ ярим кеча, соат 1 да солдат ва матрослар отряди Смольнийдан чиқиб телеграфни эгаллади*. Соат 1 дан 35 минут ўтганда почтамт эгалланди. Саҳар пайтида ҳарбий гостиница қўлга олинди, тонг пайти соат 5 да телефон станцияси эгалланди**. Соат 10 да Қишки сарой аскарлар томонидан қуршаб олинди.

IV БОБГА

1

7 НОЯБРЬ (25 ОКТЯБРЬ) ДАГИ ҚЎЗҒОЛОНЛАР

Керенский кечаси соат 4 дан эрталабгача Петроградда, бош штаб биносида туриб, шаҳарда ва шаҳар атрофида жойлашган казак қисмлари ва юнкерлар мактабларига буйруқ устига буйруқ юбориб турди. Бу қисм ва мактаблар ҳаммаси, қўзғолон қилмаймиз, деб жавоб қилдилар.

Шаҳар коменданти полковник Полковников штаб билан қишки сарой ўртасида ғизиллаб югуриб юрди, афтидан унинг

---

* Телеграф кечаси соат 2 да эгалланган эди.— *Ред.*

** Телефон станцияси эрталаб соат 7 да эгалланган эди. —*Ред.*

қўлида ҳеч қандай план йўқ бўлса керак. Керенский кўприкларни кўтариб қўйишга буйруқ берди; уч соат мобайнида бу тўғрида ҳеч қандай иш қилинмади, сўнгра эса бир офицер беш солдатни ёнига олиб, ўз ихтиёри билан Николаевск кўприги томон жўнаб кетди кўприкни қўриқлаб турган қизил гвардиячи соқчиларни суриб ташлаб, кўприкларни кўтартириб қўйди. Аммо у сал нари кетиши билан қандайдир матрослар кўприкни яна тушириб қўйдилар.

Керенский «Рабочий Путь» босмахонасини эгаллашга буйруқ берди. Бу ишни бажариш учун тайинлаган офицерга бир взвод солдат берилмоқчи бўлинди; икки соатдан кейин унга юнкерлар отрядини беришни ваъда қилдилар, кейин эса буйруқни бутунлай эсдан чиқардилар.

Почтамт билан телеграфни большевиклардан тортиб олишга уриниб кўрдилар; бир оз отишма бўлганидан кейин ҳукумат отряди, Советларга қаршилик кўрсатишни истамаймиз, деди:

Юнкерлар делегациясига Керенский шундай деди: «Муваққат ҳукумат бошлиғи ва олий бош қўмондон сифатида ҳеч нарса билмайман ва сизларга бирор маслаҳат ҳам бера олмайман. Аммо революция ветерани сифатида, сиз ёш революционерларни ўз постларингизда мустаҳкам туриб, революция ютуқларини ҳимоя қилишга чақираман».

КИШКИННИНГ 7 НОЯБРЬ (25 ОКТЯБРЬ) ДАГИ БУЙРУҒИ

«Муваққат ҳукумат фармони билан қарор қилинди: Муваққат ҳукумат аъзоси Н. М. Кишкинга пойтахтда тартиб ўрнатиш ва Петроградни анархистларнинг турли-туман хуружларидан ҳимоя қилиш учун тўла ваколат ҳуқуқи берилсин ва ҳарбий ҳамда граждан ҳокимиятлари унга бўйсундирилсин».

«Муваққат ҳукумат томонидан ўзимга берилган ваколат асосида Петроград ҳарбий округи бош қўмондони полковник Георгий Полковниковни ўз вазифасидан озод этаман».

Муваққат ҳукумат раисининг ўринбосари министр Коноваловнинг

25 октябрь (7 ноябрь) да аҳолига Мурожаатномаси

«Гражданлар, ватанни, республикани ва ҳурриятни сақлаб қолинг! Ақлдан озганлар халқ томонидан Таъсис мажлиси чақирилгунча барпо этилган ягона давлат ҳокимияти — Муваққат ҳукуматга қарши қўзғолон кўтардилар. Муваққат ҳукумат аъзолари жойларида қолиб ўз бурчларини бажарадилар ҳамда ватан йўлида, тартиб ўрнатиш учун, рус ери ва унда яшовчи барча халқларнинг тўла хўжаси бўладиган Таъсис мажлисини муддатида чақириш учун ўз ишларини давом эттираверадилар.

Гражданлар, сизлар Муваққат ҳукуматга ёрдам кўрсатишингиз лозим. Сизлар унинг ҳокимиятини мустаҳкамлашингиз лозим.

Сизлар, ҳуррият ва тартиб душманлари, эски тузум тарафдорлари қўллаб-қувватлаган ақлдан озганларнинг Таъсис мажлисини бузиш, революциянинг бутун ютуқларини йўқотиш, азиз ватанимизнинг бутун келажагини йўққа чиқариш йўлидаги уринишларига халал беришингиз лозим.

Гражданлар, улуғ ватанимиз халқларининг бахти йўлида ва тартиб ўрнатиш йўлида, Муваққат ҳукуматнинг вақтли ҳокимиятини ҳимоя қилиш учун Муваққат ҳукумат атрофига тўпланингиз.

1917 йил 25 октябрь»

Муваққат ҳукумат радиограммаси

«...Петроград Ишчи ва Солдат Депутатлари Советлари, Муваққат ҳукумат бекор қилинди, деб эълон қилди ва Петропавловск қалъасидан ҳамда Нева дарёсида турган «Аврора» крейсеридан Қишки саройни тўпга тутиш билан қўрқитиб, бутун ҳокимиятни ўзига топширишни талаб қилди.

Ҳукумат ҳокимиятни фақат Таъсис мажлисига топшириши мумкин, шу сабабдан таслим бўлмасликка ва ўзини халқ ҳамда армия ҳимоясига топширишга қарор қилди, бу ҳақда бош штабга телеграмма берди. Бош штаб отряд юбортирамиз, деб жавоб қилди.

Мамлакат ва халқ жанг қилаётган армиянинг орқа томонида қўзғолон кўтармоқчи бўлган большевикларнинг телбалик билан уринишларига тегишли жавоб қилсин.

25 октябрь, кеч соат 9».

Эрталаб соат 9 ларда Керенский фронтга жўнаб кетди...*

Кечга яқин бош штаб биносига велосипед минган икки солдат кириб келиб, ўзларини Петропавловск қалъаси гарнизонидан вакил бўлиб келганларини билдирдилар. Улар Қишкин, Рутенберг, Пальчинский, генерал Багратуни, полковник Параделов ва граф Толстой кенгаш қилиб ўтирган конференц-залига кириб штабнинг дарҳол таслим бўлишини талаб қилдилар, акс ҳолда тўпга тутиласизлар, деб таҳдид қилдилар. Икки кенгашдан кейин штаб ваҳима ичида Қишки саройга кўчди, штаб биносини эса қизил гвардиячилар ишғол қилдилар...

Кечга бориб Сарой майдонида большевикларнинг броневиклари айланиб қолди ва Совет кайфиятидаги солдатлар юнкерлар билан музокара қилиб беҳуда уриндилар...

---

* Керенский Петроградда фронтга ўзи чақиртирган қўшинни «қаршилаш» учун эрталаб соат 11 дан 30 минут ўтганда жўнаб кетган эди.— *Ред.*

Сарой кечқурун соат 7 ларда ўққа тутила бошланди...

Кечқурун соат 10 ларда тўплардан ўқ узила бошланди. Аммо ҳамма тўп ўқлари деярли пахтаванд ўқлар эди, лекин саройнинг пеш томонига учта кичкина шрапнель тегиб, андак шикастлади.

2

ҚИШКИ САРОЙДА ТАЛОНЧИЛИК

Мен қишки саройда ҳеч қандай талончилик бўлмаган деб айтмоқчи эмасман. Аммо шуни айтиб ўтиш керакки, Қишки сарой эгалланганидан кейин эмас, балки ундан илгари ҳам у жойда кўп нарса ўғирланган. Аммо эсерлар газетаси «Народ»нинг ва шаҳар думаси баъзибир аъзоларининг, саройдан 500 миллион сўмлик қимматбаҳо буюмлар ўғирланган деган гаплари муболағадан бошқа нарса эмас.

Саройда сақланаётган энг муҳим санъат асарлар — расмлар, ҳайкаллар, гиламлар ва гобеленлар, нодир чинни асбоблар, қадимий қурол-яроқлар сентябрь ойидаёқ Москвага ташиб кетилган эди. Большевиклар Кремлни ишғол қилганларидан ўн кун кейин, мен бу нарсаларни Катта кремль саройининг подвалида кўрдим. Бу буюмларнинг ҳаммаси бешикаст сақланганига шоҳидман...

Аммо сарой эгалланган кейин бир неча кун мобайнида унинг хоналарини бемалол айланишга рухсат этилган барча гражданлардан баъзи бирлари овқат ейдиган кумуш асбобларни, соатларни, кўрпа-ёстиқларни, ойналар, чинни кўраларни ва ўртача қиммат баҳоли тошларни ўғирлаб олиб чиқиб кетганлар. Шундай қилиб, ҳаммаси бўлиб 50 минг сўмга яқин буюм йўқолган.

Ўғирланган молларни қайтариш учун Совет ҳукумати рассомлар ва археологлардан иборат махсус комиссия тузди. 14 (1) ноябрда бу комиссия қуйидагича икки мурожаатнома чиқарди:

«Петроград гражданларига!

Биз, 25 дан 26 октябрга (7 дан 8 ноябрга) ўтар кечаси Қишки саройдан ўғирланган барча нарсаларни мумкин қадар қидириб топиш, уларни Қишки сарой комендантига қайтариб бериш учун барча гражданлардан зўр бериб ҳаракат қилишларини илтимос қиламиз.

Ўғирланган нарсаларни олиб сотарлар, шунингдек, ўғирланган нарсалар топилган антикворлар қонуний тартибда жавобгарликка тортилиб, қаттиқ жазога дучор қилинадилар.

Музейларни ва нафис буюмларни сақлаш комиссарлари:

Г. Я. Ятманов, Б. Мандельбаум».

«Барча полк ва флот комитетларига

25 дан 26 октябрга (7 дан 8 ноябрга) ўтар кечаси Қишки саройдан рус халқининг нодир мулки ҳисобланган қиммат-баҳо бадиий буюмлардан бир қанчаси ўғирланган.

Ўғирланган буюмларни Қишки саройга қайтариш учун ҳаммани астойдил ҳаракат қилишга қаттиқ чақирамиз.

Комиссарлар — *Г. Ятманов, Б. Мандельбаум*».

Ўғирланган нарсаларнинг ярмичаси топилди, лекин Россиядан жўнаб кетаётган ажнабийларнинг багажларидан ҳам баъзи нарсалар чиқиб қолди.

Смольнийнинг ташаббуси билан йиғилган рассомлар ва археологлар кенгашида Қишки сарой инвентарини тузиш учун комиссия сайланди. Петроград нафис буюмлар ва давлат музейлари ишларига доир барча вазифалар ҳам ана шу комиссияга юкланди.

16 (3) ноябрда Қишки сарой беркитилиб, халойиқ киргизилмай қўйди, чунки комиссия асбоб-ускуналарни рўйхат қилишга киришган эди.

Ноябрь ойи ўртасида Халқ Комиссарлари Совети махсус декрет чиқарди. Бу декрет билан Қишки саройга «Халқ музейи» деб ном берилди. Ўша декрет билан сарой нафис санъат ва археологик буюмлар комиссияси ихтиёрига батамом топширилди, унинг ичида ҳар қандай ҳукумат ишлари ёки сиёсий ишлар олиб бориш ман этилди.

3

ХОТИНЛАР БАТАЛЬОНИ УСТИДАН ЗЎРЛИК

Қишки сарой бевосита қўлга олинганидан кейинроқ, антибольшевистик матбуотда ва шаҳар думасининг мажлисларида саройни ҳимоя қилган хотин-қизлар батальонининг тақдири тўғрисида ғалати хабарлар тарқалган эди. Миш-мишларга қараганда, баъзи бир хотин-қиз солдатлар деразалардан тош йўлларга улоқтириб ташланибди, кўпларининг номусига тажовуз қилинибди, қолганлари эса бу даҳшатларга чидай олмай ўзларини ўзлари ўлдирибдилар.

Ишларни текшириш учун шаҳар думаси махсус комиссия тузди. 16(3) ноябрда бу комиссия хотин-қизлар батальони жойлашган Левашоводан қайтиб келди. Теркова хонимнинг айтишича, хотин-қизларни бошда Павловск казармасига жўнатганлар. У ерда, дарҳақиқат, кўпларига қўпол муомала қилганлар. Энди бўлса, хотин-қизларнинг кўп қисми Левашовода турипти, қолганлари эса, Петроградда хусусий уйларга тарқалиб кетишган. Комиссиянинг бошқа бир аъзоси д-р Мандельбаум қуруққина қилиб, Қишки сарой дарвозасидан *ҳеч бир* хотин-қиз улоқтириб ташланмапти, учтасинингина но-

мусига тажовуз қилинипти, фақат биттаси ўзини ўзи ўлдирипти, деди. У, «ниятимга етолмадим» деб ёзиб қолдирипти.

Ноябрь ойида хотин-қизлар батальони Ҳарбий-революцион комитет томонидан, расман хотин-қизларнинг ўз илтимосига мувофиқ, тарқатиб юборилди. Шундан кейин яна ўзларининг оддий кийимларини кийиб юрадиган бўлдилар.

Қитобхон Луиза Брайантнинг «Россияда олти қизил ой» деган китобида бу хотин-қиз солдатлар тўғрисида қизиқ воқеаларни ўқиши мумкин.

V БОБГА

26 октябрь, Ҳарбий-революцион комитетнинг МУРОЖААТИ ВА ХИТОБНОМАСИ

«Ҳаракатдаги қўшин барча армия комитетларига.

Барча солдат депутатлари Советларига.

Петроград гарнизони ва пролетариати революцияга ва халққа қарши исён кўтарган Керенский ҳукуматини ағдариб ташлади...

Ҳарбий-революцион комитет фронтдаги ва фронт орқасидаги армияни шундан хабардор қилиб, қўмондонлик составининг хатти-ҳаракатини ҳушёрлик билан кузатиб боришга революцион солдатларни чақиради. Юз берган революцияга тўғридан-тўғри ва очиқдан-очиқ қўшилмаган офицерлар душман сифатида тезлик билан қамоққа олинсин.

Янги ҳокимият программасида Петроград Совети тезлик билан демократик сулҳ тузиш, помещикларнинг ерларини дарҳол деҳқонларга олиб бериш, барча ҳокимиятни Советларга топшириш ва Таъсис мажлисини ҳалоллик билан чақириш таклифларини кўради. Революцион халқ армияси ишончсиз қўшин қисмларини фронтдан Петроградга юбортирмасликка ҳаракат қилиши лозим. Гап ва ишонтириш йўли билан ҳаракат қилиб кўриш керак, булар ёрдам бермаганида, уларни жўнатишга қарши *раҳмсиз равишда куч ишлатиш зарур.*

Ушбу буйруқни барча аскарий қисмларнинг ҳамма турларида дарҳол ўқиб эшиттирилсин. Армия ташкилотларининг бу буйруқни солдатлар оммасидан яширишлари революция олдида оғир жиноят ҳисобланиб, революцион қонун бўйича қаттиқ жазога мустаҳиқ бўладилар.

Солдатлар! Сулҳ учун, ғалла учун, ер учун, халқ ҳокимияти учун курашингиз!

Ҳарбий-революцион комитет»

«Барча фронт ва фронт орқасидаги армия, корпус, дивизия, полк ва рота комитетларига ҳамда ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларига.

Солдатлар ва революцион офицерлар!

Ҳарбий-революцион комитет солдат, ишчи ва деҳқонларнинг умумий овози билан қарор қилади: генерал Корниловни ва унинг фитнасида қатнашиб, шармандаси чиққан барча шахсларни, халқ ва революция душмани сифатида ушлаб, Петропавловск қалъасига қамаш ва дарҳол қаттиқ қўл ҳарбий-революцион судга топшириш учун Петроградга олиб келиб топширилсин. Бу қарорга қаршилик кўрсатганларни комитет революция хоинлари деб эълон қилади ва уларнинг буйруқларини кучга молик эмас, бажариш учун нолойиқ деб билдиради.

Петроград Ишчи ва Солдат Депутатлари Советининг Ҳарбий-революцион комитети».

«Барча Ишчи, Солдат ва Деҳқон Депутатлари губерния ва уезд Советларига

Бутун Россия Советлар съездининг қарори билан ер комитетларининг қамоққа олинган барча аъзолари озод этиладилар. Уларни қамаган комиссарлар ўзлари қамоққа олинадилар. Бундан буён барча ҳокимият Советлар қўлидадир. Ҳукумат комиссарлари четлаштирилади. Советларнинг раислари бевосита революцион ҳукумат билан алоқада бўладилар.

2

ШАҲАР ДУМАСИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

8 ноябрь (25 октябрь) мажлисида шаҳар думаси қуйидаги мурожаатномани эълон этишга қарор қилди:

«Энг демократик асосларда сайланган Марказий Петроград шаҳар думаси *катта* хўжалик вайронгарчилиги юз берган пайтда шаҳар хўжалигини бошқариш ва аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ишларининг барча оғирлигини ўз зиммасига олади. Ҳозирги пайтда, Таъсис мажлисига сайловларга уч ҳафтагина қолганда, ташқи душманлар кўз ўнгида, қурол кучи билан ягона қонуний, революцион-ворислик билан ўрнатилган ҳокимиятни бартараф қилган большевиклар партияси шаҳар бошқармасининг ваколати ва мустақиллигига қасд қилиб, тайинланган комиссарларга ва ғайри қонуний янги ҳокимиятга бўйсунишни ундан талаб этмоқда.

Мана шу даҳшатли, фожиали пайтда, Петроград шаҳар думаси ўз сайловчилари ва бутун Россия олдида барала арз қиладики, дума ўз ҳуқуқ ва мустақиллигига ҳар қандай қасд

қилувчиларга бўйсунмайди ҳамда пойтахт аҳолисининг иродаси билан ўтқазиб қўйилган ўз масъул постида қолаверади.

Петроград марказий шаҳар думаси Россия республикасидаги барча шаҳар ва земство бошқармаларига мурожаат қилиб, ўзига қўшилишга ва рус революциясининг улуғ ғалабаларидан бири бўлган жамоат бошқармасининг озодлик ва мустақиллигини ҳимоя қилишга даъват этади».

3

«ЕР ҲАҚИДА ДЕҲҚОНЛАР НАКАЗИ

Ер масаласи, тўла ҳажмда, умумхалқ Таъсис мажлиси орқалигина ҳал этилиши мумкин.

Ер масаласини энг тўғри ҳал қилиш йўли шундай бўлиши лозим:

1) *Ерга хусусий мулкчилик ҳуқуқи абадий бекор қилинади*; ер олди-сотди қилинмайди, ижарага берилмайди, гаровга қўйилмайди, шунингдек, бошқа йўллар билан ҳам тортиб олинмайди.

Барча ерлар: *давлат ери, удель, кабинет, монастир, черков, пассессион, майоратга, хусусий, жамоат ва деҳқонлар ҳамда шу сингариларга қарашли ерлар текинга олинади,* умумхалқ мулкига айлантирилади ва ундаги барча меҳнаткашлар фойдасига хизмат қилдирилади.

Мулкий ўзгаришдан жабр кўрганлар учун, уларнинг янги кун кечириш шароитларига мосланиб олгунларига қадар, жамоатчилик ёрдами ҳуқуқидан фойдаланишлари танилади.

2) Барча ер ости бойликлари: руда, нефть, кўмир, туз ва шу сингарилар, шунингдек, жамоат аҳамиятига эга бўлган ўрмон ва сувлар фойдаланиш учун давлат ихтиёрига ўтади. Барча кичик дарёлар, кўллар, ўрмонлар ва ҳоказолар фойдаланиш учун жамият (обшчина) ихтиёрига ўтади, шу шарт биланки, уларга маҳаллий бошқариш органлари мутасаддийлик қилишлари керак.

3) Серҳосил хўжаликларнинг ерлари: боғлар, плантациялар, кўчатхоналар, питомниклар, оранжерия ва шу сингарилар *тақсимланмайдилар, балки намунавий хўжаликка айлантирилиб,* ўзларининг миқдор ва аҳамиятларига қараб, фойдаланиш учун фақат *давлат ёки жамият* ихтиёрига топшириладилар.

Қўралар, шаҳар ва қишлоқ доирасидаги ерлар, томорқа боғ ва полизлари фойдаланиш учун ҳақиқий эгаларида қолдирилади, бу ер участкаларининг миқдори ва қанча солиқ солиниши қонуний тартибда белгиланади.

4) От заводлари, давлатга ва хусусий кишиларга қарашли наслдор чорва, паррандачилик ва шу сингарилар мусодара қилиниб, умумхалқ мулкига айлантирилади. Уларнинг каттакичиклиги ва аҳамиятига қараб, фойдаланиш учун ё давлат ихтиёрида қолдирилади, ё жамиятга ўтади.

Ер ҳақи тўлаш масаласини Таъсис мажлиси ҳал қилади.

5) Мусодара қилинган ерлардаги ҳамма хўжалик асбоб-ускуналари, жонли ва жонсиз асбоб-ускуналар, уларнинг миқдори ва аҳамиятига қараб, фойдаланиш учун бепул фақат давлат ёки жамият ихтиёрига ўтади.

Қам ерли деҳқонларнинг асбоб-ускуналари мусодара қилинмайди.

6) Ўз меҳнати билан, ўз оила аъзолари ёрдами билан ёки ширкат бўлиб ер ишлашни истаган Россия давлатидаги барча гражданлар (жинсидан қатъи назар), ер ишлашга кучлари етгунга қадар, ердан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар. Одам ёллаб ишлатишга йўл қўйилмайди.

Қишлоқ жамоасининг бирор аъзоси икки йил мобайнида иттифоқо ишлашга кучи етмай қолса, қишлоқ жамоатчилиги, у меҳнатга лаёқати бўлгунга қадар, ана шу муддат ичида унинг ерини кўплашиб ишлаш йўли билан ёрдамлашиш вазифасини ўз зиммасига олади.

Қариганлик ёки инвалидлик орқасида ўз ерларини ишлашга абадий кучи етмай қолган ер эгалари ердан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар, аммо бунинг эвазига давлатдан пенсия билан таъминланадилар.

7) Ердан фойдаланиш бир текисда, яъни ерлар меҳнаткашлар ўртасида, ўша жойнинг шароитига, меҳнат ва истеъмол нормасига қараб тақсимланади.

Ердан фойдаланиш шакли батамом эркин бўлиши лозим, айрим қишлоқ ва посёлкаларнинг қарорига биноан, хонадон, хутор, жамоа, артель усулларида бўлиши керак.

8) Мусодара қилинган ҳамма ерлар умум халқ ер фондига қўшилади. Бу ерларни меҳнаткашлар ўртасида тақсимлаш ишини, демократик асосда уюшган табақасиз қишлоқ ва шаҳар жамоаларидан бошлаб, марказий область муассасаларига қадар бўлган маҳаллий ва марказий бошқармалар олиб боради.

Ер фонди аҳоли сонининг, қишлоқ хўжалиги унумдорлиги ва маданиятининг ўсишига қараб, вақт-вақти билан бошқатдан тақсимланиб турилади.

Улуш ерларнинг чегараси ўзгарганда, унинг дастлабки марзаси дахлсиз қолиши лозим.

Чиқиб кетувчи аъзоларнинг ерлари яна ер фондига қўшилади, лекин кетиб қолган аъзоларнинг ерларини яқин қариндошлари ёки уларнинг кўрсатган одамларигина олиб, фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ерга солинган ўғит ва мелиорация (ерни тубдан яхшилаш) қиймати, улуш ерлар ер фондига қайтарилганида фойдаланилмаган тақдирда, пул билан тўланиши лозим.

Башарти айрим жойлардаги ер фондлари ўша жойдаги аҳолини қондириш учун етарли бўлмаса, ортиқча кишилар кўчирма қилинадилар.

Кўчирма қилиш ишини ва унинг харажатларини, асбобускуна билан таъминлаш ва бошқаларни давлат ўз зиммасига олиши лозим.

Кўчирма қуйидаги тартибда бўлади: аввал истаган ерсиз деҳқонлар, сўнгра жамоанинг ҳушёқмас аъзолари, дезертирлар ва шу кабилар кўчирилади, ниҳоят, чек ташлаш ёки келишув йўли билан кўчирилади».

Бу наказдаги ҳамма нарсалар, бутун Россиядаги жуда кўпчилик онгли деҳқонларнинг ҳақиқий иродасининг ифодаси тариқасида, муваққат қонун деб эълон қилинади. Бу қонун Таъсис мажлиси чақирилгунча мумкин қадар тезлик билан амалга оширилади, унинг маълум қисмлари эса, уезд деҳқон депутатлари Советларининг белгилашига қараб, лозимий равишда секин-аста амалга оширилади.

4

ДЕЗЕРТИРЛАР ВА ЕР

Дезертирлар ҳақида ва ер масаласи тўғрисида ҳукумат ҳеч қандай қарор қабул қилгани йўқ. Бу проблема уруш тугаши ва армияни демобилизация қилиш билан ўз-ўзидан ҳал бўлади.

5

ХАЛҚ КОМИССАРЛАРИ СОВЕТИ

Бошда Халқ Комиссарлар Совети большевиклардангина тузилган эди. Аммо бунинг учун жавобгарликни ёлғиз уларгина ўз устларига олмайдилар. 8 ноябрь (26 октябрь)да улар бир неча лавозимларни сўл эсерларга таклиф этдилар, аммо сўл эсерлар кўнмадилар.

VI БОБГА

I

МУРОЖААТНОМА ВА ХИТОБНОМАЛАР

«С-р партиясининг барча граждан ва ҳарбий ташкилотларига.

Большевикларнинг телбанамо уринишлари ҳалок бўлиш олдида. Гарнизон орасида ихтилоф ва руҳий тушкунлик. Министрликлар ишлашдан тўхтаган. Ғалла тугай деб қолди. Бир ҳовуч максималистлардан ташқари бутун фракциялар съездни ташлаб чиқиб кетди. Большевиклар партияси яккаланиб қолди. Марказий комитет босмахонасига қарши тажовуз, Маслов, Цион ўртоқларнинг ва партиянинг бошқа аъзоларининг қамоққа олиниши, Қишки сарой олиниши билан бошланган талон-торож ва зўрликлар матрос ва солдатларнинг кўпчилигини бадтар ғижинтирмоқда. Центрофлот большевикларга итоат қилмасликка чақирмоқда!

Таклиф этамиз: биринчидан, телбанамо ҳаракатларни батамом тугатиш учун қўшинлар ташкилотларига, комиссарларга ва қўмондонлик составига тўла ёрдам қилинсин. Ерларни тезлик билан ер комитетлари ихтиёрига топшириш, барча урушаётган давлатларга дарҳол умумий демократик сулҳ тузишни таклиф этиш программаси асосида бир хилдаги революцион, демократик ҳокимият барпо этишни ўз бурчи деб билган Ватанни ва Революцияни Ҳимоя қилиш комитети атрофига уюшингиз; иккинчидан, партия муассасаларини қўриқлаш учун мустақил чоралар кўрилсин; учинчидан, большевиклар авантюрасидан революция ютуқларини йўққа чиқариш учун фойдаланувчи контрреволюцион унсурларнинг интилишларига актив равишда қаршилик кўрсатиш мақсадида Марказий Комитетнинг чақиришига ҳар дамда тайёр турилсин; тўртинчидан эса, фронтнинг заифлашиб қолганидан фойдаланиб қолмоқчи бўлган душманга қарши иш кўрмоқ учун зийрак ва ҳушёр туриш керак.

Социал-революционерлар партияси Марказий Комитетининг Марказий Комитети ва Ҳарбий комиссияси

1917 йил 27 октябрь

«Правда»дан

«Керенский ким ўзи? *Сохта киши,* унинг жойи Петропавловскда, Корнилов ва Кишкиннинг ёнида. Ўзига ишонган солдат, деҳқон ва ишчиларга қарши *жиноятчи.*

Керенский — солдатлар қотили.

Керенский — деҳқонлар қонини тўккан жаллод.

Керенский — ишчилар ҳаракатини бостирувчи.

Ишчилар, солдатлар ва деҳқонлар қўлга киргизган озодликка қасд қилишга беҳуда уринган иккинчи Корнилов ана шунақа!»

VII БОБГА

I

ИККИ ДЕКРЕТ

Матбуот ҳақида декрет

«Қўзғолон кунлари ва соатларидаги оғир дамларда ва бевосита кейин келадиган кунларда вақтли революцион комитет турли-туман контрреволюцион матбуотга қарши қатор чоралар кўришга мажбур бўлди.

Янги социалистик ҳокимият, матбуот эркига қасд қилиб, шу тариқа ўз программасининг асосий принципларини бузди, деб дарҳол ҳамма ёқдан шовқин-суронлар кўтарилди.

Ишчи ва деҳқон ҳукумати аҳолининг диққат эътиборини шунга жалб қиладики, бизнинг жамиятимизда бу либерал ниқоб орқасида ҳақиқатда мулкдор синфлар учун бўлган эркинлик яшириниб ётади, мулкдор синфлар барча матбуотнинг катта қисмини ўз қўлларига киргизиб олиб, омманинг ақлини ҳаддан ташқари заҳарламоқда ва унинг онгини алаға қилмоқда.

Буржуазия матбуоти буржуазиянинг кучли қуролларидан бири эканини ҳамма билади. Янги ҳокимият—ишчи ва деҳқонлар ҳокимияти эндигина мустаҳкамланиб келаётган оғир бир пайтда, бомба ва пулемётдан ҳам хавфлироқ бўлган бундай қуролни шундай вақтда душман қўлида бутунлай қолдириш мумкин эмас эди. Шу сабабдан ҳам туҳмат ва бўҳтонларнинг олдини олиш учун вақтинча ошиғич чоралар кўрилган эди, чунки сариқ ва яшил матбуот халқнинг ниҳол ғалабасини ана шу бўҳтонлар шалтоғига ботиришга жон-дили билан тайёр эди.

Янги тузум мустаҳкамланиб олганидан кейин, матбуотга ҳар қандай маъмурий тазйиқ қилишлар тўхтатилади; матбуот учун бу жиҳатдан энг прогрессив ва кенг қонун юзасидан суд олдида жавобгарликка тортилиш чегарасида тўла эркинлик берилади.

Ҳаттоки оғир пайтларда ҳам матбуотни сиқиш фақат зарурият чегарасидагина йўл қўйилишини назарда тутиб, Халқ Комиссарлар Совети қарор қилади:

1. Фақат қуйидаги матбуот органларигина: 1) Ишчи ва деҳқонлар ҳукуматига очиқдан-очиқ қаршилик кўрсатишга ёки итоат қилмасликка чақирувчи. 2) Фактларни очиқдан-очиқ бўҳтон гаплар билан бузиб, ғулғула чиқарувчи. 3) Очиқдан-очиқ жиноий, яъни жиноий жавобгарлик характеридаги ишларга даъват қилувчи органларгина ёпиб қўйилади.

2. Матбуот органларини вақтинча ёки доимий ёпиб қўйиш фақат Халқ Комиссарлари Советининг қарори билангина амалга оширилади.

3. Ушбу низом вақтинчалик бўлиб, жамият ҳаётида нормал шароит туғилиши билан махсус буйруқ асосида бекор қилинади.

Халқ Комиссарлар Совети раиси
Владимир Ульянов (Ленин).

Ишчи милицияси тўғрисида

«1. Барча Ишчи ва Солдат Депутатлари Совети ишчи милицияси таъсис этадилар.

2. Ишчи милицияси бутунлай ва фақат Ишчи ва Солдат Депутатлари Совети ихтиёрида бўлади.

3. Ҳарбий ва граждан ҳокимияти органлари ишчи милициясини куроллантиришга, ҳатто уни давлатга қарашли қурол-

яроқлар билан таъминлашга қадар техника кучлари билан қуролланишга ёрдам беришлари зарурдир.

4. Ушбу қонун телеграф орқали амалга оширилади.

Ички ишлар халқ комиссари *А. И. Риков*

Петроград, 1917 йил 28 октябрь».

Ана шу декрет натижасида бутун мамлакатда қизил гвардия отрядлари тузила бошланди, улар гражданлар урушида Совет ҳокимиятининг асосий кучи бўлиб қолдилар.

2

ЗАБАСТОВКА ФОНДИ

Чиновниклар ва банка хизматчиларининг забастовка фонди Петроград ва бошқа шаҳар банка ҳамда савдо фирмалари, шунингдек, Россияда иш олиб борган ажнабий корхоналарнинг инъом-эҳсонлари билан тузилган эди. Большевиклар билан ишлашдан бош тортган барча шахслар тўла, баъзан эса юқори маош олиб турардилар. Забастовка фондига иона қилувчилар, большевиклар ҳокимиятда мустаҳкамланиб олиши билан, забастовка дарҳол тўхташи учун берадиган ионаларини тўхтатиб қўйишларини тушунадилар.

VIII БОБГА

1

ҲАРБИЙ-РЕВОЛЮЦИОН КОМИТЕТ ХИТОБНОМАСИ

«Бутун Россия Советлар съезди қарор қилади:

Керенский томонидан фронтларда тикланган ўлим жазоси бекор қилинади. Фронтларда тўла эркин агитация тикланади. «Сиёсий» жиноят баҳонаси билан қамоқда ётган барча солдат ва революционер офицерлар дарҳол озод қилинадилар».

«Барча аҳолига

Халқ томонидан ағдариб ташланган собиқ министр Керенский Бутун Россия Советлар съездининг қарорига итоат этишдан бош тортмоқда ҳамда Бутун Россия съезди томонидан сайланган қонуний ҳукуматга — Халқ Комиссарлар Советига жиноий равишда қаршилик кўрсатишга уринмоқда. Фронт Керенскийга ёрдам этишни рад қилди. Москва янги ҳукуматга қўшилди. Бир қанча шаҳарларда (Минск, Могилёв, Харьковда) ҳокимият Советлар қўлига ўтди. Ҳеч бир пиёда қисм ишчи ва деҳқонлар ҳукуматига қарши турмайди, бу ҳукумат армия ва халқнинг қатъий иродасига биноан сулҳ музокараларини бошлаб юборди ва ерларни деҳқонларга олиб берди...

Биз ҳаммага барала эшитдириб шундай деймиз: башарти казаклар ўзларини алдаган Керенскийни қамоққа олмай Петроградга қараб юриш қилсалар, революция қўшинлари бутун қурол кучларини ишга солиб революциянинг ноёб ютуқлари—сулҳ ва ерни ҳимоя қилиш учун отланадилар.

Петроград гражданлари! Керенский сизларни, Петроградни немисларга таслим қилиш тарафдори бўлган Қишкин шаҳарни озиқ-овқат билан таъминлашда саботажчилик уюштирган қора гуруҳчи Руттенберг, барча демократиянинг умумий нафратига дучор бўлган Пальчинский ихтиёрига ташлаб шаҳардан қочди. Керенский сизларни немисларга таслим қилиш, очарчилик, хунрезлик гирдобига ташлаб қочди. Қўзғолончи халқ Керенскийнинг министрларини қамоққа олди, Петроградда тартиб ва озиқ-овқат масаласи бундан ютганини сизлар ўз кўзингиз билан кўрдингизлар. Керенский дворян помешчиклар, капиталистлар, спекулянтларнинг талаби билан, ерларни помешчикларга қайтариш, ҳалокатли малъун урушни яна давом этдириш учун бостириб келмоқда.

Петроград гражданлари! Биз биламизки, сизнинг катта кўпчилигингиз Керенский бошчилигидаги корниловчиларга қарши, революцион халқ ҳокимияти тарафдорисиз. Ўзларингизни ожиз буржуа фитначиларининг ёлғон гапларига алдатиб қўймангиз. Фитначилар шафқатсиз равишда мажақланиб ташланажаклар.

Ишчилар, солдатлар, деҳқонлар! Биз сизлардан революцион ҳозир-жавоблик ва революцион интизом талаб қиламиз.

Кўп миллионли деҳқонлар, кўп миллионли армия биз билан.

Халқ революцияси ғалабаси метиндек мустаҳкам.

Петроград Ишчи ва Солдат Депутатлари Совети Ҳарбий-революцион комитети.

Петроград, 1917 йил 28 октябрь».

2

ХАЛҚ КОМИССАРЛАРИ СОВЕТИНИНГ ДЕКРЕТЛАРИ

Бу китобда мен, фикримча, большевикларнинг ҳокимиятни қўлга олишлари билан бевосита боғлиқ бўлган декретларнигина келтираман. Совет давлати қурилиши билан боғлиқ бўлган келгуси қонунчилик ишларига келсак, жой камлиги учун бу китобда келтириб ўтирмайман. Бу тўғрида менинг кейинги —«Корниловдан Брестгача» деган китобимда мукаммал баён этилади.

Турар жойларни шаҳарлар ихтиёрига топшириш тўғрисида

«1. Шаҳар бошқармалари туриш учун яроқли бўлган ҳамма бўш биноларни мусодара қилиш ҳуқуқига эгадир.

2. Шаҳар бошқармалари ўзлари томонидан тасдиқланган қоида ва нормаларга биноан, уй-жойга муҳтож ёки тиқилинч яшовчи, ёинки соғлиқ учун зарарли уйларда яшовчи кишиларни бинолардаги мавжуд уйларга кўчириш ҳуқуқига эгадирлар.

3. Шаҳар бошқармалари уй-жой инспекцияси тузиш, унинг вазифа ва тузилиш доирасини белгилаб бериш ҳуқуқига эгадирлар.

4. Шаҳар бошқармалари уй-жой комитетлари тузиш, уларнинг вазифа ва тузилишини белгилаш, уларга юридик шахс ҳуқуқи бериш тўғрисида мажбурий қарорлар чиқариш ҳуқуқига эгадирлар.

5. Шаҳар бошқармалари уй-жой судлари тузиш, уларнинг вазифа, тузилиш ва ваколат доираларини белгилаш ҳуқуқига эгадирлар.

6. Ушбу қарор телеграф орқали амалга оширилади.

Ички ишлар халқ комиссари: *А. И. Риков».*

Социал страхование тўғрисида ҳукумат ахбороти

«Россия пролетариати ёлланма ишчиларни, шунингдак шаҳар ва қишлоқ камбағалларини тўла равишда социал страхование қилишни ўз байроғига ёзиб қўйган. Подшо, помешчик ва капиталистлар ҳукумати, шунингдек коалицион муросасоз ҳукумат ҳам ишчиларнинг страхование талабларини амалга оширмади.

Ишчи, Солдат ва Деҳқон Депутатлари Советларига таянувчи ишчи ва деҳқонлар ҳукумати Россия ишчилар синфига, шунингдек шаҳар ва қишлоқ камбағалларига маълум қиладики, бу ҳукумат ишчиларнинг страхование шиорлари асосида тўла социал страхование қилиш тўғрисида дарҳол декретлар чиқаришга киришади:

1. Истисносиз барча ёлланиб ишловчи ишчилар, шунингдек шаҳар ва қишлоқ камбағалларига страхование жорий қилиш.

2. Меҳнат қобилиятини йўқотган ҳамма меҳнаткашларга, чунончи: касаллик, майиблик, инвалидлик, қарилик, оналик, бевалик ва етимлик, шунингдек ишсизликка ҳам страхование қилиш.

3. Бутун страхование харажатларини корхона эгаларига юклаш.

4. Меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ва ишсиз қолганда мумкин қадар тўла маош бериб туриш.

5. Барча страхование ташкилотларида страхование қилинганларга ўзларини бошқариш учун тўла имконият бериш.

Россия республикаси ҳукумати номидан меҳнат халқ комиссари *Александр Шляпников».*

«Россия гражданлари!

25 октябрь қўзғолони туфайли меҳнаткашлар оммаси тарихда биринчи марта ҳақиқий ҳокимиятга эга бўлдилар.

Бутун Россия Советлар съезди бу ҳокимиятни вақтинча Ижроия комитетига ва Халқ Комиссарлар Советига топширди.

Революцион халқ иродаси билан мен маориф халқ комиссари бўлиб тайинландим.

Халқ маорифига умумий раҳбарлик қилиш иши, гарчи марказий давлат ҳокимияти ихтиёрида қолса-да, Таъсис мажлиси чақирилгунга қадар, бу иш халқ маорифи давлат комиссиясига юкланади, бу комиссиянинг раиси ва ижрочиси маориф халқ комиссаридир.

Давлат комиссияси қандай асосий қоидаларга суянади? Унинг вазифалари нимадан иборат бўлади?

Маориф ишларининг умумий йўли

Ҳар бир чинакам демократик ҳокимият, саводсизлик ва нодонлик ҳукм сурган мамлакат маорифи соҳасида шу жаҳолатга қарши курашни ўзининг биринчи мақсади қилиб қўйиши лозим. У ҳозирги замон педагогикасининг талабларига жавоб берувчи мактаб шохобчаларини кўпайтириш ва умумий мажбурий ва бепул таълим жорий қилиш, шу билан бирга бепоён Россиянинг аҳолисига умумий таълим бериш учун етарли бўлган қудратли халқ педагоглар армиясини мумкин қадар тезроқ етиштириб берадиган ўқитувчилар институти ва семинарияларини кўпайтириш йўли билан қисқа муддат ичида *умумий саводлилик* даражасига эришиши лозим...

Ўқитиш ва таълим

Ўқитиш билан таълимнинг фарқини кўрсатиб ўтиш керак...

Ўқитиш — ўқитувчи томонидан ўқувчига тайёр билимларни бериш демакдир. Таълим эса, ижодий процессдир. Инсон шахси бутун умр бўйи «таълим олади», ўсади, билим доираси кенгаяди, такомиллашади.

Меҳнаткаш халқ оммаси — ишчилар, солдатлар, деҳқонлар савод ўрганишга ва ҳар қандай фанга чанқоқдир. Лекин улар яна *таълимга* ҳам чанқоқдирлар. Буни уларга на давлат, на зиёлилар, на ўзларидан ташқари ҳеч бир куч бера олмайди. Мактаб, китоб, театр, музей ва шу сингарилар — бунда фақат ёрдамчигинадирлар, халқ оммаси ўз маданиятини онгли ёки онгсиз равишда ўзи ривожлантиради. Уларда ўзларининг ижтимоий вазиятлари туғдирган ўз идеялари бор, ҳозирга довур ҳукмрон синфлар ва зиёлилар яратиб келган маданият қоидаларидан тамомила фарқ қиладиган ўз идеялари, ўз туйғулари, шахс ва жамият олдида турган бутун вазифаларга ўз муносабатлари бор. Шаҳар ишчиси ўзича, қишлоқ меҳнаткаш-

лари ўзларича синфий меҳнат онги билан суғорилган порлоқ дунё қарашларини вужудга келтирадилар. Келажак авлод шоҳиди ва қатнашчиси бўлган меҳнаткаш коллектив томонидан ўзининг умумий бой ва эркин қалбини яратишдан ҳам улуғвор ва гўзал нарса бўлмаса керак.

Бунда ўқитиш муҳим ҳисобланса-да, лекин ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмасдир. Бунда муҳимроғи танқид ва омманинг ўз ижодидир, чунки фан ва санъат ўзининг баъзи бир қисмларидагина умум кишилик аҳамиятига эгадир. Фан ва санъат ҳар бир чуқур синфий тўнтаришда муҳим ўзгаришларни бошидан кечиради.

Россиянинг ҳамма жойида, хусусан шаҳар ишчилари орасида, шунингдек деҳқонлар орасида ҳам маданий-оқартув ҳаракати зўр тўлқин билан авж олди, шу турдаги ишчи ва солдат ташкилотлари саноқсиз кўпаймоқда: уларнинг ташаббусини қўллаш, уларга ҳар тарафлама ёрдам қилиш, уларнинг йўлини тозалаб очиб бериш — революцион ва халқ ҳукматининг халқ маорифи соҳасидаги энг биринчи вазифаларидандир.

Децентрализация

Халқ маорифи давлат комиссияси ўқув ва таълим муассасаларини бошқарувчи марказий бир ҳокимият эмасдир. Аксинча, барча мактаб ишлари маҳаллий бошқарма органларига топширилиши лозим. Ўз бошларига иш олиб борадиган синфлар—ишчилар, солдатлар, деҳқонлар, маданий-оқартув ташкилотларининг мустақил ишлари марказий давлат аппаратига нисбатан ҳам, муниципал марказга нисбатан ҳам тўла равишда мухтор бўлиши лозим.

Давлат комиссиясининг иши воситачи ва ёрдамчи бўлиши муниципал ва хусусий, айниқса меҳнаткашларнинг синфий оқартув муассасаларига давлат ҳамда умумхалқ миқёсида моддий, ғоявий ва маънавий ёрдам манбаларини ташкил қилишдан иборат бўлиши лозим.

Халқ маорифи давлат комитети

Революция бошидан бери халқ маорифи давлат комитети ўзининг демократик состави ва тажрибакор мутахассислари етарли бўлган комитет томонидан бир қанча қимматли қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди. Давлат комиссияси бу комитет билан тартибли равишда самимий ҳамкорлик қилиш тарафдоридир.

Бу комиссия қуйидаги программаларни бажариш учун комитетнинг ошиғич сессиясини тезлик билан чақиришни илтимос қилиб, Комитет бюросига мурожаат қилади.

1. Комитетни янада кўпроқ демократизация қилиш руҳида комитетга вакиллик нормасини кўриб чиқиш лозим.

2. Россияда халқ маориф ва таълимини демократик асосларда тўла равишда қайтадан тузиш учун қонун лойиҳалари ишлаб чиқишда комитетларни кенгайтириш ва уларни асосий давлат муассасасига айлантириш руҳида комитетнинг ҳуқуқларини қайтадан кўриб чиқиш керак.

3. Комитет томонидан тузилган қонун лойиҳаларини янги давлат комиссияси билан биргаликда қайтадан кўриб чиқиш зарур, чунки буни ҳозирги пайт тақозо қилади. Қонун лойиҳаларини таҳрир этган вақтда комитет, уларга ҳатто шу тор шаклда ҳам тўсқинлик қилиб келган собиқ министрликнинг буржуача руҳи билан ҳисоблашишга мажбур бўлган эди.

Қонун лойиҳалари ана шу тарзда қайтадан кўриб чиқилганидан кейин, ҳеч қандай идоравий сансалорчиликсиз революцион тартибда амалга оширилади.

Педагоглар ва жамият

Давлат комиссияси мамлакатнинг хўжайини бўлган халқни маърифатли қилиш бобида педагогларни порлоқ ва фахрий меҳнат майдонидаги ишлари билан қутлайди.

Халқ маорифи соҳасидаги ҳеч бир тадбир, педагоглар олами вакилларининг овозига диққат билан қулоқ солинмасдан, ҳеч бир ҳокимият томонидан қабул этилмаслиги керак.

Иккинчи томондан эса, қарорлар фақат мутахассислар уюшмаси томонидан ҳеч бир қабул қилинмаслиги лозим. Бу— умумий таълим муассасаларини ислоҳ этишга ҳам тааллуқлидир.

Педагоглар билан жамоат кучлари ҳамкорлиги—қарорлар тузишда ҳам, давлат комитетида ҳам ва унинг бутун фаолиятида ҳам комиссиянинг асосий йўли бўлиши лозим.

Ўқитувчиларнинг даставвал эса энг эзилган, маданий иш соҳасининг анчайин ходимлари саналган бошланғич мактаблардаги халқ ўқитувчиларининг аҳволини яхшилашни комиссия ўзининг биринчи навбатдаги вазифаси деб ҳисоблайди. Уларнинг ҳақли талаблари қандай бўлмасин дарҳол қондирилиши лозим. Мактаб пролетариати ойлик маошни 100 сўмгача оширишни талаб қилиб, беҳуда уриняпти. Кўпчиликни ташкил этган Россиянинг болаларини тарбияловчи ўқитувчиларни бундан буён қашшоқликда тутиш шармандали бўлур эди.

Таъсис мажлиси

Таъсис мажлиси тез-орада ўз ишини бошлаб юбориши шубҳасиздир. Фақат Таъсис мажлисигина мамлакатимизнинг давлат ва жамоат ҳаётида, шу жумладан халқ маорифи ташкил қилинишининг умумий характерида ҳам узоқ муддатли тартиб жорий этади.

Аммо эндиликда, ҳокимият Советлар қўлига ўтиши билан, Таъсис мажлисининг чинакам халқ характеридалиги таъмин-

лангандир. Давлат комиссиясининг Давлат комитетига суяниб амалга ошираётган йўли Таъсис мажлисининг иродаси таъсири остида жиддий ўзгаришларга дучор бўлмаса керак. Бу йўлнинг қандай бўлишини олдиндан ҳал этиб қўйилмасдан, янги халқ ҳукумати, мамлакатнинг маънавий ҳаётини мумкин қадар тезроқ бойитиш ва ёритиш мақсадини кўзлаб, бу соҳада қатор тадбирларни ҳам амалга оширишга ўзини ҳақли деб ҳисоблайди.

Министрлик

Навбатдаги ишлар ҳозирча халқ маорифи министрлиги орқали ўз йўли билан давом эта беради. Унинг составида ва қурилишида юз берадиган бевосита зарурий ўзгаришлар ҳаммаси Советларнинг Ижроия Қомитети томонидан сайланган Давлат комиссиясида ҳамда Давлат комитетида муҳокама қилинади. Халқ маорифи соҳасига давлат раҳбарлиги кўрсатишнинг қатъий тартиби, ўз-ўзидан маълумки, Таъсис мажлиси томонидан белгиланади. Шунга қадар министрлик халқ маорифи Давлат комиссияси ҳузурида ва Халқ маорифи Давлат комитети қошида ижроия аппарати ролини ўйнаши лозим.

Мамлакатдаги ҳақиқий, жонли демократик кучларнинг ҳамкорлиги мамлакатни халос этишнинг гаровидир.

Биз аминмизки, меҳнаткаш халқ билан соф виждонли маърифатли зиёлиларнинг баҳамжиҳат ҳаракати мамлакатни оғир аҳволдан халос этиб, уни тўлиқ халқ ҳокимияти орқали социализм ва халқлар қардошлиги дунёсига олиб чиқади.

Халқ маориф комиссари *А. В. Луначарский*

Петроград, 1917 йил, 29 октябрь».

«Қонунларни тасдиқлаш ва эълон этиш тартиби ҳақида

1. Таъсис мажлиси чақирилгунга қадар қонунлар тузиш ва эълон этиш, Бутун Россия Ишчи, Солдат ва Деҳқон Депутатлари Советлари съезди томонидан сайланган Вақтли ишчи ва деҳқон ҳукуматининг мазкур қарори тартибида амалга оширилади.

2. Ҳар бир қонун лойиҳаси тегишли халқ комиссарларининг имзоси билан тегишли министрликдан ёки бевосита бўлим мудири имзоси билан, ҳукумат ҳузурида таъсис этилган қонун лойиҳалари идоралари томонидан ҳукумат қарамоғига киргизилади.

3. Тузилган қарор ҳукумат томонидан тасдиқ этилганидан сўнг охирги таҳририда Россия республикаси номидан Халқ Комиссарлар Совети раиси томонидан ёки унинг учун бу қарорни ҳукумат тасдиқига киргизган халқ комиссари томонидан имзоланади ва кўпчиликнинг ахбороти учун эълон этилади.

4. Қонуннинг расмий «Вақтли ишчи ва деҳқон ҳукумати газетасида» эълон қилинган куни қарорнинг қонуний кучга кирган куни ҳисобланади.

5. Қарорда унинг қонуний кучга кириши учун бошқа муддат ҳам кўрсатилган бўлиши мумкин, шунингдек бу қарор телеграф орқали ҳам амалга оширилиши мумкин, бу ҳолда тегишли телеграмма орқали маълум қилинганидан сўнггина ҳар қайси жойда қонуний кучга кирган ҳисобланади.

6. Ҳукуматнинг қонуний қарорларини ҳукумат сенати орқали эълон этиш бекор қилинади. Халқ Комиссарлар Совети ҳузуридаги қонун лойиҳалари чиқарувчи бўлим вақт-вақти билан, қонун кучига эга бўлган ҳукумат қонун ва фармонлари тўпламини нашр этиб туради.

7. Ишчи, Солдат ва Деҳқон Депутатлари Советларининг Марказий Ижроия Комитети ҳукуматнинг ҳар қандай қарорини ҳар вақт тўхтатишга, ўзгартиш ёки бекор қилишга ҳақлидир.

Россия республикаси номидан Халқ Комиссарлар Совети раиси: *В. Ульянов-Ленин*».

3

«ҲАРБИЙ-РЕВОЛЮЦИОН КОМИТЕТ БУЙРУҒИ

1. Махсус буйруқ бўлмагунга қадар алкоголь ва ҳар қандай алкоголь ичимликлар ясаш ман этилади.

2. Барча спирт ва вино омборлари эгаларига, алкоголь ва алкоголь ичимликлар чиқарувчи барча фабрика эгаларига, ушбу ойнинг 27 кунидан кечиктирмасдан, омборларнинг аниқ жойлари тўғрисида маълумот бериш буюрилади.

3. Буйруқни бажармасликда айбланганлар Ҳарбий-революцион судга бериладилар.

Ҳарбий-революцион комитет».

4

«БУЙРУҚ № 2

Барча хонадон комитетларига
ва Васильевский ороли гражданларига
гвардиячи Финляндия резерв полки
комитетидан

Пролетариатга қарши курашда буржуазия разилона йўл танлади, у шаҳарнинг турли қисмларида катта вино омборлари қурди ҳамда революцион армия сафларига вино билан нифоқ солиш учун солдатларни шу омборларга гиж-гижламоқда.

Барча хонадон комитетларига уч соат муддат ичида, ушбу буйруқни ёпиштириш йўли билан, ўзларидаги запас винолар тўғрисида гвардиячи Финляндия полкининг полк комитети раисига шахсан ва махфий равишда хабар қилиш буюрилади.

Мазкур буйруқни бажармаган шахслар *қамоққа олиниб, энг шафқатсиз судга топшириладилар, мол-мулклари эса мусодара қилинади,* топилган запас винолар огоҳлантирилганидан икки соат кейин *Динамит билан портлатиб юборилади,* тажрибада кўрилишича, бўшроқ чоралар исталган мақсадга элтмаяптилар.

Билдирамизки, портлатишдан олдин махсус огоҳлантиришлар бўлмайди.

Гвардиячи Финляндия полкининг полк Комитети.

IX БОБГА

1

«ҲАРБИЙ-РЕВОЛЮЦИОН КОМИТЕТНИНГ 2-СОН БЮЛЛЕТЕНИ

30 октябрь (12 ноябрь) кечқурун Керенский «қурол-яроғни ташлаш» тўғрисида революцион қўшинларга таклиф юборгирди. Керенский босқинчилар тўдаси тўпларидан ўт очди. Бизнинг тўпларимиз ҳам жавоб ўқи ёғдириб, душманни сукут этишга мажбур қилди. Казаклар ҳужумга ўтдилар. Матрослар, қизил гвардиячилар ва солдатлар очган ҳалокатли тўп ўтлари казакларни орқага қайтишга мажбур қилди. Бизнинг бронемашиналаримиз душман орасини ёриб ўтди. Душман қочди. Бизнинг қўшинимиз уни қувиб кетди. Керенскийни қамоққа олиш учун буйруқ берилди. Революцион қўшинлар Царское Селони эгалладилар.

Латиш мерганлари. Шонли латиш мерганларининг фронтдан келиб, Керенский босқинчилар тўдаси орқа томонидаги позицияни эгаллагани тўғрисида Ҳарбий-революцион комитет аниқ маълумотлар олди».

Ҳарбий революцион Комитет штабидан

«Керенский отрядлари томонидан Гатчина ва Царское Селонинг олинишига бу жойларда артиллерия ва пулемётларнинг бутунлай деярли бўлмагани сабаб қилиб кўрсатилди, ҳолбуки Керенский отлиқларида бошданоқ артиллерия бор эди.

Сўнгги икки кун бизнинг штабимиз учун революцион қўшинларни керакли миқдорда тўплар, пулемётлар, дала телефонлари ва шу сингарилар билан таъминлаш учун зўр бериб ишлаш кунлари бўлди. Бу иш район Советлари ва заводлар (Путилов, Обухов ва бошқалар)нинг жиддий ёрдами соясида тугалланганидан кейин, бўладиган тўқнашувлар натижаси шубҳаларга эндиликда ўрин қолдиролмас эди; революцион қўшинлар фақат сон жиҳатидангина ортиқ бўлмасдан, фақат Петроград сингари қудратли базага эга бўлиб қолмасдан,

балки зўр маънавий устунликка ҳам эгадир. Петроградаддаги бутун полклар зўр кўтаринки руҳ билан хуруж қилдилар. Гарнизон кенгаши беш солдатдан иборат контроль комиссия сайлади ва, бу билан, бош қўмондонлик ҳамда гарнизоннинг тўла ҳамжиҳатлигини таъминлади. Гарнизон кенгашида қатъий ҳаракатлар бошлаш тўғрисида бир оғиздан қарор қилинди.

Тўплардан ўт очиш 30 октябрда кундуз соат 3 да жуда авжига чиқди. Казаклар бутунлай пароканда қилиб ташланди. Улардан Красносельский отряд штабига вакил келиб, тўплардан ўт очишни бас қилишни таклиф этди, акс ҳолда «кескин» чоралар кўрамиз деб дўқ қилди. Унга, Керенский қурол ташлаши биланоқ дарҳол тўплардан ўт очиш тўхтатилади, деб жавоб қилинди.

Авж олган курашда ҳамма қўшин қисмлари —матрослар, солдатлар ва қизил гвардиячилар чексиз ботирлик кўрсатдилар. Матрослар ўқларини отиб тугатгунча олға қараб ҳаракат қилавердилар. Берилган қурбонларнинг миқдори ҳозирча аниқланмаган, аммо ҳар ҳолда контрреволюцион қўшинлар кўпроқ талафот бердилар; бу контрреволюцион қўшинларга бизнинг броневикларимиздан бири катта талафот етказган.

Керенский штаби батамом қуршовда қолишдан қўрқиб, чекиниш тўғрисида буйруқ берди; бу чекиниш жуда палапартиш тус олди. Кечаси соат 12 да Царское Село ҳамда радиотелеграф станцияси ҳам Совет қўшинлари томонидан бутунлай эгалланди, казаклар Гатчина ва Колпинога чекиндилар.

Бизнинг қўшинларимизнинг кайфияти жуда чоғ эди. Чекинаётган казакларни таъқиб этиб бориш тўғрисида буйруқ берилди. Царское Село станциясидан фронтга ва маҳаллий Советларга ошиғич равишда радио телеграммалар жўнатилди. (Сўнгги воқеалар дарҳол матбуотда эълон қилинади)».

2

13 НОЯБРЬ (31 ОКТЯБРЬ) ПЕТРОГРАДДАГИ ВОҚЕАЛАР

Петроград Советининг мажлисида Зиновьев шундай деди: «...Душманни фақат кураш билан йўқ қилиш мумкин. Бутун хавф шундаки, биз ўзимизни кураш тугади деган хаёллар билан хотиржам қилиб қўймоқдамиз. Казакларни ўз томонимизга оғдириш йўлидаги умумий уринишлардан воз кечиш жиноят бўлур эди. Ҳаракат қилиб кўрилади, аммо, иккинчи томондан, қизил гвардиячиларни ва солдатларни, делегациялар ҳамма ишни бажаради, деган хаёлга ботириб қўйиш ҳам жиноят бўлур эди. Башарти кеча шаҳар тинч бўлган бўлса, бу ҳарбий ғалабанинг натижаси, шаҳарда юнкерлар қўзғолони тор-мор келтирилганлигининг натижаси эди...

Сулҳ тузилди деган хабар нотўғри.

Душманлар зарарсиз ҳолга келтирилганидан кейингина революция штаби сулҳ тузишга батамом тайёр бўлади. Ҳозирда революцион қўшинларнинг ғалабаси таъсири остида кечагидан кўра бошқа шартлар қўйилмоқда, кеча Дан бизга Керенскийни қуролсизлантириб, шаҳарга киргизишни таклиф этган эди. Эсер Ракитников эсерлар Марказий Комитети номидан, ўзларига ёққан баъзи бир большевикларни ҳукуматга киргизишга бажону дил рози бўлди. Бу тунги ғалабаларнинг акс садосидир. Керенский енгадими ёки революция деб кутиб турувчи ва тарозининг палласи қайси томонга босишига қараб, гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга оғиб турувчи группалар ҳам бор. Керенский тор-мор келтирилди, деган ҳабарни эшитмагунча бу группалар иккиланаверадилар».

Шаҳар думасида ҳамманинг диққат-эътибори бутунлай янги ҳукумат устида эди.

Кадет Шингарев, шаҳар бошқармаси большевиклар билан ҳеч қандай келишим тузиши ярамайди, деди... «Улар қурол-яроқларини ташламагунларича ва мустақил суд муассасаларининг нуфузини танимагунларича бу савдойи-васвасалар билан ҳеч қандай келишим тузишнинг имкони йўқ».

Ярцев «Единство» группаси номидан, большевиклар билан келишиш большевикларнинг ғалабасига ўхшаш нарса бўлур эди, деди.

Социал-революционерлар номидан гапирган шаҳар бошлиғи Шрейдер, мен большевиклар билан келишишга қаршиман, деди. «Ҳукумат хусусига келсак у халқнинг иродасини асос қилиб олиши лозим, халқнинг иродаси шаҳар сайловларида ифода қилинганидан, унинг ҳукумат тузишга қодир бўлган бутун иродаси ҳозирги вақтда шаҳар думасида жамланган».

Дума яна бир қанча нотиқларнинг сўзларини тинглаб, Викжель кенгашида ўз ваколатини давом эттиришга қарор қилади, аммо шу билан аввало Муваққат Ҳукуматни тиклашни ҳамда большевикларни янги тузиладиган ҳукуматга киргизмасликни қаттиқ талаб қилади. Сўзга чиққан нотиқлар орасида меньшевик-интернационалистларнинг вакилларигина большевикларни янги ҳукуматга киргизиш тўғрисидаги масалани кўришга тарафдор эдилар».

3

КРАСНОВНИНГ ВАТАН ВА РЕВОЛЮЦИЯНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КОМИТЕТИГА ЖАВОБИ

«Тезлик билан яраш аҳди тузиш тўғрисидаги сизнинг телеграммангизга жавобан олий бош қўмондонлик, қардошлик кунрезлигининг олдини олиш учун музокаралар олиб бориш-

га ҳамда ҳукумат қўшинлари билан исёнчилар ўртасида табиий муносабатлар ўрнатишга розилик билдирди, шу сабабдан исёнчилар отряди штабига ўз қўшинларини Петроградга чақириб олишни, Лигово-Пулково-Колпино йўлини бетараф қилиб қўйишни ҳамда Царское Селода осойишталикни таъминламоқ учун ҳукумат қўшинларининг отлиқ авангардини бемалол киргизиб юборишни таклиф этади. Бу таклифга жавобни юборилган вакиллар орқали эртага эрталаб соат саккизгача етказгайсиз.

3-отлиқ корпус қўмондони
Генерал-майор *Краснов*».

4

ЦАРСКОЕ СЕЛОДАГИ ВОҚЕА

Кечқурун, Керенскийнинг қўшини Царское Селодан чекинганидан кейин, бир неча руҳонийлар кўчаларда салб юриши уюштирдилар, шу билан бирга улар нутқлар сўзлаб гражданларга мурожаат қилдилар ва уларни қонуний ҳокимиятни, яъни Муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватлашга аврадилар. Қазаклар шаҳарни бўшатиб қўйгач, кўчаларда дастлабки қизил-гвардиячилар пайдо бўлгандан кейин, кўрган-билганларнинг ҳикоя қилишича, руҳонийлар Распутин император саройи орқасидаги қабри устида нутқ сўзлаб халқни Советларга қарши қўзғата бошладилар. Шу руҳонийлардан бири, Иван Кучуров дегани қамоққа олиниб, дарғазаб бўлган қизил гвардиячилар томонидан отиб ташланган.

Қизил Гвардия шаҳарга кирар пайтида кимдир электр симларини узиб қўйган, кўчалар бир паст зулмат ичида қолган. Электр станцияси директори Любович совет қўшинлари томонидан қамоққа олинган. Ундан симларни узиб қўйган сиз эмасмисиз, деб сўраганлар. Бир қанча вақтдан кейин, у қамаб қўйилган хонада ўзини-ўзи отган. Унинг қўлида тўппонча, чеккасида эса ўқ теккан жойи бор эди.

Эртасига Петроградда антибольшевистик газеталар: «Плехановнинг ҳарорати 39°» деган сарлавҳа билан хабар босдилар. Плеханов Царское Селода касал бўлиб ётарди. Қизил гвардиячилар унинг уйига кириб тинтув қилдилар (қурол ахтардилар) ва чолни сўроқ қилдилар.

— Жамиятнинг қайси синфига мансубсиз?— деб сўрадилар ундан.

— Мен революционерман ва бундан қирқ йил муқаддам ўзимнинг бутун умримни озодлик учун курашга бағишлаганман,— деб жавоб қилди Плеханов.

— Барибир,— деди ишчи,— энди сиз буржуазияга сотилгансиз.

Ишчилар энди Россия социал-демократиясининг қалдирғочи Плехановни танимас эдилар!

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ХИТОБНОМАСИ

«Керенский томонидан алданган Гатчина отрядлари қурол-яроқларини ташлаб, Керенскийни қамоққа олишга қарор бердилар. Армиянинг энг кўпчиликни ташкил этган қисми II Бутун Россия Советлар съездининг қарорини ва улар барпо этган ҳокимиятни қўллаб-қувватлаб чиқди. Армиянинг совет ҳокимиятига садоқатли эканига шоҳид бўлиш учун, ўнлаб делегатлар оширғич равишда Петроградга қараб йўл олдилар. Ҳақиқатни ҳар қандай бузиб кўрсатишлар, революцион ишчи, солдат ва матросларга қилинган ҳар қандай бўҳтонлар халқ душманларига кўмак бера олмадилар. Ишчи ва солдат революцияси ғалаба қозонди.

Ишчи ва Солдат Депутатлари Советларининг Марказий Ижроия Комитети контрреволюцион исёнчиларга эргашган айрим ҳарбий отрядларга: дарҳол қурол-яроқларингизни ташлангиз, бир ҳовуч помешчик ва капиталистларнинг манфаатлари учун оға-иниларингизнинг қонларини тўкмангиз, деб мурожаат қилади. Халқнинг тўкилган ҳар бир томчи қони сизнинг гарданингизга тушади. Гарчи бир минутга бўлса-да, халқ душманлари байроғи остида қолувчиларга ишчи, солдат ва деҳқонлар Россияси лаънатлар ўқийди.

Қазаклар! Ғалаба қозонган халқ томонига ўтингиз! Темир йўлчилар, почта-телеграф хизматчилари — ҳаммангиз бир ёқадан бош чиқариб, янги халқ ҳокимиятини қўллаб-қувватлангиз».

X БОБ

I

КРЕМЛНИНГ ШИКАСТ ТОПИШИ

Бомбардимон қилинганидан кейин Кремлда бевосита бўлиб, унга етказилган ҳамма шикастларни ўз кўзим билан кўрдим. Унчалик қийматга эга бўлмаган, лекин аҳён-аҳёндагина буюк княгиналардан бирининг қабулхонаси учун фойдаланилган Малий Николаевский саройи биноси юнкерларга казармалик хизматини ўтабди. Уни тўплардан ўққа тутибдилар, чиндан ҳам, жуда қаттиқ шикастланибди. Аммо, хайриятки, унда алоҳида тарихий қийматга эга бўларлик ҳеч қандай нарса йўқ.

Успенский соборининг гумбазларидан бири тешилибди, аммо снаряд гумбазининг шипига қопланган атиги бир неча квадрат нақшларини зарарлабди. Благовещинский соборининг пештоқига солинган жим-жимадор суратларга снарядлар тегиб анча зарарлабди. Иван Великий собори жомхонасининг қиррасини бир снаряд учириб кетибди. Чудов монастирига

30 га яқин снаряд тушибди, аммо фақат биргина снаряд дера-зани тешиб ичкарига тушибди. Бошқалари эса пишиқ ғиштин деворларга ёки томларнинг карнизларига келиб тегиб ёрилиб кетибди.

Спасск башнясидаги соат шикастланибди. Троицк қопқаси ўқлардан зарарланибди, аммо уни ремонт қилиш осон. Бурчак башняларидан биридаги кунгурадор том бузилибди.

Худди катта Кремль саройи сингари Василий Блаженний черкови ҳам дахлсиз қолибди. Бу саройнинг ер тўлаларида Москва ва Петрограднинг бутун қимматбаҳо бойлиги сақланади. Хазинага қарашли қимматбаҳо буюмлар сақланувчи Грановитая палатаси ҳам омон қолибди. Бу жойларга ҳатто ҳеч ким бош суқмабди.

2

ХАЛҚ МАОРИФ КОМИССАРИДАН

«Ўртоқлар!

...Мамлакатнинг ёш хўжайини бўлган сизларнинг ҳозир гарчи кўп нарсалар устида ўйлашингиз ва ғамхўрлик қилишингиз лозим бўлса-да, лекин сизлар ана шу ўзингизнинг нафис ва илмий ашёларингизни сақлаб қолишга ҳам қодирсизлар.

Ўртоқлар! Москванинг бошига даҳшатли ва тузалмас бало ёғилди. Гражданлар уруши шаҳарнинг кўп қисмини бомбардимон қилинишга олиб келди. Ёнғинлар чиқди. Вайронгарчиликлар рўй берди, шафқатсиз, қутурган, яксон қилувчи уруш ва стихияли вайронгарчилик кунларида маориф комиссари бўлиш ҳаддан ташқари даҳшатлидир. Ана шу оғир кунларда бутун умид фақат янги ва олий маданият манбаи бўлган социализмнинг ғалаба қилишидадир. Бу янги маданият ҳамма нарса учун бизни мукофотлайди, тасалли беради. Аммо халқнинг нафис ашёларини қўриқлаш масъулияти менинг зиммамга тушади...

Ўзингни ожиз ҳис қилган мансабда қолиш ярамайди. Шу сабабдан мен истеъфога* чиқдим.

Бироқ сизлардан ўтинчим шуки, ўртоқлар, мени қўллаб-қувватланглар, менга ёрдам қилинглар. Мамлакатимизнинг нафосатини ўзингиз ва авлодларингиз учун эҳтиёт қилиб сақланглар. Халқ мулкини қўриқловчи бўлингиз.

Асрлар узоқ йиллар жаҳолатда сақлаб келган энг нодон кишилар ҳам тез орада маърифатли бўладилар ҳамда нафис асарларнинг қандай шодлик, куч-қудрат, ақл-идрок манбаи эканини англайдилар.

Меҳнаткаш рус халқи, серғайрат, эҳтиёткор хўжайин бўлингиз!

---

* А. В. Луначарский халқ комиссари лавозимида қолган.— *Ред.*

Гражданлар, барча ва барча гражданлар, ўзимизнинг умумий бойлигимизни эҳтиёт қилиб сақлангиз.

Халқ маориф комиссари *А. Луначарский.*

1917 йил 3 ноябрь».

3

„Буржуазия учун савол варақаси*

Район № . . .	Фамилияси . . . . . Номи . . . . Отасининг номи . . .	Хонадон к-ти № . . . .

Адрес . . . . . уй . . . . . кв № . .
Кўча ёки тор кўча

Жинси		Ёши	Бор запаслари			
			Газлама	Газ	Тайёр буюмлар	Дона
Ойда ўртача						
Кирим	Чиқим		Ич кийимлик Енгил кийимлик (костюмлик)		Пальто (қишки, ёзги ва кузги)... Кўйлак ва костюм. Алмашадиган ички кийим... Пойабзаллар... Галошлар....	
Ойлик тўлов ҳақи						
Квартира учун	Хона учун		Бошқа харажатлар			

Тилхат бераманки, кўрсатилган маълумотлар тўғри ва бошқа жойдан карточка олганим йўқ.

Москва, ... 191 . . йил . .кун . . .

Имзо . . . . . Хонадон комитети муҳри

*Квартирани ижарага олувчининг имзоси**

* Ж. Рид келтирган фотография ҳужжатидан олиб босилди. Рид бу ҳужжатни келтириш билан, Москва ҳарбий-революцион комитетнинг буйруғига биноан, буржуазиядан тортиб олинган запаслар энг камбағал ишчи ва солдатлар ўртасида тақсимлаш учун фонд бўлиши лозимлигини кўрсатиб ўтади.— *Ред.*

Буйруқ

«Москва Ишчи ва Солдат Депутатлари Советлари ҳузуридаги Ҳарбий-революцион Комитет томонидан ўзимга берилган ваколат асосида қарор қиламан:

1) Барча банкалар бўлимлари билан, Марказий давлат омонат кассаси бўлимлари билан, почта-телеграф бўлимлари ёнидаги омонат кассалар бўлимлари билан 9 ноябрдан бошлаб махсус буйруқ бўлгунча соат 11 дан кундуз 1 гача очилади.

2) Жорий счётлардан ва омонат касса дафтарлари бўйича мазкур муассасалар томонидан ҳар бир пул қўювчига яқин ҳафта учун 150 сўмдан ошмаслик шарти билан бемалол маблағ берилади.

3) Жорий счётлардан ва омонат касса дафтарчалари бўйича 150 сўмдан ошиқ пул бериш, шунингдек бўлак счётлардан ҳар қандай номма-ном маблағ бериш яқин 3 кун ичида — 9, 10, 11 ноябрда ҳал этилади, фақат:

а) Ҳарбий қисмларнинг счётларидан уларнинг эҳтиёжлари учун; б) фабрика-завод комитетлари ёки хизматчилар кенгаши томонидан тасдиқланган ҳамда комиссарлар ёки Ҳарбий революцион комитет ва район ҳарбий-революцион вакиллари томонидан тасдиқланган рўйхат ҳамда табеллар бўйича хизматчиларга маош ва ишчиларга иш ҳақи тўлаш учун.

4) Переводлар бўйича 150 сўмдан ошиқ берилмайди, қолган маблағ жорий счётга ўтказилади: жорий счётдан ушбу декретда белгиланган умумий тартиб асосида маблағ берилади.

5) Бошқа ҳар қандай актив операциялар ана шу уч кун ичида тақиқланади.

6) Ҳар қандай счётга пул қабул қилиш тўла ҳажмда рухсат этилади.

7) Молия кенгашининг вакиллари 3 параграфда кўрсатилганларни тасдиқлаб олмоқ учун Ильинкадаги Биржа биносида эрталаб соат 10 дан кундуз 2 гача мажлис қиладилар.

8) Банкалар ва омонат кассалар касса варақасининг кундалик якунини операциялар тугаганидан кейин кундуз соат 5 га Скобелев майдонидаги Совет биносига, Молия кенгаши учун Ҳарбий-революцион Комитетга деган адрес билан юборадилар.

9) Ушбу декретни бажаришдан бош тортувчи турли номдаги кредит муассасаларининг хизматчи ва бошқарувчилари, революция ва кенг халқ оммасининг душмани сифатида, энг ўткир революцион таъсир билан жавобгарликка тортиладилар.

Уларнинг рўйхатлари умум ахбороти учун эълон этилади.

10) Ушбу декрет чегарасида омонат кассалар ва банкаларнинг бўлимларини контроль қилмоқ учун район ҳарбий-революцион Комитетлари уч кишидан ўз вакилларини сайлайдилар ва уларнинг мажлис қиладиган жойларини билдирадилар.

Ҳарбий-революцион комитетнинг ваколатли комиссари *С. Шевердин-Макименко».*

XI БОБГА

1

БОБЛАРНИНГ ХРОНОЛОГИК ЧЕГАРАСИ

Бу боб икки ойлик муддатни ўз ичига олади. Бу давр иттифоқчилар билан музокаралар олиб бориш, немислар билан музокара қилиш ва сулҳ тузиш ҳамда Брест сулҳ шартномаларининг бошланғич даври эди. Ана шу давр ичида Совет давлати қурилишига бошланғич асослар ҳам солинган эди.

Бироқ бу чексиз муҳим тарихий воқеаларни тасвирлаш ва ёритиш учун кўп жой керак бўлади ҳамда бу нарса ушбу китобнинг вазифасига кирмайди ҳам. Шу сабабдан уларни «Корниловдан Брестгача» деган асаримга киритганман.

Шундай қилиб, бу бобда мен Совет ҳукуматининг мамлакат ичида сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлашигагина доир масалалар билан чекланаман ҳамда Совет ҳукуматининг душман унсурлар билан олиб борган ғолибона курашининг умумий манзарасинигина тасвирлайман.

2

РОССИЯ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ДЕКЛОРАЦИЯСИ

(Кириш)

«Ишчи ва деҳқонларнинг октябрь революцияси умумий озодлик байроғи остида бошланди.

Деҳқонлар помешчиклар ҳукмронлигидан озод бўладилар, чунки энди ерга помешчик эгалиги бўлмайди... бу эгалик битирилган. Солдат ва матрослар самодержавие генераллари ҳукмронлигидан озод бўладилар, чунки бундан сўнг генераллар сайланадиган ва алмашиниб турадиган бўладилар. Ишчилар капиталистларнинг инжиқлиги ва ўзбошимчалигидан озод бўладилар, чунки бундан сўнг завод ва фабрикалар устидан ишчилар контроллиги ўрнатилади. Барча ғайратли ва ишга яроқли кишилар манфур кишанлардан озод бўладилар.

Зулм ва ўзбошимчаликка чидаб келган ва чидаётган Россия халқларигина қоладики, уларни ҳам тезда озод қилишга киришмоқ ва буни қатъий ҳамда узил-кесил ўтказмоқ зарур.

Чоризм даврида Россия халқларини доим бир-бирига гижгижлаб келинган. Бундай сиёсат оқибат-натижада: бир томон-

дан қирғин ва погромларга, иккинчи томондан эса халқларни қулликка солишга олиб борарди.

Бундай қабиҳ гиж-гижлаш сиёсатига қайтиш йўқ ва қайтилмайди ҳам. Бундан сўнг бу сиёсат ўрнини Россиядаги халқларнинг кўнгилли ва ҳалол иттифоқи эгаллаши лозим.

Империализм даврида, ҳокимият кадет буржуазияси қўлига ўтган февраль революциясидан сўнг, дангалига гиж-гижлаш сиёсати ўрнини Россия халқларига қўрқоқларга ишонмаслик сиёсати, «озодлик» ва «тенглик» тўғрисида оғзаки баёнотларга ниқобланган ўчакишиш ва провокация сиёсати эгаллади. Бундай сиёсат: миллий адоватни кучайтиришга, ўзаро ишончга путур етказишга олиб келди.

Фақат ўзаро ишонч натижасидагина Россия халқлари ўртасида ҳалол ва мустаҳкам иттифоқ бўлиши мумкин.

Фақат ана шундай иттифоқ натижасидагина Россия ишчи ва деҳқон халқлари, империалист-аннексионист буржуазия томонидан бўладиган ҳар қандай суиқасдларга қарши туришга қодир бўлган ягона революцион куч бўлиб жипслашиши мумкин...

1917 йил 15 (2) ноябрь».

3

ДЕКРЕТЛАР

Банкаларни национализация қилиш тўғрисидаги декрет

«Халқ хўжалигини тўғри ташкил қилиш мақсадларида, банка спекуляциясини кескин равишда йўқотиш мақсадларида ҳамда ишчи, деҳқон ва барча меҳнаткаш халқни банка капитали эксплуатациясидан бутунлай озод этиш мақсадида ҳамда халқ ва энг камбағал синфларнинг манфаатлари учун чинакам хизмат қилувчи Россия республикасининг ягона халқ банкасини вужудга келтириш мақсадларида, Марказий Ижроия Комитети қарор қилади:

1. Банка ишлари давлат монополияси деб эълон қилинади.
2. Ҳозирги мавжуд барча хусусий акционер банкалар ва банка эгалари идоралари Давлат банкига бирлаштирилади.
3. Тугатилувчи корхоналарнинг актив ва пассивлари Давлат банкаси томонидан қабул қилинади.
4. Хусусий банкаларни Давлат банкаси билан солиштириб кўриш тартиби махсус декрет билан белгиланади.
5. Хусусий банкалар ишига раҳбарлик қилиш вақтинча Давлат банкаси кенгашига топширилади.
6. Чакана пул қўювчиларнинг манфаатлари тўла қондирилади».

Барча ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқларини тенглаштириш тўғрисида декрет

«Армиядаги илгариги тенгсизликнинг барча қолдиқларини дарҳол ва кескин тугатиш тўғрисида революцион халқнинг иродасини бажо келтириб, Халқ Комиссарлар Совети қарор қилади:

1. Армиядаги ефрейторликдан тортиб то генералликкача бўлган барча даража ва унвонлар бекор қилинади. Россия республикасининг армияси бундан буён революцион армия солдати деган фахрий ном билан юритилувчи озод ва тенг ҳуқуқли гражданлардан иборат бўлади.

2. Илгариги даража ва унвонлар билан боғлиқ бўлган барча имтиёзлар, шунингдек барча ташқи тафовутлар ҳам бекор қилинади.

3. Барча унвонлар бекор қилинади.

4. Барча орденлар ва бошқа ҳарбий даража белгилари бекор қилинади.

5. Офицерлик унвони бекор қилиниши билан қолган барча офицерлик ташкилотлари ҳам тугатилади.

6. Ҳаракатдаги армияда мавжуд бўлган сигналчилар тартиби бекор қилинади.

Э с к а р т м а. Сигналчилар фақат полк идоралари, комитетлари қошида ва бошқа ҳарбий ташкилотлар ҳузуридагина қолади.

Халқ Комиссарлари Совети раиси
В. Ульянов (Ленин).

Ҳарбий ва денгиз ишлари халқ комиссари *Н. Криленко.*

Ҳарбий ишлар халқ комиссари
Н. Подвойский

Ҳарбий ишлар халқ комиссарининг муовинлари: *Кедров, Склянский, Леграпь, Механошин.*

Совет секретари *Н. Горбунов.*

1917 йил, 16 декабрь».

Армияда сайлов ўтказиш ва ҳокимият ташкил этиш тўғрисида декрет

«1. Меҳнаткаш халқнинг иродасига хизмат этувчи армия шу иродаиинг олий ифодачиси бўлган Халқ Комиссарлар Советига бўйсунади.

2. Ҳар бир ҳарбий қисм доирасида ва уларнинг бўлинмаларида бутун ҳокимият тегишли солдат комитетларига ҳамда кенгашларга қарашлидир.

3. Комитет қарамоғидаги қўшиннинг ҳаёт соҳаси ва фаолияти бундан кейин бевосита уларнинг раҳбари қарамоғида бўлади. Комитет ўз зиммасига ололмайдиган фаолият соҳаси устидан комитет ёки кенгашнинг контроли белгиланади.

4. Команда состави ва мансабдор шахсларни сайлаб қўйиш жорий қилинади. Командирлар, полк командирларига қадар, ўз бўлинмалари, взводлари, роталари, командалари, эскадронлари, батареялари, дивизион ва полклари томонидан умумий овоз бериш йўли билан сайланадилар. Полкдан юқори командирлар, Олий бош қўмондонгача, тегишли комитетлар ҳузурида ўтказиладиган тегишли съездлар ёки кенгашларда сайланадилар.

Эскартма: Кенгаш деб тегишли комитетнинг, бир босқич қуйида турувчи комитетларнинг делегатлари билан бирликдаги мажлиси тушунилсин.

5. Сайланган командирларни, полкдан юқорисини яқин орадаги юқори комитет тасдиқлайди.

Эскартма. Юқори комитет сайланган бошлиқни тасдиқлашда асосли равишда рад жавоби билдирса, тегишли қуйи комитет томонидан иккинчи марта сайланган бошлиқ албатта тасдиқланиши керак.

6. Армия қўмондонлари армия съездлари томонидан сайланадилар. Флот қўмондонлари Флот съездлари томонидан тасдиқланадилар.

7. Махсус маълумот, махсус билим ёки бошқа амалий тайёргарлик талаб қиладиган техникавий характердаги вазифаларга, чунончи: врачлар, инженерлар, техниклар, телеграфистлар, радиотелеграфистлар, учувчилар, автомобил ҳайдовчилар ва шу сингарилар махсус қисмларнинг тегишли қисмлари томонидан махсус билими бўлган кишилардангина тайинланадилар.

8. Штаб бошлиқларини съезд махсус тайёргарлиги бўлган кишилардан сайлайди.

9. Штабдаги бошқа ҳамма мансабларга штаб бошлиғи тайинлайди ва улар тегишли съездлар томонидан тасдиқланади.

Эскартма. Махсус маълумоти бўлган ҳамма шахслар махсус учётга олиниши лозим.

10. Айрим мансабларга сайланмай қолган ва шу билан оддий кишилар ҳолатига тушиб қолган бошлиқларга, ўзи хизматда бўлиб, чақирув ёшидан ўтган солдатларга истеъфога чиқиш ҳуқуқи берилади.

11. Қўмондонлик составидан ташқари барча бошқа мансаблар, хўжалик қисмларига доир мансаблардан ташқари,

сайланган тегишли бошлиқни тайинлаш йўли билан алмаштирилади.

12. Қўмондонлик составини сайлашга доир мукаммал қўлланма алоҳида нашр этилади.

Халқ Комиссарлари Совети раиси
В. Ульянов (Ленин).

Ҳарбий ва денгиз ишлари халқ комиссари
Н. Криленко

Ҳарбий ишлар халқ комиссари
Подвойский

Ҳарбий ишлар халқ комиссарининг муовинлари:
Кедров, Склянский, Легранъ, Механошин.

Совет секретари *Н. Горбунов».*

Сословиелар ва граждан мансабларини тугатиш ҳақида декрет

1-модда. Ҳозирга қадар Россияда давом этиб келган барча сословиелар ва гражданларнинг сословиеларга бўлиниши, сословие имтиёзлари ва чеклашлари, сословиели ташкилот ва муассасалари, шунингдек барча гражданлик мансаблари бекор қилинади.

2-модда. Ҳар қандай табақалар (дворян, савдогар, мещчан, деҳқон ва шу сингари князлик, графлик ва бошқа унвонлар) ҳамда граждан мансаблари унвонлари (тайний, статский ва шу сингари советниклар) бекор қилинади ҳамда барча Россия аҳолиси учун умумий бўлган ягона ном — Россия республикасининг граждани деган ном белгиланади.

3-модда. Дворян сословиели муассасаларнинг мулклари дарҳол тегишли бошқармаларга топширилади.

4-модда. Савдогар ва мещчан жамиятларининг мулклари дарҳол тегишли гражданлик бошқариш идоралари ихтиёрига ўтади.

5-модда. Барча сословиели муассасалар, иш бошқаришлар ва архивлар дарҳол тегишли шаҳар ва земство бошқармалари ихтиёрига топширилади.

6-модда. Ҳозиргача амалда бўлган қонунларнинг барча тегишли моддалари бекор қилинади.

7-модда. Ушбу декрет эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради ҳамда Ишчи, Солдат ва Деҳқон Депутатлари маҳаллий Советлари томонидан дарҳол амалга оширила бошлайди.

Ушбу декрет Ишчи ва Солдат Депутатлари Советлари Марказий Ижроия Комитетининг 1917 йил 10 ноябрда бўлган мажлисида тасдиқланган.

Имзо қилдилар:

Марказий Ижроия Комитети раиси
Свердлов.

Халқ Комиссарлар Совети раиси
В. Ульянов (Ленин).

Халқ Комиссарлар Советининг ишлар мудири
В. Бонч-Бруевич.

Совет секретари *Н. Горбунов*».

3 декабрь (20 ноябрь) да Халқ Комиссарлар Совети қарор қилди: «Хоҳ умумий ва хоҳ махсус характердаги барча давлат муассасаларидаги истисносиз барча мансабдор шахслар ва хизматчиларнинг маошлари камайтирилсин».

Дастлаб совнарком халқ комиссарларининг ўзлари учун ҳар ойда 500 сўмдан маош, уларнинг ишга яроқсиз ҳар бир оила аъзолари учун қўшимча равишда 100 сўмдан пул белгилади.

Ҳукумат хизматида юқори маош оклади ана шундай эди.

4

Графиня Панина қамоққа олиниб, Олий революцион трибуналда сўроқ қилинган. Сўроқ менинг: «Корниловдан Брестгача» деган сўнгги китобимда («Революцион қонунчилик» деган бобида) баён этилади. Суд айбдорни пулни қайтаришга ва танбеҳ бермоққа ҳукм чиқарди. Бошқача айтганда, уни тўғридан-тўғри озод қилиб юбордилар.

5

«ДРУГ НАРОДА» ДЕГАН МЕНЬШЕВИК ГАЗЕТАСИДАН

5 (18) ноябрь

«Большевикларнинг ошиғич сулҳ» воқеаси кинодаги кулгили манзара — бекинмачоқни эслатади. Нератов қочади — Троцкий қувлайди. Нератов деворга тармашиб чиқади — Троцкий унинг кетидан чиқади. Нератов сувга шўнғийди — Троцкий унинг кетидан шўнғийди. Нератов томга қочиб чиқади, — Троцкий кетидан чиқади. Нератов кровать остига кириб беркинади — Троцкий уни ўша ерда ушлаб олади. Ушлади! Демак, дарҳол сулҳ шартномаси имзоланади.

Ташқи ишлар министрлиги жимжит, ҳувиллаб қолган. Курьерлар одоб билан турибдилар, аммо уларнинг чеҳраларида заҳархандалик бор.

Элчини қамоққа олиб, яраш тўғрисида ва ҳаттоки сулҳ ҳақида у билан музокара имзоланса нима бўлади? Бироқ бу элчилар — ажойиб кишилар-да. Гўё ҳеч нарса эшитмагандай, сукут қилганлари қилган. Ҳой, Англия, Франция, Германия! Биз сизлар билан яраш аҳдномасига қўл қўйдик. Сизларнинг бу тўғрида ҳеч нарса билмаслигингиз мумкинми? Аммо бу нарса ҳамма газеталарда босилиб чиққан ва ҳамма деворларга ёпиштирилган-ку, ахир. Чин большевиклик сўзи, сулҳга қўл қўйилган ахир! Биз сиздан бошқа ҳеч нарса сўрамаймиз — фақат бир жуфт сўз ёзсангиз бас...

Элчи сукут қилади. Давлатлар сукут қиладилар. Ташқи ишлар министрлигида жимлик, ҳеч ким йўқ.

— Менга қаранг, — деди Робеспьер-Троцкий ўз муовини Марат-Урицкийга, — инглиз элчисининг олдига бориб, бизнинг сулҳ таклиф этаётганимизни айтинг.

— Ўзингиз бораверинг, — деб жавоб қилади Марат-Урицкий. — У қабул қилмайди.

— Ундай бўлса, телефон қилинг.

— Қилиб кўрдим. Трубка олиб қўйилган.

— Телеграмма юборинг.

— Юбордим.

— Хўш, иннайкин-чи?

Марат-Урицкий мийиғида кулиб, жавоб қайтармайди. Робеспьер-Троцкий аччиғланиб, бурчакка туфлайди.

— Менга қаранг, Марат, — бир минутдан сўнг Троцкий яна гап бошлайди. — Биз ўзимизнинг актив равишда ташқи сиёсат юргизаётганимизни бутун жаҳонга албатта кўрсатишимиз лозим. Буни қандай қилса бўларкин?..

— Нератовни қамоққа олиш тўғрисида яна бир буйруқ бермоқ керак, — чуқур ўйланиб жавоб қилади Урицкий.

— Марат, сиз тентаксиз! — деди қаҳр билан Троцкий. У бирдан ғазабланиб худди шу онда Робеспьерга ўхшаш улуғворлик билан ўрнидан туради.

— Урицкий, ёзинг! — деди хўмрайиб, — Британия элчисига мактуб ёзинг, жавобига пули тўланган заказной мактуб ёзинг! Мен ҳам ёзаман. Бутун дунё халқлари ошиғич равишда сулҳ кутмоқдалар.

Катта ва ҳувиллаган ташқи ишлар министрлигида икки ёзув машинкасининг чиқиллаган овози эшитиларди, холос. Троцкий ўз қўли билан актив ташқи сиёсат юритмоқда».

6

«БИТИМ ҲАҚИДАГИ МАСАЛАГА ДОИР

Барча ишчи ва барча солдатлар диққатига

11 ноябрда Преображенский полкининг клубида Петроград гарнизони барча қисмлари вакилларининг фавқулодда мажлиси бўлди.

Бу мажлис Преображенский ва Семеновский полкларининг ташаббуси билан, қандай социалистик партиялар совет ҳокимияти тарафидалар, қайсилари совет ҳокимиятига қарши, қайсилари халқ тарафида, қайсилари халққа қарши ҳамда келишим тузиш имкони борми, деган масалаларни муҳокама қилмоқ учун чақирилган эди.

Мажлисга Советларнинг Марказий Ижроия Комитети, шаҳар думаси, Авксентьев деҳқонлар Совети ҳамда барча сиёсий партиялар, большевиклардан тортиб то халқ социалистларигача вакиллар таклиф қилинган эди.

Барча партиялар ва ташкилотлар вакилларининг нутқларини тинглаб, узоқ муҳокама қилгандан сўнг, мажлис кўпчилик овоз билан, фақат большевиклар ва сўл эсерларгина халқ тарафдори эканлар, қолган партияларнинг ҳаммаси эса, халқни Улуғ Октябрь ишчи ва солдат революцияси кунларида эришган ютуқларидан маҳрум қилиш учунгина келишим тузиш ниқоби остига яширинган эканлар, деб топди.

Петроград гарнизонининг шу мажлисида 1 овоз қарши, 12 холис бўлиб 61 овоз билан қабул этилган резолюцияси тексти:

«Преображенский ва Семеновский полкларининг ташаббуси билан чақирилган гарнизон мажлиси битим тузиш тўғрисида барча социалист партиялар ва оммавий ташкилотлар вакилларининг нутқларини эшитиб, шундай деб ҳисоблайди: 1) Советларнинг (2-чақириқ) Марказий Ижроия Комитети вакиллари, большевиклар партияси ва сўл эсерларнинг вакиллари ўзларининг Советлар ҳокимияти тарафдори, ер ва сулҳ ҳақидаги декрет тарафдори ҳамда ишлаб чиқариш устидан контроль ўрнатиш тарафдори ва ана шу платформада туриб социалистик партиялар билан битим тузишга йўл қўйиш тарафдори эканликларини аниқ ва равшан баён қилдилар; 2) айни вақтда бошқа партияларнинг (с.-р. ва меньшевикларнинг) вакиллари ё жавоб қилмадилар, ёки улар ўзларининг Совет ҳокимятига қарши, ер, сулҳ ва контроль тўғрисидаги декретларга қарши эканликларини очиқдан-очиқ изҳор қилдилар.

Шуни назарда тутиб, кенгаш қарор қилади: биринчидан, битим тузиш ниқоби остига яшириниб, ҳақиқатда эса халқларнинг Октябрь революцияси кунларида қўлга киргизган ғалабаларини барбод қилмоқчи бўлган партияларга қаттиқ хайфсан эълон қилинсин; иккинчидан, Марказий Ижроия Комитети ва халқ Комиссарлар Советига тўла ишонч билдирилсин ҳамда уларни батамом қўллаб-қувватлашга ваъда қилинсин.

Шу билан бирга, мажлис сўл эсер ўртоқларнинг халқ ҳукумати составига киришларини лозим деб топади.

Петроград гарнизони ҳарбий қисмлари вакилларининг кенгаши

7

ВИНО ПОГРОМЛАРИ

Оқибат-натижада маълум бўлишича кадетлардан ёрдам олган махсус ташкилотлар солдатлар ўртасида тартибсизлик чиқарган экан. Қазармага телефон қилиб, фалон жойда вино ёки ароқ беряпти, деб хабар қилганлар, шу билан бирга, аниқ адресини ҳам айтганлар. Солдатлар айтилган жойга югуришиб боришганда, махсус одам кутиб олиб, уларга ертўлаларни кўрсатган.

Халқ Комиссарлар Совети ичкиликбозликка қарши курашмоқ учун махсус комиссар тайинлади; бу комиссар вино погромларини аёвсиз бостириш билан бирга вино запасларини ҳам йўқ қилиб ташлади; кўп юз минглаб вино шишалари синдирилди ва винолар тўкиб ташланди. Умумий баҳоси 5 миллион доллардан ошиқ бўлган кўпгина ноёб винолар сақланган Қишки сарой ҳам шу ҳолга тушди. Бошда шишаларни уриб синдирдилар ва виноларни тўкдилар, сўнгра эса қолганларини Кронштадтга олиб кетиб, ўша ерда шиша ва бочкалар мажақлаб ташланди ҳамда винолари тўкиб юборилди.

Троцкий «революциянинг ҳусни ва фахри» деб айтган Кронштадт солдатлари бу ишда матонат кўрсатдилар ва интизом сақладилар.

8

СПЕКУЛЯНТЛАР

ИККИ ДЕКРЕТ

«Халқ Комиссарлар Советидан
Ҳарбий-революцион Комитетга

Уруш ва хўжалик бузғунчилиги туфайли юз берган озиқ-овқат тартибсизлигини спекулянтлар, чайқовчилар ва уларнинг шериклари темир йўлларда, пароходда, транспорт идораларида ва шу каби жойларда жуда авжига чиқармоқдалар.

Халқ бошига жуда оғир кулфатлар тушган бир шароитда жиноятчи йиртқичлар фойда олиш мақсадида миллион-миллион солдат ва ишчиларнинг соғлиғи ва ҳаёти билан ўйнашмоқдалар.

Бундай аҳволга асло чидаб туриб бўлмайди.

Халқ Комиссарлар Совети Ҳарбий-революцион комитетга спекуляция ва саботажчиликни, запасларни яшириш, юкларни жўнатишга ушлаб қолиш ва шу каби ҳолларни тезда бартараф қилиш учун чоралар кўришни таклиф этади.

Шундай ишларда айбланган барча шахслар Ҳарбий-революцион комитетнинг махсус қарори билан дарҳол қамоққа олиниб, *Кронштадт тюрьмаларига қамаладилар, Ҳарбий-революцион судга бериладилар.*

Барча халқ ташкилотлари озиқ-овқат ўғриларига қарши курашга тортилмоқлари лозим.

Халқ Комиссарлар Совети раиси
В. Ульянов (Ленин)».

«Барча виждонли гражданларга

Ҳарбий-революцион комитет қарор қилади:

Ўғрилар, чайқовчилар ва спекулянтлар халқ душманлари деб эълон қилинади...

Барча оммавий ташкилотларга, барча виждонли гражданларга Ҳарбий-революцион комитет таклиф этадики, ўғирликлар, чайқовчиликлар, спекуляция тўғрисида кўрган-билганларингизни дарҳол Ҳарбий-революцион Комитетга маълум қилингиз.

Бу ёвузликка қарши кураш барча виждонли кишиларнинг умумий ишидир.

Халқ манфаатларини қадрловчи кишилардан Ҳарбий-революцион Комитет ёрдам кутади.

Спекулянт ва чайқовчиларни Ҳарбий-революцион Комитет шафқатсиз равишда таъқиб этади.

Ҳарбий-революцион Комитет.

Петроград, 1917 йил, 10 ноябрь».

9

ПУРИШКЕВИЧНИНГ КАЛЕДИНГА МАКТУБИ

«Петроградда аҳвол танг. Петроград ташқи дунёдан ажратиб қўйилган ва бутун ҳокимият тепасида большевиклар одамларни кўча-куйларда ушлаб, Нева дарёсига улоқтириб ташламоқдалар ва судсиз тюрьмаларга қамамоқдалар. Ҳатто Бурцев ҳам Петропавловск қалъасида қаттиқ исканжа остида ётмоқда.

Тепасида мен турган ташкилот офицерларни ва ҳамма ҳарбий мактаб қолдиқларини иттифоқ қилмоқ ҳамда уларни қуроллантирмоқ устида жиддий иш олиб бормоқда. Офицерлар ва юнкерлар полкларини тузиш билангина нажот йўли топилиши мумкин. Уларга зарба бериб, дастлабки ютуқлар қўлга киргизилганидан кейин, бу ердаги ҳарбий қисмларни ҳам қўлга киргизиш мумкин бўлади; аммо шундай шароит туғдирмасдан туриб, дарҳол бундаги бирорта солдатга ҳам ишониш қийин, чунки солдатларнинг энг яхшилари деярли ҳамма полкларда ифлослар томонидан тарқатиб юборилган ва даҳшат ичида қолдирилган. Казакларнинг кўпчилик қисми эса кескин бир ҳаракат билан яна бирор нарса қўлга киргизиш пайтини бой берган Дутовнинг қизиқ сиёсати натижа-

сида пропаганда қилавериб қатъий ишонтириб қўйилибди. Авраш ва насиҳатлар сиёсати ўз самарасини кўрсатибди: барча инсофли кишилар ҳаммаси хўрланиб-азобланган, юрак олдириб қолган, жиноятчилар ва авом халқ ҳукмронлик қилмоқда, улардан энди фақат халқ олдида отиб ташлаш ва дорга осиш йўли билангина қасос олиш керак бўлади.

Сизнинг буёққа келишингизни орзиқиб кутмоқдамиз, генерал, яқинлашиб келишингиз биланоқ бор кучларимиз билан қўзғоламиз. Аммо бунинг учун сиз билан алоқа боғлашимиз ҳамда даставвал қуйидагиларни билишимиз лозим:

1. Бўлажак курашда қатнаша оладиган барча офицерларга бу ерда номингиздан, гўёки сиз билан қўшилиш баҳонаси остида Петроградни ташлаб чиқиб кетиш тўғрисида таклиф қилаётганлари сизга маълумми?

2. Сизнинг Петроградга яқинлашувингизни тахминан қай вақтга кутсак бўлади. Ҳаракатларимизни бир-биримизга мослаш учун бу нарсани илгарироқ билсак фойдадан ҳоли бўлмасди.

Ўз бўйнига большевистик асорат тақишга йўл қўювчи бу ердаги энг онгли жамоатчиликнинг жиноятқорона лавашанглигига, уюштирилиши оғир ва қийин бўлган кўпчилик офицерлар қисмининг кишини ҳайратда қолдирарлик даражада ланжлик кўрсатишига қарамасдан, биз аминмизки, ҳақиқат бизнинг томонимизда ҳамда биз ватанга бўлган меҳр-муҳаббат ва уни қутқазиш йўлида қилган ҳаракатимиз билан бузуқ ва қора кучлар устидан ғалаба қозонамиз. Нима бўлса ҳамки, биз руҳимизни туширмаймиз, охиригача матонатли бўлиб қоламиз».

Пуришкевич Ҳарбий трибунал судига берилган ва қисқа муддатга тюрьмага қамалишга ҳукм қилинган эди.

10

«ЭЪЛОННОМАЛАРГА ДАВЛАТ МОНОПОЛИЯСИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА ДЕКРЕТ

1. Вақтли матбуот нашрларида, шунингдек тўпламлар ва афишаларда пуллик эълонномалар босиб чиқариш ҳамда эълонномаларни киоскалар, конторалар ва шу сингари муассасаларга топшириш ҳам давлат монополияси деб эълон қилинади.

2. Бундай эълонномаларни фақат ишчи ва деҳқон ҳукуматининг Петрограддаги нашриётигина ҳамда Ишчи, Солдат ва Деҳқон Депутатлари маҳаллий Советларининг нашриётигина босиб чиқариши мумкин.

Эълонномаларни босиб чиқаришга ҳуқуқи йўқ нашрлар ёпилади.

3. Эълонномалар босиб чиқариладиган газеталар ва идораларнинг эгалари, шунингдек идоралар, экспедициялар ҳамда шулар сингари бирор корхонанинг хизматчилари юқорида кўрсатиб ўтилган идоралар юзасидан уни давлатга топширгунга қадар ўз вазифаларида ишлаб туришлари, бу идорада тўла тартиб сақланиши учун жавобгар бўлишлари, корхоналарнинг муттасил ишлашига риоя қилишлари, барча хусусий эълонномаларни, шунингдек, буни қабул қилганлик учун олинган ҳамма пул маблағларини Советлар нашрига топшириш учун ҳамда ҳужжатларни илова қилиш билан тўла ҳисобдор бўлишлари лозимдир.

4. Пуллик эълонномаларни босиб чиқарадиган барча нашрлар ва корхоналарнинг мудирлари, шунингдек бу корхоналарнинг барча ишчи ва хизматчилари дарҳол шаҳар йиғилишига тўпланиш учун сўз берадилар, корхонанинг ишларини янада яхшироқ ва тўғрироқ ташкил қилмоқ, совет нашрларида хусусий эълонномаларни босиб чиқармоқ, бу эълонномаларни аҳоли учун қулайроқ шаклда қабул қилиб, босиб чиқармоқ йўлида низомнома тузиб чиқмоқ учун бошда шаҳар союзига, сўнгра эса Бутун Россия союзига бирлашадилар.

5. Ҳужжатларни ёки пул маблағларини яширишда айбланганлар, шунингдек 3 ва 4 параграфларда кўрсатилган чораларга саботажчилик қилувчилар бутун мол-мулклари мусодара қилиниш ва 3 йиллик муддатгача тюрьмага қамалиш билан жазоланадилар.

6. Эълонномаларини ҳисобот тариқасида, реклама, мақолалари тарзида ёки бошқа ниқобланган шаклларда хусусий нашрларда босиб чиқариш ҳам жазога мустаҳиқ қилинади.

7. Эълонномалар қабул қилиш ва топшириш корхоналари давлат томонидан мусодара қилинади, башарти зарур бўлса, бу корхоналарнинг эгаларига вақтинча давлат ёрдами ҳам тўланади. Мусодара қилинадиган корхоналарнинг майда хусусий эгаларига, пул қўювчилар ва акционерларга уларнинг қўйган вкладлари тўла қайтариб берилади.

8. Пуллик эълонномаларни босиб чиқарувчи барча нашрлар, идоралар, экспедициялар ва умуман корхоналар ўзларининг турган жойлари тўғрисида дарҳол Ишчи ва Солдат Депутатлари Советига аниқ маълумот беришлари ҳамда 5-параграфда кўрсатилган жазо чораси таҳдидида ишларни ва эълонномаларни тезликда топширишга киришмоқлари лозимдир.

Халқ Комиссарлар Совети Раиси
В. Ульянов (Ленин).

Маориф халқ комиссари *А. В. Луначарский.*

Тасдиқловчи секретарь *Н. Горбунов*».

11

«МАЖБУРИЙ ФАРМОЙИШ

1. Петроград шаҳри муҳосара ҳолатда деб эълон қилинади.

2. Кўчаларда ва майдонларда ҳар қандай мажлислар, митинглар, йиғилишлар ва шу сингарилар ўтказиш тақиқланади.

3. Вино ер тўлаларини, омборларни, заводларни, дўконларни, магазинларни, хусусий квартиралар ва шу сингариларни талон-торож қилишга урунишлар *ҳеч огоҳлантиришсиз пулемётдан ўт очилиб тўхтатилади.*

4. Хонадон комитетлари, швейцарлар, қоровуллар ва милиция зиммасига хонадонларда, ҳовлиларда ва кўчаларда энг қаттиқ тартиб ўрнатиш учун ёрдамлашиш вазифаси юкланади, шу билан бирга, дарвоза ва подъездлар кеч соат 9 да беркитилиб, эрталаб соат 7 да очилиши лозим. Кечалари хонадон эгаларини хонадон комитетлари назорати остидагина уйларига киритиш лозим.

5. Ҳар қандай спиртли ичимликларни тарқатиш, сотиш ёки сотиб олишда айбланганлар, шунингдек 2 ва 4-моддаларни бузганлар дарҳол қамоққа олиниб, энг оғир жазога тортиладилар.

Ишчи ва солдат депутатлари Советлари Ижроия комитети ҳузуридаги погромлар билан курашиш комитети.

Петроград, 6 декабрь, кечаси соат 3 да».

12

«АҲОЛИГА

Ишчи, солдат, деҳқон ва барча меҳнаткаш ўртоқлар!

Ишчи ва деҳқонлар революцияси Петроград ва Москвада узил-кесил ғалаба қозонди...

Янги ҳукуматни қўллаб-қувватлаганлик тўғрисида фронтдан ва қишлоқлардан ҳар куни ва ҳар соатда хабарлар оқиб келмоқда... Ишчи ва деҳқон революциясининг ғалабаси таъминланди, чунки халқнинг кўпчилиги энди унинг тарафида.

Ўз-ўзидан маълум ва равшанки, помешчик ва капиталистлар, хизматчи ва амалдорлар буржуазия билан яқиндан боғланганлар, хуллас, ҳамма бойлар ва бойларга қўл чўзувчилар янги революцияни душманлик билан қаршилайдилар, унинг ғалабасига тўсқинлик қиладилар, банкаларда ишларни тўхтатиш билан қўрқитадилар, турли муассасаларнинг ишларини издан чиқарадилар ёки тўхтатиб қўймоқдалар, уларга турли йўллар билан ҳалал берадилар, унга гоҳ бевосита, гоҳ билвосита тўсқинлик қиладилар. Ҳар бир онгли ишчи жуда яхши тушунадики, бизнинг бундай тўсқинликка учрашимиз

шубҳасиздир, чунки юқори даражали хизматчилар халққа қарши туриб, ўз позицияларини халққа осонликча бериб қўйишни истамайдилар. Меҳнаткаш синфлар бундай тўсқинликдан бир минут бўлса-да чўчимайдилар...

Халқнинг кўпчилиги биз томонда. Меҳнаткашлар ва бутун дунёдаги мазлум халқларнинг кўпчилиги биз томонда. Ҳақ-қоний иш биз томонда. Бизнинг ғалабамиз таъминланган.

Капиталистлар ва юқори даражадаги хизматчиларнинг қаршилиги синдирилади. Банкларни ва синдикатларни национализация қилиш ҳақида давлатнинг махсус қонунисиз ҳеч бир киши мол-мулкидан маҳрум этилмайди. Шундай қонун тайёрланмоқда. Ҳеч бир ходим ва меҳнаткаш бир тийин ҳам жабр кўрмайди, аксинча, унга ёрдам кўрсатилади. Ҳукумат ҳозирча янги солиқлар белгиламасдан, илгари белгиланган солиқларни ҳеч бир қолдирмасдан ундириб олиш ишида қаттиқ учёт ва контроль белгилашни ўз олдига биринчи вазифа қилиб қўяди...

Меҳнаткаш ўртоқлар! Эндиликда давлатни ўзингиз бошқаришингизни хотирингизда тутинг. Агар ўзларингиз бирлашмасангиз ва давлатнинг ҳамма ишларини ўз қўлингизга олмасангиз ҳеч ким сизга ёрдам кўрсатмайди. Сизларнинг Советларингиз эндиликда — давлат ҳокимияти органлари, ваколатлик, ҳал қилувчи органлардир.

Ўз советларингиз теварагига жипслашингиз. Уларни мустаҳкамлангиз. Ҳеч кимни кутиб турмасдан ишни қуйидан ўз қўлингизга олингиз. Қаттиқ революцион тартиб ўрнатингиз, ичкиликбозлар, безорилар, контрреволюцион юнкерлар, корниловчилар чиқармоқчи бўлган анархияни шафқатсиз равишда бостирингиз.

Ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни ҳисобга олиш устидан қаттиқ контроль ўрнатингиз. Бундай зарар ишлаб чиқаришга саботажчилик (бузиш, тўсқинлик қилиш, қўпорувчилик қилиш) тусида бўладими, ё запас ғалла ва маҳсулотларни яшириш, ё ташилаётган ғаллаларни тўхтатиб қолиш; ёки темир йўл, почта, телеграф, телефон ишларини издан чиқариш шаклида юз берадими, умуман буюк сулҳ ишига, ерларни деҳқонларга тақсимлаб бериш ишига, ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни тақсимлаш устидан ишчи контроллигини таъминлаш ишига ҳар қандай тўсқинлик қилишга уринувчи шахсларни қамоққа олиб, революцион судга топширингиз.

Ўртоқ ишчилар, солдатлар, деҳқонлар ва барча меҳнаткашлар! Жойларда барча ҳокимиятни ўз Советларингиз қўлига олингиз... Кўпчилик деҳқонларнинг маъқуллаши ва розилигига, деҳқонлар ва ишчиларнинг амалий тажрибасига суяниб биз тадрижий суратда, мустаҳкам ва ҳеч бир оғишмасдан социализмнинг ғалабаси сари борамиз. Бу ғалабани энг тараққий қилган мамлакатларнинг илғор ишчилари мустаҳкамлайди ҳамда барча халқларга мустаҳкам тинчлик беради

ва уларни ҳар қандай зулм, ҳар қандай эксплуатациядан халос этади.

Халқ Комиссарлар Совети Раиси
В. Ульянов (Ленин).

Петроград, 1917 йил 5 ноябрь».

13

«ПЕТРОГРАДНИНГ БАРЧА ИШЧИЛАРИГА

Ўртоқлар! Революция ғалаба қилади — революция ғалаба қилди. Бутун ҳокимият бизнинг Советлар қўлига ўтди. Дастлабки ҳафталарда энг қийин бўлди. Енгилган реакцияни охиригача мажақлаб ташламоқ керак, бизнинг умид-орзуларимизнинг тўла тантана қилишини таъмин этмоқ керак. Советларнинг янги халқ ҳукуматига барча вазифаларини енгил бажарилишини таъминламоқ учун ишчилар шу кунларда *катта бардош ва матонат* кўрсатиши лозим ва керакдир. Шу кунларда ишчилар масаласига доир янги қонунлар чиқарилади, шу жумладан ишлаб чиқариш устидан ишчилар контроли ҳақида ҳамда саноатни тартибга солиш тўғрисида дастлабки қонунлар чиқарилади.

Петроградда ишчилар оммасининг забастовка ва қўзғолонлари энди фақат зарар келтиради.

Биз сизлардан дарҳол барча иқтисодий ва сиёсий забастовкаларни бас қилишингизни, ҳаммангиз ишга тушишингизни ва тўла унумли ишлашни сўраймиз. Барча заводларнинг, барча корхоналарнинг ишлаши Советларнинг янги ҳукумати учун жуда зарурдир, чунки ишларнинг ҳар қандай издан чиқарилиши бизга янги қийинчиликлар туғдиради, ҳолбуки бундай қийинчиликлар бусиз ҳам тўлиб ётибди. Ҳамма ўз жойини эгалласин.

Шу кунларда Советларнинг янги ҳукуматига ёрдам кўрсатишнинг энг яхши чораси — ўз ишингни бажаришдир.

Яшасин пролетариатнинг қатъий матонати! Яшасин революция!

Петроград Ишчи ва Солдат Депутатлари Совети.
Касаба союзлари Петроград Совети.
Фабрика-завод комитетларининг Марказий Совети».

14

МУРОЖААТНОМАЛАР ВА КОНТРМУРОЖААТНОМАЛАР

«Давлат ва хусусий банклар хизматчиларидан Петроград аҳолисига

Ўртоқ ишчилар, солдатлар ва гражданлар!

Ҳарбий-революцион Комитет «ошиғич билдиришда» давлат ва хусусий банкалар ҳамда бошқа муассасаларнинг меҳнаткашларини ҳукуматнинг фронтни озиқ-овқат билан таъминлашга қаратилган ишини «қўпормоқдалар» деб айблаяпти.

Ўртоқлар ва гражданлар, умумий меҳнат армиясининг бир қисмини ташкил этувчи сизларга тақилган бу туҳматга ишонмангиз.

Бизнинг меҳнат ҳаётимизга доимий зўрлик аралашуви қўрқинч остида ишлаш на қадар оғир бўлмасин, ватан ва революциянинг ҳалокат ёқасида турганини билиш на қадар оғир бўлмасин, биз каттадан кичик ҳаммамиз, хизматчилар, артелчилар, ҳисоботчилар, ишчилар, хат ташувчилар ва ҳоказолар фронтни, мамлакатни озиқ-овқат ҳамда аслаҳа-анжомлар билан таъминлашга боғлиқ бўлган вазифамизни бажараверамиз.

Ўртоқ ишчи ва солдатлар, сизларнинг пул ва банка ишларидан бехабар эканлигингизни билиб, сизларни ўзларингиз сингари меҳнаткашларга қарши гиж-гижламоқдалар ва бу билан, фронтда оч қолиб ўлаётган солдат оғайниларингиз учун жавобгарликни ўз зиммаларидан олиб, умумий қашшоқлик ва вайронгарчилик исканжаси остида ўз вазифасини адо этаётган бегуноҳ меҳнаткашларнинг устига юқламоқчи бўладилар. .

Ишчи ва солдатлар шуни хотирда тутингиз! Хизматчилар доим бир қисмини ўзлари ташкил этган меҳнаткаш халқнинг манфаатларини ҳимоя қилиб келдилар ва ҳимоя қилажаклар ҳамда фронтга ва ишчиларга зарур бўлган бир тийинни ҳам хизматчилар тўхтатиб қолганлари йўқ ва тўхтатиб қолмайдилар ҳам.

Ушбу йилнинг 24 октябридан 10 ноябригача, яъни 17 кун ичида фронтга *500 миллион* сўм юборилган, Москвага *120 миллион сўм* юборилган, бошқа шаҳарларга юборилганлар бундан мустаснодир.

Таъсис мажлиси туфайли фақат рус халқигина том ҳуқуқли хўжайин бўлиши мумкин бўлган халқ мулкини қўриқлаш билан, хизматчилар номаълум мақсадлар учун кетаётган пулларни бериб туришгагина кўмаклашадилар.

Сизларни зулмга-тааддига даъват қилувчи бўҳтончиларга ишонмангиз.

Бутун Россия давлат банки хизматчилари союзи Марказий правлениеси.

Бутун Россия кредит муассасалари хизматчилар касаба союзи Марказий правлениеси».

«Петроград аҳолисига

Гражданлар! Озиқ-овқат министрлигининг ҳамма хизматчилари тўғрисида, шунингдек Россияни халос қилмоқ учун шу қора кунларда қўл силтамай ишлаётган бошқа озиқ-овқат ташкилотларининг ходимлари тўғрисида даҳшатли ёлғонлар тарқатаётган масъулиятсиз шахслар томонидан сизга уқдирмоқчи бўлинган бўҳтонларга ишонмангиз. Гражданлар!

Деворларга ёпиштирилган хитобномаларда бизни уркалтак қилиш учун сизларни даъват этмоқдалар, саботажчилик ва забастовкада айблаб бизнинг устимизга бўҳтонлар тўқимоқдалар, гарчи биз рус халқини очлик ҳалокатидан сақлаб қолмоқ учун тинмасдан муттасил курашганимиз ва курашаётганимизга қарамасдан, рус халқининг бошига тушган бутун фалокат ва бахтсизликлар учун бизни айбламоқдалар. Кўп азоб-уқубат кечирган Россиянинг граждани сифатида бошимиздан кечирадиган қийинчиликларга қарамасдан, биз армияни ва аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдек оғир ва масъулиятли ишимизни бир соат бўлса-да ташламаймиз.

Бизнинг ҳаётимизни қон тўкиб, азоб-уқубат билан ҳимоя қилаётган, оч қолган ва совуққа қотган армиянинг образи бизни бир минут бўлса-да ёлғиз қолдирмайди.

Гражданлар! Халқимизнинг ҳаётида ва тарихида рўй берган энг қора кунларни бошимиздан кечирган бўлсак, очликни Петроградга йўлатмаган бўлсак, қийинчилик тортаётган армияни нон ва ем-хашак билан бир қадар бўлса-да таъминлашга фавқулодда ва ғайри инсоний куч сарфлаган бўлсак, бунинг сабаби шуки, биз ўз ишимизни ҳалол давом эттирдик ва эттираётирмиз.

Ҳокимиятни босиб олганларнинг «сўнгги огоҳлантиришларига» биз шундай жавоб қиламиз: мамлакатни ҳалок қилдирмаслик учун қўлидан келганча ҳаракат қилаётган бизларни дағдаға билан қўрқитиш уни харобликка элтаётган сизларнинг ишингиз эмас! Биз сизларнинг дўқингиздан қўрқмаймиз: бизнинг кўз ўнгимизда қийналган Россиянинг муқаддас образи турибди. Биз армияни ва халқни ғалла билан таъминлаш ишини давом эттирамиз, башарти сизлар бизнинг ватан олдидаги бурчимизни бажариш имконидан буткул маҳрум этиб қўймасаларинг, биз сўнгги кучларимизни сарфлашга ҳаракат этамиз. Акс ҳолда армия билан халқ даҳшатли очлик ичида қолади, бунинг учун жавобгарлик зўравонлар гарданига тушади.

Озиқ-овқат министрлиги хизматчилари Ижроия комитети».

«Барча амалдорларга

Шу билан маълум қилинадики, ҳукумат хизматини ва жамият муассасаларини ташлаб кетган, шунингдек саботажчилик ёки белгиланган муддатга иш топширмагани учун ишдан бўшатилган, маошни олдиндан олиб қўйиб, бунинг эвазига ишлаб бермаган барча амалдор ва мансабдор шахслар 1917 йил 14 (27) ноябрдан кечиктирмасдан, ўзлари хизмат қилган муассасага ўша олган маошларини қайтариб беришлари лозим.

Буни бажармасликда айбланганлар Ҳарбий-революцион трибунал олдида давлат мулкини ўғирлаганликда жавобгар бўладилар.

Ҳарбий-революцион Комитет.

1917 йил 24 (11) ноябрь».

«Махсус озиқ-овқат идорасидан

Гражданлар! Петроградни озиқ-овқат билан таъминлаш ишимизнинг шароити кундан-кунга тобора оғирлашиб бормоқда.

Ҳарбий-Революцион Комитет комиссарларининг бизнинг ишимизга ҳалокатли равишда аралашуви давом этмоқда.

Уларнинг ўзбошимчалик ишлари, бизнинг буйруқларимизни бекор қилишлар *ҳалокатга элтиши мумкин.*

Аҳолига бериш учун белгиланган гўшт ва ёғ сақланадиган холодильниклардан бири яна беркитилиб қўйилган, шу сабабдан биз *маҳсулотлар бузилмаслиги учун* температурани тартибга сола олмаяпмиз.

Бир вагон картошка ва бир вагон карам босиб олишиб, қаёққадир ташиб кетилган.

Реквизиция қилинмайдиган юкни (ҳалвони) комиссарлар реквизиция қилмоқдалар ва шу кунларда комиссарлар беш яшик ҳалвони ўз фойдалари учун тортиб олиб қўйганлар.

Бизнинг ўз холодильникларимизга ҳаддимиз сиғмайди; бу жойда ўз бошимча комиссарлар юкларни чиқартирмайдилар ҳамда қамоққа олиш билан хизматчиларимизга қарши террор қилмоқдалар.

Петроградда юз берган барча ҳодисалар вилоятларга ҳам етиб бормоқда. Дондан, Сибирдан, Воронеждан ва бошқа жойлардан ғалла жўнатишни рад этилган жавоблар келмоқда.

Бу аҳвол узоқ давом этиши мумкин эмас.

Қўлимиз ишга бормай қолди.

Бизнинг вазифамиз шу хусусда аҳолига маълум қилишдир.

Биз гражданларнинг манфаатларини қўриқлаш учун сўнгги имконият қолгунча қаттиқ турамиз.

Биз босиб келаётган очарчиликнинг олдини олиш учун қўлимиздан келган ҳамма чорани кўрамиз, аммо бу оғир шароитда бизнинг ишимиз шубҳасиз тўхтаб қолиши мумкин, бунинг учун биз айбдор эмаслигимизни билиб қўйинг...»

15

ПЕТРОГРАДДА ТАЪСИС МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАР

Петроградда 19 рўйхат тақдим қилинган. 30 ноябрда эълон қилинган натижани келтирамиз.

Партиялар	Овозларининг сони
Халқ социалистлари	19 109
Кадетлар	245 006
Деҳқон демократлар	3 707
Большевиклар	424 027
Универсал-социалистлар	158
Украина ва яҳудий ишчи с.-д, с.—р	4 219
Тенг ҳуқуқли аёллар иттифоқидан.	5 310
Социалист-революционерлар (мудофаачилар)	4 696
Сўл эсерлар	152 230
Халқ тараққийси союзи	385
Радикал демократлар	413
Православ приходлар	24 139
Ватанни ҳимоя қилиш аёллар союзи	318
Ишчи, солдат ва деҳқонларнинг мустақил союзи	4 942
Христиан демократлари (католиклар)	14 382
Бирлашган социал-демократлар	11 740
Меньшевиклар	17 427
«Единство» группаси	1 [illegible]3
Қазак қўшинлари иттифоқи	6 712

16

«МАРКАЗИЙ ШАҲАР ДУМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ХАЛҚ МАОРИФИ КОМИССИЯСИДАН

Ўртоқ ишчилар ва ишчи аёллар!

Байрамдан бир неча кун аввал шаҳар мактаблари ўқувчилари забастовка эълон қилганлар. Ўқувчилар ишчи ва деҳқонлар ҳукуматига қарши буржуазия тарафдори бўлиб чиқдилар.

Ўртоқлар, ота-оналар комитетларини тузиб, ўқувчиларнинг забастовкаларига қарши қарорлар чиқарингиз. Норозилик митинглари уюштириш таклифи билан район ишчи ва солдат депутатлари Советларига, касаба союзларига, фабрика-завод ва партия комитетларига мурожаат қилингиз. Ўз кучларингиз билан болаларга арчалар ва эрмак ўйинлар уюштирингиз ҳамда Марказий дума кўрсатган муддатда, байрамдан сўнг ўқишларнинг яна бошланишини талаб этингиз.

Ўртоқлар, халқ маорифи соҳасида ўз мавқеингизни мустаҳкамланглиз, пролетар ташкилотларининг мактаблар устидан контроллик қилиб туришини талаб қилингиз.

Марказий шаҳар думаси ҳузуридаги халқ маорифи комиссияси».

17

ХАЛҚ КОМИССАРЛАР СОВЕТИДАН МЕҲНАТКАШ ҚАЗАҚЛАРГА

«Казак оғайнилар! Сизларни алдамоқдалар. Сизларни бошқа халқларга қарши гиж-гижламоқдалар. Сизларга, гўё

ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари сизларнинг душманларингиз, гўё улар казаклик эркингизни, сизнинг казаклик «эркингиз»ни тортиб олмоқчилар, деб вайсамоқдалар. Қазаклар, бу гапларга ишонманглар! Сизларга ёлғон айтяптилар. Сизларни жиноятқорона алдамоқдалар. Сизларни нодонлик ва асоратда сақламоқ учун ўз генералларингиз ва помешчикларингиз алдамоқдалар. Биз, Халқ Комиссарлар Совети сиз казакларга шу сўз билан мурожаат қилмоқдамиз. Уни диққат билан ўқиб, ҳақиқат қаерда, ёвуз ёлғончилик қаерда экани ҳақида ўзингиз ҳукм этингиз.

Казакнинг ҳаёти ва хизмати доим эрксизликда, каторгада ўтарди. Бошлиқларнинг биринчи чақириғидаёқ казак дарҳол отланиб, юриш бошлаши лозим эди. Бутун уруш анжомларини казак ўзининг пешона тери тўкиб топган пулига қилиши керак эди. Қазак уруш сафаридалигида рўзғори издан чиқиб, вайрон бўлади. Шундай тартиб адолатданми? Йўқ бундай тартибни абадий йўқ қилиш лозим. *Казакларни асоратдан озод қилмоқ керак.* Янги совет халқ ҳокимияти меҳнаткаш-казакларга ёрдам беришга доим тайёр. Бунинг учун фақат казакларнинг ўзлари эски тартибни ўзгартиш учун жазм қилишлари крепостник-офицерларга, помешчикларга, бойларга бош эгиб, итоат қилишдан воз кечишлари, ўз бўйинларидан малъун бўйинтуруқни улоқтириб ташлашлари лозим. Қўзғолинглар, казаклар! Бирлашинглар! Халқ Комиссарлар Совети сизларни энг озод, энг бахтли янги ҳаётга чорлайди.

Октябрь ва ноябрь ойларида Петроградда Солдат, Ишчи ва Деҳқон Депутатлари Советларининг Бутун Россия съездлари бўлди. Бу съездлар жойларда барча ҳокимиятни Советлар қўлига, яъни халқ томонидан сайланган кишилар қўлига топширди. Бундан буён Русда халқларга юқоридан туриб бошчилик қиладиган ва жабрлайдиган ҳеч қандай ҳукмдор ва амалдорлар бўлиши мумкин эмас. Халқ ўз ҳокимиятини ўзи барпо этади. Генералнинг ҳуқуқи солдат ҳуқуқидан юқори бўлмайди. Ҳамманинг ҳуқуқи тенг. Ўзларингиз бир ўйлаб кўринглар-чи, казаклар,— бу яхшими ёки ёмонми? Сиз, казакларни биз ана шу янги, халқчил тартибга бирлашишга ҳамда ўзларингизнинг *казак депутатлари Советларингизни* барпо этишга чақирамиз. Жойларда барча ҳокимият ана шу Советлар қўлида бўлиши керак. Ҳокимият генерал унвонидаги мансабдор атаманлар қўлида эмас, балки меҳнаткаш казакларнинг ўзлари сайлаган ишончли кишилар қўлида бўлиши лозим.

Бутун Россия Солдат, Ишчи ва Деҳқонлар депутатлари съездлари помешчикларнинг ҳамма ерларини меҳнаткаш халққа олиб бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу адолатли иш эмасми ахир, казаклар? Корниловлар, Калединлар, Дутовлар, Карауловлар, Баржилар бутун жон-танлари билан бойлар тарафдори бўлиб, ерларни помешчиклар қўлида

қолдириш учун Россияни қон дарёсига ботиришга тайёрдирлар. Аммо сиз, меҳнаткаш казаклар, камбағалликдан, зулумдан ва ер танқислигидан қийналмаётирсизларми, ахир? Ҳар бир хонадон бошига 4—5 десятинадан ортиқ ери бўлмаган казаклар қанчадан-қанча. Улар қаршисида минг-минглаб десятина ери бўлган ва, бунинг устига, қўшинга қарашли ерларни ҳамда бошқа ер-сувларни ўз қўлларига киритиб олган помешчик казаклар туради. Янги, совет қонунига биноан, помешчик-казакларнинг ерлари ҳеч қандай ҳақ тўланмасдан меҳнаткаш казаклар қўлига, казак камбағалларига ўтиши лозим. Сизларни гўё Советлар ерларингизни тортиб олиб қўймоқчи, деб қўрқитмоқдалар. Сизларни кимлар қўрқитмоқда? Бой казаклар. *Улар Совет ҳокимиятининг помешчик ерларини сизларнинг ўз қўлингизга* олиб бермоқчи бўлганини жуда яхши биладилар. Казаклар, ким тарафдори бўлишингизни ўзингиз танлангиз: Корниловлар ва Калединларми, генераллар ва бойлар тарафдоримисиз ёки эса Деҳқон, Солдат ва Ишчи Депутатлари Советлари тарафдоримисиз?

Бутун Россия съезди томонидан сайланган *Халқ Комиссарлар Совети барча халқларга, уларнинг ҳеч қайсисини камситмай, дарҳол ярашиш, чинакам, демократик сулҳ тузишни таклиф этди.* Барча капиталистлар, помешчиклар, корниловчи генераллар Совет ҳокимиятининг тинчлик сиёсатига қарши бош кўтардилар. Уруш уларга фойда, ҳокимият ва мансаб келтирди. Сиз, оддий казакларга эса уруш нима келтирди? Сиз ўз оғайниларингиз — солдат ва матросларга ўхшаб *маъносиз ва мақсадсиз равишда ҳалок бўлдингиз. Бу малъун* урушнинг чўзилганига мана тезда уч ярим йилдан ошай деб қолди. Бу урушни барча мамлакатларнинг капиталист ва помешчиклари бойлик орттириш, бутун дунёни талон-торож қилиш учун бошлаб юборган эдилар. Уруш меҳнаткаш казакларга ҳалокат ва вайронгарчиликлар келтирди. Уруш казак хўжаликларининг бутун қонини сўриб олди. Бутун мамлакатимиз учун ва, хусусан, меҳнаткаш казаклар учун бирдан-бир нажот йўли — тезлик билан чинакам сулҳ тузишдир. Халқ Комиссарлар Совети барча ҳукуматларга ва барча халқларга: биз бировникини истамаймиз ва ўзимизникини бировга бермаймиз, деди. Аннексиясиз ва контрибуциясиз сулҳ! Ҳар бир халқ ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши лозим. Бир миллат иккинчи миллатни сиқишига йўл қўймаслик керак. Халқ Комиссарлар Совети барча ҳукуматларга, барча халқларга, иттифоқчи ва душман мамлакатларга ана шундай чинакам, демократик, яъни халқчил сулҳ таклиф этади. Дастлабки натижа маълум бўлиб қолди: *рус фронтида яраш-яраш қарор топди.* У ерда энди солдатлар ва казакларнинг қони тўкилишдан тўхтади. Энди, казаклар, ўзларингиз ҳал қилинглар: агар шу ҳалокатли, маъносиз, жиноий хунрезлик урушини яна давом эттирмоқчи бўлсаларингиз, у ҳолда халқ душманлари бўлган кадет-

ларни ҳимоя қилинглар, сизларни 18 июнда ҳужумга ташлаган Чернов, Церетели, Скобелевни қўллаб-қувватланглар, фронтда солдат ва казаклар учун ўлим жазосини жорий қилган Корниловни ҳимоя қилинглар. *Башарти тезликда чинакам сулҳ тузилишини истасанглар, у ҳолда Советлар сафига келиб қўшилинглар ва Халқ Комиссарлар Советини қўллаб-қувватланглар.*

Сизларнинг тақдирингиз, казаклар, ўз қўлингизда. Бизнинг умумий душманларимиз: помешчиклар, капиталистлар, корниловчи офицерлар, буржуа газетчилари сизларни лақиллатиб, ҳалокат ёқасига итармоқдалар. Оренбургда Дутов Советни қамоққа олиб, гарнизонни қуролсизлантирди. Каледин Донда Советларга таҳдид қилмоқда. У Донда ҳарбий ҳолат эълон қилиб, ўша томонга қўшин тортмоқда. Караулов Кавказда ерлиларни қирмоқда. Кадет буржуазияси уларни миллионлаб маблағ билан таъминламоқда. Уларнинг умумий мақсади: халқ Советларини бўғиб ташлаш, ишчи ва деҳқонларни бостириш, армияда яна жаллодларча интизом ўрнатиш ва меҳнаткаш казакларни абадий қулликка солишдан иборат.

Бизнинг революцион қўшинимиз халққа қарши жиноий қўзғолонга хотима бермоқ учун Дон ва Урал томонга қараб юриш қилди. Революцион қўшинларнинг бошлиқларига: исёнчи генераллар билан ҳеч қандай музокара олиб борилмасин, кескин ва шафқатсиз ҳаракат қилинсин, деган мазмунда буйруқ берилди.

Казаклар! Оғайниларингизнинг бундан сўнг қонлари тўкилиш-тўкилмаслиги сизларга боғлиқ бўлиб қолди. Биз сизларга ёрдам қўлимизни чўзмоқдамиз. Барча халқлар билан унинг душманларига қарши бирлашингиз. Калединни, Корниловни, Дутовни, Карауловни, уларнинг барча шерик ва ҳомийларини халқ душманлари, хоинлар ва сотқинлар деб эълон қилингиз. Уларни ўз қўлингиз билан қамоққа олиб, совет ҳокимияти қўлига топширингиз. Совет ҳокимияти уларни очиқ суд қилиб, ҳукм этади.

Казаклар! Казак депутатлари Советларига бирлашингиз. Казакларнинг барча ишларини ўз меҳнаткаш қўлингизга олиб бошқарингиз. Ўз бой помешчикларингизнинг ерларини ўз қўлингизга олингиз. Уларнинг ғаллаларини, асбоб-ускуналарини уруш туфайли хонавайрон бўлган меҳнаткаш казакларга деҳқончилик қилиш учун олиб берингиз.

Умум халқ иши учун кураш сари, олға, казаклар!

Яшасин меҳнаткаш казаклар!

Яшасин казаклар, солдатлар, деҳқонлар ва ишчиларнинг иттифоқи.

Яшасин, Казак, Солдат, Ишчи ва Деҳқон Депутатлари Советларининг ҳокимияти!

Йўқолсин уруш! Йўқолсин помешчиклар ва корниловчи генераллар!

Яшасин сулҳ ва халқлар қардошлиги!

Халқ Комиссарлар Совети».

18

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ДИПЛОМАТИК ЁЗИШМАЛАРИ

Троцкийнинг иттифоқчи ва бетараф давлатларга юборган ноталари, шунингдек иттифоқчи ҳарбий атташеларнинг генерал Духонинга юборган ноталари бу ерда келтириш учун жуда узунлик қилади. Бунинг устига ноталар Совет республикаси тарихининг махсус соҳасига, унинг ташқи сиёсати бобига оиддир; шу сабабдан бу масалалар ушбу китобнинг вазифасига кирмайди. Бу хусусда менинг: «Корниловдан Брестгача» деган кейинги китобимда мукаммал баён қилинади.

19

ДУХОНИНГА ҚАРШИ ФРОНТГА ҚАРАТА ХИТОБНОМА

«Сулҳ учун кураш буржуазия ва контрреволюцион генералларнинг қаршилигига учради...

Газеталарнинг хабар қилишича, собиқ бош қўмондон Духониннинг штабига муросачилар ва буржуазия агентлари: Верховский, Авксентьев, Чернов, Гоц, Церетели ва шу кабилар тўпланишади. Улар ҳатто советларга қарши янги ҳокимият тузиш учун тўпланишаётган эмиш.

Солдат ўртоқлар! Номлари юқорида айтилиб ўтилган шахслар ҳаммаси министрлар эди. Улар ҳаммаси буржуазия ва Керенский билан бир ёқадан бош чиқариб ишлаганлар. 18 июнь ҳужуми ва урушнинг чўзилиб кетганлиги учун жавобгар шулар. Улар деҳқонларга ер ваъда қилдилар, амалда эса деҳқон ер комитетларини қамоққа олдилар. Улар солдатлар учун ўлим жазоси жорий қилдилар. Улар инглиз, америка ва француз биржаларига бўйсунганлар...

Халқ Комиссарлар Совети буйруғига бўйсунмагани учун генерал Духонин Бош қўмондонлик лавозимидан бекор қилинган... Бунга жавобан у қўшинларга иттифоқчи империалистик давлатлар ҳарбий атташеларининг нотасини тарқатмоқда ва контрреволюция чиқариш пайида...

Духонинга бўйсунманглар! Унинг иғвосига учманглар! Хушёр туриб унинг ва контрреволюцион генераллар тўдасининг пайидан бўлинглар...».

20

АРМИЯ ВА ФЛОТГА БЕРИЛГАН 2-СОНЛИ БУЙРУҚДАН

«Ўрнидан бекор қилиш тўғрисидаги буйруққа қаттиқ қаршилик кўрсатгани ҳамда янги гражданлар уруши чиқишига

элтадиган жиноий ҳаракатлари учун собиқ бош қўмондон генерал Духонинни халқ душмани деб эълон қиламан.

Духонинни ҳимоя қилувчи барча шахслар, уларнинг жамоат ва партия ишида тутган ўринларидан ҳамда ўтмишларидан қатъи назар, қамоққа олинадилар. Қамаш шу иш учун махсус вакил қилиб тайинланган кишига топширилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган шахсларнинг ҳаракатларида жой ўзгариши қилиш тўғрисида уларнинг хизмат рўйхатларига мазкур ўзгаришларни тегишли равишда киргизиш билан тегишли буйруқ беришни генерал Маниковскийга топшираман.

Олий бош қўмондон *Криленко».*

XII БОБГА

1

«АҲОЛИГА

...Деҳқонлардан тушган кўп саволларга жавобан тушунтирамизки, давлат ҳокимияти бундан буён бутунлай Ишчи, Солдат ва Деҳқон Депутатлари қўлига ўтди. Ишчи революцияси Петроград ва Москвада ғалаба қозонди, Россиянинг бошқа жойларида ҳам ғалаба қозонмоқда. Ишчи ва деҳқон ҳукумати помешчикларга қарши, капиталистларга қарши деҳқонлар оммасининг. энг камбағал деҳқонларнинг, кўпчилик деҳқонларнинг ишчилар билан иттифоқини таъминламоқда.

Шу сабабдан Деҳқонлар Депутатлари Советлари, биринчи навбатда уезд, сўнгра губерния Советлари бундан буён ва Таъсис мажлиси чақирилгунча жойларда давлат ҳокимиятининг ваколатлик органлари ҳисобланадилар. Помешчикларнинг ерга хусусий эгалиги II Бутун Россия Советлар съезди томонидан бекор қилинган. Ер ҳақида ҳозирги Вақтли ишчи ва деҳқонлар ҳукумати томонидан декрет чиқарилган. Ана шу декретга биноан помешчикларнинг ҳамма ерлари батамом ва бутунлай Деҳқонлар Депутатлари Советлари ихтиёрига ўтади. Волость ер комитетлари помешчик ерларини дарҳол ўз ихтиёрларига олишлари, ҳозир энди умумхалқ мулкига айланган ва шу сабабдан халқнинг ўзи қўриқлаши лозим бўлган собиқ помешчик мулкларини қаттиқ ҳисобга олишлари, тўла тартиб сақлашлари лозимдир.

Волость ер комитетларининг революцион ҳокимиятнинг декретларини бажо келтириш йўлида уезд деҳқонлар Депутатлари Советлари билан келишиб чиқарган барча буйруқлари бутунлай қонуний бўлиб, сўзсиз ва дарҳол амалга оширилиши лозим.

II Бутун Россия Советлар съезди томонидан таъминланган ишчи ва деҳқонлар ҳукумати Халқ Комиссарлар Совети деб аталган.

Халқ Комиссарлар Совети деҳқонларни жойларда барча ҳокимиятни ўз қўлларига олишга чақиради.

Ишчилар деҳқонларни бутунлай, ҳар тарафлама ва батамом қўллаб-қувватлайдилар, машина ҳамда қуроллар ишлаб чиқаришни йўлга соладилар ва ўз навбатида деҳқонлардан ғалла етказиб беришни сўрайдилар.

Халқ Комиссарлар Совети раиси
В. Ульянов (Ленин).

Петроград, 1917 йил, 5 ноябрь».

НАШРИЁТДАН СЎНГГИ СЎЗ

Америка ёзувчиси коммунист Жон Риднинг «Дунёни титратган ўн кун» номли китоби 1919 йили Америка Қўшма Штатларида нашр этилган ва СССРда рус тилида биринчи марта 1923 йилда босилиб чиққан.* В. И. Ленин америка нашрига ёзган бош сўзида бу китобга юксак баҳо берган. Бу китобда Октябрь социалистик революцияси оммавий халқ революцияси сифатида ҳаққоний равишда тасвирланади, халқнинг тарихий ижодкорлиги ва ишчилар синфи, деҳқонлар ҳамда солдатлар оммасининг иродасини ифода қилувчи большевикларнинг улуғ роли аниқ ва равшан кўрсатилади.

Улуғ Октябрь революцияси инсоният тарихида мисли кўрилмаган революциядир. Большевиклар партияси ва Ленин бошчилигидаги Марказий Комитет бу революциянинг илҳомчиси, йўлбошчиси ва ташкилотчиси.

Бизнинг партиямиз ва унинг йўлбошчиси Ленин революциянинг бутун боришини, унинг эҳтимол тутилган бутун эгри-бугри йўлларини, унда революцион омманинг ўзини қандай тутишини, унга қарши синфлар ва партияларнинг ҳатти-ҳаракатларини доҳиёна зийраклик билан олдиндан пайқаган эдилар. Қўзғолонга раҳбарлик қилувчи органлар — Сиёсий бюро ва большевиклар партиясининг партия маркази, Петроград Совети ва унинг қўзғолонга раҳбарлик қилувчи оператив штаби — Ҳарбий-революцион комитетнинг бутун фаолияти Ленин ғоялари билан суғорилган эди.

---

* 1919 йили Америка Қўшма Штатларида китоб уч марта нашр этилган. Жон Риднинг Совет Иттифоқига 1919 йили иккинчи марта келганида В. И. Ленин китобнинг янги нашрига сўз боши ёзган, аммо китоб В. И. Ленининг сўз боши билан фақат 1926 йилдагина АҚШда босилиб чиққан.

Жон Риднинг китоби рус тилида 11 марта нашр этилган: 1923 ва 1924 йилларда (4 марта), 1925 ва 1927 йилларда (2 марта), 1928, 1929 ва 1930 йилларда. Китобнинг рус тилидаги барча нашрлари, биринчисидан тортиб, В. И. Ленин ва Н. К. Крупскаянинг сўзбошлари билан нашр этилган.

Ленинниинг ғоялари оппортунистларга қарши қаттиқ курашда ҳаётда ўзига йўл очди. Оппортунистлар эса пролетар революциясининг кучига, Россияда унинг ғалаба қозониши мумкинлигига ишонмаган эдилар. Бу таслимчилар ё қуролли халқ қўзғолонининг Ленинча тактик планига очиқдан-очиқ чиқиш қилдилар, ёки сўзда қўзғолон идеясига рози бўлиб, уни амалга оширишда шундай тактик планни таклиф этдиларки, бу эса амалда қўзғолонни муваффақиятсизликка олиб борарди.

Ленининг халқ оммасининг буюк ғалабасига зўр ишонч руҳи билан, ҳам революция лагеридаги ва ҳам унинг душманлари лагеридаги реал шароитни соғлом ҳисобга олишга асосланган ишонч билан суғорилган қўзғолон арафаси (сентябрь — октябрь) даги ҳамма хат ва мақолалари революциянинг мушкул пайтида душман олдида қурол-яроғни ташлашга тайёр турган барча қўрқоқ ва хоинларни қаттиқ савалайди ва фош қилади.

29 сентябрдаги «Кризис етилди» деган мақоласида Ленин большевиклар партияси Марказий Комитетининг аъзолари Зиновьев, Каменев, Троцкий ва уларнинг партия раҳбар ўринларидаги бир тўда тарафдорларининг тутган мавқеларини қаттиқ танқид қилади. Ленин большевикларнинг предпарламентда иштирок этишлари зарур деб қаттиқ туриб олган ва шу равишда, революциянинг кучини ғоявий жиҳатдан қуролсизлантирган, уларни қўзғолонга тайёрлик кўришдан чалғитган Зиновьев билан Каменевнинг мавқеини кескин танқид қилади. Ленин «Ҳокимиятни дарҳол қўлга олишга *қарши,* тезлик билан қўзғолон кўтаришга *қарши* Советлар съездини *кутиб туриш* тарафдори» бўлиб чиққан арбобларни ва шу жумладан Троцкийни фош этади. Қўзғолон кўтариш эса, кун тартибида ошиғич амалий вазифа бўлиб турарди.

«Бу оқимни ёки фикрни *енгиш* керак,— деб ғазаб билан ёзди Ленин. Акс ҳолда большевиклар ўзларини умрбод шармандa қилиб қўядилар ва партия сифатида *йўқ бўлиб кетадилар.* Чунки бундай пайтни қўлдан бой бериш ва Советлар съездини «кутиб туриш» ўтакетган *аҳмоқликдир* ёки *чексиз хиёнатдир....* Советлар съездини «кутиб туриш»... *бир ҳафтани* ўтказиб юбориш демакдир, ҳозир эса ҳафталар ва ҳатто кунлар *ҳамма нарсани* ҳал қилмоқда... Ҳозир ҳокимиятни қўлга олмаслик, «кутиб туриш», Марказий Ижроия Комитетида сафсата сотиш, (Совет) «органи учун кураш олиб бориш билан», «съезд чақириш учун кураш олиб бориш» билан кифояланиш *революцияни ҳалок қилиш* демакдир» (Асарлар, 26-том, 69,70,71-бетлар).

Ленининг Марказий Комитет ичида таслимчиларга қарши олиб борган қаттиқ кураши тўла муваффақият қозонди. Марказий Комитет 10 октябрда Ленининг кундалик сиёсат ҳақида қилган доклади юзасидан унинг томонидан ёзилган ре-

золюцияни қабул қилди; бу резолюцияда қўзғолоннинг муқаррарлиги ва батамом етилганлиги эътироф этилган ҳамда барча партия ташкилотларига ўзларининг амалий ишларида шунга амал қилиб иш кўришлари таклиф этилган эди. Бу резолюцияга Зиновьев билан Каменев қарши овоз берди, ўзининг аввалги позициясида қолган Троцкий Советларнинг II съезди очилмагунча қўзғолон кўтармаслик таклифи билан чиқди; бу эса амалда пишиб етилиб турган қўзғолон ишини узоққа чўзиш ва қўзғолон кунини душманга билдириб қўйиш деган гап эди.

Бу позициясини Троцкий, қисман, Петроград Советининг 23 октябрь пленумида ҳам баён қилган эди. Жон Рид ўз китобида Троцкийнинг бу чиқишини шундай келтиради. Большевиклар чиқиш қиладиларми деган саволга, Троцкий шундай жавоб қилган: «Ҳокимият ўзгариши Бутун Россия съезди томонидан амалга оширилади. Биз ишонамизки, Бутун Россия съезди бутун халқнинг уюшган озодлигига асосланувчи ҳокимиятни ўз қўлига олади» (70-бет, шу нашр).

Ленин революция учун ҳалокатли бўлган бу тактикага қарши чиқиб, Марказий Комитет аъзоларига 24 октябрь кечқурун ёзган хатида қандай бўлмасин бугун кечқурун, бугун кечаси ҳукуматни қамоққа олиб, ўша замон ҳокимиятни қўлга олиш зарурлигига ишонтиради. «Кутиб туриб бўлмайди!! Ҳамма нарсани қўлдан бериб қўйиш мумкин!!.. Революционерлар бугун ғалаба қилмоқлари мумкин бўлган (бугун ғалаба қилишлари ҳеч шубҳасиз бўлган) ҳолда, ишни эртага қолдириш билан кўп нарсани қўлдан бериб қўйиш, ҳамма нарсани қўлдан бериб қўйиш хавфи остига қўйсалар, тарих революционерларнинг бундай сусткашлигини сира кечирмайди. Бугун ҳокимиятни олганда, биз бу ҳокимиятни Советларга қарши қўймоқ учун эмас, балки Советлар учун оламиз... 25 октябрда бетайин сайловни кутиб туриш ҳалокат ёки расмиятчиликдир, халқ бундай масалаларни сайлов йўли билан эмас, балки зўрлик йўли билан ҳал қилишга ҳақли ва шундай ҳал қилмоғи лозим; революциянинг ҳал қилувчи пайтида халқ ўз вакилларини кутиб ўтирмай, бу вакилларга йўл кўрсатишга ҳақли ва йўл кўрсатмоғи лозим» (Асарлар, 26-том, 234, 235-бетлар).

Ленин 24 дан 25 октябрга ўтар кечаси Смольнийга келганида, қўзғолонга раҳбарлик қилиш ишларини бутунлай ўз қўлига олади. 25 октябрь кечаси Смольнийда Ленининг ҳузурида ўнлаб ишчилар, солдатлар, қизил гвардиячи отрядлар ва алоқачиларнинг бошлиқлари, районлар, заводлар, ҳарбий қисмларнинг вакиллари ҳозир бўлдилар. Уларнинг ҳаммаси Лениндан аниқ йўл-йўриқ оладилар. Ҳарбий-революцион комитетнинг иши кенг қулоч ёзади, Ленин томонидан ишчи ва солдатларнинг кенг равишда ривожлантирилган ташаббуси ва ғайрати мустаҳкам негиз топади.

Лениннинг доҳиёна тактикаси ғалаба қозонади.

Лениннинг қудратли кучи шундан иборат эдики, унда буюк заковат, назарий қудрат ташкилотчилик даҳоси билан чирмашиб кетган эди. Партия маркази ва Ҳарбий-революцион комитетнинг қўзғолонга раҳбарлик қилиш соҳасидаги ҳамма иши Ленин томонидан ишлаб чиқилган планга батамом мосланган, унинг сентябрь-октябрь тактик мактубларида баён қилинганларга асосан олиб борилди.

Жон Рид Ленинни фавқулодда йўлбошчи деб атади. Ҳа, Ленин чиндан ҳам фавқулодда йўлбошчи эди. Ғарбий Европа социал-демократ йўлбошчисининг типига хос бўлган сунъийлик Ленинга ёт бир нарса эди; Ленин ҳаддан ташқари содда ва шу билан бирга ўзининг бутун ҳаракат ва фикрларида жуда доно бир киши эди. Жон Риднинг ёзишича, у «энг мураккаб идеяларни энг оддий сўзлар билан баён қилиб бериш қудратига эга ва зўр жасур ақл-идрокка эга бўлган ҳолда конкрет шароитни чуқур таҳлил қила билиш маҳоратига эга киши эди. Улуғ Лениндаги бу сифатларнинг ҳаммаси унинг халқ оммаси билан жуда яқиндан алоқа боғлаганига асосланган эди. Ленин халқ оммасида тарихни яратувчисини кўрди, халқ оммасининг ижодкорлик кучига у ҳаддан ташқари ишонарди.

Ленин халқ қўзғолони ғалаба қилгандан кейин, 25 октябрь кундуз Петроград Советининг пленумида сўзлаган биринчи нутқидаёқ халқ қозонган ғалабанинг мустаҳкамлигига бениҳоят ишонганини баён қилган ҳамда янги, совет Россиясининг истиқболига ўткир кўзлик билан назар ташлаб, большевиклар, ишчилар синфи, кенг халқ оммасининг олдида турган тарихий вазифани: пролетар социалистик давлати тузилишини, бизнинг мамлакатимизда социализмнинг ғалаба қозонишини аниқ ва равшан ифодалаб берди.

Большевикларнинг бу соғлом оптимизмга Троцкийнинг Советларнинг II съездидаги истиқболсиз, мағлубиятчилик баёноти қарама-қарши эди. Жон Рид Троцкийнинг съездда сўзлаган нутқининг шу қисмини ўз китобида мана шундай келтиради: «агар Европа бундан кейин ҳам империалистик буржуазиянинг тепасида туриб қолар экан, у ҳолда революцион Россия барибир муқаррар ҳалок бўлади... иккидан бири: ё рус революцияси Европада революцион ҳаракатни келтириб чиқаради, ёки Европа давлатлари рус революциясини бўғиб ташлайдилар!» (129-бет, шу нашр).

Троцкийнинг бу нуқтаи назари ғалаба қозонган Россия пролетариатини меҳнаткаш деҳқонлар революцион равишда қўллаб-қўлтиқлашга, пролетариатнинг деҳқонлар оммасини ўз орқасидан эргаштириб олиб бориш қобилиятига ишонмасликдан келиб чиққан эди. Унинг бу фикри 1905 йилдаёқ Троцкий томонидан майдонга отилган «перманент революция» деган меньшевиклик назариясини ифода қилар эди. Бу

пролетариат томонидан Европанинг асосий мамлакатларида ҳокимият қўлга киритилмагунча бир мамлакатда социалистик революциянинг ғалаба қозониши имконсиз деган даъвони тасдиқловчи бир назария эди. Троцкий Октябрь революциясидан сал олдин ўзининг: «Тинчлик программаси» деган китобчасида шундай деб ёзган эди: «Россияда ёки Англияда революциянинг ғалаба қозониши Германияда революция қилинмасдан туриб имконсиздир ва аксинча» социалистик революциянинг ғалабаси Европанинг асосий мамлакатларида пролетариат бир йўла ғалаба қилганидан кейингина мумкин бўлади, деган фикр Троцкийнинг Жон Рид билан 17 октябрда қилган мусоҳабасида ҳам баён қилинган эди. Троцкий бўлажак ҳукуматнинг ташқи сиёсати ҳақида гапириб, шундай деган: «Шу урушнинг сўнггида мен дипломатлар томонидан эмас, балки пролетариат томонидан қайта тузилган Европани кўраман. Европа федератив республикаси, Европа Қўшма Штатлари...» (63-бет, шу нашр). Бунда Троцкий социализмнинг бир мамлакатда ғалаба қозониши тўғрисидаги ленинча пролетар революция назариясига қарама-қарши қилиб, ўзининг «перманент революция» каби мағлубиятчилик назариясидан келиб чиқадиган Европа Қўшма Штатлари шиорини қўяди.

Тарихий ҳодисаларнинг шафқатсиз мантиқи таслимчилик йўлини тутган кишиларни баъзан ўзларининг эътиқодларига зид гапириб қўйишга ва ҳаракат этишга ҳам мажбур қиларди. Қўзғолон вақтида Троцкий худди шундай бўлган эди, бунда у Петербург Советининг раиси сифатида революциянинг объектив жараёни натижасида ленинча қўзғолон тактикасини амалга оширишга мажбур бўлган эди. Петроград Советининг 25 октябрдаги мажлисида, қўзғолон кўтарган халқнинг ғалабаси факти олдида қолган Троцкий, қўзғолоннинг ғалабаси ҳақидаги хабар пленумда Бутун Россия Советлар съездининг иродасини қонунсиз равишда олдиндан ҳал қилиб қўймайдими, деб мажлис аҳлидан тушган луқмага ленинча тактика руҳида жавоб қайтаришга мажбур бўлган эди: «Бутун Россия Советлар съездининг иродаси Петроград ишчи ва солдатларининг қўзғолон қилиши каби зўр факт билан олдиндан ҳал қилиб қўйилган» (89-бет). У бундан икки кун бурун Петроград Советининг 23 октябрда бўлган пленумида айтган гапларига қарши гапиришга мажбур бўлган эди.

Аммо тарихий ҳодисаларнинг мантиқи Троцкийнинг оппортунистлик табиатини социалистик революция ва социализмнинг Россияда ғалаба қилиши мумкинлигини асосан инкор қилган, ҳақиқатда эса буржуа парламент республикаси барпо этиш тарихан қонуний деб топган ўз мухлислари ва бошқа таслимчиларнинг табиатини ўзгартмади ва ўзгартира олмади. Уларнинг партиядаги ва мамлакатдаги тутган йўли Совет давлати тузилишида ва СССРда социалистик жамият

қурилишида ленинча бош йўлга қарши муттасил хиёнаткорона хуружлардан иборат бўлди. Улар Брест сулҳи музокаралари вақтида сотқинлик позициясида турдилар, янги иқтисодий сиёсат заминида ленинча социализм қурилиши йўлига қарши иғвогарлик билан ҳужум қилдилар, мамлакатни социалистик индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришда изчил равишда ленинча йўл тутган партия Марказий Комитетига бўҳтонлар ёғдирдилар. Оппозицион таслимчи группалар ва фракцияларнинг ленинча бош йўлга қарши олиб борган тинимсиз курашларининг табиий оқибати уларнинг партиядан батамом чекинишлари ва Советларга қарши позицияга ўтишлари билан тугалланди.

Жон Рид ўз китоби учун материал тўплаш ва бу материалларни англаб олмоқ учун ишлашга тўғри келган объектив шароит туфайли қўзғолонга ҳозиргарлик кўриш даврида ва қўзғолон вақтида большевистик партия марказининг фаолиятини керакли равишда конкрет ва ишончли қилиб ўргана олмаган, чунки большевиклар партиясининг, Ленинниинг фаолияти қўзғолон ғалаба қилгунга қадар яширин ҳолда давом этган эди. Шу сабабдан, табиий, китобда Ленин ва унинг энг яқин сафдошлари таслимчиликларга қарши ва Троцкийнинг тактик йўлига қарши олиб борган қаттиқ курашлари етарли равишда акс эттирилмаган эди. Бу нарса авторга Троцкийнинг Октябрь революциясининг дастлабки кунларида сўзлаган нутқларида қарама-қаршилик борлигини аниқлашига халал берган эди.

Риднинг «Ленин ва Троцкийдан ҳамда Петербург ишчилари ва оддий солдатлардан бошқа ҳеч кимса большевиклар ҳокимиятни уч кундан ошиқ ўз қўлларида тутиб тура олмасалар керак, деган фикрга йўл қўймасди» деган даъвоси хатодир. Ленин билан бирликда Марказий Комитет ва маҳаллий большевистик ташкилотларнинг кўпчилиги эришилган ғалабанинг мустаҳкамлигига кўнгиллари тўқ эди. Фақат банкротликка учраган меньшевиклар ва эсерларнинг партиялари, ҳокимиятдан маҳрум бўлган эксплуататор синфларнинг вакиллари ва уларнинг ҳайбаракаллачилари ҳамда большевиклар партияси ичида бир ҳовуч таслимчиларгина ғалаба қозонган революциянинг муқаррар ҳалок бўлиши тўғрисида «пайғамбарлик» қилдилар. Троцкий хусусига келсак, унинг Бутун Россия Советлар съездида Россияда революциянинг тақдири ҳақидаги умидсизлик, пессимизм билан тўлган нутқи худди ана шу даврга оид эди. Китобда қуролли қўзғолон тўғрисида Марказий Комитет қарор қабул қилган вазиятнинг ёритилиши ҳам тарихий воқеликка асло тўғри келмайди (шу нашр, 35 бетга ва унга берилган изоҳотга қаралсин).

Китобдаги бу камчиликлар, шунингдек бошқа аниқсизликлар хусусий характердаги нарсалар бўлиб, Улуғ Октябрь социалистик революцияси тўғрисидаги ҳақиқатни баён қилган

ўз аҳамияти жиҳатидан зўр адабий қийматга эга ҳужжат бўлган Жон Рид китобининг қадр-қийматига принципиал таъсир этмайди.

Китоб автори қўзғолоннинг легаль раҳбарлик марказининг оператив фаолиятида, қўзғолон кўтарган халқнинг қаҳрамонлиги, мардонаворлиги ва революцион ижодида ўз ифодасини топган Ленин, большевиклар партияси идеяларидан илҳомланган эди. Худди ана шу шароит авторга оташин революционер ва талантли санъаткор сифатида ўзининг ўткир кўзлари билан ўз кўз ўнгида ривож топган революцион ҳодисаларнинг ички сирларини билиб олиши ва бу ҳодисаларнинг чуқур тарихий аҳамиятини фаҳмлаши учун имконият берди. Китобнинг асосий фазилатларидан бири ҳам ана шундадир. Бу китоб, Лениннинг берган баҳосига кўра, «пролетар революцияси нима, пролетариат диктатураси нима эканлигини англаб олишда жуда муҳим ҳисобланган ҳодисаларнинг ҳаққоний ва фавқулодда жонли тасвирини чизиб беради».

Жон Рид ўз китобини бағишлаган Россияда Октябрь халқ революцияси ҳақидаги буюк ҳақиқат Америка ва бошқа мамлакат империалистларига маъқул бўлмади. Шу сабабдан улар ўз матбуотлари саҳифасида большевиклар, Россиядаги совет тузуми устига қабиҳ бўҳтонлар ёғдириб, ўзлари эксплуатация қилиб келмоқда бўлган омманинг диққат-эътиборини рус ишчилари, деҳқонлари ва солдатларининг кўрсатган революцион жасорати ва қаҳрамонлик намуналари таъсиридан чалғитмоқчи бўлдилар. Улар Жон Рид тўплаган материалларни мусодара қилиш пайига тушдилар, китобнинг қўлёзмасини йўқотиб юбормоқ учун нашриёт идорасига олти марта босқинчилик қилиб кирганлар.

Аммо барча тўсқинликлар ва қийинчиликларга қарамасдан Жон Риднинг «Дунёни титратган ўн кун» номли китоби Америка Қўшма Штатларида 1919 йилда босилиб чиқди. Бу — башарият тарихида янги давр — пролетар революцияси даврини бошлаб берган Россиядаги ғолибона социалистик революция ҳақидаги ҳақиқатни бутун инсониятга сўзлаб берган жаҳон адабиётидаги биринчи асар эди.

А. ВИЛЬЯМС

ЖОН РИДНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Инглизчадан С. Г. ЗАИМОВСКИЙ таржимаси

Қолчак армияси учун ҳарбий анжомлар ортишдан ишчилар дастлаб бош тортган биринчи Америка шаҳри Тинч океан соҳилидаги Портленд шаҳри эди. Ана шу шаҳарда, 1887 йил 22 октябрда Жон Рид туғилди.

Унинг отаси шу қитъага биринчи келиб ўрнашиб қолган матонатли ва софдил бир киши эди. Жек Лондон бундай одамларни ўзининг Ғарбий Америка ҳақидаги ҳикояларида тасвир этган. У мунофиқлик ва сохталикка нафрат билан қаровчи ақллик бир киши эди. Нуфузли ва бой кишиларнинг тарафини олиш ўрнига у уларга қарши чиқарди. Трестлар штатнинг ўрмонзорлари ва бошқа табиий бойликларини чирмовиқ сингари ўраб олганида, у буларга қарши қаттиқ кураш олиб борди. Уни таъқиб этдилар, калтакладилар, ишдан бўшатиб юбордилар. Аммо у душманларига сира таслим бўлмади.

Шундай қилиб, Жон Ридга отасидан яхши хислатлар — жанговар курашчи қони, ақл-заковат, жасурлик ва мардлик руҳи мерос бўлиб қолди. Ундаги порлоқ истеъдод ёшлигиданоқ маълум бўлиб қолади, шунинг учун ўрта мактабни битирганидан кейин у Америкадаги энг машҳур Гарвард университетига ўқишга юборилади. Бу ерга одатда нефть короллари, кўмир баронлари ва пўлат магнатларининг ўғиллари юборилардн. Улар ўз ўғиллари тўрт йиллик муддатни спорт билан шуғулланиб, ноз-неъматлар ичида яшаб ҳамда «эҳтироссиз илмни шавқсиз ўқиб», радикализмнинг андак бўлса-да ҳужумидан мутлақо озод киши бўлиб қайтишларини жуда яхши тушунардилар. Худди ана шундай усул билан колледжларда ва университетларда ўқиб, ўн минглаб Америка ёшлари мавжуд тартибни ҳимоя қилувчилар — реакциянинг оқ гвардиясига айлантириладилар.

Жон Рид тўрт йилни Гарвард деворлари ичида ўтказди, бу ерда у ўзининг шахсий жозибаси ва таланти соясида ҳаммага ёқиб қолди. У бой ва имтиёзли синфлардан чиққан муътабар зотлар билан ҳар куни учрашиб турарди; Мутаассиб социология ўқитувчиларининг дабдабали лекцияларини тингларди. У капитализмнинг олий мартабали коҳинлари — сиёсий иқтисод профессорларининг ваъз-насиҳатларини тингларди. Шуларнинг оқибатида у плутократиянинг шу мустаҳкам истеҳкомининг қоқ марказида Социалистик клуб ташкил этди. Бу нодон-жоҳил олимларнинг афт-башараси-

га тарсаки бўлиб тушди. Бошлиқлари эса бу шунчаки гўдаклик сандироғи деган ўй билан ўзларини овутардилар. «У коллеж дарвозасидан кенг ҳаёт майдонига чиқиши биланоқ ундаги радикализм соб бўлади»— дердилар улар.

Жон Рид фанлар курсини битириб, илмий даража олди, кенг дунёга чиқиб, жуда қисқа вақт ичида уни забт этди. Ҳаётга бўлган муҳаббати, ғайрати ва қалами билан забт этди. Университетда сатирик варақа *Lampoon* («Ҳажвчи») нинг редактори вазифасидаёқ енгил ва ажойиб услуб эгаси эканлигини кўрсатди. Энди унинг қаламидан шеърлар, ҳикоялар ва драмалар ёғарди. Ноширлар унга талаблар ёғдирадилар, суратли журналлар деярли ҳаддан ташқари катта пуллар тўлай бошладилар, катта газеталар чет эллар ҳаётидаги муҳим воқеалардан обзор ёзиб беришни топшира бошладилар.

Шундай қилиб, у дунёнинг катта йўлларида кезувчи бўлиб қолди. Қимки ҳозирги замон ҳаёти билан танишмоқ истаса, Жон Рид кетидан боришигина кифоя эди, чунки муҳимроқ ҳодиса рўй берган бирор жойга у худди бўрон қушидек учиб етиб борарди.

Петерсондаги тўқимачилик корхонаси ишчиларининг стачкаси революцион довулга айланиб кетди — Жон Рид ана шу ҳодисанинг худди қайнаган ерида эди.

Қолорадода Рокфеллернинг қуллари ўз хандакларидан ўрмалаб чиқиб, қуролли соқчиларнинг сўйиллари ва милтиқларига қарамасдан, у ёққа қайтишдан бош тортдилар, бунда ҳам Жон Рид исёнчилар билан бирга эди.

Мексикада қул деҳқонлар (пеонлар) байроқ кўтариб ғалаён қилдилар ва Виллининг бошчилигида Капитолияга қараб йўл олдилар — Жон Рид ҳам отлиқ улар билан ёнма-ён борди.

Бу сўнгги қаҳрамонлик ҳақидаги хабар «Метрополитен» журналида босилиб чиқди, кейинроқ эса «Революцион Мексика» номли китобида чиқди: Рид «улуғвор кактус ва игнабаргли ўсимликлар ҳамма ёқни ўраб олган» қирмизи тусдаги тоғлар ва бепоён саҳроларни лирик бўёқларда тасвирлади.

Кенг воҳалар уни асир этди, бундан ҳам кўра уларнинг помешчиклар ва католик черковлари томонидан раҳмсиз равишда эксплуатация қилинувчи халқлари кўпроқ ўзига тортди. Жон Рид уларнинг озодлик армиясига қўшилиб олмоқ учун тоғдаги яйловлардан молларини қандай ҳайдаганликларини, кечалари лагерь гулханлари бўйларида ўтириб ўз қўшиқларини куйлаганларини ҳамда очлик ва совуққа, йиртиқ-ямоқ кийимга ва яланг оёқ бўлишларига қарамасдан ўз ерлари ва эрклари учун ажойиб курашганликларини тасвирлайди.

Жаҳон уруши бошланиб қолди — тўплар гумбурлаган ҳамма жойда: Францияда, Германияда, Италияда, Туркияда, Болқонда ва бу ерда — Россияда Жон Рид ҳозир эди. Чор чиновникларининг хиёнатини фош қилганлиги учун ҳамда яҳудийларга қарши погромлар уюштиришда уларнинг қатнашганини исботловчи материаллар тўплагани учун уни жандарма машҳур рассом Бордман Робинсон билан бирга қамаб қўяди. Аммо, ҳар вақтдагидек ўзининг усталик билан ишлатган ҳийласи, бахтиёр тасодиф ёки ўткир найранги орқасида Жон Рид уларнинг панжасидан қутулиб чиқиб, кула-кула янги авантюрасини бошлайди.

Хавф-хатар ҳеч қачон уни тўхтатиб қола олмас эди. Хавф-хатар унинг энг яқин стихияси эди. У аксари ман этилган зоналарга, окопларнинг олдинги сафларига ўтиб оларди.

Менинг Жон Рид ва Борис Рейнштейн билан 1917 йил сентябрь ойида Рига фронтига борганим хотирамда ҳали ҳам сақланиб турибди! Бизнинг автомобилимиз герман артиллерияси шарқ томонидаги бир кичик қишлоқ устига граната ёғдириб турган бир пайтда жанубга, Венден томонга қараб йўл олган эди. Ана шу қишлоқ Жон Рид учун бирданига дунёда энг ажойиб бир жой бўлиб туйилди. Бизларни ўша томонга борайлик деб қистаб туриб олди. Биз эҳтиёт бўлиб олдинга ўрмалаб кетдик, бирдан орқамизда катта бир снаряд портлаб қолди, шу тобдагина босиб ўтган йўлимизда осмонга қараб қопқора чанг ва тутун кўтарилди.

Биз қўрқиб кетганимиздан жон ҳолатда бир-биримизга маҳкам ёпишиб олдик, аммо орадан бир минут ўтгач, Жон Рид илжайиб қўйди. Афтидан, бундан завқланган бўлса керак.

Жон Рид бир фавқулодда ҳодисадан иккинчисига кўчиб, бутун жаҳонни, барча мамлакатларни, бутун фронтларни ана шу хилда кезиб юрди. Аммо у шунчаки авантюрист, сайёҳ-журналист, одамларнинг тортаётган азоб-уқубатларини бепарво туриб таъқиб этувчи бегона томошабин эмас эди. Аксинча, уларнинг тортаётган жабр-жафолари унинг ҳам жафоси эди. Бу тартибсизликлар, ифлосликлар ва азоб-уқубатлар, қон тўкишлар ундаги адолатлилик ва одамшавандалик ҳисларини таҳқирлади. У бу ёвузликларнинг илдизини топиб, уни бутунлай қўпориб ташлаш учун астойдил бел боғлади.

Мана у дарбадарликдан Нью-Йоркка ҳам қайтиб келди, аммо дам олиш учун эмас, янги иш ва агитация юргизиш учун келди.

Мексикадан қайтиб келгач, у шундай деб ёзди: «Шундай, Мексикада исён ва тартибсизлик, аммо буларнинг ҳаммаси учун масъулият ерсиз деонлар зиммасига эмас, балки олтин ва қурол юбортириб ғалаён уруғини сепувчи, яъни бир-бири билан рақобат қилишувчи Америка ва Англия нефть компаниялари устига тушади».

Петерсондан у Нью-Йоркнинг энг катта зали ҳисобланган Madison Square Gardens, «Петерсон пролетариатининг капитал билан жанги» деган зўр драматик томошани кўрсатиш учун қайтиб келади.

Колорадодан у Лудлодаги ваҳшиёна зулмни ҳикоя қилиш учун қайтади. Бу воқеа Сибирдаги Лена ишчиларини отиш воқеасининг даҳшатларидан ҳам оғир бўлган. У шахтёрлар ўз уйларидан қандай улоқтириб ташланганликлари, уларнинг палаткаларида қандай ҳаёт кечирганликлари, бу палаткалар керосин сепиб, ўт қўйиб юборилгани, у ерлардан қочиб чиққан ишчиларни солдатлар қандай ўққа тутгани — ёнғин ичида қолиб йигирма чоғлиқ хотин-қизлар ва болалар ўлиб кетгани ҳақида ҳикоя қилиб берди. Миллионерлар короли бўлган Рокфеллерга мурожаат қилиб: «Бу сизнинг шахтангиз, булар сизнинг ёлланган бандит ва солдатларингиз. Сиз қотилсиз!»

Уруш майдонларидан ҳам у урушаётган айрим мамлакатларнинг золимлиги тўғрисида қуруқ сафсаталар билан қайтмади, балки турган-битгани ваҳшийликдан иборат бўлган, бир-бирига душман империалистик давлатлар томонидан уюштирилган хунрезликдан иборат урушга ҳам лаънатлар

ўқиб қайтди. «Либерейтор» («Озодлик») деган радикал революцион журналда у: «ўз солдат ўғлинг учун жиннилар либосини топиб қўй» деган шиор остида заҳарли антимилитаристик мақоласини бостириб чиқарди. Бу журналга у ўзининг энг яхши мақолаларини текинга бериб турарди. Бошқа редакторлар билан бир қаторда у ҳам давлатга хиёнат қилишда айбланиб Нью-Йорк судига берилади. Прокурор ватанпарварлик кайфиятидаги адвокатлардан айбнома тайёрлатиш учун бор кучини сарфлади; у ҳатто шунгача бориб етдики, суд биноси яқинига оркестр келтириб қўйди; бу оркестр бутун суд давомида миллий гимнни чалиб турди! Аммо Рид ва унинг йўлдошлари ўз фикрларида қаттиқ турдилар. Рид мардона равишда, революцион байроқ остида социал революция учун курашни ўз бурчим деб ҳисоблайман деганида, прокурор унга шундай савол берди:

«Бироқ сиз бу урушда Америка байроғи остида жанг қилармидингиз?»

«Йўқ!»— деб қатъий жавоб қилди Рид.

«Нега йўқ экан?»

Бунга жавобан Рид оташин нутқ сўзлади; бу нутқида у жанг майдонларида ўзи шоҳид бўлган даҳшатларни таърифлаб сўзлаб берди. У шундай жонли ва кучли тасвирладики, ҳатто ноғўғри фикрда бўлган баъзи бир майда буржуа адвокатларининг ҳам кўзларидан ёш келди ва редакторларни оқлаб юбордилар.

Америка урушга энди киришай деб турган маҳалда, Рид операция столига ётган эди. Натижада у бир буйрагидан ажралди. Врачлар ҳам уни урушга яроқсиз деб топдилар.

«Буйрагимдан ажралганим мени икки халқ орасидаги урушдан озод қилиши мумкин,— деди у,— аммо у мени синфлар ўртасидаги урушга хизмат этишдан озод этмайди».

1917 йил ёзида Жон Рид Россияга қараб йўл олди; бу ерда у биринчи революцион тўқнашувларда буюк синфий жангнинг яқинлашиб қолганини тушуниб олди.

Вазиятни тезда анализ қилиб, пролетариатнинг ҳокимиятни қўлга олиши мантиқий ва муқаррар эканлигини тушунади. Аммо у сусткашлик ва кечиктиришлардан ҳаяжонга келади. Ҳар куни эрталаб уйқудан уйғониб, норози бўлгандек бир ҳис билан, революциянинг ҳали бошланмаганини билади. Ниҳоят, Смольний сигнал беради, омма эса, революцион курашга қўзғолади. Жон Рид ҳам улар билан бирга олға босгани мутлақо табиийдир. У ҳамма жойда ҳозир эди: предпарламентнинг тарқатиб юборилишида, баррикадалар қуришда, Ленин ва Зиновьев яширин ҳолатдан чиққанларида уларни олқишлаганларида, Қишки сарой забт этилганида...

Бироқ бу тўғрида Жон Рид ўз китобида ҳикоя қилган.

У бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриб материал тўплаган. У «Правда», «Известия» газеталарининг тўла нусхаларини, барча хитобномалар, брошюралар, плакатлар ва афишаларни топган. Плакатларга унинг жуда ҳаваси баланд эди. Янги плакатлар пайдо бўлган ҳар сафар башарти бошқа йўл билан топа олмаса, ўйлаб-нетиб турмасдан уни девордан сидириб оларди.

Ўша кунлари плакатлар шундай кўп ва тез босилар эдики, деворларда ёпиштириладиган жойлар ҳам қолмаган эди. Кадетлар, социал-револю-

ционерлар, меньшевиклар, сўл эсерлар ва большевикларнинг плакатлари шундай қалин қилиб ёпиштирилардики, бир куни Жон Рид бирин-устун ёпиштирилган ўн олти плакатни девордан сидириб олган. Менинг уйимга чопиб кириб, қалин қоғоз тахламини қўлида ўйнатиб туриб: «Қара! бир лаҳзада бутун революцияни ва контрреволюцияни қўлимга киргизиб олдим!»— деб хитоб қилди.

Шу тариқа у, турли йўллар билан ажойиб материаллар коллекциясини тўпларди. Улар шундай яхши эдики, 1918 йилдан сўнг Жон Рид Нью-Йорк гаванига етиб келганида Америка генерал атторнеяси (юстиция министри) нинг агентлари бу материалларни унинг қўлидан тортиб олиб қўйганлар. Аммо у, бу материалларни яна қўлга киритишга муваффақ бўлган ва Нью-Йоркдаги кулбасига яшириб қўйган ҳамда ана шу кулбада тепасидан ва остидан ғизиллаб ўтиб турган ер ости ва ер усти поездларининг тарақа-туруқи остида у ўз машинкасида «Дунёни титратган ўн кун» номли китобини ёзади.

Бу китобнинг халқ орасига ёйилиши америка фашистлари учун ёқмаган бўлса керак. Улар нашриёт идорасига олти марта бостириб кириб, китобнинг қўлёзмасини ўғирламоқчи бўлганлар. Жон Рид ўз сурати устига шундай деб ёзиб қўйган: «Шу китобни босиб чиқараман деб абгор бўлаёзган менинг ноширим Гораций Ливерайтга».

Бу китоб Россияда Жон Риднинг ҳақиқатни пропаганда қилиши билан боғлиқ бўлган адабий фаолиятининг ягона самараси эмас эди. Маълумки, буржуазиянинг бу ҳақиқатни билгиси ҳам келмасди. Рус революциясини кўрарга кўзи йўқ бўлган ва ундан қўрққан буржуазия уни ёлғонлар ичига кўмиб ташламоқчи бўлади. Сиёсий трибуналар, кинематография экранлари, газета ва журналлар саҳифаларидан ҳисобсиз энг ифлос бўҳтонлар ёғиб туради. Риддан мақолаларини ҳеч қачон сўраб босмайдиган журналлар энди унинг ёзган нарсаларидан бир сатрини ҳам босмайдиган бўлиб қолдилар. Аммо улар унинг оғзини беркитишга қодир эмасдилар. У кўп кишилар қатнашган оммавий митингларда чиқиб гапирарди.

У ўзининг журналини очди. Сўл социалист журнал «Революцион аср», сўнгра эса «Коммунист» журналининг ҳам редактори бўлиб ишлади. У «Либерейтор» учун кетма-кет мақолалар ёзиб турди. У Американи айланиб конференцияларда қатнашади, ҳаммани фактлар билан таништиради, ҳаммада революцион ғайрат руҳи туғдиради. Ниҳоят, у Америка капитализмининг марказида, бундан ўн йил бурун Гарвард университетининг қоқ бағрида тузгани Социалистик клуб сингари, Коммунистик ишчилар партиясини тузади.

«Донолар» ҳар вақтдагидек шамғалат қолдилар. Жон Риднинг радикализми «ўткинчи бир телбалик» гина бўлиб қолмади. Башорат қилишларга қарамасдан ташқи олам билан алоқа боғлаш Ридни ҳеч бир тузатмади, бу нарса балки унинг радикализмини кучайтирди ва мустаҳкамлади. Бу радикализмнинг энди нақадар чуқур ва мустаҳкам эканлигини буржуазия Рид редактори бўлган янги коммунистик орган —«Меҳнаткашлар овози»ни ўқиб ишониши мумкин. Америка буржуазияси ўз ватанидан ҳақиқий революционер чиққанини ниҳоят энди тушуниб қолди. Эндиликда ана шу «революционер» деган биргина сўзнинг ўзи уни ларзага солади. Тўғри, узоқ ўтмишда Америкада революционерлар бўлган эди, ҳаттоки ҳозир ҳам

у ерда «Америка революциясининг» ва «Америка революциясининг ўғиллари» сингари муътабар ва ҳурматга сазовор бўлган жамиятлар мавжуддир. Реакцион буржуазия 1776 йил революциясининг хотираси учун уларни ҳурматлайди. Бироқ у революционерлар дунёдан ўтганлар. Жон Рид эса жонли, фавқулодда жонли революционер, у чақириқ, буржуазия учун бир офат эди!

Буржуазия учун энди биргина йўл — Ридни қамаб қўйишгина қолган эди. Ана уни қамайдилар ҳам — бир карра, икки карра эмас, йигирма марталаб қамайдилар. Филадельфияда полиция зални беркитиб қўйиб, сўзлаш учун унга имкон бермайди. Аммо у совун яшигининг устига чиқиб олиб, кўчани тўлдирган ҳалойиққа мурожаат қилади. Митинг шундай муваффақият қозондики, ва унда хайрихоҳлар шу қадар кўп эдики, Ридни «тартиб бузувчи» деб қамаганларида адвокатлардан айблов ҳукмномаси туздириб олиш ҳам мумкин бўлмайди. Жон Ридни гарчи бир карра бўлсада қамамагунларича ҳеч бир Америка шаҳри ўзини тинч ҳис этмайди. Аммо у доим кафилга чиқиб қутулади ёки судни кейинга қолдиришга муваффақ бўлади ва шу он бирор янги соҳада жанг бошлаш учун ошиқади.

Ғарбий буржуазия ўзининг бутун бахтсизликлари ва омадсизликларини Россиядаги революция устига тўнкашга одатланиб қолган. Бу революциянинг энг ёмон жиноятларидан бири шу бўлдики, у ёш ва истеъдодли америкаликни революциянинг оташин фанатикига айлантирди. Ҳақиқатда эса бу ундай эмас эди.

Жон Ридни революционер қилган Россия эмас. Туғилган кунидан бошлаб унинг томирларида революцион Америка қони оққан. Шундай, гарчи америкаликларни доим тумтайган, гердайган ва реакцион халқ деб кўрсатилса-да, лекин уларнинг томирларида ҳар қалай ғазаб ва исён қони оқиб туради. Ўтмишдаги буюк исёнчилар — Томас Пэн, Уолт Уитмэн, Жон Браун ва Парсонс кабиларни унутмангиз. Жон Риднинг ҳозирги йўлдош ва ҳамсафлари — Биль Гэйвуд, Роберт Майнор, Рутенберг ва Фостерлардир. Гомстед, Пульман ва Лоренсдаги қонли саноат жанжалларини ҳам жаҳон индустриал ишчиларининг курашини хотирда сақлангиз (I. W. W.). Булар ҳаммаси бу лидерлар ҳам, бу омма ҳам — соф америкаликлар наслидандир. Гарчи ҳозирги вақтда жуда аниқ бўлмаса-да, аммо америкаликлар қонида қуюқ исёнчилик қони аралашмаси бордир.

Бинобарин, Жон Ридни Россия революционер қилиб қўйган деб айтиб бўлмайди. Аммо бу революция уни *илмий тафаккур юргизадиган ва изчил революционер* қилиб етиштирди. Бу — революциянинг буюк хизматидир. Бу революция ўз ёзув столи устини Маркс, Энгельс, Ленин асарлари билан тўлдириб юборишга мажбур этди. Бу революция тарихий жарён ва воқеаларнинг боришини англашга имкон берди. Бу революция унинг бир қадар туманли гуманитар қарашларини экономиканинг қаҳрли, дағал фактлари билан алмаштиришга мажбур этди. Ниҳоят бу революция уни Америка ишчилар синфининг устози бўлишга ҳамда ўзининг эътиқоди остига солган каби шу ишчилар ҳаракатининг остига ҳам ўша илмий пойдеворни солиш учун уриниб кўришга ундади.

Риднинг дўстлари унга шундай деган вақтлари ҳам бўлган: «Сенинг куч-қудратинг сиёсатда эмас! Сен пропагандист эмассан, бироқ санъаткорсан. Сен ўзингнинг бутун истеъдодингни адабий ижодий ишга бағишлашинг

лозим!» У бу сўзларнинг ростлигини аксари синаб ҳам кўрган, чунки унинг бошида доим янги шеърлар, романлар ва драмалар туғилар, улар доим ўзлари учун ифодалар қидирар, маълум бир шакл ҳосил қилишга интилардилар. Дўстлари уни, революцион пропагандангни бир четга қўйиб, ёзув столи ёнига ўтирсанг яхшироқ бўларди, деб қистаганларида, у кулиб туриб: «яхши, ҳозир шундай қиламан»— деб жавоб қиларди.

Аммо у ўзининг революцион фаолиятини бир минут бўлса-да тўхтатмади. У ҳеч бир шундай қила олмасди! Рус революцияси уни бутунлай забт этиб қўйганди. Бу революция уни ўзининг мухлисига айлантирган, ўзининг иккиланиб турадиган анархистик кайфиятларини коммунизмнинг мустаҳкам интизомига бўйсундиришга мажбур этган эди; бу революция уни ёниб турган машъал билан пайғамбардек Америка шаҳарларига жўнатган эди; бу революция Америка Қўшма Штатларидаги икки коммунистик партияни бир-бирига қўшиш устида ишлаш учун 1919 йили Москвага, Коммунистик Интернационалда ишлашга чақирган эди.

Жон Рид революцион назариянинг янги фактлари билан қуролланиб, яширин ҳолда яна Нью-Йоркка қараб йўл олади. Бир матроснинг чақимчилиги билан параходдан олиниб, Финляндия тюрьмасига, яккахонасига қамаб қўйилди. У ердан Жон-Рид яна Россияга қайтади, «Коммунистик интернационал» га ёзади, янги китоби учун материал тўплайди, Шарқ халқларининг Бокудаги съездига вакил бўлиб боради. Тиф билан касал бўлиб (Қавказда юқтирган бўлса керак), ҳаддан ташқари оғир ишдан ҳолдан кетган Жон Рид, касалликка бардош бера олмай, 1920 йил 17 октябрда якшанба куни вафот этади.

Қизил Армия СССРда контрреволюция билан курашгани сингари Америка ва Европада ҳам контрреволюцион фронтга қарши шараф билан курашган Жон Ридга ўхшаш бошқа жангчилар ҳам бўлган эди. Улардан бир хиллари погромларнинг қурбони бўлдилар, баъзи бирлари тюрьмаларда ҳалок бўлдилар. Бириси Франциядан қайтишда Оқ денгизда довул вақтида ҳалок бўлди. Бошқаси Сан-Францискода аэропландан йиқилиб чил-чил бўлди, у интервенцияга қарши аэропландан норозилик хитобномаси ташлаб юрган эди. Империализмнинг революцияга тазйиқи нақадар қаҳрли бўлмасин, агар бу жангчилар бўлмаганида, янада ёвузроқ бўлиши мумкин эди. Контрреволюциянинг тазйиқини тўхтатиб турмоқ учун улар ҳам қўлларидан келганча хизмат қилдилар. Фақат руслар, украинлар, татарлар ва кавказликларгина эмас, балки, гарчи оз-моз бўлса-да, французлар ҳам, немислар ҳам, инглиз ва америкаликлар ҳам рус революциясига ёрдамлашдилар. Ана шу «рус бўлмаган кишилар орасида Жон Рид биринчи ўринда туради, чунки бу одам фавқулодда истеъдодли, кучи тўлиб-тошган вақтда курашга отланган киши эди...

Гельсингфорс ва Ревелдан унинг вафоти ҳақида хабар келганида биз бу ҳам контрреволюционерлар ҳар куни тўқиб чиқарадиган бир нав ёлғон гап бўлса керак, деб ўйлаган эдик. Аммо Луиза Брайянт бу оғир хабарни тасдиқлаганида, биз учун на қадар оғир бўлмасин, уни рад этиш умидидан воз кечишга тўғри келди.

Гарчи Жон Рид қувғинда юрганида ва бу вақтда унинг гарданида беш йил тюрьмага қамалишдек ҳукм осилиб турганда вафот этган бўлса-да, ҳатто буржуа матбуоти ҳам санъаткор ва инсон сифатида унинг хизматлари


эвазига яраша баҳо берди. Буржуазиянинг кўнгли анча таскин топди: уларнинг қалбакилигини ва мунофиқлигини фош қила билган, ўз қалами билан уларни раҳмсиз суратда танқид қилган Жон Рид энди йўқ эди!

Американинг радикаль дунёси жуда катта жудоликка учради. Америкадан ташқарида яшовчи йўлдошлар учун Жон Риднинг вафоти туфайли тушган жудолик ҳиссини баён қилиш жуда оғир эди. Руслар одамнинг ўз эътиқоди йўлида жон бериши батамом табиий, ўз-ўзидан маълум нарса деб ҳисоблардилар. Бу бобда ҳеч қандай ҳиссиётга берилиш ярамайди. Бу ерда, Совет Россиясида минг-минглаб кишилар социализм йўлида ҳалок бўлдилар. Аммо Америкада бундай қурбонлар анчагина кам бўлган. Агар, жоиз бўлса, Жон Рид коммунистик революциянинг биринчи қурбони, келажакдаги минглаб кишиларнинг ўтмиши бўлиб қолади. Блокада қилиб қўйилган узоқ Россияда худди учар юлдуздай унинг ҳаёти бирданига сўниши Америка коммунистлари учун даҳшатли зарба бўлди.

Унинг қадрдон дўстлари ва ўртоқлари учун бирдан-бир овунчоқ бўлиб шу нарсагина қолдики, Жон Рид дунёда ягона жойда, ўзи муддао қилган ерда,— Кремль девори ёнидаги майдонда ётипти.

Бу жойда унинг қабри устига унинг табиатига монанд қилиб, йўнилмаган харсанг тошдан ҳайкал ўрнатилган; у тошга:

«Жон Рид. III интернационал делегати, 1920» деб ўйиб ёзилган.



МУНДАРИЖА

Китобнинг америка нашрига муқаддима 5
Русча нашрига сўз боши 7
Сўз боши 11
Кириш сўз ва изоҳотлар 17
I боб. Умумий вазият 29
II боб. Бўроннинг бошланиши 43
III боб. Қўзғолон арафасида 65
IV боб. Муваққат ҳукуматнинг тугатилиши 91
V боб. Тўхтовсиз олға 121
VI боб. Ҳимоя қилиш комитети 160
VII боб. Революцион фронт 170
VIII боб. Контрреволюция 187
IX боб. Ғалаба 207
X боб. Москва 223
XI боб. Хокимиятнинг қўлга олиниши 240
XII боб. Деҳқонлар съезди 264
Жон Риднинг изоҳлари 281
Нашриётдан сўнгги сўз 371
А. Вильямс. Жон Риднинг таржимаи ҳоли 381

На узбекском языке

ДЖОН РИД

ДЕСЯТЬ ДНЕЙ, КОТОРЫЕ ПОТРЯСЛИ МИР

Перевод с издания Госполитиздата — 1957 — Москва

Госиздат УзССР — 1960 — Ташкент

Таржимон *Малик Раҳмон*
Редактор *Туйғун Исамуҳамедов*
Техредактор *А. Бахтияров*
Корректор *А. Ҳусанова*

* * *

Теришга берилди 31/V 1960 й. Босишга рухсат этилди 6/VIII 1960 й. Формати 60×92¹/₁₆. Бос. л. 24,5 Нашр. л. 26,1 + 9 вкл. Тиражи 15000. Индекс *с/э*. Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 251 — 58.

* * *

ЎзССР Маданият министрлиги Главиздатининг 3-босмахонаси, Тошкент, Ленинград кўчаси, 15. Заказ № 264 Баҳоси 15 с. (1961 й. 1 январдан баҳоси 1 с. 50 т.).